



# Шарқ юлдузи

Ойлик  
адабий-бадиий,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

---

9  
1985

54-йил чиқиши

Бош редактор

Уткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Сарвар АЗИМОВ

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Нинель ВЛАДИМИРОВА

Жуманиёз ЖАББОРОВ

ЗУЛФИЯ

Абдусайд НҲЧИМОВ

/масъул секретарь/

Тоҳир МАЛИК

МИРМУҲСИН

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

Умарали НОРМАТОВ

Абдулла ОРИПОВ

Иброҳим РАҲИМ

Туроб ТҮЛА

Худойберди ТҮХТАБОЕВ

/бош редактор ўринбосари/

УЙҒУН

Улмас УМАРБЕКОВ

Ўнтам УСМОНОВ

Раҳмат ФАЙЗИЙ

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

Шонслом ШОМУҲАМЕДОВ

Иброҳим ЮСУПОВ

Нурали ҚОБУЛ

Ҳамид ҒУЛОМ

---

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

# Мундарижа

## ШЕЪРИЯТ

Ешлик қўшиқлари . . . . .	3
Шавкат Раҳмон. Ойларга етажак наволар . . . . .	91
Турсун Иброҳимов. Илдизлар . . . . .	97

## ТОЛАЛАРДАН РАНГ ОЛАР ТОНГЛАР

Шафоат Раҳматуллаев, Раъно Раҳмонова шеърлари . . . . .	126
---	-----

## НАСР

Уткир Ҳошимов. Икки эшик ораси. Роман. Давоми . . . . .	17
---	----

## ҲИКОЯЛАР

Эркин Носиров. Ноинсофни туз конида кўр ёки ҳолвани ҳо- ким ер . . . . .	105
Ғаффор Ҳотамов. Нурмурод жўжа . . . . .	112

## ЖАҲОН ТАРАҚҚИЙПАРВАР АДАБИЕТИ

Бурхон ал Хатиб. Қадим дарё бўйида . . . . .	127
--	-----

## БОЛГАР ШЕЪРИЯТИДАН

Любомир Левчев, Евтим Евтимов шеърлари . . . . .	133
--	-----

## ЖАҲОН КЛАССИК АДАБИЕТИДАН

Бобо Тоҳир. Тўртликлар . . . . .	140
----------------------------------	-----

## ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Олимжон Холдор. Ерқин саҳифа . . . . .	143
--	-----

## «ХАМСА»НИНГ 500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Абдуқодир Ҳайитметов. «Хамса»нинг яратилиш жараёни . . . . .	152
--	-----

## АДАБИЙ ТАНҚИД

Абдуғафур Расулов. Танқидчиликнинг теран томирлари . . . . .	158
Марғуба Мирқосимова. Эпик тасвир ва ҳаётни бадий идрок этиш . . . . .	163

## МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

Ҳамиджон Ҳамидов. Фирдавсий ва Навоий . . . . .	167
---	-----

## САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Омон Мухторов. Мўъжиза. Қисса . . . . .	171
---	-----

## ТАҚРИЗЛАР

Зухра Бобоева. Сержило олам қани? . . . . .	196
Ғулом Ғафуров. Учқур хаёл . . . . .	198
Абдурашид Абдураҳмонов. «Қанотли шеърлар» . . . . .	201

## ГУЛҚАЙЧИ

Неъмат Аминов. Эл севган адиб . . . . .	203
Леонид Ленч. Қалб жароҳати . . . . .	206

## Ёшлик қўшиқлари

Тўра Мирзо

### Ленин ҳайкали

Фин вокзали олдида Лениннинг ҳайкали бор,  
Йиллар ўтар, ухламай постида турар ҳушёр.  
Фашистлар ўқ отдилар даъваткор улуғ қўлга,  
Пастга туширгани йўқ ҳайкал қўлини бир бор.

Ленин шаҳрини аёз, очлик қуршаган эди,  
Нурлар эмас, қўрғошин ёмғири ёғар кўкдан.  
Гўдакларнинг нон учун чўзилган қўли синди,  
Тоқатлар қуламади кўксига теккан ўқдан.

Лат емасин ҳайкал, деб ёпдилар ёш-қарилар  
Болалар қўйлагини, аскарлар шинелини.  
Шаҳар оч, шу он ҳайкал ёпинғичдан чиқарар  
Ўн еттинчи йилдаёқ кўтарилган қўлини.

Бу буюк даъват берди ҳорғин қўлларга мадад,  
Ҳайкал қўли қўллади шаҳарни танг маҳали.  
Уруш тинди, оромга узанди Ленинград,  
Қўлини туширмайди ҳамон Ленин ҳайкали.

\*  
\*

Юзни силар ойнанинг нурлари,  
Эт жимирлар ҳароратидан.  
Бир илиқ меҳрга лим бағри,  
Дардлашгим келади у билан.

Сочини қўлимга ўрайман,  
Ой мен томон энгашади сал.  
Қиқирлаб кулар ой мастликдан —  
Юзига юз босганим маҳал.

Нурлари танамга чулғаниб,  
Қўйнимга оҳиста қўнар ой.  
Ўн саккиз ёш қиздай тўлғаниб,  
Бу кеча ёнимда қолар ой.



\* \*  
\*  
Онажон, тўнимни кенгроқ тиккин сал,  
Қуёш нурларини игнангга ўтказ.  
Армонларим менинг тўлишган маҳал,  
Ўзим ҳам тўлишиб кетсам, ажабмас.

Онажон, тўнимни узунроқ тик сал,  
Нурлар қатимини игнангга ўтказ.  
Орзуларим менинг бўй чўзган маҳал,  
Ўзим ҳам улғайиб қолсам, ажабмас.


## Худойберди Чоршанбиев

\* \*  
\*  
Бошинг узра юлдуз тўкилди,  
Айтмоқ истаб яхши бир тилак.  
Ойнинг сенга ҳаваси келди,  
Оппоқ либос кийган келинчак.

Борлиқни ишқ куйлари тутди,  
Ҳаяжонда жўш урар юрак.

Бугун қизлик дамларинг ўтди,  
Оппоқ либос кийган келинчак.

Қўлга гулгун Бахт жомини ол,  
Суюн, сенда порлоқ келажак.  
Садоқатнинг рамзи бўлиб қол,  
Оппоқ либос кийган келинчак.



## Нурулла Остонов

\* \*  
\*  
Куз қуёши каби елкамга  
қўна бошлар сарғиш япроқлар.  
Мен жимгина қадам босаман —  
соғинтирган таниш тупроққа.

Юрагимнинг зарбаларини  
такрорлайди кекса қайрағоч.  
Лабларимда сезаман шўр таъм —  
бошим узра қушлар сайрагач...

Ҳилпирайди симёғочларда  
мезонларнинг узун толаси.  
Чопқиллайди икки интиқ кўз —  
юрагимнинг эрка боласи.

\* \*  
\*  
Емғир ёққан йўлларда  
ёр қадами гулласин.  
Шўх томчилар шивиллаб,  
сочларингни ҳўлласин.

Ҳар титроғи оҳангдор —  
қўшиқ бўлсин япроқлар.

Илдиз отиб сўзингдан,  
гулга кирсин тупроқлар.

Шунда сени танисин  
баҳорнинг илк гуллари,  
Изларингдан талпинсин  
майсаларнинг қўллари.



Қадрдон тупроғингдан  
бўлсанг ҳамки йироқда,  
Онанг соғинчларини  
сезиб тургил юракда.

Ёмғир иси гуркираб  
вужудингда яйрасин  
ва ногоҳ куйчи булбул —  
юрагингда сайрасин...

Неъмат Иброҳимов

## Қўналға

(Манзара)

Йўл четида мўъжаз бир ҳовли,  
Эски эшик ланг очиқ турар.  
Саратоннинг майин шамоли  
Нон ҳидини димоққа урар.


Қўпол вужуд, тўпори дилда  
Қалқиб ётар бир эзгу туйғу.  
Дориламон, сокин манзилда,  
Икки армон юксалар уйғун.

Шоҳсупада дастурхон очик,  
Пиёлада совумаган чой  
Ва самода юлдузлар учиб,  
Ёғду элар сийм танли ой.

Йўл четида мўъжаз бир ҳовли,  
Эски эшик ланг очиқ турар...

Мезбон дилин жунбушга солар,  
Меҳмон тили — бегона лаҳжа.  
Борлиқ оғир хаёлга толар,  
Саргузаштдан энтикар лаҳза.

Қалблар туташ бераркан садо,  
Бегоналик тополмайди жой.  
Йўловчининг мағрур дардида  
Самимият очади чирой.



Сотволди Содиқов

## Ҳар гал...

Одамлар атамиш қайси бир чоқдан —  
Бирисин Оқсуву бирисин Кўксув.  
Келишар талпиниб яқин-йироқдан  
Кўҳлигин кўрмоқлик ҳар кўзда орзу.

Олиб нилий рангли самодан сайқал,  
Тоғларнинг пинжида ёрқин бу маъво.  
Фусуни ўзгача очилар ҳар гал,  
Ҳар гал сўзга берар ўзгача жило.

Бир кез муқаддас ҳам дейилган бу жой,  
Асли кўрки учун этилган ҳавас.  
Сенга ҳам шундоқми, дерсиз, ҳар қалай  
Ҳамза туфайлидан менга муқаддас.

Кимнингким шайдолик ёнса қонида,  
Шундай маъволарга талпингай, аниқ.

Ҳамза ҳам бунда илк кезган онда —  
Ким билмас, бўлганин юраги ёник.

Хурофот қашқирдек қайраганда тиш,  
Машъал қилиб ёқмиш юрагини у —  
Чуғурлайди айтиб шу нақлни куш,  
Шағирлайди айтиб шу нақлни сув.

Машшоқлар куй созлар, ҳофизлар ялла,  
Қатор ўчоқларда ланғиллар олов.  
Юртдошим, ҳордиқ ол келиб бу палла,  
Водийни саратон ёндираш лов-лов.

Майин шабадада ғаройиб ҳикмат,  
Бўлса не чарчоғинг, зумда тарқатар.  
Булоққа лаб бос бир, сипқорсанг қат-қат,  
Сув эмас, тубида нақ шарбат ётар.

Вақт келиб меҳнаткаш олгай, деб, ором,  
Билсанг, Ҳакимзода жон фидо этган.  
Ҳордиқ чиқармоққа ҳақлисан тамом,  
Сенга бу маъвони бағишлаб кетган.

Ўзи ҳам бу ерда қолмиш мангуга,  
Ҳар гал бунда узоқ тургайман тўниб.  
Пойида ниҳоллар интилар унга,  
Юксакдан лолалар боқар талпиниб.

Саодат Донабоева

## Қиз ухлайди

Қиз ухлайди, тушларида у  
Орзудаги оламин кўрар.  
Бу оламда зарра йўқ қайғу,  
Баҳодири гул тутиб юрар.

Қиз ухлайди, тушларида у  
Қанот пайдо қилади гўё.

Узоқ-узоқ учару лекин,  
Манзилига етолмас асло.

Манзилига етолса агар,  
Орзулари ушалар эмиш.  
Вужудимда бир титроқ турар,  
Манзилгача чўзилсин-да, туш...

\* \* \*



Дарахтларнинг елкасида титрамоқда япроқлар,  
Туйғулар ҳам изтиробда япроқ каби қалтирар.  
Деразадан ташқарига боқиб турар нигоҳлар,  
Самонинг бир бурчагида ўтли қилич ялтирар.  
Узоқлардан бўронларни бошлаб келган шамоллар,  
Япроқларни олиб кетар, ёлғиз қолади дарахт.  
Деразадан ташқарига боқиб турар нигоҳлар,  
Энди улар қалтирамас, энди боқар сал карахт.  
Самонинг бир бурчагида ўтли қилич ялтирар...

Шеър ўқийман.

Кушлар хиромон

Сумбатини ростлаб келади.

Шеър ўқийман.

Нилуранг осмон —

Тингламоққа пастлаб келади.

Шеър ўқийман.

Буюк денгизлар

Қирғоқлардан ҳатлаб келади.

Даста-даста чечак, ялпизлар

Ерни бир-бир «хат»лаб келади.

Шеър ўқийман.

Ўзини олам

Балолардан асраб келади.

Тинчлик куйин куйлаб баралла —

Сўз аскардай саф-саф келади...



Укпар капалакдек сарин ел учар,  
Бақатерак барги ўйнар, ўзда йўқ.  
Ажабо, япроғин бир томони зар,  
Бир томони эса бахмалдек кўм-кўк.

Она-табиатнинг бу мўъжизаси,  
Она-табиатда бор нарса сара:  
Инсон бўлмасин деб иккиюзлама,  
У яратган, балки, шундай манзара...

## Музаффар Аҳмедов

### Гул очилган кун

(Болаликда кузатган ҳолат)

— Момо, момо!  
Гул очилди, гул!  
Боғимиздан келтирдим сизга...  
Қўшни келин очилиб гул-гул,  
Кириб келди айвонимизга.  
Қизил бир гул узатди келин,  
Онам уни қўшқўллаб олди.  
Кўзга сурди,  
Лабига,  
Кейин...  
Не учундир йиғлаб юборди:

— Айланайин...  
Шошма, жон болам,  
Суюнчига, мана, буни ол.  
Сандиғини титкилаб онам,  
Тутди унга яп-янги рўмол.  
— Бир қувонсин, бу гулни, қизим,  
Кўрсат энди Ҳожар кампирга.



...Келин кетди.  
 Мен ҳам югурдим,  
 Суюнчини сўрай, деб, бирга.  
 Йўлни кесиб ўтар онда,  
 Табассуми сўнди келиннинг.  
 Кўчамизнинг у томонидан  
 Қайнонаси келарди унинг.  
 Тикан босиб олган сингари,  
 Оёқларим тошқотди бирдан.  
 Менга тенгдош болалар бари  
 Кўрқарди бу қора кампирдан...  
 — Гул очилди боғда, онажон!  
 Кўрсатай, деб, кўшни Ҳожар...  
 — Ҳой,  
 Ликиллашни ташлайсан қачон?  
 Чарчаб келдим, чой қўй менга, чой!  
 Босганича рўмолга юзин,  
 Келинчак ҳам ичкари кирди.  
 — Эринг келсин... гулларни узиб... —  
 Қора кампир қарғаб, қичқирди.  
 Эр ҳам келди,  
 Хотинин қувиб,  
 Жанжал солди, сўкди ўша кун.  
 Келин янги рўмолни ювиб,  
 Осиб қўйди боғда, кечқурун...

## Абдумажид Азимов

Даладан қайтади қиз,  
 Шомда тугаб юмушлар.  
 Мезон фасли, авжи куз,  
 Сувга кўнди оққушлар.  
 Не бўлар таққослари,  
 Боқди қушлар баҳсига.  
 «Баҳор» раққосалари  
 Тушар «Пахта» рақсига.  
 Тўлқинларга тўш уриб,  
 Сузмоқдасиз дадил, шахт.  
 Қушлар бир бор қайрилиб,  
 Моҳирўйга тиланг, бахт!  
 Бермангиз зарра озор,  
 Уксимасин бу малак  
 Ва бўлмасин унга ёр —  
 Бахту иқболдан бўлак.  
 Не десангиз, ижобат  
 Бўлғусидир, қушларжон.

Қизга айланг мукофот —  
 Юлдузлардан оқ маржон.  
 Хаёл сурмакни якка,  
 Ишққа йўярлар дарров.  
 Сочлари жамалакка  
 Оғиз сололмас биров.  
 Уйга қайтар тун чоғи,  
 Кузатиб оққушларни.  
 Кечалар қиз қучоғи  
 Қучар оппоқ қушларни.  
 Кеча сўнгида ногоҳ,  
 Айланар у оққушга.  
 Оламда энг бегуноҳ,  
 Оламда энг пок қушга.  
 Гўзал қушлар ортидан,  
 Учар олис маконга.  
 Қайтади тонг вақтида  
 Дала — таниш осмонга...

Ҳовлидан-ҳовлига жимгина ўтдинг,  
 Қирларда, баҳорим, югурдинг, урён.  
 Беғубор гўдаклар лабидан ўпдинг,  
 Тупроқнинг бағрида қўзғатдинг тугён.

Қизлар нигоҳидан ўғирлаб хобни,  
Қушлар сувратини чиздинг осмонга,  
Сўнг, шан кенгликларга қувиб офтобни,  
Юмушлар келтирдинг бободехқонга.

Учқур хаёлимга нелар келмагай,  
Тушира олсайдим қоғозга барин.  
Атлас рўмолини ташлаб елвагай,  
Тонгда эсаётир шамоллар сарин.

Чўпону сайёҳни айлаган сармаст,  
Кўклам қиздирмоқда яна қонимни.  
Вояга етганман шу юртга пайваст,  
Шу юртга этарман ҳады жонимни.

Аммо юртлар борки ғалати бирам,  
Инсон ажратилар қора-ю, оққа.  
Турли муносабат, турлича киром,  
Қоралар бир ёғу оқлар бир ёқда.

Қайдадир ўқларга нишон турналар  
Қулайди фазодан, кўзларида мунг.  
Она сийнасида гўдак ўрмалаб,  
Оппоқ сут ўрнига, ох, эмади хун!..

Одам муҳтож экан токи ҳурликка,  
Саргашта кезарсан, баҳор, оламини.  
Сен қадим исёнсан зулм, хўрликка,  
Исёнга чорлайсан мазлум одамни.

Рухимда шодликка айланар алам,  
Ичимга ютаман кўзёшим такрор.  
Халқларга озодлик, шоирга қалам,  
Қуёшни деҳқонга улашгин, баҳор!

## Қаҳрамон Суяров

\* \* \*

Севсанг агар Ўзбекистонни,  
Тоблан албат саратонида.  
Севсанг агар Ўзбекистонни,  
Синал унинг қаҳратонида.

Бу ўлканинг бағри кенг, кўркам,  
Бу ўлканинг қаҳри бор қаттиқ.  
Унга фарзанд бўлолмас ҳеч ҳам —  
Уни жондан севмаган ортиқ...

## Нафас Дўсанов

\* \* \*

Оқ рангларни севдинг оқ кўнгил билан,  
Ойдин тунлар, нурли тонглар жон-дилинг.  
Шу сабабдан, халқим, азал-азалдан  
Пахта билан боғлангандир тақдиринг.

Нажот излаб боқдинг қорли тоғларга,  
Оташ мисол ўтли эди кўз қиринг.  
Балки ўша интиқ, ташна чоғларда  
Пахта билан боғлангандир тақдиринг.

Душман солди бири кўйиб, бири от,  
Туёқлардан титрагандир ўр-қиринг.  
Бўлганидан сенга қора ранглар ёт,  
Пахта билан боғлангандир тақдиринг.

Омон-омон кунлар осон келмагай,  
Яраланди қанча полвон яғрининг.  
Момиқ малҳам, шу боисдан ҳам атай,  
Пахта билан боғлангандир тақдиринг.

Умринг бўйи она ер-ла тиллашиб,  
Ҳар ниҳолга тўқдинг пешона теринг.  
Бутун ердек севиб, ихлосинг ошиб,  
Пахта билан боғлангандир тақдиринг.

Меҳнатингдан, шуҳратингдан кўксим тоғ,  
Фарзандингман, қалбга жодир ғуруринг,  
Авлодларнинг йўли бўлсин, дея оқ,  
Пахта билан боғлангандир тақдиринг.

Тоир Юнусов

## Профессор Баҳодировнинг медицина хулосаси

(Улуғ Ватан уруши қатнашчиси  
Эркин ака Шомуродов хотирасига)

Қўшни-да, мендан лозим, сўрардим дарагини,  
Дунё — бир шифохона, ҳар кимнинг ўз дарди бор.  
Биров бойлик орттириб ҳовучлар юрагини,  
Биров бошқа қайғуга бериб кўйган ихтиёр.

Аммо уни билардим, хаёлларин қуволмай,  
Зулматга бағрин очган кечалар бедор эди.  
Билардим, хотиранинг чангалидан чиқолмай,  
Қирқ йиллик оғриқлардан оғриган бемор эди.

Кўчанинг у бетида, қирқилган ҳассасига  
Таяниб турган маҳал, тугарди тоқатларим.  
Боқиб унинг бир ҳовуч суякдек жуссасига  
Кўрдим, ўзим кўрмаган урушнинг даҳшатларин.

Билардим, бу одамнинг соғ асли тўрт мучаси,  
Гарчи оёқлари йўқ, гарчи юрмоғи оғир.  
Ёмғирдан сўнг энтикиб айланмасди кўчани,  
Билардим, бу одамнинг, ҳатто, тушлари оғир.

Ўша кунни ногаҳон тушиб телба кўйига,  
Кимдир мени чақирди, номимни айтиб қаттиқ.  
Минг хаёл гирдобада югурганим уйига  
Ёдимда бор, қолгани ёдимда йўқ... ёдда йўқ.

Бу одамга чин сабот берган эди табиат,  
Хаста юрак яшади салкам қирқ йил бехато.  
Уша куни, у кўрган беш йиллик даҳшат, офат —  
Қирқ йилдан сўнг юракда портлаб, берганди садо...

Рости, мен ожиз қолган бундай кунлар кўп бўлган,  
Рости, мен бундай кезлар докторликдан тонаман.  
Нега ожиз тиғ, ақл?!

Юракка чўкиб қолган —  
Урушнинг даҳшатларин тузатолмай ёнаман.

## Рилеев хаёли

Жазога ҳукм қилинган декабристларни қатл этиш чоғида Рилеев, Каховский ва Бестужев-Рюминлар осилган арқон узилиб кетган. Уларни ўша куни қайта осилган.

Наталья, Наталья, Натальягинам,  
Кечир мени, кечир, мунис малагим.  
Кўксингни эзмасин дея дарду ғам,  
Бу кунни яширдим, зотан тилагим:  
Сени кўрмоқ эди энг сўнгги бора,  
Кўксингга бош қўйиб, йиғласам, дердим.  
Шўрликкинам, кечир, нетай, начора,  
Мен имон олдида бегуноҳ эдим.  
...Ё қисмат, не ҳол бу, узилди арқон,  
Натальям, наҳот, мен озодман бугун?<sup>1</sup>  
Наҳотки, қайтаман зардоб ила қон  
Қуйилган қалбингни овутмоқ учун?  
Ҳақиқат! Бунчалар улўсан, улўғ,  
Подшонинг ўрнига қилдинг марҳамат.  
Осмоннинг четида кўринди ёруғ,  
Ёришиб келмоқда мен севган ўилқат...  
Йўк, йўк... не ҳолдир бу, ҳа, янги арқон:  
Қайтадан осмоққа изларлар чора.  
Мана, юз-кўзларда шубҳа саргардон,  
Алаф вужудларда кўрқув ошқора.  
Алвидо, Натальям! Видолар айта,  
Бошимни тутаман, ҳалқага сассиз.  
Натальям, мабодо туғилсам қайта,  
Бари бир ўтмасди умрим курашсиз!

<sup>1</sup> Чор ҳукуматининг қонунига кўра ҳукм ижро қилинаётган пайтда арқон узилса, маҳбус озод этилиши керак эди.

Оллоёр Бегалиев

## Болаликка

Ҳали кўп қирларнинг қирмиз лоласи,  
Қувноқ қўшиқлар ҳам дунёда кўпдир.  
Сен ўша гулларни бағрингга босу  
Шодмон қўшиқларга лабингдан ўпдир.



Ҳар бир қадамингда сеҳрдир сайёд,  
Ҳар бир қадамингда гўзаллик сайдинг.  
Шабнамларни ҳўплаб мисоли Ҳайём,  
Ойнинг шуъласига юзингни чайгин.

Сенинг турналаринг кетмагай учиб,  
Баҳорингни фақат қаршилар баҳор.  
Ўтса, ўтар сени бирма-бир кучиб  
Ёруғ кун, ойдин тун ва алвон наҳор.

## Қурилаётган бино

Қурилаётган бино, мен учун юксак  
Недан қурилар фарқсиз: ғиштли ё кесак...

Юксак, дейман, негаки, ҳали йўқ томи —  
Томи бўлмагач, демак, йўқ аниқ номи.

Гарчи ҳар дўл-жалага очиқдир кифти,  
Осмон, кўк осмон унинг ҳозирча шифти.

Бир кун усти ёпилар, шифт ерга боқар,  
Уй ёнидан одамлар тўлқини оқар.

Сен ҳам, мен ҳам, эй дўстим — ҳаваскор шоир  
Қурилаётган бино бизга ҳам доир.

Бизлар қурилмоқдамиз: югуриб, чошиб,  
Ҳали битмай, томингни қўймагин ёпиб!

Туроб Юсупов

## Қуёш соати

Қадимда қуёшга боққанча инсон,  
Вақтни белгиламоқ бўлган одати.  
Соат яратишга топгунча имкон,  
Мезонни англаган қуёш соати.

Кўкдан ёғду сочиб жаҳоний талъат,  
Вужуд кўланкасин қўзғаб ҳар томон;  
Тонгдан бошлаб қанча кечганин фурсат  
Ҳарорати ила айлаган баён.

Гар бутун заминни атасам осмон,  
Ватаним, сен унда чарақлаган нур.  
Шу ёғду сеҳридан бу кўк бегумон  
Мусаффо тортгайдир ва бўлгай масрур.

Мавжуд хислатларинг, эзгу, пурмаъно,  
Уларда мужассам сеҳр билан шон.  
Белоён оламнинг сийнаси аро  
Ўзинг умрим учун энг ёруғ мезон.



Кўркингдан ўсгайдир бахтли дамларим,  
Боқийсан — юрагим завқни олар тан.  
Дилга қийноқ солар аччиқ ғамларим,  
Гоҳи ташвиш чеккан фурсатларингдан.

Сен, наинки нурсан, ушбу оламда  
Ўзингсан муқаддас, пок саодатим.  
Ғар қиёсга навбат келгани дамда  
Сенсан менинг танҳо Қуёш Соатим!

## Тўра Нормат

\* \* \*

Одамлар, жим бўлинг! Навбат саҳнага  
Қарангиз, у ерда нелар кечмоқда.  
Отелло рашк ўти ичра тўлғанар,  
Яго елиб, алдов тўнин бичмоқда.

Отелло ишонар, унутар мутлак —  
Наҳот, Дездемона содиқлигини.  
Содда ҳам паҳлавон... Фақат билмайди,  
Ягонинг ўзига хоинлигини.

Томоша тугайди. Энг сўнгги саҳна,  
Залда чуқур сукут ҳукм сурарди.  
Дездемона бўлса садоқат билан  
Отеллонинг бўғаётган қўлин силарди...

## Турсун Али

### Ҳазил

Дарахтлар,  
Қўлингизни беринг.  
Қарсак чалайлик бир  
Кўклам шаънига.  
Хушомад қилмасак, тағин мабодо  
Аразлаб қолмасин у биздан.

\* \* \*

Оқ гулим,  
Оппоқ гулим,  
Севаман сени.  
Мушку анбар бўйларингни  
Шамолларга бермайман.  
Қолдирмайман асло  
Ёмғир-дўлларга.

Оқ гулим,  
Оппоқ гулим,  
Асрайман сени  
Юлиб сўлдиргувчи қора қўллардан.

Чори Авазов

## Пахтазордан мактуб

Узр, она! Куттириб қўйдим,  
Аҳволимдан бермайин хабар.  
Кўпдан мени бағрига тортган  
Ташвишларга тўла пахтазор.

Кузимизни яхши биласиз,  
Табиат ҳам кўп сахий, танги.  
Шу кунларда оппоқ пахтазор —  
Тўлдириб нон ёпилган тандир.

Машаққатли дамлару лекин,  
Ёдимда бор қишлоқ, ҳовли, сиз.  
Бари бир сал хаёлга толсам,  
Қовоғини уюб олар куз.

Тўғри, озроқ чарчатар терим,  
Китоб кўриш келади малол.  
Сизни қумсаб ойга термулсам,  
Бор, ухла, деб эркалар ҳиллол.

Англаяпман лаҳзама-лаҳза,  
Машаққатнинг, меҳнатнинг сирин.  
Пахтазордан нур эмган умрим,  
Сизнинг ёпган нон каби ширин.

Она, мендан хавотир олманг,  
Одамлар ҳам кўп сахий, танги.  
Шу кунларда оппоқ пахтазор —  
Тўлдириб нон ёпилган тандир.

## Дўстимга

Керак бўлди — кечдик баридан,  
Ортда қолди бутун оромлар.  
Биз чўлларнинг чечакларидан  
Изламадик шеърга илҳомлар.

Ортга сурдик висолнинг ҳам биз  
Фараҳбахш кўп хуш онларини.  
Яна баланд кўтармоқ учун  
Ўзбекистон хирмонларини.

Самоларга боқмоқликка ҳам  
Вақт етмади, қўймади фурсат —  
Кўкда ёнган улкан юлдуздан  
Бир чигитнинг ҳурмати баланд.

Тилинган қўл изласа дармон  
Қистайди чавандоз сингари —  
Ҳар чаноқда бир парча армон,  
Ҳар ғўзада борган кўпкари.

Биз — пахтакор! Севамиз, ахир,  
Заҳматларнинг бўронларини.  
Қўлларимиз азот кўтарар  
Ўзбекистон хирмонларини.



## Учбурчак хатлар


(Урушда фарзандидан айрилган  
Олтиной эна 90 ёшга тўлди.)

Тонг нурига беланган узун —  
Узун кунлар бошланар яна.  
Қирқта йўлга қирқта умидни  
Сўкмоқ қилиб яшайди эна.

Тенгдошлари олдинроқ кетди,  
Улим эса унга чап берар.  
Елғиз ўғлим келса, ётар, деб  
Ҳамон ёстик, кўрпалар сирар.

«Ун саккизда кетган боламнинг  
Энг табаррук бобо ёшини  
Яшаяпман», дея учбурчак  
Хатларга у кўяр бошини...





Расмни Рустам ЗУФАРОВ чизган.

Ўткир Ҳошимов

# ИККИ ЭШИК ОРАСИ

Роман<sup>1</sup>

...Гунг отбоқар жийронимга ем бериб турган экан. Дарров эгарлаб, жиловини кўлимга тутқазди. Олисдаги тоғлар гунафшаранг тусда товланиб кўринар, ҳали қуёш чиқмаган, аммо атроф ёришиб кетган эди. Чойхона олдидан ўтаётганда от ҳовузга талпинди, чанқабди. Падарингга қусур соқов! Жониворни суғоришгаям эринган! Колхозда нарис билан олтита от қолган ўзи. Олтита отни парвариш қилганига бир иш куни ёзиладию шу арзимас юмушниям ёлчитмайди. Ҳали шунақанги савалайки, жони оғриганидан тили чиқиб кетсин!

Отнинг жиловини бўш қўйган эдим, илдамлаб, ҳовуз бўйига борди. Гулсафсарлар ниш чиқариб ётган юмшоқ соҳилга авайлаб туёқ босганча сувга тумшуқ солди. Лойқа сув четида ҳалқоб бўлиб тўдаланиб қолган ўрик гуллар пароканда қалқиб кетди. Ие, ўрик гуллабди-да! Қизиқ, кеча гули очилмаган эди шекилли. Билмадим, эсимда йўқ. Ҳар қалай, ҳовузнинг тўрт томонида зич саф тортиб турган, ҳар йили каллаклаввериб танаси йўғонлашиб кетган толлар орасида бир туп ўрик чаман бўлиб гуллабди. Кечаги шамол аралаш ёмғирда тўкилган нимпушти гуллар ҳовуз юзини қоплаб олибди. Ана, от тумшуғини тикқанда қалқиб кетган гулбарглрар секин-секин бориб, ҳовуз ўртасига тўпланиб қолди.

Қизиқ, анави ёқларда — уруш бўлаётган жойларда ҳалиям қор белга урса керак! Бу ерда баҳор, уёқларда қаҳратон қиш. Эртага лоп этиб Абдурахмонов чақариб қолсаю «ўртоқ Хўжаев раисликни топширасиз, маънавий бузуқ экансиз» деб қолсаю! Абдурахмонов анойимас. Хоҳласа биттаю битта қўли билан гирибонимдан олади-да, улоқтириб юборади. Дўзахнинг кундасига — передовойга бориб тушаман. Законий тушаман! Тоғам ҳам жонимга оро киролмайди. Энди у прокурормас, мабодо, прокурор бўлгандаям нима қила оларди. Ўзининг ҳузурини ўйлайди! Шу хотинга илакишиб нима қилардим. Тинчгина юрсам ўлармидим!

Йўқ, бегона юртларда бекордан-бекорга ўлиб кетадиган аҳмоқ йўқ! Тезроқ, тезроқ бориш керак. Табибнинг тилини боғлаш керак!

Кеча анави тирранчасини ёқасидан бўғганимда хириллаб қолувди. Улиб-нетиб қолмадимикин ишқилиб? Йўғ-е, анави қанжиқнинг оёғига урилиб қаддини ростлаганини ўзим кўрдим-ку. Бари бир-да, одам ҳодис... Ҳар қалай, орденли қаҳрамоннинг укаси...

Мунча тихирлик қилади бу! Ичига ўт тушганми? Чу-е, ҳаром ўлгур! Қуруқдан-қуруқ кириб боравераманми? Ақалли ўша итваччага... Шошма, уйда Кўқондан янгам бериб юборган уч-тўрт дўппи бор эди шекилли. Орасида кичикроғиям топилиб қолар... Шу-да, бу тескари дунёнинг ишлари! Пайти келса, эшакни тоға дейсан! Майли, овози ўчса бўлди. Чу, жонивор!

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонларда

Мунча бефайз бу табибнинг уйи! Енғоқзор орасигаям жой соладими одам! Тағин шундоқ жар бўйида!

Пилдираб чиқмас экансан-а! Эшигингни раис қоққанини биласан-да! Ие, хотини-ку! Табиб қай гўрда қолдийкин?

— Кун ёйилиб кетди-ку!

— Кечирасиз, раис, қўй жонивор туғиб қолса, денг... Дадаси шафтоли гулидан дори тайёрлаётган эдилар. Робияхон бечора ердек ётганмиш...

Нега ётади? Э, менга деса ўлиб кетмайдими, ўша айғоқчи Робияси. Демак, уйдан ҳеч ким ҳеч ёққа чиқмаган. Табиб анави Робияга шафтоли гулидан дори тайёрляпти. Хотини янги туққан қўйи билан андармон! Ҳаммаси жойида!

— Бундан буёғига қўзичоқларни семиртираверинг. Уғлингиз келганида сўясиз. Кўрасиз, Очилбой албатта қаҳрамон бўлади.

— Айтганингиз келсин, раис! Мартабангиз бундан ҳам улуғ бўлсин.

— Чақиринг бир минутга хўжайинни!

Ана, келяпти, салмоқлаб. Қўлида ҳовонча. Кийими топ-тоза. Қари бўлсаям икки юзи чийқондек! Ургилдим олифтагарчилигингдан! Табиблик қилгунча даладаги ишни эпла, Луқмони ҳаким!

— Ҳорманг, Комил ака! А, бу кун ёйилиб кетди-ку!

— Ҳозир, укам... Ҳусан думанинг қизини трактор тепиб, буйраги шикастланибди. Шунга... озгина... Қани, уйга, укам... Бир пиёла чойимиз бор.

Вой, қуруғ-эй! Келиб-келиб сенга ука бўлиб қолдимми! Чойинг билан қўшмозор бўл. Орден олган шапкўр ўғлинг бўлмаса-ку... Нима деди? Ҳусан думанинг қизини трактор тепибди, дейдими? Демак, кеча шунинг учун... Майли, аниқлаймиз... Анави шайтонбаччаси қаёқдайкин?

— Раҳмат, ака. Бошқа сафар... Анави мажлисда... кичик ўғлингизга аталган дўппи қолиб кетган экан. Олимжонмиди? Ушанга...

Нега илжаяди бу? «Шартмас» эмиш... Камтарлик қиялтими, туллакликми?

— Чақиринг-да, ака, кичкина қаҳрамонни!

...Балоям урмабдику, итваччасига. Ана келяпти! Бўз қўйлагининг энгини шимариб олибди. Қўллари қон-қуш... Тезак юқи... Мен бўлсам, қўрққан элдин мушт кўтарар деб...

— Салом қани, ўғлим? Узидан катта одамга салом бериш — фарз!

Вой интеллигент-ей! Мишиқи болангни саломига зорманми! Начора, келишга келдим, бу ёғига... Қовоғини солишини қаранг. Вой, хумпар-ей! Бўрига ўхшаб қарайди одамга.

— Маладес, Олимжон! Ма, кийиб ол!

Сочининг ўсиб кетганини қаранг. Қулоғининг кирини-чи! Ҳайф сенга дўппи. Аммо на илож!

— Киявер, сеники шу!

— Мен... Ҳозир, укам... Онаси, сизам бўла қолинг. Раис тўғри айтяптилар. Далада иш кўп...

Ана табиб ҳовончани кўтариб уйга, хотини этагини липпасига қистириб, молхонага зипиллади.

— Менга қара, Олимжон. Сен катта йигитсан-а? Кеча сени билмасдан хафа қилиб қўйдим. Уғри деб ўйлабман. Бундан кейин бировнинг деворидан ошиб тушмагин, хўпми?

— Уғрилиқ қилганим йўқ... Мен...

— Бўпти! Гапни кўпайтирма! Яна бир марта шунақа қилсанг, сениям, дадангням қаматиб юбораман...

...Йўли осон экан-ку! Мусичага озор бермайдиган мана шу табиб устингдан шикоят қилади деб қўрқиб юрибсанми?! Ким айтади сени закунчи деб. Йўлбарсдек вазоҳатинг билан шулардан чўчидингми? Шулардан-а?! Ҳайф-е, сендек раисга!

Энди, анави — Робия қолдими? Қўрқадиган жойим йўқ! Шунақанги тилини қисиб қўяманки, кетимдан ўзи эргашиб юради. Чу, жонивор! Мунча учасан? Қамчи еб ўрганмагансан-да! Ҳаво мунча тиниқ! Олам мунча чиройли. Мунча тез ўчади бу? Қаноти борми? Қаёққа кетяпман ўзи? Бари

бир эмасми? Олам ям-яшил бўлса, остингда арғумоқ бўлса, учасан-да!  
Янги йил кечасидаги ўтиришда Соли сўпоқ талинка чертиб, нима деб  
хиргойи қилганди?

Арғумоқ остингдадур, тоғларни кез, боғларни кез,  
Ногаҳон бу арғумоқ остингда бўлғай-бўлмағай!

Хотинталоқ Сўпоғ-ей! Билиб айтган экан! Остингда отинг борми,  
узанги узилгунча суриб қол. Эртага отингни бошқа одам минмайди деб  
ким кафолат бера олади?! Бекор гап! Остимдаги арғумоқни бировга  
бериб қўядиган анойи эмасман!

## БЕШИНЧИ ҚИСМ

### ҲН ТҮРТИНЧИ БОБ

#### Биринчи синф ўқувчиси Музаффар Шомуродов ҳикояси Абдувалидан зўр чиқдим!

Шундай қилиб, бугун Абдувалидан зўр чиқдим. Бурнини мўлжаллаб  
туриб бир урган эдим, «ойи-и!» деб йиғлаб юборди. Қарасам, бурни  
қонаяпти. Узиям, муштимни тугаётганимда ўрта бармоғини чиқариброк  
урдим-да. Нега ўзи ғирромлик қилади? Буям майли, укамни йиғлатгани  
айниқса алам қилиб кетди. Бўлмаса урмасдим.

Эртага мактабга борганда бари бир Абдували билан битта партада  
ўтираман-да. Яна уришамиз шекилли... Маъсуда опанинг жаҳли ёмон.  
Уришсак иккаламизниям дарсдан ҳайдаб юборади... Бошида шу Абдували  
билан битта партага ўтириб қолганим чатоқ бўлган-да! Нима қилай,  
Маъсуда опа ўтказиб қўйган-да! Ойим ҳам биринчи кун мактабга  
бораётганимда тайинлаган. «Абдували билан бирга бориб, бирга келгин,  
битта партада ўтиргин» деган. Ушанда дадам менга яп-янги кўйлак-шим  
олиб берган.

Ойимнинг одати қизиқ: ҳар куни жилдимга битта нон солиб қўяди.  
«Уртоғинг билан бўлашиб егин», дейди. «Қора аммам» келса, жилдимга  
жийда, майиз тўлдириб ташлайди. «Алифбе» билан дафтар солишгаям  
жой етмайди. «Керакмас» десам, жаҳли чиқади. «Уқиб шаҳар оберарми-  
динг, бир кун кечроқ олим бўлсанг бўларсан, қорнингни тўйғизиб юр»,  
дейди. Нима кўп, «Қора аммам»нинг келиши кўп. Нима кўп — мактабга  
жилдимни қаппайтириб боришим кўп! Орқадаги партада ўтирганимиз  
учун Маъсуда опа Абдували иккаламизни кўрмайди. Дарсда ёнғоқ еб  
ўтираминиз.

Бир куни ёмон бўлди. Танаффусда чақиб ғамлаб олинган ёнғоқларни  
еб ўтирган эдик, Маъсуда опа бирдан:

— Шомуродов? — деб чақириб қолди.

— Мен! — деб ўрнимдан сакраб турган эдим, оғзим тўла ёнғоқ  
мағзининг ярмиси отилиб кетди.

Болалар хахолаб кулиб юборишди. Қарасам, Абдувалиям икки қўли  
билан оғзини тўсиб маза қилиб куляпти. Парта остидан оёғига яхшилаб  
тепган эдим, кулгиси тўхтаб, афти буришиб кетди.

Фақат ўқитувчи опамиз кулмади.

— Нима бало, Музаффар! Еттита қорнинг борми, қачон қараса,  
жағинг қимирлайди-я! — деди.

Танаффусда иккинчи синф болалари бизни масхара қилишади.  
Ҳаммаси баравар қарсак чалиб ашула айтади:

Биринчи чол, отга беда сол,  
Отинг емаса, чайнаб сол.

Аввалига алам қилиб юрди-ю, Маъсуда опа бизни юпатди:

— Узлариям бултур биринчи чол эди, қўяверинглар!

Мактабдан келиб, чой ичишим билан ойим ялинди.

— Музаффар, жон болам, қорнинг тўйган бўлса укангни ўйнатиб кел.

Биқиним оғриб кетаяпти. Бирпас чўзилай...

Ойимнинг биқини тез-тез оғриб туради. Ушанақа пайтда кўзига ҳеч нима кўринмайди, икки букчайиб қолади. «Қора аммам»нинг айтишига қараганда, уруш пайтида ойимни Алвастикўприк тагида ажина чалган экан. Ушандан бери ўқтин-ўқтин биқини оғрийдиган бўлиб қолган.

Ойим укангни ўйнат, дейдию мен йўқ дермидим? Жон дейман-да! Омонни ўйнатиш дегани ўзимнинг ўйнашим эмасми? Кўчага қочишга баҳона тополмай турибман-ку!

Укамни кўтариб, Абдувалиларникига бордим. Чўнтакда — ланка! Абдувалиям жон деб турган экан. Долонида роса ланка тепдик. Омон — яхши бола-да! Йўлак бурчагига, эски намат устига ўтказиб қўйган эдим, йиғламадиям.

Ўйин айна қизиганда, Абдували яна фирромлик қилди. «Майса» бўлиб ланкани ташлаб бераётган эди. Ланкани қийшайтириброқ отганди, таги кўчган этигим билан тепдим. Ланка узоқ кетмади.

— Тегмади! — деди Абдували чапак чалиб. — Тегмади, галинг ўтди!

— Тегди-ку! — аламимдан чийиллаб юбордим. — Ана, нарига тушди-ку!

— Тегмади. Галинг ўтди. Бошқатдан ўйнаймиз!

— Тегди-ку! — дедим бақириб. — Тегди-ку!

— Тегмади! Тегмади! — Абдували энгашиб ланкани олмоқчи эди, елкасидан итариб юбордим.

— Фирром! Сарикмашак!

Абдувалининг сап-сариқ сочлари ҳурпайиб кетди. Ланкани юлқиб олиб, бир отган эди, йўлак бурчагида ўйнаб ўтирган Омоннинг бошига тегди. Укам чириллаб йиғлаб юборди.

— Укамни нега урасан! — дедим бақириб. — Нега урдинг?

— Етти қорин! Етти қорин! Ажаб қилдим! Баттар бўлсин!

Аламимга чидолмай, Абдувалининг юзига мушт туширдим. Ўрта бармоғим шунақанги оғридики, кўз олдим қоронғилашиб кетди.

— Ойи! — деди Абдували инграб. Бурни қонаб кетди.

Ҳовли томондан ойисининг жаҳлдор овози келди:

— Отасининг молини талашадими булар-а? Қараб кўр, Мавлу!

Кўрқиб кетдим. Ланкани ҳам ташлаб, йиғлаб ўтирган укамни кўтараётган эдим, Абдувалининг Мавлуда опаси чопиб келди.

— Нега урасан, укамни, башаранг қурғур! — деди сариқ юзи қипқизариб.

— Нега ўзи укамни уради? — деб, ундан баландроқ келдим.

— Шу сенинг укангни, оғзингдан қонинг келгур! — Мавлуда дағдаға билан устимга бостириб келди. — Ўгай укангга жонинг шунчалик ачидими, етимча — етти кулча! Тур, йўқол!

Омонни кўтарганча кўчага югурдим. Мавлуда бурнидан қон оқиб йиғлаётган Абдувалининг бошига борди.

— Шу шумқадамдан бошқа ўртоқ қуриб қолганмиди, жуворма! — деб укасининг бошига муштлаганини узоқдан кўриб қолдим.

Ўйга келгунимча Омон овуниб қолди. Қулоғимни чўзғилаганча оғзидан сўлак сачратиб «дззз» деб ўзича «ашула» айтишга тушди. Мени от, қулоғимни жилов деб ўйласа керак-да.

Мавлуда опа мени нимага «етимча» деди? Э, гапиравермайдими! Укасини урганим алам қилган-да? Яхши бўлди. Абдували энди фирромлик қилмайди. Фақат ланкам қолиб кетгани чатоқ бўлди-да. Қўлим ачишиб оғрияпти. Бари бир, ойимга айтмайман. Уришганимни эшитса хафа бўлади.

Ўйга кирсам, ойим азза-базза кўрпа-тўшак қилиб ётиб олибди, авваллари биқини оғриганида бир-икки кун инқиллаб юрарди-ю, бунақа ўралиб ётмасди.



Кўрқиб кетдим. Ёнига Омонни қўйишим билан ойимга тармашди.  
— Жим, — дедим қўлидан тортиб. — Уйғотиб юборасан!  
Омон гапга тушунармиди. Йиғлаб юборди. Ойим дарров кўзини очди.  
Терлаб кетибди. Кўрпадан қўлини чиқариб, Омонни бағрига босди. Бир  
қўли билан бошимни силаган эди, пешонамга чўғ теккандек бўлди.  
— Нима қилди? — дедим юрагим увишиб.  
— Ҳеч нима қилмайди, болам! — у жилмайишга уринди. — Буйра-  
гим оғрияпти. Ҳозир... — деди-да, қадини ростламоқчи эди, оғриқдан  
юзи буришиб кетди. — Майли, — деди инграб, — ҳозир ўтиб кетади.

## ЎН БЕШИНЧИ БОБ

### Робия ҳикояси

#### АЛВАСТИ

Жуда меҳрибон-да, шу болам! Омон-ку, ҳали кичкина. Энди йўлга  
кирай деяпти, ниманиям биларди. Музаффарим бошқача! Их десам  
бошимдан кетмай, ўтириб олади. Мана, ҳозир ҳам йиғлаб юборай  
деяпти. Нима қиламан, болани кўрқитиб? Ойим келиб қолса яхши  
бўларди. Ҳайронман, анчадан бери дараги йўқ. Ҳали дадаси келса  
Нўғайқўрғонга жўнатмасам бўлмайди шекилли. Туриш керак. Чўзилиб  
ётгандан нима фойда? Энди оғриётгани йўқ-ку буйрагим! Эски дард.  
Қанча бўлди ўзи? Ўн йилдан ошдимиз? Тузалиб кетган эди-ку, нима бало!  
Омон туғилганидан бери қайтадан ёпишди. Ушанда трактор тутқичи  
тепгани баҳона, шунақа оғир касалга чалиниб қолишимни билмаган эдим.  
Бўлмаса, Комил табиб қанча уринди!

Жала қуйиб турган, Раъно келинойимнинг уйида Олимжон иккаламиз  
чиқиб кетган ўша кечада Комил табиб «зиёни йўқ, икки-уч ҳафтада сан  
кўр-ман кўр бўлиб кетади», деганида адашган экан. Икки ҳафта эмас, бир  
ойдан ортиқ ётиб қолдим.

Кунлар илиб, далада иш қизиб кетган, уйда ётишга ийманардим.  
Башор опа беш-олти марта келиб, хабар олди. «Обдон тузалмагунча ёта  
тур, иш бўлса, ўзимиздан қолмайди», деб тайинлади.

Қизик, сўфи азон айтмасдан одамларнинг эшигини қамчи билан  
савалайдиган Умар-закунчи бизнинг дарвозага келмай қўйди. Буни, ҳатто  
ойим ҳам сезди:

— Нечук Закунчининг қадами узилди, юзини тескари қилгани рост  
бўлсин.

Айби бўйнида бўлганидан кейин келмайди-да! Ойим Закунчини  
гапириши билан Раъно келинойим кўз ўнгимга келди. Қандоқ яхши  
кўрардим. Келинойимга ўхшашни қандай ҳавас қилардим. Наҳотки  
шундоқ жувон... Қандай шармандалик! Закунчиам, янгам ҳам Робия  
ғийбат қилади, деб чўчиб юргани аниқ! Сатқай гапим кетсин! Олимжонга  
қойилман. Комил табиб дори-дармон олиб шунча марта келганида бир  
оғиз гап очмади. Бундан чиқди, Олимжон ҳеч нима демаган!

Биқинимни чангаллаб бир ой тўшакда ётганимда иккита воқеа бўлди.  
Биттаси қувончли, биттаси қайғули.

Қувончлиси шу бўлдики, бир куни Холпош хола товоқда сумалак  
кўтариб чиқиб қолди. Бобом билан ойим далада эди. Қиш бўйи ердек  
ётган холанинг ранги жойига келиб қолганини кўриб, севиниб кетдим.  
Ойим икки гапнинг бирида «овсинимнинг аҳволи оғир, болаларининг  
ғамида адоий-тамом бўлди» деб юрганидан хавотирда эдим. Йўқ,  
бинойидек тузалиб қопти.

— Уз кўлим билан қилдим, қизим! — деди сумалакни ёстиғим олдиға кўйиб. — Азбаройи шифо деб еб ол! Даво бўлади.

У сумалак ялашимни бирпас томоша қилиб ўтирди-да, кўзларида умид ёниб, хўрсинди.

— Оғача фолбин, «йўл кўрдим», дейди. Қайси бирилигини билмайман-у, аммо битта ўғлингиз тирик, эрта-индин ё ўзи келади, ё хабари, дейди, — у бир зумда жимиб қолди-да, қўшиб қўйди: — Шунисигаям шукур. Зора чолим айтганидай кантуз бўлгани рост бўлса.

— Иккаласиям тирик! — дедим юпатиб. — Шокир акам ҳам, Зокир акам ҳам...

— Биттаси келсаям майлийдим...

Холпош хола гапиряптиё, Кимсан акамни ўйлайман. Уч ойдан ошдики, на хат бор, на хабар.

Касал бўлган кунимнинг учинчи ҳафталари эди, шекилли... Пешинда ойм эшикдан қути ўчиб кириб келди.

— Қуда холанг омонатини топширибди, — деди йиғламсираб. — Келиним бечорага жабр бўлди.

Ростини айтсам, Раъно келинойимга юрагим ачиди. Ҳоли нима кечади энди! Баттар қийналмайдими! Балки янгамда айб йўқдир. Балки анави Зақунчи кўрқитиб шу йўлга солгандир. Бунақа одамдан ҳар нарсани кутса бўлади. Шўрлик келинойим! ...Бугун эрталаб бобом ишга кетаётиб тайинлади.

— Кечқурун Комил табибни кига бор. Янги дори тайёрлаб қўйганмиш. Ё оинг оборсинми?

Йўғ-е, ўлар энди, оймниям овора қилсам. Туппа-тузук юрадиган бўлиб қолдим-ку! Битта-битта юриб, ўзим боравераман.

Кўчага биринчи чиқишим эди. Ажаб, бир ой ичида ҳаммаёқ шунчалик ўзгариб кетибди! Кўчанинг икки четидаги мирзатераклар ям-яшил япроқ чиқарибди. Ётиб қолмасимдан илгари у ер-бу ерда битта-яримта оқ ўриклар энди гуллаган эди. Ҳозир бўлса пастак деворлар ортидан мўралаб турган олмалар баравар гулга кирибди. Олис уфқда — Хирмонтепа томонда ботиб бораётган қип-қизил қуёш атайлабдан ўзининг нуридан юлиб олиб, одамларга ташлаб кетаётгандай. Ҳатто Бўрижар бўйидаги кўҳна қамишзор ҳам кўкламнинг яшил бўёғидан бенасиб қолмабди.

Комил амакиникига кириб борганимда намозшом бўлиб қолган эди. Дўппидек тор ҳовли, бир уй, бир айвон. Бурчакда яна бир пастак ҳужра. Каталак деразаларининг синган кўзига хитой қоғоз ёпиштириб қўйилибди. Ҳовли ўртасида, гулини тўка бошлаган бир туп гилосга ўралашиб кетган аймоқи ток остида тахталари лопиллаб турган эски сўри. Сўри ёнида темирлари занглаган симкаравот. Каравот устига эчки пўстаги ёзиб қўйилибди.

Кушбурун Лазакат хола айланиб-ўргилиб кўришди. Уйга судраган эди, кўнмадим. У сўри устидаги қирқямоқ бўлиб кетган, аммо озода кўрпачани шоша-пиша қоқиб ўгирди-да, тескарисини ёзди.

— Шукур, мана оёққа туриб кетибсиз. Ие, ана, дадаси келдилар, — Лазакат хола шошилиб сўридан тушди. Эшикдан кириб келаётган табиб томонга югурди. Худди бир ой кўришмагандек эри билан қуоқ сўрашди.

— Ассалом алайкум, дадаси, яхши келдингизми? Чарчамадингизми? Табиб Лазакат хола сув қуяётган обдастага қўл тутаркан, менинг саломимга алик олди. Шошилмасдан юз-қўлини, қулоқларининг оррқасини ишқалаб ювди. Ҳафсала билан артинди.

— Тузукмисиз, қизим? — деди кўзимга тикилиб. — Қани, юринчи. Чироқ обкелинг, онаси!

Кетма-кет юриб нимқоронғи ҳужрага кирдик. Лазакат хола зум ўтмай бизникидан ҳам кичкина бешинчи лампани ёқиб келди, дераза тоқчасига қўйди. Ҳужра вассажуфтларга гултожихўрозу исериқ, шодашода гаримдори, жўхори сўталари, сариқ «бошоғриғи» ўтлар, яна аллақандай мен билмайдиган қовжираб қолган кўкатлар илиб қўйилган, хона ичи зах, ҳавоси оғир, ерга эски, аммо тоза наमत ташланган эди.

Табиб хитой қоғоз ёпиштирилган дераза олдида узоқ туриб қолди.

У нимқоронғи ҳовлидан кўзи билан бир нима излагандек қилт этмас, чамаси, бу ерга нима учун кирганини унутиб қўйганга ўхшар эди. Чироқнинг хира ёғдусида сийрак соқолли юзи ўйчан, хомуш кўринарди.

Тураверишимни ҳам, чиқиб кетишни ҳам билмай, секин йўталиб кўйдим. Табиб чўчиб уйғонган одамдек ярқ этиб менга қаради.

— А? — деди паришонлик билан. — Тузукмисиз энди, қизим? — Ерга чўккалаганча оғзи бўғиқ халталарни бир-бир ушлаб чиқди.

— Оғриқ қолдими? — деди менга қарамай.

— Раҳмат, дорингиз яхши экан.

— Буйрак сал шикастланган. Жигарни шишгани безиён. Насиб этса, ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетасиз, — у халтачаларни очиб, турлитуман дорилардан бир чимдим-бир чимдим чимчилаб олди-да, сарғайиб кетган қоғозларга алоҳида-алоҳида ўради. — Шулардан кунига уч маҳал ичиб турасиз. Тағин бир ҳафта, — деди ерга қараб. — Биламан, уйингизда товуқ йўқ, иложи бўлса, Оқсоқолдан битта товуқ олиб, шўрвасини ичинг.

Хужра эшиги ғийқиллаб очилди.

— Лавлаги пишди, — деди Лазакат хола куйманиб. — Иссиғида еб ола қолинглар.

— Одамни ўз ҳолига қўясанми-йўқми?

Умрида ҳеч кимни сансирамаган табибнинг шу қадар жаҳл билан ҳайқиришидан чўчиб тушдим.

Лазакат хола ҳам ҳайратланиб, «Вой сизга нима бўлди?» дедию, бир зум анграйиб туриб чиқиб кетди.

Табиб қоғозга ўроғлиқ дориларни халтачага солиб менга узатди.

— Боғичини билагингиздан ўтказиб олсангиз, тўкилмайди.

Табиб айтганини қилдим. Боғични билагимга илишим билан халтачанинг оғзи қисилиб, ёпилиб қолди. Эшик бандига энди қўл чўзган эдим, хўрсинди.

— Шошманг, — деди юзимга қарамай.

Турган жойимда тўхтаб қолдим.

— Очилбойни танирдингиз-а? — деди у тўсатдан.

Индамадим. Нима дей? Ҳа, танирдим. Совчи юборган. Йўқ, деганман. Шу билан нима бўпти! Шошма! Нимага «танийсиз» эмас, «танирдингиз» деяпти?!

— Қизим! — у ўтирган жойида секин бошини кўтарди. Сийрак соқоли титраб, хира чироқ нурида жиққа ёшга тўлган кўзлари ялтирарди. — Жон қизим, — деди инграб. — Уғлимни сизга кўнгли бор эди... Айрилиб қолдим! — у ўкраб юбормаслик учун кафти билан оғзини тўсди. — Беш кун бўлди, — деди йиғидан нафаси қайтиб. — Селсоветга чиқиб «қора хат»ини олиб келдим. Онаси бўлса, ўғлим отпусккага келаркан, деб хурсанд бўлиб юрибди. Келса тўй қиламан, дейди. — У титроқ қўллари билан кўзёшини артди. Каловланиб ўрнидан турди.

— Онаси эшитмасин! — деди овозини пасайтириб. — Эрта-индин ётиғи билан ўзим тушунтираман. — Шундай дедию ич-ичидан яна йиғи бўғиб келди шекилли, кафти билан юзини чангаллади. — Олимжон бўлса, акам келса орденини тақаман, деб суюниб юрибди.

Ҳамон эшик олдида ҳайкалдек қотиб турар, нима қилишни, нима дейишни билмасдим.

— Қизим! — у титраб кетаётган бармоқлари билан ўзининг оғзини тўсди. — Шундоқ доно боламдан жудо бўлдим, қизим!

У гандираклар, хужра бурчагига, чакка сизиб узун-узун из қолдирган девор тагидаги эски қути олдида бориб чўккалади. Қутининг қулфи йўқ, аммо темир илгаги занглаб ёпишиб қолган экан. Табиб ингичка бармоқларини илгак остига тиқиб, чираниб силтаган эди, ҳалқа тарақлаб очилди. У қути қопқоғини кўтарди-да, узоқ тимирскиланди. Охири излаган нарсасини топди шекилли, қопқоқни ёпди. Чўккалаб ўтирганча бурилиб қаради. Энди у йиғламас, аммо синиқиб кетган юзида икки томчи ёш милтираб турарди.

— Мана, — деди мактаб болаларининг кўкиштоб муқовали дафтари-ни узатиб. — Олаверинг! Шу — сизники! Уғлим айтгандики, — у овози

титраб, юзини ўғирди, — айтгандики, агар ўлсам, шуни Робияга бериб қўясиз, деганди. Нима ёзилганини билмайман. Боламнинг тўйини кўрмадим. Ақалли, васиятини бажо келтирай...

Табибнинг титраб турган қўлидан дафтари қандай олганим, қандай қилиб ташқарига отилганим эсимда йўқ.

\* \* \*

Бир қўлимда мактаб болаларининг дафтари, бир қўлимнинг билагига илинган дори халтача билан ёнғоқзор орасига кирганимда қоронғи қуюқлашиб кетган, ҳаммаёқ жимжит эди. Фақат пастда Бўрижар бўғиқ шовуллайди. Кўтарма томонда итлар акиллагани қулоққа чалинади.

Табибнинг кўзёшини шоша-пиша артганича айтган гапи қулоғимдан кетмасди. «Ўғлим сизни яхши кўрарди... Тўйини кўрмадим, ақалли васиятини бажо келтирай!..»

Нима бу! Хатми? Бултур Рашид абзининг мўрчасидан қайтаётганимизда қўлимга тутқазган хатнинг давомими?

Кучала чиқарган ёнғоқлар орасидан хира ой мўралади. Яйдоқроқ жойда тўхтаб, дафтари очиб кўрдим. Ойнинг ўлимтик ёғдусида ҳеч нимани ўқий олмадим. Фақат билдимки, бу хат эмас, шеър экан! Текис, чиройли ҳуснихат билан ёзилган шеърлар! Биринчи варақдаги йирик-йирик ҳарфлар билан ёзилган сарлавҳа ойнинг хира ёруғида ҳам аниқ кўришиб турарди: «Робияга».

Дафтари ёпиб ёнғоқзор оралаб секин-секин юриб кетдим. Ёмғир остида кўзойнагини йилтиратганча, «яхши кўриш айб эмас-ку», деб аянчли жилмаяётган Очил ака тагин кўз ўнгимга келиб туриб олди. Тўғри, яхши кўриш айб эмас. Аммо менда нима гуноҳ! Мен бошқа одамни яхши кўраман-ку! Дунё нимага шунақа? Биров сенга зор, сен бошқасига...

Хаёл билан кетаётган эканман, Алвастикўприк томондан ғалати, ёввойи товуш эшитилди.

Ўзимни қўлга олиб, дафтари қаттиқроқ чангаллаганча уч-тўрт қадам юрган эдим, бояги мудҳиш товуш яна қайтарилди. Бу сафар аниқ эшитдим. Кўприк тагида биров инграяпти! Турган жойимда карахт бўлиб қолдим. Гарданим қотиб, тилим музлаб кетгандек бўлди. Кўприк тагига кириб кетаётган сувнинг муттасил шовуллаши орасида аллаким қисқа, аммо қаттиқ инграгани яна бир марта қулоғимга кирди.

Чинқариб юборганимни бутун дунё эшитди, деб ўйлаган эдим. Йўқ, овозим чиқмаган экан. Тор сўқмоқдан орқага — ёнғоқзор томонга қочмоқчи эдим, оёғим чалишиб йиқилиб тушдим. Икки тирсагим заранг ерга қаттиқ урилди, лекин оғриқ сезмадим. Бир оёғим жарга тушиб кетаётганини пайқадиму жон ҳолатда сўқмоқ четидаги наъматакка ёпишдим. Кафтимга тикон кириб жизиллатгани, биқинимда тагин санчиқ пайдо бўлганини элас-элас ҳис этиб, сўқмоққа чиқиб олдим. Билагимга чизимча билан илиб олган дорихалта ҳамон қўлимда турар, Очил аканинг дафтари эса анча нарига — ўтлар устига отилиб кетган, варақлари очилиб, хира ойдинда оқариб кўринарди. Дафтари шоша-пиша юлқиб олаётганимда бояги овоз яна такрорланди. Бироқ бу сафар «додлаётган» нарса одам эмас, от эканини тушундим. Кўнглимга илиқлик югурди. От кишнаяпти-ку! Бундан чиқди, шу атрофда қандайдир от ўтлаб юрибди. Ваҳимам қурсин! Шунақа-ку, товуши нега кўприк остидан келади? Кўприк тагида от нима қилади! Қаддимни ростлаб, синчиклаб қараган эдим, тик соҳилдан пишқириб-пишқириб чиқиб келаётган отнинг қулоғи, кейин боши кўринди.

— Чу, ҳаром ўлгур! — деган асабий овоз эшитилди.

Овоз танишдек эди. Зум ўтмай нўхтадан чангаллаган кўйи жар бўйидан сўқмоққа чиқиб келаётган одам ғира-шира кўринди. Энди орқага югурмоқчи бўлиб турганимда чақмоқ телпагидан таниб қолдим. Умар-закунчи-ку! Қизиқ, кун исиб кетган-ку, ҳалиям чақмоқ телпагини бошидан ечмайди. Шуям мансаб бўптию! Майли, нима бўлгандаям бегона эмас-ку!

От менинг шарпамни узоқдан сезиб таққа тўхтади. Бошини силкитиб, нолали кишнаб юборди.

— Э, ўл-а! — Закунчи жиловни силтаб тортди. Сувлиқ шиқирлаб кетди. Уша заҳоти менга кўзи тушди-да, таҳдидли оҳангда бақирди: — Ким у бемаҳалда юрган?!

Закунчи от жиловидан тутганча яқин келди. От ҳамон безовталаниб бошини силкитар, ер тепинар эди. Йўлим тўсилгани учун рўпарада туриб қолдим.

— Ҳа-а, сизми? — Закунчи қоронғида яна бир марта синчиклаб кўриб олмоқчидай, бошдан-оёқ қараб чиқди. — Далада кўринмай қолдингиз, ўртоқ тракторчи?

— Касал эдим, — дедим дорихалтани кўрсатиб. — Табибникидан дори олиб келяпман.

— Шундоқ денг... Қани, юринг-чи. — Отини етаклаганча устимга бостириб келаётган Закунчидан четланай десам, жой тор, чап томонда жар, ўнг томонда қалин наъматаклар чакалак бўлиб ётибди. Беихтиёр орқага тисарилар эканман, қўрқа-писа сўрадим:

— Қаёққа?

— Тик оёқда туриб гаплашмайди-ку одам. Шундан бошқа жой қуриб кетганми? — У отнинг жиловини жаҳл билан силтади. — Юр-е, падарингга лаънат! Суғорса сув ичмайди, юрса тихирлик қилади. Нима жин теккан бунга!

Олдинма-кейин ортга қайтиб, дўнгликка етдик. Дўнглик орқасидаги сайҳон майдончада ҳали ўзим кўрган қизғалдоқлар ойнинг нимтатир нурида қорайиб қолганга ўхшарди.

— Шошманг, — деди у от жиловини наъматак шохига боғлар экан. Қўлига тикан кирди шекилли, «иҳ» деб бармоғини оғзига тикди. — Падарингга қусур... — Худди жони оғригани учун мен айбдордек ўдағайлади: — Закунни биласизми, ўртоқ тракторчи? — у қамчисини саланглатганча яқин келди. — Ўттиз бир кундан бери далага чиқмаяпсиз! Ҳарбий замон қонунига биноан, ишга ўн бир минут кеч қолган одам қамалишини биласизми?

Юрагим шувиллаб кетди. Қаматса қаматадиям. Раис, закунчи... кўлидан келади!

— Нима қилай? — дедим эсанкираб. — Трактор тепиб юборди. Бугун... энди кўчага чиқдим, ўзим...

— Справка қани? — у шундай шиддат билан бошини силкитдики, ўткир кўзлари қоронғида ёниб кетгандек бўлди. — Қоғоз борми?!

— Қанақа қоғоз? Мен табибга кўрсатдим.

— Табиб эмиш... — У майсалар устига чордона қуриб ўтирди. Қамчинни ерга ташлади. — Табибингиз Калкомилми? Дўхтирмас, афирист у.

Баттар доводи раб қолдим. Бир вақтлар Оқсоқолнинг бобомга айтган гапи эсимга тушди. «Шу... Комилбойнинг қўли дард кўрмасин-да! Нақд профессур Слонимнинг ўзи тан берган бизнинг табибга. Дўхтирлик курсида атайлаб, ўқитиб, қўлига ҳужжат бериб қўйибди...» Шунини айтгим келди-ю, ансам қотди.

— Утиринг, — деди у ёнидан жой кўрсатиб.

Тўрт-беш қадам берига, ўтлар устига омонат чўккаладим. Уша кунини Раъно келинойимникида кўрганларим лоп этиб хаёлимга келди-ю, бирдан дадил тортдим. Қўрққан олдин мушт тарар қиляпти, бу закунчи! Шошма! Нимага энди кўрқшим керак ундан? Нимага қалтирашим керак? Закунчи бўлса ўзига! Раис бўлса ўзига! Аввал ўзини тийиб олсин!

— Уша кунини... — дедим атайлаб овозимни баланд қўйиб. — Уша кунини трактор тепганида юролмай қолганим учун тоғамникига борувдим. — «Тоғамникига» деган сўзниям атайлаб таъкидлаб айтдим. — Тоғамникида ётиб қолмоқчийдим. Сиз, борлигингизни билмабман. Билсам кирмасдим.

Закунчи ҳозир ярқ этиб қарайди, кўрқиб кетади, деб ўйлаган эдим. Қарамади ҳам, кўрқмадиям. Бир зум жим ўтирди-да, шошилмай ўрнидан туриб, от олдига борди. «Тек, жонивор, тек», деб эркалаб, ёлини силаб

қўйди-да, қайтиб келди. Хотиржамлик билан ёнимга ўтирди. Дик этиб туриб кетаётган эдим, билагимдан тутди. Сесканиб кетдим.

— Қўйворинг! — дедим қўлимни тортиб.

— Қўрқманг, еб қўймайман. — У жойимга ўтқаздию ўша заҳоти қўлини тортди. Папиросини ютоқиб сўрди, ўйчан кўзлари, чимирилган қоши, мўйлови яна ёришиб кетди.

— Гап бундай! — деди бўғиқ овозда. — Сиз менга ҳадеб ўша янгангизни гапираверманг. Янгангиз менга ҳеч киммас. Иш билан боргандим. — Учида қип-қизил чўғ илиниб турган папирос қолдиғини ўт устига чертиб юборди, кескин ўгирилди. — Сенга уйланаман! — деди тўсатдан. — Эртага совчи юбораман. Дума чол жон-жон дейди! Ҳамма гап сенда қолган! Тушундингми?

«Нима? Нима деяпти бу алвасти?!»

Юрагим гурсиллаб урганча ўрнимдан сапчиб турганимни биламан ўша ондаёқ қўлимдан шундай куч билан силтаб тортдики, ўнг биқинимга найза санчилгандек инграган кўйи ёнбошимга ағдарилиб тушдим. Димоғимга қўланса ҳид урилди. Папирос аралаш арақ ҳиди. Негадир Раъно келинойимнинг хонтахтасида турган ичкилик шишаси, Закунчининг чақмоқ телпаги, бўйини чангаллаганча икки букилиб чирқилаётган Олимжон кўз ўнгимга келди.

— Қоч! — дедим чинқириб. — Йўқол, ифлос!

— Робия? — у ҳансираб юз-кўзимдан ўпа бошлади. — Ҳар қадамимда мингта қиз! Сенга харидор бўлганимга суюнмайсанми, тентак!

Жирканиб кетдим. Димоғидан келаётган тамаки аралаш ичкилик ҳиди ҳам, ҳансираши ҳам, мўйлови ҳам ғазабимни келтирар, бутун вужудим қалтирар эди. Дафтар тутиб турган қўлим билан юзига тарсакиладим. Бошидан чақмоқ телпаги учиб кетди. Аммо у қўйиб юбормас, кучли қўллари билан маҳкам кучоқлаб олган эди.

— Вой жинни! — деди энтикиб. — Мен сени зарга белаб қўяман, билдингми. Кимсан, раиснинг эрка хотини бўласан, гўнг чангаллаб юрмайсан, тентак! Керак бўлса медаль олиб бераман, пошшонинг хотинидай малика бўлиб юрасан, овсар!

Вокзалда юзимга термулганча «кутасан-а, менга кашта тикиб қўясан-а» деган Кимсан акам ярқ этиб кўз ўнгимга келдию... шунча куч қаёқдан пайдо бўлганини билмайман. Тиззамни букиб, дуч келган жойига тепдим. У бирдан бўшашиб ёнбошлаб қолди.

— Қанжиқ! — деди инграб. — Падарингга лаънат!

Югуриб борарканман, ҳамон билагимда дори халтача, бир қўлимда дафтар борлигини ғира-шира ҳис этиб турардим. От боғланган наъматак ёнидан сўқмоққа отилдим. Ҳансираб нафас олар, биқиним санчар эди. Оғриқ шу қадар кучайиб кетдики, жар бўйида чўккалаганча ёнбошимни чангаллаб қолдим. Уша сонияда бошим устида тагин ҳансираш эшитилди:

— Ё меники бўласан, ё жарга тепиб юбораман!

Тагин димоғимга қўланса ҳид урилди, юзимга тикандек мўйлови қадалди.

— Бахтинг очилганига хурсанд бўлсанг-чи, овсар! — деди у ҳарсиллаб.

Дафтар аралаш тарсакиламоқчи эдим, у қўлимни қайирди-да, дафтарни юлқиб олиб, жарга улоқтирди.

— Бўлдими, — деди қоронғида хунук ишшайиб. — Келишдикми, энди... Жинни-ей!

Биқинимнинг оғриғи яна ғойиб бўлди.

Қўлимни қўйиб юборганидан фойдаланиб, сапчиб турдим-да, Алвастикўприк томонга чопдим. Энди Раъно келинойиму тоғамни ҳам, ҳатто Кимсан акамни ҳам ўйламас, шу касофатдан қутулсам бўлди, деган нафратли хаёл олдинга — темир йўл томонга ундар эди.

Темир йўлнинг шағал кўтармасига етганда бутунлай силлам қуриди. Эмаклаб чиқиб боряпман, шағаллар шовуллаб пастга тўкилади. Худди тушида юролмаб қолган одамга ўхшаб, ўрнимдан силжишга қийналаман. Бир маҳал яна ўша омбирдек қўллар иккала оёғимдан маҳкам қисди.

Ўгирилиб қарасам чўккалаб олганча оёғимдан чангаллаб ҳансираб турибди. Хира, ирkit ой нурида кўзлари ваҳшат ўт билан ёнар, тишлари ёғирлар, мўйлови қийшайиб кетганга ўхшарди.

— Гап шу! — деди хириллаб. — Тарозига солма ўзингни! Ё менга хотин бўласан, ё ўласан!

Қўлимга қаёқдан тош илинганини билмайман. Пиёладек, думалок тош!

— Қоч! — дедим титраб. — Қўйвор!

— Чертиб кўр-чи, аристоннинг илонваччаси! Уруғ-аймоғинг билан қуришиб юбораман!

Лоп этиб дадам кўз ўнгимга келди. Қўй оғзидан чўп олмаган, одамларга маърифат тарқатишни ўйлаган, ҳамиша озода кийиниб юрадиган, майиздеккина мулойим дадам... Оқсоқолнинг гапини эсладим: «Маълимда айб йўқ, уни прокурор Хўжақулов шу балога гирифтор қилди». Дадам шулар деб хусуматга йўлиқди. Шунинг тоғаси деб...

Кўз ўнгим қоронғилашиб кетди. Кейин нима қилганимни билмай қолдим. Шуниси эсимдаки, қўлимдаги тошни кучим борича отдим. Уша заҳоти қулоғимга даҳшатли чинқирқ кирди:

— Единг, илон!!

Оёғимни омбирдек қисган қўллар бир зумда бўшашди. Кейинги лаҳзада Закунчининг пешонасини чангаллаган кўйи ёнбошига йиқилганини кўрдиму даҳшатдан додлаб юбордим.

Шағал устида ўтирган кўйи оёқ-қўлимни типирлатиб орқага-юқорига талпинардим. Ҳарчанд уринмай, ўрнимдан силжий олмасдим. Шағаллар шовуллаб пастга тўкилар, бошини чангаллаганча ғужанак бўлиб тўлғаниб ётган Закунчи устига ёғилар эди. Типирчилай-типирчилай темир йўл устига чиқиб олдим.

Орқага қайрилиб қарасам, Закунчи ҳамон бошини чангаллаб ғужанак бўлиб ётибди. Қимир этмайди.

Одам ўлдирдим! Мен одам ўлдирдим! Шу хаёл миямга михдай қоқилдию, дод солганча темир йўл изларидан қоқилиб-суқилиб ўтиб, бериги томонга, хира оёдинда шовуллаб турган, қурбақалар тинимсиз вақиллаётган қамишзорга ўзимни урдим.

...Уйга қандай етиб келганим эсимда йўқ. Деразадан хира чироқ ёғдуси кўринар, қия эшикдан айвонга бир парча сарғиш нур сочилиб турарди.

Кавшандозда бир пой калишимни ечаётганимда мункиб кетдим. Эски намат устига гурсиллаб йиқилдим. Икки қўллаб юзимни чангаллаганча ўкраб юбордим. Негадир кўнглим ағдарилар, ҳушим учиб бораётганини ғира-шира сезардим.

Ойимнинг даҳшат тўла овози узоқдан эшитилгандек бўлди.

— Ҳой, тезроқ келинг! Кўзингни оч, қизим.

Юзимга муздай сув сачраб, сескандим. Обдаста тутиб турган бобом ҳовлиқиб сўради:

— Нима бўлди? Гапирсанг-чи!

— Одам! Одам ўлдирдим... — ҳиқиллаб йиғлаб юбордим. — Кўрқиб кетяпман, ойи! Мен одам ўлдирдим! Алвастикўприкда!

— Ким? Қанақа одам! — бобом мени алаҳляпти деб ўйлади чоғи, обдастадан кафтига сув куйиб яна юзимга сепди. — Қачон? Қанақа одам?

Тўсатдан ҳушим жойига келгандек бўлди. Нима қиламан айтиб? Нима кераги бор?

— Билмадим, — дедим бош чайқаб. — Танимайман.

Бобом ҳовлиққанча ташқарига отилди.

— Кўзингга кўрингандир, болам? — ойим кўллари титраб бошимни силади. Инс-жинслар дап қилгандир. Ажаб қипсан, энди ёпишмайдиган бўлади.

Маили, пешонамда борини кўрдим! Нима бўлса бўлар! Шу хаёлга боришим билан бошини чангаллаб ғужанак бўлиб ётган Закунчи яна кўз олдимга келди. Ичимда титроқ турди. «Одам ўлдирдим! Мен-а?! Энди нима бўлади!»

Робби в  
ахборот  
Дунда  
ган ор  
иниона  
Дўлдир  
Ана аввур  
Кохими

Келди  
ман  
бу қилди  
нарс  
Дўлдир  
Кўрқиб  
Кўрқиб  
Кўрқиб

## ҮН ОЛТИНЧИ БОБ

### Умар-закунчи ҳикояси

#### ЖАР ҲАҚСИДАГИ ГУЛ

Менга нима бўлди? Қаерда ётибман ўзи? Нимага ҳаммаёқ зимистон? Бошим сирқиллаяптими? Пешонамдан тер оқяптими? Ҳаво салқин шекилли? Ие, қон ҳиди-ку! Қон! Бошим қонаяпти-ку!

Э-ҳа! Бўлди! Анави илонвачча урди! Тош билан урди. Мана, мана шу еримга! Оҳҳ! Ана, яна қон оқяпти... Мени урдими? Мени-я?! Эсини таниб ўз отасидан бир тарсаки емаган одамни-я! Келиб-келиб аллақандай жинқарчадан калтак едимми? Мен-а? Ҳамма кўрса бир чақирим наридан қочадиган одамни урдими? Отининг кишнашини эшитса одамлар салом бериб чиқадиган Умар Хўжаевни-я!

Шошма, отим қани? Қоракўз қани?

— Қоракўз!

Раҳмат биродар! Ҳозир, ҳозир бораман олдингга! Оёғим мунча чалишади. Шунақа ёмон урдими-а? Вой мегажин-ей! Шошмай тур ҳали! Оббо! Анча йўл-ку! Наъматакка боғловдим-а? Ана, ер тепиниб кишнаяпти.

Бўлди, Қоракўз, тек, биродар, тек! Нега кўрқасан? Ҳа, қон ҳиди келяптими? Зиёни йўқ, оғайни, ҳозир уйга борамиз. Ҳаммаси яхши бўлади. Бир шунақа бўпқолди-да, биродар... Э, минг лаънат. Мунча тикани кўп бунинг! От боғлашга бошқа дарахт қуриб кетганмиди. Нимага ҳовлиқдим? Ана, нарида ёнғоқ ҳам бор экан-ку, ўшанга боғласам ўлармидим... Мана, бўлди, биродар, бўлди. Жим, бирпас тинч тургин, Қоракўз! Ҳозир... йўлни ўзинг биласан-ку, оғайни. Шошма! Қамчи қани? Ие, телпак ҳам йўқ-ку. Э, бўлди. Боя анави илонвачча типирчилаганда тушиб кетувди, чоғи. Ҳозир... Қани, озгина юрайлик-чи! Тишш, секин, секин, ўзингни бос, Қоракўз! Мана ётган экан-ку, ие, ана қамчиям топилди. Оббо, ҳаммаёқ пайҳон бўп кетибди-ку! Худди иккита полвон бир кун эринмай кураш тушгандек! Вой ифлос-ей! Узи читтакдай бўлсаям хирсдай кучи бор эканми?

Ҳали нима дедим! «Уйланаман» дедимми? Шунгая?! Келиб-келиб шунга уйланаманми! Биографиямга доғ туширадиган анойи эканман-да!

Шошма, Қоракўз, шошма... Дрр! Хоп! Ана, бўлди. Кетдик. Чу, биродар. Хунук иш бўлди. Ҳозир анави жинқарча уйига бориб дод устига дод солади. Дума пакана, Оқсоқолни бошлаб уйимга келади. Шу етмай турувди ўзи! Чу, жонивор, тезроқ!

Бу илонвачча шунчалик захар солишини туш кўрибманми? Бўлмаса, орқамдан эргашиб юрган келинчаклар қанча! Қизлар-чи? Соли сўпоқ очик айтмаса ҳам тўнғичини менга атаганини неча марта шама қилди. Ун олти яшар ўша қиздан ҳам яхши бўптими Думанинг асрандиси!

Ҳаммасига Сўпоқ сабабчи. Шуникига кирмасам, ичмасдим. Ичмасам... Бугун яна ўша гапни бошлади-ку! «Бу дунёда одам ўзиниям ўйлаши керак, улуғ одамсиз, ўйнаб-кулиб қолинг. Пас десангиз ҳаммаси товукдек ётиб беради...» Пазира кўсур Сўпоқ! «Бўрижарда сув кўпайиб кетибди» деган гапниям шу айтди. Сув кўтарилса иш пачава! Тўқайдаги қарамни ювиб кетади. Ош дам егунча бориб кела қолай дегандим. Рўпарамдан чиқиб қолганини кўрмайсизми! Негаям ичдим? Эркак киши бунақа пайтда итмижоз бўлиб кетади. Узи Қўқондан кетаётганимда акам ҳам шунақа деган эди: «Мучалинг — ит, ўзинг ҳам итга ўхшайсан...» Ургилдим сендан! Сиз одам бўлдингиз-у, биз ит бўлдикми энди! Нима, ит бўлиб, дуч келганга илиқдимми? Шунча имкониятимга қарамай жим юрувдим-ку! Қайси шайтон йўлдан урди? Аҳмоқман! Фирт аҳмоқман! Тоғам донишманд дейман-ку. Айтарди-я! «Одамнинг нафси иккита бўлади. У нафсга берилган ҳам охир оқибат хор бўлади, бу нафсга берилган ҳам...» Рост экан. Мен-ку, нафсга берилмадим. Нима, бошқалардан ортиқ еб ичяпманми? Керак бўлса колхознинг обшиқозонидан атала ичсам,



пайти келса кечалари иссиқсиз ётиб қолсам. Раис номим бору, турмушим — ит ётиш, мирза туриш. Тонг отмасидан бир пиёла чойсиз далага югураман. Оилам бўлмаса, қўша-қўша гиламим, атлас-адрес кўрпатўшагим бўлмаса! Битта уйимниям колхозчилар қуриб берган!

Ёруғ дунёга келиб, нима рўшнолик кўрдим ўзи? Кўнгилсиз хотиннинг ғиди-бидиларию, «ўзинг юрист бўла туриб, қонунни бузаясан», деб айюҳаннос солишимиз! Қон тупуриб ётган сил акамнинг бемаъни насиҳатларию янгамнинг инсофга чақиришларими! Қочоқ одамдек поездга осилиб келганиму адвокатура ҳужрасида бировларнинг жонга тегадиган йиғи-сиғисига қулоқ солганимми! Тоғам Хўжақуловнинг елиб-югуришларию раис бўлганимдан кейин суткасига уч соат ухлаб, жонжаҳдим билан ишга киришганимми? Битта топган юпанчим Раъноми? Нимаси юпанч?!

Асли ҳаммасига шу хотин сабабчи! Йўқ, айб ўзимда! Тоғам айтган нафснинг биттасини тийдим-у, иккинчисини тиёлмадим.

Хўш, нима бўпти? Менам эркакман, ахир! Мен фақат биттасини биламан. Мени тергайдиганлар аввал ўзини эплаб олсин. Ҳар бирининг ўнтадан ўйнаши бор. Қолаверса, ғунажин кўзини сузмаса, буқача ипини узмайди. Мана, илонваччами, баломи, ўзини сақлаб қолиш қўлидан келди-ку! Анави кишим бўлса, янги ҳунар чиқардилар! Бошлари айланаётганмиш. Кўнгиллари гулвата тусаб қопти. Қусаётган эмишлар! Менга деса қон қусмайсанми! Хамиртуруш ичасанми, бало қиласанми, нима бўлгандаям ўзинг эпла! Жудаям тихирлик қилаверса, Тошкентга — дўхтирга жўнатаман. Шундоқ қилмоқчи бўлиб турганимда онаси ўлиб қолди. Ким билсин, ҳали яна нима гап топиб келаркин! Биламан, у қилиб-бу қилиб, тегиб олмоқчи! Аҳмоғинг ҳаммомга кетган! Сенга уйланаманми! Сенга-я! Бировнинг қўйнида ётган жувонга-я! Жа бўлмаса, ана Робияга законний уйланганим яхшимасми!

— Чу, Қоракўз, яқин қолдик! Тезроқ, биродар, тезроқ!

Бари бир, унисиям тўғри келмайди, бунисиям. Раънони икки дунёдаям олмайман, Робия тегмайди. У ҳолдаям, бу ҳолдаям гап айланади. Абдурахмонов тиш қайраб юрибди ўзи! Ҳинг десам штрафной батальонга жўнатади. Йў-ўқ! Кечирасиз! Хотин деб ўлиб кетадиган анойи йўқ! Мендан яхши раис тополмайсиз! Планни ошириб бажариш ўз йўлига. Сут солиғими, гўшт, жун, дон солиғими — ошириб бажарган ким? Заёмни ҳаммадан кўп сотиб олган колхоз қайси? Яқинда ҳимоя фондига ёрдам керак, сизлар тўплаган маблағга замбарак ясалади, деган гап чиққанида ҳаммадан кўп тиллаю кумуш тўплаб берган хўжалик раиси ким? Хўжаев эмасми?

Бу нокаслар жонини берса берадики, тилласини кўзи қиймайди. Эргаш сельсовет билан Исмоил мелисани ёнимга олиб, уйма-уй юрганам бир пул бўлди. Битта-яримта валломатдан бошқа ҳаммаси: «ҳеч вақомиз қолмади», деб безрайиб тураверди. Ушанда орага Оқсоқол тушмаса райком олдида расво бўлардим. Оқсоқол одамларни клубга тўплаб, ваъзхонлик қилди. Қизиқ, чол қўлини паҳса қилиб шунақанги гаплар айтдики, ҳаммаси қулоғимга михланиб қолди.

«Биламан, ўлдим деганда ҳар бирингда сандиқ бурчагига бекитиб қўйган битта билагузук, бир жуфт зирак бор. Яхши ният билан бирини қизингга, бирини келинингга атаб қўйибсан. Аммо ўнг қулоқ, чап қулоғинг билан эшитиб қўй. Бугун ўша савил қолгур тилла тақинчоғингни олиб чиқмасанг, эртага қизингни узатолмайсан. Нега деганда, қизингни унашиб қўйган қайлиғи немис танкининг тагида қолади. Келин туширолмайсан. Негга деганда, ўғлинг душманнинг ўқига учрайди. Ана, унда кўрасан томошани! Танангга ўйлаб кўр, халойиқ. Ҳарна битта ортиқча замбарак ясаб душманни қирганинг фойдамасми... Жон омон бўлса, мол топилади. Боланг соғ-саломат келса, тўйни тақинчоқсиз ҳам қилаверасан. Омади гап шу. Белимда белбоғим бор деганинг обчиқавер лаш-лушингни!»

Ажаб, ўша кун иш кечқурун идорадаги чоғроқ қути олтин-кумуш тақинчоқларга тўлиб кетди.

Биламан, Оқсоқол, бу ишни азбаройи менга ёрдам бериш учун

қилмади. Райком олдида ўзини кўрсатгиси келди. Ҳалиям раис бўлишдан умидини узмаган. Айниқса, Абдурахмонов секретарь бўлганидан бери ғимиллаб қолди. Ажаб қилдим: олтин тўла қутини Дом-деҳқонга ўз қўлим билан олиб топширдим. Санаб, битта-битталаб! Раисликни сенга қўшқўллаб топшириб қўядиган аҳмоқ бор экан-да, сассиқ чол! Амал — асов оддек гап. Қўлингдан бир чиқардингми, икки дунёдаям етолмайсан. От-ку охир-оқибат эгасига қайтиб келса-келар. Лекин амал қайтмайди. Уни аллақачон бошқаси эгарлаб миниб олган бўлади.

Ким у тол панасида арвоҳдек сўррайиб турган? Ие, отангни гўрига!... Соқов-ку! Икки букилиб таъзим қилишига ўлайми? Жиловга нега ёпишади?

— Қўйвор! Отхонагамас! Қоракўзни уйга обкетаман! Нима? Пада-рингга қусур, сениям, Сўпоқниям!

Ош еяётгандек қўлини оғзига олиб бориб имо қилишини қара!

— Йўқол, ош-пошинг билан! Менга қара, ҳей! Сўпоққа айтиб қўй. Тугун кўтариб уйимга борса, бутини йиртиб ташлайман! Тушундингми? Айтмасанг гунг тилингни суғуриб оламан.

Нимага илжаяди бу соқов? Ё бир нимани сездимми? Юзим қонмикин! Қоронғи-ку! Кўриб ўтирибдимми?

— Қоч-е, итдан тарқаган!

Ҳа, қўрқмас экансан-а! Бир қамчилик ҳолинг бор экан-ку. Зипиллаб чопишини қара! Соқов бўлсаям балога ақли етади. Ҳозир боради-да, ҳамма гапни тили бир қарич одамдан яхшироқ тушунтиради, Сўпоққа.

Дрр! Мана, келдик, Қоракўз! Шошма, дарвозани очайлик. Бўлдими? Чанқаддингми? Қара, Қоплон ҳам чанқабди. Ҳозир... Чироқни ёқайлик.

Ў-ў-ў! Минг лаънат! Юзим қоп-қора қон-ку! Ихх! Қанжиқ! Яна қонаяптими? Ювмасам бўлмасди-да! Йўқ, яра чуқурмас. Аксига олиб доқаям йўқ. Майли, қийиқча билан боғлаймиз. Қайтага яхши бўлади. Қон юқи билинмайди. Мана, бўлди. Ҳаммаси законний!

Минг лаънат шунақа турмушга! Бир бурда қотган нон ҳам қолмабди. Ўзим оч, от оч, ит оч! Қанақа ҳаёт бу!..

Дарвоза тақиллаяптими? Ана, ит ақиллади. Отангни гўрига... Дума келган! Демак, анави итвачча сочини юлиб, пакана Думага арзидод қилган! Биламан, Дума бир ўзи келишга ҳадди сиғмайди. Оқсоқолни бошлаб келган. Яхши! Гаплашиб қўямиз! Қайтага яхши бўлди. Анави илонвачча уруш даври қонунини бузди. Арзимаган нарсани баҳона қилиб, тракторни далага ташлаб кетди. Ишга ўн бир минут кеч қолганлар кесилиб кетаётган бир пайтда роппа-роса ўттиз бир кун далага чиқмади. Қўлида ҳужжати йўқ. Демак, МТСни алдади, колхозни алдади, давлатнинг кўзига чўп солди. Бугун йўлда кўриб қолиб, нега ишга чиқмаяпсан, десам, тош отиб, бошимни ёрди! Хизмат бурчини бажараётган раиснинг ҳаётига суиқасд қилди. Тамом, Исмоил меласага хабар қиламан, ҳозироқ оёғини ерга тегизмай районга олиб кетади. Жуда соз-да! Бир йўла Оқсоқол билан Думаниям жойрастонига тиқиб юбораман! Раҳбар шахсга туҳмат қилгани учун Жиноят кодексига статья бор...

— Ким у?

Оббо? Сен етмай турувдинг ўзи! Кеча онасининг йигирмасига кетувди-ку. Колхоз ҳисобидан бир қоп ун, бир пуд гуруч ажратиб берувдим-ку. Дарров қайтибди-да.

— Яхши ўтказиб олдингларми, Раъно? Қўлингдаги нима? Ош? Маъраканинг ошими! Қорним таталаб кетаётганди. Қаёқдан билдинг? А? Э, ҳеч гап йўқ. Йиқилиб тушдим.

Оббо аблаҳ! Ҳалиям келган экан-да! Биров кўрган бўлса...

— Неча марта айтдим, Раъно! Биламан, меҳрибонсан. Ақллисан. Аммо тушунсанг-чи. Одамлар оёғи биланмас, оғзи билан юради ҳозир! Нима кераги бор эди?! Қани, юр, эшикни ил... Яна сўрайсан-а? Ҳеч нима бўлгани йўқ. Кўтармага борувдим. Карамни экиб бўлишгунча тепасида турдим. Кеч қопкетдим. Ёнғоқзордан ўтаётганимда... Анави табибнинг кўрғони ёнидаги ёнғоқзор бор-ку, ўшандан ўтаётганимда от ҳуркиб кетди. Бошим шохга урилиб, йиқилиб тушдим. Яхшиям оёғимни узангидан чиқариб олганим. Бўлмаса суюгимгача қийма-қийма бўлиб кетардим...

Нега йиғлайсан, жоним? Қўрқма, тентак. Оёқ-қўлим бус-бутун? Нима? Вой жинни-ей! Бели синган одам соғ қоладими, жиннивой! Мана, қара, мана! Кўнглинг жойига тушдими энди! Худо сени бахтингга Умар акангни бир қайтиб берди, Раъно! Оҳ-оҳ-оҳ! Бунақа мазали ошни умримда емаганман! Йўқ, тегма! Қони тўхтаб қолди. Оғриётгани йўқ деяпман-ку! Хавотир олмагин... Бўпти кўйлагимни ечиб бераман, ҳали ювиб қўясан. Жиндай қон теккан. Нима қипти! Ҳа, яна бошландими?! Арт-е! Кўзингни ёшини оқизаверасанми? Ўз ғамим ўзимга етмайдими? Нима? Минг лаънат! Иштаҳаниям расво қилдинг. Ўзим эрта пешиндан буён туз тотмагандим. Падарига қусур, шунақа турмушнинг! Менга қара, вей! Қўйнимга кирәётганингда туғиб бераман деганмидинг?! Нима қиласан гапни айлантириб!.. Оббо, тағинми? Қўй энди, шуяғ проблема бўптими? Сўпоқнинг хотинига бир оғиз шипшитсанг... Дунёнинг тагига ўт қўядиган хотин. Аммо зинҳор мени айта кўрма... Ие, секин! 'Бўлди-е! Биров деразадан қулоқ солиб турган бўлса нима қиламиз! Э, ўчир! Ургилдим обидийдангдан! Бўлди Раъно, бўлди. Хўп, сен нима десанг шу. Бўпти, шаҳарга обораман. Таниш дўхтир бор. Кўнглинг жойига тушдими? Жиннивой! Еш болага ўхшайсана! Шунга шунчаликми? Йўқ, шошма, кўйлакни ювиш қочмас. Чироқни ўчир. Бирпас олдимда ўтир. Соғиниб кетдим, жоним!..

...Ё тавба! Хотин зоти ғирт лақма бўлади-да! Ана, ошхонада тараша ёраепти. Самоварда сув иситади, кўйлак-шимимни ювади... Ҳалиям бошим сирқилляпти. Ифлос-ей! Ушандан калтак едимми-а? Ҳеч кимга гапирмагани аниқ. Оғзидан гулласса Оқсоқол билан Дума аллақачон узун-қисқа бўлиб кириб келарди. Аммо иккаласиниям тузлардим! Майли, қораси ўчсин! Ҳар қалай, уйда Раъно бор. Бари бир, ўша илонваччадан қасдимни олмай қўймайман. Раисга қўл кўтариш қанақа бўлишини кўриб қўйсин! Шунақангни додини берайки, онасидан туғилганига минг арава пушаймон есин!

## УН ЕТТИНЧИ БОБ

### «Қора амма» ҳикояси

#### 1. ДУМА ЧОЛ, ДУМА ЧОЛ...

Кўча эшик томонда эшак ҳангради. Чолимнинг «ишш» дегани эшитилди. Қулоғимга шумтака болаларнинг қий-чуви киргандек бўлди:

«Дума чол, Дума чол,  
Лавлагига «шарбат» сол...»

Йўқ, болалар ҳозир унақа демайди. Чолимнинг бир эмас, тўртта ёғоч бочка ортилган эшакаравасига эргашиб ирғишламайди. Ориф оқсоқол бунақа адабсиз «така»ларни тарбиялаган ота-онаси билан гаплашиб, шунақанги танобини тортиб қўйганки, ашула айтишмайди. Лекин айтишган. Бир вақтлар...

Аслида ҳаммаси ўшанда — Робия «одам ўлдирдим» деб эшикдан додлаб келганида бошланган эди.

Уша кечаси Алвастикўприккача бориб «ҳеч гап йўқ-ку» деб келди. Аммо қизим бояқиш ёмон кўрққан экан. Кўзига алвасти кўринади-ю, кўрқмайдими! Лабига учуқ тошиб икки кун алаҳлаб ётди. Нуқул «қўйвор» дейди, дод солади. «Бобо» дейди, «ойижон» дейди. Закунчининг отини айтадими-ей... Робия билан айдармон бўлиб, Комил табибникига — таъзияга ҳам боролмадим. Бечоранинг ўғлидан «қора хат» келган экан. Очил раҳматли яхши бола эди. Робияга совчи юборгани эсимга тушиб, юрагим туздек ачиди. Нима қилай, Кимсаним билан Робия бир-бирига кўнгили қўйган экан, чорамиз қанча! Ишқилиб, Кимсаним омон-эсон келсин...

Уша кунгача шу ниятда ўзимни ўзим юпатиб юрган эдим. Бир кунда ҳамма орзуларим чиппака чиқди-кетди. Шамолга созурилган сомондек... Эрталаб тонг отмасидан сигирдан хабар олдим. «Тикилган қозон

қайнамас» деганларидек, «галанска» сигирнинг думига термуламан, туғишидан дарак йўқ. Яхшиямки, бахтимизга баҳор серёмғир келди: чолим тонг қоронғисида туртиниб томорқада ўт ўраётган эди.

Бир маҳал эшик қарсиллаб қолди. Юрагим шиғ этди: Закунчи! Анчадан бери қадами узилганди. Охири бахайр бўлсин, деб юрагимни ҳовучлаганча дарвозага югурдим. Закунчи отини гижинглатиб турибди. Қўлида қамчи. Кунлар исиб кетгани учун, бошига чақмоқ телпак ўрнига дўппи кийиб, пешонасини қийиқча билан танғиб олибди.

Салом берганимни биламан, тўсатдан дағдаға билан сўради:

— Қизинг қани?

Қўрққанымдан тилим калимага келмай қопти. Яхшиям кетимдан чолим чиққан экан.

— Робия касал, — деди тушунтириб. — Чол-кампир иккаламиз ҳозир етиб борамиз.

Энди ўзимга келдим.

— Қизимга жин-ажиналар дап қипти, ўргилай! — дедим ялиниб. — Ўзининг дарди етмагандай Алвастикўприкда кўзига ажина кўринибди. Бир ҳолатда ётибди, айланай!

— Ўзларинг ажинасан! — Закунчининг юзи қаҳрли қийшайиб кетди. — Қизингга айт! Шунақа ялпайиб ётаверса сочидан судраб чиқаман. Қамоққа тушгиси келмаса ишга чиқсин! Бугун, ҳозир!

— Хўп, — деди чолим ерга қараб. — Чиқади. Қўрқитишнинг ҳожати йўқ.

Ҳайронман, чолимнинг гапи Закунчига оғир ботди. Эгар устида ўтирган жойида илон чаққандек сапчиб кетди.

— Ие, ҳали ҳеч нимадан қўрқмайдиган бўлиб қолдингизми, Дума! — деди ғазабдан мўйлови учиб. — Ҳаммангни қатор қўйиб, биттама-битта пешонангдан отиш керак! Ҳаммангни! Авлод-аждодинг билан! Хоинлар!

Чолим ярқ этиб, Закунчининг кўзига қаради. Қаддини ростлади. Бақириб-чақирмади. Аммо овозидаги бояги мутъелик йўқолди.

— Ҳақорат қилманг, раис, — деди секин, дона-дона қилиб. — Ўзига шуқр, авлодимиздан хоин чиққанмас. Ўғлим жон олиб-жон бериб юрибди.

— Сенинг ўғлинг-а?! Жон олиб-жон беряптими? — Закунчи киноя билан шундай маза қилиб илжайдики, мўйлови қийшайиб кетди. — Ҳусанов Кимсан сенинг ўғлингми ахир?! — деди ижирғаниб. Эгарда ўтирганча бир томонга ёнбошлаб, шимининг чўнтагига қўл суқди-да, аллақандай қоғоз чиқарди. — Ҳақиқий жангчи сўнгги томчи қони қолгунча уришади! — бояги қоғозни нафрат билан ғижимлаб, чолимнинг юзига улоқтирди. Қоғоз чолимнинг елкасига тегиб, ерга тушди.

«Қора хат! Кимсанимдан қора хат кепти!» Миямга шу хаёл урилдию эс-ҳушимни йўқотдим. Бир маҳал кўзимни очсам, қаро тупроққа беланиб ўтирибман. Йиғлай десам овозим чиқмайди. Турай десам мадорим йўқ. От ҳам Закунчи ҳам кўринмайди. Чолим ҳам ерга тиззалаб қолган. Ғижимланиб кетган қоғознинг у ёғини айлантиради, бу ёғини айлантиради. Чўққи соқоли, қоқшол кўллари титрайди. Бошидан тушиб кетган дўпписи тупроққа тўнкарилиб ётибди.

— Роби-и! — деди чинқириб. — Роби-и-и!

«Бўлди! Боламдан айрилиб қолдим. Елғизимдан жудо бўлдим!»

— Вой болам! Жоним болам! — тупроққа мук тушиб инграб юбордим.

— Ойи! Бобожон? Нима бўлди?

Робиянинг хавотирли ҳайқириғидан ғира-шира ҳушимга келдим. Олазарақ қарасам, чолим бояги қоғозни биқинини чангаллаган кўйи тепасида турган Робияга узатяпти.

— Ўқи! — деди тутқаноқ тутган одамдек оёқ-қўли баравар титраб.

Робия хатга шоша-пиша кўз югуртирди, ранги ўчиб кетди.

— Овозингни чиқариб ўқи-и! — деди чолим илтижо қилиб.

Робия лаблари пирпираганча, хатни қайта ўқиди:

— «Пиёда қўшинларининг оддий аскарари Кимсан Ҳусанов Калуга остоналарида бўлган жангда бедарак йўқолди».

— Нега? — чолим соқоли титраганча илкис бош кўтариб Робияга чақчайди. — Қанақасига?! — ич-ичига тушиб кетган кўзлари жиққа ёшга тўлди. — Нега?! — деди инграб. — Ўзидан-ўзи йўқолаверадими?

Карахт бўлиб қолдим. Қулоғим шанғиллар, нима учундир нафасим бўғилиб, томоғим ғижиллар, кўнглимда шамолда липиллаб турган шамдек ожиз бир илинж уйғонган эди. «Хайрият! «Қора хат» эмас экан!»

— Бу қанақа ўтириш, ўв?

Шундоқ бошим тепасида гулдираган овоздан чўчиб тушдим. Аввал тагчарми кўчиб кетган бир жуфт каттакон этик, тиззасига ямоқ тушган шим, кейин Ориф оқсоқолнинг барваста гавдасини кўрдим.

— Нима бўлди? — деди у гулдираб.

Чолим каловланиб ўрнидан турди.

— Кимсан... — деди овози қалтираб.

Оқсоқол ҳам бир сесканиб кетгандек бўлди. Гоҳ чолимга, гоҳ Робияга аланг-жалаң қаради.

— Нима «Кимсан»?

Робиянинг қўлидаги хатга кўзи тушиб, буюрди:

— Ўқи-чи, қани?

Робия хатни яна бир марта ўқиди.

— Қанақасига? — чолим энтикиб Оқсоқолга яқин келди. — Нимага йўқолади?

— Э, ўл-е! — Оқсоқол жеркиб берди. — Одамнинг капалагини учуриб юбординг, пакана! — деди энгил тортиб. — Узимам сезувдим, «қора хат» бунақа бўлмайди... Носингдан ол.

Чолим орқага тисарилиб, бошини сарак-сарак қилди.

— Йўқ! — деди ҳансираб. — Зақунчи бошқа гап айтди. Ўғлинг хоин, деди, билдингми? — унинг кўзларига яна ёш тўлди. — Мен... — деди кичкина, чайир муштини тугиб. — Мен... хоиннинг отасиманми? Шунча йил хоинни боқдимми?!

— Саннама-е, хотинга ўхшаган! — Оқсоқол шундай ғазаб билан ҳайқирдики, чолим сийрак киприкларини пирпиратиб анграйиб қолди. Робия нажот кутиб, Оқсоқолнинг кўзига термулди. Мен ҳам, оёғимга қувват киргандек амаллаб ўрнимдан турдим. Лекин нафасим баттар қисар, аллаким томоғимни шошилмасдан, ҳафсала билан бўғаётганга ўхшарди.

— Ўша Зақунчининг-чи... — Оқсоқол уят гап айтиб юборди. Чолимнинг устига бостириб борди. — Эшитдингми? Ким айтади, бедарак йўқолганлар хоин бўлади, деб? Балки партизанларга қўшилиб кетгандир! Шуннақасиям бўлади-ку тўғрими? — Қизиқ, у охириги гапни анча шаштидан тушиб, иккиланиброқ гапиргандек бўлди. — Носдан олсанг-чи, — деди қовоғини солиб. — Ана, қаънилик Холмат аравакешнинг ўғлидан ҳам шунақа хабар келган. Нима қипти? Ўғлингдан «қора хат» келмаганига суюнмайсанми, жинни!

Чолим анча дадилланди. Бироқ Зақунчининг бояги қилиғи яна эсига тушди шекилли, Оқсоқолга носқовоғини узатаркан, овозида шубҳа билан сўради:

— Нимага бўлмаса анови?..

— Яна гапиради-я! — Оқсоқол «садқаи одам кет» дегандек куюқ қошини чимирди. — Кимсанни биламан-ку! — деди бақириб. — Белида белбоғи бор бола! Партизанларга қўшилиб кетган. Радио эшитасанми ўзи? Желан деган жойда бизнинг партизанлар немиснинг қанча поездини аспаласопинга жўнатганидан хабаринг борми? — у носқовоқни чолимга қайтариб бераркан, тўнғиллади. — Ўзи ҳеч балони билмайди-да, тағин хотинга ўхшаб чирқиллайди. Кўрасан, эрта-индин хат ёзади.

Ҳушим энди ўзимга келди. Қарасам, Робия биқинини чангаллаган кўйи кўчага йўл олапти.

— Ҳой, қизим? — деган эдим, қўл силтади.

— Кетдим! Тракторга бораман!

— Юр, ўртоқ! — деди Оқсоқол носини тупуриб. Ёш болани етаклагандек, чолимнинг қўлидан тутиб, юриб кетди.

\*  
\*  
\*

Пиёз ўтоқ қилиш — хотинларнинг иши. Нима бўпти! Ариққа ўтириб оласизу пуштадаги пиёзни бўғиб қўйган ўтти юлиб ташлайверасиз. Баҳор серёмғир келгани мол-ҳолга яхши бўлди-ю, экинларга жабр қилди. Пиёздан кўп — ўт! Ер — зах. Битта пиёзнинг ўтини юлиб олиш учун кам деганда бир пиёла чой ичкулик вақт кетади. Чўнқайиб ўтиравериб оёқ жонивор увишиб қолади. Аллақачон олма гуллаб, кунлар исиб кетган. Елкангиз қизийди-ю, оёғингиздан муз ўтиб, қақшатиб юборади.

Бир соат ишламасимдан пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди. Баданим қизиб боряпти-ю, ўзим қалтирайман. Закунчининг эрталаб айтган гапи ҳамон қулоғимдан кетмайди. «Хоинлар! Ҳаммангни пешонангдан отиш керак!» Наҳот менинг ўғлим, яккаю ёлғиз Кимсаним хоин бўлса! Ишонмайман, юрагим сезиб турибди, ўғлим хоинмас, ўлган ҳам эмас. Оқсоқол рост айтади, соғ-саломат. Анали... оти нимаиди... партизанларга қўшилиб кетган... Унақа бўлса, Закунчи нимага бунақа деди? Уям, ахир, закунни билади, Оқсоқолдан яхшироқ билади. Худо кўрсатмасин, ростдан ҳам...

Тушликка занг чалинганида бўларимча бўлган эдим. Урнимдан турман деб йиқилиб тушдим. Икки қўлим лойга ботди. Этагимга йиғилган ўтлар пиёз пуштасига сочилиб кетди. Жонҳолатда лой аралаш ўтларни тағин этагимга солдим-да, пушта четига бора туриб, нафасим ғалати чиқаётганини яна сездим. Ҳали, Закунчи Кимсандан келган хабарни улоқтириб кетганида ҳам нафасим қисган эди. Лекин бунчалик бўлмаганди.

Тушликка ҳар кунгидай атала қилишган экан. Авваллари бир коса аталани кўрдим демасдим. Бу сафар тўрт қошиқ атала ичишим билан нафасим қайтиб кетди. Томоғим янги маҳсига ўхшаб ғижир-ғижир қилади. Ёнимда ўтирган хотинлардан уяламан... Косани ерга қўйдим-да, оёғим увишиб қолганидан чўлоқлана-чўлоқлана пайкал бошига — ариқ бўйига кетдим. Муздай сувга юзимни чайсам зора тузалса! Ариқдан энди сув ҳовучлаётсам, офтоб чарақлаб турган даладан тўппа-тўғри шу томонга келаётган жувонга кўзим тушди. Ким бўлди бу! Вой менгина ўлай! Раънохон-ку! Ўзимнинг келиним-ку. Унниққанроқ хол-хол кўйлак кийибди, сочини чамбарак қилиб олган. Қўлида дафтари. Уруш ҳам ўлсин! Одамларни бир-бирига шунчалик беқадр қилиб қўйдими-а! Қудам бечоранинг йигирмаси ўтгандан бери келинимдан хабар ҳам ололмадим. Раънохон ҳам айтса керак, жигар — жигар, дигар — дигар экан-да, деб! Нафасим қисганига қарамай, югуриб бориб, қучоқлаб кўришдим. Гулдек қиз эди, бечора! Сўлиб қопти. Қорайибди, юзини доғ босибди...

— Шомуроддан хат борми? — десам, негадир қизаргандай бўлди. Бари бир ёш-да! Уялади.

— Ҳа, — деди ийманиб. — Яхши эканлар, сизларга салом айтибдилар.

Хайрият, укам соғ-саломат экан. Шуни ўйлашим билан бугунги ҳангома яна эсимга тушди. Раиснинг «хоинсанлар» дегани тағин қулоғим тагида эшитилгандай бўлдию, ич-ичимдан зил кетиб, тушунтирдим.

— Робия касал эди, келинпошша, сизниям ҳолингиздан хабар ололмадик.

Раънохон, ўтоқчи хотинлар ғуж бўлиб овқатланиб ўтирган тол томонга қарадию, юзи ёришгандек бўлди.

— Умар ака келдилар... — деди секин.

Тол тагида жийрон жиловидан тутиб турган Закунчини кўриб, юрагим зил кетди.

— Юринг, опа! — Раънохон қошини чимирди. — Жаҳллари чиқиб юрмасин!

Шундай деди-да, ўқариқ четидан югургудек бўлиб, илдам юриб кетди. Келинимга етиб юролсам экан! Нафасим қисиб кетяпти. Оёғим

чалишади. Юрагим гурсиллаб уради. Яна бир қадам боссам йиқилиб тушадигандек гандираклаб боряпман...

Амаллаб етиб келдиму аталадан бўшаган косаларини олдиға қўйиб, давра қуриб ўтирган хотинлар ёнидан ўтганча толға суяниб чўккалаб қолдим. Қулоғимга Умар-закунчининг овози кирди.

— Колхозчи ўртоқлар... Замон оғир. Аммо ғалаба яқин. Душман чекиняпти...

Қовоғимга тош осилганми? Кўзимни очолмаяпман. Ҳадеб нафасим қайтади. Пешонамга кафтимни боссам, ўт бўлиб ёнаяпти! Нима бало, яна оғриб қолдим шекилли. Закунчининг гапи қулоғимга элас-элас чалинади. Менсимади демасин, деган ўйда амаллаб кўзимни очиб қарасам, менга тикилиб турибди. Бошида ўша дўппи. Пешонаси қийиқча билан танғилган. Кўзида худди эрталабдагига ўхшаган заҳарли киноя.

— Душман чекиняпти-ю, аммо... — у менга бир қараб, ҳазар қилгандек юзини чириллатиб ўгирди. — Бизнинг орамизда ҳам жангсиз, курашсиз чекинаётганлар йўқ эмас. Бирининг у ери оғрийди, бирининг бу ери... Бирини ажина чалади...

Аталага тўймагани учун туршак чайнаб ўтирган Парча хў-хўлаб кулди:

— Уша ажинани кўрсамийди, обший қозонга босиб, қайнатма шўрва қилардим!

Хотинлар кулиб юборишди.

Закунчи ҳам мўйловини қийшайтириб мийиғида кулди.

— Маладес! Сиз-ку, шунақа дейсиз. Лекин арпа унини баҳона қиладиганлар ҳам бор-да! Бу уруш — ҳаёт-мамонт жанги! — тишларини ғижирлатиб таъкидлади у. — Одам нина эмаски, шудгорга тушиб йўқолиб қолса. Лекин айрим жангчилар йўқолиб қолаётганмиш... — Закунчи кинояли кулди. — Қизиқ, бутун бошли жангчи йўқолиб қолса! Ватан ишониб топширган қурол-яроғи билан. А, лаббай? — Закунчи «жавоб бер!» дегандек кўзимга қаттиқ тикилди.

Хотин-халаж ҳайрон бўлиб қолган, ҳамма бунақа хунук гапни биринчи марта эшитаётгани учунми, сеҳрланиб қолгандек ундан кўз узмас, Раънохон бошини қуйи солганча, кўлидаги дафтарга қалам билан алланимани чизиб турарди.

Юрагим қинидан чиқиб кетгудек ура бошлади. Нафасим бўғзимга тикилиб қолаётганини, кўз ўнгим хиралашиб кетаётганини сезиб турардим.

Закунчи чўнтагини узоқ титкилади. Охири папирос олиб, тутатди.

— Гапиринг! — деди бошини маломат билан чайқаб. — Гапга устасиз-ку, авлод-аждодингиз билан!

— Ёлғон! — дедим чинқириб. Умрим бино бўлиб бўғзимдан шунчалик даҳшатли, аламли ҳайқириқ отилиб чиқмаган бўлса керак. — Ёлғон! Тўхмат қилган тўхмат балосига учрасин! Учрамаса у дунёю бу дунё розимасман!

— Тағин шаллақилик қилади! — Закунчи папиросини ғазаб билан чертиб юборди.

— Бу қандоқ бедодлик! — дедим икки қўлим билан тиззамни муштлаб. — Бу қандоқ тўхмат!

Одам эсдан оғиши ҳеч гап эмас экан. Жиннилардек чинқирганча Закунчига талпиндим. Аммо икки қадам юрмасимданоқ еру кўк чирпирак бўлиб айландию, юзтубан йиқилиб тушдим. Кўзимни очсам, атрофимни хотинлар ўраб турибди. Парча пиёз ўтайвериб кўкариб кетган каттакон, дағал кафти билан юзимни силаяпти.

— Қўйинг, опажон! — дейди дўриллаб. — Ит акиллади-қўйди-да!

## 2. ЕМОННИНГ КУЧИ — ЯПАЛОҚҶА...

Куз эрта тушди. Қовун палаги қуримасидан ҳавода мезон учди. Кечалари осмонда турналарнинг ҳорғин ноласи эшитилди. Бу йил қиш қаттиқ келадиганга ўхшайди. Тераклар учидан сарғайиб, баргини эрта

тўқди. Лавлаги кавлашга тушганимизга бир ҳафтадан ошди. Чолим ҳамма-ёқни «шарбат»га тўлдириб юборган экан. Қайси пайкалга кирманг, ўқариқ бошидаги «тиллахона»га кўзингиз тушади. Узунлиги беш қулоч, эни икки қулоч чуқурга чолим ҳовлима-ҳовли юриб, бочкага ортиб келиб «шарбат» тўлдирган.

«Шарбат»нинг таъсири яхши экан. Лавлаги шунақанги «қутуриб» кетганки, ҳар биттаси самовардек келади.

Кеча Раъноҳон лавлаги қазийтган жойимизга келиб, атайлаб одамларни тўплади. Газетада Умар-закунчининг камида бир пуд келадиган лавлагини кўтариб турган сурати чиққан экан. Сурат тагидаги ёзувни ҳаммага эшиттириб ўқиди.

«Стахановчи Умар Хўжаев раислик қилаётган «Қизил дехқон» колхозининг азаматлари ҳар гектар лавлагидан олтмиш тоннадан ҳосил олишга аҳд қилганлар. Бу — қаҳрамон колхозчиларнинг қаҳрамон жангчиларга муносиб совғаси бўлади...»

...Ориф оқсоқол ўшанда тўғри айтган экан. Бедарак йўқолди, дегани хоин дегани эмас экан. Нўғайқўрғонга яна икки одамдан шунақа хабар келди. Бунақа хат олганлар хафа бўлиш ўрнига қайтага қувонишди. Бундан чиқди, ўғли тирик. Ким билсин, балки госпиталга тушгандир, балки партизанларга қўшилиб кетгандир... Закунчининг ўша совуқ гапи чолимнинг жони-жаҳонини шунчалик куйдириб юбордики, Оқсоқолникидан атайлаб бочка олиб чиқиб етти маҳалланинг ҳожатхонасини қиртишлаб, далага «шарбат» ташишга тушди. Буям етмагандек эрта-индин туғай деб турган галанска сигирни сотиб келди. Ўрнига ўрин тиррақи бузоқ опкепти. Бу жонивор қачон сигир бўладию қачон сутга кирази... «Қолган пулни нима қилдиз», десам, «ишинг бўлмасин», деб жеркиб берди. Кейин Оқсоқолдан эшитдим. Чолим «Ўзбекистон» танк колоннасига ҳаммадан кўп пул топширганмиш. Закунчи мажлисда чолимни роса мақтаганмиш. Мақтамай тилинг кесилгур! Нима қилардинг тўхмат қилиб, эл ўртасида бизни маломатга қолдириб! Шунга айтсам, Оқсоқол сўкиб берди: «Ёш бола тушунадиган нарсага ақлинг етмайди-я, келин! Закунчи сенинг паканангни азбаройи яхши кўрганидан мақтабдими? Чолинг обрў оберяпти Закунчига, тушундингми?!» Менинг ақлим етмаган нарсани чолим жуда яхши биларкан. Бугун Закунчи ёнига суйкалиб келган эди, жанжал чиқаришига бир баҳа қолди. Начора, ёмон гап одамнинг кўнглидан кетмас экан. Бугун ғалати кун бўлди ўзи. Кулишингниям билмайсан, хафа бўлишингниям...

Иш аини қизиганида Закунчи келиб қолди. Кайфи чоғ. Салқин тушиб қолгани учун бўлса керак яна ўша чақмоқ телпагини кийиб олган, оёғида қайтарма қўнжли этик, қўлида қамчи... У отдан чаққон сакраб тушди. Жиловдан тутган кўйи кулимсиради.

— Ҳорманглар-ов! — деди тетик овозда. — Бир минут вақтларингни оламан.

Ҳамма бирин-сирин яқин келди. Фақат Парча ўқариқ бошида, яримлаб қолган, устига тупроқ сепилган «шарбатхона» ёнида кетмонига суюнганча тураверди. Закунчи тоғдек уюлиб ётган, ҳар биттаси дўнгдек келадиган қанд лавлаги хирмонига кўз ташлаб, қамчили қўли билан ингичка мўйловини силади.

— Ўртоқлар! — деди тантанали, жарангдор оҳангда. — Бугундан бошлаб Янгийўлда қанд заводи ишга тушди. Янги завод! Бизнинг лавлаги билан ишлайдиган завод! Биласизларми, бу — нима дегани! — у мамнун жилмайиб, ҳаммага бирма-бир қараб чиқди. — Бу дегани шуки, бизнинг лавлага эртага тонна-тонна қанд бўлиб жангчиларга жўнатилади. Бу законний ишга сиз ҳам ҳисса қўшдингиз, Ҳусан ака! — У от жиловидан тутганча чолимга яқин борди. — Маладес, бобой! — деди қамчили қўли билан чолимнинг елкасига қоқиб. — Маладес!

Қизиқ! Чолимнинг ранги гезариб кетди. Закунчининг қўлини елкасидан силтаб ташлади. Закунчининг авзойи ўзгарди, мийиғида кулди.

— Яхшилик ёқмаган банда! Иззат қилсанг тўрға чиқиб... — У кителининг чўнтагидан папирос олди.

Шунда чолим ғалати иш қилди. Шимининг чўнтагига қўл суққан эди,



ялтироқ папирос қутиси чиқди. Жинни бўлганми чолим! Папирос чекмасди-ку, қаёқдан келди бунақа қути! У индамасдан қутини Закунчига узатди. Закунчи негадир эсанкираб қолди. Гоҳ чолимга, гоҳ қўлидаги ялтироқ папирос қутисига қараганча орқага чекинди. Боши от тумшугига тегиб, чақмоқ телпаги қийшайиб кетди.

— Тек, падарингга лаънат! — деди жийронга қамчи ўқталиб. От қулоғини чимириб, бош силкиди. Сувлиқ шақирлаб кетди. Чолим бир зум Закунчига тикилиб турди-да, папирос қутисини ерга улоқтирди. Қути пушта устига тушиб, дириллаб сакраб кетди. Ичидаги папирослар ҳар ёққа сочилди. Чолим кетмонини елкасига ташлаб, индамай кетаверди. Орага ноқулай, таранг сукунат чўкди.

Боядан бери кетмон дастасидан ушлаб турган Парча раис олдида ўзини кўрсатиб қўйгиси келди шекилли, икки кафтига мўлгина туфлади-да, кетмонни боши устида баланд кўтарганча «хах» деб лавлаги пуштасига урди. Мўлжаллаган лавлагиси «шарбатхона» яқинида ўсгани учунми, росаям битиб кетган экан! Кетмонни ҳарчанд чуқур солмасин, қоқ ярмидан кесилиб, отилиб кетди. Силлиқ кесилган лавлагининг ерда қолган палласи лагандек оппоқ кўриниб кетди. Бирдан Закунчининг кўзлари қисилиб, кўкимтир ўт чақнади.

— Қанжиқ! — деди ҳайқириб. — Нима қилдинг, қанжиқ! — От жилловидан тутганча, қамчи ўйнатиб Парчанинг тепасига борди. — Мана шу лавлаги бир жангчининг ҳаётини сақлаб қолишини биласанми! — У пушта устида ётган лавлаги палласини этиги билан тепди. Лавлаги яримта бўлса ҳам ўртачароқ пақирдек келарди. Тепки зарбидан учиб кетмади.

Парчанинг қалин лаби осилиб кетди. Кўрқиб, кипригини пирпиратди, ammo чекинмади, анграиб тураверди.

— Ман билмадим-да! — деди дўриллаб. — Котта экан!

— Билмадинг?! — Закунчининг овози таҳдидли жаранглади. — Сен очофат ҳаммасини биласан! Лавлагининг ярмисини ерда қолдириб, уйингга обкетмоқчисан! Аждаҳо нафсингга қайнатиб емоқчисан.

Парча атрофдаги хотинларга ҳайрон аланглади.

— Манов кишини қарайла! Жинними бу?

— Мана жинни!

Ҳавода қамчи визиллади. Парчанинг чеккасидан иягигача кўндаланг из тушиб қолди. Из аввал қизғиштов бўлиб турди-да, ўша заҳоти арқондек бўртиб чиқди. Бурнидан тирқираб қон оқа бошлади.

— Қочсанг-чи! — деди Лазакат чирқиллаб. — Қоч!

Шу пайт кетмонни боши устида баланд кўтариб югуриб келаётган чолимга кўзим тушди.

— Борманг! — қўшқўллаб кетмон дастасига осилдим. — Аралашманг, қаматади.

— Нарн тур! — чолим кетмонни силтаб тортди. Кучим борича дастага ёпишиб олдим. Иккаламиз пуштага чўккалаб қолдик.

Орқа томонда яна қамчи визиллади. Кўрқув ичида бурилиб қарадим. Парчанинг юзида арқондек иккинчи чизиқ бўртиб чиқди. Парча бу гал ҳам қочмади. Лекин илондек тўлғаниб турган қамчини маҳкам чангаллаб олди. Чолимнинг қўлидаги кетмон дастасига ҳамон ёпишганча қарасам, Закунчи қамчи дастасини силтаб тортаяпти.

— Қўйвор! — деди ғазабдан хириллаб.

Бурни қонаётган Парча қамчини бўшатмади. Чолим кетмонни ташлаб, ўша томонга юрган эди, оёғига осилиб олдим.

— Борманг!

— Қўйвор, ит эмган! — Закунчи тишини ғижирлатиб, қамчи дастасини яна силтади. Парча қимир этмас, ҳуркиб кетган от нуқул ер тепиниб бошини силкитар эди.

Закунчи от жилловини қўйиб юборди. От думини гажак қилиб шаталоқ отди.

— Қўй-ворр! — Закунчи қамчи дастасини қўшқўллаб чангаллаган қўйи кучи борича орқага силтанган эди, Парча кафтини ёзиб юборди.

Закунчи орқасига тисарилиб кетди. Уч-тўрт қадам гандираклаб бордию ўқариқ пуштасига қоқилиб «тиллахона»га чалқанча йиқилди.

Бу — шунақанги кутилмаганда бўлдики, ҳамма анграйиб қолди. Ҳатто боядан бери ўша томонга талпинаётган чолим ҳам пуштага чўккалаганча оғир-оғир киприк қолди.

Закунчининг қайтарма қўнжли этиги ҳадеб типирчилар, аммо ўзи кўринмасди. Ниҳоят этиклар ҳам бир зум кўздан ғойиб бўлдию чоқ қирғоғида бир жуфт қўл кўринди. У қирғоқдаги кесакларни таталаганча эмаклаб юқорига чиқа бошлади. Бошидаги чақмоқ телпак тушиб қолган, аммо қамчисини ҳалиям қўлидан қўймаган, юз-кўзини кўриб бўлмас, оғзини каппа-каппа очиб нафас оларди...

## ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

### РОБИЯ ҲИКОЯСИ

#### ОРИФ ОҚСОҚОЛНИНГ ҚАРОРИ

Урушнинг иккинчи баҳори ҳам қаҳрли келди. Энди ўрик гуллаганда қора совуқ бўлиб, ҳаммаёқни қақшатиб кетди. Умар-закунчи ўшанда хат олиб келганида Кимсан акамнинг дом-дараксиз кетишини жудаям хоҳлаган эканми, билмайман. Бир йилдан бери на хат бор, на хабар. Гоҳ тушларимда икковлашиб ишқомда узум узамиз, гоҳ аллақандай нотаниш кўчаларда юрган бўламиз. Шунақа пайтларда уйғониб кетсам кўзимни қайтадан юмиб оламан. Тушимнинг давомини кўргим келади. Кечалари сандал четида ўтириб, қийиқчага Кимсан акамнинг номини ёзиб, кашта тикаман...

Кўклам сурилиб кетгани учун тракторларни кечаси ҳам ишлатадиган бўлдик. Яхшиям Зухра келинни трактор ҳайдашга ўргатганимиз. Башор опа иккаламининг қўлимиздан нимаям келарди. Зухра келин ёрдамчиси Олимжон билан бинойидек ишлаяпти. Кузда ҳам анча жойни шудгор қилган эди. Аввалига Олимжон, «опа, сиз билан ишлайман», деб кўп хархаша қилди. Болани алдаб-сулдаб йўлга солдим. Менга балоям урмайди. Ёрдамчи керакмас. Сув ташиш бўлса ўзимдан қолмас. Ҳарна, Зухра келинга ёрдам бергани. Нима бўлгандаям кўнгли ярим.

Тонготар уйқуси қанчалик ширин бўлишини кечаси билан мижжа қоқмаган одам билади. Ҳаммасига чидайсиз-у, лекин осмон бўзара бошлаганда шунақанги уйқу босадики!.. Билмаган одам тракторнинг тириллаши уйқуни бузади, деб ўйлайди. Унақамас, аксинча: тракторнинг овози аллалайди. Бултурдан қолган марзалар устидан силкина-силкина ўрмалаётган трактор бешиқдек тебранади. Ўтирган жойингизда мудраб кетганингизни ўзингиз ҳам билмай қоласиз.

Зухра келин — уйқучироқ! Кўпинча тонг саҳарда тракторни дала ўртасида тўхтатади-да, руль чамбарагига бошини қўйганча ухлаб қолади. Бу сафар ҳам шунақа бўлди. Марза этагига борганда нариги пайкал ўртасида чироғи ёниб турган тракторни кўрдим. Зухра келин яна ухлаб қопти. Трактор бир жойда қимирламай турибди.

Моторни ўчириб, тупроқ кечганча ўша томонга юрдим. Биламан Зухра опага қийин. Оқсоқолникиям катта даргоҳ. Фотима опа болачақадан ортмайди. Уйдаги кўп юмушлар Зухра келиннинг зиммасида. На уйда тиним бор, на далада.

Қизиқ, Олимжон қаёққа кетдийкин. Уям ухлаб ётгандир-да. Бола-ку ахир.

Яқин келсам Зухра келиннинг трактори тариллаб турибди.

— Зухрапа! Туринг! Тонг отяпти.

Гаранг одам бўлсаям эшитарди. Тракторнинг темир зинасига оёқ қўйиб, ичкарига мўраладим, ҳайрон бўлдим: ҳеч ким йўқ эди.

Олимжон-чи? Олимжон қаёқда? Ҳали пачоқ челақда сув кўтариб, Зухра келиннинг трактори томонга кетаётганига кўзим тушувди.

— Олимжо-он?! — дедим бақириб. — Олимжо-о-он!

Пайкал этагида ўрмалаб келаётган Башор опанинг трактори ҳам тўхтаганини кўрдим. Пайкалнинг юқори томонидан — тутзор орасидан бир қора ажралиб чиқди-да, шу томонга югурди. Яқинроқ келганда илғадим: Олимжон! Эгнида эски чопон, бошида дўппи. Қўлида челак.

— Сув керакми? — деди мушти билан кўзини ишқалаб. — Ухлаб қопман.

Бутун шудгорни, пайкал четларини айланиб чиқдик. Олимжон ҳам ҳаллослаб келиб бир оғиз сўз айтди.

— Йўқлар!

Ой умидсиз, қизғиш нур сочиб ботиб борар, шудгор қилинган дала янаям қорайиб кўринар, атрофга сирли, ваҳимали сукунат чўккан эди.

Ҳаммамиз ҳар ёққа зир югуриб чақира бошладик. Тонг ёришиб, тоғ томон қизариб келар, кунботар томондан, қирлар ортидан ҳайқирғимиз акс-садо бўлиб қайтар эди.

Охири тонг отиб кетди. Башор опа уйқусизликдан қизарган кўзлари билан Олимжонга чақчайиб сўроқ қила бошлади.

— Ростини айт, бола! Қачон сув обкелувдинг?

— Ой чиққанида! — Олимжон гоҳ менга, гоҳ Башор опага олазарақ қаради.

— Соат нечайди ўшанда?

— Қаёқдан билай! — Олимжон бурнини тортиб, елкасини қисди. —

Ой энди чиққанди.

Учовимиз ҳам талмовсираб қолгандик. Ориф оқсоқолга нима деймиз? Шу келинни айниқса яхши кўради. Ерга қўйсам чанг, осмонга қўйсам гард юқади, дейди. Фарзанд кўрмагани учун кўнгли ярим деб авайлайди.

Қизиқ, иккита кап-катта одамнинг хаёлига келмаган гапни Олимжон айтди:

— Нега қўрқасиз, опа! Кеннойим чарчаган бўлсалар, уйга кетгандирлар.

Рост айтади, Олимжон. Бир ҳафтадан бери уйқу йўқ. Зухра келин чарчаган, уйқуси келган, бор деб уйига кетган. Шу...

Қишлоққа кириб борганимизда Башор опа тўсатдан тўхтаб, менга ўгирилди.

— Зухра тракторни ташлаб уйига кетганига ишонмайман. Бир гап бўлган.

Юрагимга яна ваҳима ўрмалади.

Кунгурадор дарвозадан киришимиз билан Холпош хола пешвоз чиқди. Нимча кийиб олган, бир қўлида хурмача: қатиқ ивितмоқчи шекилли, хурмачани ювиб, сувини силқитиш учун тўнкариб ушлаб турибди.

— Вой айланай сиздан, бормисиз? — деб Башор опанинг елкасига хурмача билан туртиб кўришди. — Робия қизим, эсон-омонмисан? Ишинглар битдими? Зўра қани?

Башор опа ялт этиб менга қаради, мен — унга!

Холпош хола ҳовли ичкарасига, ошхонага қараб қичқирди:

— Потма-ю! Чойингни тезлат болам, меҳмон келди...

Чоймиш-а! Шу топда чой ўтадим томоқдан?!

Башор опа минғиллаб, бир нимани баҳона қилди. Иккаламиз Оқсоқолнинг дарвозасидан узун-қисқа бўлиб чиқдигу келган йўлимиздан орқага югурдик. Кечаси тракторлар ўтган пайкалларни яна айланиб чиқдик. Шунақа қилсак Зухра келин топиладигандек, дала ўртасида тўхтаб қолган тракторнинг тагига қайта-қайта мўраладик.

Йўқ! Зухра келин ердаям йўқ, кўкда ҳам! Одам тугмача эмаски, шудгорга тушиб йўқолиб қолса! Охири дала бошидаги тутзор томонга кетдик.

Иккаламиз икки ёқдан тутзорга кириб, қуриб қолган ариқ ичига ёзилган эчки пўстақда ухлаб ётган Олимжоннинг устидан чиқиб қолдик. Бола бари бир бола-да! Олимжон мушукдек ғужанак бўлганча пишиллаб ухлар, бошидан дўпписи тушиб, пешонаси терлаб кетган, нарироқда пачоқ челак тўнкарилиб ётарди. У ора-чора тамшаниб кўяр, негадир жилма-

ярди. Хаёлимга келган ғалати ўйдан ўзим сесканиб кетдим. Тушида Очил акаси билан гаплашаяпти. Улган акаси билан...

Башор опанинг қаҳри қаттиқ экан. Боланинг елкасига жаҳл билан туртди:

— Тур!

Олимжон сапчиб туриб чўккалади. Иягига оққан сўлагини кир кафти билан сидириб атрофга аланг-жаланг қаради.

— Ростингни айт: Зухра қани?

Олимжон бошини елкасининг ичига тортиб қўнишди.

— Қаттан биламан? Кечасиям айтдим-ку. Ой чиққанда бор эдилар...

...Башор опа Олимжонга қанақа дағдаға қилган бўлса, пешиндан кейин Ориф оқсоқол ҳам Башор опага шунақа зуғум қилди:

— Зўрани келиниммас, қизим деганман, биласан-а? Трактор ҳайда-син, деганингда айтганман: қизимнинг бошидан бир тола соч узилса, сени сўяман, деганман! Топ! Ҳозир топасан!

Шу гап чиқиши билан Оқсоқолнинг ёнидан жилмай қолган бобом қўлини гап қилиб юпатди.

— Жа, оласан-да, сенам! Қудангникига кетган, билдингми! Онасини соғинган. Шу!

Оқсоқол бобомга ижирғаниб қараб қўйди:

— Бориб келдим, у ёқда йўқ.

Башор опа иккаламиз ичимиздан қиринди ўтиб, бир-биримизга қарадик.

— Ҳой овсар! — бобом жаҳл билан чийиллади. — Сени қадаминг билан Зўрани қадами бир эканми! Сен халлослаб боргансан. Зўра секин-секин борган. Юр, яна хабар оламиз...

...Бобом ярим кечада уйга ҳориб-чарчаб келди. Ойим билан мен ярқ этиб қараган эдик, қовоғини солиб, бир оғиз «йўқ» деб қўйди.

Зухра келин бедарак йўқолди. Қудуққа тушган нинадек, на ўлигини дараги бор, на тиригининг.

Икки орада Холпош хола билан Фотима келинга жабр бўлди. Фотима келин ҳар куни бизникига чиқади. «Ёмон кўп, синглим, ёмон кўп, биров ўлдириб кетган», дейди йиғлаб. Холпош хола йиғламайди. «Бир эмас икки боламдан айрилганим етмасмиди, энди шу кўргилик бормиди», деб зинграйди.

Умар-закунчи ҳаммаёқни остин-устун қилиб юборди. Ёнида Исмоил мелиса, Раъно келинойим, уч киши бўлиб, ҳар куни тушликда далага келади. Аввал Башор опани, кейин мени сўроқ қилишади:

— Охирги марта қачон кўрувдинг! Ким билан кўрувдинг? Нимага хабар қилмадинг?

Орадан бир ҳафталар ўтганидан кейин тракторга сув кўтариб келган Олимжон қизиқ гап айтиб қолди.

— Кеннойим тирик бўлсалар керак, — деди ғалати илжайиб.

Кўнглимда илинж уйғонди. Бир нимани билади, бу шумтака!

— Менга қара, Олимжон, — дея болани қучоқлаб олдим. — Оқсоқол бувангникидагилар қон йиғлаб ўтиришибди. Ростингни айт, Зухра кеннойингга нима бўлган? Тўғрисини айт, яхши боласан-ку, ўзинг!

— Айтиб берасиз-да! — Олимжон ҳуркиб кўзини олиб қочди. — Мен билмайман. Аммо кеннойим тирик.

— Хўп, — дедим ялиниб. — Ҳеч кимга гапирмайман. Фақат тўғрисини айт. Кеннойингга нима бўлди?

— Онт ичсангиз айтаман!

— Бировга оғиз очсам нон урсин! — дедим шоша-пиша. — Зухра опа тирикми?

— Тирик! Козим ака кеннойимни яхши кўради! Ҳеч кимга айтмайсиз-а?!

Ниманидир тушунгандек бўлдим. Бултур кеч кузда тракторларни энди далага олиб чиққанимизда, шудгор қилинаётган пайкалда юрган, ҳарбий форма кийган шапкали одамга кўзим тушган эди. Бир марта Зухра келиннинг трактори ёнига борганини ҳам кўрганман. Зухра келиндан

сўрасам «холаваччам, урушдан ярадор бўлиб отпусккага кепти», деганди. Бу гап аллақачон эсимдан чиқиб кетган, ростини айтсам, эътибор ҳам бермагандим. Уша гап нимага шу пайтгача хаёлимга келмаганига ўзим ҳам ҳайрон қолдим.

— Ким дединг? Анави... Козим аканг кўп келганми бу ерга? — дедим ўсмоқчилаб.

Олимжон:

— Куздаям келувдилар... — дедию тутилиб қолди. — Онт ичдингиз. Ҳеч кимга айтмайсиз... Яна сув обкелайми? — у бўш челакни даранглатиб чопиб бораркан, шудгорга ботганча тўхтаб, ўгирилди. — Айтмайсиз-а, опа?!

\* \* \*

Мен-ку, ҳеч кимга оғиз очмадим. Гапириб нима қилдим? Бундан чиқди, Зуҳра келин соппа-соғ. Шунинг ўзига шукур қилиш керакмасми?

Айтсам-айтмасам бугун ора очик бўлди. Дўмбирободда, Қонқус бўйида ярим кечагача ер ҳайдаб толиққан эдим. Билмадим, уйга келиб уч соат ухладимми, тўрт соатми. Кун чиқмасдан уйғониб кетдим.

Ойим сопол пиёлада олма-чой қуйиб узатаркан, чамаси боядан бери ичида қизиб ётган гапни ҳовлиқиб айтиб қолди:

— Етти номус — бир ўлим, болам! Шарманда бўлдик, қизим, шарманда бўлдик! Оқсоқол келинини тутиб кепти! — Ойим икки қўллаб юзини юмдалади. — Зўра ўлгур бузуқ экан! Дўрмон деган жойда ўйнаши билан бекиниб ётган еридан қайнатаси тутиб кебди. Иккаласиниям бўйнига арқон солиб обкебди.

Сапчиб ўрнимдан турган эдим, ойим этагимга ёпишди.

— Кирма у ёққа! Қиз бола нарса, нима зарил сенга!

Бўшашиб, туриб қолдим. Олимжон гапирганда Зуҳра келиннинг тириклигини эшитиб хурсанд бўлган эдим. Ҳозир уни ёмон кўриб кетдим. Тўғри-да! Оқсоқол бунақа иснодни қандоқ кўтаради? Холпош холачи! Бир эмас, икки ўғлидан баравар айрилган бўлса! Устига устак, келини бунақа қилиқ қилса! Зуҳра келин Зокир акани яхши кўрарди-ку! «Қора хат» келса бўлди экан-да!

— Бувангга тайинладим... — Ойим бир бурчакка маъюс термулиб ўтираркан куйманиб тушунтирди: — Оқсоқолни инсофга чақиринг, дедим. Зора раҳм қилса... Яхшими-ёмонми бировнинг боласи... Аммо сен кирма.

Нимага кирарканман! Эрининг кўзига тупроқ тўлмасидан туриб, бировнинг этагига осилиб кетган хотинни томоша қилишгами?

Иложи борича тезроқ ўтиб кетаман десам ҳам, Оқсоқолнинг дарвозаси олдида тўпганиб турган тумонат одамни кўриб беихтиёр тўхтаб қолдим. Бола-чақа, эркак-хотин... Бирининг юзида ҳайрат, бириникида ғазаб, яна бири лабини буриб мунофиқона илжайиб турибди. Нима кераги бор? Ишлари йўқми? Текин томошага мунча ишқибоз бўлишмаса бу одамлар!..

Энсам қотиб бурилиб кетаётган эдим биров билегимдан ушлади. Шунақа қаттиқ қисдики, инграб юборай, дедим. Қарасам — Башор опа!

Ранги қув ўчган. Уям кечаси билан ухламаган шекилли, кўзлари қовжираб турибди. Бошига дакани танғиган, рўмол остидан яккам-дуккам оқарган сочлари чиқиб турибди.

— Юр, Робия! — деди қўлимдан силтаб. — Юр, Оқсоқолга ялинамиз. Бечоранинг ёш жонига жабр қилмасин.

У гапиртиришга ҳам қўймай, қўлимдан судраб кетди. Ҳовлига кириб, энг аввал Оқсоқолга кўзим тушди. Айвон ўртасида елкаси баланд курсида, устида дастурхон ёпилмаган яйдоқ хонтахта олдида ўтирибди. Эгнида оқ яктак, оқ иштон... Кейин Зуҳра келинни кўрдим. Айвон пешида икки букчайиб ўтириб олган. Сочини қирққокил қилиб ўрган экан. Икки қўллаб сочини чангаллаб юзини тўсган. Қандайдир ингичка тортиб кетгандай, гавдаси муштдек бўлиб қолган...

Башор опа интилиб, айвон олдига борди. Шундаям билагимни қўйиб юбормади.

Бобом ҳам шу ерда, ичкарида экан. Пилдираб келиб, Оқсоқолнинг елкасига қўл ташлади.

— Ёш-да, ёш, — деди юпатиб. — Кичикдан хато, каттадан узр, биродар. Худо хайрингни берсин, кечирақол энди.

Зухра келинга разм солдим. У ҳамон юзини тўсиб ўтирар, қирққокил сочининг учи тупроққа қоришган эди.

Оқсоқол қаддини ростлади. Юзи қаҳрли, соқоли титраб турарди.

— Ҳой! — деди ҳайқириб. — Баққа ке!

Ҳовлини тўлдирган оломон Оқсоқол ҳайқирган томонга — ошхонага ўғирилди. Ошхонанинг пастак эшиги очилиб, ихчам гавдали, ҳарбий кийим кийган, бошланг йигит чиқди. Оёғидаги этиги лойга беланган, сийрак соқоли тикандек ўсган, сочи ҳурпайиб икки қулоғи устига қайрилиб тушган, ҳарбий кийимда бўлишига қарамай, елкасида погон йўқ эди.

Оломон жунбушга келиб ув тортиб юборди.

— Ҳароми! — деди кимдир ҳайқириб.

— Наҳс-касофат!

— Ур, ур итваччани!

Даҳшат ичида Башор опанинг пинжига кирдим. Йўқ, уни Оқсоқол сўймайди. Оломоннинг ўзи тошбўрон қилиб ўлдиради! Уруш бошига солган жудоликлар ҳаққи, қон ютиб юргани ҳаққи, номус ҳаққи, жангда жон фидо қилган аскарларнинг руҳи поки ҳақи ҳозир тошбўрон қилади. Оломон орасидан аллақандай аёл қулоқни тешиб юборгудек чинқирди:

— Ур, оломон!

Бурчак томондан Парча опанинг дўриллагани эшитилди.

— Қўйсайла-чи, нима кераги бор!..

Аммо унинг овози қий-чув орасида кўмилиб кетди. Даҳшатдан дағ-дағ титраб Башор опанинг бағрига юзимни яширдим. Лекин ўша заҳоти янграган ёввойи чинқириқ қайрилиб қарашга мажбур қилди!

— Козим ака! Козим ака!

Зухра келин ўрнидан отилиб турди. Сочлари паришон ёйилганча кўзидан тирқираб ёш оқиб, аскар бола томонга талпинди. Бироқ икковининг орасини оломон тўсиб қўйган, кетмонлар, паншахалар офтобда таҳдидли ярақларди.

— Бас! — Оқсоқолнинг овози шу қадар ҳокимона гумбирладики, Зухра келин ҳам кетмон кўтарган оломон ҳам, ранги бўзариб кетган аскар йигит ҳам турган жойида қотиб қолишди.

— Утир! — Оқсоқол бу гапни Зухра келинга айтди. Лекин бошқалар ҳам жой-жойида тек қотди.

— Баққа ўтир! — деди у вужуди титраб. — Санам баққа ке!

Аскар йигит ранги бўздай оқарганча одамлар орасидан ўта бошлади. Оломон еб қўйгудек бўлиб тишини ғижирлатар, мункиллаб қолган чоллар, асабий қалтираётган хотинлар худди нопок, шилимшиқ нарса баданига тегиб ҳаром қилишидан иргангандек сесканиб йўл бўшатарди. Йигит гарангсиб айвон олдига келди.

— Утир! — деди Оқсоқол паст, таҳдидли оҳангда.

Йигит индамай келиб Зухра келиннинг ёнига чўкди. Оломон ғазабга миниб, баттар жунбушга келди.

Тўсатдан ҳуштак чуриллади. Зум ўтмай Исмоил мелиса билан Умар-закунчи айвонга чиқиб келишди.

— Тарқал! — Исмоил мелиса мўйлови тагига ҳуштагини тикиб чуриллатди. — Тарқал ҳамманг!

Оломон қилт этгиси келмасди.

— Жим! — Умар-закунчи ўнг қўлини баланд кўтарди. — Тише! Бизнинг илғор тракторчини, стахановчи Зухраҳонни йўлдан урган дезертирни қанақа жазолашни ўзимиз биламиз! — У Зухра келиннинг ёнида бошни қуйи солиб ўтирган аскар йигитга нафрат билан бурилиб қаради. — Тур, ўрнингдан, дезертир!

Аскар йигит сапчиб ўрнидан турди. Бир ҳатлаб айвонга чиқди. Қизиқ,

унинг юзидаги айбдор, муте ифода ўрнини ғазаб эгаллади. Митти кўзлари ёниб кетди.

— К-ким? К-ким дезиртир? — деди дудуқланиб. Негадир боши афсус-надомат билан муттасил чайқала бошлади. — М-м-мен Смоленскда қ-қон к-кечиб юрганимда с-сен қаёқда эдинг? С-сендақаларни о-осиш к-керак! О-о-оёғидан о-осиш керак!

Унинг оғзидан кўпик сачраб кетди. Боши боягидан баттарроқ чайқала бошлади, Шундагина бу йигит бошини атайлаб чайқамаётганини, касал эканини англадим.

Закунчининг ранги гезариб кетди.

— Ол буни! — деди айвон пешиди серрайиб турган Исмоил мелисага қараб. — Обориб тиқ жойрастонига!

Исмоил мелиса бир ҳатлаб аскарга рўпара бўлди. Йигитнинг қўлини қайирмоқчи эди, Зухра келин учиб ўрнидан турди.

— Қўйвор! — деди мелисанинг юзига чанг солиб. — Тегма! Қўйвор, Козим акам сенга ўхшаб кавакка бекиниб ётганмас!

— Жим! — Оқсоқол шу қадар қаҳр билан ҳайқирдики, Закунчи кўзларини пирпиратиб беихтиёр орқага чекинди. Исмоил мелиса гоҳ аскар йигитга, гоҳ Оқсоқолга талмовсираб қаради. Йигит бошини муттасил ликиллашиб Зухра келиннинг елкасига қўл ташлади.

— Ҳой, мўйлов! — деди Оқсоқол Исмоил мелисага чақчайиб. — Ким чақирди сени?

Мелиса нажот кутгандек Закунчига қаради.

— Жамоат тартиби бузилган, — деди гарангсиб. — Бизнинг вазифамиз...

— Сен нонни очиридини текшир, хўпми?! — Оқсоқол Умар-закунчига юзланди. — Сизга нима керак, ўртоқ Хажайип?

Умар-закунчи жаҳл билан қошини чимирди.

— Стахановчи колхозчимизни обқочган даюсга...

— Истихонипчи колхозчи мени келиним, тўғрими? — Оқсоқол тишини ғижирлатиб таъкидлади. — Зўра — менинг келиним, шундоқми?

— Бунақа шармандаликка сиз чидасангиз, биз чидолмаймиз? — Умар-закунчи истеҳзо билан ҳовли тўла оломонга ўгирилди. — Ўртоқ колхозчилар! Шу кунгача колхозимизда бунақа хунук иш бўлганмиди?

Ажаб, бу сафар оломон чувилламади. Ҳатто бояги чинқираётган аёлнинг ҳам овози ўчди. Ҳамма Оқсоқолнинг оғзига қараб турарди. Ҳамон Башор опага суянганча сеҳрланиб қолгандек, гоҳ Ориф оқсоқолга, гоҳ талмовсираб қолган Закунчи билан Исмоил мелисага, гоҳ боши муттасил чайқалган кўйи Зухра келиннинг елкасига қўл ташлаб турган аскар йигитга мўлтайиб қарардим. Орага совуқ, аммо битта учқун тегса портлаб кетадиган таранг сукунат чўккан эди.

Жимликни биринчи бўлиб Закунчи бузди:

— Қизиқ, — деди лабининг бир бурчи билан кулимсираб. Шунақа истеҳзоли кулди-ки, ингичка мўйлови қийшайиб кетди. — Белида белбоғи бор одам шундоқ иснодга чидаса майли биз нима дердик.

У Оқсоқол эл юрт ўртасида доим айтадиган гапни юзига солиб, мўлжалга бехато урган эди. Оқсоқол ўқ егандек бир қалқиб кетди. Шахт билан эгилган эди, қўлида болта ярақлади. Хонтахта остида ётган экан. У болтани қаҳр билан баланд кўтарди.

— Ўзингни бос! — бобом қўшқўллаб оқсоқолнинг билагига осилди. — Аввал ўзингизни эпланг, раис! — деди Закунчига.

Шу пайт уй ичкарасидан дод-фарёд эшитилди. Икки аёл кетма-кет отилиб чиқибди. Бир бобомни болтадан нари суришга уринаётган Оқсоқолга ёпишди. Бу — Холпош хола эди.

— Дадаси! Гуноҳга ботманг, дадаси! — деди чирқиллаб. — Майли! Билганини қилсин! Уғлимнинг уволи тутсин! У дунёю бу дунё розимасман! Болам деб бағримга босгандим. Илоё, косаси оқармасин.

Иккинчиси — Фотима келин экан. Дафъатан таниёлмадим. Бир кечада қариб қолган, қовоқлари шишиб кетган, кўзида маъно йўқ эди. У Зухра келиннинг бошига қуюндек ёприлиб келди.

— Жувонмарг! — деди синглизининг эмас, ўзининг сочини юлиб. — Илоё, Зокир аканинг арвоҳи урсин, хўпми? Сендек синглим йўқ, билдингми! Бу кунингдан баттар бўл, шарманда!

Бобом Оқсоқолнинг қўлидаги болтага яна ёпишди.

— Буёққа бер, жинни! — деди чийиллаб.

Оқсоқол болтали қўлини бобомдан кучи борича силтаб тортди. Тиззаси билан Холпош холанинг қорнига тепди.

— Йўқол!

Бобом айвон бурчагига учиб кетди. Холпош хола бечора наमतга чалқанча йиқилди, оғзидан кўпик чиқиб инграй бошлади. Фотима келин синглизини у ёқда қолиб қайнонасига ёпишди.

— Ойи, туринг, ойи, — деди илтижо қилиб. — Ойижон, мен борман-ку! Невараларингиз бор-ку!

— Шунақа дегин! — Оқсоқол болтани саланглатиб Закунчи томонга икки қадам босди. Закунчи чекинмади. Кўзларини пирпиратиб чирт этиб тупурди.

— Омади гапни айтдим-да! — деди ранги ўчиб.

— Дума! — Оқсоқол тўсатдан бобомга ўгирилди. — Югур! Афанди домлани опке!

Айвон бурчагида йиқилиб ётган бобом каловланиб ўрндан турди. Оғи кенг иштонининг бўшаб кетган боғичини шоша-пиша қайтадан боғлашга уринди.

— Нима? — деди овози ингичкалашиб.

— Қулоғинг карми! — Оқсоқол бобомни чопиб ташлайдиган важодатда болтани кўтарди. — Афанди домлани опке! Оёғини ерга тегизмай опке!

Бобом маҳсили оёғига калишини чапақай кийиб ҳовлига отилди.

Яна сукунат чўкди. Айвон ўртасида ҳуд-беҳуд бўлиб ётган Холпош холанинг инграши, қайнонасининг юзига сув сепаётган Фотима келиннинг «Ойи», «ойижон» деб ёлборгани, ойимнинг (у қачон айвонга чиқиб борганини кўрмай қолибман) «Овсинжон, кўзингизни очинг», деб шивирлаши аниқ эшитила бошлади.

— Ув, итвачча! — Оқсоқолнинг гулдуреган овозидан сесканиб кетдим. Ҳайкалдек қотиб турган Башор опанинг пинжиги баттар тиқилдим.

— Сенга айтяпман! — Оқсоқол аскар йигитнинг бошига борди. — Утир! Сенам! — деди болта дастаси билан Зухра келиннинг гарданига нуқиб.

Аскар йигит ҳамон Зухра келиннинг елкасидан тутганча айвон пешига ўтирди. Иккаласининг ранги бўздек оқариб кетган, иккаласи ҳам муттасил титрар эди.

— Шу керакми сенга? — деди Оқсоқол қаҳр билан.

— Ҳа-ҳа! — аскар йигит бошини сарак-сарак қилди. — Ях-х-хши кўраман... Ав-а-валам...

— Сендан сўраётганим йўқ! — Оқсоқол болта тутган қўли қалтираб Зухра келиннинг бошига эгилди. — Керакми, сенга шу?!

Зухра келин кафтлари билан юзини яшириб бир нима деди. Йиғлаб юборди.

— Гапир, минғилламасдан! — деди Оқсоқол ҳайқариб. Аммо энди товушида дағдаға эмас, инграшга ўхшаш оҳанг бор эди...

— Отажон! — Зухра-келиннинг бўғзидан йиғи аралаш нидо отилиб чиқди. Гапиролмай қолди. У юзини қўшқўллаб яшириб олган, лекин ҳамон аскар йигитга суяниб ўтирарди...

Узун яктагининг этаклари оёғига ўралашаётган, кўзойнагининг бир ойнаги синган Афанди домлани бобом айвонга судраб чиқди. Домла тавозе билан салом бераётган эди, Оқсоқол жеркиб берди:

— Эри ўлган хотин қанчадан кейин қонуний никоҳдан чиққан саналади, домла?

Домла эсанкираб қолди.

— Эри боқий дунёга рихлат қилган, — деди минғиллаб, — яъни масалан...



— Гапни кўпайтирма! — Оқсоқол дағдаға билан болтани силтади. — Рихлат-пихлатингни йиғиштир! Одамга ўхшаб гапир! Эри ўлган хотин қанчадан кейин бошқа никоҳга киришга ҳақли?

— Эри боқий дунёга рихлат қилган заифа олти ойдан кейин боши очиқ саналади, — домла шундай дедию энгил тортгандек атрофга олазарақ қараб олди.

— Хўп! — Оқсоқол ҳамон худ-беҳуд бўлиб ётган Холпош холанинг бошида ўтирган Фотима келинга буюрди: — Бор, бир коса сув опке!

Фотима келин боя қайнонасига сув келтирган косани олиб ўрнидан турди. Гарансиб, тўхтаб қолди. Аммо қайнотасининг сўзини икки қилмади. Одамлар орасини ёриб ошхонага югурди. Тўкиб-сочиб косада сув олиб келди.

— Қўй, мундоқ, — деди Оқсоқол оппоқ қошини учириб.

Фотима келин сувни хонтахта устига қўйдию тагин Холпош холага ёпишди.

— Бўлди, ойи, — деди ялиниб. — Кўзингизни очинг.

— Яқинроқ ке! — Оқсоқол болта дастаси билан аскар йигитнинг елкасига нуқиди. — Утир! Сенам! — У Зухра келинга буюрди. Икковлари хонтахта олдига ёнма-ён ўтиришди.

— Халойиқ! — Ориф оқсоқол оломонга юзланди. — Зўрани келиниммас, қизим дегандим. Афсус, толе уни боладан сиқди. Агар ақалли битта боласи бўлганида Зокиримдан битта зурёд қолганида, — унинг овози титраб кетди. — Зўра менга битта невара туғиб берганида мана шу қилмиши учун ўз қўлим билан чопиб ташлардим. Неварамни тирик етим қилгандан кўра, ўлик етим қилиб, ўзим боқардим. Нораства болани бундай хотиннинг қўлига бериб қўймасдим... Нима қилай, ўғилларим пешонамга сиғмаган экан. Зўраям ўзимнинг фарзандим. Йўлига тўғаноқ бўлсам, гуноҳга ботаман, — у кутилмаганда икки букилиб одамларга таъзим қилди. Қўлидаги болта тарақлаб ерга тушди. — Мени маломат қилма, халойиқ! — деди илтижоли оҳангда. — Ҳозир манави айтди, — деди тирсаги билан Закунчига имо қилиб. — Белингда белбоғинг йўқ деди. Майли, ҳар кимнинг гуноҳ-савоби ўзига. Белимда белбоғим борми-йўқми, унисини халқ билади. Аммо-локин бошқа иложим йўқ, — у соқоли титраганча домлага буюрди: — Бўл тез!

Боядан бери айвон ўртасида ётган Холпош хола кўзини очди.

— Дод! — деди тўлғониб — Зоки-ир! Болам! Қандоқ чидайман. Илоё арвоҳинг урсин, жон болам! — амаллаб қаддини ростлади-да, кўзи тўла ёш билан Зухра келинга юзланди. — У дунёю бу дунё косанг оқармасин, жувонмарг! Кун кўриб, куни рўшнолик кўрмагин, имонсиз!

— Қарғаманг, ойижон! — Фотима келин қайнонасига ёпишди. — Дуоибад қилманг, синглимни! Майли, бир кунмас бир кун ўзи...

— Мен сенга нима ёмонлик қилувдим, жувон ўлгур! Боламнинг кўзига тупроқ тўлмасдан... — Холпош хола пешонасига шапалатиб ура бошлади. — Болам! Жоним болам!

— Бас! — Оқсоқол хотинининг устига бостириб бордию бирдан чўккалаб қолди. — Қўй хотин, ёмон ният қилма, — деди Холпош холанинг оппоқ сочли пешонасини силаб. — Қўй, онаси, буям боланг-да! Бунияма бахтини ўйлашинг керак-да, хотин. Сен билан мен эртага бормизми-йўқми... Ана, домла айтди. Эри ўлган хотин олти ойдан кейин боши очиқ бўларкан. Зўра бир ярим йилдан бери бева-ку, онаси.

Холпош хола баттар ув солди.

— Болам, жон болам, — деди кўксига муштлаб. — Қандоқ чидайман!

— Нимага анқаясан, ҳов! — Оқсоқол оғир қўзғолиб ўрнидан турди. — Бўлсангчи! — деди домлага.

Бир зумда ҳамма расм-русум тугади. Холпош хола сўнгги бор оҳ чекдию ранги докадек оқариб, боши шилқ этиб, ёнига тушди. Беҳуш холани бир қўлтиғидан ойма, бир томонидан Фотима келин кўтариб, судрагудек уйга обкириб кетишди.

Ҳовлидаги оломон, айвонда турган бобом, Умар-закунчи, Исмоил мелиса — ҳамманинг оғзи очилиб қолган эди.

Зухра келин каловланиб ўрнидан турди. Яқин келиб, ўзини Оқсоқолнинг оёғига ташлади.

— Отажон! Отажон! — деди илтижо билан.

Оқсоқол оёғини тортмади, аммо Зухра келинга қарамади ҳам. Шошилмай ўрнидан турди-да, ҳозиргина Холпош холани судраб обкириб кетишган уйга йўл олди. Зухра келин чўккалаганча ўша томонга қўл чўзди.

— Ота... — деди секин, умидсиз оҳангда.

## ОЛТИНЧИ ҚИСМ

### ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

## Биринчи синф ўқувчиси Музаффар Шомуродов ҳикояси

### БОЗОРДАГИ ЎҒРИ

Ойим елкамга туртиб уйғотганида энди тонг отаётган эди. Деразадан ғира-шира нур тушиб турибди. Ёнимда укам ухлаб ётибди.

— Ҳали вақтли-ку! — дедим ғингшиб. — Мактабга ҳаммадан олдин бораманми?

— Вой даданг кеча нима девдилар? — ойим елкамга қоқди. — Бўла қол, ўғлим, «пассажир» кетиб қолади.

Кўзим ярқ этиб очилиб кетди. Кеча дадам: «сени бозорга обораман, бош-оёқ кийим обераман», деган эди-ку. Уйқум дарров ўчди. Дадам бозорга олиб тушиб ясантирадию, мен йўқ дейманми. Ҳовлидан оқаётган ариқчадаги лойқа сувда юзимни шапир-шупир ювиб келсам дадам аллақачон отланиб олибди. Оёғида мойланган этик, носранг шим, жужунча китель кийиб олган. Мўйловини тарашлаб атир ҳам сепибди.

— Кетдикми, ўғлим? — деб қўлимдан тутаётган эди, ойим уришиб берди.

— Ичига бир пиёла иссиқ кирсин. Оч-наҳор кетадими бола?

Бир бурда нон билан шоша-пиша чой ичишга тушдим. Ойим рўпарамда ўтирар, дадам остонада папирос тутатиб турар эди. Дадам энди тамаки чекмайди, папиросга ўтган. Папирос қутисидаги ёзувни биламан: «Беломор канал». Савод бор-да, бемалол ўқиймиз.

Ойим пиёлага яна чой қуяркан, дадамга юзланиб, хўрсинди:

— Дадаси, шу кеча яна отамни туш кўрдим...

Дадам, бетоқат бўлиб турганига қарамай, хотиржам жавоб қилди.

— Ҳа, Ҳусан поччам яхши одам эдилар.

— Бобомнимас! — ойим зардалироқ оҳангда тушунтирди. — Узимнинг отамни... Оқ от миниб юрганмишлар...

— Э... шунақа демайсанми, Роби, — деди дадам ўйчан оҳангда. — Яхши туш кўрибсан, онаси! Бундан чиқди, маълим эрта-индин қайтиб қолса ажабмас...

Ойим қуйган чойни ҳовлиқиб ичганча дик этиб, ўрнимдан турдим. Дадам билан ойимнинг ҳозирги гапини ўйлаб ўтиришга вақтим йўқ эди. Ростини айтсам, бодом гуллаганида қизамиқ бўлганимга ҳозир жуда хурсанд эдим.

...Яхшиям қизамиқ бўлганим. Ушанда дадам ваъда қилган эди-да. Кўчага чиқмай яхши бола бўлиб ётсанг, тузалишинг билан бош-оёқ ясантираман, гирой, деган эди. Мана, сўзининг устидан чиқаяпти.

Ота-бола кўчага чиққанимизда, тонг ёришиб кетган эди. Ер ҳали яхши қуримаган, деворларнинг кунгай этаклари селгиб қолган бўлса ҳам, ўртадаги арава изи пилчиллаб ётар, бултур каллакланган толларнинг силлиқ новдалари ҳуштак ясага бўладиган даражада сарғимтил рангга кириб сув йиғиб қолган эди. Эрта-индин Абдували иккаламиз ҳуштак ясаймиз. Абдували бунақа ишларга уста. Дадасининг устараси ўткир-да.

Чойхона очиқ экан. Сўрига ёзилган наमतни чўлтоқ супурги билан

супураётган Илҳом чойхоначи дадамни узоқдан кўриб салом берди:  
— Баҳай? Ота-бола тўрғай уйғонмасидан йўлга тушиб қопсизлар?  
— Бозорга! — дадам папиросини оғзидан олиб тутун қайтарди. —  
Бирон ҳовуч тариқ олакелайми?

Илҳом чўтир қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Янтоқ денг, зўр! Янтоқ! — сартарошнинг дўконига имо қилди.  
Ёзгача етиб олсин бечора! Қиши билан янтоқсираб қолди.

«Пассажир» энди кетаман деб турган экан. Дадам чўлоқланиб югурди. Кетидан мен чопдим. «Пассажир» дегани — тумшуғи чўзиқ автобус. Атрофи панер билан ўралган. Деразалари синиб кетган. Бултур кеч куздан бошлаб Кўтармага «пассажир» қатнайдиган бўлди. Дарсда ўтириб ўзим санаганман — ҳар куни уч мартадан келади. Эрталаб, пешинда, кечқурун...

Бешоғочга бориб, автобусдан тушганда, қутулганимга шуқр қилдим, хайрият, ҳаво ҳам бор экан. «Пассажир»да одамлар ҳар томондан қисиб патир қилиб ташлади-да! Осмонни булут қоплаган, темир панжара билан ўралган кўл томонда музика янграр эди.

— Бўлақол, ўғлим, Хастимом узоқ, — дадам тағин папирос тутатиб, кўлимдан тутди.

Автобус тиқилинч бўлсаям бари бир яхши экан. Пиёда юравериб оёғимда оёқ қолмади. Дадам оқсоқлансаям тез юради. Бир маҳал кунгурадор гумбазининг кўм-кўк нақшлари тонг офтобида ярақлаб турган каттакон иморат олдига келдик. Гумбаз остида кўкимтир қанотли ёввойи каптарлар парт-пурт қилиб учиб юрибди.

Маҳлиё бўлиб тўхтаб қолдим.

— Бу қанақа уй, дада?

— Уймас, мадраса! Кўкалдош мадрасаси, — Дадам кўлимдан судради. — Бўлақол!

Тор кўчага киришимиз билан юриш баттар қийинлашди. Мунча кўп бу одамлар. Чумолига ўхшайди-я! Бошига тугун қўйганча зипиллаб кетаётган хотинлар (ҳайронман, ушламасаям, тугуни тушиб кетмайди) қоп орқалаган кишилар, кўмир ортилган от-аравалар... «Пўшт, от тепади!» деб ҳайқирган аравакашлар... Бир маҳал тор кўча янаям тиқилинч бўлиб кетди. Сарғиш машина папиллатиб сигнал берди. Машина тумшуғидаги ялтироқ ёзувни ҳижжалаб ўқидим: «Победа». Тор кўчада машина билан кўмир ортилган арава бир-бирига рўпара келиб иккаласи тўхтаб қолибди.

Машина сигнал берган сари кўмир юқи ёпишавериб, ёллари қорайиб кетган от пишқиради. Аммо аравакаш аравани четга олмайди. Охири машина эшиги очилди. Бошига айвонли шапка кийган ҳайдовчи бир оёғини ерга тираганча бақирди:

— Ҳой, кўмирчи! Қоч йўлдан! Райисполкомни олиб кетяпман, саводсиз!..

Аравакаш пашша кўригандек бепарво қўл силтади:

— Паттачига бўшатмаган йўлни исполкомингга бераманми, ўзинг қоч!

Дадам кўлимдан жаҳл билан силтади:

— Анқайма. Адашиб қолсан!

Тор дарвозадан киришимиз билан баттар тиқилинчга дуч келдик. Нима бу? Ҳамма бозорга кўчиб келганми?

— Хўш... — деди дадам салмоқлаб. — Ишни дўппидан бошлаймиз. Уканггаям оламиз хўпми? Кейин ойингга туфли қидирамиз. Саккизинчи март келяпти, ўғлим.

Кўлимдан тутган эди, индамай эргашдим. Дўппи бозори чеккароқда, ғиштин девор ёнида экан. Ундан нарироқда «аралаш» бозор. Биров соатини мақтайди, биров «атиғи икки марта» кийилган «офицерский» этигига харидор чақиради. Дадам кўлимдан маҳкам тутганча дўппифурушлар тўдасига кирди. Чачвоннинг тагидан чиқариб турган кўлига дўппи қўндирган хотинлар, бошига устма-уст беш-олти дўппини кийиб олган эркаклар атрофимизни ўраб олди. Паранжили хотин дадамнинг бошидаги жияги титилиб кетган дўпписини илдам ечиб, бидиллади:

— Ушланг. Ушлаб туринг муни!

Дадамнинг жавобини кутмай, бошига яп-янги қалампир нусха дўппи илди.

— Ана! Буюртирсангиз ҳам бунақасини тополмайсиз, амаки! Пулингиз ўзингиз билан кетади!

Дадам жаҳл билан хотиннинг қўлидаги ўз дўпписини юлиб олди.

— Менгамас! — деди бақириб. — Болага! Болага оламан!

Қизик, бояги хотин ҳечам хафа бўлмади.

— Вой, шунақа демайсизми, амаки, — дедию менинг бошимдаги дўппини олди. — Вой, ширинтой. Вой, тўйболадан айланай. Мана-да, мана! — чачвонининг тагига қўл суқиб, қати букилган беш-олтита дўппи чиқарди. Бирини олиб, бирини қўйиб бошимга кийгиза бошлади.

— Уялмайсизми, келинпошша! — бошига мурсак ташлаган, баркаш-дек юз бўғриқиб кетган семиз бир хотин бояги паранжиликни тирсаги билан итарди. — Ёш бола маҳалла қозондек дўппи киядими? Мана, мана буни кийиб кўрчи.

Семиз хотиннинг дўпписи бошимга лоп-лойиқ келди. Ўзиям қизил духобадан!

— Қуйиб қўйгандек ярашди! — деди семиз хотин юзимни силаб. — Буюрсин! Тўйларингга кийгин, илойим, бошинг тошдан бўлсин!

Чамаси, дўппи дадамга ҳам ёқди шекилли, дағалроқ қилиб сўради.

— Нархини айтинг.

— Вой айланай, от билан туя бўлармиди! — семиз хотин дадамга жилмайиб қаради. — Юз сўм-да, иним. Эртамадан бери юз элликдан сотаётган эдим. Сизга юз сўм. Муни қаранг. Жиягини қаранг, майда тепки!

— Инсоф борми сизда, опа! — деди дадам қўлини пахса қилиб. — Давлат ҳар йили арзончилик қилиб турибди. Яқинда тагин нарх-наво тушди. Газета ўқийсизми ўзи!

— Майли, бозорингизни берсин! — хотин бошимдан дўппини ечиб олди. — Эрим урушда ўлган. Саккиз йилдан бери бирамас учта етимни боқиб ўтирибман. Битта дўппини бир ҳафта тикаман, оповси.

— Етмиш! — деди дадам дўппидан ажралиб қолгиси келмай.

— Тўқсон! Ундан ками бўлмайди. Мениям болаларим эшикка термилиб ўтирибди.

— Саксон, — деди дадам хуноб бўлиб. — Инсоф қилинг-да, сизам опа!

— Майли, — семиз хотин дўппини қайтадан бошимга кийгизди. — Яхши кунларингга кийгин, болам, умринг узоқ бўлсин.

Дадам шимининг чўнтагидан оқариб кетган чарм ҳамёнини олиб, пул чиқарди. Қўлини лабига тегизиб ҳўллади-да, ҳафсала билан санаб, семиз хотинга узатди. Хотин ҳам пулни шошилмай санаб энгашганча маҳсисининг қўнжигга тикди.

— Буюрсин! — деди қаддини ростлаб. — Яхши кунларга кийсин.

Боя атрофимизни ҳалқадек ўраб олган эркак-аёл дўппифурушлар ҳафсаласи пир бўлиб бир зумда нари кетган, янги харидор излашарди.

— Опа! — деди дадам бурилиб кетаётган семиз хотинга. — Кичкина-роқ дўппингиз борми?

Семиз хотин умид билан ўгирилди.

— Бор! Неча ёшга?

Дадам бир зум ўйланиб қолди. Чамаси, Омоннинг неча ойлик бўлганини ичида санаб чиқди.

— Бир ёшу етти ойлик! — деди ишонч билан. — Бунисига олдим, унисиям қуруқ қолмасин!

Семиз хотин бош чайқади.

— Унақаси йўқ. Ёлғон гапириб нима қилдим. Етимларимга ҳаром едирмайман, оповси.

Бояги паранжили хотин яна бизга яқин келди.

— Бунисини кўринг-чи! — деди жажжи, чамандагул дўппини дадамга узатиб. Дадам энди дўппига қўл чўзган эди, одамлар орасидан бир киши сирғалиб чиқди. Эгнида оқ жужунча китель — худди дадамникига

ўхшаган, аммо сарғишроқ, қаймоқранг. Кенг почали шимиям — шунақа — топ-тоза. Оёғида амиркон туфли. Мўйлови дадамникига ўхшаганмас, чиройли, ингичка.

— Соат олмайсизми, ака? — деди кулимсираб. — Асл мол. Швейцарский. — У жужунча кителининг кўкрак чўнтагидан занжирли соат чиқариб, чиқ этиб оппоқ ялтироқ қопқоғини очди. — Мана, кўринг, законний, — шундай деди-да, дадамнинг юзига қараб, бирдан ранги қув ўчди. Ингичка чиройли мўйлови титраб кетгандек бўлди. Ҳайрон бўлиб, дадамга қарадим у кўрқиб кетдим. Дадамнинг кўзлари ғазабдан қисилиб кетган, бурун катаклари керилиб, энтикиб-энтикиб нафас оларди.

— Яхши! — деди хириллаб. — Оламан. Бошинг билан кўшиб...

Охирги гапини айта туриб, шаҳд билан пастга эгилди. Этигининг кўнжиги қўл суқди-да, суяк сопли пичоғини суғурди.

Даҳшат ичида чинқариб юбордим:

— Дада!

Хотинларнинг қий-чуви эшитилди. Кимдир «дод сўяди!» деб чинқирди... Қарасам, пилчиллаб кетган майдонда ўзимиздан бошқа ҳеч ким қолмабди. Дўппифурушлар, этигини мақтаб харидор қақираётганлар анча нарига бориб қолган, оломон орасида бояги жужун кителли киши кўринмасди. Дадам бир қўлида пичоқ тутган кўйи иккинчи қўли билан елкамдан тутиб турар, кафти муттасил титраётганини сезардим.

Узоқда ҳуштак чуриллади. Дадам пичоқни кўнжиги тикди. Ҳамон лаби титраб, пишқариб нафас оларди.

— Юр, ўғлим! — деди хириллаб. — Кетдик.

Шоша-пиша қўлимдан судраганча оломон орасига ўзини урди. Бозор дарвозасидан чиққандан кейингина қўлимни қўйиб юборди. Папирос олиб чекди.

— Ҳалиги киши ким эди, дада? — дедим қўрқа-писа кўзига қараб.

Дадам тикилинч кўча четидан шошилмай бораркан, саволимни эшитмадими, жавоб бергиси келмадими, индамади.

— Уғримми? — дедим одамларга туртиниб-суртиниб борарканман. Соатни ўғирлаб олганми?

— Ҳа, — деди мўйлови титраб. Кейин негадир кулимсиради. — Уғри! Қулоғини кесиб олмоқчийдим, қочиб кетди. Бўлақол «пассажир»дан қолиб кетмайлик.

## ЙИГИРМАНЧИ БОБ

### Робия ҳикояси

#### 1. ОЛИМЖОННИНГ «ГУНОҲИ»

*Робия бонинг*

Ғалабага бўлган ишонч одамларни кеча-кундуз тиним билмай ишлашга, ҳафта сайин янги шаҳарларни озод қилаётган жангчиларга кўпроқ ёрдам беришга ундар, мана шу катта юмуш олдида оилалар бошига тушган кулфат ҳам унчалик сезилмас эди. Гўё баҳор кирганидан кейин ёққан қор эртами-кечми, бари бир эриб кетиши муқаррарлигини билган одам ўзини ўзи юпатгандек. Ким билсин, эҳтимол ҳар ким ўзининг бошига ёққан қорни ўзи эмас, кўпчилик бўлиб курагани учун, биров йиқилса иккинчиси ёнига кириб суягани учун шунақа бўлгандир. Эҳтимол, Кимсан акамдан ҳамон хат-хабар йўқлигини, дадам эса қудуққа тушган тошдек зим-зиё бўлиб кетганини ўйлаб ҳарчанд эзилсам ҳам, ўша катта ташвиш билан бўлиб, дардимни озми-кўпми унутгандирман.

Қирқ тўртинчи йил ёзига чиққанимизда эса уруш эрта-индин битишига ҳамма ишониб қолди. Энг қувончлиси — Оқсоқолнинг бир гапи кўнглимизда липиллаб турган умид чироғининг пилигини кўтариб қўйгандек бўлди.

— Эшитдингми, Дума! Хужум қилиб борган аскарларимиз парти-

занлар билан бирлашибди. Белоруссиянинг ўрмони партизанларга тўлиб кетган экан. Мени айтди дерсан: Кимсанинг шуларнинг орасида. Эртаиндин дараги чиқади, — Оқсоқол ўзининг гапи ўзига нашъа қилди шекилли, соқолини селкиллашиб кулди. — Гитлернинг ҳолига маймун йиғлапти, ўртоқ! Олдидан аскарларимиз саваласа, орқасидан партизанлар тепкиласа, уёқда союзникларимиз фронт очган бўлса... Қопқонга тушди ит эмган!..

Оқсоқол-ку, бизнинг умид чироғимизни ёқди. Аммо ўзининг бошига яна битта тоғдек кулфат тушди: Холпош хола қаза қилди. Зухра келиннинг ўша қилмишидан кейин ўнганмаган хола каловланиб юра-юра охири йиқилди... Қизиқ, икки ўғлидан айрилганда ҳам қаддини букмаган Оқсоқол кампирини ерга қўйганидан кейин мункиллаб қолди. Бобом кўлидан судрагудек бўлиб, далага олиб чиқади. Оқсоқол эса ҳамма тушлик қилаётганида йўқолиб қолади. Бобом гўристондан топиб келади.

Фотима келин кўпинча йиғлаб чиқиб ойимга ҳасрат қилади:

— Отам ғалати бўлиб қолдилар. Бугун кечаси яна ойимнинг мозорига бориб ётдилар.

Бобом кўпинча дўстининг ёнига чиқиб ётади. Холанинг еттисида хизмат қилиб юрсам, супада ўтирган Оқсоқол бобомга айтган гапини эшитиб қолдим:

— Кампиримни туш кўрибман, Дума. Аравада бир ёққа кетаётган эмишмиз. Мени ёнига чақиряпти, ўртоқ...

— Жиннимисан! — бобом тажанглик билан чийиллади. Кейин дўстининг ёнига ўтирди. — Ма, чек! — деди носқовоғини узатиб. Кейин овозини пасайтириб юпатди: — Унақа гапларни қўй, дўстим. Бирга келдик, бирга кетамиз! Сенсиз бир кун ҳам юрмайман бу дунёда! Қўй, бунақа юриш сенга ярашмайди. Эл назаридаги одамсан, ўртоқ! Яхшиси далага чиқ: овунасан. Эртадан буғдой ўришга тушамиз.

Буғдойнинг ҳосили яхши. Айниқса Хирмонтепа томонда... Ўрим бошланиши билан Умар-закунчи янги нарса ўйлаб топди. Одатда ўримга ҳамма барабар тушади. Кетмончи ҳам, сувчи ҳам. МТС колхоздан ташқарида. Аммо ўрим пайтида тракторчилар ҳам бошқа ишини йиғиштириб ўроққа тушиб кетади. Буғдойни хирмонда ҳўкиз билан янчиб, биттаям дон қолдирмай омборга ташиймиз. Кейин машоқ бошланади. Далада тушиб қолган битта-яримта бошоқлар қайтадан терилади. Бу эски одат.

Закунчи топган усул янгича. Машоқдан кейин далага трактор солиш олдидан буғдойпояга одамлар иккинчи марта тушади. Бу ишга болалар жалб қилинади. Хотин-халажнинг юмуши ўзига етиб ортади. Картошка бор, лавлаги бор... Раиснинг ўйлагани тўғри. Болалар бари бир бекор ҳам юради-да! Ҳарна, бир ҳовуч бўлсам бошоқ тергани! Бир томондан — фронтга ёрдам, иккинчи томондан — ўзига яхши.

Янгича усулнинг оти — шериклик! Ҳар бир бола уйдан биттадан қоп олиб келади. Тап-тақир буғдойзорга киришади-да, унда-мунда қолиб кетган бошоқларни, тўғрироғи чумоли ташиётган донларни битталаб теришади. Эртадан кечгача уринган одам нари борса ярим қоп машоқ терса-теради, бўлмаса йўқ. Ҳаммаси қопини кўтариб дала чеккасига олиб чиқади. Кейин барабар бўлишилади. Ярмиси — колхозга, ярмиси — ўзига. Ишни Умар-закунчининг ўзи назорат қилади. Сояроқ жойда от жиловидан ушлаб кутиб туради-да, терилган машоқни ўз қўли билан тақсимлайди.

Бугун Хирмонтепадаги буғдойзор иккинчи машоқдан чиқади. Башор опа қаттиқ тайнлаган. Шудгорни бошламасак бўлмайди. Ҳарна эртароқ ҳайдаб қўйганимиз.

Трактор ҳайдаб келаётсам, олисда — бир туп қайрағоч тагида ғуж бўлиб турган болаларга кўзим тушди. Демак, ҳали Закунчи етиб келмаган. Далага тушишга қўрқиб, раисни пойлаб туришибди. Юз қадамча қолганда болалар, қизалоқлар, тўдасидан бир бола ажралиб чиқиб, шу томонга югурди. Дарров танидим: Олимжон! Боши устида қопини пирпирак қилиб, чопиб келяпти. Эгнида офтобдан униқиб, шўралаб кетган кўйлак, бошланг. Сочи ўсиб икки чеккасига тушган, рангини қисиб қўйган...

У ҳарсиллаб келганча, юриб кетаётган тракторга — ёнимга чиқиб олди.

— Олма ейсизми, опа? — деди трактор шовқинидан баланд келиш учун бақириб. Липпасига қистирилган иккита хом олтани чиқариб, биттасини узатди, «емайман» деб бош чайқадим. У олтмалардан бирини кўйлагининг олдига ишқаб артди-да, карсиллатиб чайнай бошлади. Оғзим сув очиб кетди. Қандоқ ейди шундоқ нордон олтани!

— Опа! — деди илжайганча олма чайнаркан. — Сув обкеб кўйдим! Икки челак! Тракторни далага обкиргунча шериклик қилсам, майлими? Ойим айтдилар.

— Раҳмат, Олимжон! — ўнқир-чўнқир жойдан тракторни ҳайдаб борарканман, кўйлаги шўралаб кетган елкасига қоқдим. — Бари бир, дала тоза бўлмагунча трактор кирмайди.

Олимжон трактордан сакраб тушди-да, бир қўли билан ҳамон олма ғажиганча, иккинчи қўлидаги қопни боши устида пирпирак қилиб чопиб кетди. У оёқяланг югуриб борар, товонлари тош бўлиб кетганми, ердаги янтоқларни бемалол босиб сакраб-сакраб чопар, ирғишлар эди.

Трактор қайрағоч олдига имиллаб боргунча нариги томондан Закунчининг жийрони кўринди. От елиб келиб, дарахт соясида тўхтади. Закунчи эгардан илдам сакраб тушиб, от жиловини қайрағочнинг пастки шохига илди. Турганларга қараб бир нима деди: трактор шовқинидан эшитмадим. Сон-саноқсиз болалар, узун этаги ерга тегай деб турган кизалоқлар дув этиб, далага ёйилди.

Тракторни яқин олиб борсам, Закунчи далада чумолидай ўрмалаб юрган шерикчилик ишқибозларидан кўз узмай, қайрағочга суянганча папирос тутатиб турибди. Йўл-йўл кўйлагига орден тақиб олган. Бултур бобом «шарбат» солган даланинг ҳар гектаридан олтмиш тоннадан қанд лавлаги олингани учун Закунчи «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланган. Орденни қишда костюмига, ёзда кўйлагига тақиб юради. У, шовқиндан қулоғи битиб, ғаш келди шекилли, шахдам бурилиб, «ўчир» дегандек қўл силтади. Моторни ўчириб, ерга тушдим.

— Аввал йиғиб олсин, кейин тушасиз! — деди қовоғини солиб.

Ҳов ўшанда Алвастикўприкда боши ёрилганидан бери у мен билан деярли гаплашмас, мабодо зарурат юзасидан мажбур бўлгандаям «сизлаб» гапирарди.

Энсам қотиб, плугларни текширган бўлдим. Олимжон яхши бола-да! Иккита пачоқ челакни аллақачон сувга тўлдириб кўйибди.

Елиб-югуриб, машоқ қилаётган болалар томон юрган эдим, Закунчи кинояли кулди:

— МТСдан олаётган натурангиз камлик қилдими, ўртоқ тракторчи?

Бурилиб қарадим у индамай далага кирдим. Бирпасда кун қизиб кетди. Саратон офтоби ёндираман дейди. Ер олов, осмон — олов, қиртишлаб ўриб олинган буғдойзордаги гувалалар олов. Сочи олинган одамнинг бошидек тақир далада ярим қарич диккайиб турган буғдой поялари ўтли нина бўлиб оёққа санчилади. Терадиган бошоқнинг ўзи йўқ. Болалар, кизалоқлар оёқ остида ўрмалаётган чумолилар оғзидан донни битталаб териб олгудай. Дарров терлаб кетдим. Вой Олимжон тушмагур-ей. Бирпасда ярим қопча бошоқ терибди. Қаёқдан топди бу болакай?! Разм солиб қарасам, ҳар қалай у ер-бу ерда яримта-чоракта бошоқлар тўкилиб қолган экан. Мен ҳам териб, Олимжоннинг қойига сола бошладим. У бир қўллаб қопининг оғзидан ушлаб олган. Энгашиб букланганча шитир-шутур қилиб олдинга интилади-да, иккинчи қўли билан бошоқ қолдиғини териб, қопга ташлайди. Қоп икки оёғи ўртасида судралиб боряпти. Қарасам, ўн қадамча нарида бир эмас, учта бошоқ ётибди. Ўша томонга юрган эдим, Олимжон бақирди:

— И-и! У ёққа ўтманг. Закунчи ўлдиради. Эллик метрдан ўтмайсанлар, деган. Қаранг, опа, буёқдаям кўп.

Беихтиёр тўхтаб қолдим. Олимжон кўп деган жойда ярим кафтча буғдой сочилиб ётган экан. Ҳовучимга олиб, пуфлаб тозаладим-да, қопига солдим.

Олимжоннинг қопи ярмидан ошгунча пешин бўлиб кетди. Пешо-

намдан дувиллаб тер оқар, кўйлагимнинг орқаси гарданимга ёпишиб ачиштирарди. Олимжон бўлса парво қилмайди. Гувалаларни, чақиртика-накларни ялангоёқ босиб, ердан кўз узмай, бошоқ излайди. Топиши билан шоша-пиша қопига тикади.

— Юрақол, Олимжон, — дедим ялиниб. — Қара, қопинг тўлиб қолди. Ҳали яна терасан-ку.

У қопини орқалаганча истар-истамас орқамдан эргашди.

— Майли, ярмини уйга ташлаб келаман-да, яна тераман. Ҳали кўп-ку, а?

У икки букилиб қоп кўтариб бораётганда ҳам ердан кўз узмади. Йўлида яримта бошоқ кўринса, эринмай тўхтади. Қопи халақит бераётгани учун ерга қўяди-да, бошоқ увоғини илдам юлқиб олади, қопига ташлайди. Юзидан тер оқиб кетаётганига парво қилмайди.

Қайрағочга яқин келишим билан ўзимни сояга урдим. Олимжон «уф» деб қопини Закунчининг оёғи тагига қўйди-да, югуриб бориб, боя ўзи тракторга сув олиб келган челақка ёпишди. Челақни кўтарса, сув тўкилиб кетишдан кўрқди шекилли, юзини пақирга ботириб, ича бошлади.

Закунчи қопни тепиб кўрди.

— Маладес! — деди кулимсираб. — Бўлдими? Бошқа термайсанми?

— Тераман, — Олимжон челақдан бошини кўтариб илжайди. Қоп-қора юзидан сув аралаш кир тер оқиб кўйлагининг олди ҳўл бўлди. — Яна тераман.

— Маладес! — Умар-закунчи қопни бир қўллаб кўтарди-да, думи билан ҳадеб пашша кўриётган жийрондан нарироққа, текисроқ жойга ағдарди. Ярим-ёрти бошоқлар, ярим ғалвирча келадиган дон тупроқ аралаш чангиб, ерга тўкилди. Закунчи бошоқ уюмини бир зум чамалаб турди-да, кафти билан чангаллаб озгина бошоқни қопга қайтиб солди. Яна икки марта солиб, тўхтаб қолди. Кейин, инсоф қилди шекилли, тагин бир чангал бошоқ олиб, қопга ташлади.

— Оборақол! — деди Олимжонга қараб. — Ғизиллаб уйингга ташлагин-да, қайтиб кел, хўпми?

Анграйиб қолдим. Бу қандоқ бедодлик? Бу қанақа «шерикчилик» бўлди? Авваллари бир машоқдан қолган супуридини болалар уйига олиб кетарди. Майли, уруш бўляпти, майли, замон шуни талаб қияпти. Аммо нораста бола терган насибанинг ақалли ярмини ҳам бермаслик бориб турган ноинсофлик-ку!..

— Алдаманг! — деди Олимжон илжайиб. Чамаси, раис ҳазиллаш-япти, деб хаёл қилди. — Ярмини берасиз. Ўзиз айтгансиз!

У раисдан кўз узмай, бошоқларни чангаллаб, қайта сола бошлади.

Закунчининг кўзлари таҳдидли қисилиб кетди.

— Торт қўлингни! — деди вишиллаб. Энгашиб, боланинг қўлидаги қопга чанг солди.

Олимжон унинг ҳазиллашмаётганини энди тушунди. Юзида кўрқув аралаш болаларча содда қайсарлик пайдо бўлди. Икки қўллаб қопини чангаллаб олди.

— Берасиз, ҳа, берасиз! — деди ранги ўчиб. — Ярмини берасиз! Ўзиз айтгансиз!

— Ярми керакми сенга! — раис этигининг қўнжиги қўл суққан эди, пичоқ ялтиради. Юрагим орқага тортиб кетди. Болани пичоқлаб қўяди, деган ваҳимада чопиб яқин бордим.

— Тегманг! — дедим ялиниб. — Олимжон, қўйвор! Ташла қопингни! Аммо Олимжон қопига маҳкам ёпишиб олган, қўйиб юборгиси келмас эди. Закунчи қопнинг оғзидан ушлаб, силтаб тортиди. Олимжон қопини кучоқлаб олди. Закунчи яна тортган эди, Олимжон қопига ёпишганча тупроқда судралиб унинг оёғи остига келиб қолди. Жон ҳолатда чинқариб, Закунчининг пичоқ тутган қўлига ёпишдим.

— Олимжон, қоч! — дедим чинқариб.

— Нарн тур, мегажин! — Закунчи елкасини бир силкитган эди, анча нарига — янтоқлар устига бориб тушдим. Тирсагимга тикан кириб, ловуллаб ачишди.



— Ярми керакми сенга? Мана ярмиси! Мана! — Закунчи пичоғини уч-тўрт силтаган эди, қоп шир-шир йиртилиб кетди. Олимжоннинг қўлида қопнинг бир тутами қолди. Икки ҳовуч бошоқ шилдираб ерга тўкилди.

Олимжон чўккалаб ўтирганча бир зум Закунчига ҳайратланиб қараб қолди. Уша заҳоти алам билан чинқирди.

— Қопимни нима қилдинг?! — деди алам билан ерга муштлаб. — Нима қилдинг! Дадамга нима дейман! Нима қилдинг?

Боланинг сансираши алам қилиб кетди шекилли, Закунчининг кўзида даҳшатли ўт чақнади. Қўлидаги қоп парчаларини нафрат билан улоқтириб юборди-да, менинг тепамга келди. Қўлимга тикан кира-кира талмовсираб ўрнимдан турарканман, Закунчи чўнқайиб ўтирганча янтоқларнинг тагидан пичоқ билан кесаётганини кўрдим. Даҳшат ичида шуни пайқадимки, янтоқларнинг нами қочмаган, аммо тикани сарғайиб пишганларидан танлаб-танлаб уч тупини кесди. Олимжон эса ҳамон ўқсиб йиғларди.

Закунчи янтоқларни силкитиб-силкитиб Олимжоннинг устига бораётгандагина ниятини тушундим.

— Қоч, Олимжон! — дедим бақириб. — Қоч!

Олимжон қоп парчасини юзига босиб, ҳамон йиғлар эди. Закунчи уч хатлаб боланинг бошига борди. Билагидан маҳкам чангаллаб олди-да, силтаб турғазди.

— Мана ярмиси! — деди тишини ғижирлатиб. Янтоқ шувиллади. — Мана қоп! Мана!

Олимжон оғриқдан додлаб юборди. Силтаниб Закунчининг қўлидан чиқмоқчи бўлди-ю, кучи етмади. Боланинг офтобдан унниқиб кетган қўйлаги бир зумда қип-қизил қонга беланди. Закунчи нима учун суви қочмаган янтоқларни танлаганига энди ақлим етди. Қуруқ янтоқ мўрт бўлади, тез синиб кетади.

— Мана! Мана! — Закунчи ваҳшийлашиб кетган, кўзларида қаҳрли олов ёнар, ҳар бақирганида оғзидан кўпик сачрар эди. — Мана сенга қоп!

Олимжон жон ҳолатда чинқирди:

— Қўйвор, эшшак Закунчи!

Закунчи «эшшак» деган сўзни эшитиб баттар қутуриб кетди.

— Мана! — деди кучи борича уриб. — Мана!

Дод солиб қўлига ёпишдим.

— Улади! Бировнинг боласини ўлдириб қўясан, ноинсоф!

— Қоч, итдан тарқаган! — у янтоқни қулочкашлаб юзимга туширди. Кўзимдан олов чиқиб кетгандек бўлди. Чалқанча йиқилиб тушдим.

Кўзимни очсам, Олимжон ер тишлаб ётибди. Кураги қоп-қора қонга беланган. Икки кўзи ваҳший ҳайвонникидек қизариб кетган Закунчи боланинг тепасида ҳарсиллаб турибди. У шохлари нимта-нимта бўлиб кетган янтоқларни нарига улоқтирди. Югуриб келаётган болаларнинг қий-чуви эшитилди. Қандайдир қизалоқ чинқириб юборди:

— Улдирди! Олимжонни ўлдириб қўйди!

Закунчи шошилмай бориб, безовта типирчилаётган от жиловини қайрағоч шохидан ечди.

Чайқалиб, ўрнимдан турдим. Бўғзимдан аламли нидо отилиб чиқди.

— Имонсиз! Сенгайм боққан бало бордир, имонсиз! Нораства нима гуноҳ қилди, уятсиз? Бу кунларам ўтар-кетар, жавобини берадиган кунинг келар, виждонсиз!

Закунчи чирт этиб тупурди-да, отини чоптириб кетди. Юз-кўзим ловуллаб ачишаётганини унутиб, Олимжоннинг тепасига югуриб бордим. У ҳамон юзтубан ётар, дабдала бўлиб кетган қўйлаги устидан баданига санчилиб қолган сон-саноқсиз тиканлар диккайиб чиқиб турарди.

— Олимжон-он! — дедим йиғлаб. Боланинг бошини кўтарган эдим, лаби, ияги қоп-қорайиб кетганини кўриб, сесканиб тушдим. Оғзидан қон кепти! Даҳшат ичида лабига кафтимни боссам, лой экан. Чамаси, ҳали сув ичганида лабида қолган нам, тупроққа қоришиб лой бўлган...

— Олимжон... — дедим секин. Унинг кўзи очиқ, лекин бир нуқтага маъносиз тикилиб, қотиб қолган эди.

Субя ўтқазганча, баданидаги тиканларни тера бошладим.

Кимдир челақдаги сувни олиб келиб, Олимжоннинг бошидан қуйди. У ҳушига келиб ингради.

— Қопим... Қопимни йиртди...

— Жон укам! Ўргилай сендан, Олимжон! — боланинг муздай юзларидан ўпдим. — Ўзим қоп бераман сенга, ўнта қоп бераман. Кўзингни оч!

Арава шалдиради. Болалардан биронтаси хабар берган шекилли, Комил табиб ҳукизаравадан сакраб тушиб ҳаллослаб келди.

— Уғлим! — деди инграб. — Олимжон!

Бола похол тўшалган арава ўртасида осмонга тикилиб ётар, чеҳраси катта одамларникидек осойишта, ўйчан эди. Юзимга термилиб ётди-ётдида, сўради:

— Сизниям урдими, опа?

— Жим, жим, — дедим бошига эгилиб. — Ҳеч нима қилмайди. Даданг табиблар-ку, мўмиё сўрадилар, тузалиб кетасан...

...Холпош хола ўлганидан бери каловланиб қолган Оқсоқол шу воқеани эшитдию бирдан қаддини ростлади. Худди ўша қадимги Ориф оқсоқолга айланди. Қуюқ қошларини чимириб, ҳовончадек муштини хонтахтага урди.

— Қачонгача зулм қилади бу? Совет ҳокимияти борми-йўқми, ўзи?

— Сельсоветга чиқиш керак! — деди бобом. — Танобини тортиб қўймаса қутуриб кетди бу Закунчи!

— Ешинг етмишга қиряпти-ю, товуқча ақлинг йўқ! — Оқсоқол баттар хуноб бўлди. — Қўлидан нима келарди ўша ҳезимчалиш Эргашни! Закунчини кўргандан эридан кўрққан хотиндек типирчилаб қолади-ку! Йўқ, районга бораман! Ўртоқ Абдурахмоновга йўлиқаман! Уям қулоқ солмаса Московгача бораман! Робия! Ол, давот-қаламингни. Ёз, қизим!

Оқсоқол менга айтиб туриб, ариза ёздирди. Иккала ўртоқ қоғозни олиб Комил табибникига кетишди. Аммо ярим кечада иккаласиям қовоқ-тумшуғи осилиб қайтиб келишди.

— Э, муллаваччаларга ўхшамай ўл! — деди Оқсоқол табибни орқасидан сўкиб. — Латта! Бола бечоранинг бадани илма-тешик бўп кетибди-ю, қўл қўй деса кўнмайди. Бир жойдаги одаммиш. Раис бир кунмас бир кун жазосини олармиш. Ёмонлик жавобсиз қолмасмиш. Арзабозлик қилиб юриш ўзбекчиликка тўғри келмасмиш. Ўргилдим, сенга ўхшаган пайтавақулоқдан! Кетдик, Дума! Табиб даъвогар бўлмаса, мана, мен даъвогарман!

## 2. «ЯХШИЛИК ҲАМ,

### ЁМОНЛИК ҲАМ ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАЙДИ»

Бу йиғиннинг отини нима дейишни ўзим билмайман. Мажлис десам, мажлисга ўхшамайди, суд десам, судга... Умар-закунчи Олимжонни сулайиб қолгунча янтоқ билан савалаган жойда — худди ўша қайрағоч тагида тумонат одам тўпланди. Уроғининг бандини қаҳрли чангаллаган хотинлар, машоқ қилаётган қопини орқалаб олган болалар, олисда Дўмбробод томонларда картошка чопиқ қилаётган, лекин аллақердан хабар топиб, кетмонини елкасига ташлаб, ҳаллослаб етиб келган қари-қартанглар...

Эрталаб пайкалда «шериклик» машоқ яна давом этди. Болакайлар, қизалоқлар қоп судраб бошоқ қолдиқларини териб юришар, аммо кечаги даҳшатли воқеадан кейин кўрқиб қолишгани учунми, «шерикчилик»ка келган болалар оз эди. Менинг тракторим ҳамон бир чеккада турар, дала тоза бўлмагунча пайкалга киролмасдим. Закунчи отини қайрағочга боғлаб қўйиб, сояда чўнқайиб ўтирар, мен томонга қарамай, папирос тутатар, даладаги болалардан кўз узмас эди. Олимжоннинг гарданига янтоқ билан савалаётган Закунчининг ваҳший ҳайвондек хириллаши, оғзидан кўпик сачратиб «мана, мана!» деб ҳайқариши ҳамон қулоғим остида жаранглар,

аравада чалқанча ётганча катта одамлардек осмонга ўйчан кўз тикиб бораётган бечора бола хаёлимдан кетмас, Закунчининг башарасига қарагим келмас эди. Бир маҳал олисда арава шалдиради. Тракторни текширган бўлиб, разм солсам, Закунчи сапчиб ўрнидан туриб кетди. Қамчисини ерга ташлаганча, югурди. Қарасам, тупроқ йўлдан чанг кўтариб, ҳўкизарава келяпти. Худди ўша кеча чалажон бўлиб қолган Олимжонни олиб кетган ҳўкизарава, фақат бу сафар арава устида Комил табиб эмас, бобом билан Оқсоқол ўтирибди. Закунчи нега типирчилаб қолганини аввал тушунмадим. Бироқ арава яқинроқ келганда похол шляпасини бостириб олган, барваста одамни илғадиму, ҳаммасини тушундим. Оқсоқол билан бобом кечаси чиқиб кетганча қайтишмаган эди. Демак, Абдурахмоновни бошлаб келишяпти.

Закунчи чопиб бориб, Абдурахмоновга қўшқўллаб қўл узатди. Лекин райком секретари негадир юзини ўгирди. Оқсоқолга бир нима деди. Оқсоқол хипчани билан ҳўкизларни савалади. Закунчи арава ёнида пилдираб келаркан, ёйилиб илжайганча Абдурахмоновга яна алланималарни гапирди. Арава шовқинидан нима деганини эшитмадим-у, райком бу сафар ҳам юзини чириллатиб ўгирганини кўрдим.

Кўп ўтмай, арава қайрағоч соясига келиб тўхтади. Аввал Оқсоқол, кейин бобом сакраб тушишди. Закунчи бир қўллаб арава ёндорини чангаллаганча филдиракка оёқ қўяётган Абдурахмоновнинг қўлтиғидан олаётган эди, райком қошини чимирди:

— Раҳмат... Ўзим.

У қийналиб, аравадан тушди. Бўлиқ юзи бўғриқиб кетган, кўйлаги жиққа ҳўл бўлиб икки елкасига ёпишиб қолган, чеккасидаги оқ оралаган сочларидан дув-дув тер оқар эди.

— Ўртоқ Абдурахмонов... — Закунчи, Оқсоқол билан бобомга адоватли қараш қилди-да, илжайиб бидиллади: — Мана, иккинчи марта машоқ қиялпмиз. Ҳарна фронтга ёрдам. Биттаям дон қолмасин деб...

— Кўриб турибман! — деди Абдурахмонов унинг гапини кесиб. — Ишларингиз жуда зўр!

Закунчи унинг овозидаги яширин ғазабни сезди. Ранги қув ўчиб атрофга аланглади. Мен ҳам ўгирилиб қарадим, атрофимизни ҳалқадек ўраб олган одамларни кўриб ҳайрон қолдим.

Ажаб, бир зумда қаёқдан тўпланди. Қаёқдан келди шунча оломон? Болалар, хотинлар, чоллар?... Ҳалқа борган сайин зичлашиб, торайиб борар, гўё бутун колхоз шу ерга, қайрағоч тагига кўчиб келгандек эди.

Абдурахмонов чап қўллаб ерга таянганча ўрнидан турди. Одамларга бир-бир қараб чиқди.

— Ўртоқлар... — деди осойишта оҳангда. Қизиқ, энди у бояги толиққан, хаста кишига ўхшамас, овози ўктам, ишончли эди. — Нима бўлаяпти ўзи «Қизил деҳқон»да? Ахир сизларнинг хўжалик районидаги энг илғор колхоз-ку!

— Мумкинми? — Умар-закунчи лип этиб ўртага чиқди. — Ўртоқ Абдурахмонов! — деди жарангдор овозда. — Эртанги картошкани йиғиб бўлдик. Буғдойниям юз йигирма процент...

— Шошманг! — Абдурахмонов ягона чап қўлини силкитди. — Ҳаммасини биламиз. Планларни ўринляяпсиз. Шунинг учун ҳам «Қизил деҳқон»га вакил юбориш шарт эмас, деб ўйлардик. Энди билсам, хато қилган эканмиз. Плани бажариш керак. Аммо зулм ҳисобига эмас.

Закунчининг ранги гезариб кетди.

— Қанақа зулм! Мана, одамларнинг ўзи гапирсин.

Оғир сукунат чўкди. Ҳеч кимдан садо чиқмас, осмонда тўрғай фарёд солар, аллақерда чигиртка нола чекар эди. Закунчи ҳаммага бир-бир қараб чиқар «биттанг гапирсанг тилингни суғуриб оламан» дегандек тишини ғижирлатар эди.

— Оқсоқол, — деди Абдурахмонов, — айтинг гапингизни.

— Гапим шуки... — Оқсоқол носини жаҳл билан тупурди. — Ўртоқ Хажайип жа оширворди! Амир Олимхон бўлсаям жойини билиб ўтирсин! Тўғрими, Дума?

— Тўғри! — бобом ўртага чиқиб, асабийлик билан қўлини пахса қилди. — Майли, планни сўрасин! Ишни сўрасин. Локин...

— Ҳўв, оқпошшонинг Думаси! — Умар-закунчи истеҳзо билан лабини бурди. — Бизлар жанг қиялпмиз! Фронт орқасида жанг қиялпмиз. Нима энди, бошда кўтариб юришимиз керакми, сизни!

— Менимас! — бобом жазаваси тутиб яна қўлини пахса қилаётган эди, Абдурахмоновнинг босиқ овозини эшитиб жимиб қолди.

— Оқпошшонинг нима алоқаси бор? — Абдурахмонов Закунчига юзланди. — Нима, Ҳусан ака меҳнатдан бўйин товляптими! Алдам-қалдам иш қиялаптими?

Закунчи эсанкираб қолди. Лекин дарров ўзини қўлга олди.

— Ўртоқ Абдурахмонов, — деди лаби бурилиб. — Уёқда планни талаб қиласиз... Буёқда... Ўзингиз биласиз, бу ер ҳам фронт...

— Фронт денг! — Абдурахмоновнинг товуши бирдан ўзгарди. Қаҳрли тус олди. — Она сути оғзидан кетмаган болалар билан жанг қилиб ётибман, денг!

— Мен... мен... — Закунчи бирдан бўшашди. — Тартиб бўлсин деб... — у ингичка мўйлови титраганча яна қаддини ростлади. — Ўртоқ Абдурахмонов! — деди овози қатъийлашиб. — Мен нима қилсам, жангчиларимизга ёрдам бўлсин деб қиялпман!

— Яхши! — Абдурахмоновнинг товуши Закунчиникидан ҳам қатъийроқ жаранглаб кетди. — Лекин ким сизга рухсат берди ёш болани майиб қилишга!?

Шунда кутилмаган иш бўлди. Ўроқлар, паншахалар, кетмонлар офтобда таҳдидли ярақлаб кетди. Ҳатто болалар ҳам қопини боши устида баланд кўтариб чувиллашди.

— Жонимиздан тўйдик!

— Керакмас!

— Колхозда ё Закунчи турсин, ё — биз!

Тинч оққан сув тўғонни бузса ёмон бўларкан. Одамлар чувиллаб олдинга ташланди. Қўйиб берса ҳозирнинг ўзида Закунчини қийма-қийма қилиб ташлагудек важоҳатда эди.

Умар-закунчи серрайиб турар, юзи қаҳрли, қатъий тусга кирган эди.

— Ўртоқ Абдурахмонов! — деди чертиб-чертиб. — Мен ҳарбий замон талаби бўйича иш қилдим. Бундан кейин ҳам законний...

— Бас! — Абдурахмоновнинг бўлиқ юзи қизариб, осойишта боқувчи кўзлари ғазабдан қисилиб кетди. — Партия сизга халқни давлатга қарши қўйгин, деган эмас!

Халойиқ тагин жунбушга келди. Яна ўша ҳайқириқлар янгради:

— Кетсин!

— Кетмонни олиб кетсин, Закунчи!

— Тўрт томони қибла!

Оқсоқолнинг овози ҳаммадан кучли гумбурлади:

— Сиз нима дейсиз табиб? Айтинг гапингизни.

Бобом Комил табибнинг билегидан чангаллаб, Абдурахмоновга рўпара қилди.

— Гапиринг, табиб!

Табиб бир зум ўйланиб турди-да, хўрсинди.

— Мен нима дейман? — деди секин. — Ҳамма гапни айтиб бўлишди-ку. Бу дунё — қайтар дунё. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам жавобсиз қолмайди. Ўзини билган одам учун эл назаридан қолишдан ортиқ жазо борми?

У ингичка мўйлови титраб турган Закунчига ажаблангандай бир қараб қўйдию нари кетди.

— Эшитдингиз-а, ўртоқ Хўжаев? — Абдурахмонов елкаси оша ҳамон ёўдайиб турган Закунчига қаради. — Тушунарлими энди?

— Яхши! — Закунчи шахт билан қаддини ростлади. — Бундан чиқди, ҳамма яхши — мен ёмонман. Колхознинг қаддини кўтарганим — ёлғон. Етти йил эшшакдек ишлаганим — ёлғон! Ўзим оч юриб, топган-тутганимни фронтга жўнатганим — ёлғон. Гектаридан олтмиш тоннадан лавлаги

олганим — ёлғон! Мана бу орденга, — у энтикиб, кўйлагига тақилган офтобда ярақлаб турган орденни чангаллади, — мана бу орденга сиз қўл қўйганингиз ҳам — ёлғон?!

— Тўғри, мен қўл қўйганман, — Абдурахмонов афсусланиб бош чайқади. — Ўша орденга, — деди ҳар сўзини чертиб, — «Ҳурмат белгиси» деб ёзиб қўйибди. Биз сизни ҳурмат қилардик. Лекин эшитиб қўйинг: халқ ҳурмат қилмаган одамни партия ҳам ҳурмат қилмайди.

— Олақолинг мансабингизни! — Закунчи райкомга ўгирилиб изтироб билан ҳайқирди. — Ўзим ҳам бунақа ит ётиш, мирза туришдан чарчадим. Юборинг! Передовойга юборинг мени!

Абдурахмонов ягона қўлини беписанд силкиди:

— Хотиржам бўлинг, ўртоқ Хўжаев! Қаёққа юборишни райком бюроси ҳал қилади. Аммо янги раис сайлашни халқнинг ўзига қўйиб берамиз.

Ўша заҳоти яна гувиллаган садо саратон ҳавосини титратди:

— Оқсоқол!

— Оқсоқол раис бўлсин!

— Бошқаси керакмас!

Ориф оқсоқол тўсатдан эсанкираб қолди.

— Мен... мен... — деди довдираб. Худди биров ҳозироқ раислик курсисига ўтқазиб қўяётгандек орқага тисарилди. — Ўртоқ Абдурахмонов... — деди ялиниб. — Наҳот мен... раис бўламан деб... Илтимос... — у икки қўлини баланд кўтариб ҳайқирди: — Халойиқ! Қисқа ўйлама! Эртаиндин уруш битади. Колхозлар бошқача бўлиб кетади. Мен энди — ўтдим. Машинани биладиган... — Оқсоқол атрофга аланг-жаланг қаради-да, бирдан юзи ёришди. — Яши раис керакми? Мана! — у бобомнинг ёнида турган Башор опанинг қўлидан тутиб, ўртага олиб чиқди. — Мана, ҳақиқий раис! Ҳалол, меҳнаткаш. Машинани...

Энди Башор опа довдираб қолди.

— Йўқ! — у кескин бош чайқади. Оқсоқолнинг каттакон кафтини қўшқўллаб чангаллаганча илтижо қилди. — Оқсоқол, барака топинг, йўқ деманг. Нима юмушингиз бўлса...

Одамлар тагин бараварига гувиллади:

— Тўғри!

— Башоратхон рост айтяпти.

— Оқсоқол!

— Нега таранг қиласан! — бобом Оқсоқолга рўпара бўлиб, бўйнини чўзди. — Қачондан бошлаб эл-юртнинг сўзини ерда қолдирадиган бўлдинг!

Оқсоқол нима дейишини билмай қолган, одамлар ҳамон гувиллар, Абдурахмонов эса мамнун жилмайиб турарди.

Умар-закунчи «томошанг бошингда қолсан» дегандек шахт билан даврандан чиқдию, қайрағоч шохига боғланган жийроннинг жиловини қўллари титраб ечди. Қайтиб келиб, ерда, Абдурахмоновнинг оёғи остида ётган қамчинни юлқиб олиб от томонга югурди. Бойлоқдан бўшаган от, эгаси яқин бориши билан, қўрқдими, бегонасирадими, тўсатдан шаталоқ отиб, машоқ қилинаётган буғдойзорга югурди.

— Тўхта! — Закунчи ҳам илтижо, ҳам ғазаб билан буюрди. — Тўхта, Қоракўз! Қоракўз! Тўхта!

Қайрағочга суяниб турган Раъно кенойимга энди кўзим тушди. Сочини бошига чамбарак қилиб олган, қўлида дафтар бор эди.

У жийрон кетидан чопиб бораётган Закунчидан кўз узмас, дафтар тутган қўллари титраб эди. Назаримда кўзи жиққа ёшга тўлгандек бўлди.

### 3. УСТУН ЙИҚИЛСА, УСТУН ЗИЛ КЕТАДИ

Колхоз ҳамма планни бажариб бўлган, ер музлаб қолмасидан шудгордан қутулиб олишга уринардик. Қанд лавлаги бу йил ҳам яхши бўлди. Оқсоқолнинг маслаҳати билан разъезд яқинида лавлагини қабул қилиб оладиган янги омбор қурилди. Янгийўлдаги завод одамини жўнатадию лавлагини шундоқ омборнинг ўзидан олиб кетаверади.

Халқ Оқсоқолнинг раислигини қўмсаб қолган эканми, бир иш чиқса баравар чиппа ёпишади. Закунчи пайтидаги уриш-сўкишлар йўқ. Қизиқ, ҳеч ким Закунчини эсламайди ҳам. Гўё бу дунёда Умарзакунчи деган одам ҳеч қачон бўлмагандек. Тўғри, аввалига ҳар хил миш-мишлар тарқалди: «Закунчини райкомда моховга ошна қилишибди», «Закунчи урушга кетмоқчи бўлган экан, тоғаси Хўжақулов ўртага тушиб олиб қолганмиш...» «Закунчи молияга ишга ўтганмиш, налугчи бўлиб олганмиш...» Аммо у «Қизил деҳқон» тарафларда қорасини кўрсатмади. Шу-шу, одамларнинг эсидан чиқиб кетди. Оқсоқол унинг данғиллама уйини Ленинград қамалидан чиқиб келган оилаларга берди. Назаримда фақат битта одам — Раъно келинойим ҳалиям Закунчини эслайди. Шу уч-тўрт ой ичида озиб-тўзиб кетди...

Кўтармадаги охирги пайкални ҳам қазиб бўлдик. Кунботар палласи туман қуюқлашиб, одам одамни танимайдиган бўлиб қолганида аравани тўлдириб омборга жўнатдик.

Оқсоқол ғилдираклари аянчли ғийқиллаганча лойга бота-бота имиллаб кетаётган хўкизарава ортидан қичқириб қолди:

— Омбордагиларга айт, Олимжон! Тезроқ тушириб олишсин. Кейин дарров изинга қайт, уқдингми?

Туманлик орасидан Олимжоннинг ингичка овози янгради:

— Дарров келаман. Чу, жонивор!

Қандоқ яхши-я, бу бола! Ушанда — Закунчи қишлоқдан бадарға қилинган кун ҳолидан хабар олгани борганимда болани кўриб қўрқиб кетувдим. Тикан кирган жойлар маддалаб яра бўлиб кетган экан. Йўқ, ҳайтовур, отаси дори-дармон қилиб, оёққа турғазди.

Одамлар туманлик орасидан шарпадек сирғалиб чиқиб, аравага сиғмай қолган беш-олти замбил лавлаги уюми олдида турган Оқсоқолнинг атрофига тўпланишди. Туман билан қўшилиб, совуқ ҳам тушган, кун бўйи замбил кўтарганим учун биқинимда яна оғриқ турган, бўғилиб кетаётганга ўхшардим.

Оқсоқол атрофини ҳалқадек ўраб турган одамларга қараб деди:

— Болали хотинларга жавоб. Эркаклар қолсин, яна жиндай иш бор.

— Биз-да, ўша эркак, Оқсоқол! — Парча опа туманлик орасида дўриллади. — Хизмат бўлса этвуринг!

Оқсоқол мамнун кулди.

— Тўғри, сен ўнта эркакни қочирасан.

Туманликда ивирсиган шарпалар секин-секин ғойиб бўлди. Оқсоқол менга кўзи тушиб жеркиб берди:

— Сен нега анграйиб турибсан, бор, онангга боқиш!

Совуқда муштдеккина бўлиб жунжикиб турган бобом яқин келди.

— Қўявур. Робия мен билан кетади.

— Бўлмаса гап бундоқ... Оқсоқол ёнида қолган беш-олти одамга бир-бир қараб чиқди. — Яна озгина хизмат қиламиз. Пайкални қадамлаб айланиб чиқамиз. Яримта-юримта лавлаги қолиб кетган бўлсаям, териб олайлик, барака топгурлар. Узи биринчи бўлиб пайкалга кириб кетаркан, таъкидлади. — Бир бўлак ҳам қолмасин. Эртага трактор тушади.

«Бир бўлак ҳам қолмасин» эмиш! Айтишга осон. Туман бўлса, қоронғи тушиб қолган бўлса! Лавлаги бўлагини гуваладан ажратиб бўлармиди?

Ёнимда пишиллаб келаётган Парча опа йулини ўргатди:

— Қўлиз билан чангаллаб нима қиласиз, Роби? Тепиб кўринг, ўзи билинади.

Тўғри айтган экан! Каттароқ кесакни тепиб кўрасиз: этик учига юмшоқ уннаса ёмғирда ивиган гувала бўлади, қаттиқроқ тегса — лавлаги! Аммо қаттиқроқ уннайдиган лавлаги қолдигининг ўзи йўқ. Чорак замбил лавлаги тергунимизча анча вақт ўтди. Ҳаммаёқни зулмат қоплаган, совуқ тушганига қарамай, терлаб кетгандим. Қуюқ туман одамни бўғишини энди билдим. Парча опа билан икковлашиб замбилни хирмонга олиб чиққанимизда алламаҳал бўлган эди.

Бобом билан Оқсоқол сирғана-сирғана замбил кўтариб яқин келишди. Замбил тагида ётган лавлаги бўлакларини хирмонга ағдаришди. «Хазончи-

нак» қилинган лавлагининг чўғи кўп эмас эди. Одамлар чекка-чеккадан чиқиб келиб, тагин хирмон атрофида тўпланишди.

— Табиб, сиз кетвуринг! — деб буюрди Оқсоқол. — Ҳаммангларга жавоб.

— Лавлагини ким ортади? — деди Парча опа дўриллаб.

— Ўзимиззи қўлимиз йўқми? — Оқсоқолнинг жаҳли чиқди. — Бор дегандан кейин боравермайсанми!

Атрофни шарпадек ўраб турган одамлар бир зумда ғойиб бўлишди. Жимлик чўқди. Қуюқ туман баттар исканжага олиб бўғаётганга ўхшар, биқиним симиллаб оғрир эди.

— Менга қара! — деди бобом хавотирли оҳангда. — Олимжондан дарак йўқ-ку!

Оқсоқол ҳам боядан бери шуни ўйлаб ўтирган экан шекилли, ўрнидан туриб кетди.

— Юр, ўзимиз бора қолайлик.

Қаторлашиб йўлга чиқдик. Оёқ остида лой пилчиллайди. Оқсоқол қаддини ғоз тутиб боряпти. Бобом унинг қадамига етолмай пилдирайди. Мен ҳам тезроқ юришга ҳаракат қиламан. Унга сайин биқиним санчиб-санчиб қўяди... Хазоннинг аччиқ ҳиди анқиб турган ёнғоқзорга кирганимизда зулмат янаям қуюқлашиб кетгандек бўлди. — Олд томонда Алвастикўприкнинг шовуллаши эшитила бошлади. Оқсоқолнинг юраги сиқилди шекилли, яна шанғиллади:

— Кимсдан хабар йўқми?

— Ҳайронман... — бобом хўрсинди. — Тирик бўлса шу кунгача дараги...

— Э, ўл-е! — Оқсоқол жаҳл билан бақириб берди. — Ёшинг етмишдан ошибди-ю, товукча ақлинг йўқ...

— Етмиш эмас, олтмиш тўққизда, — деди бобом унинг гапини кесиб. — Қолаверса, сенинг йилинг ҳам — товук!

— Хўш, нима қипти, товук бўлса? — Оқсоқол энг муҳим масалани талашгандек тажанг бўлиб бақирди. — Биламан, иккаламизнинг мучалимиз бир. Аммо онангни қорнида ётган тўққиз ойниям ҳисоблаш керакми? Керак! Бундан ташқари, мучалинг икки марта айланганида бир ёш қўшиладими? Қўшилади! Бунда чиқди, етмиш тўртга кирдинг-да, саводсиз!

— Бўса бордир... — бобом яна уф тортди. — Лекин Кимсаним...

— Яна гапиради-я! — Оқсоқол баттар тажанглашиб кетди. — Ҳеч радио эшитасанми, пакана! Бизникилар Булғорияни озод қилди. Ушаларнинг ичидаям ўзимизнинг партизан болалар бор экан. Мени айтди, дерсан. Кимсан булғор партизанларига қўшилиб кетган.

Кўнглим ёришди. Оқсоқол рост айтяпти. Кимсан акам Болгария партизанлари орасида юрибди. Шунинг учун хат ёзмаган. Эрта-индин дараги чиқади. Болгария озод бўлди-ку.

Хаёл суриб кетаётган эканман, бир маҳал Оқсоқолнинг хавотирли хитобидан чўчиб тушдим.

— Анави нима, Дума?

Оқсоқол қўли билан кўрсатган томонга қарадиму Алвастикўприкдан эллик қадамча нарида, темир йўл устида шарпадек қорайиб турган нарсага кўзим тушди.

— Вагонми, — деди бобом дудмал қилиб.

Ўша томондан туманлик орасидан асабий, ингичка овоз эшитилди:

— Чу! Чу!

— Ие, арава-ку! — Оқсоқол ўша томонга югураркан, йўл-йўлакай койинди. — Ҳа, бола-я! Катта йўлдан юрмасдан...

Лойда сирғанганча мен ҳам чопиб кетдим.

Оқсоқол тўғри айтади, Олимжон болалик қилган. Катта кўчадан айланиб юрмаслик учун, аравани эски йўлдан солган. Тўғри, бу йўл яқин: омбор рўпарасидан чиқади. Аммо лойда арава ботиб қолган бўлса...

Туманлик орасида Олимжоннинг йиғламсираган овози яна янгради:

— Чу! Чу!

Яқин боришимиз билан юрагим орқага тортиб кетди: лавлаги тўла арава темир йўлга кўндаланг туриб қолган, Олимжон нуқул ҳўкизларни хипчин билан савалар эди.

Оқсоқол югуриб бориб ҳўкизнинг тасмасини чангаллади.

— Катта йўл қуриб қолганмиди, бадбахт!

Олимжон анчадан бери ҳўкизларни тортқилайвериб чарчаган, қўрқиб кетган бўлса керак, йиғлаб юборди:

— Мен билмадим... Пешиндаям шу ердан...

— Э, шу ердан ўтмай... — Оқсоқол бобомга ҳайқирди: — Орқага ўт, Дума! Ҳамманг орқага ўт! — у тасма жиловни куч билан тортди. — Чу, жонивор!

Бобом, Олимжон, мен учовлашиб, арава орқасидан итара бошладик. Арава қилт этмас, олдинги иккита ғилдирак темир йўлнинг нариги изига, орқа ғилдираклар бериги изига тақалиб, михланиб қолган, ҳўкизлар ҳарчанд чирангани билан арава жойидан жилмас эди.

— Юр-е, ҳаром ўлгур! — Оқсоқол ғазаб билан ҳўкизлардан бирининг қорнига тепди. Ҳўкизлар яна бир талпинган эди, арава тагида алланима қарсиллади.

— Уқ синдими, нима бало! — Оқсоқолнинг ҳаяжонли хитобидан қўрқиб кетдим. Оқсоқол лип этиб, арава тагига шўнғиди. Кўп ўтмай эмаклаб чиқиб, орқага ўтди. — Ҳаммаси жойида! — деди жонланиб. — Қани, кўтардик! Куч борми ўзи!

Тўртовлашиб арава орқасидан кўтара бошладик.

— Чу, ҳаром ўлгур! — деди Оқсоқол чираниб.

Орқа ғилдираклар из устига чиқди-ю, сирғаниб яна қайтиб тушди.

— Торт! — Оқсоқол қоронғида кўзини ола-кула қилиб менга ўшқирди: — Ҳўкизни торт дейман!

Югуриб олдинга ўтдим. Қарасам, ҳўкизлардан биттаси бемалол чўккалаб, шағал устида ётибди. Ҳаммаёқни туманли зулмат қоплаган бўлса ҳам ҳўкизнинг оғзидан тили чиқиб кетганини, лабидан сўлак оқаётганини кўрдим. Чинқириб юбордим.

— Бобожон! Ҳўкиз ўлаяпти.

Оқсоқол бўралаб сўкинганча чопиб келди.

— Менга деса ҳаром ўлмайдимми! Поезд кепқолади ҳозир!

— Посирани кес! — Арава орқасидан бобом бақирди. — Кес дейман!

Оқсоқол этигининг қўнжига қўл суқиб, пичоғини суғуриб олди. Бўйинчага боғланган тасмаларни ширтиллатиб кесиб ташлади. Шериги чўккалаб қолганида бўйни бир томонга қийшайиб кетган ола ҳўкиз лапанглаб нари кетди. Оқсоқол иккинчи ҳўкизнинг шохидан ушлаб торта бошлади.

— Тур, ҳаром ўлгур! Тур!

— Поезд! — орқадан Олимжоннинг қўрқув тўла овози эшитилди. Поезд келяпти!

Бурилиб қарадимۇ Алвастикўприк томонда ловуллаётган учта чироқни кўриб қўрқиб кетдим.

— Дума! — Оқсоқол ҳарсиллаб ҳўкизни яна тепди. — Дума, Поездда аскар болалар бор. Биламан! Ярадорлар бор.

Эсанкираб қолган бобом арава орқасида туриб ингичка овозда чинқирди:

— Нима қилай?

— Буёққа кел, аҳмоқ! Чоп!

Жонҳолатда ҳўкизнинг қулоғига ёпишдим. Ростдан ҳам поезд фронтдан ярадор йигитларни олиб келаётган бўлса-чи! Вагонда Кимсан акам ҳам бўлса-чи!

— Шотини кўтар, Дума! Шотини! Сен орқага ўт, Роби!

Туманлик қўйнида ёриб чиққан нур самовар дудбуронидан отилаётган оловдек ловуллаб, тезлик билан бостириб келарди. Бобом билан Оқсоқол аравани лайлак қилиб кўтаришди шекилли, устимизга лавлагилар ёғила бошлади. Яқин келиб қолган паровоз сурон солиб гудок чалди.



Чироқ ёруғида лайлак бўлиб бошимдан босиб тушаётган аравани кўрдиму даҳшат ичида бақириб юбордим:

— Олимжон, қоч!

Кўзимни очсам, қоп-қора зулмат ичида ётибман. Атроф жимжит. Олисида — разъезд томонда узоқлаб бораётган поезд филдиракларининг бўғиқ гулдираши эшитиларди. Пастда Алвастикўприк шовуллайди. Ўрнимдан турмоқчи эдим, биқинимга санчиқ туриб, чўккалаб қолдим. Тиззам тошга урилган шекилли қаттиқ оғриб, кўнглим беҳузур бўлиб кетди. Уч-тўрт қадам нарида ёнбошлаб ётган аравани энди кўрдим. Араванинг осмонга қараб қолган иккита филдираги ҳамон секин-секин айланиб турар, нолали ғийқиллар эди.

Тепамда ҳансираган нафас эшитилди.

— Опажон! — Олимжон кўлимдан тортди.

Оғриқни ҳам унутиб, сапчиб турдим. Оёқ остида сочилиб ётган лавлагиларга қоқилиб, сурилиб темир йўл устига чиқдик. Юз қадамча нарида омбор чироқлари хира милтираб турар, берироқда туманлик орасида соядек иккита ҳўкиз кўринар эди.

— Бобожон! — Оқсоқланганча энтикиб, ўша томонга югурдим. — Бобожон, қаёқдасизлар!

Чопиб борарканман, ёнбош томонда Олимжоннинг бақиргани қулоғимга кирди.

— Опа! Буёққа келинг, опа! — деди йиғламсираб... — Туринг, Оқсоқол бува!

Етиб борганимда Оқсоқол бошини чангаллаганча чўккалаб ўтирар, ҳансираб нафас оларди.

— Мени кўй... — деди энтикиб, — Думага қара... — у каловланиб ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, яна чўккалаб қолди. — Борсанг-чи, — деди инграб.

Пастда, чап томонда ожиз инграш эшитилди. Лойга ботиб, аллақандай дарахт тагига тушиб бордим. Бобом кўлмакда қалқанча ётар, инграб эди.

— Бобожон! — юзини силамоқчи эдим, кўлимга илиқ, шилимшиқ нарса унади.

— Бобожон! — кўксимдан йиғи аралаш нидо отилиб чиқди. — Туринг...

Аввал Олимжон, кейин гандираклагудек бўлиб, Оқсоқол етиб келди. Кўлмакка ўтирганча бобомнинг бошини тиззасига олди.

— Кўзингни оч, ўртоқ! — деди бобомнинг юзини силаб. — Мана... Бўлди... Ҳозир... Ҳаммаси яхши бўлади. Нос чекасанми? Мана...

Бобом энтикди.

— Мен... ўламан...

— Унақа дема, ўртоқ! — Оқсоқол овози титраб ялинди.

— Кимсанимни кўролмадим... — Бобом гапирмоқчи эди, оғзидан қон оқиб, хириллаб қолди.

— Жон ўртоқ... унақа қилма... — Оқсоқол эгилиб, бобомнинг юзига юзини кўйди. — Ўзинг айтгансан-ку, бирга келганмиз, бирга кетамиз.

Билмадим, туман тарқалдими, ой чиқдими, бобомнинг юзи ёришгандек бўлди. Сесканиб кетдим. Ҳали қоронғида кўрмаган эканман. Бобом бошланг, юзини таниб бўлмас, кийимлари пора-пора бўлиб кетган, ҳаммаёғи лой аралаш қонга беланган эди.

— Чопсанг-чи! — Оқсоқол титраб-қақшаб Олимжонга буюрди. — Югур, отангни чақир!

Олимжон сапчиб туриб, темир йўл томонга чопиб кетди.

— Уғлимни кўролмадим... — деди бобом шивирлаб. — Келса... Ўзинг... Кимсан... — У ёғини айтолмади. Тўсатдан кўкраги босқондек қаттиқ-қаттиқ кўтарилиб туша бошлади. Оғзидан қон отилиб, Оқсоқолнинг юзига сачради.

— Бобожо-о-он! — чинқириғим туманликни тилка-пора қилиб юборганини, хира чироқ ёниб турган омбор томондан шу ёққа одамлар югуриб келаётганини элас-элас ҳис этдим йиқилиб тушдим.

Тўртинчи синф ўқувчиси  
Музаффар Шомуродов ҳикояси

ҒАЛАТИ ХОТИН

Укам билан гаплашиб ётибмиз. Иккаламиз бир кўрпанинг тагига кириб олганмиз: уй совуқ. Деразадан ой тушиб турибди. Девордаги Ҳусан бувамнинг сурати бизга қараб, қовоғини соляпти. Кичкина салла ўраган чўққисоқол бувам менга қараб: «Нега укангни урдинг, нега ойингни хафа қилдинг» деётганга ўхшайди. Бу — ўша «Қора аммам» никидаги суратнинг ўзи. Яқинда ойим атайлабдан Тошкентга тушйб катталаштириб келган. Ҳусан бувамнинг сурати иккита. Биттаси — аммамникида, биттаси — бизникида! Биламан, ойимда Кимсан акамнинг ҳам сурати бор. Аммо уни деворга осмайди. Кашта тикилган қийиқча орасига, қутига яшириб қўяди. Ҳеч ким йўғида қараб-қараб томоша қилади-да, кейин қийиқчага ўраб, яна қутига беркитади.

— Ака! Ҳусан бувам поездни тўхтатганини айтиб беринг.

Омоннинг одати шу. Бир гапни эшитдим, қайта-қайта сўрайверади. Авваллари Чичқонбой билан Қўнғизойни айтиб чарчардим. Энди бу чўпчакка ёпишиб олган. Ойим бувамнинг суратини катталаштириб келган куни бувам билан Оқсоқол поездни қандоқ қутқаришганини айтиб бергандим. «Қора аммам»дан қандоқ эшитган бўлсам, худди ўшандоқ қилиб. Ҳар куни шуни сўрайди. Мана, тагин бошлади.

— Поездни тўхтатганмас, қутқариб қолишган! — дедим тушунтириб. Шунақа қилишмаса бўлмасди. Поездда ўзимизнинг солдатлар бўлган. Билдингми?

— Қанақа қилиб?

— Нима «қанақа қилиб?»

— Қанақа қилиб қутқариб қолишган?

— Айтдим-ку, сенга! Кўприк тагидан алвасти чиққан. Ҳусан бувам билан Оқсоқол бува зўр полвон бўлишган, билдингми?! Икковлари бир бўлиб, алвастини Бўрижарга отиб юборишган. Кейин ўзларини поезд уриб кетган, тушундингми! Оқсоқол бува берироқда тургани учун лат еган-у, тирик қолган. Ҳусан бувам ўлган.

Омон шу билан тинчиса экан. Сўрайверади:

— Ака, алвасти қанақа бўлади? Поезд алвастидан кўрқадими?

Нима дейишимни билмай қолдим. Рост-да, шунақанги катта поезд алвастидан кўрқадими? Босиб кетса-ку бўлди эди. Ҳусан бувам тирик қоларди.

Асли, бу гапларни Олимжон акамдан яхшилаб сўраб олсам бўларкан. Ҳозир Олимжон акам йўқ. Ўқишни битириб, Фарғонага ишга кетган Оқсоқол бува билан Ҳусан бувам поездни сақлаб қолишганини ойим ҳам кўрган экан. Аммо ўша гапларни эсласи келмайди. Мен аммамдан эшитганимни айтаман. Омон бўлса суриштираверади...

— Бўлди! — дедим жеркиб. — Ухла.

Укамга гапиряпман-у, икки қулоғим нариги уйда. Биламан, ҳозир дадам келади. Ойим бугун бўлган воқеани чақиб беради. Бугун ойим ёмон йиғлади. Уни мен хафа қилдим. Омонни йиқитмасам бўларкан. Йўқ, гап бундяммас. Қоровул амакининг ёнғоғини ўғирлаб чатоқ қилдик. Ҳаммасини Абдували бошлади-да.

Катта танаффусда болалар билан қувлашмочоқ ўйнаб роса терладим. Чанқаб кетдим. Уриқзор этагида ариқ оқади. Кузда ариқ шунақанги тиниқ бўладики, қирғоққа ётиб олиб, сув ичаётганингизда ариқ тагида соч толасидай силкиниб ётган сув ўтларини, иланг-биланг қилиб юрган ипдай ингичка «чувалчанг болалари»ни аниқ кўрасиз. Сув шунақанги ширин, шунақанги муздайки, ичсангиз тишингиз қамашиб кетади. Зах қирғоққа

ётиб олиб, энди оғзимни сувга босган эдим, биров елкамга туртди. Сулаймон ака бўлса керак деб кўрқиб кетдим. Сулаймон ака — директоримиз. Ариқдан сув ичаётган болаларни кўрса жаҳли чиқиб кетади.

Кўрқа-писа бошимни кўтарсам, тепамда Абдували илжайиб турибди.  
— Ёнғоқ! — деди сирли шивирлаб.

Ҳеч балога тушунмадим. Шоша-пиша сув шимириб, ўрнимдан турдим.

— Қанақа ёнғоқ?

— Конини топдим, — Абдували атрофга аланг-жаланг қараб олди, сўнг қўлимдан судраб сап-сарик хазон гиламдек тўкилиб ётган ўрикзор ичкарисига бошлаб кетди. Анча юрдим. Тоғдек дўмбайиб ётган тепалик этагига етганимизда, Абдували қўлимни қўйиб юборди-да, имо қилди:

— Ана! Зўрми?

Қарасам, тепалик панасида бир туп каттакон ёнғоқ бор экан. Танасида қоп-қора бақасаллалар бўртиб чиққан ёнғоқ. Бу йил ўзимизнинг ёнғоқ унча кўп мева солмади. Бу дарахтнинг шохларида ғуж-ғуж ёнғоқлар, паққа бўлиб, пўстидан ажралиб турибди. Битта кесак тегса дув тўкилади. Энди ерга энгашган эдим, Абдувалининг жаҳли чиқиб кетди.

— Жиннимисан? Сулаймон ака эшитиб қолади-ку! Устига чиқиб силкитаман!

У ерга ўтириб олиб, эски ботинкасини чаққонлик билан ечди. Маймундек тармашиб, дарахтнинг шохига миниб олди.

— Ҳой, — деди овозини пасайтириб. — Тезроқ тергин. Хўпми. Қоровул амаки кепқолса ҳуштак чаласан!

Юрагимга ваҳима тушди. Бундан чиқди, ёнғоқ қоровул амакиники экан-да! Билиб қолса ўлдиради-ку!

Ҳушимни йиғиб олмасимдан Абдували миниб ўтирган шохига тик туриб олди-да, юқорирокдаги шохни икки қўллаб чангаллаганча оёқ-қўлини баравар силкита бошлади. Бошим, елкаларим устига ёнғоқ дувиллаб тўкилди. Шошиб қолдим. Бақироқ қоровул амакини ҳам унутиб, ёнғоқ теришга тушиб кетдим. Шимимнинг икки чўнтаги бирпасда тўлиб чиқди. Камзулнинг чуқур-чуқур чўнтаклари ҳам ёнғоққа тўлди.

— Бўлди! — дедим Абдувалига имо қилиб. — Туш!

Абдували қулоқ солмади. Тепароқдаги шохга чиқиб яна силкитди. Тағин анча-мунча ёнғоқ тўкилди. Бошимдан дўппимни юлқиб олиб, унга ҳам солаётган эдим, шундоқ тепамда аёл кишининг овози эшитилди.

— Ҳой!

Бир қўлимда дўппи, бир қўлимда тўртта ёнғоқ билан чўккалаган жойимда қотиб қолдим. Бўлди! Қўлга тушдик! Ҳуштак чалиш ҳам эсимга келмай, овозим борича бақариб юбордим.

— Абдували! Атанда!

— Қўрқма... — бояги овоз яна эшитилди. Елкам оша орқага қарадим, тап этиб ўтириб қолдим. Маъсуда опа! Тура қочишни мўлжаллаб яна бир қараган эдим, Маъсуда опа эмаслигини билдим. Бултур кузда ўқитувчи опамиз ҳам худди шунақа зангори макинтош кийиб юрарди. Йўқ, қарасам, бошқа: шоҳи рўмол ўраган, қўлида сумка. Ойим дўконга чиққанида кўтариб юрадиган сумкага ўхшаганмас, кичкина, чиройли.

Бўлди! Бундан чиқди қоровул амакининг келиними, қизими... Ишқилиб, қўлга тушдик-да!

Дўппимни чангаллаб каловланиб ўрнимдан турдим.

— Қоч! — дедим Абдувалига қараб.

Абдували ҳамон шохга осилиб турарди. Икки кўзи ҳалиги хотинда, ранги ўчиб кетган.

— Қочсанг-чи! — дўппимни ёнғоқ аралаш қорнимга босганча ўрикзор ичига ўзимни урдим. Аммо атайлаб секинроқ чопдим. Билиб турибман, қоровул амакининг келини (қизими, келиними — бари бирмасми) мени қувлайди. Унгача Абдували дарахтдан тушиб олади.

Йигирма қадамча лўкиллаб борган эдим. Бояги хотин яна чақирди:

— Қўрқма, ёнғоқ айлансин сендан!

Иккилайиброқ тўхтаб қолдим.

— Шошма! — у қочиб кетишимдан қўрқди шекилли, турган жойида икки қўлини мен томон чўзди. Ўнг билагига илиб олган чиройли сумкаси лопиллаб кетди. — Кетма!..

Кўз қирим билан қарасам, Абдували шохдан-шоҳга осилиб, пастга тушаяпти. Кўнглим анча тинчиди.

— Сен — Музаффарсан-а? — бояги хотин мен томонга бир қадам босган эди, мен ҳам Абдувалидан кўз узмай, бир қадам чекиндим. Тутқазиб бўпман! Абдували омон-эсон ерга тушиб олсин, кейин ўзим биламан!

— Бизлар билмадик, хола! — дедим шохдан шоҳга осилиб тушаётган Абдувалидан кўз узмай. — Мактабники деб ўйлабмиз.

Хотин қочиб кетишимдан хавотирланиб тўхтаб қолди.

— Сен — Музаффарсан-а? — деди товуши титраб. — Ўртоқларинг айтишди. Дарсга кирмабсан.

Индамадим. Кўз қирим билан қарасам, Абдували ерга етай деб қолибди.

— Ҳа! — дедим Абдувалидан кўз узмай. — Нимаиди?

— Ўғлим! — хотин инграб юборди, қўлидан сумкаси тушиб кетди. Қучоқ очганча мен томонга отилди. Қараб турибман: Абдували ерга уч қулоқча қолганда, тап этиб сакрадио тепалик орқасига уриб кетди. Бўлди! Қутулдик! Мен ҳам жоним борица чошиб ўрикзор оралаб кетдим. Анча нарига бориб қолганимда орқа томондан қулоғимни тешиб юборгудек нола эшитилди:

— Музаффар! Кетма-а!

Нимага унақа бўлганини ўзим билмайман. Лекин оёғим чалишиб тўхтаб қолдим. Бурилиб қарасам, бояги хотин қалин хазон тўкилган ўрик тагида мук тушиб ўтирибди. Илтижо билан бошини кўтарди-да, яна нола қилди:

— Кетма, шошма!..

Ёнғоқ тўла дўппини қорнимга босганча туриб қолдим.

— Музаффар! — Бояги хотин чўккалаб ўрнидан тураркан, яна қўлларини олдинга чўзди. — Тўхта! — рўмоли сирғалиб елкасига тушди. Негадир кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Ҳаворанг плашининг этаклари хазон чангига беланганча каловланиб шу ёққа юрди. Елкасига тушган рўмолини юлқиб олди. Рўмолнинг бир учи ерга тегиб тупроққа қоришганига ҳам парво қилмади.

— Кетма... — деди титраб. — Қўрқма...

Қоққан қозикдек туриб қолдим. Олдига боришга қўрқар, аммо қочгим ҳам келмасди. Нимага йиғлайди бу хотин?

У маст одамдек гандираклаб секин-секин ёнимга кела бошлади. Индамай туравердим. Яқин келганда у бирдан тиззалаб қолди.

— Болам! — дедию ўкраб юборди. Маҳкам бағрига босиб юз-кўзимдан ўпа бошлади. Кўзёшидан ҳўл бўлиб кетган юзидан аллақандай бегона ҳид келар эди. Ойим ҳеч қачон атир сепмагани учунми бошим айланиб кетди. Қизиқ, нимага ўпади мени? Қим бу хотин?

— Бор экансан-ку, ўғлим! — у ёш тўла кўзлари билан кўзимга узоқ термилиб қолди. Лаблари титраб кетди. Шунда иягида холи борлигини пайқадим. — Тирик экансан-ку! Мен сени... — У тагин қучоқлади. Қулоғим тагида алланима жиринглаб кетди. Қўлидаги билагузуклар бир-бирига урилиб жиринглаётганини пайқадим. Бир маҳал қорнимга алланима қаттиқ ботаётганини сездим. Кейин билсам, ёнғоқ тўла дўппини ҳалиям қорнимга босиб турган эканман. У бағрига босган сайин ёнғоқлар ботиб қорнимни оғритарди.

— Қўйворинг! — дедим ўзимни орқага ташлаб.

Қанча юлқинсам у шунча қаттиқ қучоқларди.

— Қўйворинг! — Дамим қайтиб типирчилардим. Жинними бу? Нимага менга ёпишиб олди?!

— Биласанми, мен кимман? — деди у инграгудек бўлиб. Кейин оғир-оғир бош чайқади. — Билмайсан, болам билмайсан.

— Қўйворинг! — оёқ-қўлимни баравар силкитиб, юлқиндим. Дўппим

қўлимдан тушиб, ёнғоқлар ҳар томонга думалаб кетди. У қўйиб юбориш ўрнига баттар қучоқлаб олди.

— Музаффар! — деди энтикиб. Негадир ёш тўла кўзлари билан жилмайди. — Кетасанми? Қўқонга кетасанми?

Ие, нима деяпти бу? Қаёқдан келди ўзи?

— Қочи-и-инг! — дедим типирчилаб.

— Қўқонда-чи, синглинг бор: Насиба... Сени жудаям яхши кўради. Кетамизми-а, Музаффар?

Қўрқиб кетдим. Бола ўғирлайдиган лўли бўлмасин тагин. Атрофга аланглаб бақирдим:

— Абдували-и!

Ҳеч ким кўринмади.

— Қўйвор! — дедим йиғлаб.

Хотиннинг раҳми келдими, чўчидими, ҳайтовур қучоғидан бўшатди. Аммо қочи кетишимга йўл бермади. Тиз чўкиб оёғимга ёпишган эди, орқамга ўтириб қолдим.

— Музаффар! — деди титраб. — Уғлим!..

Бир оёғимни амаллаб бўшатиб, елкасига тепдим.

— Қўйвор! Ойи-и-и!

У негадир сесканиб кетди. Қўллари шалвираб оёғимни бўшатди.

— Ёлғон! — бўғзидан йиғи отилиб чиқди. — У сенинг ойингмас! Угай! Билдингми, ўгай! Ишонмасанг, қўшнилардан сўра!

Энди ўрнимдан турганимда қўлимни ушлади. Аммо боягидек қийнаб қучоқламади. Атир ҳиди келиб турган шойи рўмоли билан юзимни артди.

— Йиғлама, — деди секин. — Йиғлама, Музаффар. — Шундай де-дию ўзи йиғлаб юборди. — Кечир мени, ўғлим, гуноҳкор онангни кечир, — у додлаб юбормаслик учун мушти билан оғзини тўсди. — Алдашибди... Сеням алдашибди, мениям... — Бир зум жимиб қолди-да, ёш тўла кўзлари билан кўзимга термилди. — Биласанми, мен кимман? — деди лаблари титраб. — Мен сенинг онангман, тушундингми? Эслаб қол, ўғлим! Қўқонда тураман.

Юрагимни яна қўрқув босди. Сапчиб ўрнимдан турдим. Қўлимни силтаб тортдим. Бу сафар у ёпишмади.

— Уғлим... — деди титраб. — Мен сени... — яна кўзидан ёш тирқи-раб кетди. — Мен келаман, — деди йиғлаб. — Ҳар куни келаман.

Орқамга қарамай чопиб борарканман, хотиннинг ўкиниб йиғлаётгани-ни эшитиб турардим. Камзулимнинг чўнтаги оғирлашиб кетганини энди билдим. Чўнтагимда ёнғоқлар шиқир-шиқир қилар, чопишимга халақит берарди. Йўл-йўлакай ёнғоқларни қисимлаб олиб, улоқтириб юбордим.

\* \* \*

Сулаймон аканинг дарси қулоғимга кирмади. Ерда чўккалаб ўтирганча «мен сенинг онангман» деб йиғлаган хотин хаёлимдан кетмас, «алдашибди... ўгай...» деган сўзлари қулоғимда қайта-қайта жаранглар эди. Бу ҳам етмагандек ёнимда ўтирган Абдували нуқул тиззаси билан сонимга туртади. «Ёнғоқни чўз» деб им қоқади. Башарасига мушт туширгим келди-ю, Сулаймон акадан қўрқдим. Шунда, ҳов бир марта Абдувалининг бурнини қонатган куним Мавлуда опаси кўзини ола-кула қилиб айтган гап тўсатдан эсимга тушди. «Укамни нега уради» десам, «шу уқангми, ўгай-ку» дегани... Бояги хотин ҳам шуни гапирди. «Ишонмасанг, қўшнилардан сўра» деди. Нимага, нима учун унақа дейди?

Танаффусга чиқишим билан жилдимни осилтириб, уйга жўнадим.

...Агар эшикдан киришим билан ойим жаҳлимни чиқармаса шунақа бўлмасди. Нимага ҳадеб уришади? Жилдимни елкамга осаманми, қўлимда кўтараманми, нима иши бор? Ойим челақ тўла қовоқ пўчоқ кўтариб, молхонага кириб кетаётган экан.

— Одамларнинг гавмиш сигири бор, сен бола иккита қўйниям эплломайсан, — деди ўзидан ўзи таъна қилиб. — Мактабингдан кейин шу

харом ўлгурларни ўтлатиб келсанг, ҳақинг кетмайди-ку! Бари бир кечгача шаталоқ отиб ўйнайсан! Эрталабдан бери маъраб жонимдан тўйдирди. Узимнинг тан-жоним соғ бўлсаям майлийд.

Ойим авваллариям уришиб турарди-ю, у қулоғимдан кириб, бунисидан чиқиб кетарди. Негадир бу галгиси алам қилди. Ушшайиб турган эдим баттар жаҳли чиқиб кетди.

— Жилд жониворни елка кўтармайдими, ерга судраш шартми, болам?!

Тасмани бир силтаб жилдни бўйнимга осиб олдим.

— Бўлдими? — дедим алам қилганидан чийиллаб. — Қутулдимми энди?!

— Тағин бурнидан ортиқ гапириб бўлмайди бунга. Дўппинг қани? Аҳволингни қара!

Бошимни ушлаб кўрсам, ростдан ҳам дўппим йўқ! Бояги хотин кучоқлаганида ёнғоқ тўла дўппим ерга тушгани энди эсимга келди.

— Билмадим, — дедим тўнғиллаб. — Йўқотиб қўйдим.

Ойим кўзимга қараб турди-да, хўрсинди.

— Кап-катта бола... Шу кетишинг бўлса, яқинда ўзингниям йўқотиб қўясан. Бўпти, бор! Қовоқсомса ёпдим, еб ол.

Шундай дедию бир қўли билан биқинини чангаллаганча, бир қўлида қовоқ пўчоғи солинган челакни кўтариб, молхонага кириб кетди.

Энди айвон томон юрган эдим, олма шохига илинган арғимчоқда оёғини осилтириб ўтирган Омон чақириб қолди:

— Учиринг, ақа! Битта учиринг!

Индамай айвонга чиқиб кетаётсам, Омон арғимчоқдан тушиб келиб, йўлимни тўсди.

— Учирасиз! — деди жилдимнинг бандидан чангаллаб. — Учирасиз! Ҳа! Йигирмата санаб учирасиз!

Жилдимнинг латта бандидан ушлаганча арғимчоқ томонга судради. Бўйним қийилиб кетди. Худди бўйнига арқон солинган қўйдек эргашганим ўзимга алам қилди. Мунча тантиқ бу! Нима, малайманми? Жаҳлим чиқиб кетди.

— Йигирмата санаб учирасиз! — У арғимчоққа ўтириб, жилд бандидан тортқилади. — Учирасиз!..

Жилдни кучим борича силтаган эдим, арғимчоқ Омон билан қўшилиб баланд кўтарилди. Омоннинг оёғи кўкрагимга урилди. Жилд банди қўлидан чиқдию чалқанчасига йиқилиб, боши билан ерга урилди. Жилдимни кўксимга босганча анграйиб қолдим. Омон додлаб ойимни чақиради деб кўрқиб кетдим. Қизиқ, у йиғламади, фақат оёқлари типир-типир қилиб, оғзидан кўпик чиқа бошлади. Молхона томондан челакнинг даранглагани эшитилди. Ойим бўшаган пақирни ерга улоқтириб шу томонга югурди. Заранг ерда чилпарчин бўлиб ётган Омоннинг оғзига бармоғини тикди. Бирпасдан кейин укамнинг лабидан қон сизиб чиқди. Ожиз ингради. Кейин энтикиб-энтикиб йиғлаб юборди.

Ойим уни ердан кўтарганча тепамга келди. Қўлини тарсаки қилиб бошим устида кўтарди. Қочмадим. Серрайиб туравердим. Қизиқ, ойим урмади.

— Укангни ўлдирмоқчимисан, ярамас! — деди овози титраб. — Мана, ўлдириб қўя қол! — У лабидан қон сизиб чириллаб йиғлаётган Омонни бағрига босганча титраб ҳайқирди. — Уялмайсанми, ўз укангни шу аҳволга солишга, эшак!

— У мени укаммас, ўгай. Сизам ўгайсиз! — ер тепиниб йиғлаб юбордим. Қўлимдаги жилдни ерга улоқтирдим. Китоб-дафтарларим сочилиб кетди. — Ҳаммаларинг мени ёмон кўрасизлар! — нима деяётганимга ўзим ҳам тушунмай бақирдим. — Ҳаммаларинг ўгайсизлар!

Ойим ҳайратдан кўзларини катта-катта очиб бир зум тикилиб қолди. Ранги ўчган кўйи лаблари титраб, юзимга қараб турди-турди-да, Омонни кўтариб уйга кириб кетди.

Нима қилишимни билмай туравердим. Ҳам йиғлагим келар, ҳам Омон ўлиб қолмадимикан, деган ваҳима кўнглимга даҳшат соларди. Анчадан

кейин уй ичидан Омоннинг йиғи аралаш «акам ёмон, акам урди» дегани эшитилди.

— Ўл! — деди ойим бақириб. Тарсаки туширди шекилли, Омон баттар чирқиллади. — Аканг мактабидан чарчаб келди-ку! Ўласанми, бирпас сабр қилсанг, жувормаг!

Кўчага чиқиб кетдим. Биламан, бугун дадамдан калтак ейман... Уриб кўрсин-чи! Қора аммамникига қочиб кетаман.

Уйга қоронғи тушганда келдим. Дадам ишдан келмаганини дарров билдим. Айвондаги кавшандозда этиги йўқ. Омон эшик олдида кутиб турган экан.

— Юринг ака, — деди қўлимдан тутиб. — Ойим йиғлаёттила!

Ойим сопол лаганда мошкичири олиб келди. Қорним роса оч эди. Омон иккаламиз мазза қилиб едик. Аммо ойим бир-икки қошиқ олдию чой дамлашни баҳона қилиб туриб кетди. Секин қарасам, йиғлайвериб юзи шишиб кетибди.

— Ухла, иккаланг ҳам! — деди қовоғини солиб.

Омон иккаламиз бир кўрпа тагида ётибмиз, уй салқин. Деразадан ой тушиб турибди. Хусан бувамнинг сурати «укангни нега йиғлатдинг, ойингни нега хафа қилдинг» деб хўмрайиб турибди. Омон аллақачон ухлаб қолган. Мен бўлсам, нариги уйга қулоқ солиб ётибман. Ўртадаги қия очиқ эшикдан нур тушиб турибди. Биламан, ойим дадамни кутаяпти. Ҳозир дадам келади. Ойим бугунги гапни айтиб беради.

Ана, ҳовли томондан дадамнинг йўталгани эшитилди. Ойим айвондан ўтиб ҳовлига тушганини пайқадим. Дадам ҳовлидаги ариқда кетмон чайди, шекилли, сув шапиллади. Кейин айвонда гурс-гурс қадам товуши эшитилди. Қошиқ шиқиллади. Дадамнинг ора-чора «олсанг-чи ўзинг ҳам» деганини эшитиб ётдим. Негадир ойимдан садо чиқмасди. Ниҳоят дадам хўриллатиб чой ичди. Кетидан папирос тутатди шекилли, биз ётган уйга ҳам тамаки ҳиди кирди. Бир маҳал дадамнинг хотиржам овози эшитилди:

— Идорада майлис бўлди, онаси...

Ойимдан садо чиқмади.

— Оқсоқол айтдилар: кексайиб қолдим, раисликни бошқага топширинглар десалар, одамлар тўполон қилиб юборди. Ўртоқ Абдурахмонов юборган вакил ҳам Оқсоқолга ялинди: «Колхозингиз йилдан йилга ўсиб бораёпти, халқпарвар одамсиз-ку, Оқсоқол, унақа қилманг», деди. — Дадам папиросини қаттиқроқ сўрди шекилли, биз ётган уйга янаям қуюқроқ тутун кирди. — Зўрға кўндирдик, — деди тағин ўша оҳангда. — Бари бир шу йилча ишлаб бераман-у, янаги йилга бошқасини топинглар деяптилар Оқсоқол... Ҳайронман, бунчалик ишнинг кўзини биладиган раисни қаёқдан топамиз...

Ойим яна жавоб бермади. Жимлик чўкди. Охири дадамнинг ҳам ҳадикли, ҳам тажанг овози келди:

— Нима бўлди, тинчликми?

Зум ўтмай ойимнинг йиғлагани қулоғимга кирди. Аввалига нафаси қайтгандек ҳиқиллаб турди-ю, охири овозини баралла қўйиб юборди. Тамом! Ҳозир дадам кириб мени савалайди. Ухлаб қолган Омоннинг қўлини бўйнимдан олиб ташлаб чўккалаб олдим. Дадам кириши билан деразадан ташлаб қочаман. Боя ҳалқасини чиқариб қўйганман.

— Нима гап? — дадам аввалига жаҳл билан ҳайқирди, кейин юпатиброқ сўради. — Ўзингни бос, Роби, нима бўлди?

— Хат келди! — Ойим йиғи аралаш энтикди. — Хат олдим!

— Қанақа хат? — дадам яна тажанглаша бошлади. — Нима деяпсан ўзи?

— Отамда гуноҳ йўқ экан! Хўжақуловнинг хусумати билан... — ойим мадори қуригандек ингради. — Уйинг куйгур Хўжақулов! Хат ёзгандим. Жавоб келди. Қилчаям гуноҳи йўқ экан! Бечора отам! — ойим тағин ўкраб юборди. — Ўттиз тўққизинчи йилда ўлган экан. Ишини энди қайта кўрамиз деб туришганда касал бўлиб... Умид қилиб юрувдим. Ҳалиям умидим бор эди. Кечаям тушимга кирганди.

Нариги уйдан дадамнинг гурсиллаган қадам товуши келди. Чамаси ўрндан туриб, ойимнинг тепасига борди.

— Вой жинни! — деди эркалаб. — Нега йиғлайсан, онаси? Хурсанд бўлмайсанми?

— Тушларимда гаплашиб чиқардим. — Ойим аламли хўрсинди. — Бундан чиқди отам бечоранинг жасади билан гаплашарканман...

— Унақа дема, хотин! — дадамнинг овози янаям майинлашди. — Сен борсан, мен борман, демак, домлаям тирик-да. Обчиқ, ўқийлик ўша хатни.

Ойимнинг шу томонга келаётганини англаб кўрпага бурканганча Омонни қучоқлаб олдим. Эшик ғийқиллади. Уйга нур ёприлиб кирди. Ўзимни ухлаганга солиб, ётавердим. Ойим бизларни уйғотиб юборишдан чўчиб, оёқ учида уй тўрига ўтди. Токчадаги баркаш даранглади. Секин мўраласам, ойим ҳамон ўксиниб ҳиқиллаганча қўлида бир варақ қоғоз билан айвонга чиқиб кетяпти. Эшик яна ғира очиқ қолди.

— Қани? — деди дадам дўриллаб. Қайтадан папирос чекди шекилли, эшикдан тушиб турган бир тутам нурда оқиш тутун бурқсиди.

Ойим нафаси қайтиб, инграб юборди.

— Дадам! Дадажоним! Уйинг куйгур Хўжақулов!

— Қуй Роби! — дадам йўтала-йўтала далда берди. — Нега йиғлайсан, хотин? Хўжақуловнинг ўзиям жазосини олди-ку! Ҳақ жойида қарор топди-ку!

Ойим яна ўқсиб йиғлади. Дадам янаям юмшоқроқ оҳангда эркалади.

— Бўлди, Робия! Қўйгин энди. Бунақа хабарга қувониш керак, онаси. Икковлари жимиб қолишди. Ора-чора ойимнинг хўрсингани эшити-либ турарди.

Ҳеч нимани тушунмасам ҳам, кўнглим тинчиди. Бундан чиқди, ойимни мен йиғлатганим йўқ. Аллақандай хат келган, шунга хафа бўлган. Энди кўзим илинган эди, ўзимнинг отимни эшитиб, яна уйғониб кетдим.

— Музаффар қачон келди мактабдан? — бу дадамнинг овози эди.

— Қачон бўларди, пешинда, — деди ойим ишонч билан.

— Ҳеч нима демадимми?

— Йўқ... — ойим бир зум жимиб қолди-да, сўради. — Нима бўпти?

— Ҳеч нима... — дадам хўрсинди. — Жойни сол, онаси, чарчадим.

Бутунлай хотиржам бўлдим. Омонни қучоқлаб ётиб, ухлаб қопман.

## ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

### РАЪНО ҲИКОЯСИ

#### Энг бахтли одам — энг бахтсиз одам

Одам бир куннинг ўзида дунёда ҳам энг бахтли, ҳам энг бадбахт кимсага айланиб қолиши мумкинлигига ишонасизми?.. Билмадим. Мен ҳам авваллари ишонмасдим. Бугун ўзим шу аҳволга тушдим.

Бугун дунёда мендан бахтли одам йўқ! Ўғлимни топдим. Музаффар тирик экан! Болам ўлмаган экан! Бағримга босганимда, юз-кўзларидан ўпаётганимда ундан анқиб турган ўзимнинг ҳидимни туйдим. Бўйи чўзилиб қопти. Кўзлари, катта-катта, қоп-қора кўзлари ўзимники! Қизларниқига ўхшаган қайрилма киприклари худди ўзимга ўхшайди. Ўғлим! Ун йил кўрмаган Музаффарим... Шунча йилки, тушларимда чақалоқлигини кўрардим. Жажжи қўллари билан кўкрагимга талпинаётганини. Бежиз эмас экан-да! Тирик экан-да... Бугун уни кўрдим, бағримга босдим, бугун мендан бахтли одам йўқ!

...Бугун дунёда мендан бадбахт одам йўқ! Ўз ўғлим, жигаримдан бино бўлган ўз болам, типирчилаб қочиб кетди. Кўксимдан итарди. Худди етти ёт бегонадек! Хўп, нима қилсин энди! Мен кимман унга? Нима каромат кўрсатдимки, чақирсам чопқиллаб келаверса!..

Нимага ишондим, анави имонсининг гапига? Боланг нобуд бўпти, деса нега лаққа тушдим? Ун йил! Ушанинг кетидан ўн йил итдек эргашиб юрибман-у, буёқда ўғлим борлиги, болам тириклиги хаёлимга келмабди. Ун йил! Нега ишондим? Нега келмадим Тошкентга?



Нима деб келардим? Кимнинг олдига? Онам ўлиб кетган бўлса, қариндош-уруғим бўлмаса, суянган одамим бўлмаса!

Мени йўлдан урган анави ифлос — унча-мунча шайтон эмас. Шунга ишондимми-а! Уғлинг ўлибди, тақдирга тан бер, деса кўна қолдимми-а? Майли, келишга ҳаддим сиғмас экан, нега ақалли хат ёзмадим! Ҳеч бўлмаса, Маруся опага?! Нега сўрамадим, сўриштирадим?! Ҳа, айтмоқчи, Маруся опанинг олдига боришим керак эди-ку! Шунинг учун келгандим-ку, Тошкентга! Уйдан бир қадам жилдирмайдиган Зақунчи Тошкентга бориб кел, деб зўрлаганида сир очилиб қолишидан нега чўчилади? Нимага чўчисин! Умуман нимадан кўрқади у? Одамларданми? Андиша деган нарсани билса кўрқади-да, одамлардан. Қонунданми? Қонуннинг нимасидан чўчисин? Узи зақунни пеш қилиб, ҳаммани кўрқитишга ўрганиб қолган-ку! Имонданми? Имон нима қилади унда?! Уртада пул масаласи турганда имонни бошига урадимми?! Ун минг сўм! «Акам ўлим тўшагида ётибди, кўмишим керак, қизинг катта бўляпти, эрта-индин орзу-ҳавас кўрасан. Маруся опанг икки туғиб, бир қолганинг эмас, отангдан қолган саройдек уй-жойингни сув-текинга олганига хурсанд бўлсин!» Мана унинг гапи! Қонунни сув қилиб ичиб юборган. Йўл-йўриқни билади. Қўқондан Тошкентга бўзчининг моксидек қатнаб, райисполкомга, БТИга, яна минг тешикка бош суқиб чиққан! Ҳаммасини қонуний тўғрилаган. Энди Маруся опадан ўн минг олиб бориб кўлига тутқазишим керак. Шунинг учун юборди. Пул эмиш! Уша етти ёт бегона Маруся опа онамга уч ой тувак тутди. Мен қилмаган хизматни қилди. Энди юзимни шилиб ташлаб, пул сўрашим керак ундан. Йў-ўқ, уй-жой отамнинг номидами, меросхўр менманми, ўзим биламан! Ҳаммасини хатлаб Маруся опага топшираман! Бир тийин олмайман! Қўлидан келганини қилсин. Айтаман! Умр бўйи алдадинг мени! Умр бўйи лақиллатдинг. Тирик боламни ўлдига чиқариб, жудо қилдинг, виждонсиз! Бугун Парча опани кўриб қолмасам, юраве-рарканман-да, сенга ишониб!

Ҳаммаси ўша — троллейбусдаги воқеадан бошланди.

Тошкент ўзгариб кетибди. Нега ўзгармасин? Ун йилда одамлар минг турланади-ю, бутун бошли шаҳар ўзгармайдими! Вокзал ёнидаги майдон кенгайиб, янги уйлар қурилибди. Эскижувага троллейбус қатнай бошлабди.

Троллейбус тикилинч экан. Амаллаб чиқиб олдим. Озроқ юргандан кейин шундоқ ёнимда дўриллаган овоз эшитилди.

— Ҳой, оповси! Ҳаммомга яқин қолдимми?

Овоз танишдек эди. Одамлар орасида ўзини кўролмасам ҳам, негадир юрагим қалқиб кетди.

— Қанақа ҳаммом, опа? — деди шляпа кийган йигит.

— Вой оповси! Қанақа ҳаммом бўларди. Бешоғочдаги ҳаммомда! Йигит кулиб юборди:

— Қизиқ экансиз-ку, опа! Бешоғоч тупканинг тагида! Сиз вокзалда юрибсиз-ку!

— Вой мен ўлий! Қочинг бўмаса! — дўриллаган хотин одамларни бақувват тирсақлари билан туртиб-суриб, менга рўпара бўлди.

— Тушасизми?

Қарасам, Парча опа! Чит кўйлаги устидан кир нимча кийган, бошидан рўмоли тушиб кетган...

Қочиб қолишни мўлжаллаб, юзимни ўгирдим. Умуман, Кўтармаю Нўғайқўрғон — ўша томонлардан биронта одамга кўринишни хоҳламасдим. Қочиб, қаёққаям борардим? Одам тирбанд. Парча опа танимас, деб ўйлаган эдим. Кўриши билан бақариб юборди:

— Вой, Раънохон! Худо етказди сизни! Эртамадан бери адашиб юрибман. — У қалин лаблари билан икки юзимдан чалпиллатиб ўпа бошлади. — Эсонмисиз, омонмисиз? Эсон-омон бормисиз? На кемийсиз биз томонлага?! Уғлиғиз катта йигит бўпқолди! Хабар обтурсайиз бўмийдими?!

Турган жойимда кесак бўлиб қолдим. Нима деяпти бу жинни! Робянинг ўғлини айтяпти шекилли? Умар акам уч йилми-тўрт йил аввал

✓  
Тўрамаю  
Нўғайқўрғон  
ишонади

Тошкентга келганида «чўлоғинг Робиядан ўғил кўрибди», деб «табриклаган» эди.

Одамлар бизга ҳайрон бўлиб қараётганини кўриб баттар довдираб қолдим.

— Адашманг-да, Парча опа, — дедим эсанкираб. — Робиянинг ўғли...

— Вой, нимага адашаман, Раънохон! — У бутун троллейбусни бошига кўтариб дўриллади. — Робини ўғли кичкина! Музаппар катта бўлқолди. Мактабга борвотти! Ушани сиз туққанмисиз ахир!

Кўз ўнгим қоронғилашиб кетди. Бир маҳал ўзимга келсам, троллейбуснинг орқа деворига суяниб турибман. Парча опа ҳамон дўрилляпти:

— Роби бечора Музаппарга шунақа меҳрибон, шунақа меҳрибон! Оҳига озор бермийди. Емий едиради. Узоғ йили бир тўй қилди, бир тўй қилди. Эрийиз уч пуд ош дамлади!

Кўтармага қандай етиб келганимни билмайман. Фақат шуниси эсимдаки, Парча опа йўл-йўлакай Музаффарнинг тўйида «эрим» думбасини кўтаролмайдиган қўй сўйганини, Робия унга бир кийимлик қарғашой атлас қўйганини, ундан олдин Омоннинг бешик тўйида ҳам лозимлик берганини айтиб мақтаниб келди.

— Юринг, чақириб бераман, ўғлиззи! — деди мактабга судраб. Синфхона эшигига боришга кўрқиб турган эдим, ўзи бориб билиб келди.

— Уртоқлари этди, дарсга кирмабди. Жа шўх бўлганда-да, Музаппар тушмагур. Уйнаб юрган-да! Юринг, боққа кириб кўрайлик-чи!

Ўрикзор этагига етганда бир туп ёнғоқ тагида юрган қора чийдухоба камзул кийган болани кўрсатди.

— Ана! Чақирийми! — у кафтини карнай қилиб энди чақирмоқчи эди, кўрқиб кетдим. Дарсга кирмаганим учун қидириб келишди деб қочиб кетса-чи!

— Қўйинг! — дедим ялиниб. — Парча опа! Илтимос, кетинг!

— Майли, ўзиз биласиз, — Парча опа бирпас иккиланиб турди-да, нари кетди.

Ерга тўкилган ёнғоқларни шоша-пиша дўпписига солаётган болага яқин бордим... Одам ўз фарзандидан ўзининг қиёфасини излар экан. Айниқса ўн йил кўрмаган бўлса. Ўлди деб юрган бўлса!

Бугун мендан бахтли одам йўқ. Ўғлимни топдим. Кўзлари, қиз болаларнига ўхшаш эгик киприклари худди ўзим. Аллақаери Насибага ҳам ўхшаб кетади. Синглисига! Бугун мен энг бахтиёр одамман. Мана, ўғлимнинг дўпписи! Ўзимнинг ҳидим келяпти.

Бугун мен энг бахтиқаро одамман. Ўз боламга ўзим озор бердим. Йиғлатдим. Ўз болам ўзимни силтаб ташлади. «Қўйвор» деб чинқирди. Нимага ишондим ўша виждонсизга?! Ун йилдан бери нимага хабар олмадим ўғлимдан?! Шунча алдади. Етар! Бориб ёқасидан оламан! Тирик боламни нега ўлдига чиқардинг, беномус! Ўғлимдан нега жудо қилдинг, ифлос! Жавоб бер! Инсоф борми сенда, виждон борми сенда, дейман. Мунча имиллайди бу поезд. Қачон етади ер ютгур Қўқонга?

## ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

### ШОМУРОД АКА ҲИКОЯСИ

#### ХИЁНАТ

Эртами-кечми, бари бир шунақа бўлишини билардим. Ҳақиқат эгилади-ю, синмайди, деганлари рост. Шунақа-ку, ҳақиқат эгилади, вақти келиб тикланади. Аммо то тиклангунча анча-мунча қовурғаси лат егани ёмон... Муаллимни кўп кўрган эмасман. У пайтда Текстилда ишлаганим учун Нўғайқўрғонга кам борардим. Аммо ўша кезлари Ориф оқсоқол, поччам, муаллим — ҳаммаси бир бўлиб мактаб қуришгани эсимда. Робия ёш эди унда...

Бугун Робия хафа бўлиб ўтирганини кўриб, тўғриси, юрагимга ғулғула тушди. Гап буёқда экан-ку, мен Музаффардан хавотир олиб ўтирибман. Мабодо анави келган бўлса... Йўқ, уйга-ку, қадам босолмайди. Қайси юз билан келсин?! Кўча-кўйда болани тутиб олиб дилини оғритдими деб қўрққан эдим.

Пешинда карам узаётган жойимизга Парча бориб қолди.

— Вой ўргилий силадан! Раънохонни кўрдим! Бирам ясанибди, бирам ясанибди! Эгнида-чи, минг сўмли палта! Билагада қўша-қўша билагузук! Оёғида амиркон тупли... — У дўриллаб мақтанаётган эди, одамлар имо қилиб мени кўрсатишди шекилли, дами ичига тушиб кетди.

— Вой ман нима дидим!... — деди бўшашиб. — Кўрганимни эттимда. Аммо ранги кетиб қопти, Раънохонни...

Кетмонни олиб нари кетдим, кўнглим ғаш тортди. Нега кепти? Ун йил йўқ бўлиб кетган одам, юравермайдими, ўша ўйнашининг этагига осилиб! Уч йил аввал Музаффар билан бозорга бориб, дуч келиб қолганимда-ку, Зақунчи амаллаб қочиб қолган эди. Яна нега қонимни қайнатади булар?!

Одамзот қизиқ. Ёмон кунингни иложи борица тезроқ унутишга ҳаракат қиласан. Аммо ёмон хотира — бармоғингга чиққан ярага ўхшайди. Қўлингни қимирлатишинг билан худди ўчакишгандек ўша лаънати бармоғингни бехосдан бир жойга уриб оласану озор чекаверасан.

...Ҳар қадамда ўлим кутиб турган жанггоҳдан тирик қайтишимга ишонмаган эдим. Лекин уруш оёқлаган сайин умидим кучая бошлади. Назаримда соғ-саломат уйга қайтсам, буёғи нуқул байрам бўладиганга ўхшарди. Уй-жойим, жондан ширин хотиним. Эрталаб ишга бораман. Кечқурун уйга келсам овқат тайёр, иссиқ ўрним тайёр. Бундан ортиқ бахт борми одамга.

Хом сут эмган банда! Буёқда шунча савдолар бошимга тушишини билмаган эканман.

Бир хиллар бор. Уруш нуқул қаҳрамонликдан иборат деб ўйлашади. Бекор гап! Урушни биз кўрдик, бошқалар кўрмасин. Музаффар кўрмасин, Омон кўрмасин... Уруш нима ўзи? Одамнинг имонини синайдиган бир нарса. Тўғри, душман дзотига кўксини қалқон қилганлар ҳам бўлган, ёниб турган самолётини немис поездига обориб урганлар ҳам. Аммо жангга кирган кунидан уруш охиригача жамики машаққатларга чидаб ўзининг вазифасини сидқидилдан бажарган, шу билан душманга зарба берган одамлар ҳам озмунча эмасди. Мен ҳеч қанақа қаҳрамонлик кўрсатмадим. Лекин олтита медаль беришди. Нимага?.. Балки имоним бутлиги учундир. Тош келса кемириб, сув келса симириб эл қатори жанг қилганим учундир...

Шарқий Пруссиянинг пойтахти Кенисберг яқинидаги жанглар айниқса оғир бўлди. Учинчи Белоруссия фронтининг кўмондони Черняховский Дайме дарёси бўйида солдатларнинг окопига бирма-бир кириб чиққани ҳеч эсимдан чиқмайди. Черняховский энг ёш кўмондон эди. Кейин... аллақаери ўзбекка ўхшаб кетарди. Қорақош, қорақўз. Қирқ бешинчи йилнинг аёзли январида у ҳаммамизга далда берди. Эрта-индин уруш ғалаба билан битишини айтди. Кейин Дайме, Алле деган дарёларни кечиб, ҳужум қилдик. Еру кўкни қуюқ туман қоплаган, бунинг устига немислар тўғонларни бузиб ташлашган, ҳаммаёқ тизза бўйи сув эди. Февралнинг бошларида Кенисбергга ҳужум бошладик. Биз — сапёрларнинг ишимиз оғир эди. Белгача муздек сувга тушиб минани топиб бўладими! Жангчилар орасида сапёр — умрида бир марта адашади, деган гап бор. Минага дуч келдингми, тамом. Парча-парча бўлиб кетасан. Мен ҳам бир марта, атиги бир марта адашдим. Тўғрироғи, мен эмас, беш қадам нарида кетаётган Муртазин деган татар ўртоғим бехосдан минага урилиб кетди. Сув аралаш олов портлагани, Муртазин «ани-и» деганча инграб, осмонга учгани, ўша даҳшатли олов менга ҳам ёприлгани эсимда...

Кўзимни очсам, пастак шифтли уйда, каталак дераза олдида ётибман. Деразадан найзадор томи булутли осмонга санчилган қизғиш бино, пастда эса тор-танғиз тошлоқ кўча кўриниб турибди. Ҳаммаёқ жимжит. Гўё уруш ҳам, миналарнинг портлашию, ўлаётган одамларнинг жон талвасасида кичқириши, самолётларнинг гувиллаши, замбаракларнинг ўкириши ҳам —

ҳеч нима йўқдек. Ажаб... Жанг шовқинларига ўрганиб қолган киши бунақа жимжитликка кўниқолмай юраги увишаркан. Худди телба одам ўзидан бошқа ҳаммани жинни деб ўйлагандек...

Бора-бора осойишталикка ҳам, пастда дераза тагидаги тошлоқ кўчада онда-сонда эшитилиб қоладиган гармон овозига ҳам кўниқдим.

Билсам, мени Вильнюсга олиб келишган экан. Бу ерда ҳарбий госпиталда тагин иккита нарсани билиб олдим. Биринчиси — ўзимизнинг ўзбекка ўхшаган қорақош, қоракўз, мулойим қўмондонимиз Черняховский Кенисберг яқинида ҳалок бўлибди. Иккинчиси — «ампутация» деган гапнинг маъносини англадим. Бу — кесиб ташлаш дегани экан. Ёнимдаги койкада ётган, икки оёғи кесилган йигит тушунтирди: «Ампутацияга рози бўлма!»

Оёғимга теккан мина парчаси тўпиғимни парчалаб юборган экан. Кечалари ўзимнинг оёғимдан чиқаётган сассиқ ҳидга ўзим чидолмай бурнимни жийриб, юзимни ўгирардим. Ёнимдаги йигит эса доим бир гапни қайтарарди. «Суягинг чиримаган бўлса, ампутация қилдирма! Билиб қўй, чўлоқ бўлиб борсанг, хотининг ташлаб кетади. Мана, менинг яхши кўрган қизим хат ёзмай қўйди». Қизиқ, оёғимдан кўра елкам кўпроқ азоб берарди... Докторларнинг оғзидан «ампутация» деган сўз чиқиши билан ҳаммаёқни остин-устун қилиб юбордим: «Йўқ-йўқ-йўқ! Яхшиси ўлдир! Отиб ташла! Розимасман!»

Билмадим, аравага ётқизиб, операцияга олиб кириб кетишаётганида ўрисча сўкиндимми, ўзбекчами, хуллас, оламини бузиб юбордим. Аравача ёнида бораётган сап-сариқ сочли эстон ҳамшира қиз негадир кулади. Эркалаб бошимни силайди.

Кўзимни очсам, ёнимдаги аскар йигит кулиб турибди.

— Во! — деди бош бармоғини миҳ қилиб. — Оёғинг бутун!

Хайрият, докторлар инсоф қипти! Бундан чиқди, Раънонинг олдига «уч оёқлаб» бормайман!

Негадар Раънони ўйласам, нуқул ошхона орқасига ўтиб, оёғимга тиз чўкканча «меняям обкетинг» деб йиғлагани хаёлимга келарди. Ушанда нега жерқдим? Ахир яхши кўрганидан, азбаройи куйиб кетганидан шунақа қилди-ку! Нега мен ҳам тиз чўкиб унинг оёғидан ўпмадим!

Эсон-омон бораёй, ўзим биламан! Бошимда кўтариб юраман. Ёнимдан бир қадам жилдирмайман. Текстилга ҳам бормайман. Колхозда ишлайман. Майли, аравакашлик қилсам ҳам, гўнг ташисам ҳам... Раъно ёнимда бўлса бас.

Ғалабанинг хушхабарини Саратовга келганда эшитдим. Уша куни поездимиз бир сутка тўхтаб қолди. Автоматлар, пушкетлардан қарсиллатиб ўқ узилар, ҳамма бир-бирини қучоқлар эди. Шу куни эсимни таниганимдан бери биринчи марта бошимни шинелимга ўраб тўйиб-тўйиб йиғладим. Энг яқин дўстларимнинг жасадини қорга қўмганда, боши бир томонга қийшайиб, бўйни чўзилиб дорга осилиб ётган бегуноҳ хотинларнинг ўлигини сиртмоқдан чиқариб олаётганда қилт этмаган одам, шу куни йиғладим. Биламан, йиғини хотинларга чиқарган. Аммо онда-сонда эркак киши ҳам йиғласа ёмон бўлмас экан. Чин юракдан йиғлаган одамнинг кўнглида қаҳр ўрнини меҳр эгалларкан.

Дунёда аёлдан меҳрибон зот йўқ. Раънони — суюкли хотинимни кўрганимда шу гапга минг марта имон келтирдим. У менинг оқсоқлигимга ҳам, елкамдаги ўрадек чуқурча хунук йилтираб туришига ҳам парво қилмади. Қайтага худди ўша елкамдаги чуқурчани ўпиб эркалади.

Одам ўзини жудаям бахтиёр ҳис этса, худбин бўлиб қоларкан. Ўзгаларнинг дардини сезмас экан. Ориф оқсоқол: «Иккита нордек боламдан жудо бўлдим, ўғлим, уёқда кампиримни ерга қўйдим, буёқда энг ишонган суянчиғим — Думадан айрилиб қолдик», деганда унчалик ҳайрон қолмадим. Начора, уруш — ўз номи билан уруш. Фақат окопдаги аскарни эмас, минг қақирим нарида турган одамнинг ҳам ёстиғини қурилади. Опам шўрлик, «поччанг поездни сақлаб қоламан, деб ўлди, Кимсанимдан на хат бор, на хабар», деб чирқиллаганида ҳам қўшилишиб йиғламадим. Тўғри, ачиндим, юпатдим. «Кимсан Югославия партизанла-

рига қўшилиб кетган бўлса керак, охирги жанглар ўша ерда бўлди, эртандин дараги чиқиб қолар», деб қўя қолдим.

Негаки, мен ўз бахтимдан ўзим маст эдим. Худди кўзини қуёш қамаштириб қўйган одамга ўшардим. Шунчалик кўр эканманки, ҳамқишлоқларим нима учун «муборак бўлсин»га кира солиб, дарров қайтиб чиқиб кетишганига ҳам, нима учун кўзимга қарашга ботинолмаётганига ҳам, нима учун опам бизни кига кам келиши, Робия умуман қадам босмаслигига ҳам эътибор бермабман.

Шунчалик кўр эканманки, опам: «Раънохон бечора сан йўғингда кўп азият чекди, энди ёнингдан жилдирма», деб тайинлаганида, Оқсоқол: «Текстилдаги ишингни қўй, колхозга сенга ўхшаган йигитлар керак, ҳарна келиннинг ёнида бўласан», деганида ҳеч балога ақлим етмабди. Нега ҳеч ким Умар-закунчининг отини атамайди-ю, Раъно: «Умар ака бари бир яхши ташкилотчи эди, қаттиққўл бўлсаям оғир пайтда катта хизмат қилди, одамлар иғво қилаверади-да», деганида ишонибман. Закунчи бекордан бекорга ишдан ҳайдалибди, деб ўйлабман. Билмабманки, Раъно бугун менинг мина ўпириб кетган елкамни ўпаяпти-ю, куни кеча... Хаёлимга келмабдики, бугун менинг чўлоқ оёғимни уқалаяпти-ю, куни кеча... Нимага шунақа! Мен сиғинган қуёш шуми? Кўзимни қамаштирган офтоб шуми! Қанақасига? Бугун қўйнимга кириб мени иситса-да, кеча...

Билмадим... Аввало бунақа кулфат эркак зотининг бошига тушмасин. Тушган одам билади... Мабодо шу ишлар кеча, мен йўғимда ўтиб кетган бўлса, кўрманми, басирманми, ҳеч нимани сезмасам, борингки, бефаросат молдек ҳеч нимани билмай кетсам бошқа гап эди. Лекин хотиним бағримда ётиб эркалаб туриб...

Шунчалик гўлмидим! Шунчалик қўймижозмидим! Ундан кўра очик айтса бўлмасмиди! Сен менга ёқмайсан, тўрт томонинг қибла, десаку, олам гулистон эди! Йўк, қўйнимда жилпанглади. Кўнгли аччиқ нарса тусаганида қўшилишиб қалампир чайнадим. Ой-куни яқинлашганида ялиндим:

— Илтимос, Раъно! Ўғил туғиб бер, отини Музаффар қўяман. Эсингдами, урушга кетаётганимдаям шуни айтгандим...

Раъно бу сафар ҳам бахт ҳадя этди. Ўғлимни, қип-қизил гўшт чақалоқни бағримга босган куним мендан бахтли одам йўк эди. Раъно чилласи чиқмаган чақалоқни кўрсатиб, «қаранг дадаси, қулоғи сизга ўхшайди, лаби сизга ўхшайди», деганида севинчимдан теримга сиғмаган эдим...

Эҳтимол, ўғирлик қилган одамнинг сири очилмас. Эҳтимол, қотиллик қилган олчоқнинг ҳам сири билинмас. Аммо хиёнат фош бўлмай қолмайди. Негаки, хиёнатни бир одам қилмайди. Албатта, шериги бўлади. Фақат, ёмон жойи шундаки, хиёнатдан озор чеккан одам бу сирни ҳаммадан кейин билади. Шуниси алам қилади.

Баъзан ўйлаб қоламан. Одам бошқаларни айблашдан олдин ўзининг гуноҳиниям ҳисоблаб кўриши керакми-йўқми! Балки айб ўзимдадир? Хотин киши ёмон йўлга кирса — демак эр айбдор. Демак, хотиннинг кўнглини ололмаган. Дилини оғритган. Аёл зоти — гулдек гап. Сен хор қилсанг, сен ноҳақ эзғиласанг, албатта бегона қўл сийпалайди. Аммо менда нима гуноҳ? Юртга келган тўй экан, урушга бордим. Бир нарсани билар эдим: ҳалол жанг қилсам, хотинимни асрайман.

\* \* \*

Госпиталда ётганимда уйга борсам, нуқул роҳатда яшайман, деганим хомхаёл эканини Кўтармага қайтган кунимоқ тушундим. Қирқ олтинчи йил оғир келди. Лалми донлар ёз бошидаёқ қовжираб кетди. Урушдан янги чиқилган, одамлар эзилган... Хайрият, Бўрижар бўйларидаги далаларда, Кўтарма томонда буғдой дуруст ҳосил берди. Аммо ҳар битта бошоқ ҳисобли эди. Начора, юрт оч. Украина ҳали ўзини тиклаб олмаган. Қозоғистонда ҳам доннинг мазаси йўк. Бутун мамлакат бизга кўз тикиб

турибди... Жанг қилган одам дунё миқёсида ўйлайдиган бўлиб қоларкан. Бунақа пайта ўз қорнингни эмас, мамлакат ғамини ейсан.

Саратон қаҳрига минди. Қуёш шафқатсиз қиздирди. Каттаю кичик — ҳамма далада. Оқсоқолнинг ўзи ҳам терлаб-пишиб буғдой ўради. «Барака топкурлар, яна жиндай ғайрат қилайлик, белида белбоғи бор одам шунақа пайта ўзини кўрсатмаса, қачон кўрсатади!» — деб одамларга бош-қош бўлади. Комил табиб ўли Олимжон билан хирмонда дон янчади...

Пешинга бориб кун тандирдек қизиб кетди. Бўрижардан эрталабдан бери эсиб турган салқин шабада ҳам таққа тўхтади. Ҳаммаёққа оловли сукунат чўккан, жонсараклик билан буғдойзорга ёпирилаётган қушлар ҳам ўзини сояга уриб кетган, фақат ўроқнинг шир-шир қилиши эшитилади. Ярадор оёғим сирқиллаб оғриётгани учун чўккалаб олиб буғдой ўрар, бошқа ўроқчилар олдинга ўтиб кетганидан уялар, ўзимни ўзим ёмон кўриб кетганимдан ўроқни иложи борица қулочкашлаб солишга, кўпроқ майдондаги буғдойни ўришга ҳаракат қилардим.

Оқсоқол, «янги бўшанган, офтобда юриб, боласи ичкетар бўпқолмасин» деб, Раънони вақтинча табелчиликдан озод қилиб қўйган эди. Кўз тегмасин-у, Музаффар касал бўладиган боламас. Уч ой ичида кўзга кўриниб қолди: полвон бола! Уйга киришим билан отини айтиб чақирсам, бешикда ётган жойида кўзи билан мени излаб қолади.

Раъно туққанидан кейин янаям очилиб кетган. Ҳар куни пешинда Музаффарни кўтариб, далага нонми, бир коса овқатми, олиб келади. Бугун эрталаб зоғора ёпаётганида ҳам абедда бораман, деган эди. Шуни эслашим билан қорним таталаб кетди. Тўғри, қоқ пешинда хирмонда гўжа пиширишади. Аммо тонг қоронғисидан ишлаган одамга бир товоқ гўжа нима бўларди? Қизиқ, Раънодан нега дарак йўқ?..

Олисдан қақриб қолармикан, деган умидда, хирмон томонга қараб, ўроқ солаётсам, бир нарса қарс этди! Минг лаънат! Одамнинг иши бир юришмаса, шунақа бўлади ўзи! Қарасам, ўроқ қоқ иккига бўлиниб кетибди. Бўрижар бўйи — захкаш. Шунинг учун ҳам қурғоқчиликка қарамай, бу ерларда ҳосил дуруст бўлган. Лекин ер — тошлоқ. Эҳтиёт бўлмасанг... Ана, ўроқдан ҳам айрилдим.

Яримта ўроқни силтаганча буғдой пояларини чангаллаб тағин ўришга уриндим. Йўқ! Кал бошга темир тароқ дегандек бу нимаси! Шу кетишим бўлса, Оқсоқолнинг олдида шарманда бўламан-ку! Ана, одамлар салкам ярим қақирим узоқлаб кетишди. Яхшиси, уйга бораман! Бошқа ўроқ бор. Аждардек қилиб чархлаб қўйганман. Бораману келаман. Қайтага яхши бўлади. Раъно ҳам болани офтобда уринтириб юрмайди.

Ярадор оёғим сирқиллаб кетаётганига қарамай, Алвастикўприк томонга югурдим. Кун баттар қизиб кетган, темир йўлдан нафасни буғувчи ҳовур кўтарилар эди. Бир томонида Бўрижар шовуллаб турган, бир томонида наъматаклар ўсиб ётган ёлғизоёқ йўлдан ўтиб, салқин ёнғоқзорга кирганимдан кейингина кўксимга шабада урилди. Хайрият, салқин ҳам бор экан-ку. Билмадим, негадир кўнглим ғаш эди. Ёнғоқзор оралаб ўтиб борарканман, олисда — ўнг томонда бола йиғиси эшитилди. Аввалига парво қилмадим. Бола ҳамон биғиллаб йиғлар, энтикиб-энтикиб қолар эди. Қизиқ. Чақалоқ нима қилади бу ерда? Атрофда ҳеч ким турмайди. Комил табибнинг ёш боласи йўқ.

Тўхтаб қолдим. Шошма! Бирдан миямга ваҳимали ўй урилди. Музаффарнинг йиғисига ўхшайди-ку! Уша заҳоти кўнглим сезди: аниқ! Ўзимнинг ўғлим! Оёқ-қўлим бўшашиб кетди. Раъно болани кўтариб менга нон обраётган бўлса... Хаёл билан жар бўйига бориб қолган бўлса. Жон ҳолатда болани улоқтириб, ўзи...

Нафасим оғзимга тиқилганча, йиғи овози келаётган томонга чопдим. Юрагим сезгани бежиз эмас экан. Чиндай ҳам йўргаги ечиб қўйилган Музаффар каттакон дарахт тагида ётар, бошига офтоб келиб, терлаб кетган, оёқ-қўлини баравар силкитиб, чинқириб йиғлар эди. Сал нарироқда эски қийиқчага тугилган коса дўппайиб турарди. Қўрқиб кетдим. Болани даст кўтариб, сут ҳиди анқиб турган юзидан ўпдиму бағримга босганча жар томонга югурдим.

— Раъно!!!

Бўрижар бўйига етганимда орқа томонда бир нима шатир-шутур қилди. Қайрилиб қарасам, наъматаклар қалин ўсган чакалакзор орасидан бир одам ажралиб чиқди. Эгнида оппоқ жужунча ҳалат, оёғида этик... Галифе шимининг тасмасини йўл-йўлакай таққанча сўқмоқ томон чопиб кетди. Аввалига танимадим. Орқага — мен томонга бир қараган эди, Умар-закунчи эканини билдим у вужудимга ёмон шубҳа ўрмалади. Бирдан Раъно: «Умар ака яхши одам эди, ҳеч ким қадрига етмади», дегани эсимга тушди. Лекин нима бўлаётганини ҳалиям билмас, болани кўтарганча, қарахт бўлиб турардим. Уша заҳоти чакалакзор орасидан Раъно отилиб чиқди. Кўйлаги ёғимланиб кетган, сочи алвастидек пахмайиб, хас-хашаклар ёпишиб қолган.

Боланинг йиғиси таъсир қилди шекилли, шу томонга ярқ этиб қаради. Даҳшатдан олайиб кетган кўзларини, бўздек оппоқ юзини кўриб, ҳаммасини тушундим.

— Тўхта! Тўхта, қанжиқ!

Қизиқ, синган ўроқ ҳалиям қўлимда эканини энди билдим. Бир қўлимда бола, бир қўлимда ўроқ билан ўша томонга югурдим. Закунчи аллақачон Алвастикўприкка олиб борадиган сўқмоққа чиқиб олган, Раъно сочлари ёйилганча унинг кетидан чопар, аммо иккаласи бир-бирига қарамас, ҳар қайсиси ўз жонини асраб қолиш пайида эди.

— Тўхта-а!

Қўлимдаги ўроқни кучим борича отдим. Синиқ ўроқ шатир-шутур қилиб, аллақайси дарахт тагига бориб тушди.

Сўқмоққа чиқиб олганимда улар узоқлаб кетган эди. Кўприк ёнига бориб қолган Раъно қақирди шекилли, аллақачон темирйўл устига чиқиб олган Закунчи тўхтаб, орқасига қаради. Қўлини пахса қилиб бир нима деди. Раъно жонҳолатда ўша томон югурди. Энди оёғим оғримас, аммо тез чопишнинг ҳам иложи йўқ эди. Дарахт илдизларига қоқилиб мункиб-мункиб кетар, ўзимнинг ожизлигимдан ўзимнинг хўрлигим келарди. «Йўқ! Улдираман! Иккаласини қийма-қийма қиламан!»

Яна қанча югурганимни билмайман. Темирйўл устига чиқдим у қўлимдаги бола бутунлай ҳолсизланиб қолганини дафъатан ҳис этдим. Энди у аввалгидек чинқириб йиғламас, овози сусайиб қолган, бўғзидан йиғи ўрнига инграшга ўхшаш ожиз садо чиқар эди.

Шундагина болага озор бераётганимни тушундим. Хаёлимга ярқ этиб бир ўй урилди. Закунчи шаҳарда — Домдеҳқон ёнида туради. Буниям Раъно айтган. «Оқсоқол ноинсофлик қилди. Умар акага колхозчилар ҳашар қилиб қуриб берган уйни олиб қўйди, шундоқ одам Домдеҳқон ёнидаги каталак ҳужрада турганмиш», деган. Бундан чиқди ўша ҳужрача-гаям борган! Улдираман!

Темирйўл кўтармасидан тушиб борарканман, терлаб кетган бола яна инграганини пайқадим. Юзидан ўпиб, овутидим:

— Бўлди, Музаффар бўлди! Сен ўғил боласан-ку! Эркаксан-ку! Ҳозир ўғлим, ҳозир... Иккаламиз битта эркакча иш қиламиз! Ҳозир-чи ўғлим, ҳозир фашистни ўлдирамиз! Қўнжимда-чи, пичоқ бор! Зўр пичоқ! Ана ўша пичоқ билан... Худди фронтда дўшман қорнига найза санчгандек. Битта фашист тирик қолган экан, ўғлим. Бўлди, болам, йиғлама. Бирпас чидагин...

Ўғлимни бағримга босиб ҳансираб югуриб борарканман, ўзим билан ўзим гаплашаётганимни сезмас эдим.

...Ёмон хотира бармоққа чиққан ярага ўхшайди. Шу лаънати яра тузалиб кетишини ўн йил кутдим. Ҳар қандай дарднинг давоси вақт дейдилар. Бора-бора тўпиғимдаги оғриқ ҳам, салқин тушиши билан елкамнинг ачишиб оғриши ҳам қолди. Аммо бу яра тузалмаслигини ўзим билардим. Робияга уйланган кунларим «Раъно» деб юбормаслик учун тилимни тишлаб қолганимда, уни бағримга босганимда ўшани, ўша беномусни кўз олдимга келтирганимда — ҳар кеча, ҳар куни шу яра азоб берарди менга! Мен аҳмоқманми? Кўрманми? Тўғри, аввал кўр эдим. Кўзим очилди. Робия ҳалиям Кимсанини кутаётганини, вақти-вақти билан

V  
Мена бу  
мур  
олий  
ган.

Кимсаннинг суратини сандиқдан олиб термулишини билмайманми! Ақлим етмайдим шунга!

Робия! Яхшиям сен бор экансан! Биламан, мени яхши кўрмайсан. Лекин эр-хотин ўртасида севги дегандан кўра каттароқ, бамаънироқ нарса бўлади. Бу нарсанинг оти нима? Ўзим билмайман. Балки меҳрдир. Балки сабр-тоқатдир. Музаффарни бағрингга босдинг. Тойчоқдек Омонни туғиб бердинг. Раҳмат сенга. Дунёда борлигинг учун раҳмат. Нега чўчиб тушдинг! Ухла, ухлайқол... Жиндай ором ол... Биламан, сенга қийин. Жуда қийин. Ҳаммасини тушунаман. Тўғри, мен ширин сўзлар айтишни билмайман. Улдим-куйдим демайман. Аммо сен менинг шунчаки севиклим эмас, хотинимсан, болаларимнинг онасисан, Роби! Ҳали авзоингни кўриб кўрқиб кетдим. Анави алвасти келиб, дилингни оғритмадим, деб ўйлагандим. Хайрият, тинчлик экан. Дадангда айб йўқлигини эшитган бўлсанг, қувонмайсанми! Асл айнамас, деб шуни айтади-да! Ўзингни эҳтиёт қил, Роби! Менинг бахтимга, болаларингни бахтига соғ-саломат юрсанг бўлди, онаси...

## ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

### РАЪНО ҲИКОЯСИ

#### АЛ ҚАСОСУ — МИНАЛ ҲАҚ!

Муҳаббат дегани шу бўлса — уйига ўт тушсин! Уша — саратоннинг сариқ куни — ўн иккинчи август ўлсам ҳам эсимдан чиқмайди. Аслида-ку, бир қараб кўрганда яхши бўлди. Ўзимнинг ҳам жонимга теккан эди: бир танада иккита одам бўлиб яшашдан чарчаб кетдим. Қачондир бари бир шунақа бўлиши керак эди-да!

Умар акам мени судраб тўппа-тўғри Тошкент вокзалига олиб келди. Энди менга бошқа йўл йўқ, Умар ака қаёққа борса мен ҳам кетидан эргашишга мажбурман. Тамом, бошқа гап йўқ!

У мени вокзалнинг баланд суюнчиқли силлиқ скамейкасига ўтқаздида тайинлади.

— Қимирламай ўтир! Мен келаман.

Шу гапни айтдию чиқди-кетди. Вокзал тор, тиқилинч. Қопига суюнганлар, чамадонини бошига қўйиб мудраганлар, погонсиз ҳарбий кийим кийган майиб-мажруҳлар, тамаки тутуни, паровознинг асабий чинқириши, филдиракларнинг қулоқни қоматга келтирадиган шақир-шуқури... Чанқоқ азоби... Ҳаммасини кўриб турибман, ҳамма нарсани эшитиб ўтирибман. Аммо ҳеч нимани ҳис қилмайман. Қулоғимдан ўғлимнинг чирқиллаб йиғлаши кетмайди. Уч ойлик чақалоқ Музаффарнинг йиғиси. Негадир кўкрагим оғрийди. Бир маҳал қарасам, кўйлагим ҳўл бўлиб кетибди. Бундан чиқди болам йиғлаяпти, болам оч қолди, эмизишим керак. Боя нимага шуни Умар акамга айтмадим? Ернинг тагидан бўлсам ўғлимни топиб келасиз, бўлмаса ҳеч қаёққа кетмайман, десам ўлармидим!

Пешонамда борини кўрдим деб, Кўтармага жўнасаммикин? Пиёда юриб бўлсам етиб оларман. Болам йиғлаяпти: кўкрагим шишиб кетди, чидаб бўлмас азоб беряпти. Биламан, борган заҳотим ўламан. Шомурод ака тикка сўяди! Мен-ку майли. Бир бошга бир ўлим. Ўғлим нима бўлади?.. Кимларнинг қўлида қолади?

Умар акам кун ботганда келди. Қўлида ҳар биттаси сандиқдек келадиган иккита чамадон, қора терга ботиб кетган жужунча халати сув бўлиб елкасига ёпишиб қолган. Бир кунда, йўқ, ярим кунда бутунлай ўзгариб кетибди. Ҳар доим ўтдай ёниб турадиган кўзлари ўрадек ич-ичига ботган, бурни сўррайиб, мўйлови қсилиб қолган... Икки қўлида чамадон, оғзига қоғоз тишлаб келяпти: билет эканини кейин пайқадим.

— Олсанг-чи биттасини! — яқин келганда кўзлари ғазабдан ёниб,



бақирган эди, тишлаб олган паттаси оғзидан отилиб кетди. Жаҳл билан қўлидаги чамадонларни гурсиллатиб ерга ташлади.— Қўлим узилиб кетди-ку!

— Уғлим... — кўзига илтижо билан термулиб, йиғлаб юбордим. — Болам нима бўлади? Оч қолди-ку!

У важоҳат билан устимга ёпирилиб келди. Худди қамчи солаётгандек қўлини дўлғади. Аммо атрофдаги одамлардан ҳайиқди шекилли, тишини гижирлатганча овозини пасайтирди.

— Болангизга жонингиз ачияптими, хонимча? — деди вишиллаб. — Марҳамат, тўрт томонингиз қибла! Мана бу еримга келди! — у кафтининг қирраси билан томоғини арралагандек имо қилди. — Ўлгингиз келиб турган бўлса — кетаверинг.

Юзини чир этиб ўгирди-да, ерда ётган билетларни юлқиб олди:

— Кетасизми, қоласизми? — деди кўзимга совуқ нақчайиб.

— Болам-чи, ўғлим-чи! Ўлиб қолади-ку!

— Хайр! Саломат бўлсинлар.

Патталарни жужунча халатининг чўнтагига тиқди. Иккала чамадонни кучаниб кўтарганча қий-чув қилиб перронга оқаётган оломон орасига шўнғиди. Жонҳолатда кетидан югурдим. Одамларни туртиб-суртиб этиб олдим.

— Умар ака! — дедим ялиниб. — Мен-чи? Ҳолим нима кечади?

— Кўтар мун! — У чап қўлидаги чамадонни ерга қўйди. — Сен касофат бўлмасанг, шу кунлар йўқ эди!

Паровоз асабий чинқирди. Оломон бақириб-чақириб, тор эшик олдида тиқилиб қолди.

— Юрсанг-чи тезроқ! Ҳозир поезд жўнайди!

Умар ака шу қадар тажанглик билан бақирдики, ола-кула бўлиб кетган кўзларидан қўрқиб, икки қўллаб чамадонга ёпишдим. Чамадон зил-замбил эди.

Вагонга чиқиб олганимиздан кейин икки кўксим баттар шишганини, кўйлагим сутдан жиққа ҳўл бўлиб кетганини яна сездим. Қулоғимга Музаффарнинг чирқиллаб йиғлаши эшитилди.

— Уғлим, — дедим унсиз йиғлаб. — Улиб қолади...

— Итдан бўлган қурбонликка ярамайди!

Ярқ этиб кўзига қарасам, Умар ака вагон деразасидан ташқарига ғира-шира қоронғулик чўккан далаларга хотиржам қараб турибди. Ноинсоф. Виждонсиз! Қани иложим бўлсаю, бўғиб ўлдирсам! Нега кетидан эргашиб кетяпман! Нима рўшнолик кўраман шундан! Хўп, қолдим дейлик. Кейин нима бўлади?

Сочимни силаётганини сезиб сесканиб кетдим. Илон чаққандек бошимни силтаб орқага тортдим.

— Бола.. нима бўлади! — дедим инграб. — Улиб қолади-ку!

Купеда иккаламиз қолганимизни энди пайқадим. Ҳали бири семиз, бири озғин — икки киши ўралашиб юрганига кўзим тушганди. Иссиқдан қочиб, вагон йўлагига чиқиб кетишганга ўхшайди.

— Раъно! — Умар акам ёнимга ўтириб, елкамдан қучди. — Қилиб бўлмайдиган иш йўқ. Хабаринг бор; закунни яхши биламан. Хафа бўлма, сен — онасан! Закун сен томонда. Ёш болани онадан тортиб оладиганнинг боши ўнта! Финг деб кўрсин-чи, ўша чўлоқ! Умрини турмада чиритаман. Бўлди жоним, йиғлама.

У чўғдек қизиб кетган бошини елкамга қўйди. Елкам ёниб кетгудек бўлди.

— Раъно! — деди секин қучиб. — Билиб қўй, сени деб ҳамма нарсамдан кечдим. Ҳаммасини қурбон қилдим. — У изтиробли жилмайди. — Сен учун... Эсингдан чиқмасин...

— Оберасиз-а? — дедим ялиниб. — Музаффарни ўзимга обера-сиз-а?

— Айтдим-ку, қонун сен томонда. — Умар акам уф тортди. — Сени деб шунча балога қолдим. — У лабини буриб, ғалати илжайди. — Тавба! Осмон-фалакда учиб юрган одам ҳоли нима кечишиңи билмас экан.

— Кўкрагим оғриб кетяпти, — дедим ростини айтиб.

— Соғиб ташла! — у шошилмай ўрнидан турди. — Уялма, ҳеч ким кирмайди, пойлаб тураман.

Умримда биринчи марта ўғлимнинг насибасини ерга соғдим. Деразага термулиб турганча... Поезд елиб борар, дераза ортидан нимқоронғи зулматда мудраган ўрикзорлар, ярми ўрилган буғдойзорлар лип-лип ўтар, кўкрагимни қисган сайин енгил тортардим. Енгил тортардим-у, қулоғим остида боламнинг чириллаб йиғлаши эшитилиб турарди...

\* \* \*

Ғишткўприк маҳалласига кириб келганимизда кун қизиб кетган, тор кўчалар кимсасиз, аҳён-аҳёнда от-аравалар, бола етаклаган, паранжи ёпинган хотинлар ўтиб қоларди.

Ҳовончадек тор, аммо ёғ тушса ялагудек қилиб супурилган топ-тоза ҳовлига кирдик. Ҳовли ўртасидаги бир туп шотут фарқ пишган, ерда сиёҳранг доғлар кўкариб қолган эди. Ҳовлининг бир томонида пастак уйлар, устунига нақш солинган айвон...

Айвондан оппоқ кўйлак, оёғига кавуш кийган ранги захил одам тушиб келди. Икки чакаги ич-ичига кириб кетган, афтига қараб ёшини аниқлаб бўлмайдди, фақат кўзлари, «Қани, дилингда нима бор?» дегандек одамга синчиклаб тикиладиган кўзлари Умар акамникига ўхшайди. Қизиқ, уни бир кўришдаёқ эгим сесканиб кетди.

— Ака, биз келдик! — деди Умар акам кинояли кулимсираб. Чамадонларни ерга қўйиб, қўл чўзган эди, акаси ипдай бармоқларини истар-истамас узатди.

— Бу — келинингиз! — Умар акам менга имо қилиб, яна хижолатли илжайди.

Шоша-пиша салом берган эдим, қайноғам совуққина «валеј» дедию қисқа-қисқа йўталиб, негадир ҳовли бурчагига йўл олди. Шотутдан нарига ўтганида уй томонга қараб, ожиз овоз берди:

— Ойсара, меҳмонларга қара!

Йўтала-йўтала бурчақдаги бостирма томонга кетаверди. Унинг бутун қиёфасидан «кўзим учиб турувди сенларга!» деган таънали маънони уқдим.

Уй ичидан бола кўтарган хотин чиқди. «Овсиним!» деган хаёл кўнглимдан лип этиб ўтди. Тўла, оппоққина юзли, енги кенг одми кўйлак кийиб олган хотин боласини бағрига босганча айвонда бир зум туриб қолди. Ранги ўчгандек бўлди. Кейин ялангоёқ юриб яқин келди.

— Қаёқдан кун чиқди? — деди ясамароқ илжайиб. Елкамга қоқиб кўришаётганида, беихтиёр болага қарадим. Олти ойлари чамасидаги сўлқилдоқ боланинг бошига оппоқ тўр дўппи кийгизиб қўйилган, бола ипга тизилган кўзмунчоқ тақиғлиқ дўмбоқ қўлчаларини силкитиб нуқул гувранар эди. Димоғимга гўдак иси урилиши билан бошим айланиб кетди. Қулоғим остида яна Музаффарнинг чинқириб йиғлагани эшитилгандек бўлди.

— Кўтаришсанг-чи, ҳой!

Умар акамнинг зардали хитобидан ўзимга келдим. Чамадонлардан бирини кўтариб, қалин парда тутилган, нимқоронғи уйга кирдик.

Ойсара опа ётгиси келмай, ҳадеб ғингшиётган болани бешикка боғлаб, дастурхон ёзди. Нон, бодом, шинни келтириб қўйди.

— Чарчамай келдингизларми! — деди чой узатаркан. — Йўл азоби — гўр азоби. Майли, зиёни йўқ, ўтиб кетади.

— Уғилми? — биринчи саволим шу бўлди.

Ойсара бешикка қараб жилмайди:

— Қиз. Каттаси ўғил.

«Менинг ҳам ўғлим бор». Оғзимдан шу гап чиқиб кетишига бир баҳя қолди. Овсиним худди ичимдаги гапни билиб олаётгандай, кўзимга синчиклаб тикилиб турганини пайқадиму, қўрқа-писа тескари қарадим.

— Тўйингларга айтмабсизларам. Борардик, топганимизни олиб.

Зимдан қарасам, назаримда истехзо билан кулиб тургандай бўлди. Куладиям-да. Куладиям, эзадиям. Синглисининг кундоши бўламан-у, тинч кўярмиди! Ажалим шу хотиннинг қўлида шекилли. Юзимни ўгирдим. Сезиб ўтирибман, икки кўзи менда. «Қани, синглимдан ниманг ортиқ экан, кўз-кўзга тушаркан-ку, итдек ялиниб келаркансан-ку» деяпти.

Бешик ғирчиллади. Қизалоқ йиғлади. Ойсара шошилмай бориб, бешик ёнига чўккалади. Болага кўкрак тутди. Қизалоқ тамшаниб эма бошлади.

Кўкрагимга тагин оғриқ турди. Болам! Боламнинг ҳоли нима кечди? Кечаси билан нима қилди? Уч ойлик гўдак онасиз нима бўлади. Дод солиб, сочимни юлганча кўчага отилгим, Тошкентга пиёда жўнагим келарди.

Ташқаридан келган овозлардан сергакландим. Ака-ука гаплашяпти. Аввалига паст овозда ғудраниб туришди-да, кейин иккови ҳам асабийлаша бошлади шекилли, овози кўтарилди.

— Сен, ҳаром-харишнинг фарқига бормайдиган даюс, ростмана тўй қилганинга ишонмайман. — Қайноғам қисқа-қисқа аммо узоқ йўталди. Туфлади. — Номаҳрам хотинни уйга киргизмайман.

— Утакангиз ёрилмасин, — бу Умар акамнинг овози эди. — Уйингизда кўп турмаймиз. Нариси билан кузгача. Кейин жой топаман. Яхлит пул оладиган жойим бор. Аввал баъзи ишларни тўғрилаб олай.

— Нима ҳунар кўрсатдингиз, — акаси негадир Умар акамни сизлай бошлади. — Очиғини айтаверинг, илмли тўкис!

— Терговчилардан чарчаганман! — Умар акам тажанглаша бошлади, овози янаям баландлашди. — Кўқонни соғиндим. Бор гап шу. Адвокатурада ишламоқчиман.

— Олса ишлайсиз-да, илмли тўкис!

— Нима, мен душманмидим? Раҳбарлик лавозимида ишлаган кадровий работникман. *“Орденни йўқ!” деганга иш.*

— Майли, охири бахайр бўлсин... Уртада фарзанд йўқми, ишқилиб? Кўрқманг, ростини айтаверинг.

Бутун вужудим қулоққа айланди. Бола эмизиб ўтирган Ойсара ҳам, бешикдаги қизалоқ ҳам — ҳаммасини унутдим. Ҳатто қулоғимда кечадан бери янграб турган ўғлимнинг йиғисиям бир лаҳза тингандек бўлди.

— Йўқ!

Умар акам бу гапни шу қадар ишонч билан айтдики, чаён чаққан одамдай сапчиб туриб, бора солиб ёқасига ёпишгим келди. Бешикни кучоқлаб ўтирган овсиним безовталаниб қолганимни сезди.

— Ёнбошламайсизми, пошша келин? — деди ачитиб. — Жой солиб берай. Ёшсиз, чарчагансиз...

Қандай кунларга қолдим! Нима қилиб қўйдим ўзи!

Беихтиёр яна ташқарига қулоқ солдим.

— Бўлар иш бўпти, — қайноғам ожиз, кучаниб йўталди. — Майли, ҳаммасини таомилдагидек қиламиз...

Қайноғам айтгандек, ҳаммаси таомилдагидек бўлди. Юртга бўлмасаям маҳаллага ош тортилди. Атлас кўйлак кийгизиб чимилдиққа киргизишди. Қўни-қўшнилар «тошкентлик чиройли келин»ни кўриш учун пайдар-пай киришди. «Тошкентлик келин» икки букилиб салом қилди. Бармоқ учига пиёла қўндириб, чой узатди. Хотин-халаж «бир қошиқ сув билан ютгули» келинни «қўша-қаринглар, қўчқордай ўғиллар берсин» деб дуо қилди. Билмайдики, «тошкентлик келин» «қўчқордай ўғлини» ўлим чангалига ташлаб келган! Билмайдики, «бир қошиқ сув билан ютгудек» келинпошша чимилдиқда ўтириб, шишиб кетган кўкрагининг оғриғига чидолмай тўлғанаяпти. Билмайдики, овсинининг қизчаси йиғлаганида ўзининг ўғли чирқиллагани эсига тушиб, сочини юлгудек бўлаяпти. Жилла қурса, шу қизчага бағрига босиб эмизгиси, бир зум кўзини юмиб, ўз боласини кучоғига олгандай ҳузур қилгиси келяпти. Билмайди! Ҳеч ким билмайди! Аммо Умар акам билади-ку, ҳаммасини билади-ку!

...Уша кечаси овсиним (лаблари истехзо билан муттасил қийшайиб турадиган овсиним) солиб берган тўшакда ётарканман, дод деб юбормаслик учун лабимни тишлаб, Умар акамдан сўрадим:

— Нимага унақа дедингиз!

— Қачон? Кимга? — деди Умар акам чарчоқ оҳангда.

— Келган кунимиз! Акангизга!

Умар акам кинояли кулимсиради.

— Ўша гапни ҳалиям кўтариб юрибман, денг. Бўлмаса эшитиб қўйинг! — у папирос тутатиб кўзимга қаттиқ тикилди. — Биринчидан «акангиз» демаңг! Менинг акам — сизнинг дадангиз бўлади. Бугундан бошлаб «дада» дейсиз. Иккинчидан, — у анча ўйланиб қолди, — акам, — деди тутун қайтариб, — инсофли одам. Кўриб турибсиз, укам Тошкентдан келин олиб келди, деб юртга маълум қилди. Узингизнинг ниятингиз ҳам шу эди. Тўғрими ахир!

Дамим ичимга тушиб кетди. У ҳамиша ҳақли бўлгани сингари ҳозир ҳам тўғри гапирарди. Ҳаммаси рост! Ҳалоллаб олинг, деган — мен! Қонуний хотинингиз бўлай деб ялинган — мен! Умар акамни Кўтармадан оломон қилиб ҳайдашганидан кейин ҳам кўнгил узолмаган, раҳмим келганидан отчёт топшириш баҳонасида Домдеҳқондаги ҳужрасига бориб юрган — мен! Ҳаммаси — мен! Мен — ўша аҳмоқ! Лекин бир ҳафта аввал поездга чиққанимда ўзи нима деганди? Қанақа ваъда берганди?

— Нимага алдадингиз? Нимага-а-а? — овозим чиқмасин, деб лўла болишни тишлаганча, бутун вужудим тўлғаниб инградим. — Нимага унақа қиласиз? Бир ҳафтадан ошиб кетди-ку? Болангни олиб келаман деб ваъда берувдингиз-ку!

— Раъно! — Умар акам ёнимга чўккалади. — Биласан, мен сўзидан қайтадиган одам эмасман. Раз ваъда бердимми, обкеламан. Айтдим-ку, қонун сен тарафда! Акамгаям ётиғи билан тушунтираман! Албатта, бировдан бўлган деёлмайман, ўзимизники, дейман.

— Қачон? Қачон ахир? — тишимни тишимга қўяман деб ҳарчанд уринмай, овозим ташқарига чиқиб кетди. — Қачон?

...Роппа-роса ўн кундан кейин Умар акам йўлга отланди. Лекин орадан ўтган яна бир ҳафта-чи? Боламни кўрмаганимга ўн саккиз кун бўлди! Ҳоли нима кечдийкин. Жони соғмикин ўзи? Умар акам хайрлаша туриб, юзимдан ўпиб тайинлади:

— Раъно! Жоним! Янгамдан узоқроқ юр. Илжайиб тургани билан ичи тўла алам. Синглисини қўйиб юборганимга чидолмайди, билдингми? Алоҳида овқат сузса — ема! Мен нарисин билан уч кунда келаман. Ҳужжатларимга доғ туширмасдан олиб келишим керак. Аммо ўзингни эҳтиёт қил, тушундингми?

Нимага тушунмай! Ёш боламани? Ойсара отишга ўқ тополмай юрганини билмайманми! Ҳар гапида найза санчиб туришини, етти яшар ўғли «аяча» деб олдимга кирса «Йўлдошхон, аячангни тинч қўй, баққа ке», деб чақириб олишини, талпинчоқ қизчасига термулиб қарасам, билагига яна бир шода кўзмунчоқ осиб қўйиши, «бегоналар кириб-чиқяпти», деб ҳар кунини уч мартадан исериқ тутатишини пайқамай эсимни ебманми! Менам тирноққа зор тумса хотин эмасман. Мениям болам бор! Паҳлавондай ўғлим бор. Эрта-индин келади. Умар акам олиб келади! Шомурод ака бермайман, деб кўрсин-чи! Умар акам қонун китобини олдиға очиб қўяди. «Қани, чўз бу ёққа болани!» — дейди.

Умар акам уч кун эмас, беш кунда қайтди. Қоқ пешин эди. Ҳовлидаги шотут шохида чириллаётган чумчуқлар ин-инига кириб кетган, ҳаммаёққа мудроқ сокинлик чўккан, шамол ҳам иссиқдан безор бўлиб, аллақаёққа беркингандай... Салқин уйда Ойсара дўпига гул босар, мен жияк тикар эдим. Бешиқда қизалоқ ухлаб ётибди. Йўлдошхон шу иссиқда кўчага чиқиб кетган.

Эшик томондан гурсиллаган қадам товуши келди. Умар акам! Шахдам одим ташлашидан биламан! Айвонга, ундан ҳовлига отилдим. Ҳозир, ҳозир ўғлимни кўраман! Кечадан бери кўкрагим ёрилиб кетай деяпти. Тўйиб-тўйиб эмсин! Роҳат қилиб эмизай!

Елкасида қоп, қўлида чамадон кўтарган Умар акамни кўриб тўхтаб қолдим. Юрагим гурсиллаб урар, кўзларим кўча эшик томонга термулиб

бир нуқтада қотиб қолгандек эди. Бундан чиқди, яна биров бор. Музаффарни бошқа бир одам кўтариб келяпти.

Умар акамнинг олдига қандай учиб борганимни билмайман.

— Қани?

Чамамда, бу сўз бўғзимдан бутун оламни титратиб юборадиган ҳайқирик бўлиб отилиб чиқди. Аммо кейин билсам, шивирлаб сўраган эканман.

— Қани?

— Уйга кирайлик! — Умар ака негадир менгамас, айвон томонга қараб гапирди. Беҳуш бир алпозда бурилиб қарасам, айвонда Ойсара илжайиб турибди.

Умар акам шоҳи кителнинг энги билан пешонасидан оқиб тушаётган терни артди-да, чамадонни яна кўтарди. Уй томонга (қайноғам ажратиб берган ўзимизнинг уй томонга) юрган эди, эсидан айрилган одамдек кетидан эргашдим.

Умар акам кавшандоз яқинидаги ханикка қопни ташлаб, уф тортди. Чамадонни қўйиб, тагин энги билан пешонасини артди.

— Раъно! — деди секин. — Сен ақлли хотинсан...

— Қани? — нафасим қайтиб кетганини сезиб турар, кўз ўнгимни сарғиш туман қоплай бошлаган эди. — Қани?

— Раъно, ўзингни бос, жоним! — Умар ака тердан шилта бўлиб кетган, кафтини елкамга қўйди. — Ҳаммаси изга тушиб кетади. Кўрасан!

— Қани? — бўғзимдан шу қадар ёввойи чинқирик отилиб чиқдики, ўзимнинг ҳам қулоғим тешилиб кетай деди.

— Нобуд бўпти... Менга қара, Раъно! Раъно!!!

Кейин нима бўлганини билмайман. Кўзимни очсам, овсинимнинг баркашдек юзи бошим устида турибди. Нимага ўз ҳолимга қўймайди бу жодугар? Қанақа жойга келиб қолдим ўзи? Бири боламни ўлдирса, бирининг юзидан заҳар томса, яна бири ҳузур қилиб илжайса! Улган ўғлимга йиғлашга ҳам ҳаққим йўқми энди? Қани, анави! Совуқ хабар обкелишга обкелиб ўзи қаёққа ғойиб бўлди?

Олазарак бўлиб ўрнимдан тураётган эдим, Ойсара негадир елкамдан қучоқлади. Юзини юзимга босди.

— Раънохон, қўйинг, — деди шивирлаб. — Хафа бўлманг. Менам иккитасини ерга қўйганман. Насиб этса...

Нима? Нима деяпти? Қаёқдан билди! Нима демоқчи! Энди боламнинг ўлганигаям севинаяптими?

— Синглим, жон синглим... — унинг овози титраб кетди. — Нимага мендан қочасиз! Нимага ишонмайсиз! Мен ҳам хотин кишиманку, онаманку, синглим! Биламан! — у кўйлагининг кенг энгини мижжасига босди. — Ҳаммасини биламан! Келган кунингиздаёқ сезгандим. Қўйинг, ўзингизни босинг. Менинг болам, сизнинг болангиз эмасми, Раънохон! Ана, хоҳланг ўғлимни олинг, хоҳланг — қизимни!

Бунақа пайтда одам ёш болага айланиб қоларкан. Ёш бола йиқилсаю, ҳеч ким юпатмаса, туриб кетаверади. Биров меҳрибончилик қилса ўксиниб йиғлайди.

Ўкраб юбордим.

— Опажон! Қандоқ кунларга қолдим, опажон! Айтинг, нима қилай опажон!

— Бўлди, жоним, бўлди! — у оғзимга бир пиёла совуқ чой тутди. Жилмайди. Шунча кундан бери мазах қилиб кулади десам, йўқ, чин дилдан, меҳр билан жилмайиб қарар экан. Ҳозир билдим.

— Уғлим... бор эди, опажон, — дедим инграб.

— Ҳали-чи, қўша-қўша ўғиллар кўрасиз, жоним! — у яна жилмайиб бошимни силади. — Кўрасиз, бир этак болага ўралашиб қоласиз. Ҳасан-Ҳусан ўғилларингизни ўзим кўтариб катта қилман.

— Музаффар! Уғлим... — беҳуш бир алпозда Ойсарани қучоқлаб олдим. — Опажон...

Боланинг уволига қолдим. Уз боламнинг ўлимига сабабчи бўлдим. Мен ҳам одамманми? Мен ҳам онаманми? Йўқ, ҳаммасига Шомурод ака айбдор! Майли, мен-ку ёмон эканман, болада нима гуноҳ! Кечагина дунёга келган гўдакнинг айби нима?! Хўжа — дўст, буви — душман, деб болани олиб қолиб нима қилардинг, гўдакнинг уволи тутгур ноинсоф!

Нима деяпман ўзи? Шомурод аканинг гуноҳи нима?

Ҳаммасини Умар ака қилди. Мени абгор қилган шу. Совиган ошми — баломи, турмушим ўтиб турувди-ку! Аввалгидек яхши кўраманми-йўқми, эрим билан яшаб кетардим-ку, бари бир! Уша куни Шомурод акамга овқат олиб кетаётганимда қай палакат босиб олдимдан чиқди. У ёқларда қорасини кўрсатмай кетган эди-ку. «Аслида эринг у эмас, менман», деб ялинганида мен уятсиз нега башарасига тарсаки туширмадим. Ахир энди она эдим-ку! Болам бор эди-ку. Нима қилардим, ўчган оловни титкилаб? Оловни биз ёқсак-да алангасида бегуноҳ гўдак куйиб, жизгинак бўлса! Бу қандоқ жазо? Йўқ, болам тирик қолиши мумкин эди. Шу номард Тошкентга боришни пайсалга солмаса тирик қоларди.

Нима деди? «Жонимни гаровга қўйиб Кўтармага бордим», дедими? «Сен учун, бола учун бордим, сельсоветга кириб, ҳужжатларни тўғриламақчи эдим. Нима қилай, чақалоқ бир ҳафта бурун нобуд бўлган экан» дедими?

Оёғига йиқилиб йиғладим.

«Умар ака, шу гап ростми? Ишонмайман, шонолмайман!»

Шунда нима деди?

«Нима қилай, жоним! Бордим. Билдим! Ёлғон гапирсам, гўрда ётган онам хотиним бўлсин! Нима қилай ахир! Бордим-ку! Мозориниям кўриб келдим! Тагин нима ҳаққинг қолди?!» Худди шунақа деди. Куйиб-ёниб айтди.

Тўғри-да, тагин нима қилсин! Жонини тикиб борибди-ку, ахир? Қўрқмабди-ку! Биламан, колхозчилар уни шусиз ҳам ёмон кўрарди. Ҳалиям тошбўрон қилиб юбармабди-да! Аслида Умар аканинг айби нима эди? Бари бир, ҳаммаси шу одамга ёпишгани нотўғри бўлди. Уруш эди, замон оғир эди. Бировни урди, бировни сўқди. Бировга ялинди. Ҳаммасини ўз кўзим билан кўрганман-ку! Нима қилса юрт учун қилди. Уруш тезроқ бита қолсин деди. Одамларга ўхшаб уйига нарса ташимади. Бировдан ортиқ емади, ичмади...

Кечаси чироқ кўтариб кетаётган одам бир қадам нарини кўролмади. Чироқ ўзидан бошқа ҳеч кимни ёритмайди. Аммо қўлидаги чироқ ҳарқалай далда беради. Менинг қўлимдаги чироқ — Ойсара опа эди. Мен ашаддий душман деб ўйлаган, эртами-кечми сингисининг қасдини олади деб қўрққан одамим энг меҳрибон кишимга айланиб қолди. «Аянган ёлғиз қолмасин», деб, ўғлини бағримга солиб қўйди. Ҳар куни минг марталаб битта гапни қайтаради: «Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса — ўн беши ёруғ, синглим. Яна йил шу кунларда қўчқордек ўғил кўрасиз. Мени айтди дерсиз...»

Қизиқ, ўз-ўзидан сутим қочиб кетди. Лекин ҳамон ўғлимнинг йиғиси қулоғим остида эшитилиб қолар, қўлларини силкитиб кўксимга талпинаётгани тушларимга кириб чиқар эди.

Умар акамни адвокатурага ишга олишмади. Уша куни кечқурун ака-ука даҳанаки жанг қилишди.

Кечки овқатдан кейин қайноғам, одатдагидек ёнбошидаги сопол тупдонга балғам ташлаб, синчков кўзларини Умар акамга қадаганча сўради:

— Хўш, мулла, бағи нима бўлади энди?

— Юридик соҳасида ишламайман, — деди Умар акам асабийлашгандан мўйлови титраб. — Чарчадим.

— Ишламайман деманг, мулла, ишлатишмайди, денг. Аввал ўзингизни орқангизни тозалаб олинг, дейишди денг.

Умар акамнинг ранги қув ўчиб кетди.

— Менга қаранг, ака! — деди дағдаға билан. — Писанда қилманг! Сиздақалардан мингтасини ётқизиб турғизганман. Хоҳласам, ҳалиям қудратим етади.

— Албатта-да! Сиз илмли одамсиз. Зўрсиз! Қонунни яхши биласиз. — Қайноғамни йўтал тутди. — Давр келди — сур, бегим, деб босар-тусарингизни билмай қолдингиз, — деди энтикиб. Заҳарханда билан илжайди. — Мана энди ҳеч ким эмассиз. Шунақа, мулла, емоқнинг қусмоғиям бўлади.

— Мен нима ебман?! — Умар акам сапчиб ўрnidан туриб кетди. Худди қамчи тутгандек кўлини баланд кўтарди. — Қани, нима демоқчисиз! Жонҳолатда эримнинг кўлига ёпишдим.

— Қўйинг, — дедим, ялиниб, — дада, сиз ҳам қўя қолинг энди.

Ойсара опа мунғайиб қолган, на эрига, на Умар акамга бир оғиз гапиришга журъат этолмай, нуқул киприкларини пирпиратар, бурчакда бешик ғижирлаб, қизалоқ ғиншир эди. Қайноғам қилт этмади. Утирган жойида бошини кўтариб, кимсан, нима деяпсан деб укасига қарамадиям.

— Таъна қилманг, хўпми? — Умар акам шиддат билан қайноғамнинг устига эгилди. — Сизга гапни ким қўйибди, — деди пишқириб. — Сиз урушдан қочиб, кавакка тиқилиб ётганингизда мен қон ютиб, бутун бир хўжаликни бошқардим!

— Қон ютган сенми — менми? Ана кўриб қўй! — қайноғам ипдай ингичка бармоғи билан тупдонга имо қилди. — Сен одамларнинг бошида от ўйнатиб қариллаб юрганингда мен фабрикада бўз тўқидим. Яримта ўпкам билан икки сменадан ишладим.

— Биламан! Сиз бўз тўқигансиз, хотинингиз дўппифурушлик қилган. Тегишли жойга бир оғиз айтсам, оёғингиз осмондан бўлиб кетади. Ҳамма қилмишингиз тирноғимнинг юзида!

— Ҳароми! — Қайноғам каловланиб ўрnidан турди. — Оқпадар! — деди бутун вужуди қалтираб. — Эсингни танибсанки, одамларга ёмонлик қиласан. Мана! Қамата қол! Оттириб юбор! — у ёш боланикидек кичкина мушти билан кўкрагига муштлади. — Улдириб қўя қол!

Боядан бери мунғайиб ўтирган Ойсара опа тура солиб, эрини кучоқлаб олди.

— Дадаси! — деди йиғлаб. — Уят бўлади! Қўни-қўшни эшитса нима дейди! Андиша қилинглар ахир!

— Андиша? Шунда андиша борми! — қайноғамни тағин йўтал тутди. Бу сафар букилиб-букилиб йўтала бошлади. Ҳолсизланиб чўккалаб қолди. Умар акам ҳамон унинг бошида хезланиб турарди. — Йўқ, — деди қайноғам, афсус-надомат билан бош чайқаб. — Бу — андишадан кейин туғилган. Ачинаман! — у дармонсизлик билан бошини кўтариб менга қаради. Қовжираган кўзларида мунг бор эди. — Ачинаман сизга, қизим. Ёмоннинг тузоғига тушибсиз. Бари бир бахтиқаро қилади.

— Ув! — Умар акам кўзидан ўт чақнаб оёғини кўтарди. Бир тепиб акасини пачақлаб ташлагудек бўлди-ю, тепмади. — Ув сили-симён! — деди хириллаб. — Энди менинг оиламни бузмoқчимисан?! Хотинимни жўнатиб, бир йўла мендан ҳам қутулмоқчимисан? Эртагаёқ судга бериб, ҳовлининг ярмини бўлиб оламан!

— Олақол! Ҳаммасини олақол. Сен турган ҳовли менга ҳаром. Мен кўчиб кетаман!

— Вой шўрим! — Ойсара опа талмовсираб қолди. — Икки бола билан қайси эшикка бош уриб борамиз? — У нажот кутгандек кўзимга шу қадар мунг билан қарадики, Умар акамнинг ёқасига ёпишиб, силкитдим:

— Уят борми, сизда! Нима деяпсиз?!

— Э, торт-е! — у бир силтаб қўлимни ёқасидан олиб ташлади. — Сенам шуларга ҳамтовоқсан!

— Ана, қизим! — қайноғам оғир-оғир бош чайқади. — Хоҳласа сизниям қаматади. Қонунни билади-да!

— Гап шу! Эртадан заводда ишлайсан. Сенам совуннинг сассиғини бир ҳидлагин.

— Мен ишламайман, дедимми? — гап бошқа ёққа айланганидан хиёл таскин топдим. — Қачондан буён ишга кираман деяпман-ку.

...Уша жанжалдан кейин Умар акам қозонни алоҳида қилди. Аммо деярли ҳар кун иш овқатни Ойсара опа тайёрлаб қўярди. Биз — эр-хотин ёғ заводиди ишлаймиз. Иш оғирмас, ҳавоси оғир. Кун бўйи кунжара ҳиди, ёғ иси, совун иси аралашиб, димоққа ўтириб қолади. Одамнинг кўнгли беҳузур бўлиб кетади... Уч ойча ўтгандан кейин кўнглимнинг беҳузур бўлиши фақат заводдаги ислардан эмаслигини пайқадим. Ойсара опа рост айтган экан: ойнанинг ўн беши қоронғу бўлса ўн беши ёруғ экан... Анор егим келарди...

Ғарқ пишиқчиликда кўзим ёриди. Толе Музаффаримнинг ўрнига ўрин фарзанд ато қилди. Қизчамнинг аллақаери Музаффарга ўхшаб кетар эди.

Умар акам «ҳалиям даври келишига», ишлари гумбур бўлиб кетишига ишонар, ҳадеганда омади юришмаганидан асабийлашар эди... Тошкентга серқатнов бўлиб қолди. «У ёқда душманларингиз кўп, нима қиласиз бориб» десам, нуқул битта гапни қайтарар эди: «Аҳмоқ эканман! Шунча йил елиб-югуриб, ҳемиригаям эга бўлмабман! Мана, энди ҳаммасини законний қиламан!»

...Эсимда йўқ, бундан уч йилми-тўрт йил олдин Умар акам Тошкентга яна бориб гап топиб келди.

— Анави чўлоғинг уйланибди, Раъно.

Нима ишим бор! Менга деса юз марта уйланмайдими? Нега энди «менинг чўлоғим» бўларкан!

Энсам қотиб индамаган эдим, Умар акам кулди:

— Кимга деб сўрамайсан ҳам! Робияга уйланибди. Анави Ҳусан думанинг асрандиси бор эди-ку, ўшанга. Дарров туғибам берибди: ўғил!

Умар акам «ўғил» дейиши билан Музаффар эсимга тушди. Юрагим зил кетди. Майли! Ҳеч кимга ёмонлик тиламайман. Аммо боламдан жудо қилган, ўғлимнинг ўлимига сабабчи бўлган анави чўлоқни у дунёю бу дунё кечирмайман. Унгаям боққан бало бордир.

Аччиқни аччиқ кесади, дейишарди. Баъзан аччиқни ширини ҳам кесаркан. Насиба Музаффарнинг доғини ювиб ташлади. Қизалоғим катта бўлган сари ўғлимнинг хотираси хаёлимдан ўчиб борарди. Тақдирга тан бериш — дононинг иши. Бўлар иш бўлди. Уғлим нобуд бўлди. Фарзанд доғини кўрган битта менми! Ношукурчилик қилишнинг нима кераги бор! Мана ўрнига ўрин, толе яна фарзанд ато қилди-ку. Тағин нима керак?

Шундай бўлсаям аҳён-аҳёнда ўғлим тушимга кириб қолар, чўчиб уйғонсам, чирқиллаб йиғлаётгани анчагача қўлоғимда янграб турарди. Бундан чиқди, Музаффар тушларимга кириши бежиз эмас экан-да! Болам тирик экан-да!

Қўқонга кўчиб келган кунларимиз эрим қайноғамга «унадиган яхлит пул бор» деганида нимани назарда тутганини, нима учун кейинги пайтларда Тошкентга бўзчининг моксидек қатнаётганини, нима учун икки гапнинг бирида нолишини мана энди тушундим. Отамдан қолган ҳовли-жойни «законний» сотмоқчи экан. Мен — содда, ҳеч нимага тушунмабман.

Уч кун аввал у Тошкентдан қовоқ-тумшуғи осилиб қайтди. Қоши чимирилган. Чақмоқ телпагини қийшиқ кўндириб олган. (Хаёлимга ғалати ўй келди. Чақмоқ телпака мунча ишқибоз бўлмаса! Анча йил аввал Кўтармада Парча опа билан юлишиб, «маъданий»га тушиб кетганидан бери бунақа телпак киймасди. Тошкентга бориб, яна топиб кепти-да!)

Кулимсираб, салом берган эдим, юзини ўгирди. «Шойи галстук олиб келдингизми, дада?» деб бўйнига осилган Насибани ҳам жаҳл билан нари сурди-да, менга буюрди:

— Уйга кир!

Ҳайрон бўлиб, рўпарасига чўккалаган эдим, тўсатдан сўради:

— Қачонгача етимлардан юламиз? Том соламизми, йўқми?

— Қанақа етим? — дедим ҳайрон бўлиб. — Ким етим?

У «сенга гапирдим нимаю, гапирмадим нима» дегандек лабини бурди.



— Акамнинг болаларини айтаман, аҳмоқ! Тошкентдан акамга дўхтир олиб келмоқчи эдим. Мақсудов деган профессорга учрашдим. Акам — сил, ўн беш йилдан бери касал, уч ой бўлди, ўрнидан туролмай қолди, десам «шунча яшаганига раҳмат деяверинг, энди ўнганмайди, тайёргарлигингизни қилинг», деди.

Эрта куздан буён ўрнидан туролмай қолган қайноғам кўз ўнгимга келдию ачиниб кетдим.

— Иложи йўқ эканми?

— Тағин гапиради-я! — Умар акам уҳ тортди. — Уйингдан кавушдек ўлик чиқса, тоғдек харажатни етаклаб кетади. Акам — жигарим-ку! Жиянлар менинг зиммамда қолади, энди.

Бечора қайноғам! Нимага бу дунё шунақа тескари! Ҳақил илгари шу хонадонга қадам босганимда қайноғамниям, Ойсара опамниям ёмон кўрувдим. Билсам, дунёда энг яхши одамлар шулар экан.

— Энди нима қиламиз? — дедим бўшашиб.

Умар акам папирос тутатди.

— Шу-да! — деди негадир жаҳли чиқиб. — Хотин зотининг падарига лаънат! Қилғилиқни қилиб қўяди-да, «нима қилай» деб безрайиб тураверади!

Қизиқ! Мен нима қипман! Рўзғорингни ажратиб ол дебманми!

— Раъно! — Умар акам кўзимга жиддият билан тикилди. — Ҳовлини сотамиз. Умрбод сиғинди бўлиб туролмаймизку! Ҳовлимизга уй-жой солиш керакми! Акам ўлгани билан Йўлдошхон эрта-индин уйланади-ку! Ҳайрон қолдим.

— Қанақа ҳовлини айтасиз?

Умар акам жаҳл билан папиросни хонтахта устида турган пиёлага эзғилади.

— Боядан бери қулоғинга танбур чертапманми! — деди тишини ғижирлатиб. Забардаст муштини хонтахтага урди. — Тошкентдаги ҳовлини айтаман, қовоқбош! Тошкентда отангдан қолган ҳайхотдай уй-жой бор-ку. Ҳшани айтаман!

Ие, ота ҳовлимизда Маруся опа туради-ку! Ойимга мендан ортиқ хизмат қилган хотин! Бошимга мушкул иш тушганида... эрим урушда юрганида Умар акам қилар ишни қилиб қўйиб, «бу ёғини ўзинг эпла» деб бир чеккага чиқиб олганида бир эмас, икки марта мени шармандалиқдан сақлаб қолган, туғруқхоналарга югуриб дўхтир топган Маруся опа... Энди келиб-келиб...

— Қанақа бўларкин... — дедим бўшашиб.

— Менга қара, ўв! — Умар ака ғазаб билан тишини ғижирлатди. — Ади-бади дейдиган бўлсанг, ўша Марусянгни судга бериб уйдан ҳайдаб чиқараман-да, ҳовлини юз мингга сотаман. Харидор топиб қўйдим.

— Умар ака! — дедим ялиниб. — Қанақасига ахир!..

У кўзимга шу қадар ғазаб билан қарадики, нафасим ичимга тушиб кетди.

— Гап шу! — деди шиддат билан. — Эртага поездга миначан. Ҳша жонингдан азиз Маржа опанг билан келишиб келдим. Ҳн минг тайёрлаб қўядиган бўлди. Эсиз, эсиз! Уч уй, икки айвон, бир шийпон. Ҳн олти сотих ҳовли. Қанча дарахт! Юз мингли жой эди. Майли, авлод-аждодларинг ҳурмати судга бермадим. Ҳша суюкли Маруся опангни ўзиям хазина топган гадойдек қувониб қолди. Юз мингли ҳовлини носвой пулига оладию, севинмайдами! Яхшилаб тушуниб ол. Аввал БТИга, кейин нотариусга кирасан. Ҳаммасини тўғрилаб келганман. Иккита ҳужжатга қўл қўйсанг бўлди. Сенинг қўлинг ўтади, меросхўрсан. Лекин билиб қўй, ўв! — У миҳ қоққандек пешонамга бармоғи билан нуқтади. — Олдин ўнмингни санаб оласан, кейин БТИнинг темир дафтарига қўл қўясан. Блдингни? Нотариус взносини ўзи тўлайди, тушундингни?

Ростини айтсам, ҳеч нимани тушунмадим. Йўқ, тушунмадим эмас, хаёлимни нотариус-потариусдан кўра бошқа нарса — Маруся опанинг кўзига қандай қарайман, деган андиша кўпроқ банд этган эди.

— Умар ака... — дедим ялиниб. — Майли-ку, лекин.

— Нима «лекин», нима! — У кўзини ғазаб билан олайтирди. (Бир вақтлар колхозчиларнинг бошида қамчи ўйнатганида кўзидан шунақа совуқ олов сачраб кетарди). — Маруся опангизга юрагингиз ачидими, хоним? — деди киноя билан. Мўйлови қийшайиб кетди. — Яхши! Тўрт томонингиз катта кўча! Тошкентга боринг-да, Маруся опангизга ёпишиб ётаверинг. Аммо иккита шартим бор. Биринчиси шуки, Насибани ташлаб кетасиз. Иккинчиси... — у мўйлови баттар қийшайиб асабий кулди. — Майли, буниси шарт эмас, маслаҳат: чўлоғингизнинг олдига бора кўрманг. Қора мўнди эгачингизни қизи сочингизни битталаб юлмасин тагин. Тушундингизми?

...Тушундим! Энди ҳаммасини тушундим! Нимага бу ёққа юборганингни ҳам, нимага «чўлоқнинг уйига қадам боса кўрма» деганингни ҳам... Шунча йил алдадинг мени! Ун йил! Йўқ, нега энди! Умрбод алдаб келдинг! Ушанда — қирқ иккинчи йил кирадиган кечаси уйимга бостириб кирганингдаёқ алдагансан. Сен мени ҳеч қачон яхши кўрган эмассан! Яхши кўрсанг, оёғингга йиқилиб, никоҳингизга олинг, деб ялинганимда уйланган бўлардинг! Ақалли раисликдан бўшаганингдан кейин, налугчилик қилиб юрганингда... Йўқ, мен сенга шунчаки ўйинчоқ бўлиб келдим. Бир умр! Хоҳласанг ўйнайсан, хоҳламасанг улоқтириб юборасан. «Сени деб шу кунларга тушдим, ҳамма нарсамдан айрилдим», дейсан! Мен-чи! Мен айрилмадимми? Энг бебаҳо хазинамдан, боламдан жудо қилган сен эмасмисан?! Тирик ўғлимни ўлди деган сен эмасмисан!?

Алдашни мендан кўр энди! Ҳар ҳафта Тошкентга қатнайман! Нотариус ишламас экан, БТИ дам олаётган экан, Маруся опани тополмадим, дейман-да, ҳар сафар келиб, ўғлимни кўриб кетаман. Қасд олишни мендан ўрган.

Йўқ! Аввал бориб ёқангдан оламан! Мунча имиллайди бу поезд? Қачон етади Қўқонга?! Қачон кўраман сен номардни? Нимага тирик болани ўлди дединг, ҳезалак! Қонунни яхши биласан-ку, виждонсиз! Қўлингдан келса, ўғлимни обкеб бер энди!

Алдадинг! Бир кун эмас, бир ой эмас, умрбод алдаб келдинг-а, уятсиз! Тотув турмушимни буздинг. Шомурод акам қандоқ яхши кўрарди, қандоқ авайларди! Ўзим-чи! Ўзим ҳам яхши кўрардим-ку уни!.. Қаёқдан пайдо бўлдинг? Пешонам кўрсин! Қаёқдан шу уйинг куйгур уруш бўлди?! Шомурод акам ёнимда бўлса сен ножинс остона ҳатлаб киролмасдинг-ку! Вой ноинсоф! Вой беномус! Гўрда ётган онам хотиним бўлсин, деб қасам ичди-я! Ўз онасининг руҳини ҳаром қилди-я! Тирик боламни ўлдига чиқарди-я! Қайноғам рост айтган экан. Бахтиқаро қилади деганди-я! Билиб айтган экан. Бахти қаролик бундан ортиқ бўладими! Тирик туриб боламдан жудо бўлсам. Ўз болам ўзимдан юз ўгирса! Қандоқ чидай! Музаффар энди икки дунёдаям она демайди!

...Мунча имиллайди бу поезд! Қачон етаман! Қачон юзига туфлайман ўша виждонсизни! Тонг отяпими? Ана, Қўқонга келдик шекилли...

\* \* \*

Эзиб ёмғир ёғяпти. Билмадим, юрдимми, югурдимми! Плашим жиққа ҳўл бўлиб кетди. Бир қўлимда сумкача, бир қўлим билан Музаффарнинг дўпписини бағримга босиб олганман. Дўппи ҳўл бўлмаса бас! Чатоқ қилдим: Музаффарнинг шундан бошқа дўпписи бўлмаса-чи! Тошкентда ҳам ҳаво булут эди. Бошяланг мактабга бориб, шамоллаб қолса-чи!

Уйга отилиб кирсам, ўтирибди. Кўрпачага ёнбошлаб, папирос тутатиб тоқчадаги «АРЗ» радиосидан концерт эшитяпти. Биламан, атайлаб ишга бормаган. Мени кутаётгани йўқ, пулни кутаяпти.

— Қийналмадингми? — деди ўрнидан кўзғалиб. — Битдимми?

— Нима битади? — дедим ҳансираб.

— Ие, нимага боргандинг ўзи?

Тушунарли! Олди-сотдини айтяпти. Пулни сўраяпти!

— Пул керакми? — дедим энтикиб. — Яхши. Пул бўлади! Аммо олдин болани обкеласиз, кейин пулни оласиз.

У ҳайрон қолгандек кўзини олайтириб, қаддини ростлади. Ранги ўчиб кетди.

- Қанақа бола? — деди елкасини қисиб.
- Менинг болам, имонсиз, менинг ўғлим! Музаффар тирик экан-ку!
- У серрайиб қолди. Кейин негадир илжайди. Мўйлови қийшайиб кетди.
- Адашибсан, Раъно! — деди асабий кулиб. — Мен аниқ биламан.

Ўлган!

— Мана-ку! — йиғламоқчи эмасдим. Шу сурбетнинг олдида йиғла-маслигим кераклигини билардим. Аммо қўлтиғимдан Музаффарнинг дўпписини олаётганда чидаб туролмадим. Додлаб юбордим. — Мана! — дедим ўғлимнинг дўпписини кўрсатиб. — Тирик экан-ку! Ўз кўзим билан кўрдим-ку!

— Раъно... — У дўппига қўл чўзди. — Мен эшитганимни айтганман. Қаёқдан билай?

— Тегма, имонсиз! Ҳаром қиласан! — дўппини бағримга босдим. — Ўз онасининг руҳини чирқиллатган виждонсиз! Айтувдинг-ку, болангни мозорини кўрдим деб! Қани ўша мозор? Юр! Обор! Кўрсат!

Устига ёпирилиб борган эдим, юзимга тушган тарсаки зарбидан йиқилиб тушдим. Лекин ўша заҳоти сакраб туриб дўппи аралаш ўзининг юзига тарсакиладим.

- Кўрсат! Ҳозир оборасан!
- Учир, мегажин! — У гурзидек муштини бошим устида кўтарди.
- Ур! Улдир! Шу кунимдан ўлганим яхши! Ёлғонинг билан ёрилиб ўлгур ҳайвон! Ур! Ур, мард бўлсанг! — алам билан мук тушганча оёқларидан чангаллаб олдим. — Обкеласан! Уғлимни обкеб берасан!
- Шу пайт даҳшат тўла чинқириқ қулоғимга кирди:
- Урманг! Дадажон, урманг! Аяжон, туринг!
- Бошимни кўтарсам, қизим чирқиллаб дадасининг бўйнига осияпти.
- Кўрмайсанми, ўзини! — Умар ака оёғини типирлатди. — Қўйвор, шаллақи!

— Аяжон! Қўйворинг, тегманг дадамга!

Беихтиёр қўлларим бўшашди. У оёқларини силтаб тортиб нари кетди.

— Эшитиб қўй, Наси! — деди таъкидлаб. — Аянг сени етим қилмоқчи! Сени ташлаб Тошкентдаги ҳароми ўғлининг олдида кетмоқчи!

— Узинг ҳаромисан, виждонсиз! — бутун вужудим билан тебраниб тиззамга муштладим. — Илоё йигит ўл! У дунёю бу дунё хор бўл, билдингми? Шу гапни айтган тилларинг кесилсин.

— Вайсама, ўв! — у дераза тоқчасида ётган папиросини юлиб олиб, тутатди. — Билиб қўй. Гапим гап. Тўрт томонинг қибла. Кетгинг келса кетавер. Аммо ўнг қулоқ; чап қулоғинг билан эшитиб ол: Насибанинг тирноғиниям бермайман! Қиз меники!

— Аяжон! Уришманг, аяжон, уришманглар.

Эшик қарсиллаб очилганини ҳам, Йўлдошхон отилиб кирганини ҳам пайқамадим. Фақат йиғлаб айтган гапи қулоғимга чалинди:

— Амаки! Дадам оғирлашиб қолдилар! Юринглар. Тезроқ, аяжон! Тезроқ!

## ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

### ЕТТИНЧИ СИНФ ЎҚУВЧИСИ МУЗАФФАР ШОМУРОДОВ ҲИКОЯСИ

#### ҚЎҚОНГА КЕТАМАН!

Бешинчи дарс адабиёт эди. Ўқитувчимизнинг айтишига қараганда, имтиҳон яқинлашган сайин биз дангаса бўлиб кетаётган эмишмиз. Бу йил еттини битириб Нўғайқўрғондаги катта мактабга борсак, ҳолимизга маймун йиғлармиш. Саккизинчи синфга борган кунимизоқ Нўғай-

кўрғондаги муаллимлар ҳаммамизга «икки»ни ёпиштириб ташлармиш.  
...Бугун «дангасалигим»ни кўрсата олмадим. Уқитувчи дарсга кириши билан буюрди:

— Шомуродов! Директорнинг хонасига!

Бўшашиб ўрнимдан турдим.

— Нимага?

— Борганда биласан.

Мана, кетяпмиз, Сулаймон аканинг олдига. Ҳайронман, бугун директор чақирадиган гуноҳ қилмадим шекилли! Э, бўлди! Ҳали катта танаффусда Абдувалининг укасини йиғлатувдим. Иккинчи синфда, Омон билан ўқийдиган укасини! Айб ўзида! Нимага мактабга велосипед миниб келади! «Битта минай» десам, қизғанади. Синдириб қўярмишман. Ҳечам синмайди-да! Катта велосипед. Йигирма саккиз! Ўзи минолмайди, оёғи етмайди-ю, қизғанади. Энди мингандим, қизғанчиқлик қилиб, орқа филдирагининг қанотидан чангаллаб олди. Велосипед қийшайиб кетиб, занжири шимимнинг почасини қисиб қолди. Ўзим шимимни занжирдан чиқаролмай йиқилиб ётибман-у, «тўлаб беринг, рулини қийшайтириб қўйдиз» деб йиғлайди. Боплаб дўппосламоқчи эдим-у, аядим. Бундан чиқди ростдан ҳам дадасига чаққан. Туя сартарош директорга шикоят қилган.

Шимимнинг почасиям илма-тешик бўп кетибди. Қайириб ола қолай. Директор сўраса лой бўлганди, қайтариб қўйдим, дейман.

Эшикни одатдагидек секин тақиллатдим. Ичкаридан одатдагидек «киринг» деган овоз келди. Одатдагидек эшикни қия очиб, бошимни суқдим.

— Мумкинми? — дедим бегуноҳгина бўлиб.

Сулаймон ака ҳар галгидек стол ёнида ўтирган бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Йўқ, дераза олдида турган экан. Деразадан тушган нур йўл-йўл шойи кўйлагини ёритиб, ичидаги майкасини тасмаси кўриниб турибди. «Кесинлар, ўртоқ Шомуродов, кесинлар! Шундоқ киши ташриф буюрадилару...»

Йўқ, бу сафар унақа демади.

— Киравер, Музаффар! — деди хотиржам, ҳатто меҳрибон овозда. Қўрқиб кетдим. Нима бало, бу гал гуноҳим оғирроқ шекилли...

Иккиланиб ичкари кириши билан атлас кўйлак кийган хотин югуриб ёнимга келди. Бурчакда турганини кўрмабман. Бу қайси муаллима бўлди? Атлас кўйлак киядиган ўқитувчимиз йўқ эди шекилли. Хотин ўша заҳоти маҳкам қучоқлаб олди. Чўчиб тушдим. Димоғимга гунафша ҳиди урилди. Хотиннинг илиқ, нам лаблари пешонамга, юзларимга, кўзимга ёпишди. У мени тинимсиз ўпар, унсиз йиғлар эди.

— Музаффар! — деди энтикиб. — Уғлим!

Танидим. Гунафша исидан, иягидаги холидан... Қулоғимга билагузук жаранги эшитилгандек бўлди. Аммо бу сафар қўлида билагузук йўқ эди.

— Вуй, бўйингни қара! Катта йигит бўп кетибсан-ку! — у ёш тўла кўзлари билан жилмайиб, тағин бағрига босди. Негадир ўзимни олиб қочмадим. Ушандан кейин уни унутиб юборган эдим. Аммо тушимга кирганди. Йўқ, тушимда аниқ кўрмаганман-у, лекин... кўрганман. Кейин яна эсимдан чиқиб кетган. Билмайман. Ишқилиб кейин ҳам кўрганман...

У мени бағридан чиқармас, йиғлаб туриб кулар эди. Нимагадир кўнглимга ғулғула тушди. У эса маҳкам қучоқлаб олган, нуқул «вой, бўйингни қара!» деб қайтарарди.

— Хўш... — Сулаймон ака томоқ қирди. — Танаффус бошланмасидан гаплашиб ола қолинглар. — У эшик томон юрган эди, хотин мени қўйиб юбормай ўгирилди.

— Кетманг! — деди секин. — Шу ерда бўлганингиз яхши.

Директор тўхтаб қолди. Хотин ихчам сумкачасини шиқиллатиб очиб, рўмолча чиқарди. Кўзёшларини артди. Кейин негадир менинг ҳам юзимни артиб қўйди.

— Музаффар! — деди кўзимга термилиб. — Сен энди катта йигит бўлиб қолдинг. Яқинда еттини битирасан. Мени биласан-а?

Индамай директорга қарадим.

— Биласан-ку ахир, — хотиннинг лаблари титраб кетди. — Эсингдан чиқдим, олдин ҳам келгандим-ку! Кейин яна келдим, кўп келдим. — У энтикди. — Сен мени кўрмасанг ҳам, мен сени... — У Сулаймон аканинг бетоқат бўлаётганини сезди, овози тетиклашди: — Ўғлим, — деди паст, бўғиқ оҳангда. — Қулоқ сол. Еттинчини битирганингдан кейин Қўқонга борасан, хўпми? Синглинг бор — Насиба... Эсингдами, олдинги сафар ҳам айтгандим. Насиба-чи, олтинчида ўқийди. Акам қачон келадилар, деяпти. Шунча йил даданг билан турдинг, энди мен билан турасан, майлими? — у жилмайди. — Ўша ерда ўнинчини битирасан. Фарғонада институт бор. Кириб ўқийсан, бўптими?

Директорнинг олдида уялиб кетдим.

Сулаймон ака катта-катта қадам ташлаб у ёқдан бу ёққа бориб келар, негадир асабийлашар, юзи қизариб кетган эди.

— Келишдикми, Музаффар? Домлангни олдида ваъда берасан-а? Негадир яна юрагимга қўрқув тушди. Юзимни ўгирдим.

— Синглим, — Сулаймон ака рўпарамизга келиб тўхтаб қолди. — Айтдим-ку, бунақа ишни суд ҳал қилади. Нима кераги бор, болани қийнаб!

— Биламан! — хотиннинг кўзлари чақнаб кетди. Овози қатъият билан жаранглади: — Судга қатнайвериб, қонун кодексларини ёд қилиб юбордим. Етар! Музаффар энди ёш боламас! Ўз тақдирини ўзи ҳал қилади. Бола нима деса — шу!

Юрагимга баттар ваҳима тушди. «Обкетиб қолса-я! Нима қиламан Қўқонда?»

Ҳов ўшанда келганида Омонни йиқитганим, «ўгай» деб бақирганим, ойим йиғлагани эсимга тушиб ёмон кўриб кетдим уни.

— Шунақа дейсиз-ку, лекин... — Сулаймон ака негадир қизариб кетди. — Ҳар қалай, болани тарбиялаган отаси бор, онаси бор...

— Тарбиялаган... — хотин шахт билан директорга ўгирилди. — Аҳволини қаранг! Бу кетишда фирт безори бўлади-ку, бу!

— Нимага безори бўларкан! Аҳволига нима қипти? — директорнинг ҳам овози қатъийлашди. — Нима қипти аҳволига? Эътиборингиз учун айтиб қўяй: Музаффар шўх бўлсаям энг қобилиятли ўқувчимиз! Хоҳласа, ҳамма фандан «беш» олади. Теплицада лимон ўстиряпти.

Алам қилиб кетди! Нимага мени безори дейди? Нимага директорнинг олдида уялтиради?

Хотиннинг қўлидан юлқиниб чиқдим у эшикни тарақлатиб ёпганча йўлакка отилдим. Орқамдан йиғи аралаш илтижоли хитоб янгради:

— Музаффар! Тўхта!

Югуриб ҳовлига чиқдим-да, ойналари офтоб нурида яхлит кўзгудек ярақлаб ётган теплица олдидан ўтиб, ўрикзор томонга чопдим. Боғ ичига кириб кетаётганимда яна ўша илтижо эшитилди:

— Музаффар! Ўғлим!

Нима учундир тўхтаб қолдим. Эсладим! Уни тушимда кўрганман. Ҳов ўшанда келиб кетганидан кейин уч-тўрт марта тушимга кирган. Уйғониб кетиб, қўрққанман. Ҳозир ҳам қўрқардим. Қочиб кетгим келарди-ю, бир нима тўхтаб қолишга мажбур қилар эди. Ўша нарса нималигини билмасдим.

Орқамдан ҳарсиллаган овоз, шошқинч қадам товушлари эшитилди: — Болам!

Димоғимга яна гунафша ҳиди кирди. Йиғлагим келди. Билмайман, балки гунафша иси кўзимни ачиштиргандир. Балки уни тушимда кўрганимдаям йиғлагим келгани энди эсимга тушгандир.

— Бормайман! — дедим ер тепиниб. — Ўз ҳолимга қўясизми-йўқми? Ҳеч қаёққа бормайман! Тинч қўясизми-йўқми?!

У юзимга бирпас ҳайратланиб қараб турди-да, икки елкамдан тутган қўлини тортиб олди.

— Тушундим! — деди секин. — Бўлди, Музаффар, ҳаммасини тушундим. Кечир мени, ўғлим... — У ўкинч билан хўрсинди. Кўзларига жиддият чўкиб узоқ қараб қолди. Икки кўзи менда бўлса ҳам чамаси ҳеч

нимани кўрмас, хаёли бошқа ёқда эди. — Музаффар, — деди секин. — Сен ёш боламассан, яхши ўқи, хўпми? Эрта-индин катта бўласан, — у негадир жилмайди, — мактабниям битирасан, — деди овози титраб. — Кейин ҳаммасини тушунасан. Ушанда Қўқонда онам бор эди, деб сўроқлаб борсанг бошим осмонга етади. Фишткўприк маҳалласида турамиз, вокзалдан узоқмас. Раъно опанинг уйи қайси десанг... Шошма... — кипригига илиниб қолган ёшни сидириб ташлаб, тагин сумкасига қўл суқди.

— Бугун нечанчи числолигини биласанми?

— Билмайман! — дедим кўрслик билан.

— Ун иккинчи май, — у яна жилмайди. — Жиннивой! — деди эркалаб. — Бугун сенинг туғилган кунинг. Ун тўрт ёшга чиқдинг..

Хайрон бўлиб, бошимни кўтардим. Тўғриси, бугун туғилган кунимлигини билмасдим. У ёғини айтсам, шу пайтгача уйимизда ҳеч кимнинг туғилган куни байрам қилинган эмас.

У қўллари қалтираб, сумкачадан тўрт буклоғлик дўппи чиқарди. Яп-янги! Гармдори гулли!

— Қани кийиб кўрайлик-чи! — дўппини бошимга кийгизди-да, бир қадам орқага чекинди. Юзимга термилиб узоқ томоша қилди. — Қара, лоп-лойиқ келди, — деди кулимсираб.

— Керакмас! — қўлим билан ушласам дўппи кир бўлишидан қўрқиб икки билагим билан еча бошладим. — Узимники бор.

— Музаффар! Хафа бўламан, — у кафти билан шоша-пиша дўппини қайтадан бошимга бостирди. — Эсингдами, ҳов анави гал келганимда дўппинг менда қолиб кетган эди. Ўрнига ўрин олиб келдим. Бошингдан ечма, хўпми?

У дўппини яна ечиб ташлашимдан кўрққандай елкамга қоқди.

— Борақол энди...

Нарироққа бориб бурилиб қарасам, ҳалиям тикилиб турибди. Шимарилган почам оёғимга урилиб ғашимни келтира бошлади. Почамни қайтариб тушираётсам яна чопиб тепамга келди...

Она ва бола  
дундан ҳиссиётлар  
саломий, шондор  
ва тасвирлар ташқан.  
Бу мавзуда авторнинг  
таърибаси муҳим.  
сезилиб турибди.  
2085

Давоми келгуси сонда.

Воқеалар, таъриҳлар бугун,  
лекин ҳарҳолтедлар серил-  
майди, лекин. Фақатгина,  
Парча қўнига ўзгани олинган  
турибди. Раъно келганини  
характеристика енгиллик, ўзгачани  
аломатларини бўлмаса (кўнани  
ўта ҳаройил муз-мувоҳарлар  
шундай бўлади) у ўзгачани  
бўзотига келинганда бу му-  
ликнингдан, автор ўзига ва Раъно  
менда келиб қолган

Бугун, Ваҳодани, афсус  
манзилларда раъно қилган ил-  
лар (Раъно ва ўзини оиди си)  
ўзини оидани оидани раъно  
эри. (Воқеаларда шундай, она си  
ўзини қайтаси, Ваҳодани  
уйига даъво афсус туриши... ).  
Дунда ва воқеалар ҳарҳолтедлар  
ва ҳарҳолтедлар. Булар дунда  
муҳимлик бўлганда, лекин  
таъриҳларда, оиди ҳарҳолтедлар  
қилганда, ҳарҳолтедлар. Бу-  
қўнига кўнани қилганда  
ўзгачани ўзгачани, ўзгачани  
ўзгачани сериллар.  
ўзгачани ҳарҳолтедлар автор қада  
қайтаси. Булар, ҳарҳолтедлар  
ўзгачани си ўзгачани, лекин бу  
қилганда шундай.  
Ушундай ҳарҳолтедлар  
ўзгачани ҳарҳолтедлар сериллар.  
Булар қилганда ҳарҳолтедлар у-ўзгачани  
қилганда.



## Шавкат Раҳмон

### ОЙЛАРГА ЕТАЖАК НАВОЛАР

#### Яхши ният

Эртага ёмғирлар келади,  
гуркираб яшнади ҳаволар.  
Хулволар келади, ҳулволар,  
ойларга етажак наволар.

Эртага болалар куч олиб,  
кунларни ўрнидан жилдирар.

Шу қадим дунёнинг шамоли  
юрагинг ёнида жилдирар...

Келажак бор ҳали бағрида  
юз мингта қуёши порлаган.  
Ишонма, ҳеч қачон ишонма,  
қўлида қуроли борларга.

\* \* \*

Жангда ўлган эмас  
бирор баҳодир,  
бари ҳалок бўлган хиёнатлардан;  
тошдай ухлаганда тўшларин очиб  
ё заҳар қўшилган зиёфатлардан.  
Бирор асотирда  
баҳодирларни,  
ҳаттоки, юз бошли аждар емаган,  
минг бир синоатли ялмоғизлар ҳам,  
тоғларни ўйнаган девлар енгмаган.  
Бари ҳалок бўлган хиёнатлардан,  
барига орқадан санчилган ханжар;  
азалдан шундайдир, ҳар тош тагида  
минглаб баҳодирлар ётган ватанда.  
Ҳар гал баҳодирлар йиқилар экан  
куракка санчилган номард тифидан,  
қайта тирилгандай бўларди ногоҳ  
ҳар бир болакайнинг қорачиғида...  
Ишонгил,  
ҳеч қачон сени алдамас





софдил элатларнинг асотирлари:  
бирорта баҳодир ўлганмас жангда,  
кўрқоқлар ўлдирган баҳодирларни.

## Сув ила мулоқот

Улуғвор қоялар салтанатида  
офтобнинг йиғилган шуълаларидай,  
сирқираб ётибсиз тошлар оралаб,  
бокира сувларим,  
гўзал сувларим.  
Туташди нафасим нафасингизга,  
узоқ титраб турди жисмим торлари,  
қушдай потирлади ҳовучларимда  
шу қадим дунёнинг  
тирик қорлари..  
Тоғлардан сирғалиб тушар оҳиста  
чексиз воҳаларнинг қоронғилари.  
Қаерга шошасиз, бағримни ўртаб,  
бинафша,  
нилуфар,  
ёронгулларим...

Мен ким—эзгуликнинг  
элчиси шоир,  
Сиз ким — гўзалликнинг  
миллион оҳуси.  
Айни шу лаҳзада самолардан ҳам  
юксакдир  
гўзаллик тўла ҳовучим...

Бироқ нега ёлғиз,  
нега айримиз  
шу мангу, шу ёруғ, содда дунёда?  
Қачон келар экан  
бу қирғоқларга,  
қачон келар экан адашган одам.  
У кезиб юрибди аллақайларда,  
мангуликни бўлиб,  
ўраб симларга,  
бир телба шиддат-ла бузиб борлиқни,  
беҳуда алданиб аллакимларга.  
У ҳали бу ерга етганича йўк,  
ташлагани йўқдир ҳали туғларин..  
Куну тун кутасиз уни интизор,  
бокира сувларим,  
гўзал сувларим.

Бир куни ҳис қилиб алданганини,  
минг йиллик йўллардан пиёда келар,  
ногоҳ сизни кўриб ҳовучларида,  
асрлаб-асрлаб йиғласа керак.

\* \* \*

Шавкат Раҳмон деган  
бир ўжар шоир,  
бир куни қайтадан яраладими?  
Ҳаётим маънисин жуда кўп ўйлаб,



сайладим сўзларнинг  
сараларини.  
Ҳар бир сўз  
юз сўзнинг ўрнини босар:  
Ватан, Халқ, Жасорат, Кураш, Озодлик.  
Ҳар бир сўз етади юзта умримга,  
ҳар бир сўз руҳимга  
бағишлар ёшлик.  
Ҳозирлик кўраркан буюк сафарга,  
пуштиранг пардали минглаб дарчадан  
мўралаб ўтирган гўзал сўзларни  
қолдириб кетаман энди барчага.  
Аслида, француз атрин таратган  
бу ўйноқи сўзлар меникимасдир.  
Менга нондай зарур,  
қиличдай кескир,  
самимий дўст каби сўз бўлса басдир.  
Сайладим сўзларнинг сараларини,  
курашлар шамоли кирди назмимга.  
Эгилмай яшайман  
тўғри кунларда —  
эгилган нарсалар тегар ғашимга.  
Энди ишлаш керак бу кенгликларда  
токим берилмасин алдовга ҳеч ким;  
токим буюк ўйлар салтанатида  
эгилган бошларни  
қиличлар кессин.

## Офтоб ва офтоб нурлари ҳақида афсона

Миллионта йилдирим  
чақнар тўсатдан,  
булутларга дўнар абадий қорлар.  
Нурларга ғарқ бўлиб,  
чайқалган ерга  
Офтобнинг бағридан тушди тулпорлар.  
Гуркираб юксалган бир яшил олам  
яшил кўлкаларин ташлар қирларга.  
Чўнг тоғлар уйғонар,  
сайрайди сувлар,  
дунё тўлиб кетар ёруғ сирларга.  
Офтоб салобат-ла,  
чеҳраси яшнаб,  
боқаркан яшиллик қўнган даштларга,  
ногоҳ бир чайқалди  
бор коинотни  
титратган даҳшатли, ўткир саслардан.  
Не кўз билан кўрсин,  
қалайи нигоҳ  
ҳам темир човутли ёвуз сайёдлар  
тинсиз арқон ташлар,  
кўкка сапчирди  
бир олов оқимдай айланган отлар...  
Наҳот кечагина ғорлар тубида  
бир томчи ҳарорат,  
бир томчи ёғду  
сўраб ёлборганлар,



буюк Офтобни  
 койнот қаъридан чорлаганлар шу?!  
 Офтоб ўйлаганди пок ният билан  
 бағридан бераркан мўл-кўл ҳарорат:  
 «Ҳурликка интилсин,  
 тулпорларимда  
 гўзал оламларга қилсин саёҳат».  
 Орзуси пок эди  
 Офтобнинг, бироқ  
 сайёдлар қўлида айланар арқон.  
 Заминга яхшилик, нурдай ёйилган  
 Тулпорлар изидан ёлқинланар қон.  
 Маконлар хор бўлди,  
 миниб отларни  
 учқур шамолдан ҳам жадал еларкан,  
 кўҳна кекларини тўғдай кўтариб,  
 бир-бирин шафқатсиз қирди элатлар.  
 Офтоб айланаркан,  
 четлаб ўтади  
 заминга уйилган муз тоғларини...  
 Ташлаб ҳам кетолмас буюк бағридан  
 абадий узилган тулпорларини.  
 Тулпорлар,  
 ёллари тирик аланга,  
 совуқ ярақлаган кўзлари ғамгин,  
 бу чексиз заминдан буюк Офтобга  
 қайтмоқчи бўлгандай чопади мангу.  
 Неча минг йилларким,  
 Офтоб изидан  
 тинимсиз талпиниб чопади отлар,  
 Офтоб ўша-ўша,  
 замин ҳам ўша,  
 тинимсиз алмашар фақат сайёдлар...

## Гуржистон мозаикаси

Ким сени бунчалар  
 суйиб асраган,  
 ўткинчи давронлар човутларидан,  
 пориллайсан қонмас,  
 шудринг сачраган  
 навқирон аскарлар совутларидай?!  
 Бунда борлиқ ўйлар гуржи тилида,  
 шу тилда сўйлайди бунда ҳар нарса.  
 Минг-минглаб йилларким  
 гуржи кўзи-ла  
 оламга қарайди саноксиз харсанг.  
 Гуржистон,  
 ўйноқи дарёларинг бор,  
 саслари жаранглар қизларникидай,  
 минг битта ташвишнинг оғирлигидан  
 ҳарсиллаб оқмайди бизларникидай.  
 Беғам ва бокира далаларинг бор,  
 юзларини тўсган ёмғир тўрлари,  
 миллион йил кутсанг ҳам  
 манглайларида  
 оқариб, бўзариб чиқмас шўрлари.  
 Жаннатсан —  
 яшайсан афсоналарда,



шоирлар дилидан чиқмаган шеърсан.  
Миллионта гуржини  
битта гуржидай  
бошинга кўтарган бақувват ерсан.  
Гуржистон,  
кўп қадим қўшиқларинг бор  
ҳар битта гуржининг юрак кунжида,  
шодлик келганда ҳам,  
қайғу келганда,  
бир гуржига дўниб куйлар гуржилар.  
Куйлашар —  
ўрмондай гуркирар ўтлар,  
Куйлашар —  
минглаган қуёшлар балқар,  
нақадар бахтсиздир,  
нақадар гўлдир  
ягона қўшиғи бўлмаган халқлар.

Куз эди.  
Гуржистон бир олма каби.  
Мармар кўчаларда нурлар шарқирар.  
Кезардим, кезардим,  
аммо хаёлдан  
кузги Ўзбекистон чиқмасди сира.


\* \* \*

Аскарлар йиқилди —  
кўзлари очик,  
йўқ эди кўзларин ёпадиган қўл,  
на тупрок,  
на фурсат қўли ёполмас,  
ёполмас ҳаттоки босиб ўтган йўл.  
Шўрлик Осиёдан  
Оврупо бўйлаб  
Олмон ерларига туташган йўллар,  
сўнгсиз тепаликлар,  
қора ўрмонлар  
абдий очилган кўзларга тўлган.  
Майсадай гуркираб ўсар нигоҳлар,  
Машаққат-ла ёриб ернинг қатини,  
шамолда тебраниб,  
кузатар гўё  
авлодларнинг ҳар бир ҳаракатини.  
Гиёҳлар кирмасми тушларингизга,  
безовта қилмасми кўзлар овози.  
Мудҳиш бир сувратдир аччиқ Оврупо —  
тирик нигоҳларнинг  
буюк мозори.  
Товонларим қақшар  
босгандай гўё  
миллион аскарларнинг очик кўзларин,  
жасадим кўради — агарда ётсам,  
шеър ёзган чоғимда  
кўрар қўлларим.  
Адашар, ўлганлар кўрмайди, дея  
инсонлик номини сотиб юрганлар,  
ишратни суйганлар,  
учқур вақтдан  
кўрқоқ кўзларини юмиб турганлар.

Юлдузсиз осмондай бу чуқур кўзлар,  
сўнган юлдузлардай сон-саногии йўқ.  
Топилмас,  
топилмас абадул-абад  
аскарлар кўзини ёпадиган кўл.

## Ёш ўзбек шоирларига

Сўзларни қайрайлик,  
обдан тоблалик,  
идрок-ла совутиб, тагин қайрайлик.  
Ўзбекнинг қоракўз болаларига  
битта дунё қолсин ҳайратлик.  
Битта дунё қолсин мустаҳкам,  
эшилган пўлатдай дарёлар қолсин,  
чақилмас тошлардай бир тоғлар қолсин,  
мусаффо хаёллар,  
самолар қолсин.  
Сўзларни қайрайлик,  
дўстлар, жўралар,  
ғафлат тўшагида ётмай, шошайлик:  
яшамоқ, курашмоқ, ўлмоқ сирларин  
болакайлар учун очайлик.  
Битта дунё қолсин мустаҳкам,  
унга посбон бўлсин ўткир шеъримиз,  
токим бу дарёлар бемалол оқсин,  
болаларга қолсин жаннат еримиз.  
Сўзларни қайрайлик,  
тагин қайрайлик,  
токим кескир бўлсин бамисли олмос.  
Ўткир сўз қолмаса шоирларидан,  
Ўткир сўз қолмаса...  
ҳеч нарса қолмас.



Турсун Иброҳимов



## Илдишлар

(Икки баллада)

### Чинор

Уруш қурсин... Уруш!..  
Халқдан

1

Туманларнинг орасида туманлар янглиф  
Кекса чинор бастин бўйлаб ўйлар кечмишдир.  
Мулзам кеча, мулзамгина йўлакда ёруғ,  
Олам музтар хонадоннинг нурин ичмишдир.

Куз кунлари, нураб битган деворда туман,  
Шох-шаббадан ямоқлари, шаббалар тинсиз.  
Нуқси кетган шийпонда-ю, ишқомда туман,  
Хас-хазонлар суринади, инграйди унсиз.

Ертўлада эски пичан, йўқдир от-улов,  
Тул жувондек ой сочларин қўяр тароқлаб.  
Юлдузлар йўқ, бир-бирини қилмоқдами ов,  
Анҳор оқар чинор шохин юлқилаб, чайқаб.

Хуркаккина онлар ўтар, ўтарлар дамсиз,  
Нос отганча дамлар пойин кузатмиш бобо:  
«Йўлда туман, дилда туман, туманлар ғамсиз...  
Кўрсам дейман, тўйсам дейман... Сунгги муддао!..»

2



Туташ уй: айвонли, равонли,  
Томлари тунука, бўёқсиз.  
Сувоғи қий билан сомонли,  
Эшиқлар тамбали, чироқсиз.

Қачонлар сингандир ойнаси —  
Кечмишдан илашган яралар.  
Томчилар—туманнинг сийнаси,  
Силкинар нам тортган пардалар.

Ичида кўру кут бордаин,  
Келинга, куёвга яровчи.  
Қўш уйга қўш дунё тордаин,  
Қайда у рўзғорга қаровчи?!

Кечада қанчалар қаноат,  
Шамолга суйканган парда жим.

Ерданми, кўкданми маломат,  
Илинган қўш сочиқ дорда, жим...

Ёнида жўн кулба, кўримсиз,  
Чироқли, қария ўлтирар.  
Чамаси ўйлари унимсиз,  
Нос отар, чилими кулдирар.

### 3

«Чилимдан чинимни топмагандим, ман,  
Чилимдан чинимни топарманми, ман,  
Олди этагимни ёпмагандим, ман,  
Орқа этагимни ёпарманми, ман...

Шунчалар кўргулик бошда бормиди,  
Дунёнинг ташвиши менга зормиди?!  
Чийрилиб-чийрилиб арқон бўлмадим,  
Хирмон кўтардим у хирмон бўлмадим...

Етим эдим бошдан, етдим деганда,  
Кўрдим кўргилигим, кетдим деганда,  
Қариган чоғимда сўққабаш, етим,  
Чироғим сўнарми, қурирми шўрим...»

### 4

Қисир-қисир... Синдиларми чинор шохлари,  
Қўноқларда қўнишмаган қушлар учдилар.  
Анҳор бўғиқ шовуллаиди — тўлқин чапани —  
Туманларнинг этагидан бода ичдилар.

Туман — бода, гумон — бода, қувончлар — бода,  
Ноғиҳонда ҳушни олмиш, айламиш сархуш.  
Кутилмаган синоатлар еру самода,  
Бирисидан тан қизиса, биридан совиш.

Чинор қалқир, хазон босган катта супада  
Тўшалганча йиғилмасдан ётади намат.  
Сандироқлар дилтанг туман — куйик увада,  
Унинг учун балки бу тун энг сўнги бекат.

Шосупада кимлар бўлган, кимга у муштоқ,  
Қани адрас кўрпачалар, лўла — болишлар?  
Совуқ шамол дилдирайди кезиниб бу чок,  
Қўноғини тополмасдан чирқирар қушлар...

### 5

Кўнгли муз, бўларми иситиб,  
Елғизлик ёнбошин ёндирар.  
Чол яна чилимни бурқситиб  
Қонмаган ўйларин қондирар.

Тутунни ютади ютоқиб,  
Дол қаддин тутарми тутунлар?  
Кутганин кўрсайди бир боқиб,  
Ухлашар хаёли бутунлар.

Ҳа, улар бир чорбоғ нарида,  
Хабардор нонидан, тузидан.  
Қор ёғса бошларга агарда  
Курашга ортарми ўзидан!..

Чорлади қўшни-ю, хешмиди,  
Ўтинди ҳатто юрт оғаси.  
Пир этиб учмади, қушмиди,  
Кўнмади, тилинди яраси.

Тун тиғдай бағрига ботади,  
Воҳ, кушми, тўпидан айрилган.  
Улмаин ўлгандай ётади,  
Учолмас, қаноти қайрилган.

6

«Бу қандай кўргулик?!  
Йўлда йўлдош топиб йўлдошлик қилдим,  
Йўриғига юрдим, сирдошлик қилдим,  
Қўллаш керак бўлса қўлдошлик қилдим...  
Не бағри тошлик қилдим?!

Уф!..

Болага боладай боққан эдим-ку,  
Тенгу тенгдошларга ёққан эдим-ку,  
Юмуш бўлса сувдай оққан эдим-ку?!  
Хув!..

Онамдан қолгувчи қон бўлгандим-а,  
Қотмасин қон деб гирён бўлгандим-а,  
Соврилиб-соврилиб дон бўлгандим-а,  
Бир уй жон бўлгандим-а...

А-а!..»

7

Маҳалланинг хўрозлари илк бор қичқирди,  
Унинг шапкўр хўрози ҳам қўйди ҳиқиллаб.  
Кўкда, кимнинг куни битди — бир юлдуз учди...  
Тун кечмоқда, тун кечмоқда базўр имиллаб.

Узоқларда ҳаққуш сайрар, сайроғида мунг,  
Кошки эди учар юлдуз бир ўзи учса.  
Энди у зот ким бўлса ҳам тупроқ билан тенг,  
Хайҳот, тоғ ҳам мункиб қолар бир тоши кўчса!

Ўрин-кўрпа... Зилмидики, шийпон қалтирар,  
Кўчиб кетган, учиб кетган ким бўлдийкин, ким?!  
Ҳаққуш ҳамон узоқларда ҳаққидан сўйлар:  
«Туғилмоқ бор, куйинмоқ бор... Ҳам бордир ўлим!..»

Туман ичра элас-элас кўринар шийпон,  
Нам тортганча ўрин-кўрпа ётар, эгасиз.  
Жўмард кекса, юрагида ушалмас армон,  
Чилим чекиб ўтиради, йиғлайди сассиз.

8

Йиғлатмай бўларми уйқуни,  
Бошида чақилса чақинлар.  
Ўтказди кампирин қирқини,  
Юпатиб қайтдилар яқинлар.

Елғизни юпатиб бўларми,  
Елғизнинг юпанчи—вовайло.  
Бўшлиқни бўшатиб бўларми,  
Бўшанмас бўшлиқ-ку, вовайло!..



Олтмиш йил яшади элашиб,  
О, йиллар — бир элак, элади.  
Кетди-ю, ажалга илашиб,  
Жуфтини бўшлиққа беллади.

Ун фарзанд кўрдилар, саккизи  
Қад кўймай тупроққа индилар.

Ёниқ деб иккисин юлдузи  
Ушалмас армонни йўндилар.

Пичирлаб тилаклар тиларди,  
Тиланиб тилаклар битди у.  
Ортимда қолинг, деб куларди,  
Ортида қолдириб кетди у...

## 9

«Усмон... Усмон... Усмон-а!..

Кеча кулдириб ўтиргандинг, кампир,  
Уйни тўлдириб ўтиргандинг, кампир,  
Болаларни эслаб, эздан адашсам,  
Овитиб, кўндириб ўтиргандинг, кампир...

Кампир... Кампир!..

Хайру саодатим экансан, билмабман,  
Сабру қаноатим экансан, билмабман,  
Омонатим экансан, билмабман...

Билмабман!..

Кетдинг, қайтмас бўлиб кетдинг...

Хасми-ҳалолим эдинг...

Иссиқ жон, мендан оғриган бўлса дилинг,  
Сен рози бўл, мен розиман...

Кетдингми-я!..»

## 10

Қилт этмайди кекса чинор, у дамлар қани,  
Тонг отмоқда отар тонгнинг нурлари хира.  
Илдизига болта теккан, қақшаган тани,  
Ёниб-ёнмай қолган шохлар ундан хотира.

Бачкиси йўқ суянишга, олганми аёз,  
Сўқмоқларга эгилганча ҳолсиз турар у.  
Мизғиб олган шамолларга айтгандайин роз,  
Гоҳ кулишиб, гоҳ чалишиб оқиб борар сув.



Тепасида қанот қоқар қушлар сайрашиб,  
Улар учун қоқшол қадди бўлолмас қўноқ.  
Ўтин энди, қаердандир жойлар танлашиб,  
Кимлар, балки қазимоқда каттакон ўчоқ.

Титраб кетди, узилдими энг сўнгги томир,  
Туман тутар... наҳот энди дунё унга тор?!  
Ёлғизликнинг сўник оҳин эшитмоқ оғир,  
Еру само йиғи очди, мункиди чинор...

## 11

Мирусмон, Мирмақсуд атоғлик  
Ўғиллар бор эди бошида.  
Оҳ, улар — дамлари саноғлик —  
Киприкка илинган ёшида.

Ҳовлиқар, англамас ҳолатин,  
Қанча йил интизор кутганди.  
Кўролди ўғиллар савлатин,  
Ўлмапти, урушга кетганди.

Қария кўзларин юмолмас,  
Киприги букилиб кетса-я!  
Кўрди у, айрилиб қололмас,  
Ёш билан тўкилиб кетса-я!..

Хайрият, қайтибди, хайрият,  
Битди-я битмаган яраси.  
Бўларкан шундайин ҳамият,  
Кўрмайин кетса-я онаси!



«Мирусмон, Мирмақсуд... Онаси,  
Кутгандинг, кўр энди тўйгунча!..»  
Йилт этди кўзининг қораси,  
Ногихон қулади ҳўл мижжа...

## 12

«Кутганнинг кўзи ёрир...  
Келишди... Кел-кел Усмон, кел-кел Мирмақсуд!  
Э, отагинам... Келинг,

келинг, волидам!..

Билишибди-я, келишибди чақалоқлар ҳам...  
Бўлдик жамулжам!..

Шийпонга чиқинглар!  
Мирусмон, чамаси, сен солганмидинг?  
Ҳа, ҳа, сен... Ясатиғлик, қара!

Э-ҳей, ким бор,  
сиқилишиб қолмайлик яна,  
Жой қилинглар супага, чинор тагига...  
Уйимизда тантана!..

Яхши... Яхши...  
Сўрашиб ишташмоқ, дийдор кўришмоқ,  
Дийдорларга тўйишмоқ, яхши!  
Кўришдик... Дастурхонда, нонми-ей, камрок,  
Биз бориб келайлик, кетдик онаси...  
Кетдик!..»

## СўНГ

У кетди...

Қайтмас бўлиб кетди.  
Елғизман, дерди, эмас экан елғиз,  
Ортида ардоқли қолган экан из.  
Қошига йиғилди хешу ақрабо,  
Юм-юм йиғладилар, йиғлади сабо.  
У кетди...

Уруш... унинг бошига етди!  
Маъракада бўлдим, юрак эзилди,  
Ажаб, кўзларимдан сирқимади нам.  
Сабаби:  
умридан қонгандай бўлди,  
Кетарида кетди хотиржам.

## Она

Мен дунёни боладайин олдим бағримга,  
Мудрамоқда қучоғимда: хокисор, маъсум.  
Тамтамлиги ўхшаб кетар ёшлик чоғимга,  
Қувноқлиги, қайноқлиги — нақ менинг ўзим.

Мизғиб олсин, майли пича, болакай дунё,  
Боладир у, боладайин бошин силайин.  
Қуёш эмас, лов-лов ёнган — зар кокил гўё,  
Боқийликда боқий бўлсин, бахтин тилайин.

Асрай дейман дунёимни ёмон кўзлардан,  
Мен куймайин, у қолмасин менинг доғимда.  
Куйлар унсин, кўкат унсин босган излардан,  
Мен дунёни боладайин олдим бағримга!..

## I

Ярим кеча, сокин кеча, ўйларим сокин-сокин,  
Юпқа туман чечакларнинг лабчаларин ҳўлламиш.  
Сокинликда саҳарларнинг ҳаяжони яширин,  
Сахий баҳор саховатли шабадасин йўлламиш.

Боғ-чорбоғда қиш қурими — қор ётар ола-чалпоқ,  
Баданига сув югурган дарахтларда солланиш.  
Ариқларда чаппар урган тўлқинлар апоқ-чапоқ,  
Бўрсиллаган дала-тошда ҳовурланиш, нозланиш...

Юлдузларнинг киприклари учиб турар пирпираб,  
Кўкнинг ойдин ўйларими — тепада ой сузади.  
Қиз балоғат босқичида, пичирлар уйқусираб,  
Кампиргина кулиб кўяр: севги таноб узади...

Шўх, тўпори болакайдаи пиш-пиш ухлайди борлик,  
Кампир бедор ўлтиради, мусичадай беозор.  
Аллакимин кутар чоғи, йўлак чироғи ёник,  
Неки битди пешонага, борини қилди бозор:

## II

«Қувончлари бор дунё,  
Мушфиқ, интизор дунё.  
Яхшиларга кенгдир у,  
Ёмонларга тор дунё.

Кўз очиб кўрган макон  
Аталмиш она-Ватан.  
Она-Ватан ҳаққиға  
Камлик қилар садқа жон.

Кўли бор, кўриғи бор,  
Ризқ-насиб уруғи бор.  
Одамзодни синовчи  
Йўли бор, йўриғи бор.

Дунё дунё эмасдир  
Ўткинчи-ю, ўтарга.  
Дунё дунё эмасдир  
Шунчаки еб кетарга.

Туганмас бир хазина, —  
Меваси, машоғимиз.  
У бир бутун нон бўлса, —  
Кулчаси, увоғимиз.

Боқий, барқарор дунё,  
Мушфиқ, интизор дунё.  
Яхшиларга кенгдир у,  
Ёмонларга тор дунё...»

## III

Чўчиб тушди ногоҳ она, ваҳм қоплади юзин,  
Тушидами ё ўнгида: товуқлар қақолади.  
Ташқарига тикди яна хира тортган кўзларин,  
Товуқларнинг овозини ўзича баҳолади.

Чўкиб қолган, елкасида тўқсон йилнинг юки бор,  
Тўқсон йилнинг қувончи бор, тўқсон йилнинг фарёди.  
Бўлса ҳамки бутун колхоз аҳолиси зурёди,  
Иттифоқо дунё бу чоқ унинг учун тангу тор.

Бир ой бўлди эвараси ўзга юртда хизматда,  
Тани-жони сиҳатмикин, хат-хабар йўқ тайинли.  
Онаизор болам деркан, бола кўнгли далада,  
Ўйга чўмиб силай кетди серажин манглайини.

## IV

«Ажиб замон, омон бўлсин,  
Оёқ чиқарган ҳамма;  
Тинчимайди, тиними йўқ,  
Кўним билмас бир нафас.  
Айтганини кесар булар,  
} На сарҳад бор, на чама;  
Каттакон ер етмагандай  
Осмонни қилар ҳавас.

Не кунларни кўрмадим-а,  
Улмаган кул кўраркан;

Кўп мосуво кунлар эди,  
Ғам-андуҳ эди тайин.  
Шўрлик отам, отагинам;  
Одамман деб юраркан,  
Кўзин юмди қишлоғидан  
Ўзга жойни кўрмайин.

Эслаб қолсам ачишади  
Юрагимнинг бир қати;  
Оҳ, раҳматлик чолгинам-ей,  
Мушукни пишт демасди.

Увра эди, кўмач эди  
Саҳарлиги, овқати;  
Қўлдан берса қуш ҳам тўймас,  
Кўпнинг ҳаққин емасди.

Ёмон замон зайли қурсин,  
Зор қилди, зориқтирди;  
Мардикорга олинди-ю,  
Кетганича қайтмади.  
Икки бола, қақшаб қолдим,  
Ёлғизлик толиқтирди;  
Тақдир экан, ташлаб кетди,  
Дилда борин айтмади.

Тўнғиз кўпгур оқ подишо  
Зулмидан бўлди булар;

Зулм, ситам бўлмаганда  
Ризқ-рўзи узилмасди.  
Совук юзин кўролмадим,  
Кўксимга алам тўлар;  
Кетмаганда... рўзгоримиз  
Бунчалик бузилмасди.

...Тўймагурим, тўқлиғим-ей,  
Намунча бўлдинг саёқ;  
Арзимасми тонг-саҳарлаб  
Момонгга берсанг салом.  
Қаёқларда дарбадарсан,  
Кўзим йўлингда муштоқ;  
Оталаринг босиқ эди...  
Кимга ўхшадинг, болам?!»

## V

Шундай ёнда қиз-эвара, сочлари тўзиб кетган,  
Оқ юзини оқ ёстиққа босганича ухлайди.  
Самбит толдай сурх қомати — етилган, бўйга етган,  
Уйқусида ширин-ширин ўйларини улайди.

Кечагина кампирнинг ҳам сочи эди жамалак,  
Муҳаббатнинг нималигин ич-ичидан туяди.  
Хавас билан термилади бўлиб олиб ғужанак,  
Ниманидир эслаб гоҳо пиқир-пиқир кулади.

Қиз—бировнинг хасми, дерлар, бошқа унинг йўриғи,  
Қариб қолди, тўйин кўрса тўлмас кўнгли тўларди.  
Кўп ёқмайди акасининг дайдилиги, қилиғи,  
Тушмагури орзиқтирмай йўқлаб турса бўларди:

## VI

«Кимга ўхшадинг, болам...

Бошга тушса кўз кўраркан,  
Фақат ўлиб кўрмадим;  
Яхшиямки бахтимизга  
Бўлиб қолди Инқилоб.  
Болаларни ёнга олиб  
Эшик санаб юрмадим;  
Эл қатори қадр топдим,  
Бошимга тегди офтоб.

Яширмайман, шаддод эдим,  
Куч бор эди билакда;  
Қўлда ял-ял Қизил Байроқ,  
Кўчалардан ўтардим.  
Босмачилар чиққанида  
Эркак папоғи бошда;  
Гижинглаган отга миниб,  
«Берданка»ни кўтардим.

Колхоз бўлди, янги турмуш  
Йўл-йўлагин очарди;  
Аҳил эдик, бир майизни  
Бирга кўрардик баҳам.

Кўролмасди душман бизни,  
Гоҳо тегиб қочарди;  
Кутмаганда уруш бўлди,  
Қора кийди бу олам...

Болагинам, сенинг бобонг  
Сўраб қолди фотиҳа;  
Илож қанча жангга кетди,  
Ўт бор эди юракда.  
Бир қийиқча орден-медаль  
Сандиғимда — хотира;  
Юртнинг ҳаққи шукр қилдим,  
Отанг қолди этакда...

Ўзимизда юмуш камми  
Ўзга юртни демасанг;  
Ярим бағрим ўпирилган,  
Қон бўламан ўйласам.  
Осонгина узилгучи  
Ипдайман, билсанг, таранг;  
Доғингда кўз юммай дейман,  
Кимга ўхшадинг, болам?!.

Кимга ўхшадинг, болам...»

## VII

Бу дунё безабондирким бўлмаса тори — Она!  
 На сози ул, илтижоси... Тожи, сардори — Она!  
 Заминнинг ҳам, тирикликнинг тиргаги, аҳди у-дир,  
 Гарчи фарзанд зарра бўлса зари, заргари — Она!

Оташ офтоб оловланмиш: туғи, қарори — Она!  
 Бутун борлиқ иболанмиш: бахти, баҳори — Она!  
 Онаизор орзусидир сарҳадсиз мовий само,  
 Не юлдузлар жилоланмиш: борлиғи, бори — Она!

Яхши тилак тилагувчи... тилагувчи ким? Она!  
 Йиқилганда суягувчи... суягувчи ким? Она!  
 Эй, хаёлот кенгликлари, эшитмай қолманг яна,  
 Нафасларни нафасларга улагувчи ким? Она!..

## VIII

«Кимга ўхшадинг, болам...»

Хат ёзибсан, шод эмишсан,  
 Шодланмайин мен нетай!  
 Давраларда ёд эмишсан,  
 Ёдламайин мен нетай!  
 Не қилайки, онаман мен,  
 Гоҳ кўнгилга қил сиғмас.  
 Не қилайки, кўнаман мен,  
 Кенгликка кўйдинг ҳавас.

Яхшилик деб келиб-кетган  
 Боламнинг боласисан,  
 Оймўмага оёқ етган  
 Замоннинг боласисан.  
 Э-ҳе, ер ҳам катта экан  
 Мундай ўйлаб қарасам,  
 Мен ҳам сендек иш тутардим  
 Ёш бўлсаму ярасам.

Майли, болам, сенча бўлсин,  
 Яхшиликка ярагин.  
 Яхшиларнинг кўнгли тўлсин,  
 Бошчиликка ярагин.  
 Йигитларга ўлим йўқдир,  
 Тиғга ўзин урмаса.

Ҳар нарсага бўлгин қодир,  
 Сен ҳам сийла сийласа.

Ёдингда тут эрта-саҳар  
 Насиҳатим: уқгулик.  
 Уруш, уруш... Ё алҳазар,  
 Бу гаплардан кўрқулик.  
 Тугаб битган шамдайинман,  
 Пилигим лип-лип этар.  
 Яратганинг — мен, онангман,  
 Урушдан хазар, хазар!..

Момом қариб, суюлибди,  
 Дема асло, болажон;  
 Гапларимни жўн гап билиб  
 Кулма асло, болажон!  
 Мадорингман: юз-кўлингга  
 Сочиқ бўлай, болажон;  
 Ётганингда бошгинангга  
 Ёстик бўлай, болажон!..  
 Қайдан билай, қай бир юртда  
 Миробмишсан, эшитсам.  
 Кўп суюндим, сенмисан, а...  
 Кимга ўхшадинг болам?!.

Кимга ўхшадинг, болам...»

\* \* \*

Ҳузур қилиб нафас олди она ногаҳон,  
 Деразага аста бурди хаёлчан юзин.  
 Сочларидай оқараркан тонг ҳам шу замон  
 Онаизор кўзларига тикарди кўзин.

Тирикликнинг эгасига бош эгдим мен ҳам,  
 Қуллуқ қилдим оппоқ тонгга, боғ-чорбоғимга.  
 Назаримда дўмбоққина болайди олам,  
 Унга камол тилай-тилай олдим бағримга.





Эркин Носиров

## НОИНСОФНИ ТУЗ КОНИДА КЎР ЁКИ ҲОЛВАНИ ҲОКИМ ЕР

(Ҳажвий ҳикоя)

Профессор Сулимов кунботарга яқин ўзи ғоят ёқтирадиган кўк чойни майдалаб ўтирганида, телефон чўзиб-чўзиб жиринглади. У, «Ҳойнаҳой бошқа шаҳардан бўлса керак. Ким бўлдийкин?!» дея кўнглидан ўтказди-да, шошиб қолганидан кўлидаги чойи билан телефон ёнига лапанглаб борди.

— Эшитаман... Алё!

Телефончи аёлнинг овози эшитилди:

— Сулимовнинг квартирасими? Гапиринг!

— Алё... — трубкадан овоз келди. —

Сулимов домла бормилар? Мен, Томдидан, Жумабоев бўламан. Омонлашиб кўяйик, дедим-да. Соғмисиз? Оғайнингиз Соғиндиқовни судраб Тошкент боряпман. Чорвадорлар йиғновига. Элатларга салом айтинг. Дийдорлашамиз! — шундан кейин трубкадан қисқа-қисқа гудок келабошлади.

Домла бамисоли қулоғига гувлаган беданадай карахт бўлиб, трубкани чангаллаганича анграйиб қолди. Ошхонада куйманаётган хотини яқин келиб:

Эллингичи йилларнинг охирларида республикамиздаги матбуот органларида ёш журналист Эркин Носиров қаламига мансуб материаллар кўрина бошлади. Унинг лавҳа, очерк ва мақолалари долзарб мавзуларда бўлиб, ўқувчиларнинг эътиборини ўзига тортди.

1964 йилда Эркиннинг илк тўплами — «Устаси фаранг» босилиб чиқди. Тўпламга унинг юмористик ва ҳажвий ҳикоялари киритилган эди. Шундан кейин «Ошналар», «Насибахоннинг табассуми» ва бошқа китоблари нашр қилинди. Булар муаллифнинг ҳикоячиликда маълум тажриба орттириб, қалами чархланиб бораётганидан далolat берди.

Эркин Носиров деҳқон фарзанди. Отаси меҳнатда суяги қотган, ер нафасини сезадиган миришкорлардан. Эркин отасидан кўп нарсалар қаторида деҳқон меҳнатини кадрлашни, табиатни авайлаб асрашни, замин билан тиллашишни ўрганди. У қишлоқ ҳаётини, деҳқоннинг оғир меҳнатини чуқур ҳис этади. Бу ҳол қишлоқ ҳўжалиги мавзусида ёзган очеркларида, лавҳаларида, публицистик намуналарида яққол сезилиб туради. Қаламкаш дўстим билан «Давр даъвати» ва «Келажакни ўйлаб» деб аталган публицистик ва очерклар тўпламлари устида иш олиб борганимизда, озарбайжонлик адиб Имрон Қосумовнинг «Инсон меҳри» пьесасини ҳамкорликда таржима қилганимизда, ижодий сафарларда бўлганимизда унинг қизиқиш доираси кенг эканлигига ишонч ҳосил қилганман.

Эркин Носиров ўтган йиллар ичида тинимсиз ишлаб, малакали таржимон сифатида ҳам танилди. У жаҳон адабиёти, рус ва қардош халқлар адибларининг жуда кўп асарларини ўзбек тилига ўгириб, маданий бойлигимизга бойлик қўшди. У таржима қилган роман ва повестлар А. С. Пушкин, М. Горький, Т. Драйзер, В. Майнк, А. Страшимиров, Э. Урбан, К. Паустовский, Ю. Бондарев, И. Шамякин, И. Стаднюк, А. Кешоков ва бошқа таниқли сўз усталарининг бадиий хазинамиздан муносиб ўрин олган асарларидир.

Бугунги кунда умрининг эллингичи санасини нишонлаётган қаламкаш дўстимизнинг дилида эзгу ниятлари ва режалари анчагина. Биз ҳар жиҳатдан навқирон қаламкаш дўстимизга бундан буён ҳам кўплаб ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Комил ЯШИН.

«Тинчликми, дадаси?» деганда ҳам серрайиб турар эди. Сулимов сал ўзига келиб трубкани жойига қўяркан, бошига оғир ташвиш тушган одамдай хайратли бир оҳангда:

— Шўрим қуриди, хотин. Уйингни меҳмон босадиган бўлди... — деди.

— Қанақа меҳмон? Тушунтириброқ гапирсангиз-чи!

— Томдидан келаётган меҳмонлар. Борганимда мени роса эъзозлашганди, — деди Сулимов, бирор ёмон қилғилик устида қўлга тушган боладай ерга қараб.

— Меҳмон-пеҳмонингиз билан ишим йўқ. Бир ҳафтадан бери белимни ололмайману, меҳмон эмиш! Жа, ўшалар икки туғиб, бир қолганим бўлса ҳам. Борганингизда меҳмон қилган бўлишса қилишгандир. Биламан, ёнларидан бир тийин сарфлашмаган. Жа, битта-яримтаси уйига чақириб, меҳмон қилган бўлса, исталавойда нон-чай қила қолинг.

Хотин яна нималарнидир жавраганча ошхонага кириб кетди.

Сулимов бундай қараса, хотинининг гапи тўғри. Чиндан ҳам Томдига борганида бирон хонадонга ҳам бош суқмаган, бутун зиёфатлар нуқул колхоз-совхозларнинг меҳмонхоналарида ўтганди. Ногоҳ кўз олдидан Томдида кўрганлари жонларини ўта бошлади.

...Профессор Сулимов қир-адирлар кўк бахмалга бурканган кезларда Томди яйловларидаги чорвадорлар орасига аралаш озуқалардан ўринли фойдаланиш мавзусида лекциялар ўқигани борганди. Томдиликлар аралаш озуқадан қандай фойдаланишни Сулимовдан кам билишмаса ҳам, уни сира зериктиришмади, роса кўтар-кўтар қилишди. Профессор қайси хўжаликда бўлмасин, зиёфатга битта қўй қурбон бўлар, ўтириш жонвор ҳам то ой бутгунча чўзиларди. Шундай зиёфатларда эпчил чорвадорлардан Жумабоев билан Соғиндиқов деганлари доимо домланинг пинжида бўлишди. Сулимов ўшалар туфайли чорвадорларнинг анча-мунча удумларини ўрганиб олди. Айниқса олдига қўйнинг калласи лаганда келганида пичоқ билан ҳар кимнинг ўзига яраша лутф қилиб, калла гўшти улашиш санъатини яхши ўзлаштирди. Бир марта десангиз жуда қизиқ бўлди. Давра каттароқ эди, Сулимов анча-мунча одамга жаз улашишига тўғри келди. Пойгакроқда ўтирган бир чўлиққа калланинг тумшук қисмидан озгина гўшт қолди. Даврадагиларнинг бари, домла бунга қанақа гап топиб айтаркан, деб турарди. «Тумшугингизга сира ҳам таёқ тегмасин, укам», деб гўшт тутганида, бошқалар уёқда турсин, чўлиқнинг ўзи ҳам яйраб кулди.

Ҳозир эса ана шу ширин хотиралар ҳам домланинг дилини ёритолмасди. Томдида нима кўп қўй-қўзи кўп. У ердагиларга қўй сўйиш бу ердагиларга товук сўйишдан ҳам осонроқ-да. Хотини ҳам, бир ҳисобда тўғри айтади. Томдида улар ўз қўйларини сўйишадими ё давлатникиними — у қайдан билсин? Саҳрода ҳар қадамда олдингиздан қўй чиқаверади, бу ерда қўй фақат бозорда, нархини сўрасанг, отасининг хунини айтади. Шаҳарда қийин-қийин — мезбонга қийин, меҳмонга нима, олдига қўйганингни, нархини суриштирмай, пок-покиза тушириб кетаверади. Битта меҳмонни кутаман деб бир ойлик маошингдан айриласан. Иккитасини-чи? Эвоҳ, бу не кўргулик, қандай кунга қолдим ўзи?!

Меҳмонлар эртага Тошкентга келишди ҳам дейлик. Албатта, қўнғироқ қилишади, эсон-омон етиб келишганини, фалон меҳмонхонага тушишганини айтишади. Хўш, у ёғи-чи? Олмоқнинг бермоғи ҳам бор. Иккови бўлса-ю майли, уч-тўртта чўпон ошналари билан тўдалашиб келишса-чи? Уларни ресторанда кутса ҳам, уйига чақирса ҳам, буд-шудидан ажралиши турган гап. Ё ўзини касалга солиб, эртагаёқ бирорта шифохонага ётиб олсинми? Командировка баҳона, панароққа олиб турса қалай бўларкин? Шу телефон ҳам бало бўлди-да! Қайдан ҳам трубкани ўзи кўтарди? Хотини олиб, «йўқлар» деб қўяқолса бўлмасмиди?!

Сулимов боши ғовлаб турган эди, ногоҳ эсига Насриддин Афанди қашшоқлашиб, уйда егулик ҳеч вақоси қолмагач, нима қиларини билмай кўчага чиқиб, хаёл суриб турганида, бир таниши ўтиб қолиб, Афанди уни қўярда-қўймай уйига судрагани, у Афандининг сазасини ўлдиргиси келмай ноилож отидан тушгани, шунда отини боғлашга қозиқ тополмай қолганида Афанди унга:

— «Тилимга бойланг, ошна, тилимга», — дегани ҳақидаги латифа тушиб кетди.

«Ҳе, тилим курсин, — деди профессор ўзини койиб. — Эҳтиёт бўлсам ўлармидим!» — У бу мушкулотдан қутулиш чорасини ўйлаб кетди. Кўп режалар тузди, ҳаммаси салга бузилиб кетаверди. Шунда бирдан кўз олдига лоп этиб шогирди Шомурод гавдаланди: «Шомурод!» деб юборди Сулимов, мушқули осон бўлганини ҳис қилиб. Томдилик меҳмонларни кутишни ўшанга юклайди. Аспирантлик муддати тугаб, кичик илмий ходимликка ўтганини ҳали «ювгани йўқ». Ахир, уни олим қиламан, деб уч йилдан бери уриниб келади-я! Яна бир марта меҳмон кутиб берса Асакаси кетадими? Кетса бир ойлик маоши кетар, етмаса битта-яримтадан қарз олар, жудаям ўлар жойда эмас. Онасининг ёлғизгина ўғли.

Кампир пенсиясини тугиб, сандиққа босиб ётавермасдан, сандиқни ҳар замонда сал шамоллатиб турса зарар қилмайди. Унда пул кўп. Бўлмаса ўғлига «Запорожец» олиб берармиди. Меҳмонларга от билан туя сўймайди, нари борса битта қўйга тушади...

Сулимов хаёлига келган бу оқилона фикрдан жуда қувониб кетди. Зумда ошхонага бош суқиб, хотинига ошнинг гуручини солмай туришликни, битта тақсимчада ачқиқ-чучук қилишни буюрди. Хотинига бу гап малол келиб, қоши чимирилганди, шогирди Шомуродни чақирмоқчилигини, меҳмонларни кутишни унинг бўйнига юкламоқчилигини айтди. Шунда беканинг чеҳраси бирдан ёришиб кетди:

— Яхши ўйлабсиз, ақлингиз шунга келганда ишлабди. Тусини ел есин уни, чақирсин, олим қиламан, деб қанча соғлиғингиздан айрилдингиз. Ўзимиз ҳам бола-чақа билан бориб бир яйраб келайлик.

Сулимов тилини тишлаб қолди: «Буниси унга оғирлик қилмасмикин? Битта баҳонани кўндаланг қилиб чап берса-я?»

— Хўп-хўп, айтаман, — деди Сулимов итоаткорлик билан. У телефон томон сирғилиб борди-да, дарҳол шогирдига сим қоқди:

— Квартирами? Ассалому алайкум, Шомуроджон Қодирович бормилар? Ия, ўзларими, хайрият-е! Мен домлангиз бўламан. Бир маслаҳатли гап чиқиб қолди. Ҳозиргина десангиз диссертациянгизни ўқиб ўтириб, сизни дилим тортиб қолса бўладими! Келинойингиз ўз қўллари билан ош дамлаптилар. Шуни биргаликда баҳам кўрсак. Лекин битта шарти бор: машинангизни ташлаб келасиз. Сизнинг баҳонангизда биз ҳам... А, лаббай? Оббо, укажоним-е... Тез келинг, кутамиз! Шомурод кўп куттирмади. Ярим соатлардан кейин қўлтиғида қоғозга ўроғлик нарса билан келиб қолди.

Устоз билан шогирд кучоқлаша кетишди. Уй бекасининг ҳам юзи ёришиб, нақ амалдор қариндоши уйига меҳмон бўлиб келгандай очилиб-сочилиб сўрашди...

Ғарибона бўлса ҳам, дастурхон тузалган залга ўтишди.

Сулимов қўл очди: — Илмий ишингиз ўнгидан келиб, юришиб кетсин, иқболингиз сарбаланд бўлсин!

— Айтганингиз бўлсин, домла.

Уй бекаси эрининг тилагини қувватлаб тушди:

— Уйингиздан файз-барака аримасин, топганингиз тўйга буюрсин!

Сулимов ўз қўли билан нон синдириб, шогирдига чой тутди. Хотини соядай сирғалиб ташқарига чиқиб кетди.

— Қани, дастурхонга қаранг, укам. Олдин таом, баъдаз калом, деганлар. Бугун, десангиз, илмий ишингизнинг биринчи бобини ўқиб чиқдим. Жуда бамаъни ёзибсиз. Ўзиям худди...

Шу пайт бека коньяк билан ликобчада газак кўтариб кирганидан домланинг гапи бўлиниб қолди.

— Олиб-олиб ўтиринглар, дадаси, — деди бека шишани домлага суриброк кўяркан.

— Илмий ишингизни «ювадиган» бўлдик-да, — дея Сулимов чапдастлик билан гапни керакли томонга буриб юборди. — Лекин бугун бошқача ўтириш бўлади. Коньякни хурсандчилик учун қадаҳда эмас, пиёлада ичамиз.

Шомурод бу гапдан баттар таажжубланди, боисини сўрамоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаган эди, Сулимов гап жilовини яна қўлга олди:

— Пиёлада коньяк ичишнинг ўзига яраша тарихи бор экан, укам. Буни Томдига борганимда эшитгандим. Назаримда ўзлари тўқишган. Аммо лекин томдиликлар жуда танти одамлар-да, сизга айтсам. Оқини ҳам, қизилини ҳам косада кўтаришади-я! Хуллас, Томдидаги битта колхозгами ё совхозгами текширгани комиссия келибди. Текшир-текшир тугабди, натижа ёмон бўлмабди. Шундан кейин комиссия аъзолари шарафига дастурхон ёзилибди, зиёфат бошланибди. Мезбонлар коньякни катталиги нақ косадай келадиган пиёлаларга қуйиб турган экан, меҳмонлардан бири ўзининг маданияти баландлигини кўрсатиб қўйиш учун косагулга танбеҳ берган бўлиб:

— Коньяк деган нарса одатда оз-оздан қуйилади, — дебди. Бу гап косагулга нашъа қилибди:

— Домла, — дебди у комиссия аъзосига қараб, — кечирасиз, биз чўл одамлари бу томонини суриштириб ўтирмай тўғри келган идишда ичиб кетаверамиз. Бироқ сизга битта саволим бор. Бу нарсани қанча қуйишни Сиз биласизми ё пиёла чиқарганлар билишадими?

— Гапингизга тушунмадим, — дебди ҳалиги одам.

— Пиёлага қанча қуйишни уни чиқарганлар билади, — депти косагул. — Мана ўзингиз кўринг, манави жойгача қуйгин, деб атай зарҳал билан чизиб қўйишибди-ку.

Шомурод сал тишининг оқини кўрсатди. Сулимовнинг ўзи эса силкиниб кулди.

— Биз ҳам косагул айтганини қилиб, пиёланинг чизиғигача қуйиб ичамиз! — дея Сулимов қизарган кўзларига кафтининг орқасини босиб қўйди.

У шишани очиб, олдин ўзига, кейин шогирдига қулқиллатиб қўйди.

— Олинг, укажон! Сиздай маҳалимизда косада кўтарардик. Энди қариб қолдик шекилли, пиёлада олишни ҳам ўхшатолмаяпмиз. Ҳи-ҳи...

— Ҳалиям зўрсиз, домла, — деди Шомурод, унинг кўнглини кўтарган бўлиб. — Сизга етишга йўл бўлсин. Қани энди бизлар ҳам сизга ўхшаб юрсак.

— Юрасиз, ҳали кўрасиз, биздан ҳам ўзиб кетасизлар... Қани, кетдик!

Сулимов шогирдини тезроқ «пишириш» мақсадида яна бостириб қўйди-да, пиёлани қўлига олди:

— Қани, Шомуроджон, яна биттадан отайлик. Биринчиси билан иккинчисининг ораси олис бўлмасин, деган машойихлар.

Шомурод, зиёфатда ўтиргандай, ўрнидан туриб, пиёлани қўлига олди:

— Ҳурматингиз баланд, домла. — Шомурод Сулимовга юзланиб, чап қўлини кўксига қўйди. — Бахтимизга доим омон бўлинг, дунё тургунча туринг. Шунинг учун оламиз!

— Офарин, ҳазор раҳмат!.. — деди Сулимов, ёш келмаса ҳам негадир рўмолчасини олиб, кўзига босди. — Асло кам бўлманг, жигарим. Бунақа олтин сўзларга ичмаслик гуноҳи азим.

Олишди. Сулимов шошилмай газак кавшади-да, кетидан совинқираган чойни симириб юборди.

— Ҳали десангиз, — дея бир муддатдан кейин салмоқланиб даромадга ўтди Сулимов, — илмий ишингизни ўқиб ўтирсам, ҳадеб кўзимга кўринавердингиз. Келинойингизга шундан кейин, қўлбола ош қилинг, Шомуроджонни чақирайлик, дедим. Ниятимиз холис экан, мана дийдорлашиб ўтирибмиз. Ишқилиб, омон бўлайлик. — У ўзига чой қуйиб олди. — Жонивор кўк чой хўп яхши нарса-да. Пайтини суриштирмай яхши кетаверади. Уша ўзингиз келтирган «тўқсон беш»ни ҳалиям чўзиб юрибмиз, укам. Олиб-олиб ўтиринг.

Шомурод кайф қилиб қолмаслик учун дастурхондан у-бу чўқилаган бўлди. Сулимов эса фурсатдан фойдаланиб, шогирдига тўлатиб, ўзига эса жиндай қўйди.

— Ош ҳам келаяпти, чамамда. Яна биттадан олсак, суҳбатимиз ширин бўлади.

Шомурод, домладан нима гап чиқаркин, деб ўтирганидан бу сафар гапни чўзмай «омон бўлайлик», деб ичиб юборди. Сулимов унга зимдан қараб ичида, шу билан етилса керак, деб қўйди.

Чиндан ҳам учинчи пиёладан кейин Шомуроднинг гапи кўпайиб қолди. Ҳатто домланинг эрдан ажраган қизи лаганда ош олиб кирганида, унга кўзларини сузиб қараб ҳам қўйди.

— Қани, овқат маҳтал бўлмасин, укам, — дея Сулимов ширин хаёллар оғушидаги шогирдини ўзига келтириб қўйди. — Ошни иссиғида олмасангиз, кабобга ўхшаб, кесак бўлиб қолади. Энди сўнги бир қултум дегандай...

Шомурод тархашлик қилмай, Сулимов узатган пиёладагини оқ урди-да, ошга қаради. Сулимов ошни бир чеккадан шипириб олаётганидан лаган ҳаш-паш дегунча бўшай деб қолди. Шогирд буни кўриб иштаҳаси ғип бўғилиб тўхтади. Сулимов ўзича «уйида овқат еб келгандир-да», деган хаёлга борди-да, ортиқча қистамай, ўзи лўмбиллатиб олаверди. Лагандаги сўнги гуручни оғзини ташлагандан кейин «суннати» деб бурда нон билан ёғни сидирди. Шундан кейин кўк чойга ҳужумга ўтди...

— Халқимизнинг зўр одати бор-да, — деди Сулимов, пешонасига қалққан маржон терларни рўмолчаси билан артиб. — Меҳмон келса бошимизга кўтарамиз, топган-тутганимизни олдига сочиб ташлаймиз. Буни Томдига борганимда ўз кўзим билан кўрдим. Қани энди бир нафас ихтиёрингга қўйишса! Дам уёққа судрашади, дам буюққа... Қадамимда битта кўй калласидан ажрайверди ҳисоб... Эҳ-ҳе биз ҳам бу масалада уларга етолсак эди...

Домласининг бу даромади Шомуродни анча ҳушёр торттирди. Унга зимдан қараб хаёлга берилди. Домла нимага шама қиялпти ўзи? Уйингга чақир, демоқчимми? Минг марта борган-ку. Кўнгли яна қўмсаётганмикин? Юхо бўлиб кет-е, касофат! — Сулимов эса гапини улаб кетди. — Томдида юрганымда, Жумабоев ва Соғиндиқов деган чорвадорлар билан иноқлашиб қолдим. Ажойиб, улфатмисан, улфат одамлар экан... Ташкентга йўл тушса киринглар, деб тайинлаб келдим. Омон бўлсак, уларни бир меҳмон қиламиз-да, икковлашиб...

— Ал-бат-та, — деб юборди ўйлаб ҳам ўтирмай Шомурод. Сулимовга худди шундай жавоб керак эди.

— Эшитишимча, бугун-эрта чорвадорлар қурултойи бўларкан. Министрликдаги бир танишим айтиб қолди. Унга Жумабоев билан Соғиндиқов ҳам келишса зўр бўларди-да. Мазза қилиб бир отамлашардик...



— Ҳа-ҳа, — деди Шомурод, домла бир эриккан, деган хаёл билан. Кейин кўшиб кўйди: — Ҳовлида бир... думба-жигар кабоб қилиб...

— Менинг ҳам мақсадим уларни бир хурсанд қилиш, — дея Сулимов Шомуродга чой тутди, кейин мақсадга яқинроқ кўчди: — Минг қатла шукр, уйда ҳамма нарса бор, бироқ кенг, баҳаво жойда яйраб ўтирганга нима етсин. Бизнинг «Дом» мимизда димиқиб қолишмасмикин, деган андиша менга тинчлик бермайди. Ҳарҳолда кенг яйловга ўрганган одамлар...

— Димиқишади... — деди Шомурод, домласининг муддаосини билиб олиш учун яна кавлаштириб. У олдидаги чойни хўриллатиб ичди. — Майли... кейин... яна бир маслаҳатлашармиз.

«Ҳозирча шунинг ўзи кифоя», деб кўйди Сулимов ичида мамнун бўлиб. Шундан кейин шогирдини жўнатиш пайига тушди. Шомурод бир оздан кейин узоқроқ эснаб «мен кетай энди» деган эди, Сулимов мулозамат-пулозаматни йиғиштириб, шартта рухсат бериб юборди...

«Зап иш бўлди-да, — дея кўнглидан ўтказди Сулимов, кўча эшикни қулфлаб келиб диванга чўзиларкан. — Гапнинг «берди»сини эртага сектор йиғилишига келганида айтаман. Шогирд бўлгандан кейин бундоқ унча-мунча қашиниб ҳам турсин-да. Фан кандидати бўлиш осон эканми? Битта кўй сўйдирмасам, мен ҳам юрган эканман профессорман деб». Сулимов шу хаёл билан ёнбошлаб ётар экан, кўзи кетганини ҳам сезмай қолди. Хотини дастурхонни йиғиштиргани кирганида, у диванда чала бўғизланган ҳўкиздай хуррак тортарди.

...Сулимов сектор аъзолари йиғилишини юмалоқ-ястиқ қилиб ташлади. Унга иши бор илмий ходимлар билан ҳам гапни калта қилди-да, шогирдининг қўлтиғидан олганича ташқарига бошлади.

— Икковимизнинг ҳам кароматимиз борга ўхшайди, Шомуроджон, — деди у шогирдининг анча тўкилинқираб қолган машинасига яқин борганларида. — Бедовингизнинг бошини «Ленинград» меҳмонхонасига бураверасиз энди. Кунни кеча сизга айтган меҳмонларимиз келишганга ўхшайди. Уйга кимдир телефон қилиб, мени қидирибди, Жумабоевман, дебди.

Шомурод домласининг хасислигини биларди-ю, бунчалик сурбет деб, ўйламагани, лекин сир бой бермади. Аммо ичида ўхшатиб сўкди.

Сулимов машинада кетишаётганида бошқа гапирмади. Бироқ меҳмонхонага етганларида негадир питирчилаб қолди.

— Энди гап бундай, Шомуроджон. — Икковлари сал четроққа ўтишди. — Меҳмонлар чорвадор бўлганлари билан кўнгиллари жуда нозик. Яхшилаб зиёфат қилмасак бўлмайди. Иккита одамни тўйдиришга от билан туя кетармиди. Битта шўрва билан ош-да. Мева-чева, қанд-курс, закуска-пакуска ўз йўлига. Шўрва билан ош оралиғида кабоб тортилса ҳам бўлади. Дастурхонга нималар зеб беришини бировдан ўрганадиган жойингиз йўқ.

Шомуродга домласи жуда бачкана, пасткаш, ўз мавқеи, илмий даражасига номуносиб одам кўриниб кетди-да:

— Э, домла, — деди зардаси қайнаб, — ўлар жойдамасмиз-ку!

Сулимов Шомуроднинг зардасини тантиликка йўйди, ўзини гўлликка солиб давом этди:

— Яна битта муҳим ҳолат бор, — деди у шогирдини илинтирганига шубҳа қилмай. — Сизга айтганимдай, борганимда улар қадамимда кўй сўйаверди. Биз ҳам кимсан фалончи бўлатуриб, қон-пон чиқармасак, бўлмас дейман...

Шомурод илмий раҳбарини биринчи бор кўраётгандай, бир муддат унга бошдан-оёқ қараб турди-да, бирон ножўя гап айтиб юбормаслик учун тишини-тишига кўйди. Лекин устози унга қараб жавоб кутиб турарди. Шомурод табиатан танти йиғит эмасми, домласи олдида паст кетгиси келмади.

— Сиз нима десангиз шу, домла. Бир оғиз сўзингиз... — деди.

— Яшанг, ота ўғли. Чин шогирдим экансиз... — Сулимовнинг овози титраброқ чиқди. Шундан кейин у Шомуроднинг қўлтиғидан маҳкамроқ ушлаганича меҳмонхонага бошлади...

«...Оббо, пасткаш-е, роса мўлтони экан-ку! — Шомурод меҳмонхонадаги шунчаки ўтиришдан кейин Сулимовни уйига ташлаб қайтаркан, жиғибийрон бўларди. — Кўй сўйишни бўйнимга илганини қаранг. Кўй сўйиш оғзининг бир чеккасидан чиқади-я. Узинг сўй, қурумсоқ, ҳар ойда бир даста пулни бекорга олиб ётибсан. Бунга ҳам қаноат қилмай, менинг ойлигимга кўз олайтирасан. Яхшиям қари онаминг пенсияси бор, дардимга эм бўлиб турибди. Онам бечора пешонамдаги битта болам, деб бор-йўғини мендан аямайди. Сен юҳони тўйдириб бўлмаса. Диссертациямдан оғиз очсам, нуқул талмовсирайсан, гапни музламаган кўй гўшти билан арман коньягига бурасан. Машинам-ку, сенга хизмат қилавериб чарчади, ноинсоф. Ҳа, майли, ёқлаб олай, ўшанда ҳам ўлигингни ташлаб кўр-чи... Сенга кўй сўяман, деб яна қарзга ботадиган бўлдим-да. Бир бечорани шунча қийнагандан кўра, одамнинг ўлгани минг марта яхши эмасми!!»

Шомуроднинг хаёлига тўсатдан ажиб бир фикр келди, шекилли, сирли илжайди: «Бўпти, топдим, — деди у ўзича. — Сен пасткашни меҳмон-пеҳмонинг билан жуда хурсанд қиламан. Олдиларингга қўйнинг калласини ҳам қўяман».

Шомурод топқир, оқил бўлганидан иложини топган эди. Эртасига маҳалладаги гўшт дўконига бориб, қассобдан калла-поча сотиб олди.

...Кун ботар арафасида Шомуроднинг Кўкчадаги чоғроққина ҳовлиси олдида ичига ўн киши бемалол кетадиган автобусча келиб тўхтади-да, устма-уст сигнал берди. Буни эшитиб ичкаридан югургилаб чиққан Шомурод автобусдан кетма-кет тушиб келаётган меҳмонларни кўриб, ранги ўчиб кетган бўлса ҳам, сир бой бермай мулозамат билан кутиб олди:

— Ассалому алайкум, хуш келибсизлар. Қани, марҳамат, ичкарига. — У меҳмонлар билан самимий сўрашишга ҳаракат қиларди.

Меҳмонлар ўн кишига яқин эди. Домла тушмагур иккита меҳмондан ташқари, хотини, бева қизи ва тойлоқдай набирасини ҳам ола келибди. Унинг қайниси бўлган шофёр эса, сендан орқада қолган номард дегандай у ҳам хотини билан башарасидан шумтакароқ ўғлини эргаштириб келибди.

Меҳмонларга ҳовлидаги азим туп гилос тагига жой қилинганди. Улар ҳовлида бир дам ҳаво олиб, уёқ-буёқни томоша қилиб туришгунча Шомурод қўни-қўшниларниқидан тўрт-бешта стул олиб чиқди. Меҳмонлар шундан кейин Сулимов бошчилигида дастурхон атрофига жойлашиброқ ўтириб олишди. Иккита қариндош бола ҳали нон синдирилмасиданоқ хандон пистага чанг солиб чақишга тушишди. Сулимов уларга кўзини олайтирган бўлса ҳам, парво қилишмади.

Меҳмонлар гўё уч кун овқат емаган одамлардай дастурхонга бараварига ёпирилишди. Бу борада шофёр, айниқса абжир экан. Биз рулдаги одаммиз, ичкилик тўғри келмайди, деб яхна товукча ташланиб, уни кўз очиб юмгунча бурдалаб, оёғини ғажишга тушди. Профессорнинг хотини билан шофёрнинг хотини нокка бошқоронғи бўлишган экан шекилли, катта-катта нокларни артиб-артмай ея кетишди. Сулимов бу орада шофёрга ишора қилиб, учта катта анорни сиқдириб, шарбатни косага йиғдирди. Қариндош болалар хандон пистадан зерикшиди, шекилли, бодомга ўтишди. Бу соҳада Сулимовнинг қизи уларга онабошилик қиларди.

Шишалар аллақачон очилган, профессор коньяк ичар, Соғиндиқов билан Жумабоев, бизга сувга ўхшагани маъқул, деб оқидан тортарди. Сулимов даврадагиларга, олдин ичиб кейин алёр айтсак, деб таклиф қилганди, ҳаммага ёқиб тушди.

Бу борада профессорнинг хотини, қизи ва шофёрнинг хотини ҳам асло заифлик қилишмасди. Улар, ҳам кучини қирқади, ҳам ҳидини йўқотади, деб оқиға «пепси-кола» аралаштириб уришарди.

Хуллас, ўтириш Сулимов кутганидан ҳам яхши давом этарди.

— Ҳа, дарвоқе, аянгиз кўринмайдилар, — деб сўраб қолди Сулимов, қайнатма шўрвани беқошиқ хўпларкан, Шомуроддан.

Шомурод, энди эсингга келдими, деб ичида ёжининг ҳам, бир қариндоши-мизнинг маслаҳат ошига кетувдилар, деб кўяқолди.

— Ҳа, ҳозир нима кўп-тўй кўп. Шу ўтиришимиз ҳам бир тўй-да.

Сулимов зўр гап айтгандай, даврадагиларга мулозамат қилди:

— Қани меҳмонлар, уй эгаси хафа бўлмасин десангиз, еб-ичишиб ўтиринглар.

Шофёр меҳмонларга хизмат қилишда Шомуродни ҳам оёқда қолдириб кетди. У, ҳозир сизларга сюрприз қиламан, деди-да, вазадаги анорларни занжир қилиб, сўйиб чиқди. Кейин аёллардан ортиб қолган нокларни япроқлашга киришди.

Бу орада дастурхонга кабоб тортилиб қолди. У сирка, зира билан ўлдирилган экан, жуда яхши кетди. Айниқса нақд ўн сих кабобни паққос туширган шофёр яқин орада бунақа зўр «шашлик» емаганлигини икки марта писанда қилди. Жумабоев билан Соғиндиқов эса, кабоб Чимкент томонларда боқиладиган меринос зотли қўй гўшtidан қилинганлиги ва маринадкасига «Ҳосилот» виноси ишлатилганлигини тўғри топиб, Сулимовни жуда қойил қолдиришди.

Ниҳоят, калла-почага навбат етди. Шомурод домласининг ишораси билан уни тоғорада Жумабоевнинг олдига қўйди. Икки меҳмон бир-бирига пича «сиздан бўлсин — сиздан бўлсин» қилишганларидан кейин Жумабоев тоғорани ўзига суриб, дандон сопли пичоқни дадил қўлига олди.

Калла-поча келганида иккала меҳмон бир-бирларига сирли кўз уриштириб олганларини Сулимов пайқаганди. «Бунда бир гап бор, — деб қўйди у ичида, — қани кўрайликчи, охири нима бўларкин».

Жумабоев удум бўйича калла гўшtidан кесиб, аввал ўзи еди. Сўнгра калланинг пешона қисмидан каттароқ бўлак кесиб, Сулимовга юзланди:

— Домлажон, бошингиз тошдан бўлсин, пешонангиз умрбод ярақласин!

— Тасанно! — деди Сулимов гўштни эҳтиром билан олиб, оғзига солиб.

Жумабоев шу тариқа даврадагиларнинг барига тегишли гап айтиб, калла гўштини тарқатди. Шундан кейин Соғиндиқов қадаҳни қўлига олди:

— Ҳурматли элатлар, жуда хурсандмиз, йиғнов бундан ортиқ бўлмайди. Бироқ биз иқтисодий тежамкорликни унутиб, исрофгарчилик қилганларингдан хафамиз. — Даврадагилар бир-бирларига ажабланиб қараб қўйишди. — Бизга битта қўй сўйсаларингиз ҳам бошимиз осмонга етарди. Сизлар эса иккита қўй сўйибсизлар. — Соғиндиқов ликобдаги совуб қолган кабобни қўлига олди; — Манави кабоб билан ҳозиргина ўзларинг татиб кўрган калла гўшти иккита ўтардан келган қўйларнинг материаллари...

— Қойил-е! — қийқириб юборди Сулимов. — Шу сўзлар учун яна биттадан ичамиз!

Аёллар азбаройи суюнганларидан чапак чалиб юборишди. Утириш яна авжига чиқди.

Ниҳоят, ош тортилди.

— Ҳотамтойлигингизга борман-да, Шомуроджон, — дея Сулимов меҳмондорчилик тугаб, ташқарига чайқала-чайқала чиқиб боришаркан, шогирдининг белидан сиқиброқ ушлади. — Оббо, сиз-ей! Иккита қўйни юмалатибсиз-а. Кун иссиқ, эҳтиёт бўлинг, тагин қолган гўшт айниб қолмасин. Ҳа, дарвоқе, эрта-индин бизнинг уйда ҳам бир мероприятия бўлади. — Сулимов овозини сал пасайтирди. — Келинойингиз ҳеч ўнғалмаяпти. Шунга бир ис чиқарсак, деган ният бор. Битта қўйнинг гўштини эртага бизниқига ғир этиб ташлаб келасиз. Савоби ўзингизга ҳам тегади...

Шомурод азбаройи энсаси қотганидан чурқ этмади. Сулимов бун «сукут аломати ризо»га қўйди.

Сулимов мешдай шишган қорнини силай-силаё машинага бир амаллаб тикилди. Кетидан бошқалар ҳам. Шофёр дастурхондаги неъматлардан битта пакетга жойлаб чиққан экан, ёнига ўрнаштириброқ қўйгандан кейин моторни юргизди. Шундан кейин юки икки баробар ортган машина бир кучаниб ўрnidан инқиллаб аранг қўзғалди-да, юриб кетди.



Ғаффор Ҳотамов



## НУРМУРОД ЖЎЖА

Юраги... бола қўлидаги чумчуқ каби питирлайди, жони ҳалак, назарида, эртаниндин қиёмат қўпадиган. Уйқу йўқ.

Аниқ кўрди, аниқ: ҳовуз суви зардобдек сарғайган; қатор толлар супага соя ташлаб турибди. Ҳовузга сув қуюлади, сув новдан оқаётгандек оқади — Нурмуродбой қазиган ариқ-да бу, ўзиям, ариқмисан-ариқ! Шу ариқнинг кунчиқарида — уларнинг, кунботарида Ойзодаларнинг ҳовлиси.

Нурмурод арнадан чиқиб келаберди. Билмайди — арнада не қилган? Келатуриб, кўрди: қорасатин чопонли бир кимса ариқ ёқалаб юрибди. Сиёқидан — Қора Аҳмад! Сергак тортиди, ҳовуз бўйида ҳам биров паналаб тургандек туюлди. Ё тавба, тусмоли тўғри чиқди-я; Нурмуродни кўриб, ҳалиги учиб-тушди, тисланди, сўнг илжайинқираб, кўриниш берди. Бунинг ҳам эгнида қорасатин чопон; бошига шоҳибелбоғ боғлаган. Таниш кўринди, шу боис Нурмурод хавотир олмади. Йўқса, хавотир олса олгудек замон. Эл-нотинч, моли-талонда. Босқинчилар қирғин солиб, қизларни булғаб кетаётир.

Шоҳибелбоғли киши тикка келиб, қўл берди. Нурмурод сўраша туриб кўрдик, бу ерлик эмас у. Заҳаролуд қарашлари илонникидек совуқ. Ингичка лаблари учида, ҳап сеними... деган истеҳзо!

Нурмуроднинг ичи сидирилиб кетди. Алағда бўлиб, Қора Аҳмадга қаради. Қора Аҳмад чопилган калтакесак каби икки бўлинди, бўлаклари бирдек ҳаракат қилди. Буниси — уларнинг, наригиси-Ойзодаларнинг дарвозаси сари юрди. Епирай, бошига боғлаган белбоғ остидан пахмайиб сочи чиқиб турибдимми?!

«Кимсан, ҳой? Тўхта!» Йўқ, Нурмурод на амр этди, на дағдаға қилди, анчайин зорланди, холос. Кўнгли сезди: боғда ҳам, жўхоризорда ҳам кимлардир ивирсиб юрибди, таҳдид соляпти. Ҳозир биронтаси қарсиллатиб отар!

Одамнинг номарди қурсин! Сўрашгани қўл олган нокас билагидан қопқондек тутди. Нурмурод бўғма илон домига тушгандай питирлади — анависи бир қилвирлики бошлайди-ёв.

— Хў-ўй! Тўхта-а! Қайт-т!

Қора Аҳмад қайтмади, тўхтамади. Соядек лип этдию ўзини ичкарига олди. Паналай туриб, у қўйнига қўл юборди: тўппончасини чиқарса-я, қарсиллатиб уни отса-я?!

Нурмурод жониқиб уввос солди, бироқ овози чиқмади. Юраги бола қўлидаги чумчуқ каби питирлади, ҳаприқди. Ҳаприққани шунчалик бўлдики...

... ирғиб ўрнидан туриб кетди. Хона ғира-шира эди: чироқпояда исчиноқ липиллайди.

У апил-тапил кўрпа-тўшагини йиғишга тушди. Меҳмонхонага ўтиб, отасининг ёнида ётмоқчи эди; ёстиққа узалатуриб, эсладики: нариги хона ҳам лаҳаддек ҳувиллаб ётибди! Қўлтиққа қисган кўрпачаси сирғалиб, ерга тушди. Назарида, босинқирамади, тушимда кўрдим, деганларини гўё ўнгида кўрди: анави шарпалар ҳамон теварагида кезинаётгандек. Ваҳму аросат қиш чилласидан баттар, у чандон забтига олдики, Нурмуроднинг қўлу оёғи дир-дир титради, тинкаси қуриб, тиззалари букилди. «Шилқ» этиб ўтириб қолди. Кифтлари қалт-қалт уча бошлади. Эти увишиб, назарида иликлари ҳам пучайди. Епирай, молхона тарафдан туёқ дукири эшитилдими? Нурмурод шартта узалатушиб, кўрпага бурканди. Ернинг дукирлашини қаранг. Ё битта-ярим... қўйини кўз остига олиб юрган бўлса...

Ким экан бу — Қора Аҳмадми? Унда туёқ нима қилсин, дуқир туёқники-ю?.. Қора Аҳмад бўлса-ку, бир нав эди, ҳар қалай, у ҳам бир боши думалоқ одам, одамлигига боради. Лекин алвастига куни қолмасин. Энди бу — Қора Аҳмад ҳам яратганнинг ғазаби-ку! Ишқилиб, эсон-омонлик бўлсин, тани соғлик бўлсин!

...Қолган-қутганини кўшиб айтганда, бир йигитнинг ёшини яшади-ёв Нурмурод. Иигирмани уриб кўйди-да, лекин ўлик кўрмади. Раҳматли отаси, улим, ғаладондан қайроқни олачиқ деса, бас, Нурмурод ура қочар, қайтиб отасини кўрсатмас эди. Уғлининг феълини билганиданми, кўйни сўйгач, отаси қон тугул ҳаром ичакни ҳам кўмиб ташлар, калла-пойчаларни кўни-кўшнига чиқарарди. Бурноғи йил, қалдирғоч ин кўя бошлаган кезлар. Момо ер чимилдикдан чиққан келиндайин очилган, бобо офтоб унга гирдикапалак. Эй, нимасини айтасан, бир ажойиб кунлар эди-да. Шундай кунларнинг бирида, тонг қоронғисада раҳматли падари уни пийпалаб уйғотди. Нурмуродвой, деди, бозори жумага кетдик биз. Сен омочу молаларни шайлаб кўй. Эртан-мертан дала ҳовлига кўчамиз...

Қора Аҳмаднинг отаси отда, унинг отаси эшакда, икки биродар Карманага, жума бозорига кетишди. Нурмурод уларни кузатгач офтобрўяга ўтириб, пешинга довуз омочу молани пешлаб кўйди. Позани энди кўлига олган эди, ё осмон ўйилиб тушди, ёки қиёмат кўпти, ишқилиб Қосимшайх масжиди томонда бир бало қаттиқ гумбирлади, устма-уст қарсиллаш эшитилди. Нурмурод юмушини унутиб, итлар улиётган тарафга — Дарёбодга қаради. Дарёбод бундан олис — олти чақирим чиқар-ов. Олти чақирим нарида ҳамон бир бало момақалдироқдай қарсиллайди, оҳу зор тинмай — юракни қон қилади. Нурмурод эсини таниганидан буён бундай залпни, бундай фиғонни энди эшитиши, бундай қорақуюнни энди кўриб туриши. Шомга бориб, итларнинг улиши ҳам тинди. Аввал бошда гўё дарё тошди, уйини сув босганлар нола чеқди, тошқин дод-фарёдга қулоқ тутмади — зорланганларни ҳам домига ютди. Ҳаммаёқни сув босди-ю, оғир сукунат чўқди.

Қош қораяр палла Қора Аҳмаднинг дараклаб Ашур сўпи келди, сўпининг изидан гап қолди, эмишки, Карманани саллот олипти!

Нурмурод болалиги қолмаган-да, узоқдан бўлса ҳам саллотни бир кўргиси келди. Уч-тўрт тенгқури, кетдик, деса, у ҳам қараб турмас эди. Қора хуфтонда йўлга чиққувчи бўлмади, якка ўзи боришининг қизиғи йўқ. Отам кеп қолар, кўрган билганини айтиб берар, деди; йўлга кўз тикиб, тонгни оттирди. Эрта билан хабар келдики, саллот аямабди — қаршилиқ кўрсатгани қиличдан ўтказибди. Кармананда қирғин-барот! Ғужбоғликнинг ҳам неча бири ажал топибди. Эгаси бориб, ўлигини опкелсин, эмиш.

Нурмуроднинг юрагига ҳам ғулғула тушди. Отасидан ҳадик олмади у, отасидан кўнгли тўқ. Узидан чўчиди: кечадан бери бежо, шунга.. Отаси-ку, мўмин-мўйсафид: кўп қатори бозорга кетган одам-да! Саллот билан онасининг молини талашармиди? Бирор биродариникида тунаб қолган чиқар, келар! Лекин... кўнгли ҳеч жойига тушмади, қурғур бир нимага алағда. Ахийри, у йўлга чиқди ва элга элакишиб кетаберди. Дарёнинг кўпригидан ўтган ҳамоно қовуши бир нимага чиппа ботди, эти жимирлаб кетди, ижирғанди, оёқ остига қарашга юраги бетламади, бари бир қаради. Қаради-ю, оёғи чалишиб, йиқилди, қўли, тирсақлари қонга ботди. Жони бўғзига тикилиб, ирғиб турмоқчи бўлди. Қон кўлмаклаб уйган, қўлансаси димоғни ёргудек эди. Нурмуроднинг эсхонаси чиқиб кетди, турди-ю, ҳурққан буқадек ўзини тўрт томонга урди. Қон демоқчи, чинқирмоқчи бўлди, товуши чиқмади. На биров унга қайрилиб қаради, на эътибор қилди. Ё тавба, карми булар, кўрми булар?! Нурмурод адоий тамом бўлди, шуури музлаб, панжаларига қаради, оғзи чап томонга қийшайиб кетди. Шу маҳал айрига дуч келган сув каби олдиндагилар икки ёнга бўлинди ва унинг қаршисада яланг майдон намоён бўлди. Сайилни кўрган у, сайил нима бўпти, мана одам — тутдай тўкилиб, ер билан битта бўлиб ётибди. Тириклар ҳорғин ғимирлаб, кезинади, энгашиб ётганнинг бетига қарайди, сўнг нари кетади — ўз кишисини излайди. Ғимирлаган — юлдузча бор, ётган — қумча бор... Нурмурод тахтадек қотди. Ақли бовар қилмади, тушимми бу, ё?! Изига қайтгиси, урасолиб қочгиси келди; қани энди қадам етмас жойларга кетса, мана бу кўргилик рўёга айланиб, токи хаёлидан чиқса. Жонсарақ қайрилди ва кўрдикки, кўприк кимсасиз, йўл кимсасиз — изида ҳеч ким қолмапти; ҳувиллаган ёвон — ёвон эмас, бир юҳо, ютаман, дейди. Бунинг ваҳми баридан ошиб тушди. Шоша-пиша бурилиб, кишиларга етди, гаранг ва ҳолсиз, ўликларни оралаб бораберди. Қанча юрди — билмайди. Бир пайт, хаёли жойига келиб, бундай қараса, атрофида одам сийраклаб қолипти. Кишилар карвон-карвон: аравада йўл босаётган ким, нарвон кўтариб кетаётган ким. Нурмурод онги кетиб, бир нуқтага тикилиб, хийладан сўнг илғадики, тикилгани оқ холли кўк яқтак. Яқтакнинг барида туёқ изи! Ана, ариқ бўйида ҳаворанг салла тўзғиб ётибди-отасиники! Бориб, у саллага узалди, узалди-ю, тақир бошга кўзи тушди: дўнгсасида чуқурчаси бор. Ий-эй!

Нурмурод барини унутди. Айланиб ўтиб, қаради: боёқиш ерга ўмган бериб

ётибди. Э-э-э! Соқоли қонми? Нурмуроднинг ичи музлаб кетди, бари бир ишонмади, ишонгиси келмади. Отаси, ўғлимни бошлаб бир қўрқитай, деб жўрттага чўзилиб ётгандек — ҳазиллашаётгандек туюлди. Пича кутди, отаси ҳали-бери турадиган эмас, афтидан, донг қотиб ухлаётгандек. Йўғ-э, тузукроқ жой қуригандай, келиб-келиб...

Нурмурод томоқ қириб олди, сўнг овоз берди:

— Ота!

Отадан садо чиқмади.

— Ота-ов!

— .....

Унинг юраги орқасига тортиб кетди. Энгашиб, отасининг юзига тикилди: рангида қон қолмапти, лекин... ухлаётганга ўхшайди. Сўлакайи оқипти-ю!

— Ота-а!

...Марҳумнинг қабрига толнарвонни суюб қўйгач, гарангсиб уйга қайтди. Шунда ҳам кўрган-билгани, ҳатто отасини ерга қўйганлари босинқи тушдек туюлди. Гўё отаси бирёққа кетган-у, лоп этиб кириб келади. Тиқ этса, эшикка қараб... етти кунни ўтказди; кутганидан дарак бўлмади. Нурмурод қараса, отасининг маҳси-ковуши турибди, чопони турибди, ўзи — йўқ. «Энди буёғи шу экан-да», деди.

Отасининг маросими куни Ғози деган отлиқ келди. Бошида аломат «каллапўш». Умри бино бўлиб бунақасини Нурмурод кўрмаган.

Ғози саллот отдан тушди-да, ўтган-қайтгани ҳовуз бўйига тўплади. Ана одам: томошаталаб борки бари йиғилиб келди.

Саллот дегани кўп зукко бўлар экан. Қўлини орқасига бериб, хийлагача элнинг назарида турди — бир имога маҳтал қилди. Сўнг томоқ қириб, йўталди-да, чириган кунда устига чиқди.

— Уртоқ деҳқонлар! — Ғози саллот қўлини мушт қилиб, ҳавода силкиди, кунда чайқалиб кетди-ю, орқага кулаб тушаёзди у. Аслон гуппи уриб борди-да, кунданинг бир учидан тутди, кейин жойлашиб ўтириб олди ва теварагидагиларга менсимайроқ бир-бир қаради. Ғози саллот шапкасини олиб қўлида айлантирди, яна ўнг қўлини ҳавода силкиб, кўтаринки оҳангда деди: — Янги замон бошланди, биродарлар! Энди ери йўққа ер берилади, суви йўққа — сув! Юртга ишчи-деҳқон эғалик қилади. — Шўро хукуматининг иродаси шу!

Шу пайт тўдани ёриб, Қора Аҳмад ўртага чиқди:

— Менга қара, хўй! Ҳам элга, ҳам ерга хўжалик қилгиси кеп, айбсиз бечоралар қонини тўккан ким?!

Ғози саллот оёқостига — Аслон гуппига қаради.

— Ер керакми, сенга, ўртоқ?

— Керак, ака, керак!

— Ака деганинг нимаси, ўртоқ вакил, де.

— Жўжабирдай жонмиз, ўртоқ...

— Хўй, мен сендан сўраяпман! — Қора Аҳмад хезланиб, саллотга тирғалди.

— Ким у — беайб бечоранг? Агар дарёбоддаги...

— Қани менинг отам? Топиб бер-р отамни менга!

Қора Аҳмад ўдағайлади, ҳарчанд ўдағайламасин, товуши ҳирқираб чиқди. Нурмуроднинг димоғи ачишди: кўзларида ёш айланди. Ўзини пича четга олди. Четга олгани дуруст бўлган экан. Йўқса, Аслон гуппининг оёғи остида қолиб кетармиди.

Қора Аҳмад кундага оёқ қўйди-ю, саллотнинг ёқасидан олди.

— Қ-қани?!

Ғози саллот кўп вазмин киши экан: оловдай сачрамади. «Бош кийимингизни олишингизни сўрайман», деб хомуш бош эгди. Кейин элга қарата дона-дона қилиб, деди:

— Уртоқ деҳқонлар, биродарлар! Мусибат юки оғир. Маълумингиз бўлсинки, Шўро хукумати душманлари дарёбодда кўп қон тўкди. Душманларимиз қилғиликни қилиб, тагин айбни соллотнинг бўйнига тўнкади. Улусни қайрамоқ ниятида қилинган кирдикорлик бу! Афтидан, манавиям ўшаларнинг малайи!

— Э, касофат, ҳали сен мусичаю бегуноҳ-у, мен...

Қора Аҳмад қулочкашлаб бир уришда Ғози саллотни қулатди. Аслон гуппа турақочди, омонатгина турган кунда саллотнинг оёғини босиб қолди. У жон-ҳолатда тўппончасига чанг солди, бироқ ўзини ўнглаёлмади. Қора Аҳмад юз-кўзи аралаш шундай тепди — бечоранинг оғиз-бурни кўчиб кетди-ёв. Бутига ҳам бир зарб тушгач, ғужанак бўлиб қотди-қолди, қайтиб ўнғарилмади...

Уша Қора Аҳмад-да бу! У-ку, тоққа қочиб, бадар кетди, касри Ғужбоғга урди! Саллот босди. Кейин Қора Аҳмад ғанимдан ўч оламан, деб йигит тўплаб, ҳаммаёқни оёқости қилди. Ахийри, шунчаликка бордики, Нурмуродга ўхшаганлар юрак ўйноқи бўлаёзди. Кечаси эшикка чиқиш — ўлимдан қийин, юрт — нотинч,

нотинчлиги шунчаликки, биров келиб, молхонангдаги молингни ҳайдаб кетаберадияю, сен, тезроқ даф бўлақолсайди, деб юрак ҳовучлаб ётасан!

...Туёқ дукири супага кўчди. Чиндан ҳам, қўю кўчқорнинг «эгаси» чиққанга ўхшайди, олдига солиб кетяпти чоғи. Нурмуроднинг дами ичига тушиб кетди. «Бунча тимирскиланмаса! Оладиганини олипти-ку, кетмайдимиз энди!» Шу пайт дераза ойнаси шақирлаб кетди, кимдир, ҳойнаҳой, қамчининг сопи билан дераза табақасини урган эди. Нурмуроднинг юраги қинидан чиққудек ҳаприкди; кулала бўлиб олди у. Бошига довр кўрпага бурканди-да, қулоғини динг қилди. Қайдадир олисда ит ҳурди; шундоққина дераза ортида аллаким безовта кезинди, шуни пайқаса-да, дамини чиқармади. У бировни кўришнйам, супада не воқе бўлаётганини билишнйам, одам овозини эшитишнйам истамасди. Қани энди, ўз ҳолига қўйишса, мана бу исканжадан қутулсаю узаниб ётса!

Дераза табақалари яна шиқирлади; зарбнинг зўрлиги аён этдики, ташқаридаги бесаранжом, ошиқяпти. Шу кетиши бўлса, деразани бир тепиб, синдириб, ичкарига бостириб киришдан ҳам тап тортмайди. Тавақаларнинг ҳам тавақалиги қолмаган, бир урса, тўкилиб тушади. Ана, айтганидай бўлди-да!...

Шиша синиғими ёки бошқами, ишқилиб бир нима кўрпа устига келиб тушди. Нурмуроднинг кўксигади кўрқинч фарёдга айландияю, бўғзига увададек тикилди-қолди.

— Эй, Нурмурод!

Таҳдидли, босинқи овозни Нурмурод эшитди, бироқ булк этмади, булк этгулик ҳоли йўқ эди.

— Нурмурод, дейман!

Тақдирга тан бермай, иложи қолмади. Кўрпадан бошини чиқарди. Тўрт оёғи бир қилиб тушовланган жонлиқ қассобга қандай мўлтайса, шундай — бурилиб, зўғимдорга жовдиради. Кўзи илғгани — қорамтир кўлага бўлди.

— Чиқ буёққа!

«Қора Аҳмад!»

Нурмурод ихтиёрсиз тура келди. Суяги оғир. Куйлак-иштони баданига чиппа ёпишди, уни муздай тер босган эди. Тимирскиланиб тақиясини қидирди, тополмади, ахийри бошланг эшикка чиқди. Ой ёруғида аён кўрди: Қора Аҳмад барларини қайтариб, белбоғига кластириб олипти. Унг қўлида қамчи, сопи тилладан-ов, оловланади. Ингичка лаблари асабий қимтилган, қовоғи солиқ, кўз учиди совуқ бир нима йилтироққуртдай йилтирайди. Афтига қара буни: иблисдан қўшимчаси бор; ҳов ўшанда — Ғози саллотга тик чиққанида ҳам мийиғида шу истеҳзо кезинган эди. Нурмурод кўзини олиб қочди, Қора Аҳмаднинг уқпақунж этикларига қаради. «Бир тепса, ўнгдирмайди», деб ўйлади. Қора Аҳмадга рўпара келиш қисматида бор экан-да. Ҳозир ё нари, ё бери бўлади. Ҳар қалай, манави: «Молингни ўмардик, Нурмуродбой!», дейиш учун деразасини синдирмагандир?!

— Ҳа-а?! — Қора Аҳмад қамчи сопи билан унинг оч биқинига нуқиди. — Буюқ ургандай кўнишасан?

Қора Аҳмад тегишди-е! Итгаям, битгаям тегашавермайди у! Мурувват қилди! Нурмуродга жон кирди.

— Ишқилиб, ўтаканг ёрилмадимиз? Бизни саллот деб ўйлаб... Касофатлар юртни безанглатиб қўйди! Ҳа, майли, қаро кунлар ўтар, пайтаваларига курт тушар ҳали! Кўнглингдаги кўксингдагидай бўлар, Нурмурод!

Нурмуроднинг ўпкаси тўлиб кетди. Бир гаплар айтгиси — юрагини бўшатгиси келди. Йиғиси бўғзига тикилди. Сўзланмади, билдизи, икки оғиз сўз билан кўкрагидагини тўкиб сололмайди. Бошини эгиб, қўлларини қовуштирди. Азадорга ҳамдардлик билдираётган каби:

— Э, ака! — деди. — Кўргилик экан, ака! Пешанада бори шу экан...

— Пешана, дейсан! Кўргилик шунчалик бўладими, ахир?! Катта қирғин бўпти кеча! Каттақўрғонлиқнинг бешикдаги боласигача қиличдан ўтказишипти! Касофатлар, ўроқчидай бир четдан қийратиб келяпти! Энди Ғужбоғнинг гали! Эртан-мертан қон қақшарсан баринг!..

Қора Аҳмад, энди Ғужбоғнинг гали, дегач Нурмурод бир сесканди. «Дарёбоддаги кичик қирғин. Саллот, саллалини босмачи билиб, қиличдан ўтказди», деб Ашур сўпи айтувди-я. Демак, ҳали... Нурмуроднинг юраги қаттиқ увишди.

— Қандай кунларга қолдик, ака?! — деди. Тили зўрға айланди. Изиллаб, йиғлаб юборабергиси келди.

— Сендайн азаматлар ўзини четга тортса! Курк товукдай тухум босиб ётса! Бу кунлар — ҳолва, ҳали беш баттарини кўрасан, Нурмурод! Тагин...

Қора Аҳмаднинг товушида хотиржамлик бор эди. Бундан кўнгли таскин олди; отаси раҳматли кўп ҳокисор одам эди-да: икки гапининг бирида, бизнинг қўлимизда бит ўлармиди, деб турарди. Нурмуроднинг бундай дейишга тили бормаса ҳам, бир камтарлик қилиб қўйгиси келди:

— Бизнинг қўлимизда бит ўлармиди, ака!

— Йигит эл бошига иш тушганда sinalади. Тоғни уриб, талқон қилгулик кучинг бор тағин бундай дейсан, Нурмурод. — Қора Аҳмад унинг елкасига қўлини ташлади. Нурмурод бир чайқалди, Алпомишдек чайқалиб, тоғу тошга қаради. Ҳайбатли тоғлар қорайиб бўй берди: тоғ эмас, тош эмас, қўшин тортиб келаётган ёвнинг нақ ўзи! Лак-лак қўшин, келяпти, келяпти, ҳеч адоғи йўқ. Қора Аҳмад деган зўравон шу бўлдими, Қора Аҳмад кўзига чивинчалик кўринмади. Назарида, Қора Аҳмад оёғига бош уряпти, бежиз эмас: ўйи зўравонлар юборган, Нурмуродсиз уларнинг ҳам аҳволи танг чоғи! Гўё эл ҳам унга юкинмоқда, каттаю кичик жовдираб қарайди. Энди сира бўлмади, бу туриши ярашмас! Хаёлида, учқур тулпорига эгар урди. Қирқ газлик шамширини кўлига олди. Ёв устига от қўйди. Чақмоқдай чакнаб бора туриб, девдек гувранди, гувранганида ёв тариқдай тирқираб кетди! Фаним ердан замбуруғдай чиқиб, келаберди, Нурмурод бир гувранишда уни сомондай учириб юбораберди.

— Бунча гувранасан, Нурмурод? Бор, белбоғингни боғлаб чиқ!

Нурмурод сапчиб тушди, кайфи учган бангидек тиришиб қаради, қараса: на ёвдан асар бор, на тулпоридан. Рўпарасида Қора Аҳмад турибди. «Бизга кўшилар бўлсанг, тадорикингни кўр», дейди, қистайди. Э-э, Нурмуроддан нима кетди. Борса, бораберади-да! Юр-чи, юр, деб турганидан сўнг, йўқ, деб бўладими! Бу бир Қора Аҳмад бўлса! Қора Аҳмаддай зўравон бўсағасига бош уриб турса, юр, деса! Юртни фаним топтаса-ю, Нурмуродбойдай азамат ўзини четга тортса, курк товўқдай тухум босиб ётса! Уят-э!

Нурмурод бошини кўтарди: калласи сапчадек бор эди. Қош қурғур сап-сариқ, киприклар ҳам сариқ, шапалоқдек юзининг турган-битгани бурун. Узиям бурунмисан-бурун! Нақ сузонғич қўчқориникидек. Мижжалар орасидаги кўз эмас, кўзмунчок, пирпирайди... Эҳ-ҳа, элнинг куни ўзига қолибди-ку! Шундай пайтда қадрини пича оширгиси келди. Жўрттага қаншарини тиришгирди, гўё борсамми, бормасамми деб, иккиланаётган бўлди. Қора Аҳмаднинг зиннихи куймас — жиллақурса пича ялинсин, бўлақолинг энди, Нурмуродбой, десин.

— Хўш?

— Энди... — Нурмурод тайсаллади, нотавон кўнгли қурсин, бирдан кўтир жомашов тилаб қолди: Қора Аҳмадга қўшилса, қўшилипти-да. Лекин ярим кечаси унга итдек эргашиб кетадиган аҳмоқ йўқ! Нурмурод ҳам одам, ҳар қалай, элнинг юзи-кўзи, дегандек!.. Эртага, чошгоҳда ўзи чиқиб боради. У не ишга жазм қилганини Ғужбоғ аҳли кўриб қўйсин!

— Хў-ўй, жўжа! Борар бўлсанг, борарингни айт! Йўлдан қолдирма мени! Эмаса, ўзингдан кўр!..

Ий-э, Нурмурод ичида, бораман, деб турибди-ку! Бу зўравон бунча таҳдид қилмаса! У қаттиқ ўксинди. Ўксингани шунчаликки, Қора Аҳмад қароргоҳи — Берансойгача чурқ этмай борди. Бир ўксиниш шунчалик бўлар-да! Қора Аҳмаднинг жўжа дегани айил ботди. Тўғри, уч-тўрт кўйлакни у олдин тўздирган, лекин шу билан боши осмонга етибдими? У ҳам Нурмуроддек Ғужбоғнинг бир боласи-да! Ўзини қўрбоши чоғлаб замзама қилишини қара! Нима эмиш, Нурмурод жўжа эмиш! Оғиримни енгил қил, деб келган ўзи, тағин эрк бермай, шаштини синдиргани ортиқча! Берансой қочиб кетмас: эртага борарди! «Эшакни миниб, кўчани тўлдириб ўтсақ, эл, эл қатори Ойзода ҳам бир кўрса!» деб эди. Хўп, аломат бўларди-ёв. Ойзода челақ кўтариб, дарвозадан чиқса, қарасаки, бир эшакли кетаётир! Эғнида — беқасам тўн, белида — пистонли белбоғ. Елкасига яккатиғни осволган! Ё тавба-а! Бу — ким?! Тикилиб қараса — Нурмурод! «Қурғурнинг салобати жойида-ку, илгари эътибор қилмаган эканман-да?!» деб ўйласа! Нурмурод бунга пайқаман бўлиб, зинкийиб бораберди, кўрган, амирнинг сарбозими, дейди. Йўлдан чиққан мўйсафидлар, ёпирай, деб ёқа ушлайди. У бўлса, мавқе сақлаб бош силкийди — ассалому алайкум, дегани бу!

— Ваалайкум ассалом! Хўш, Нурмуродбоймисан? Ҳай-ҳай-ҳай, кўз тегмасин! Йўл бўлсин, шоввоз!

— Э-э, оқсоқол! Нимасини айтасиз?! Шу кеча ё-ётсам, биров деразани чертиб қолди. Ҳа-а, деб чиқдим. Қарасам, ўзимизнинг Қора Аҳмад! Бечора, оёғимга бош уриб кепти! Қанотимни қайирдилар, Нурмуродбек ука, қўлтиғимдан олмасанг, аҳволим чаток, дейди! Уйлаб кўрсам, одамнинг қадри шундай пайтда билинар экан! Тағин бир элатнинг боласимиз! Бошга кулфат тушиб турсаю биз уйда кўмилиб ўтирсак, уятдир. Шоми ўзига ургирларни патдай бир тўзғитай!

— Баракалло! Элнинг юзи-кўзи — сизлар. Жумардлар шу йўлни тутади, паҳлавон! Мурод ҳосил бўлсин!

Ўзига қўйиб берса, Нурмурод боллар эди. Ёдгор калтаям оғзини очиб қоларди! Кўнгил йўриғига юролмади у, Қора Аҳмад имкон бермади. «Мени алдаб, эртага бормай қўяди», деб шубҳаланди? Нурмурод борарди. Шунча ёшга кириб, у бировнинг кўзига чўп солмаган! Қора Аҳмад шундай одамга ишонмади,



ишонмагани бир сари, тагин жўжа деди! Бу ҳам камдек зўғим қилди! Зўғим ёмон — дилинг оғриydi. Нурмуроднинг кўнгли чўкди, Берансойга етгач, бундай қаради — кўзига на бир ғаним кўринди, на бир жанггоҳ... Келатуриб, у, не-не йигитлар Берансойда айшини суриб ётган чиқар, деб ўйловди, ўзини тўйдан қуруқ қолгандек сезувди. Қараса, овлоқ бир сойда турибди. Аҳмад кўрбоши деганнинг гапи катта-ю, чериги кичик: бор-йўғи тўрт нафар экан! Тагин буларнинг бири — бесақол, уни саноққа киритиб бўлармиди? Нурмуроднинг ҳафсаласи пир бўлди. Йигитларнинг зўри тоғнинг нариги биқинида ёв билан чопишаётган чиқар, деган хаёлга борди. Эринмай, тоғ ўркакчага чиқди, чор тарафга зингил солиб қаради, қани энди бирон бир улоққан ит қорасини кўрсатса!

Дайди шамолдан бўлак ҳеч вақо йўк. Шунда қўлини орқага қилиб юриши бекор бўлди. Энишдан тушаётиб, бир хаёл, Ғужбоғига қайтиб кетсамми, деди. Яна орқаворотдан булар, Нурмурод ғирт бекурд экан, деб юрмасин, пича сабр қилганим дуруст, деган ўйга борди. Отаси айтган: сабрнинг таги сар олтин. У сойга тушгач, йигитлар қатори октобрўйдаги наमतга чўзилди, ҳадемай иссиқ элитди...

Бир маҳал кўзини очса, кун тиккага келибди. Ён-вериди ҳеч ким йўк. Йигитлар ҳу нарида — булоқбошидаги яккатол соясида чойхўрлик қилишяпти. Нурмурод муздай сувга ювинди-да, этагига юзини артди, кейин супага чиқиб борди. Қора Аҳмад кўр тўкиб ўтирган экан, чап томонида ўгирилиб, ёнбошлаб ётган Азим якдастга, пича сурил, деган каби имо қилди. Азим якдаст асли Чулдиракдан, Чулдиракнинг кишилари кўрс бўлади, бунинг ҳам тажанглиги тутди:

— Э, тавбангдан! Бошқа жой кўриб қолдим, бек?

Қора Аҳмад кўз остидан унга ёмон қаради. Азим якдаст оғриниб, нари сурилди. Нурмурод, Қора Аҳмад кўрсатган жойга чўккалади.

— Тинчликми, Нурмуродбой? Келганингиздан бери қовоғингиз очилмайди! Нимангизга бунча мотам тутяпсиз ўзи?

Қора Аҳмаднинг сўроғидан у талмовсираб қолди. Боядан бери икки кўзи Азим якдастда эди: якдастнинг чап енги белбоғига қистириғлик; тирсақдан юқориси қимирлаб қўяди. Ё тавба! Тагин қайнаб чиққан кўзларининг қақчайишини-чи. У Азим якдастдан кўз узатуриб, дўрдоқ лаблари жийирилганини кўрди.

— Иштонига мотам тутяпти бу! Қаранг, йиртигидан сабили мўралаб турибди. Ув-в, Нурмурод, қишда бунингни совуқ уриб кетмасин тагин! Ва-ха-ха-ха! — Азим якдаст, маймоқ тирсаги силкина-силкина, ҳиринглади. Йўк, у кулмади, гўё ёғирчоқ ғижирлади. Нурмуроднинг диққати ошди. У шолғомдек қизарди. Аста энгашиб қаради, иштони чокидан сўкилибди. Азим якдаст айтганича бор. Усал бўлди Нурмурод, ўсал бўлди! Кулгига қолди. Қараса, Қора Аҳмад ўзини тийиб, сипо ўтирипти. Шунда бу ҳолидан кўп ҳам ор қилмади. Йўқчилик-да, деди. Кейин Қора Аҳмадга меҳри ошиб кетди. «Кулмади-а! Бу бор экан, кам бўлмайсан, Нурмурод!»

— Ҳиринглама, якдаст! Тур, бориб, қападан бизнинг чолворни опке! Нурмуродбой кийиб олсин! — Қора Аҳмаднинг гапи — гап-да, бирдан кулги босилди. Азим якдаст ўнг қўлига таяниб ўрнидан турди, тумшайиб, қапа сари кетди. Нурмуроднинг кўнгли тўлди! Чолворни олатуриб: — Ака, — деди, — устингиздагини бизга бериб, яланғоч қоласизми, ахир? Қўйинг, шуям бизга бўлаверади! Буни ўзингиз кийинг! Сиз эл устида юрган одамсиз!

— Кийиб ол, — Қора Аҳмад амр этди. — Мен билан ишинг бўлмасин!

Шунда, Нурмуроднинг кўзларига жовиллаб ёш келди. Бир ғарибга меҳрибончилик шунчалар бўлар-да! Қора Аҳмад бари бир ғужбоғликлгига тортди: Нурмуроддан кулмади, билъакс, унинг бошини силади. Бунга тегманглар, ҳой, дегани бу. Султон қачон суягини хўрлаган! Чолворининг почасида қатрондек доғ бор экан, ий-э, қон юқдимми? Сабил... ювса кетар?! Нурмурод ҳам одам бўлиб, чолвор кийди! Чолвор кийганда ўзини таниёлмай қолди. Тагин, унақа-бунақа эмас, Ғози саллотнинг чолворини худди ўзи! Почасидаги доғ... қаёқдан тегақолди экан? Булар бир ғарибни калтаклаб, чолворини ечиб олишган бўлса-я?

— Нега тумшаясан, Нурмурод?

— Зап чолвор экан-у, сабил...

— Қарздор бўп қолмайин деб чўчипсанми? Тўзғитиб киябер. Чолвор ҳам гап бўлтими. Омон-омон кунлар келса, ҳали бошингдан зар сочаман! Ғужбоғнинг қоровулбеги — сен! Суйганингни қўйингга солмасам, кўрбошилигим ҳаром! Аҳмад бекнинг даврида юрт сўра-аб ётаберасан!

Қоровулбегилик кўп катта амал-да! Манави Азим якдастлар ҳам нари борса, қоровулбеги чиқар! Шу тусмолда у ён-вериданларга қаради: не-не йигитлар димоқларидан қурт тушиб, ёнбошлаб ётишибди. Бироқ тўшаклари Қора Аҳмаднинг оёқучида. Нурмурод кўрди, Азим якдастнинг ҳавоси бурунгидек баланд эмас, ўзига тенгситгандек Нурмуродга хайрихоҳ қараб турибди. Қора Аҳмад — Қора Аҳмад-да. Ётишини кўр! Бек-да, бек! Бу амир этади, қолганлар ёнбошла-аб, юрт сўраб ётаберади!

Ғужбоғда Қилич қоровулбеги ўтган: кўп келбатли киши эди. У девдек

ёнбошлаб ётганини Нурмурод кўрган, ҳозир, шу ёдига тушиб, бир кекирди, кекириб иккита ёстиқни ёнбошига олди. Бу — Нурмурод, шундай бир банда эдики, умрида гиёҳвандлар кўчасидан ўтмаган, ва лекин танглайини гиёҳванд кўтарганми, ишқилиб, бангилиги бўлмаса ҳам, бангилиги бўлганми, бор эди: кекириб ёнбошлагач, ўзини Қилич қоровулбеги чоғлаб, оёқни узатиб юборди. Товони тегиб, супа лабидаги кесак пастга думалади, йўқ супа эмас, гўё ер юзидан, кесак эмас, бир тоғу-тош учиб кетди. У, ўхшатиб томоқ кирди, хаёлида, еру осмон зириллади ва ипақдек эшилган шамоллар уни кўтарди-да, кўкка учди. Осмон кўрпача бўлди унга, булутлар — ёстиқ. Шу ётишда юртни сўраб минг йил ётди-ёв, ё юз йилмикан, ишқилиб узоқ ётди. Ушалмаган бир армон қолди дилида, тоғдайин армон. Бир кун, ҳа-а Аҳмадбек, лафзингни унутдинг-а, Аҳмадбек, деб койиниб турса, оқ тулпорли биров келаётир, сиёқидан — Қора Аҳмад. У Нурмуродга рўпара бўлар-бўлмас, койий кетди: «Сени бало урдими, Нурмурод?»

Нурмурод қоровулбеги бошини эгди, Қора Аҳмаднинг айтар гапини сезди, сезмаганга олди, эловсиранди: «Биздан нима айб ўтди, бек ака? Юртингизни сўраб ётган бўлсак!»

«Бундай эмас-да, энди, — Қора Аҳмад таъна қилди. — Бизнинг юмуш мингта бўлса, шу писмиқлик сендан лозимми? Азим қоровулбеги галва чиқаргани-чиқарган. Уёқда бесақол қоровулбеги юртни уддалаёлмаётир. Суянганим сен бўлсанг...»

«Бек ака..»

«Ё жўрттага шуйтјасанми? Қарзи бўйнида кетсин, деганингми бу?».

«Қарз дедингизми? Қандай қарз, бек ака?!»

«Гапни бурама, қоровулбеги! Хў-ўш, қани гапир, ким у — суйганинг? Сочидан бураб, опкелиб қўйингга солмасам...»

Нурмурод қоровулбеги юзига ўй ўйлаган киши тусини бериб, бошини солинтириб ўтираберди. Энди, дабдурустдан, кўз остига босиб юрганим — Қилич қоровулбегининг қизи, дейишга ҳадди бўлмади. Ойзода — ҳур-да! Ҳурга, келиб-келиб, Нурмурод оғиз урсинми? Йўғ-э! Тагин икки орада Қора Аҳмаднинг ўзи бор. Буям, Қилич қоровулбегининг қизини кўрса, Нурмуроддай тошиб кетаберарми-кан? Тошадими — йўқми, бари бир, унинг ҳам Ойзодага кўнгли бор. Нурмурод ҳам анойи эмас-да, пайқаган. Шунга ҳам уч йилча бўлди-ёв: омончи хўкизга судратиб, отаси иккови дала-ҳовлиларига чиқиб боришаётган эди. Қора Аҳмад уйларининг кўчаберида, харсангга кўнқайиб ўтирган экан. Бир нимага хезланган чоғи, ингичка лаблари асабий қимтилган, заҳаролуд кўзлари қисилган. Буларни кўриб у тескари қаради. Нурмуроднинг отаси ҳам бало эди, бир ниманинг исини олди, завқи келиб учирим қилди:

— Ҳа-а, Аҳ-ма-ат! Юрибсан-да! Сенинг ўрнингда бўлсам, ноғорага халачўп қоқардим!

Нурмуроднинг юраги тўхтаб қолаёзди: ий-э, отасининг эси жойидами ўзи? Бу бир Қора Аҳмад бўлса, сиркаси сув кўтармаса; шунинг қитиқлатига ҳам тегадими одам. Ҳартугул, Қора Аҳмад жеркинмади. Ишшайди. Буни кўриб, Нурмурод ҳам илжайди. Қора Аҳмад отасини тенгиситди-е! Отаси ҳам унақа-бунақа одам эмас-да, энди. «Ноғорага халачўп қоқардим», деб тоза олди-ку. Қора Аҳмаднинг ўзи ҳам беш кетди. Бунақа гапни отам қаёқдан биларкан? Хаёл билан Қора Аҳмадга юзланди ва кўрдими, ҳовуз тарафга у зимдан, бошқача тикилиб турибди. Нурмурод беихтиёр шу томонга бурилди. Қараса, Ойзода, эгнида олачагул чит кўйлак, дуркун қомати жиндай эгилиб, бир-бир босиб кетиб бораётир.

Нурмуроднинг оёқлари тушовланди. Чилвирни билагига солган эди, хўкизлар юрабергач, чилвир таранг тортилди-ю, ўнг кўли юлиниб кетай деди.

— Кўзингга қарасангчи, хў-ўй! — Отаси койиди, койиш қулоғига кирармиди унинг. Қора Аҳмаднинг қарашини ёмон!

— Хў-ўй! Кўзингга қара! Нимага ангроясан? Бало урдими сени Нурмурод-болам?!

Бало ургани шунчалик бўлар-да...

Нурмуроднинг чамасича, Ғужбоғнинг қарчиғайдек йигитлари бор, бироқ Ойзодага тенгиситгулик баҳодири йўқ. Нурмуроднинг ҳисобича, қизнинг қорасини узоқдан кўриш ҳам у каби фақирларга бир давлат. Ва лекин Қора Аҳмад кузғундай ёприлиб бир човут солса, бас, кўзга суртганини илади-кетади.

Ахийри, Ойзода дардга айланди, дард бўлиб бағрини куйдирганда ҳам Нурмурод бировга «чурқ» этмади. Қилич қоровулбегидек ёнбошлаб, юртни сўраб ётганида ҳам, Қора Аҳмад келса-да, хўй, қоровулбеги, бўйнимда қарз билан кетмайин, айт, суйганинг ким, сочидан бураб опкелиб қўйингга солай, деса, Нурмуроддан садо чиқиши кўп қийин...

У ўнг оёғини букди ва бошидан каллапўшини олиб, тиззасига кийдирди, сўнг хўрсиниб:

— Э-э, оғир савдо экан бу, бек ака! — деди. Шу чоғ үнгидами, хаёлидами, ишқилиб, аллаким нақ қулоғи остида шанғиллади.

— Ола-а! Шунинг нимаси оғир савдо экан, Нурмурод? Бир кеча құриқвонлик қилсанг, осмон үйилиб тушмас!

Нурмурод гаранг бўлди, бошини кўтариб, қаради: гап қотган Азим якдаст экан. Якдастнинг ўтиргани — тақир супами-ей. Супа — булоқ бошидами-ей, булоқ — Беран сойдами-ей. Ҳартугул, олдиларида дастурхон ёзиғлик, ширвоз гўшtidан ҳовур кўтарилиб турибди. У тамшаниб ўмганини кўтарди. Лаганга энди қўл чўзган эди, Азим якдаст ижикилади.

— Бугун тухумдан чиқиб, бўйинтоблик қил-е! Шунинг нимаси қийин, а? Нурмуроднинг мияси ғовлаб кетди.

— Рост, шунинг нимаси қийин, — деди у, бироқ гап нимага тақалганини ҳеч англай олмади.

— Қачон турасан: бугунми ё эртагами?

— Эртага, — деди Нурмурод, жавоби Азим якдастга ҳам маъқул тушганини кўриб, энгил тортди. Эртага бир гап бўлар. Ҳозир мияни ачитадиған пайтми? Ширвоз гўшtidан ҳовур кўтарилиб турган бўлса! Бесақол чой узатиб, Қора Аҳмад, устихонни тозала, деб қистаса! Нурмурод миясини ачитмади. Оғиз-бурнидан чиққунча еди, кейин яхдай қимиз симириб, қорнини силаб ётганича кунни кеч қилди.

Куннинг ботиши қурсин, тонгнинг отиши қурсин! Кечқурун ўйлаган ўйинг эртабга ҳеч тўғри келмайди. Бўёғи ит ётиш, мирза туриш бўлди! Азонга бориб, чамаси, нам тушди. Жунжикиб, кўзини очди. Қараса, бир томонида чўлоқ, иккинчи биқинида якдаст! Тунаган жойлари — бир сойлик, тўшаклари — пўстак, ёпинчиқлари — терлиқдан кўрпа! Жиндай нарида ғарибгина қапа, шуни айтмасанг, ҳаммаёқ тоғу тош. Шу тоғу тош орасида ўзини қоровулбеги чоғлаган уч бангихаёл чумолидай хор бўлиб ётибди! Э-э, кўрган кунинг қурсин, сени, Нурмурод! Зарурга-ку зарур, сенга нима зарур? Уй ўйлаб, ўйининг тубига етолмади! Жуфтакни ростлай, деса Ғужбоғга бориб, Қора Аҳмад айтган қирғинга дучор бўлишдан ҳайиқди. Борса — бир бало, бормаса — икки бало! Ахири, деди: пича сабр қил! Сабр қил, Нурмурод, кўрайлик, охири нима бўларкан?

Тонг отди. Яна офтоб заптига олди. Яна кун тиккага келди. Бироқ Қора Аҳмад капасидан бош чиқармади. Тушга томон у Нурмуродни йўқлади.

Капа булоқнинг кунчиқарида эди. Нурмурод кириб борса, Қора Аҳмад узаниб ётган экан. Бесақол мук тушиб, унинг сертук болдирини уқалапти. Қора Аҳмаднинг авзойи бузуқ. У, кўз учида пойгақдан жой кўрсатди. Кейин, қуриллатиб чилим тортди-да, уни бесақолига узатди ва, чиқ, кет, дегандек ишора қилди. Узи ҳам туриб, чордона қуриб ўтирди. Оғир, хўрсиниқли нафас олди. Кейин елкасини қашиб, гап бошлади:

— Нурмуродбой! Мана, Ғужбоғнинг беклиги сен тан бўлди, ука! Энди гап бундай: ҳадеб қоринни қашиб ётган билан иш битмайди. Нарёғини сўрасанг, юртни ўлат босди, ўлат! Даф этарга қурбимиз етмаяпти. Э-э, не-не шунқорлардан айрилдим, ука. Ашур қўрбошини биласан, бизни сотди уям! Ҳали шошмай турсин, калласини сапчадай узиб, найзага қўндириб, ўла-ўлгунча кўтариб юрмасан, она сутим — ҳаром! Барининг қонини ичман! У дунёю бу дунёсига ўт кўяман! Нега бу — Эргаш мингбоши ҳаяллаб қолди, а? Келар... ана шунда кўрасан қирғинбаротни. Унинг арслондай йигитлари бор!.. Нега мўлтаясан, Нурмурод! Дарёбоддаги қирғин кўзингдан ўчдимми, а? Калтафаҳм, тентак! Овсар! Отангни қўйдаи бўғизлаган эди-ку! Эсингдан чиқдимми шу? Ҳали у дунёда юз кўришишинг бор. Нима деб жавоб берасан унга?

— Ғози саллот бошқача гап қилувди-ку, бек ака?

Қора Аҳмад сачраб кетди, кўз остидан қаҳрланиб қаради. Нурмурод кўрдикни, унинг чап қабоғи учаётир. «Ҳимҳ» — заҳархандадан Қора Аҳмаднинг гавдаси бир қалқди. Ниҳоят, у кибр билан димоғини кўтарди-да, истеҳзоли оҳангда:

— Э, Ғужбоғнинг анойиси! — деди. — Ғози саллот, отангнинг калласини кемирган — мен, десинми сенга?.. Уҳ-ҳ! Қани энди, юз чоғли навкарим бўлганда эди, бу ғайрдинларни қон қақшатардим! Қон! Юртни шўйтиб олармикан? Йў-ўк, жўртага шундай қилишди — кўзимизни қўрқитиб қўйишди! Э-э, Нурмурод! Куйган юрагимни сен ҳам ўртама, Нурмурод! Жон сақлаш керак, Нурмурод, жон сақлаб туриш керак! Талончилик қип бўлсаям, жон сақлаб туриш керак! Яхши кунлар келади ҳали! Шунгача... Заҳира ғамламасақ, ҳолимиз вой. Олдимиз — қиш! Қиш бўйи қилиб чархлаб, куч йиғиб чиқамиз! Кунлар илиши билан чопқинни бошлаймиз!

Нурмурод қовоқ солди. Қора Аҳмаднинг айтганлари ҳазилакам гапми, ахир, шунга яраша у ҳам тумтайди, гўёки қаттиқ дарғазаб бўлди. «Гапингиз жўяли, бек», деган ишорада хомуш бош ирғади. Кўпни кўрган донолардек бош ирғаб ўтириши ўзига ҳам ёқди. Қараса: бир бурга пўстакда ўрмалаб бораётир. «Э, касофат! Қай

гүрдан кела қолди бу?» Эзфилаб, ўлдиришга чоғланди-ю, отасининг, чибингаям озор етказма, уям бир махлуқ, дегани ёдига тушиб, тегинмади. Шу чоғ куракларининг ораси қичий бошлади, қашиниб, бир ҳузур қилгиси бор-у, сабил қўл етмайдиған жой-да. Теваракка у аланг-жалаң қаради ва кўрдикки, қўл етгулик жойда қамчи турибди. Узалиб, шуни олди-ю, сопини ёқасидан тикди.

— Сўна чакдими, ҳўкиз?

Нурмурод ўтирган ерида бир сапчиб тушди. Қашинишни ҳам унутиб, қўлларини қовуштирди.

— Эракмисан ўзи? Отангинг хунини довлаш ниятинг борми, ислиқи?

Нурмурод, «ҳа» деган каби кўрқа-писа бош ирғади. Яланди. Чўнқайиб ўтирган эмасмиди, оёқлари увишди. Устига устак, бургами, мўрчами, ишқилиб бир бало елкасида ғимирлай бошлади. Боя қамчи сопида юрган бўлса...

— Менинг отамниям ажалидан беш кун бурун ўлдирған шулар. Эмаса, бечоранинг гуноҳи нима?

Нурмурод, «тўғри айтасиз, бек ака», деган маънода унга қарамоқчи бўлди, бироқ юраги дов бермади, қолаверса, қамчи дастаси ҳам калласига қадалиб турибди. У бошини кўйироқ солинтирди. Чимирилиб, гўё оғир ўйга толди, бари бир, бориб кимдан хун довларини сира ақлига сиғдира олмади.

— Тинчимизни бузган — шулар! Ғужбоғни ғорат қилған — шулар! Уйимизга ўт қўйған — шулар! Қаттоллар бешикдаги боламизниям қиличдан ўтказди-ку, Нурмурод! Сен... сен нимага қалтирайсан?!

— Қалтираётганим йўқ, бек ака, қалтираётганим йўқ! — дея Нурмурод ғўлдиради. Қаттиқ ажабланди — чиндан ҳам қалтираётгани йўқ эди. Шунга амин бўлгач, этаги остидан қўл юбориб, қамчини суғуриб олди-да, ўмганини кўтарди. Жиндак нафас ростлади, сўнг манғлайидаги терларни энги билан сидирди. Сизди — Қора Аҳмад оғзига қараб турибди. Энди бир маънироқ гап айтмаса, уят-э!

— Тунов кеча бир қий-чув бўп қолди, денг. Секи-ин чиқиб борсам, Аслон гуппининг уйи ёняпти! Яхши бўлди-да, бек ака, яхши бўлди: касофатлар қиш чилласига бориб, кейин ўт қўйса, нима бўларди? Аслон амакига, бизникига кўчиб киринг, дедим. Ҳа, энди овул-ҳамсоячилик, тўғримми?

— Мен нима дейман, кўбизим нима дейди! — Қора Аҳмад тутaqиб қўл силтади. Сўнг паст овозда, ўсмоқчилагандек сўради: — Ут қўйғаннинг изи борми? Саллотнинг ишидир-ов!

Бошда, Қора Аҳмад жеркингач, Нурмурод талмовсираб қолған эди, кейин босиқ овозда сўроқ сўргач, Нурмурод фаҳмладики, гапининг бир учи маъқул тушди. Аслон гуппининг уйига ўт қўйғанни биров кўрмаған, гарчи шундай бўлса-да, Нурмурод пича ён бериб, деди:

— Ҳа-да! Эмаса, сиз билан биз ўт қўярмидик, бек ака!

— Аслон гуппи деганинг ҳам гарданигача гуноҳга ботувди.

Чала ёнган кулба, чирқирашаётган болалар хаёлида жонланди-ю, Нурмурод ортиқ бу ҳақда сўзлашни истамади. Тараддудланди.

— Бек ака! Эмаса, мен қишлоққа бир тушиб чиқай?

Қора Аҳмад чимирилиб қаради.

— Қишлоқда итинг адашдимми?

— Қишнинг ғамини емасак бўлмайди, аҳвол танг, дедингиз-ку! Зим сойда, — у тоғ ортига ишора қилди, — дала-ҳовлимиз бор! Буғдой пишиб, тўкилиб-сочилиб ётгандир? Уроқ солсам, бир қишга етгулик дон чиқади, ака.

— Уроғинг билан кўшиб, қўшмозор қилар саллот, галварс!

Нурмурод баттар чўкди, тагин бурунги титроқ вужудини банд этди.

— Энди нима қилдик, бек ака?

— Гап бундай, Нурмурод, — Қора Аҳмад чайқалиб, оғир сўлиш олди. — Биласан, ҳар кимниям иқим суймайди. Азбаройи яқинсиниб, қанотимга олдим сени, Нурмурод. Раҳматли отанг падарим билан кўп яқин эди...

Нурмуроднинг дийдаси юмшади, «шилқ» эткизиб бурнини тортиди.

— Утганларнинг ҳурматини қилдим, Нурмурод. Энди ука, кемага тушғаннинг жони бир, қишга захира ғамламасак, қийналамиз-ов. Сен эл назарида беозор, ювош ҳалигдай... Ҳў-ўш-ш, агар айтғанни қилсанг, Ғужбоғ ҳам, борки ана, Қилич қоровулбегининг... қизи, деймизми, бариси сен тан. Киндигинг бир иссиққа тегсин! — Қора Аҳмад кейинги гапни чайналинқираб айтди, товуши ҳам ҳирқираб чиқди. Нурмурод кулоқларига ишонмади. «Шу гапни бек айтдимми ё?! Чинингизми шу, дегиси, ҳалиги гапни бекнинг оғзидан яна бир эшитгиси келди, бироқ тортинди, уялиб почаларига қаради: асл матодан-э, куётўраликдан қийса кийгулик чолвор. Опқўйсмикан? Э-э, Қора Аҳмад омон бўлсин. Кам бўлмайсан, Нурмурод! Унинг меҳри товланди, қани энди, у ҳам бекка шундай бир яхшилик қилса-ю, Қора Аҳмад, биринги минг қилиб қайтаради бу, деб уни алқаб юрса.

— Эшбўта жувозчинни танирсан?

Нурмурод шоша-пиша:

— Танийман, — деди, шошган қурсин, шошганда лаббай топилмас, берган жавоби нотайин кўринди. Қайта бошдан салмоқлаб жавоб қилди: — Бир қишлоқнинг одамимиз. Танимай, ўлипмизми, бек ака!

— Шунинг қўш ҳўкизи бор, а?

— Бор! Бор!

— У бир жувозчи бўлса! Қўш ҳўкизни ким қўйипти унга?

— Тўғри! — деди Нурмурод. Шу пайт, қўш ҳўкизсиз ер ҳайдаб бўлмаслиги ёдига тушди. Шуни айтман деб оғиз жуфтлаган эди, Қора Аҳмад имкон бермади.

— Ҳозир отлан! Қишлоққа туш! Ис олаке! Кўр-чи, моли қайда, ўзи қайда? Искаланиб юрганингни ит ҳам пайқамасин, уқдингми? Моли сенга тегса савобига қолади; еб кетмассан, қоровулбеги бўлганинга қайтарарсан? Бари бир, саллотдан ортмайди бу ҳўкизлар! Ундан кўра, бегона қилмаган маъқул. Нима дединг?

Нурмурод, тўғри, тўғри, деб сапчадек калласини ирғади. Англадики, Эшбўта жувозчининг қўш ҳўкизи ўзига тегишли бўлди, бироқ бошига урадимми уни? Бир қорни икки тишлам зоғора билан тўйса. Оч қолган бола-чақаси бўлмаса. Ва ё бек?.. Йўғ-э!.. Бир нима, шайтон бўлиб, шайтон эмас, дунёнинг борки палидлигимми, ишқилиб, бир нима гарданига балодек ёпишди ва кўчидек босиб қолди. Нурмурод эзилиб, мунчоқдек кўзлари жовдираган кўйи бекка қаради. Шу чоғ чап кураги устида яна ўша — мўрчами, бургами ғимирлади, сўнг симиллатиб шундай чакдики, унинг башараси буришиб кетди, шоша-пиша «шап» этказиб кураги устига урди. Қора Аҳмад боя ижирғаниб турган эди, буни кўриб анг-танг бўлди-қолди.

— Ҳа, Нурмурод, жин урдими сени?

— Ўйиб олди, ака, ўйиб олди! — У апил-тапил ёқасидан қўлини тикди, тутиб кўрдикки, чаққан жондор канадек бор, баданига ёпишиб турибди. — Қорақурт! Қорақурт, ака! — Олиб, қараса, мўрча. Ўсал бўлди. — Мўрчанинг сариғи, арининг асалариси ёмон чақади ўзи... — деди. Нурмуроднинг назарида, Қора Аҳмад бирдан бўшашди, бояги важоҳатидан асар ҳам қолмади. Хўрсинди. Кейин: — Хуллас, шу гап, — деди ҳафсаласиз. — Менга ҳеч нарса керак эмас. Лекин сен ул-бул йиғ — қора кунингда ярайди. Бундан буёғи, неки топсак, тегишингни оласан. Майли, бугунги ўлжа — сеники. Аммо мени сотгудек бўлсанг, билки, соғ қолмайсан. Тур, жўна энди...

\* \* \*

— Эшбўта бува-а! Ҳўкизлар қани? Қантариб қўйибсизми, дейман, а?

— Эшбўта бувангнинг ҳўкизига ишқинг тушадими, болам?

— Бизнинг эмас, Қора Аҳмаднинг ишқи тушди, бува. Биз шунинг искавучи. Шу кеча чирқиллаб қоласиз-ов. Ишқилиб, молингизга эҳтиёт бўлинг, кейин бизни ўғри тутман! Овул-ҳамсоячилик! Кўзингизга чўп солмай, дедим-да, бува!

— Нурмуродмисан, даоус? Нега бўйтиб юрибсан? Жийда-пийданинг тагидан ўтмадингми, ишқилиб?

— Қора Аҳмадга мурид тушдик, бува!

— Аҳмад ўғрига, де! Ҳа бўйнинг узилгур! Отанг, яхшиям, обрўси борида этагини йиғиштирган экан! Раҳматлини гўрида тик турғиз энди!

— Йигитчилик-да, бува. Эр киши ё уёқли, ё буёқли юрадиган замон. Саллотга бош қўшай, десам, отам раҳматли... Қора Аҳмад — ўзимизнинг одам, оталаримиз ҳам яқин эди; кел, қанотимга кир, деди, қўймади ҳеч. Туз тордимми, ҳарқалай, бекнинг йўлини тутдик. Биз билан ишингиз бўлмасин, бува, биз бир кунимизни кўрармиз. Узингизга эҳтиёт бўлинг. Кейин, дўст эдинг, душманнинг ишини қилдинг, деб ҳиқиллаб юрманг.

— Ҳай-ҳай-ҳай! Ажал билан ўйнашяпсан, а, тентак. Тилгинангни суғуриб олади у!

— Ола-а! Қора Аҳмадни билмас экансиз!

— Кўзингга қара, бола, кўзингга қара!

— .....

\* \* \*

Нурмурод эшагини тушовлади-да, қўйиб юборди, тўқимини олмади. Улови шай тургани маъқул! Боя Берансойга ҳеч оёғи тортмади, ҳануз кўнгли бежо — бу ердан тузи кўтарилган-ов. Ҳойнаҳой, қилвирлигини Қора Аҳмад пайқади: уккиқараш қилди-ку! Пайқагани бир сари, лекин «ов»нинг юришмагани чатоқ бўлди. Қийин, қийин Нурмуродга қийин, Қора Аҳмаднинг кўзига тик қараёлмайди. Кўриб турибди — қўра бўш. Ҳар кун қишлоқни оралайтуриб, дейдики, «Уял-э, Нурмурод! Қора Аҳмадни қонига ташна қилдинг. Бундай эмас-да, ахир! Яхшиям, шу бор экан, эмаса, иштонсиз қолармидик? Чолворниям анча тўзғитдик. Бекнинг жаҳли чиқмасин, аччиқланса еч, дейди, кейин... Овул-ҳамсоянинг юз-хотирини қип ўтирасанми, қўй шуни, бекниям бир кўнглини овла...» Ва лекин Қора Аҳмаднинг

кўнглини овлаёлмайди. Бирор бир дарвозага рўпара бўлгач, кишининг кўзига кўзи тушгач, шайтоннинг қутқусига учади, тилига эрк беради: «Қора Аҳмаднинг искавучимиз биз. Шу кеча чирқириб қоласиз-ов... Э-э, ундан қўрқсак, шуйтиб юрармидик, ака!», деб гериллайди, аслида қўрқади. Қора Аҳмад тугул тўнкарилган қозонни кўрса ҳам юраги увишиб кетаберади.

Кўра бўшаб қолди, ахийри, Раҳим боини талашди — чўпонининг кўзини шамғалат қилиб, тўрт кўини аранг опқочишди. Шундан буён Қора Аҳмад қовоғини очгани йўқ. Азим якдаст ҳам бурунгидек эмас, бугун, чошгоҳда у Нурмуродга хўп айланишди. Хид олган кучукдай искаланди-е! Нурмурод ариқча лабидаги ниҳол остини юмшатиб ўтирган эди, ўтирганига қўймади. — Тагимизни юмшатаписизми?.. Сув қуяясанми, писар? — деди. Гапи тугул қараши ҳам ғалати; кўз қисадимийей. Кейин қамчисини ўйнайтириб, бир силкиди — чизимчаси ниҳолни яшиндай кесиб тушди. Якдаст совуқ тиржайди-да, тумшайиб тураберди. Хийладан сўнг: — Ҳайда! — деди. Нурмурод анқайиб турганини кўриб изоҳ берди: — Сафар кўсананикага! — У бошқа гап айтмади. Шундаёқ юрагига ғулғула тушди, шундаёқ Нурмурод, қайтиб бу жойни елкамнинг чуқури кўрсин, деб қасд қилди. Ҳатто Сафар кўсанинг уйини четлаб ўта-туриб, юзини терс бурди ва гўё ўзини авради: «кўсанинг ҳовлисиам дунёнинг бир четида-е! Етишимиз ҳам қийин бўлди, эшакка ҳала бос, Нурмурод!» Узимиз билган Нурмурод-да бу, уни қип-қизил афанди, десак ҳам бўлаверади. Йўқса, «уйга бориб, оёқни узатиб, ётаман. Мободо Қора Аҳмад яна тирғалса, бир сўкамани!..» деб ўйлайдими. Афанди-да, афанди бўлмаса, дарвозасига етгач, изига қайтадимми. «Тишининг кирини сўриб тилган шўрлик қақшаб қолмасин тағин», деб Сафар кўсананикага борадимми. Кўса билан сўрашатуриб, кўнгли алағда бўлди. «Ҳа-а, Нурмурод, чакки қилдинг, деб ўйлади, хосиятсизга яқинлашиб чакки қилдинг. Асли бахтиқаро бўлиб туғилган бу, яратган тўрта соқолнинг раво кўрмаган. Экин экса, кўкармайди. Бировнинг боғига кўз тикса — қуритади. Келиб-келиб... шунга нобоп яқинлашдинг, Нурмурод!» Назарида, аллаким пойлаётир, гап олаётир. Ҳадиксираб, йўлга қаради: бир отлик ўтиб бораётган экан. Эгнида жулдур чопон, бошида тўзғиган телпак. Отлиқнинг эгарда ўтириши кўзига иссиқ кўринди. Ий-э, минган самани — Азим якдастники-ку?!

Берансойга қайтиб келгач, чўнқайиб эшагини тушовлай туриб, Нурмурод атрофга разм солди, қараса, отлар ичида саман йўрға йўқ. Епирай! Азим якдастнинг ўзиям кўринмайди-ку! У қаттиқ безовта бўлди. Шунда ҳам, якдаст хид олиб юрган экан-да, деган ўйга боргиси келмади. Ҳа, аттанг, боя Ғужбоғда қолар эди, шу ғурбатдан қутилар эди, Сафар кўса айнитди-қўйди. «Э-э, улим, кўргилик, деди, икки қўлим бир тепамда бўлиб ўтираберамиз энди! Песу маховониям, соғу шоқолния — элнинг қозони бир бўлар экан энди! Кўрпа-ёстиқ бир, хотинлар ўртада бўлар экан энди! Қани, бўйинтоблик қилиб кўрчи, бош қўшмаганинг калласи кундада бўлар экан энди! Юрт-норози, оҳимиз фалакни ўртаб турибди! Иннайкейин, қайтиб Ғужбоғга дорима, улим. Босмачиман, деганинг боши кетяпти. Бозоржойга қозик қоқишган — сон-мингта, амир замонида қозикқа ўтқазгич эди, энди-чи, энди кесилган бошни мойкадидай илиб қўйяпти!» Сафар кўсанинг айтган гапи шу бўлди. Шунини эшитди-ю, Нурмурод эшагининг бошини бурди, қайдасан Берансой, деб ҳала босиб келаберди. Келгунича қора терга ботиб кетди, ўзига куйинсинми, Ойзодани қутқарсинми? Боз устига, касофат якдастнинг йўқлигини қаранг! Бир амаллаб, эшагини тушовлади, зўрға ўрнидан турди, шунда кўзи тиниб, оламни нақ зулмат босди. Хийладан сўнг кўрдик, Қора Аҳмад тиззаларини кучиб, супада ўтирибди, синчидай қадалиб қарайди. Қарашлари бир оғир-эй! Нурмуроднинг оёқлари кундага айланди, кундаки, ҳар қайсиси юз ботмон бор, уни кўтариб босишга, қани энди, мадори етса. Судралиб-судралиб супага етди, Қора Аҳмадга кўриниш бериб турди. Қора Аҳмад айтсин: «Ҳой, Нурмурод, тузимни еб, тузлиғимга тупурганинг нимаси, Нурмурод?» У иқроор бўлсин: «Ака! Қийналиб кетди жоним — икки ўт орасида адо бўлдим, ака! Қарғиш урди мени: қанотингизда бўлсам, кўзимга оловдай кўринасиз, қишлоқни оралашим билан... Бу балодан қутқаринг мени, ака!»

Йўқ, Қора Аҳмад бир сўз демади, келдингми, деб сўрашни ҳам эп кўрмади, гўё аллаким Нурмуроднинг гарданини мўлжалга олиб, булутларни итқитиб юбораберди, булутлар қулаб тушаберди, тушаберди, ахийри уни босиб қолди.

— Қўрадан қўчқорни опчиқ!

Қора Аҳмаднинг ҳукмига у итоат этди, гарданидаги тоғдек «юк»ни кўтарганча қўра сари юрди. Қўчқорни етаклаб чиқатуриб, эшитдики, Қора Аҳмад бехосият туш кўрипти, қон чиқармоқчи. Ана, бесақоли шундай деяпти. Нурмурод мўлтираб, қўчқорига қаради: Бурни, нақ ўзиникидай, ўзининг моли-да. Бир замонлар, ем бера туриб, қўчқорининг тумшугини силаб қўйгич эди. Шунга одатланган қўчқори ўйноқилаб келиб, Нурмуродга суйканди. Бироқ уни эркалаш, жиллақурса, «Тек! Тек», дея койиб қўйиш юрагига сиғмади. Аста чилвирни Қора Аҳмадга тутқазди, тутқазди-ю, қайрилиб, балодан қочгандек қоча бошлади.

— Йўл бўлсин, ув-в?  
Нурмурад тўхтади.

— Қани, бери кел-чи!

У, отишга ҳукм қилинган мардум ижрочига қандай қараса — шундай, бурилиб, Қора Аҳмадга қаради. Қора Аҳмад, кўрсатгич бармоғи учида, буёққа кел, деган каби имлаётганини кўриб, ёлборди: — Ака! Мени қийнаманг, ака! Қонни кўрсам, меники бўмайди, ака! — Қора Аҳмад бўйини ичига тортиб, кўз тикиб ўтираберди. Унинг бировга кўз тикиши кўрсин, бошида Ғози саллотга ҳам шундай қараган. Нурмураднинг юраги ситилиб кетди: — Шу кўчқор туғишганимдай бўп қолган, ака!

— Бери кел!

Гўё осмондан қирқта дев тушди, қирқта дев Нурмурадни занжирбанд қилди ва бўйнига арқон солиб сула сари сургалади.

— Қулат! Боғла оёғини!

Э-э, кўчқорингни қулат, дегунча тоғни қулат, деса бўлмасмиди!

— Ма!

Дандон сопли пичоқ... нақ тумшуғи остида турибди. Қора Аҳмад, ушла-а, деб зўғим қилади-ю, шуни олишга, қани энди, қўли борса. Гўё қирқ дев биракайига тирсагидан кўтарди... пичоқ тоғдек оғир экан. Нурмурад бош чайқади, кўзёшлари ёмғир бўлиб ерга тушди.

— Қўлимдан келмайди, ака! Раҳм қилинг! Мен... бун... бун...

— Қани, бўл! — Қора Аҳмаднинг қаҳри ҳаммасидан ошиб тушди. Нурмурад, кўзлари жиққа ёш, пайпаслаб кўчқорининг бўғзидан тутди, сўнг қуйи лабини тишлаб, кўзларини чирт юмди ва пичоқни тортиб юборди. Алланима шириллади, Нурмурад сездики, шириллаган — қон, қўлларини куйдираётир. Нурмурад, кўчқоринигина эмас, гўё кўчқорман деганнинг барини бўғизлади, бўғизланганлар қўшилишиб шундай хирилладики, бунинг касридан еру кўк зириллаб кетаберди.

— Ҳароми-е! — Қора Аҳмад унинг нақ елкасига тепди. Нурмурад орқага чўзилиб тушди, хийлагача ётди, ётаберди. Урнидан ҳеч тургиси келмади. Ётаберса, ётаберса, ахийри, устига тупроқ тортишса, ётаберса!

— Келдингми? Не гап, Азим?

— Тусмолинг ҳақрост чиқди, бек! Бунинг имонини сотган экан. Сафар кўса, бекка айтиб қўй, қўйнига илон солиб юрган экан, деди. Кўса, Эшбўта жувозчидан ҳам гап олипти, бориб жувозчига бизни сотган ҳам мана шу касофат экан.

Қора Аҳмад товушини кўтарди — унинг гапини бўлди:

— Эргаш тўқсабо... чинми шу гап?!

— Сўрама, бек! Шўримизга шўрва тўкилди! Сафар кўсанинг айтганича бор экан: бозор жойда, дарбоза олдида... тўқсабонинг калласини харига кўндириб қўйишипти, бек!

Кейин ер гурсиллади — биров келиб, Нурмураднинг корсонига тепди. Тепган аямади: биқинига, юз-кўзига — дуч келган жойига тепаберди. Ҳарқанча тепмасин, чамаси, алами босилмади. Ҳансираб, ахийри, Нурмураднинг кўкрагига оёқ қўйди, чиқиб товони учиде эзгилай бошлади.

— Эзиш керак! Эзиш керак! Мана шуйтиб эзиш керак! Энағарларни битта қўймай, барини битдай эзиш керак!

— Жонингдан умидинг борми? Гапир!

Нурмураднинг жисми оғриққа айланган, мадор бўлсаки, гапирса. Ҳатто бошини кўтаришга қурби етмади. Жон қаттиқ бўлар экан.

— Менга қара! — Қора Аҳмад қамчини сопи билан иягидан кўтарди. — Эсингда чиқар, отанг айтган: «Хўй, Аҳмадбек! Сенинг ўрнингда бўлсам, ноғорага халачўп қоқар эдим!», деган отанг!..

Нурмурад сергак тортди. Бироқ Қора Аҳмад қамчи сопини тортган заҳоти шилқ этиб калласи кўкрагига тушди. Юрагигина гурс-гурс тепа бошлади.

— Ноғорага халачўп қоқар пайт келди! Билиб қўй, жўжа, сенинг жонинг менинг қўлимда! Бошингни тошга урасанми, ўзингни хомталаш қиласанми — ишим йўқ! Жонингдан умидинг бўлса, шу кеча Ойзодани опкеласан! Эмаса, гўшингни ейман! Бор! Бориб айт, айт ўша — Қизман кампирга, мен Аҳмадбекнинг совчисанм, де! Қизингни менга қўшиб юборсанг, юбординг, йўқса, кўзингни ўйиб олади! Уйингга ўт кўяди, де! Ут кўяман! Ут кўяман, ўт! Ут қўймоқ ҳам гапми! Ғужбоғнинг кулини кўкка совураман! Менгаям йўқ, бошқагаям. Опкелсанг — опкелдинг... сўнг бошинг оққан ёққа кетабер — тўрт томонинг қибла. Агар опкелмасанг, Ғужбоғ-ку Ғужбоғ, ҳатто мазоратиям бут қолмайди. Отангнинг суякларини ёқаман, Нурмурад, шуни билиб қўй. Қани, жўна, жўна энди, итвачча!..

Чала куйган уй нима — Ғужбоғ нима! Қайлардадир итлар улийди. Кўндоқдаги товуқлар питирлаб, қанот қоқиб қўяди. Ариқ суви кўзёшидек милдирайди, кунгабоқар ойнинг аксига термилганча ўйга толган. Этакдаги ғуж-ғуж боғлар пахмайган туяқорин каби қорайиб ётибди.

Йўлнинг тупроғига оёқлар ботиб кетади, оёқостидан кўтарилган чанг ой нурига беланади. Икки кўлаги қишлоқнинг кунботаридаги арнага тушишди. Арна тақир эди, кўклам дашдан айқириб сел келади, шунда арна тўлиб-тошади, сел бориб этакдаги анҳорга қуйилади. Ҳозир арнанинг қақраган пайти. Ҳалигилар, бир чойнак чой ичар вақт ўтгач, бориб, дамбага чиқишди. Бу ердан анҳорнинг нариги бети кафтдагидек кўринади, ана Армонкўл, ойнадай ярқираб ётибди, соҳили қиёқзор. Берироқда — лўлилар манзилгоҳи, улар бақир-чақир билан кўч-кўронини йиғиштиряпти.

Нурмурад камондек қошларга қаради. Ҳеч маҳал қизга у бунчалар яқин турмаган. Раббим берганидан сўнг, унга тараф йўқ экан-да! Боя, шошилишда Ойзода онасининг эски-тускисини кийиб чиқаберган эди. Шамшоддек қаддига шу ҳам бир ярашиб турибди-ей!

— Куюк мома-ку, эналик қилар, мен-ку, қизидай бўп кетарман, лекин жавр-жавр, сизга жавр, энамга жавр! Анави ўғри тириклайин гўрга тикмасайди!

Ойзоданинг тили заҳар эди, заҳар тилдан бол томди, сизга жавр бўлмасайди, деди. Нурмурад жисмидаги оғриқни ҳам унутди. Юраги сутдек тошди.

Ойзода сиқташини қўймади:

— Энамнинг ётишини кўрдингиз, Нурмурад ака! Бир қултум сувга илҳақ бўлса, сув деса, ёнида сув томизадигани бўлмаса... Бечорани ёлғиз ташлаб, мен... У Нурмураднинг билагидан сиқиб ушлади: ўмизига юзини босди. Шунда булоқдек тошган кўзёшидан Нурмураднинг энги ҳўл бўлди. У мойдай эриб кетди.

— Синглим, — деди. Синглим, деганда кўнгил уйи нурга тўлди. Ўзини бир ака чоғлади, ака бўлганда ҳам меҳрибончилигининг чеки йўқ, тоғни талқон қилинг деса, қилгулик, ойни олиб беринг деса, бергулик, бир меҳрибон, кўп ҳайбатли ака чоғлади. Шом ўзини ўтга-сувга уриб, Куюк лўлини топгани, юкунгани кўз олдига келди. Лўли кампир кўнди: Ойзодани қиз қилиб олади. Ва яна у айтдики, хотиринг жам бўлин Нурмурад, шу кечалаб кўчиб кетамиз. Аҳмад ўғри Ойзоданинг ўзи тугул изиниям тополмайди! Шунга эслаганда, Нурмураднинг кўнгли тоғдек ўсди. Қайта бошдан оғзини тўлдириб: — Синглим, — деди. — Сенинг бошинг омон бўлсин! Қолганлар бир кунини кўрар! Энанга кашал бўлма, синглим, энагинг қошида мен бор! Кўнглингни тўқ қил! Ҳарна бўлса, сенинг бошинг омон бўлсин! Бор энди, борақол! Куюк момаям маҳтал бўлиб тургандир, уларниям йўлдан қолдирмайлик, синглим!

— Қон қусгур Аҳмад ўғри сизни... энам...

— Э-э, синглим! Сенинг ғўрлигинг қолмаган экан-ку! Нурмурад аканг нима — боламини сенга? Отнинг калласидай юраги бўлса! Қора Аҳмад биздан кўрқади! Кўрққандирки, қабатига олди, суянай деди. Сен нима деб ўйлаяпсан? Боя, Қилич қоровулбегининг қизи... дейиши билан касофатнинг тилини сўғуриб одай, дедиму тағин шайтонга ҳай бердим. Майли-да, шу ёмонлик биздан чиқмасин, бир элатнинг боласимиз. Одам қуригандай келиб-келиб, шунга тенг бўп ўтирайми энди?! Тўғрими?.. Сира парвойинга келтирма: у нима — улоққан ит нима. Ўз бошини ўзи ейди — ит қавмида кетади, кўнглинг алағда бўлмасин, бор энди! Омон бўлсақ, кўришармиз!

Отлик, эшаклик лўлилар карвони йўлга тушган эди. Ойзода ўпкаси тўлиб кетдими, кифтлари силкиниб унсиз йиғлади, сўнг бошини кўтарди, унинг билагини қўйиб юборди. Қайрилиб, бир-бир босганча нари кетди. Кўприк ланғиллади — тупроқ шовуллаб сувга сачради. Ойзода соҳилга чиққач, бурилиб бир қаради-да, сўнг бориб карвонга қўшилди. Карвон, турналар аргимчоғи каби бора-бора бир нуқтага айланди ва қоронғилик қаърига сингиб кетди.

Нурмурад тағин арна ичига тушди, Ғужбоғ сари юрди. Унга икки дунё бир қадам — кайфи қўнган бангидек ўзини осмонда кўрар, осмондан сира тушгиси йўқ эди. Зап иш қилдинг-да Нурмурадбой! Қилганинг — яхшилиқ бўлди! Энди, ҳар кимниям қўлидан келабермайди-да бу!

Йўл-йўлакай хаёлига эрк берди: синглимиз ўз оти билан Ойзода эди! Қани энди бир қийғоч қараса, деб остонасини ялаб ётганлар сон-мингга эди! Келиб-келиб у бизнинг билакдан тутди-е! Куюк момаям то тилдан қолгунча қўймайди: «Ойзода қизим, дейди, у ким, киминг бўлади ўзи? Боёқиш, сени деб жонини жабборга берди-е! Шу десанг, оёғимга бош уриб келди! Жон мома, дейди, ана шунақа гап! Сингилгинамни қанотингизга олмасангиз, жувонмарг бўлади, хўп дея қолинг, сизга қиз бўп юрсин! Яхшилигингиз бизда қолмас!.. Канадай ёпишди-е!



Унамаганимга қўймади, қурғур! Усмоқчилаб, қаллиғингми, десам, йўғ-э, мома, бир элнинг боласимиз-да, дейди. Ҳа, шумтака-ей, кўзингга босганинг чиқар, десам, бўйинтоблайти. Нима бўлсаям, шерйигит экан! Юрак ютиб, Аҳмад ўғридай каллакесардан ҳайиқмай, қип юрган ишини қара! Бошинг тошдан бўлур-э!.. «Қизман кампир ҳам уни алқаб ётган чиқар: «Яхшининг қадри ёмон кунда билинар экан! Кў-ўп дуруст бола чиқди-да Нурмуродбой! Тентакдан тўра туғилади, дегани шудир-да! Отаси бир мўмин-қобил эди, бунинг юрагида ёли бор-ов! Сендайни ўстирган ота-онангнинг гўри, илоё нурга тўлсин, болам!..» Қизман кампир, куёвинг шундай ўтли-шудли бўлса, ёлчийсан-да, дея кўнгиладан кечирешини ҳам истарди у. Бироқ бу сийловни ўзига раво кўрмади. Таъмагирлик бўлмасин, деди. Нурмурод, хаёл дарёсида кўпикдек қалқиб, арна бошига етиб борганини ҳам сезмади. Бир пайт қараса, пиллапояларга рўпара турибди, шундоқ увотга кўтарилса, бас, уёғи — Ғужбоғ. Шу ерга келганда... кашандалик — нима, билмаган одам — Нурмуроднинг бир чилик чеккиси келди. Хуморбосдига эмас, йўқ, шунчаки, Қора Аҳмаддек бир сиёсат қилиш учун. Хў-ўй, чилимини опке, деса, бесақол чилим солиб келса. Нурмурод ёнбошлаб ётса — Азим чой узатиб турса, анавиниси елпиб турса!..

Нурмурод тамшаниб илжайди. Илжайганча пиллапояга оёқ босди ва сесканиб, бирдан оёғини тортиди. Ваҳм кутқисини сезган пайт, илонни босиб олдимми деб сапчиб тушувди, қараса, илон йўқ. Фақат аллаким, назарида, орқасида турибди, ҳозир пичоқ санчади. У жониқиб ён-вёрига аланглади. Ва кўрдик, ҳу нарида — Ғужбоғтепа устида бир отлиқ қоядек қотиб турибди, ўзиям, нақ қирғий, ўлжани кўрган-у, энди пайт пойлаяпти. Чап қўлида — жилов, ўнг қўлида — бештира. Бештиранинг оғзи — осмонда, кўндоғи эгар қошига тиралган. «Ё пирим-эй, фалокатни қай куюн учириб келди экан, а?» Нурмуроднинг тиззалари қалтираб кетди. Иситма сели суяқларини сирқиратди, танглайи куруқшаб кўзлари тинишди, назарида, арнани туман босди, туман аччиқ эди; зўғимдор товуш момақалди-роқдек қисирлади: «Эзиш керак! Эзиш керак! Мана шундай эзиш керак! Битта қўймай, барини битдай эзиш керак!.. Керак! Керак!..»

Бир бекор бўлди!

Ниҳоят, иситма жазаваси қайтди ва яна кўз олдида қоядек қаққайиб турган отлиқ қолди. Шу отлиқ — Қора Аҳмад боя уни битдай эзган эди. Бироқ дилида адоват туймади, наинки адоват... Ҳозир биров Қора Аҳмаднинг қўл-оёғини боғлаб, келтириб, унинг олдига ташласа, ойболта тутқазиб, чоп, деса, Нурмурод тайсаллайди. Тайсалламайди, қўйинг, ака, буям бир банда, гуноҳга ботган бўлса, азобини тортар. Бировга ёмонлик соғинмайлик, деди. Феъли шунақа. Шу боис Қора Аҳмад боя неки қилган бўлса, жаҳл устида қилди, ҳозир ётиғи билан тушунтирсам, бирор ёмонлик чиқмас, деган ўйга борди. Рост-да! Ахир, у ҳам одам-ку! Жумард-ку! Жумард бўлгач, гуноҳидан ўтар? Нурмурод жўрттага шундай қилдими? Шўйтса, дуруст бўладигандек туюлди! Ҳарқалай... Бир қошиқ қонимдан кечинг, бек ака, дейди-да! Кўзим қиймади, бек ака, яхши қиз эди, яхшиларга қўшиб юбордим! Боши омон бўлса, бир кун қайтиб келар! Тенгини топар! Сиз-у биз, бек ака, унинг тирноғияям арзимаймиз! Унга эр бўлгилгимиз борми, бек ака! Майлида, қўйинг, қизишманг! Сиз бир танти одамсиз, ўзингиздан қолар гап йўқ! Яхшилик қилган яхши-да! Савобга не етсин!.. Қурғурнинг туриши ёмон! Нима бало, отмоқчимиз? Мен бўлсам, отмас эдим! «Ҳа, бўйинтоблағич-а! Ҳеч билганингдан қолмадинг-қолмадинг-да! Мана, ахйри иккимиз бирдек бурнимизга қўлимизни тиқиб қолабердик! Майли, яхшилик қил, сувга ташла, балиқ билар, балиқ билмаса, холиқ билар...» деб эдим. Бештирани қўлига олдию? Йй-э, ростдан ҳам... ҳали отиб қўймасайди? Чўқляптими? Мени-я! Нега энди? Ахир?!

Нурмурод кўкрагини сандонча чоғлар эди, сандондек кўкрагига бир зарб урилди, зарбки, болғаникидан минг чандон зиёд! У бир чайқалди, назарида, лаҳча чўғ юраги симобдек парчинланди, парчин-парчинлари жисмига сачраб кетди.

Шафоат Раҳматуллаев

## Пахта қўшиғи

Боболарни роҳатдан яна қилгувчи сархуш,  
Йигитлар ғурурининг суянган ардоғи хуш,  
Қизларни соғинтирган ойдин висол, оппоқ туш,  
Юртнинг оқ қувонч, олтин лолалари гуллади,  
Чаноқлар қарашида Ўзбекистон кулади.

Келинчак Ватан учун бободехқон тузди сеп,  
Тўёнасиз тўй қилмоқ ҳар жўмардга эмас эп,  
Терган дурдоналарим кўрманам — улушим, деб  
Дилбарлар зар кокилга зар тонгларни улади.  
Оппоқ тонглар қошида Ўзбекистон кулади.

Кун билан тунга эгиз ишлади ҳамма бирга,  
Сут мавжли денгиз узра зарийғар кема бирга,  
«Оқ олтин» қўшиғидан ер билан само бирга,  
Юлдуз чаноққа, чаноқ юлдузга тўкилади,  
Юлдузларнинг чошида Ўзбекистон кулади.

Тизилди ердан ойга етгудек ажиб карвон,  
Муддаонинг қасрига ҳар карвон тилла нарвон,  
Алп тоғлар белин букиб, юксалди улуғ хирмон,  
Хирмонлар чўққисидан булутлар ҳам қулади,  
«Олтин» тоғлар бошида Ўзбекистон кулади...

Раъно Раҳмонова

## Болакай

Мактабга шошилар болакай,  
Қўлида бир ҳовуч «оқ олтин».  
Қутига ташларкан, ўқийди:  
«Пахтамиз ҳеч нобуд бўлмасин».

Мактабдан қайтаркан болакай,  
Тўкилган пахтани йиғади.  
Жажжи ва оқ — унинг кўнглига  
Шу чексиз кенгликлар сиғади.

Йўлларда куйлайди болакай:  
«Жуда кўп гектарлар экамиз.  
Пахтамиз мўл бўлса дунёда,  
Ҳар қандай урушни енгамиз!»

Мактабга шошилар болакай...

# Жаҳон тараққиёнарвар агабиёти

Бурхон ал Хатиб,  
Ироқ ёзувчиси.

## ҚАДИМ ДАРЁ БЎЙИДА

«Жип» автомашинаси дарвоза ёнида тўхтади. Филдирак остидан кўтарилган чанг-тўзон бир неча дақиқага қуёшни тўсди. Эшик олдида тўпланиб турган одамларнинг баъзилари шоша-пиша ичкарига қочишди. Шовқин-суронни эшитиб, олдинги ўриндиқда ухлаётган полиция сержанти уйғониб кетди. У аввал, нима гап, дегандай шофёрга, сўнг одамларга эриниб назар ташлади. Ҳафсаласи пир бўлиб, яна бир оз мизғиш ниятида бир қимирлаб олиб, кўзини юмди. Аммо ухлаёлмади — ташқаридан хавотирли, ҳаяжонли гўнғир-гўнғир овозлар эшитилди:

— Ким ўлдирипти?

— Кимни?

— Фалокатни қара-я!

Жазирама иссиқда полицияни кутишдан тоқати тоқ бўлган ишбошқарувчи:

— Шукрки, жаноб сержант ташриф буюрдилар! Сизни кутавериб кўзимиз тўрт бўлиб кетди-ку! — дея гап бошлади. — Сизниям безовта қилдик, айбга буюрманг. Бу денг, Акбар билан Яруб уруғлари яна пичоқлашишипти. Тезда бирор чора кўриш керак!

Чарчаганимни бу бекорчихўжалар кўриб қўйсин, дегандай сержант ҳазин уф тортиб, аста ўрнидан қўзғолди.

— Оббо, яна ўшаларми! Барака топкур, биронта машина бериб турсангиз, менинг машинамга ҳамма сиғмайди.

Қўлидаги оқ шляпа билан юзини елпиётган ишбошқарувчи қатъиян рад этди:

— Афсуски, иложим йўқ! Беролмайман. Дарёда сув кўтарилипти, ҳар дақиқада тўғонни ювиб кетиши мумкин. Бундай дамда машинасиз қолиш балога гирифтор бўлиш билан тенг! Ахир сизда яна битта «жип» машинаси бор эди-ку?

Сержант томоғини қириб, маънодор йўталиб қўйди, ёзилиб керишди, ўриндиқдан кумуш холли таёқчани оларкан:

— Уезд бошлиғи овга миниб кетдилар, — деди.

Қишлоқнинг катта-кичиги полиция ходимларини ярми сув босган буғдойзорнинг бир чеккасидаги пахса иморатлар ёнида кутиб турар эди. Полиция кўриниши билан уларга жон кириб қолди: баъзилар ғалвадан узоқроқ бўлай дегандек иморат ортига ўтиб кетишди, бошқа бирлари қўлларидаги пичоқ ва таёқларни узун, қора ғалабиялари остига беркитишди.

Сержант тўғри ўша иморат ортига ўтди ва бир лаҳзадан кейин юзи қонга беланган бир йигитни етаклаб чиқди. Иккита жароҳатланган кимса деворга суянган кўйи ўтиришарди. Улардан бири кўзларини юмганича, бир сиқим юлиб олинган сочини тўё қайтадан жойига қўймоқчи бўлгандек, чаккасига босар, иккинчиси безгак тутган одамдек титрар, оғир нафас олар эди.

— Булардан бошқа жароҳатланган йўқми? — деб сўради сержант.

Ҳеч ким жавоб бермади. Сержант бошини чангаллаб ўтирган деҳқоннинг ярасини кўздан кечирди ва ясама лоқайдлик билан тескари бурилиб, ярадорларни ўраб олган оммага юзланди ва:

— Тарқалинглар! Димиқиб ўлади-ку бу бечоралар! Кимга айтяпман?! — дея дағдаға қилди.

Орага узоқ сукунат чўкди. Бунга чидай олмай аёллардан бири жаврай кетди:

— Ҳу, уйинг куйгур ярублар! Бошимизга офат ёғдирмаган куни йўқ бу қирилгурларнинг!

Шу пайт тўфон устида «жип» машинаси тўхтади ва ундан тушган навбатчи мелиоратор-инженер диққат билан тўфон этакларини кўздан кечири бошлади.

Бояги аёл эса ҳамон саннар эди:

— Гапларимга ер гувоҳ! Узингиз ўйлаб кўринг, сержант, ярублардан бошқа ким ҳам ўтган ҳафта еримизга сув бостириши мумкин?

Бу гапларни эшитган Яруб уруғига мансуб кишиларнинг кўзларида ғазаб ўти қақнади. Агар ўртада полиция бўлмаганда булар бир-бирларини еб ташлашар эди. Сержант деҳқонларнинг ранг-рўйига қараб, вазиятни кескинлашаётганини сезди ва кескин оҳангда:

— Халойиқ! — деди. — Мен акбарларга ёки ярубларга эмас, бутун жамоага сўзлаяман. Сизларга неча бор айтишим керак ўзи! Тангадек келадиган бир парча ерга тиш-тирноқларингиз билан ёпишиб олибсиз. Тўфон ортига кўчиб ўтинглар. Ахир у жойдаги заминдорнинг ерлари сизлар учун мусодара қилинган. Бу аҳволда бир кунмас-бир кун сув тошиб, тўфонни ҳам, уй-жойларингизни ҳам ювиб кетади. Айбни бекорга бир-бирингизга ағдаряпсиз. Ҳеч ким атайлаб ерларингизга сув қўйиб юбормаган. Тушунинглар ахир, тўфоннинг айрим жойлари тешилган, ўша жойлардан сув ўтиб кетяпти. Наҳотки шундай оддий нарсаларга ақлингиз етмаса?

Кўкраги очик узун кўйлак кийган оёқяланг бир йигит:

— Тўфон ўз-ўзидан тешилмайди, бу албатта ярубларнинг иши! — дея қичқирди. Шаҳарча кийинган бошқа бир йигит бунга жавобан:

## Зарварақларга ●

### ТИКЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Шарқ миниатюра санъатини ўрганишда совет олимлари ва санъатшунослари 1960—70 йиллар давомида самарали ва салмоқли натижаларга эришдилар. Ленинград шаҳрида сақланаётган Шарқ миниатюра санъатининг энг нодир ва ноёб намуналари махсус альбом ҳолида чоп этилди.

Ўзбек совет рассомларидан бир гуруҳ ижодкорлар асарларида, гарчи миниатюра санъатини айнан давом эттирмаган бўлсалар-да, бу санъатга хос бадиий хусусиятлар, унинг анъаналари ўз аксини топар эди. Етмишинчи йилларда, хусусан улғў ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий туғилган кунга 525 йил тўлиши муносабати билан яратилган аксарият тасвирий санъат асарларидан ташқари, айрим ижодкорлар, хусусан истеъдодли ҳажвчи рассом Тельман Муҳаммедов, Тўхтабек Соипов; Темур Саъдуллаев, Шомаҳмуд Муҳаммаджонов ва бошқалар ижодида миниатюрага мурожаат қилиш кучайди.

Ўзбекистон Рассомлар союзи бадиий фонди қошидаги «Уста» бирлашмасида 1981 йил алоҳида миниатюрачилар группаси ташкил этилган эди. Утган давр ичида мазкур миниатюрачилар ижодий изланиш, шаклланиш ва тикланиш жараёнини бошдан кечирмоқдалар. Бирлашмага қатор рассомлар келиб, ўз истеъдодларини миниатюра санъати соҳасида синаб кўрдилар, энг фидойи ижодкорлар аста-секин сараланиб қолмоқда.

«Уста» бирлашмаси составида миниатюрачилар группасининг пайдо бўлишини кенг жамоатчилик қизғин кутиб олди. Ҳатто палехлик рус миниатюраси ustalари ҳам ўзбек биродарларига ҳар томонлама ёрдамга тайёр эканликларини амалда исбот қилдилар. Миниатюра санъати қайта тикланаётгани, рассомларнинг бу соҳадаги илк ижод намуналари республикамик газета ва журналларида, ҳатто марказий матбуот органларида чоп этилди.

Ўз ижодий услубига эга, изланувчан ижодкор миниатюрачилардан бири Шомаҳмуд Муҳаммаджоновдир. Унинг расмлари Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» номли асаридagi турли фасллар мунозарасига бағишланган қўшиқлар асосида ишланган. Бу миниатюраларда рассомнинг ёрқин истеъдодидан ташқари, унинг ҳам этнограф, ҳам тарихчи сифатида олиб борган изланишлари ҳам намоён бўлган. Умуман Шомаҳмуд ижоди кенг жамоатчиликка яхши маълум бўлиб, унинг кейинги йиллардаги изланишлари ёш рассом ижодига катта умид билан қарашга асос беради.

Сержирра истеъдод соҳиби Ниёзали Холматовнинг миниатюра санъатини қайта тиклаш борасидаги фидойилиги алоҳида таҳсинга лойиқ. У ушбу санъат сирларини машҳур рус миниатюраси ustalаридан ўрганиб, кейинчалик Тошкентга келиб, миниатюра санъатини қайта тиклаш борасида жуда катта фаоллик кўрсатди.

— Бемаъни гап! Бу ишдан ярубларга нима наф? Ахир уларнинг ерлари сизларники билан ёнма-ён-ку! Сизларга келган офат буларни ҳам четлаб ўтмайди, бунга жиннининг ҳам ақли етади, — деди.

Оломоннинг ғовур-ғувури ичидан бир аёлнинг:

— Буғдойимизга ўт қўймоқчи бўлган ким? — деган чинқириғи эшитилди.

Шаҳарча кийинган йигит бошини тўғон ортидаги кўм-кўк хурмозор томонга бурди. Тепаликда бамисоли ўлжасини пойлаб ётган йиртқичдек шайхнинг уйи қорайиб кўринар эди. Йигит ўша ёққа имлаб:

— Орамизга душманлик уруғини ким сепаётганини ўзингиз яхши биласиз, — деди. — Эс-хушни йиғиб, бу адоватга барҳам бериш пайти келди.

Орага яна сукунат чўкди. Тўғонни кўздан кечириб бўлган инженер одамлар тўпланиб турган томонга йўл олди. Сержант эса жароҳатланган деҳқонлардан бирини суяб дарё бўйига олиб тушди, ярасини ювди. Сўнг уни сув бўйидаги шохлари тарвақайлаган дарахт тагига ўтқазди.

— Илоҳим, буларни уйига ўт тушсин! — деб яна уввос сола бошлади бояги аёл. — Бу ярублар ер ислоҳоти-ер ислоҳоти деявериб эсларини еб қўйишти. Уларнинг бари хоин. Уларнинг фикрича, ҳамма бойлар қонхўр, зулукдир!

Шаҳарча кийинган йигит уни тартибга чақирмоқчи бўлди:

— Одамларни ноҳақ ҳақоратлама, ҳой хотин! Ер ислоҳотининг нафи ҳамма деҳқонларга тегади, — деди.

Оломон ичидан қаҳрли овозлар эшитилди.

— Заминдорларнинг ерлари бизнинг қўлимизга ўтган!

## ● Зарварақларга

Янги миниатюрачилар гуруҳи ташкил этилганда Ниёзали ушбу санъат сирларини бошқа рассомларга ўргатди. Миниатюрачининг журналдаги асари ов манзарасига бағишланган бўлиб, расмнинг бадий услуби, рангларнинг танланиши XVI аср энг яхши миниатюраларидан ижодий ўрганганлиги натижасидир.

Умидли ижодкор Ғайрат Камолов, гарчи Тошкентдаги Н. Островский номли Театр ва рассомчилик институтининг рангтасвир бўлимини тугатган бўлса-да, кейинчалик миниатюра санъати сирларини ўрганишга астойдил киришди. Ҳозиргача Ғайрат томонидан яратилган асарларни кўздан кечириш шундан далолат берадики, бу ижодкор доимий изланишда. Журналда чоп этилаётган расм Ғайратнинг «Минг бир кеча» асаридаги икки гўзал инсон, ёш йигит ва қиз тўғрисидаги эртақ асосида яратилган.

Миниатюрачилар уюшмасида рассом йигитлар билан бир қаторда истеъдодли қизлар ҳам ижод қилишмоқда. Улардан бири Мунира Сотиболдиевадир. Унинг чоп этилаётган асари чавгон ўйини тасвирига оиддир.

Мирҳамид Собиров олий бадий билимга эга бўлиб, ихтисоси бўйича монументалист рассом. Лекин у ҳам ўз истеъдодини миниатюра санъати сирларини ўрганишга бағишлади.

Миниатюрачилар турли соҳаларда ҳам муваффақиятли ижодий изланиш олиб бормоқдалар. Ш. Муҳаммаджонов Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» достони ва «Калила ва Димна» асаридаги айрим лавҳаларга туркум расмлар ишлаб, текстни махсус хатда кўчириб, уларни китобча ҳолига келтирди. Бунда у қадимги мўътабар қўлёзмалар хусусиятларини сақлаб қолишга интилди. Н. Холматов ва Ф. Камоловлар миниатюра бадий услубидан келиб чиқиб, Москвадаги «Ўзбекистон» ресторани деворларини безаш учун етти гўзал ва Хўжа Насриддин латифалари асосида ўн бешта композиция яратдилар. Яна улар Гулистон театри учун тўрт лавҳа расмлар композицияларини ижод қилдилар. Шунингдек, «Уста» бирлашмаси биноси деворларига тажриба сифатида маҳобатли расмлар ишланиб, уларда улўғ шоир Алишер Навоий ва устод Камолиддин Беҳзод сиймоси ҳамда илҳом парилари тасвирланган.

Энг сўнги тажрибалардан бири кошинларга миниатюрани катталаштириб ижод қилишдир. Мана шундай илк асарлардан учтаси «Гунча» болалар кафеси залини безаб турипти. Ҳарҳолда «Уста»даги истеъдодли миниатюрачи-рассомларимиз республикамиз бадий ҳаётида актив иштирок этишга бел боғлаганлар.

**Чингиз АҲМАРОВ,**  
Ўзбекистон халқ рассоми;  
**Абдумажид МАДРАИМОВ,**  
санъатшунослик кандидати

— Бойларга шунча йиллардан бери қилган меҳнатимиз билан ер ҳақини тўлаганмиз!

Бояги йигит яна гап бошлади:

— Шайх билан шундай, осонликча орани очиқ қилмоқчимисиз? Сизлар унинг ерида тўккан пешона терларингизни унута олмаётган экансиз, у ҳам сизнинг меҳнатингиз орқали келган жарақ-жарақ олтинларни эсидан чиқармайди.

Шу пайт сув босган буғдойзорни айланиб чиққан сержант қайтиб келди.

— Менга қаранглар, — деди у, — яхсиси битта қўйни сўйиб, ярашиб олинглар, бўлмаса мана бу ғоратгар билан беллаша олмайсизлар, — деб дарёни кўрсатди.

Ҳамма беихтиёр у кўрсатган томонга қаради. Дарё занжирбанд шердек ҳайбатли, ваҳимали эди.

— Қизиқ одам экансизлар! — деди яна сержант. — Экинларингиз пайҳон бўпти. Тўғонларингиз тешилипти. Дарё тошса — тамом! Тўғон ортига кўчиб ўтишга ким халақит бераяпти ахир? Ўзингизни, бола-чақангизни, мол-мулкингизни кутқазсангиз бўлмайдими!

Деҳқонлар лом-мим демасдан бир-бирларига қарашди. Илдиз отган юз йиллик эман дарахтидек улар ҳам киндик қонлари тўкилган уй-жойлари, бир парча ерларидан ажрала олишмас эди.

— Нега бу ердан қимирлагилари келмаётганини тушунса бўлади, — деди бояги йигит. — Қизиғи бошқа нарса. Ҳар лаҳзада дарё қирғоғидан чиқиб, мажақлаб ташлаши мумкину, булар эса ерларини чалакам-чатти ўраб олиб, бир-бирлари билан ғижиллашиб ётишибди.

— Ё тавба, қандай кунларга қолдик! Одамлар дарёни қутурган итга қиёслашяпти-я! — бўғилиб деди бир нуруний чол.

— Дунёдаги ҳар бир нарса, шу қатори дарё ҳам ўзгариши, бошқа бир қиёфага кириши мумкин, — деди йигит.

Гаплари беҳуда қетаётганидан жаҳли чиққан сержант лой сачраган таёқчасини силкитиб, йиғилганларга пўписа қила бошлади:

— Кўчинглар бу ердан дарҳол! — деди у. Қўли билан ярадорни кўрсатиб давом этди: — Уялмайсизларми! Урушганингиз-урушган, ҳайф ҳаммангизга! Хўжаликлар қаровсиз ётибди. Одаммисизлар ўзи? Қўй-пўй сўйинглар-да, ярашинглар! Яратган ҳам бандалардан тотув яшаш ва ўзаро раҳм-шафқатли бўлишни талаб этади.

— Етар! — дея ҳали ҳам қўлида ушлаб турган бир сиқим сочини жаҳл билан ерга улоқтириб, бақириб юборди ярадор деҳқон. — Қачонгача ярашамиз? Биз кечираверамиз, улар эса бошқатдан бошлайверади, экинларимизни пайҳон қилиб бўлишди.

— Халойиқ! — дея аввалгидай бўғилиб қичқирди чол. — Бунинг ҳаммаси шайтоннинг макри! Ахир ярублар қуръонни ўпиб, молларини ечмасликка, экинимизни пайҳон қилмасликка қасам ичишган. Демак, шайтон уларни йўлдан урган. Ё раббий, шу кунлар ҳам пешонамизда бор экан-да!

Шаҳарча кийинган йигит бошини орқага ташлаб, қоҳинларга тақлид қилаётгандек тўнғиллади:

— ...Экинларни пайҳон қилаётган, молларни ўлдириб, ҳосилга ўт қўяётган қўлни кўряпман.

— Бундай дейиш учун далилинг борми, йигит? — хўмрайиб, тўнғиллаб сўради сержант.

— Далилим йўқ. Ҳамма нарса ўзидан! — деди йигит.

Қирғоқни кўздан кечириб юрган инженер қайтиб келди. У йиғилган деҳқонларга эътибор бермай, далаларни тошқиндан тўсиш учун қамиш ва тупроқдан қилинган кўтармаларга кўз тикди. Борган сари афти бўзариб, кўтармалар томонга юрди. Деҳқонлар жимгина унга эргашишди.

— Жаноб инженер, сувўлчачиқлар нимани кўрсатишини айтолмайсизми? — сўрашга ботинди улардан бири.

— Сатҳи кўтариляпти, — қайрилмасдан жавоб берди инженер.

— Сиз хавотир олманг, жаноб инженер, — дея гуноҳкорона кулимсираб, деҳқон инженерга тасалли берган бўлди. — Бизнинг бу кичкина тўғонларимиз қамиш, шох-шабба ва тупроқдан қурилган бўлса ҳам, устида бутун бошли машиналар юрадиган ҳукумат тўғонидан мустаҳкамроқ.

Инженер қайсидир бир деҳқон даласини тўсиб турган кўтарма олдига келиб, жаҳл билан гапирди:

— Ҳар ким фақат ўзини ўйлаб, ерини ўраб оляпти. Тупроқни эса қирғоқдан олишади. Тўғоннинг ёнидан, қирғоқдан тупроқ олманглар деб сизларга минг марта тайинлаганман! Ахир ўзларингга-ўзларинг чоҳ қазиманглар-да! Бугун тагин қирғоқда янги чуқурларни кўрдим. Ким қилди, деб сўрасам, ҳамма, азбаройи худо, мен эмас, деб, кўзини лўқ қилди.

— Жаноб инженер, — бошини қуйи солиб гапирди деҳқон, — менинг марзамдаги ерга бир назар ташланг. Ҳақиқат турибди-ку қаерданлигини. Мен уни эшагимда боғ ортидан ташиб келганман!

Инженер бир сиқим тупроқни олиб, кафтида эзгилаб кўрди:

— Тўғонга қум ишлатиш бефойда, — деди у қум сувни тутмайди деб минг марта айтдим-ку ахир! Бу тупроқ эмас, енгилгина чанг-ғубор-ку, одам деган шунақаям содда бўладими, эсиз меҳнат! Умуман бу марзаларингиздан наф йўқ. Аслида сизлар марза кўтариб, ерингизни дарёдан эмас, бир-бирингиздан панага олгансиз!

Деҳқонлар бир-бирларига қараб хижолат чекишди. Ниҳоят бири ҳаяжонланиб, тутилиб-тутилиб сўради:

— Жаноби инженер, илтимос, марзаларни мустаҳкамлаш учун бизга қоплардаги тупроқдан, қамиш ғовлардан беришларини буюрсангиз.

— Бериш-ку, мумкин-а! Лекин уларни ўз ерларингизни яна бир марза билан ўраб олишга ишлатасиз, деб кўрқаман, — дея маъносиз жилмайди инженер. — Дарёнинг ғамини ким ейди? Эгам ҳам бу аҳволда бизни тошқиндан ҳимоя қила олмайди. Менимча, сизлар тошқиндан кўра кўпроқ ўзаро тинч-тотув яшашдан кўрқасизлар.

Инженернинг ёнига сержант келди.

— Падари бузрукворингизнинг жойи жаннатда бўлсин, жаноб инженер! Шайх Яруб ва Акбарларни яраштириш учун вакил юборибди. У ҳали ҳам деҳқонларни ўзига қарам деб билади. Яраштириш муносабати билан шайх кечқурун базм беряпти, — деди у.

Инженер сержантнинг гапига эътибор бермай, орқасидан қолмасдан келаётган деҳқонларга қайрилиб, деди:

— Бориб ишбошқарувчидан қамиш ва устунларни олинг. Лекин олдиндан келишиб қўйилик, олган нарсаларни фақат дарё қирғоғини мустаҳкамлаш учун ишлатасиз!

Барча қўлини кўксига қўйиб, инженерга миннатдорчилик билдирди. У эса уфққа тикилиб туриб:

— Зора шамол тўхтаса ёки йўналишини ўзгартирса, сал кўнгил жойига тушармиди, — деди.

Инженер тилагандек кечга бориб шамол тинди. Базмда қатнашиш учун қишлоқдаги барча эркалар шайхнинг уйи томон йўл олишди. Улар бетартиб қурилган, пахса деворли уйларида чиқиб, дарё бўйлаб диққат билан қадам ташлашарди, чунки қоронғида янги қазилган чуқур-пуқурга тушиб кетиш хавфи ҳам йўқ эмас эди. Тўғонга чиқиб олишгач, олисда, қоронғида ялтираб турган яккаю-ягона чироқ шуъласи кўринди. Бу шайх дарвозаси устида ёниб турган фонуснинг нури эди.

Меҳмонхонада давра қуриб ўтирган ҳамқишлоқларининг қаторига кириб чўккалаётган деҳқонлардан бири гап бошлади:

— Тангри Нуҳ қабилиси қилган гуноҳлар эвазига ерга тошқин юборган.

— Тўғри, — бошини қимирлатиб тасдиқлади бошқа бир деҳқон, — бироқ одамзод бунга эрдан чиқарди, ўзаро оқибат, ҳурмат қолмади, адоват ва зуравонлик кучайди, ака-укага душман, қўшни қўшнининг кўзини ўйсам дейди.

Яруб ва Акбар уруғларига мансуб кишилар рўпарамар-рўпара, бошларини кўтармай, сукут сақлаб ўтиришар эди. Уездан келган эътиборли меҳмонларга шайх дастурхон тузаттирган, улар курсиларда ялпайишиб, очилиб суҳбат қуришмоқда.

— Биттаю-битта бульдозер билан тошқиннинг олдини олмоқчимисиз? — ҳазиллашиб сўради шайх амалдорлардан биридан.

— Агар биттагина сўйилган қўй билан шайхнинг давлати камайиб қолса, демак, биз ҳам битта бульдозер билан тошқинни тўхтатамиз, — ўз навбатида аския қилган бўлди амалдор.

— Майли, бугун икки қўйни баҳридан ҳам ўтишга розиман! — деб кулди шайх.

Амалдор базўр тиржайиб, шайхнинг сўзамоллигига қойил қолгандек икки қўлини кўтарди ва гўё бошқа меҳмонларни бунга гувоҳ бўлишга чақиргандек уларга қаради.

Пастда, полосда давра қуриб ўтирган деҳқонлардан бири ёнидагисининг қулоғига шивирлади:

— Бизни эрдан ҳам чиқаришди чоғи, жанжалимиз катталарнинг ёдидан кўтарилганга ўхшайди.

— Менимча, яраштириш бирортасининг хаёлида ҳам йўқ. Уларга бундан нафойда? — эътироз билдирди бошқа бири.

Учинчи деҳқон бу гап шайх қулоғига етиб боришидан хавфсираб, секингина:

— Шайхимизга тўхтат қилишдан ўзи асрасин, бўлар-бўлмас гапларни

валдирайверма, оғайни, — деди. Сўнг гапни бошқа ёққа буриш мақсадида баланд овоз билан сўради: — Тўғонинглар мустаҳкамми?

— Метиндек!— мағрурланиб жавоб берди деҳқон.— Эшитишимча, шайхнинг ерига кўчиб ўтмоқчимизсизлар?

— Бўхтон! Икки дунёда ҳам ўз ер-сувимни ташлаб кетмайман.

Уй бўйлаб қовурилган гўшт ҳиди таралди, ғовур-ғувур бир оз пасайди. Меҳмонларга қовурилган гўшт ва гуручдан тайёрланган таомни тортишди. Бирдан узоқдан қарсиллаган овоз келди, бир оздан сўнг яна бир бор қарсиллади. Орага сукунат чўкди. Меҳмонлар бир-бирларига саволомуз боқишарди. Учинчи марта қарсиллагандан сўнг кимнингдир бақириви эшитилди:

— Тўғон! Тўғонни сув олиб кетди!

Деҳқонлар ҳовлига чоғиб чиқишди, кимдир шоша-пиша деворга тирмашди ва кўли билан тўғон тарафни кўрсатиб:

— Уйларимизни сув босяпти! — дея қичқирди.

Энди ер кимга — акбарларгами, ярубларгами тегишли эканлигини ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди.

Бу пайт меҳмонхонада шайх мўътабар меҳмонларини тинчлантиришга уринар эди:

— Азизлар, ташвишланишга ҳеч қандай асос йўқ. Менинг уйим, боғ-роғларим тепаликка жойлашган. Бу офат бизга зарар етказмайди. Лекин пастликда расмона тошқин бўляпти. Уйлайманки, у еримизни анча-мунча ўжарлардан халос этади.

Шайхнинг уйда бирорта ҳам деҳқон қолмаган, ҳамма ҳайқираётган асов дарё томон жўнаб кетган эди.

Русчадан Ҳасан ИКРОМОВ таржимаси.



Бульдозерчи



Чўпон

А. МИРЗАЕВ расмлари.



Любомир Левчев

## Юлдузлар — меники

— Юлдузлар — меники! —  
айтяпман бу гапни жиддий. —  
Ўтинаман, кулманг!  
Нима, менга ишонмайсизми?  
— Болакай, юлдузлар йироқ, ахир!  
Расмини чизишинг мумкин уларнинг  
сен ҳам бошқаларга эргашиб,  
шунда балки юпанар кўнглинг!  
Юлдузларга сира етиб бўлмайди.  
Фусункордир улар  
шунинг учун ҳам...  
— Сизга қандай уқтирсам экан, улар  
меникилигин!

Бўлсайди эшита билмоқ ҳиссингиз,  
сиз ҳам илғардингиз сирли сасларни —  
жамики тирик жон,  
жами наботот,  
ҳаттоки тошлар ҳам гапира олар.  
Юлдузлар ҳам сўзлар ўз тилларида —  
шивирлашар улар менга ҳар оқшом:  
— Биз — сеникимиз!  
— Хаёлпараст, баҳсларингни қўй!  
Шуни жуда ҳоҳласанг агар,  
эгаси бўла қол уларнинг, майли!

Менга инонмаслар!...  
Юлдузлар, улар — йироқ,  
биз эса депсинамиз заминда ҳануз.  
Замин, замин,  
залварлисан сен,  
лекин умидсизлик  
сендан оғирроқ.  
Замин, замин,  
боғламоқ бўлганлар сени ҳам, ахир,  
гарданига наҳангинг...  
О, синдирманг юрак қанотларини!  
Бўлмасайди ўжар орзуманд зотлар,  
телбалар, аҳдидан чекинмас, қайсар,  
бўлмасайди хаёл фидойилари,  
ҳилпирар эдими бу кун ол байроқ,  
ўроқ ва болғаси ила музаффар?

Мен ҳам шу асрда топдим таваллуд.  
Солдилар мени ҳам жанговар туғдан  
тикилган даврнинг беланчагига.  
Учқун порлар менинг кўзларимда ҳам!

Зеро синф мени йўлламиш жангга,  
бўлсин орзуларим жангари, мағрур,  
мағруррок Спартак орзусидан-да!  
Қалбим, иккиланма, эзилма,  
кибрли идрокнинг истеҳзосидан.  
Биламан,  
умидим соврилар менинг,  
қачонки ер қуёш теварагида  
чарх уришдан чарчаб,  
тўхтасагина...

## Ўйлар

Ҳаммамиз,  
ҳаммамиз, аслида, қурувчилармиз,  
бўлак қисматдан гап очиш  
беҳуда,  
худди юрагингни куйдириб турган  
севги баёнидек ортиқчадир бу.  
Кремиковицадамисан сен бугун,  
ё «Восток-Марица» ТЭЦида,  
ё қўшиқлар тўқилмайдиган  
бўлак бир жойдамисан,  
фарқи йўқ, сира.  
Турибмиз исмсиз эрта олдида.  
Текислар серҳафсала скрепер  
иншоот заминини,  
тенглаштирар кишилар ҳақ-ҳуқуқларин.  
Гумбурлаб айланар бетонқорғичлар,  
сўндириб тўхматлар,  
гиналар сасин.  
Афсонавор ҳавозалар остида  
бу кун ўз исмини олажак ҳар ким.  
Аниқ.  
Қисқа.  
План сарҳисобин қайд этгувчи  
рақам сингари.

Ижобий қаҳрамонлар йўқ орамизда.  
Орамизда йўқ, салбий қаҳрамонлар.  
Бизлар — одамлармиз.  
Ўктам.  
Ёки ожиз.  
Жасур.  
Ёки қўрқоқ.  
Дилгир.  
Ёки хуррам.  
Ишонувчан.  
Ёки шафқатсиз.  
Барчага керак бу ҳаққоний ҳукм,  
коммуна остонасида турган барчага.  
Майли, зўр қудрат-ла айлана берсин  
буюк даврнинг тош майдалагичи.  
Ташла унга,  
Чақир тошларни ташла,  
ушбу кун бўғзингда тикилиб турган,  
ёки юрагингни эзган тошларни.  
Билсанг, чиқар шунда энг пишиқ бетон!

## Ҳорғин аёллар ҳақида баллада

Туришибди ҳорғин аёллар  
завод яқинидаги бекатда,  
улар автобусни кутишяпти,  
кутган каби кечикаётган  
жазманларини.

Шомлар изғиринли.

Йўлнинг маълум нуқталарида  
порлар неонлар.

Устундан устунга таралар хабар:

Йўл бўлар кумуш ранг.

Йўл бўлар кумуш ранг.

Йўл бўлар кумуш ранг.

Сўнгги бекатгача.

Беланар кумушга ҳорғин аёллар.

Улар ҳорганларки шу қадар,  
чиройлироқ бўлишга ҳатто,  
мадорлари йўқ.

Чунки қум элашган замбил элакда.

Чунки хамир қорган улар бетондан.

(Тўзонлар ялтирар сочлари узра.)

Сўнг эса...

Чунки улар тонгни қаршилаганлар.

Чунки улар тўйинтириб қуёшни,

уйқуга узатганлар...

Келди автобус ҳам,

олар уларни

дим оғушига.

Мизғийдилар улар тик туриб.

Чайқаладилар.

Жилмаядилар...

Янги хонадоннинг соҳибалари,

оналари — кенг коинотнинг,

тушларингизни ўпаман мен,

ўзингиз ҳам эслай олмовчи.

## Чарчоқ васвасаси

Сафарлар.

Сафарлар.

Сафарлар.

Барча катта йўлда.

Барчанинг юзини куйдирар шамол.

Талпинади барча олий мақсадга.

Бирок чарчоқ хуруж қилар бир замон.

Қуёш —

қора қуртдек —

қора нурлари

билан вужудингни олади чирмаб.

Миянг қизиб кетар.

Элитар сени

ложувард чашманинг

қўнғироқ саси.

Итқитасан ортиқ нарсаларингни.  
 (Оғирлик қилади ҳатто мактублар.)  
 етарми бардошинг?  
 Дадил бўлингиз!  
 Кўрдим шу сония  
 мурғаклигимдан  
 бирга иноқлашиб ўсган йигитни.  
 Болалигим дўсти  
 зимдан, сездирмай  
 итқитиб ташлади ўз юрагини,  
 залварли,  
 мусаффо юрагини, ҳа!  
 Сўнг жилмайиб ҳам кўйди у бадкор.  
 Ўзини енгил ҳис этди-ю, кейин  
 қувват-мадор кириб оёқларига  
 шахдам одим отиб кетди у йўлдан,  
 кетди шамолларга тутиб юзини,  
 кетди олий мақсад сари талпиниб...  
 Шамоллар,  
 тин олинг бир дақиқага!  
 Сукут қил, соат!  
 Жим!  
 Эшитгим келяпти ўз юрагимни,  
 қандоқ уряпганин эшитмоқчиман.  
 Ҳожати йўк, бошқа нарсанинг.

## Маҳбуслар куй тингламоқда

Улар унутдилар қандоқ яшашни.  
 Ўлмоққа ўргандилар улар.  
 Судраларлар кул ранг йўлда шарпадек.  
 Буйруқ-ла юрарлар,  
 Тўхтарлар буйруқ-ла.  
 Кор қилмас уларга энди ҳеч қийноқ.  
 Аммоки одамлар  
 разил, тошбағир!  
 Ланг очиб ташламиш деразаларни,  
 дераза рахида турган патефон  
 тўкарди йўл узра кўҳна романсни...  
 Чанг ютган маҳбуслар  
 бош кўтардилар, момақалдиरोқни туйган

подадек,

тўхтадилар, тошдек қотдилар.  
 Қувноқ кўҳна романс улар кўзини  
 тўлдира бошлади унсиз дард билан.  
 Жаллод эса ҳайрон:  
 «Наҳот, дард чекишни билар улар ҳам?»  
 Тўкиши мумкинми шарпалар кўзёш?  
 Бу куй маҳбусларга керакдир нечун?  
 Одамлар бунча ҳам  
 разил, тошбағир!

\* \* \*

Шоир, нега ғамгин сукутга чўмдинг?  
 Шоир, сўйла бизга, қайдадир нажот?

Гарчи баҳслидир ҳозир ҳам шеъринг,  
 Лекин баҳсларга чорламас, ҳайҳот!

Телба исёнингга барча кўникди,  
Янги усулингга барча олди тан...

Худди муҳаббатсиз бўсадагидек,  
Бундайин итоат лузумсиз, тубан.

Мирпўлат МИРЗАЕВ таржималари.

ЕВТИМ ЕВТИМОВ

## Қисмат

Икки ирмоқ — икки ёндош ҳақиқат,  
Икки ирмоқ — қон-қариндош ҳақиқат:  
Иккови ҳам битта тоғда туғилган,  
Иккови ҳам бир шафаққа йўғрилган.

Ўхшашлик ҳам, ажаб, шунча бўларми?!  
Эгизак деб аташ даркор уларни.  
Оқар ери — ўрмони ҳам ягона,  
Водарифки, улар буткул бегона.

Гунафшалар ўсар бирин бўйида,  
Иккинчиси чангалзорлар қўйнида,  
Ҳатто майса кўрмай, бағри тилинар,  
Шундай яшар гоҳо оға-инилар.

Йўллари эш бир қуёшга уларнинг,  
Ҳаёти-чи, бошқа-бошқа уларнинг.

## Эгри дарё

Нотаниш, тош қўйлақдан чиқиб,  
Шеъримга ҳам тушар энтикиб  
Катта, ўжар дарёнинг йўли,  
Юксаклардан чўзилган қўли.

Ҳеч кимсага этмас итоат,  
Эркин-эркин оқмоғи — одат.  
Уни кечиб ўтгани дамлар  
«Эгри дарё» атар одамлар.

Қорли чўққи фарзанди эрур,  
Оқишида ўйин, шавқ-сурур.  
Ошиқади мавжли, нурафшон  
Унга интиқ манзиллар томон.

Менга қолса бу қалби зоҳир —  
Тўғри эрур бошидан охир.

## Қаршингда

Қаршингда одамлар беҳисоб,  
Оловлар қаршингда шуъладор.  
Чўққига йўл солгил сершитоб.  
Қўрқмагил. Ўзгалар изи бор.

Қаршингда акс-садо — серқулоч.  
Оловлар қаршингда жилвагар.  
Ўрмонлар қўлидан тўйиб ич.  
Қўрқмагил. Ичишган ўзгалар.

Бехатар қаршингда ётган йўл.  
Оловлар қаршингда шуъладор.  
Қиялик кўксидан тушиб кел.  
Қўрқмагил. Ўзгалар изи бор.

Сен учун безавол бу маскан.  
Сени деб ўзгалар синашган.

## Ногаҳон

Ларзадан осмоннинг қадди букилди,  
Пойдор тоғ чўққиси дув-дув тўкилди.  
Тошлар метинлиги гар эди аён,  
Қоя инқироzi бўлди намоён.

Оқшом қўнган маҳал рўй берди кўчки,  
Фурсат эди рангпар, беманзил, кечки.  
Ажаб, қоя, ахир, маҳкам турарди,  
Булут теграсида сузиб юрарди.

Жалалар ҳайратдан очар оғзини,  
Кўриб ёш қоянинг инқирозини.  
Рақиб ҳам ҳайрондир, кўргани маҳал.  
Билганим мен сизга айтаман дангал:

Қояда ранж-озор уя курганди,  
Қоя жисмин ўша тўкиб турганди.

## Пирйн

Пирйн, тоғим менинг, яшагим келар  
Сен каби завқ билан, иқтидор билан.  
Нурлар жилоланар, шамоллар елар,  
Яшиллик ловуллар, сув айтар ўлан.

Шохча титраб кетар, орзиқади куш,  
Куртак юз очади, шабнам ялтирар.  
Япроқ шивирлайди, қўшиғи сархуш,  
Учиб қолган юлдуз кўкда барқ урар.

Кўлда нур ўйини, қуёшда ёғду,  
Шафақ қизил айлар тоғнинг чўққисин.  
Очилган чечакнинг лабида кулгу,  
Майсалар маст этар бутун ер юзин.

Қор оппоқ. Сукунат туради писиб.  
Булутлар сузади. Чирсиллар олов.  
Тошлар чўққилардан тушар чопишиб,  
Жарликни тўлдирар акс-садо дарров.

Неки бор, айни чоғ бари тирилар.  
Тонгни ҳам кутмагай. Шитоби баланд.  
...Пирйн, тоғим менинг, яшагим келар  
Сен каби завқ билан, иқтидор билан.

## Элак тутган аёл

Қўлида ой гардиши, сиёҳ осмон тагида  
Аёл турар серюмуш.  
Тепаликлар, дов-дарахт, дала бошоқларида  
У сепган нурлар кумуш.

Аёл ушлаб тургани ой эмас, йўк, у — элак,  
Элайди олтин ғалла.  
Донларни сомонлардан ажратай, дея ҳалак,  
Ишлайди шавқ-жадал-ла.

Боқаман. Назаримда кафтлаб-кафтлаб донларни  
У ердан олаётир.  
Назаримда, кўз етган кенгликлар, ўрмонларни  
Дон мисол элаётир.

Юлдузлар салтанатин даҳанаки жанг қилиб,  
Босаркан чақмоқ, шамол,  
Зулумотни сомондай нурдан ажратмоқ бўлиб,  
Булут элайди аёл.

Қолди кўзим ўнгида унинг шундай сурати:  
Элагиди осмон, ер.  
Элаб ёруғ дунёни, ҳар ўтгувчи фурсати  
Тинч, беғубор бўлсин, дер.

## Доиралар

Уддабурролиги вақтинча улфат,  
Сенга тан беришлар, сен кутмай сира,  
Айланма, бесамар сайи ҳаракат... —  
Мана мен тушганим нафсиз доира.

Шу ҳалқани ёриб, кенгликлар томон,  
Бағри бутлик томон чопаман доим.  
Кўриб турмоғим шарт эгилган осмон,  
Ернинг гардишлари, камалак ёйин.

Болқон чўққисидан қилиб наззора,  
Юрак-юрагимдан ҳис қилайин сўнг:  
Ҳаёт пилдиروقдай айланмас сира,  
Айланиш йўллари ерникидай чўнг.

Ерда юрсам, дейман оддий, бокира,  
Оддийгина яшаб, ишонсам дилдан:  
Мени майда ҳислар чирмолмас сира,  
Пилдираб чопишлар уролмас йўлдан.

Чўққида, қорлардан қамашиб кўзим,  
Қалбим юксаклардан тинглар ўгитлар:  
Учади бургутлар доира чизиб,  
Менга йўл ўргатиб, учар бургутлар.

Гулчеҳра **НУРУЛЛАЕВА** таржималари.

## Тўртликлар

Сенга маълум эмас илми самовот,  
Сенинг йўлингдан ўзга ёқ харобот,  
Сен ўз фойда-зиёнинг билмадинг-ку.  
Кўмак дўстингга сендан қайда, ҳайҳот.

Менинг дардимга дармон дўстларимдан,  
Ҳамиша васлу ҳижрон дўстларимдан.  
Агар қассоб келиб, пўстимни шилса,  
Ҳамоно ажрамас жон дўстларимдан.

Сўраб кўр, ул нигори дилфирибдан,  
Ўгирма юз, дегил, дўсту ҳабибдан.  
Ўтиб кетгай унинг боғу баҳори,  
Нечун олмас хабар ушбу ғарибдан.

Дилим бўлгач харидори муҳаббат.  
Қизиб кетди бу бозори муҳаббат.  
Меҳнат — ўриш, ишқ бўлибдир арқоғи,  
Дил либоси, номус-ори муҳаббат.

Баҳор гул очди-ю, ўтди ўшал дам,  
Шундай суръат билан ўтди ёшлик ҳам.  
Қабристон гуллади, очилди лола,  
Қайга қўйган бўлса жононлар қадам.

Баданда жон борин билмаганлар шод,  
Жонга жонон борин билмаганлар шод.  
Жононлар дардида ёниб туну кун  
Висол-дармон борин билмаганлар шод.

Ёр бўлди бегона, танда жон куяр,  
Этақдан то ёқа гирибон куяр.  
Кўкаламда ўтган бир дам ёдида,  
Қўрқаменки ҳам дин, ҳам имон куяр.

Кеча тун гулзорни айлабман маскан,  
Ухлабман, бағримга қадалмиш тикан.  
Гулни севганимдан, ҳасадчи боғбон  
Орамизда тикан ўстирган экан.

Эй ёр, боғи-роғим, кўча-кўйимсан,  
Бинафша қулф урган ариқ бўйимсан.  
Тоғлардек мусаффо етти иқлимнинг,  
Ҳаётда умидим, фикру ўйимсан.



Дилим ичра хаёлинг бул қаро тун,  
Хаёли хатту холинг бул қаро тун.  
Бириктирдинг кўзим мужгонларини,  
Кўрингай то жамолинг бул қаро тун.

Миниб от, чиқдим овлиққа бўлиб шод,  
Қанотим синди, шодлик бўлди барбод.  
Ариқ бўйида босмиш ғафлат уйқу,  
Қолур ғафлатда кимки қасди сайёд.

Дилим зору, дилим зору, дилим зор,  
Табиб чорланг, дедим, бўлгай мададкор.  
Менинг дардим дилимда интизорлик,  
Табиб ҳам чора излаб, қолди ночор.

Кел, эй булбул, куйиб нола қилайлик,  
Саҳар нола сири недур билайлик.  
Гулинг ишқида сен нола қилурсан,  
Менинг нолам, дилоромим-чиройлик.

Нечун озурда ҳолсан, эй дил, эй дил,  
Мудом сочиқ хаёлсан, эй дил, эй дил.  
Шукр бирла бориб бурчакка ўлтир,  
Магар соҳиб жамолсан, эй дил, эй дил.



Агар келсанг, сени жондан суярман,  
Келолмасанг, ҳижронингда куярман.  
Келиб, дарду ғаминг солғил юракка,  
Ўларман ё куярман, ё суярман.

Фалакнинг дастидан минг дод дерман,  
Ҳазор оху фиғон, фарёд дерман.  
Тикону хас била ўлтирса дилбар,  
Нечук мен хотиримни шод дерман.

Билолмасманки, розим кимга айтай,  
Фироқи сарвинозим кимга айтай?  
Агар айтсам бу сирни айлагай фош,  
Бўлак розу ниёзим кимга айтай?

Сахрога қарайман — сени кўраман,  
Дарёга қарайман — сени кўраман.

#### ТАРЖИМОНДАН

Бобо Тоҳир тўртликлари Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Тожикистонда машҳур бўлиб, деярли минг йилдан бери кишилар ёддан ўқиб келадилар. Бундай шухрат сабаби шундаки, бу тўртликлар классик ёзма рубоийлардан кўра халқ тароналарига яқинроқдирлар.

Булар машҳур, аммо муаллифи ҳақида маълумотлар айрим ривоят ва афсоналардан нарига ўтмайди. Бобо Тоҳир туғилган йилини олимлар, XI асрнинг ўрталари, деб ҳисоблайдилар. У ўз замонасининг қомусий билим эгаси, ажойиб шоирлик истеъдодига эга бўлишига қарамай, фақирликда, қа-

ландарона умр кечирган. Халқ орасида яшаган. Унинг ўз она юрти Ҳамадондаги фақирона мазори ҳам халқ зиёратгоҳига айланиб кетган. Кейинги йилларда мақбара қурилган бу зиёратгоҳда шоирлар ва шеърят мухлислари тўпланиб, унинг тўртликларини ёддан ўқийдилар. Ундан араб тилида ёзилган «Ҳисқа калималар» номли ҳикматлар тўплами, форсий тилда уч юздан ортиқ тўртликлар ва бир неча ғазаллар бизгача етиб келган.

Унинг шеърлари лурий шевасида ёзилган. Ўзбек тилига биринчи бор таржима қилинди.

Тоғдаги тошга, боғдаги гулга —  
Раънога қарайман — сени кўраман.

Нечук нола қилмай, куюк дил бўлсам,  
Нечук нола қилмай, беҳосил бўлсам.  
Гул устида булбул нола қиладир,  
Нечук нола қилмай, мен бегул бўлсам.

Кел, эй жонона, дийдоринг кўрай мен,  
Юзингдин сунбулу гуллар терай мен.  
Келиб ўлтир баримга ою йиллар,  
Нигорим ой юзингга бир тўйяй мен.

Осмоннинг гумбази куяр оҳимдан,  
Фалакнинг маркази куяр оҳимдан.  
Гар дунё ўнгламас экан ишимни,  
Оразу ғарази куяр оҳимдан.

Санарман кечкурун чиққанда юлдуз,  
Келурми деб, кутарман сени ёлғиз.  
Ярим тун келмасанг, то тонг жигар қон,  
Кўзим ёшин қилай тўфону денгиз.

Дилоро, сенсизин зор, нотавонман,  
Жигарда нишу кўзда қора қонман.  
Бу кун кўкка кўтарган қўлларимни —  
Уриб, бошимга нолон, хаста жонман.

Шонслом ШОМУҲАМЕДОВ таржимаси.



Олимжон Холдор

## ЁРҚИН САҲИФА

### ПАЙКАЛДА ТУҒИЛГАН БОЛА



Директорнинг важоҳати ўзгариб келаётганини Исомиддин ота бир қарашдаёқ сизди. «Яна: ўғит солинг, сув қўйинг, деб қисталанг қилса керак, — ўйлади бригадир ва қўлтиқтаёқларини тақиб унинг қаршисига пешвоз юрди. — Майли, бу гал талашиб-тортишиб ўтирмай, индамай қўя қолай. Бояқишнинг кўзига дунё тор кўриниб юрибди, шу кунларда, ҳарна бўлса ҳам кўнглини кўтариш керак». Улар пахтазор уватида юзма-юз келдилар.

— Ҳорманг, қори ака (Исомиддин Арабовни таниган-билганлар шундай деб аташади), ҳалиям ўғитни босиб ўтирибсизми?

Директорнинг гап оҳанги шиддатли эди.

— Аввал, иним, шийпонга кирайлик, бир пиёладан чой ичишиб бафуржа гаплашайлик.

— Бизда вақт йўқ, ғўзаларингизнинг тиллари бир қарич осилиб ҳансираб ётибди-ю, бафуржа суҳбатлашайлик дейсиз-а! Ундан кўра, сувчиларга айтинг, шу бугундан суғоришни бошлашсин...

Ота оғир бўлишга ҳарчанд уринса-да, унинг овози ҳам кескин тус ола бошлади.

— Шундай йўл тутиб бирон йил сизни юзикора қилдикми?! — деди у қўлтиқтаёқларини ногирон оёғи томонга олиб, қаддини ғоз тутаркан. — Биздаям бош қашишга вақт йўқ, шийпонда бафуржа чўзилиб ётган экан, деб ўйласангиз хато қиласиз!

— Ундай демоқчи эмасман, қори ака, — овози сал юмшади директорнинг. — Ахир жонсарақ деҳқонлар бир эмас, икки мартадан сув бериб бўлди. Уғит, сувдан шунчалик тийиб туришингизнинг боисини билсак бўладими?

— Билсангиз бўлади, аввал кўрпачага ўтирайлик, — деди Исомиддин ота шийпон сари бурила туриб. Баланд бўйли, қирчиллама ёшдаги директор етмишдан ошиб кетган, Улуғ Ватан урушидан инвалид бўлиб қайтган бир одамни тикка турғизиб қўйиб гаплашаётганидан хижолат тортди, салмоқли одимлар билан бригадирга эргашди.

— Наҳотки, ғўзасига шунчалик тошбағир деб ўйласангиз, мени, — деди Исомиддин ота чой қўйиб узатаркан... — Ахир бутун умрим, ҳаётим пахтазорда ўтди, бор-йўғимни мана шу экинларга сарфладим-ку! Менга беш қўлдек маълум иллатга йўл қўёлмайман. Биласиз, ғўзаларни ернинг табиий намига ундириб олганмиз. Шу намни қочирмай, ғўза илдизи унга эргашиб ерга чуқур кириб боряпти. Агар сув берсам, биласизми нима бўлади, ғўзалар тайёрхўрга айланади, захматдан қўл силтайди-да, берсанг ейман, урсанг ўламан, деб ўтираверади. Мен ўзимга тегишли сув, ўғитнинг бир граммидан воз кечмаганман, воз кечмайман ҳам. Аммо қачон беришни ўзим яхши биламан...

— Шу гапларингиз бирон қоида китобида ёзилган эканми?! — бригадирга ўткир тикилди директор.

— Олтмиш йилдан зиёд вақтдан бери пахтачиликнинг азоб-уқубатларини тортиб келаётган мана бу китобда! — деди Исомиддин ота қатлам-қатлам қадоқли катта қафтларига ишора қилиб.

— Бўпти, айтиб қўйиш менинг вазифам эди! — зарда билан ўрнидан турди директор. У машинаси томон бурилиб жўнар экан, «ўжар» бригадирдан ранжиган кўнглининг бир чеккаси беихтиёр ёришиб кела бошлади... «Мен ўжарман десам,

бу одам ўн баравар ўтаркан-ку, — ўйлади у. — Аммо отанинг гапларида жон бор, ғўза ҳам инсон каби тирикжон-да, чиниқса ёмон бўлмайди...»

Бу пайтда Исомиддин Арабов ягана ҳашарчилари томон хомуш ҳолда ҳаёл суриб, судралиб борарди: «Яна қаттиқроқ гапирвордим-да, ётиғи билан тушунтирсам бўларди, қариб қоляпмиз шекилли...» Дала ва ғўзалар эса ўз фарзандига шивирларди: «Ҳали ўн йигитга ўрнингни бермайсан, биз сенга ҳар доим куч-қувват ато қилаверамиз, сира бўш келма, азизим...»

Исомиддин Избоскан районидаги Қораянтоқ қишлоғида дунё алғов-далғов бўлиб турган 1914 йилда туғилди. Унинг уйи шундоққина далага туташ эди. Исомиддиннинг мурғак тасавурида олам ғўё шу қишлоқдан, Андижон адирлари-ю, бошига оқ қалпоқ кийган Арслонбоб тоғларидан иборат эди.

1930 йилларда коллективлаштириш бошланди. Исомиддиннинг отаси Араббой Маллабоев колхоз тузумининг илк қатнашчиларидан бири бўлди. Араббой Иттифоқ деб аталувчи колхозга кирди. Қишлоқдаги ёт унсурлар ёш хўжаликни тарқатиб юборишга бир неча бор уриниб кўришди. Унга қарши оддий халқ жонжаҳди билан меҳнат қила бошлади. Исомиддин ҳам онаси Паттихонга эргашиб далага чиқди, қапирлаб чигит экишди. Юз гектарга етиб-етмайдиган майдондан илк пахта ҳосили олинди, бироқ қиш кириши билан колхоз тузумининг ташкилотчилари ва активларига яна ҳужум бошланди. Ҳаёти хавф остида қолган Араббой оиласи билан Андижонга қочди. Улар шаҳар ҳаётига кўника олмадилар. Баҳорда Чувамага қайтиб келишди, яна колхоз тузилди, комсомол-ёшлар Араббойнинг ёнига киришди. Паттихон Ҳасанова звенога бошчилик қилди.

Меҳр тафтиданми, астойдил меҳнатданми, шу йили пахта чунонам бўлдики, кўрганнинг ҳаваси келарди. Биринчи теримга тушиш, одатдагидек, байрам тусини олди. Ёш хўжаликнинг раҳбарлари тўпланишиб, ҳосилни чамалаб кўришди, теримчиларнинг рўйхати кўздан кечирилди. Теримчилар қаторида қомати келишган, қошлари бир-бирига туташ Исомиддин ҳам бор эди. У биринчи сентябрь куни белига этак боғлаб, теримга киришди. Дастлабки кунги натижа юздан ошди. Бора-бора юзлар мингларни ташкил этди. Исомиддиннинг номи эндиликда наинки район, областга, ҳатто республикага тарқалди. Йил якунида у Фарғона водийси пахтакорларининг Наманганда ўтказилган қурултойига таклиф этилди, республика партия-ҳукуматининг бошлиқлари билан ёнма-ён ўтирди.

## КАРНАЙЛИ ПАТЕФОН

Қурултойда Исомиддин шаънига кўп мақтовли гаплар айтилди. Бу ерга йиғилганлар терим илғорининг сеҳрли қўлларини олишга иштиёқманд эдилар. Аммо йигитнинг муваффақиятига ишонмовчилар ҳам топилди. Қурултойнинг иккинчи куни Исомиддинга сўз берилди. У минбарга чиқар экан, пешонасида пайдо бўлган маржон-маржон терларни сидириб ташлаб, бир лаҳза жим туриб қолди. Ниҳоят қисқа ва лўнда қилиб:

— Мен деҳқоннинг ўғлиман, уйимиз пахтазорга туташ, отам бригадир, онам звено бошлиғи. Улар: «ишни уйқусида бос» деб ўргатишган. Мен шунга амал қиламан, бор гап шу, — деди.

Шу вақт залдан: «отаси бригадир, онаси звено бошлиғи бўлгандан кейин қўшиб ёзади-да» деган қастирма гап эшитилди. Исомиддин тутаяқиб кетди:

— Мен комсомол аъзосиман, ишонмовчилар авваллари ҳам топилар эди. Қўшни хўжаликлардан келиб кўришди, мен соатбай термайман. Баъзилар бир соат ичида терган пахтасига қараб хулоса чиқаришади. Бу — фирромлик. Ким ишонмаса бориб, текшириб кўрсин, — деди-да жойига ўтирди. Залда жонланиш бошланди. Раислик қилувчи бу мунозарага хулоса ясади:

— Уртоқлар, шошманглар, Исомиддиннинг ким эканлиги ҳаммамизга маълум. Шундоқ бўлса ҳам махсус комиссия туздик, бир кун — икки кунмас, унинг пахта териш методини ўн кунлаб ўргандик. Исомиддин Арабов савимиздаги энг илғор теримчи эканлиги узил-кесил исботланди. «Тўғри, тўғри!» деган овозлар ҳар томондан гуриллаб эшитилди. Қурултойнинг учинчи куни Фарғона водийсидаги донгдор теримчилардан бир группасига мукофотлар топширилди. Шулар қаторида Исомиддинга карнайли патефон берилди.

Чувамага қайтиб келгач, бутун қишлоқ аҳли тўпланишиб патефонни томоша қилишди. Оқшомлар Ҳалима Носированинг юракларни ларзага солувчи кўшиқларини, Муҳиддинқори Ёқубовнинг ҳазил лапарларини, Тамарахонимнинг «нўғай бола»сини, Карим Зокировнинг «қошинга тегизмагил қаламни» деб аталувчи ашуласини тинглашди. Мана, орадан эллик йил ўтган бўлса ҳам, ҳамон Исомиддиннинг карнайли патефони ҳақида гапириб юрадилар.

## ОНА-БОЛА БЕЛЛАШУВИ

**Ч**увама қишлоғида куз. Ишқомлардаги узумлар олтин рангда. Туятиш аналарни айтмайсизми! Чувама қовунининг таърифи-ку, етти иқлимга маълум. Қовун пайкалида агар тунаган бўлсангиз, ширинлигидан кечалари тарсиллаб ёрилган шакарпалакларнинг овозини эшитгандирсиз? Тонгга яқин узоқ-яқиндан келаётган булбулларнинг хонишини, беданаларнинг «питбилдиги»ничи? Қишлоқ оқшомлари, айниқса, сентябрь бошларида шу қадар сеҳрли бўладики, буни таърифлашга тил ожиз. Пахтазорда далалар оқ барқутга буркангандай. Бодраб-бодраб очилган пахталар ўз пиёласи — чаноқлардан тошиб чиққан, қаймоқдай мулойим. Деҳқон қўли билан яратилган бу мўъжизалар кимни шайдо, кимни ғазалхон қилмайди дейсиз...

Бугун Избоскан район марказида пахтакорларнинг маслаҳат йиғини. Бу ерга катта-кичик — ҳамма тўпланган. Булар орасида ўша йиллари тилга тушган, чевар теримчи Паттихон Ҳасанова ҳам бор. У ўтган йили рекорд ҳосил териб элга танилган эди. Биринчи сўзни Паттихонга бердилар. У гапни чўзиб ўтирмади:

— Утган йили 20 тонна пахта тердим, бу йил 25 тоннани кўзлаб турибман, гапим тамом, агар мен билан олишадиган, мусобақалашадиган одам бўлса, марҳамат! — деди. Даврага жимлик чўкди. Сўнг шивир-шивир бошланди. Ҳеч ким ботинолмасди. Нихоят кексароқ деҳқонлардан бири ўрнидан туриб деди:

— Паттихонга тенг келадиган бир йигит бор. У ҳам бўлса, ўзининг ўғли Исомиддин...

Йиғилганлар гурра орқага қарадилар. Нозикдан келган, узун бўйли, қошлари бир-бирига туташ йигит хижолатдан ерга боқиб ўтирарди.

— Сен нима дейсан? — сўради мажлис раиси Исомиддиндан.

Йигит сал ўзини тутиб олгач, минбарга яқин келди.

— Ҳамқишлоқлар, ишончларингизни оқлашга ҳаракат қиламан. Мавсумда камида 30 тонна пахта теришга ваъда бераман, — деди у. Ҳамма қарсак чалди. Паттихон ўғлини бағрига босди. Она-бола жасоратига барча қойил қолди. Паттихон ҳамон ўғлини бағридан қўйиб юбормас, унинг юз-кўзларидан ўпар, севинчдан пайдо бўлган ёшларини одамлардан яширишга ҳам уринмас эди. Газеталар Паттихон билан Исомиддиннинг беллашуви ҳақида мақолалар ёзишди. Она бағрида бахтиёр турган ўғил расмлари деярли барча матбуотларда эълон қилинди. Уларнинг доврўғи достон бўлди. Республиканинг илғор теримчилари ҳақида гап кетгудай бўлса, биринчи бўлиб Паттихон ва Исомиддин тилга олинарди.

Терим бошланди. Она-бола ёнма-ён пайкалда. Уларнинг ҳар кунги меҳнатини бутун республика кузатиб борди. Йил охирида она-боланинг иш натижаси ҳисоб-китоб қилинди: Исомиддин 31 тонна, Паттихон 29 тонна пахта терибди. Бу хушхабар деярли ҳаммани қувонтирди. Бироқ она-бола жасоратига ғаразли кўз билан қаровчилар ҳам топилди. «Бўлмаган гап, — дейишди улар. — Исомиддинга қариндошлари, яқинлари ёрдам берган, кўзбўямачилик қилинган». Бу гаплар Исомиддиннинг ҳам қўлоғига етиб келди. Аввалги гап-сўзларга чидаган эди, энди тоқати тугади. Ҳеч кимга билдирмай қишлоғидан чиқиб кетди. «Бегона бир жойда пахта териб, исботлаб бермасамми!» деган ният унинг қалбидан жой олганди.

Шу кетганча Фаргона областининг Қува районига қарашли «МТС» колхозига борди. Бува ота деган одам колхоз раиси эди. Исомиддин унга ялинди, ёлворди, шу колхозда пахта термоқчи эканини айтди.

— Қўйсангчи, пахта териш осон бўлибдими, бир кун ишлаб, ўн кун кўтарам бўлиб ётарсан, — деди раис.

— Мен астойдил айтяпман, агар ишонмасангиз... бўпти, мен кетдим! — деди-ю, Исомиддин жўнаб қолди.

— Тўхта, шошма йигит! — уни тўхтатди раис. — Тез экансан. Майли, аммо билиб қўй. Белим оғриди десанг, теримчилар орасида кулги бўласан.

Исомиддиннинг кўзлари қақнаб кетди. Орузи ушалаётганидан ўзини қўярга жой тополмасди. Шу куни белига этак боғлаб теримга тушиб кетди. Кечга яқин раис дала айланиб, Исомиддин пахта тераётган бригадага яқинлашди. Бригадир ҳовлиққанча раиснинг қошига келди.

— Ҳалиғ бола бор-ку! — деди ҳайратланиб, — бало экан, бало! Буни қаранг, ҳамма илғорларимиздан ўзиб кетди!...

— Жуда ошириб юбординг, бугун бир ўзини кўрсатай дегандир-да. Бунақалар бир кун, икки кун чиранишади, кейин «белим оғриб қолди» деб таппа ташлайди, колхозни ташлаб қочворади. Ундай «азамат»ларни кўп кўрганмиз, — деди эътиборсизлик билан раис.

Эртасига Исомиддин ҳаммадан олдин теримга тушди. Одамлар нонуштага ўтирганда у етти этак тўкди. Кечгача терган пахтаси ўтган кунгидан ошиб кетди. Шундан кейин ҳам унинг кўрсаткичлари тинмай ошиб бораверди. Бу йигит доврўғи

тез кунда элга ёйилди. Унинг тажрибасини ўрганиш учун узоқ-яқинлардан одамлар кела бошлади. Бир куни тушки овқат пайтида раис Исомиддиннинг қўлини қисиб, кўзларига синчковлик билан тикилди:

— Раҳмат ўғлим, мен сени бу қадар меҳнаткаш деб ўйламаган эдим. Шошма... сен ҳалиги избосканлик машҳур пахтакор Паттихоннинг ўғли Исомиддин эмасми? Газеталарда «онаси билан беллашган бола» деб ёзган эдилар.

Исомиддин кулумсираб қўйди-да, раисга қараб деди:

— Мабодо ўша йигит бўлсам-чи?

— Унда жуда соз! — деди қувониб раис. — Хўш, қандай қилиб бу ерларга келиб қолдинг? Ота-онанг бу ерда эканлигини биладиларми?

— Йўқ.

Шундан кейин Исомиддин бошидан кечган воқеаларни гапириб берди. Бу хўжаликда ҳам донг таратган Исомиддин ҳақида газеталар яна ёзишди, радиоларда гапирилди. Машҳур теримчи Исомиддин Арабовнинг доврўғи яна республикага ёйилди.

Ўғлининг доврўғини эшитган ота-она кўп ўтмай Қувага етиб келишди. Унинг шон-шўҳратидан қувонишди, бахт-омад тилашди.

1939 йилда Йўлдош Охунбобоев билан Усмон Юсупов ҳам Исомиддин пахта тераётган жойга келдилар. Область пахтакорларининг катта йиғинида Исомиддиннинг номи фахр билан тилга олинди. Арабов мавсумда 35 тонна пахта терганлиги ҳақидаги рапортни ўзбек халқининг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев ҳамда Ўзбекистон. Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов ўртоқларга шахсан ўзи топширди. Шу йили Исомиддин Арабов тажрибасини ўрганиш комиссияси ҳам ўз хулосаларини матбуотда эълон қилди. Арабовнинг номи тилларда дoston бўлди:

**Довруғ солди оламга,  
Хирмонини тоғ этди.  
Избосканлик Арабов  
Кўнглимизни чоғ этди.**

Бу қўшиқни ҳатто Қуванинг донгдор чевар теримчилари Шакархон Мўминова, Тожиҳон Асқаровалар ҳам чин дилдан куйлаган эдилар.

Ғалвир сувдан кўтарилди. Ғолиблиги туфайли Исомиддинга уй берилди. Энди у ўз ота-онасини ҳам Избоскандан Қувага кўчириб келмоқчи бўлди. Ота-она ўз қишлоқларини ташлаб кетишга рози бўлмадилар. Андижонда Паттихон, Фарғонада унинг ўғли — бир вақтлар онаси билан беллашган Исомиддин доврўғ солди. Уларнинг бири Андижонда, иккинчиси Фарғонада туриб мусобақалашдилар. Кунлардан бир кун кўпчилик ичида Паттихон очиқ тан олди:

— Ўғлим, қойилман. Ҳамма сени билади. Довруғ солдинг. Мен енгилдим. Қайси гурунгда бўлмайин, одамлар: «Исомиддинга боғ-роғли уй берибди, энди тўй қиларсиз» дейишяпти. Ёшинг ҳам етиб қолди, ўйлайманки, бу масалада баҳслашмайсан. Отанг билан ҳам келишиб қўйдик. Агар кўнглингда деганинг бўлса, уни айт, биз розимиз.

Исомиддин қизариб ерга тикилиб турарди. У бир гап айтолмади. Йиғим-теримдан сўнг Исомиддин Андижонга келди. Бир неча кун ҳамқишлоқлари билан бўлди. Чувамадаги қизлардан ҳам бирини кўз остига олиб қўйди. Бу ҳол тўсатдан рўй бергани йўқ. Улар аввалдан бир-бирларининг дийдорига зор бўлиб юришарди...

Кечки овқатдан кейин Паттихон яна гапни шу масалага бурди.

— Онажон, майли, мен розиман, лекин баҳор келсин. Баҳорни яхши кўришимни биласиз-ку. Ўзим айтаман, — деди. Шу тун Паттихон ва Араббой ухлашмади. Ўғлининг тўйини қандай қилиб ўтказиш режаларини тузиб чиқишди. Аммо олдинда Ватан топшириғи — йигитлик бурчини бажариш вазифаси турарди. Ҳарбий хизматга қақирув қоғози бу режаларни ортга сурди.

— Қайтанга яхши бўлди, ўғлимиз қанча жойларни кўриб, чиниқиб қайтади, — ўз-ўзларига таскин берди ота-она.

## ЖАСОРАТ

1940 йилда Исомиддин Арабов Қува районидан армия сафига қақирилди. Деҳқон фарзанди ўз тенгдошлари билан аскарликка кузатилди. У хизматни Махачқалъада бошлади. Ҳарбий хизмат қаққонлик, ҳушёрлик ва кучлиликини талаб қилади. Исомиддин эса ҳар қандай синовга тайёр эди. Сиёсий ва жанговар

тайёргарликда у қуролдош дўстларига ибрат бўлди. Онаси Паттихонга, отаси Араббойга ҳарбий хизматнинг бориши ҳақида ёзиб турди. У почтальон номига йўллаган хатлар ичида махсус конверт юборар, буни тегишли одамга — қўшни қизга тутқазишни ўтиниб сўрар эди. Почтальон олижаноблик билан икки ёшнинг қалб сирларини бир-бирига етказиб турди. Агар хат кечиккудай бўлса қизга: «Исомиддин хат ёзаяпти, мен биламан, эрта-индин келиб қолади» деб юпатар, кўнглини кўтарар эди.

Орадан бир йил ўтди. Совет армияси сафида яхши хизмат қилганлиги, ҳарбий жанговар ва сиёсий машқларда алоҳида ўрناق кўрсатганлиги учун Исомиддин Арабовнинг Ўзбекистонга — уйига бориб-келиши учун отпусқа берилди. Дийдорга ташна йигитнинг севинчи бир жаҳон эди. У гимнастёрка ёқаларини тикди. Тугмаларини артиб ярақлатди. Этикларини мойлаб, йўлга ҳозирлик кўрди. 18 июнь куни эса ўз қишлоғига етиб келди. Қариндош-уруғ, ёру биродарлар йигитни бағрига босар, ўпар эди. Сухбат ҳар куни ярим кечагача давом этарди. Ҳали армия сафига чақирилмаган ёшлар солдатлик хизмати қандайлигини сўрар, унинг шинелини кийиб кўриб ҳавас қилишар эди. Энди, пайт топиб, қиз билан учрашиш керак. Аммо тонга яқин Чувама қишлоғи безовта уйғонди. Кўчаларда одамлар тўп-тўп туришар, ҳамма хафа, аёллар йиғлаган. Исомиддин ташқарига чиқса, онаси ҳам йиғлаб ўтирибди.

— Нима бўлди, нима гап?!

— Уруш, болам!

— Уруш!

Уруш бошланибди, ўғлим, деди она титроқ товушда. Исомиддин кўчага отилди. Одамлар жигарпораларини урушга кузатишар, ҳамма эсанкираган. Исомиддин уйга қайтиб отасининг, сўнгра онасининг бағрига бош қўйди:

— Кетишим керак. Уруш бошланган экан, зудлик билан ўз қисмимга етиб боришим шарт?

— Шошма болам. Урушга ўт тушсин. Фашистнинг номи ўчсин. Бир пиёла чой ич.

Исомиддин чой ҳўплади. У томоғидан аранг ўтди. Она ўрнидан туриб эндигина узиб келинган патир нондан биттасини ўғлининг қўлига тутқазди:

— Бир тишла, болам. Бир тишла, е, қолганини уруш тугагач, қайтиб келиб ерсан, бу нон сенинг ризқинг бўлсин. Ризқинг хонадонимиздан узилмасин. Ҳар гал сен тишлаб қолдирган бу кемтик патирни кўрганда, ўғлимнинг насибаси эди, деб юрай.

Исомиддин нондан бир тишлам узиб, қолганини онасига узатди. Сўнгра ота-онасининг иссиқ кўкракларига яна бош қўйди. Шу алпозда улар анча вақт жим қолдилар...

Исомиддин йўлга чиқди. Эшикда эса... сочларини майда ўриб олган қаллиқ қиз ерга боқиб турарди.

— Исомиддин ака, келган заҳоти кетяпсизми?! — деган қиз кўзёшларини тўхтатиб қололмади. Йигитнинг боши айланиб, кўзи тинди. Қани энди шу чоқ у қизни бағрига олса. Йўқ, бундай қилолмади.

— Кечир мени, уруш бошланишини ким билибди?! Мени кут, албатта ғалаба билан қайтаман...

Исомиддин ўз қисмига етиб келди. Кўп ўтмай, душманга қарши қонли жанглار бошланиб кетди. Исомиддин бу синовда ҳам ўзини йўқотиб қўймади. Маздоқ шаҳрини озод қилишда алоҳида жасурлик кўрсатди...

Кейинги жасурлиги айниқса тилларда дoston бўлди. Шу куни Исомиддин Арабов разведкага бориб, маишат қилиб ўтирган фашист разведкачиларининг устидан чиқиб қолди. Шошиб қолган душман разведкачилари қуроли шай турган йигитга қаршилик кўрсата олмай таслим бўлишди. У олти немис солдатлари ва бир офицерини штабга олиб келди. Ана шу хизматлари учун Исомиддин Арабов Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди. Нальчик шаҳрини озод қилишда ўнг оёғидан қаттиқ жароҳатланди. Врачлар олдинига унинг оёғини кесиб ташламоқчи бўлдилар. Исомиддин қатъий қаршилик кўрсатди. «Ахир менинг ўнг оёғим кесиб ташланса, кимга керагим бор? Мен деҳқонман. Қандай қилиб пахта экаман, сув қўяман. Ўлсам ўлайки, лекин оёғимни кесманглари!» деб туриб олди у. Исомиддиннинг оёғидан 21 та осколкани ўйиб олиб ташладилар. Ҳаётга ташна йигит қийноқларга дош берди. Минг бир ажални енгиб ўтган бардошли йигит, икки йил ўтгач, госпиталдан чиқди. 1943 йилнинг қиш ойларида она қишлоғи Чувамага қўлтиқтаёқда кириб келди.

Исомиддин Арабов шундай эслайди:

— Мен ногирон бўлиб қайтаётганимда қўлимга тўрт буханка нон, бир нечта чақмоқ қанд, икки банка консерва беришди. Мен буларни қишлоғимга, ота-онамга олиб келдим. Қарасам, қишлоғим олдингидек гуркураган эмас, кўчалар, ҳовлилар ҳувиллаб қолган, қаровсиз. Менинг қайтишим дарҳол қишлоққа тарқалди.

Одамлар бирин-кетин кела бошладилар. Аҳволимни кўрганлар ачинар, кўзларига ёш олар, ота-оналар ўз фарзандларини, келинлар куёвларини суриштирар эдилар. Мен умримда бир марта ёлгон гапирганман. Бир қисмда хизмат қилган дўстим жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлганини унинг хотинига айтмадим. У Ватан учун, сизлар учун жанг қилайти дедим. Бу қилмишим маъқулми ё йўқми, ҳануз билмайман. Ахир дўстим Иброҳим Латиповнинг жанг майдонида қолиб кетганини айтсам, унинг умр йўлдоши, ота-онаси не ҳолга тушишини тасаввур қилар эдим-да. «Исомиддин нон олиб келибди», деган гапни ҳамма эшитибди. Мен икки буханка нонни майдалаб, уйимизга келганларга улашдим. Шунда остонада турган етти-саккиз ёшлар чамасидаги эти устухонига ёпишган бир қизчага кўзим тушди, унга ҳам нон бердим. У нонга тикилиб турар, аммо эмас эди. «Нега емаяпсан» дедим. «Онам уйда касаллар, бир ҳафтадан буён туз тотганлари йўқ», — деди қиз. Яна бир бурда нон узатиб: «буниси онангга» дедим. Қизча хурсанд бўлиб чиқиб кетди...

Қишлоқда эркак зоти йўқ. Ҳамма жангда, фронтдан қайтганлари ҳам мен каби ногирон, ишга яроқсиз. Мен узоқ ўйлаб ўтирмадим, далага чиқдим, қўлтиқтаёққа таяниб ишлай бошладим, кетмон чопдим. Операцияларим очилиб кетди. Ҳар оқшом даладан қайтгач, қонга беланган оёқларимда жон олувчи оғриқ пайдо бўлар, кечаси билан ухламай чиқардим. Бари бир бўш келмадим, ахир мен эркакман, бардош қилишим керак. Мен билан ишлаётган аёллар нима дейди...

Иродали йигит барча қийинчиликларни енгди. Унга тан бермаган бирорта жон қолмади.

Исомиддин баҳорнинг инжиқликларини, саратоннинг ҳароратидан кўрқмай ишлайверди. Пахтачиликдаги бирон-бир юмушдан тортинмади. Айниқса пахта терими маҳалида жасорат кўрсатди. У эгатларда судралиб, гоҳ чўккалаб, гоҳ ётиб пахта терарди. Йил охирида унинг терган пахтаси 28 тоннани ташкил этди. Шу жасорат туфайли Исомиддин Арабов Ленин орденига сазовор бўлди. Бир йил ўтгач, у звенога, иккинчи йили эса бригадага бошчилик қила бошлади, ўзи ҳам қўлига кетмон олиб ғўза чопди. Терим вақтида белига этак боғлаб пахтазорга шўнғир, не-не теримчиларни ортда қолдирарди. 1946 йилда Арабов бригадаси ҳосилдорликда республикада биринчи ўринни эгаллади. Одамлар 11—12 чигитли пахтани ўшанда кўришган. Уша йили Арабов бригадасида олти нафар қиз, бир неча ногирон эркаклар ишларди, холос. Бу каби ватанпарварлик, фидойиликлар деҳқон ўғлига чинакам бахт-саодат келтирди. СССР Олий Совети Президиумининг 1947 йил 19 март қарори билан Исомиддин Арабовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди!

— Бу юксак мукофот ўша йиллари мен билан ёнма-ён туриб ҳалол меҳнат қилган ҳамқишлоқларим Ҳошимжон Иброҳимов, Мирза Қосимов, Холчахон Мадаминова, Зухраҳон Арабова, Қундузхон Иброҳимова, Турсуной Қурбонова ва бошқаларга ҳам тегишли, — дейди Исомиддин ота ўтмиш ҳақида гап кетганда. — Демак, яшаса, ишласа, ҳатто оила кўрса ҳам бўлади, деган қарорга келдим...

Дарвоқе, урушдан олдин онаси билан бўлган суҳбатда Исомиддин уйланишга ваъда берган эди. Бу орзу ниҳоят 1947 йилга келиб ушалди. Баҳорда Исомиддин билан Турсунойнинг бахт тўйи бўлиб ўтди. Тўйда бутун республиканинг дондор кишилари иштирок этдилар.

## ФИДОЙИЛИК

**Т**иниб-тинчимас коммунист Исомиддин Арабов шуҳрати йилдан-йилга ортиб борди. Унинг оиласида Мунаввархон, Миркомил, Миролимлар дунёга келди. Умр йўлдоши Турсуной ҳам уйда қолиб кетмади. «Эр қайда бўлса, отин шу ерда» таомилига амал қилиб, турмушдоши бригадасида астойдил ишлади. Ўзи каби фарзандларининг ҳам тили далада чиқди. Уларнинг биринчи эшитган сўзи пахта бўлди...

1948 йилда ҳамқишлоқлари Исомиддин Арабовни «Бирлашган» (ҳозирги Калинин номли) колхозига раис этиб сайлашди. Янги раис билан бирга колхозга қут-барака, ишонч кириб келди. Ҳеч қачон пахта планини бажармаган, йиғинларда боши танқиддан чиқмаган, доим гап-сўз бўлиб юрган бу хўжалиқ йиллик пахта тайёрлаш планини нанки районда, областда ҳам биринчи бўлиб бажарди. Арабовнинг юксак раҳбарлик қобилиятини кўрган район раҳбарлари уч йил ўтгач, Будённий номли колхозга бориб, бу хўжаликни ҳам кўтариб беришни Арабовдан илтимос қилишди. Мазкур колхоз 17 йилдан буён пахта тайёрлаш планини бажара олмай келарди. Исомиддин Арабов аввал хўжаликни чуқур ўрганди, баъзи раҳбарларни ўзгартирди. Ўзи ҳам тинчимади, ўзгаларни ҳам



тинчитмади. Хўжаликда бўладиган йиғинлар, маслаҳатлар дала шийпонларига кўчирилди. Ҳамма ҳаракатлар самараси сифатида йил охирида колхоз планини бажарди. Ҳар гектар ердан 34 центнердан хирмон кўтарилди. Ҳосилдорлик 11 центнерга кўпайди. Шу йили Исомиддин Арабов область партия комитетининг аъзоси қилиб сайланди.

«Бирлашган» колхози эса ташаббускор раҳбардан айрилгач, яна планни бажармади. Колхозчилар юқори раҳбар ташкилотларга мурожаат қилишди, Арабовни қайтариб беришларини сўрашди. Натижада Исомиддин Арабов яна «Бирлашган» колхозига келди. Хўжалик бир йилда оёққа турди. Планлар бажарилди. Бироқ қаҳрамонимиз йил якунида ногирон оёғи азоб бераётганини, хўжаликка раҳбарлик қилишдан кўра бригадада ишламоқчи эканлигини айтиб ариза берди. Шундан буён бригадир Исомиддин Арабов кетмонини қўлдан қўйгани йўқ...

Исомиддин Арабов эндиликда меҳнат қилаётган Пахтабод районидаги «Маданият» совхози 1970 йилда ташкил этилган. Совхознинг деярли ярим экин майдони тошлоқдан иборат. Тошлоқда дур етиштираётган деҳқон ўғли жасоратига бу ерда ҳам қойил қолмаган инсон йўқ.

Арабовнинг бу ерга келиш тафсилоти ҳам қизиқ. Совхоз ташкил қилинган куни янги директорнинг ҳузурига қўлтиқтаёқли новча киши кириб борди. Салом-алиқдан сўнг у директорга деди:

— Мана, биз келдик, қабул қиласизми? Мени чол, оёғимни чўлоқ деманг, юрагимга қулоқ солинг. Ғайратим йигитлардан қолишмайди. Мен ҳозир янги ўзлаштирилиши керак бўлган ерларни кўриб келаяпман. Тўғри, тош, янтоқзор, ҳар қандай ёмон жойни ҳам меҳнаткаш қўл жаннатга айлантиради. Одамни ўзим топаман, тош тераман, барханларга барҳам бераман. Қалай, розимисиз?

Директор қўлтиқтаёқда турган бу одамнинг доврўғини кўп эшитган, шундай кишиларга муҳтож эди.

— Бўпти, оқсоқол! — деди у қувониб, — эртага совхоз дирекцияси биносининг пойдеворига ғишт қўйилади. Унинг биринчи ғиштини ўзингиз қўйиб берасиз.

Исомиддин Арабов билан директор қўл олишдилар. Эртасига совхоз маъмурий биносига биринчи ғиштни Исомиддин Арабов қўйиб берди. Шунга ҳам роса 15 йил ўтибди. Бу орада қанча сувлар оқиб кетди. Совхоз курашлар жараёнида оёққа турди. «Маданият» совхозининг майдони нуқул тошлоқ эканини кўрган баъзилар: «Бизга тўғри келмади» дейишиб қочиб қолишди. Лекин бизнинг қаҳрамонимиз ундайлардан эмасди. Арабов таъбирича, она ер — она Ватан. Ерга фидойилик элга фидойиликдир. Шу ақидага амал қилган арабовчилар ўзига ажратилган 71 гектарли тошлоқ ерни қаричма-қарич ўзлаштиришди. Бу йўлда дуч келган ҳамма тўсиқларни энгиб ўтишди, қийинчиликларга дош беришди. Уша йиллари бригаданинг ишчилари 6 кишидан иборат эди, холос. Уларни эса Арабовнинг оила аъзолари ташкил этарди. Исомиддин отанинг қизи Мунаввар, ўғиллари Миркомил, Миролим келинлари Фариха, Ҳаётхон, набиралари Муножот, Мирзоқид, Одил, Собир, Муносиб, Марваридхон, Илҳом, Инобиддин, Рустам, Шуҳрат, Ҳусниддинлар мактабдан чиқишадую, дашта чопишади. Тош теришади, тупроқ ташийдилар. Ниҳоят биринчи ҳосил жамол кўрсатди. Тош устида пахта экиш, ҳосил олиш осон эмас. Пахтанинг инжиқликлари, ўзига яраша ноз-карашмалари бор. Бир туп ғўза ҳосил бергунча, деҳқоннинг қўли минг марта қадоқ бўлади. Деҳқон ҳар бир туп ғўзага минг бор салом беради. Тракторнинг чопиқ органлари тошга тегдими, тамом, ғўзанинг томири очилади, у қуриydi. Техникани тошлоқда бошқариш ҳам осон эмас. Шунинг учун бошқаларга ишонмай, кўпинча бригадирнинг ўзи рулга ўтирди. Ана шундай машаққатлар билан асов тойдай тошлоқзорларни ҳосилга ўргатиб бордилар. Дастлабки йили 13, иккинчи йили 19, учинчи йили 25; ўтган йили тошлоқнинг ҳар гектарыдан 40 центнердан хирмон кўтарилди. Исомиддин Арабов 70 ёшга тўлди.

Қаҳрамоннинг юбилеи дала шийпониди нишонланди. Уша куни райондан, областдан меҳмонлар келишди. Исомиддин Арабов туғилган куни бригада пахта планини бажарган кунга тўғри келди. Уша кунги йиғилиш якунида қаҳрамонимиз шундай деди:

— Она-ерни эъзозлаганни халқимиз, партиямиз, давлатимиз эъзозлайди. Ерни ҳурмат қилсангиз, ер сизни елкасига кўтаради, шон-шуҳрат келтиради. Кўксингизга қўша-қўша орденлар тақиб қўяди. Ерни алдасангиз, у сизни кўтариб уради, беобрў қилади. Ер — хазина, унга меҳр керак. У тирик вужуд, тирик вужудни авайлаш, ҳурмат қилиш лозим. Ер ҳосил бераверар экан деб, кетма-кет бир хил озуқаларни шифаб солавериш уни касалликларга чалинтиради, оқибатда ҳосил бермай қўяди. Яхши деҳқон ҳар туп ғўзани ўз фарзандидай ардоқлайди, унинг очин-тўқинлигига қулоқ солади, шундагина у устингизни бут, қорнингизни тўқ қилади...

Исомиддин Арабов билан суҳбат чоғида: «туғилибсизки, далани кўрибсиз,

шундан буён пахта билан банд экансиз, мундоғ истироҳат боғларига ҳам бориб турасизми?», деган сўроғимизга қаҳрамон бошини ортга ташлаб қотиб-қотиб кулди ва деди:

— Менинг 71 гектарли истироҳат боғим бор. Бу маконда хилма-хил гуллар очилади. Оқ, пушти, зангори, қизил гуллар. Шуларни айлансам чарчоғим ёзилади. Ғўзаларим билан суҳбатлашаман, ҳар дона кўсақ менга келажақдан эртақ сўзлайди. Шоирлар далани олтин сандиққа ўшатадилар. Уша олтин сандиқнинг калити бизда. Сандиқни очиш осон эмас. Унинг жавоҳирларини ҳар ким ҳам ололмайди. Олтин сандиқ меҳнат қилгани яхши кўради. Партиямиз бизга ўша сандиқнинг калитини топшириб қўйибди. Биз ернинг эгасимиз. Қадимда қишлоғимизда бир бой бўлар экан, у шаҳардан бир дона қирқинчи чироқ сотиб олиб келган экан. Уша чироқни томоша қилиш учун бутун қишлоқ бойнинг уйига борар экан. Буни қарангки, бугун ҳар биримизнинг уйимизда Ильич ёқиб берган икки юзинчи ва ундан ҳам кучли чироқлар битта эмас, бештадан, ўнтадан парпираб ёниб турибди. Шу чироқни берган партияга, давлатга хизмат қилмай бўладими?! Қишлоғимизга яқин жойдан Қорадарё ўтади. Дарёнинг у юзидан бу юзига ўтиш учун инқилобдан олдин ҳар йили халқ ҳашар қилиб кўприк солар экан. Кўприк битар-битмас номи қора бўлган Қорадарё бузиб оқизиб кетар экан. Халқ бундан изтироб чекаркан. Мана бугун бир неча кунда шундай кўприклар қуриляптики, у асрлардан-асрларга етиб боради. Шундай мамлакатга раҳнамолик қилаётган партияга хизмат қилмай бўладими?! Олдинлари тузукроқ уй қуриш учун бир одамнинг умри етмас экан. Ҳозир тунука томлар, қўшқаватли уйларда яшяпмиз. Булар осонликча қўлга киритилган эмас. Уларга қаттиқ меҳнат, пешона терлари, ҳатто қурбонлар эвазига эришганмиз...

Исомиддин Арабов одамларга чин маънода дўст, аммо ноҳақлик билан муроса қила олмайди. У эл-юрт ардоқлаган, Ватан кўкракларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олтин Юлдузини тақиб қўйган баъзи одамлар ҳақида куйиниб гапирди.

— Районимизда бешта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бор. Тўғри, улар ўз вақтида катта ишлар қилишган, қўша-қўша орденлар олишган, аммо кейинги вақтларда, негадир, баъзилари ўзларини панага олиб юришибди. Бундайлар бизнинг районимиздагина эмас, республикамизнинг ҳамма жойида борлиги учун шу гапларни айтяпман. Меҳнатнинг катта-кичиги йўқ. Сен ўз обрўйингни тўкма, балки кўп йиллар колхозларга раис бўлгандирсан, балки бригадир ёки теримчи сифатида донг таратгандирсан, катта ихтиролар қилгандирсан. Ёшим ўтди деб ўзингни энди нега панага олсан?! Фарзандларимизга бош-қош бўлишимиз керакмасми?! Районимиздаги айрим Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари долларб кунларда негадир четга чиқиб турадиган бўлиб қолганлар. Ахир улар катта тажрибага эга. Ўз тажрибаларингизни ёшларга ўргатсангиз бўлмайдимми?! Қолаверса, ёшларга бош-қош бўлиш бизлар учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Қадимда бир донишманд вақти-соати етиб куни битаётганини сезгач, қўлидаги бир ҳум олтин ичига бир хат ёзиб, ер остига кўмибди. Хатда «Бу жавоҳирларни қадрига етадиган одам ҳозирча топилмади, келажақда ким топиб олса, бирор хайрли ишга сарфласин», деган сўзлар битилган экан. Бугунги донишмандлар — ўз ишининг усталари, устоз пахтакорлар. Улар ўз хазиналарини ер устида қолдиришлари, тажрибаларини, яъни жавоҳирларини меросхўрларга топширишлари лозим...

## ВОРИСЛАР

«Маданият» совхози директори совхоз экономикаси, қурилиши, унинг истиқболи, келажаги ҳақида тўлқинланиб гапирди.

— Ютуқларимиз бор, аммо қиладиган ишларимиз ундан кўп — деб гап бошлади директор, — совхознинг тўртта пахтачилик бўлимида 38 та бригада бор. Биз 3730 гектар майдонда деҳқончилик қиламиз. Шундан 2730 гектари пахтазорни ташкил этади. Утган йиллари бир қатор хатоларга йўл қўйдик. Ердан фойдаланишда чалкашликлар юз берди. Бу йил эрта баҳордан ишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида қайтадан кўриб чиқдик. Меҳнат интизомини бўшаштирганлар, ердан фойдаланишда пала-партишликларга йўл қўйганлар жазоландилар. Аммо асосий кишиларимиз ҳалол ва виждонли. Айниқса Исомиддин Арабов каби мураббийлар изидан бораётганлар кам бўлаётгани йўқ...

Директор ҳар кун дуч келинаётган, ҳал қилиниши керак бўлган бир қанча муаммоларни ҳам гапирди. Хусусан, совхоз ташкил этилганда, давлат томонидан

капитал-қурилиш учун 12 миллион сўм пул ажратилган эди. Утган давр ичида шунинг 8 миллион сўмидан фойдаланилган. Совхозда ишчи кучи етишмайди. Ишга келган оилалар учун тураржой бинолари йўқ. Ҳалигача ёшлар маданият саройига эга эмас. Техника қашшоқлиги ҳукм сурмоқда. Механизмлар учун запас қисмлар етишмайди. Устахоналарда ясалаётган запас қисмлар эса узоқ вақт дош беролмайди. Ҳаёт ва тажриба экинларни минерал ўғитлар билан озиқлантиришда ишлатиладиган техника воситаларини бирмунча такомиллаштиришни тақозо қилади. Масалан, экинни трактор озиқлантириб бораётган пайтда ўғит қайси эгатга қанча миқдорда тушяпти. Шунини кўрсатадиган махсус мослама яшаш керак, токи ўғит солаётган механизатор буни кўриб, кузатиб борсин. Бу ишда республика-мизнинг мутахассис инженер-конструкторлари деҳқонларимизга кўмаклашишлари керак.

Хуллас, хўжаликнинг қай бир соҳаси билан қизиқманг, ютуқлар соясида шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб масалалари турганлиги кўзга ташланади. Дала шийпонларида лекция, суҳбатлар, савол-жавоблар кам ўтказилади. Бир гап билан айтганда, қахрамонимиз — Исомиддин ота куйинганча бор. Совхозда сиёсий-оммавий, ташкилий-тарбиявий масалаларда ҳали кўп иш қилиш керак. Шунда иш олға силжийди, ишончли ворислар ҳам етишиб чиқади.

## АЛҚИССА

**Б**из машҳур пахтакор, ёшларнинг жонкуяр мураббийси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Исомиддин Арабов ҳаёти, яратувчилиги ишларидан баъзи бир лавҳаларнигина қаламга олдик. Бу изланишларимиз қахрамон ҳаётидан дебоча, холос. Ҳали бу мавзуга такрор-такрор қайтилади. Бу шундайин ёрқин саҳифаки, ҳамма авлодлар учун доимий намуна бўлиб қолаверади.



А. БОБРОВ. М. Р. Дойнинг индонез эртаклари ва афсоналари китобига чизилган расмлар.



Абдуқодир Ҳайитметов

## «ХАМСА»НИНГ ЯРАТИЛИШ ЖАРАЁНИ

Алишер Навоий «Хамса»сининг яратилиш жараёни жаҳон адабиёти тараққиётидаги энг ёрқин саҳифалардан биридир. Абулқосим Фирдавсий шоҳ асари «Шоҳнома»ни, Низомий Ганжавий «Хамса»сини 30 йил давомида, И. Гёте «Фауст» трагедиясини умр бўйи (1773—1832) ёзган бўлсалар, Навоий ўз «Хамса»сининг биринчи достони «Ҳайратул-аброр»га 1483 йилда киришиб, охириги достони — «Садди Искандарий»ни 1485 йилда ёзиб тугаллади ва асарнинг охирида бутун «Хамса»ни ёзишга ҳаммаси бўлиб умуман икки йил вақти кетганини қайд этди.

Кўрамизки, Навоий «Хамса» дostonлари устида ғоят самарали ишлаган. 1483—1485 йиллар Навоий учун энг сермахсул йиллар бўлган. Бу йилларни Алигъери Дантенинг «Илоҳий комедия» устида (1307—1321), Вильям Шекспирнинг «Юлий Цезарь» (1559), «Гамлет» (1601), «Отелло» (1604), «Қирол Лир» (1605), «Макбет» (1606), «Антонио ва Клеопатра» (1607) трагедияси устида, А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» (1823—1830) шеърй романи устида ишлаган йилларига қиёслаш мумкин. Бу йилларда мазкур ижодкорлар ўзларининг шоҳ асарларини ёзиб тугаллаш билан қаттиқ банд бўлганлар. Шунингдек, Амир Хусрав Деҳлавий (1253—1305) ҳам ўз «Хамса»сига кирган дostonларини жуда қисқа муддатда — «Ширин ва Хусрав», «Мажнун ва Лайло»ни 1298, «Матлаул-анвор» ва «Ойнаи Искандарий»ни 1299, «Хашт беҳишт»ни 1301 йилларда ёзиб тугаллаган.

Абдураҳмон Жомий ҳам «Тухфатул-аҳрор», «Сибҳатул — аброр», «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайло ва Мажнун», «Хирадномайи Искандарий» дostonларини 1481—1485 йиллар давомида, яъни узоғи билан беш йил давомида ёзиб бўлган. Бинобарин, бирон муҳим асарни мумкин қадар қисқа муддатда ёзиб тугаллаш масаласида Навоий дастлаб шу икки аллома — Амир Хусрав ва Абдураҳмон Жомийдан сабоқ олган, десак янглишмаган бўламиз. Навоий «Хамса»сининг яратилишида унинг буюк замондоши, устози Абдураҳмон Жомий бош маслаҳатчи ролини ўйнаган, асар битганда биринчи бўлиб ўқиб чиққан ва унга мунаққид сифатида ҳаммадан аввал юқори баҳо берган.

Лекин бундан Навоий «Хамса»ни яратиш масаласи билан фақат икки-уч йил шуғулланган ва «Хамса» унинг икки-уч йиллик ижодий фаолиятининг меваси экан-да, деган хулосага келиш хато бўлур эди. Ўзбек тилида «Хамса» яратиш уни жуда эрта — болалигидан бошлаб банд этган. Навоий «Садди Искандарий» дostonининг кириш қисмида ўз улуғ хамсанавис салафларига мурожаат қилиб:

**Кичик эрканимдан келиб қошима,  
Улуғ муддао солдингиз бошима, —**

дер экан, маълум бўладики, унда «Хамса» яратиш муддаоиси кичиклигидаёқ пайдо бўлган. Бунинг учун Навоий бир умр тайёргарлик кўрган, ўздан олдин яратилган «Хамса»ларни қайта-қайта ўқиган, мутолаа қилган. Навоийда йиғитлик вақтидаёқ, агар у шундай катта ишга қўл урадиган бўлса, баъзи салафлари каби ўттиз йилда эмас, балки «ўттиз ой»да ёзиб тугаллашга эришиш нияти, орзуси («Битигаймен ўттиз йилин ўттиз ой») бўлган<sup>1</sup>. Бу унинг ижодий фаолиятининг ноёб хусусиятларидан бири деб қаралиши керак. Чунки бошқа асарларини ҳам у мумкин қадар қисқа муддатда ёзиб тугаллашга интилган ва кўп ҳолларда бунга муваффақ бўлган.

Лекин Алишер Навоий катта шеърй иқтидорга эга бўла туриб, «Хамса» ёзишга қирқ икки ёшда киришди. Шунда ҳам у ўзини ҳали Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийга нисбатан «шогирди бебизоат» (камхарж шогирд) деб ҳисоблар эди. Чунки унинг

<sup>1</sup> Бу ҳақда Навоий устози Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърй мактубида маълумот беради. — А. Ҳ.

фикрича, «Хамса»дек буюк ва мураккаб жанрда қалам тебратадиган шоир юксак шеърӣи истеъдоддан ташқари катта ҳаётӣи тажрибага ҳам эга бўлиши керак эди. Бу албатта, ундаги камтарлик ва одамийлик белгиси. Бу вақтда у ҳали халқ орасида ўз асарлари билан кенг танилган, тан олинган шоир бўлиши билан бирга ҳаётнинг ҳам аччиқ-чучугини, паст-баландликларини етарли даражада татиб кўрган, худди шу фурсатда Хуросон мамлакатининг бош вазири вазифасини бажарар, бу унга бутун мамлакат, барча ижтимоӣи табақалар аҳволи билан чуқур ва батафсил танишиш имкониятини берган эди. Хусусан бу паллада Навоийнинг аввало шоир, қолаверса, катта давлат арбоби, мутафаккир сифатида бадиӣи асар орқали кенг халқ оммасига айтадиган гапи, дарди, фикр-мулоҳазалари кўнглида қалашиб ётар эди. Шунинг учун «Хамса»нинг яратилиши изоҳларида биринчи ўринга адабий фактларни эмас, балки ҳаётӣи тажрибани қўйсақ, илмий жиҳатдан тўғри бўлади.

«Хамса»нинг яратилиши жараёнига диққат билан назар солинса, асар воқеалари Навоийнинг кундалик ҳаётидаги ижтимоӣи-сиёсий воқеа ва ҳодисалар билан боғлиқлиги, уларнинг узлуксиз равишда шоир кайфиятига, ижодига ўз таъсирини турли шаклларда кўрсата бориши яққол кўзга ташланади.

Навоӣи ўз яратмоқчи бўлган асарини катта тепалик (қулла)даги тошдан ишланган буюк бир қалъа, улкан бино («биноӣи рафеъ») шаклида тасаввур этади:

**Қолмади чун ўзга манга чорас,  
Қалъа ясардек топибон хорас.  
Қулла чу ҳам олий эди, ҳам васеъ,  
Устига қўйдум бу биноӣи рафеъ.**

Бу улкан «бино» беш қисмдан иборат бўлиши, яъни Низомӣи, Хусрав Деҳлавӣи хамсалари каби беш дostonдан ташкил топиши керак эди. Уни кўнгилдагидек яратиш учун эса Навоӣи тинч ва осойишта ижод қилиши, ҳеч ким унга ҳалақит бермаслиги лозим эди. Аммо бунинг имкони йўқ эди. Сўнгги темурий подшоҳларидан Султон Хусайн Бойқаро (1438—1506) Хуросон тахтини эгаллаганига ва Навоӣини Самарқанддан чиқариб унга ўз саройидан юксак ўрин берганига ўн тўрт йил бўлган, мамлакатда нисбатан тинчлик ўрнатилган, хўжалик, савдо-сотик, маданият ривожӣи учун бир қанча қулайликлар яратилган бўлса ҳам, бироқ ижтимоӣи-сиёсий ҳаётда туб ўзгаришлар содир бўлмаган, камбағаллар ҳали ҳам қашшоқларча яшар, на қосиб, на деҳқон ўз тирикчилигидан қониқмас, булар ҳаммаси жамиятнинг пастки қатламлари орасида узлуксиз турли норозиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлар эди. Омма янги тахтга чиққан Хусайн Бойқаро ва унинг амалдорларидан адолат, ҳақиқат талаб қилиб, шохни ҳам, бош вазир — Навоӣини ҳам безовта қилишга мажбур эдилар. Шу вазиятни Навоӣи «Хамса»нинг биринчи достони — «Ҳайратул-аброр» сўнгида тасвирлаган. Навоӣи мазкур дostonнинг бирон қисмини ёзишга чоғланиб қўлига қалам олиб, энди беш-ўн байт ёзганида, кимдир уни чалғитган, маслаҳат сўраган, ёрдам талаб қилган, хуллас, ижодий ишдан узган. У бош вазир сифатида биринчи навбатда халқ ва мамлакат, хусусан, подшоҳлик вазифалари билан шуғулланишга мажбур эди. Бундай ишлар шунчалик кўп эдики, «Йўқ эди бош қошиғали фурсатим» дейди шоир.

**Айтурига чунки қўюлди кўнгул,  
Айтмай ўн байт тўтулди кўнгул.  
Ким бор эди бошимга кўп меҳнатим,  
Йўқ эди бош қошиғали фурсатим.**

Тонг тун қоронғилигини пок супургиси билан тозалай бошлангандан то чарх ўзининг қора чойшабини ёпиб, юлдузларни намойиш этишга киришгунга қадар Навоӣининг давлат ишлари билан, хусусан, одамларни, гуруҳ-гуруҳ шикоятчиларни қабул қилиш билан банд бўлганини у ўзи шундай тасвирлайди:

**Менда бу мобайн эрур зорлиқ,  
Халқ жафосига гирифторлиқ.  
Бир дам улус меҳнатидин ком йўқ.  
Бир нафас эл жавридин ором йўқ.  
Келгуси бу хаста ғамободиға,  
Кетмаги худ келмай анинг ёдиға,  
Бир сурук албатта кўруб кетмайин,  
Токи бурун икки сурук етмайин.**

Ушбу сатрлардан маълум бўлдики, кишилар Навоӣининг олдига оддий иш билан эмас, балки, қийин, амалга ошириш мушкул масалалар бўйича келганлар. Навоӣи уларнинг ҳал этиб бўладиган ишларини бажариб берган, битиши қийин бўлган ишлар бўйича эса юмшоқлик билан узрини билдирган. Аммо шикоятчиларнинг ҳаммаси ҳам Навоӣининг яхши гапларига осонликча рози бўлиб кетавермаган, жанжаллашган, шовқин кўтарган, унинг олдидан кетмай ўтириб олган. Шунинг учун Навоӣи бу ўринда: «Кетмаги худ келмай анинг ёдиға» дейди. Буларнинг ҳаммаси шоирнинг кайфиятига кўп вақт салбий таъсир қилган, асабини бузган. Буни шоир ифодалайди:

**Ўт солибон, хотири вайронима,  
Тонгдан оқшомға етиб жонима.  
Иш буюруб уйлаки осон эмас,  
Бутмаги ақл олида имкон эмас.  
Узр демак барчаға қаттиғ келиб,  
Неча чучук сўз деса, аччиғ келиб.**

Демак, «Хамса»даги «Хайратул-аброр» ва бошқа дostonларнинг кўпгина сатрлари реал ҳаётдаги ана шундай ижтимоий-сиёсий вазият ва ҳодисалар таъсирида юзага келган. Навоий гарчи ўз олдига адабий жиҳатдан аввалги «Хамса»ларга жавоб ёзиш вазифасини қўйган бўлса ҳам, аммо дostonларнинг юзага келиши реал ижтимоий-тарихий муҳит билан боғлиқ. Бу асарнинг ғоявий йўналишини ҳам шу муҳит, шу даврдаги вазият белгилаб берган. Навоий дostonда шоҳларнинг адолатсизлиги, зулми ҳақида:

**Эйки, қавий айлади давлат қўлунг,  
Зулм сари тушти валекин йўлунг...  
Зулминг эрур кундузу фиқинг кеча!  
Зулмат ила фиқинг неча бўлғай, неча!—**

дер экан, бу мавҳум хитоб, адрессиз қақриқ, китобий гаплар эмас эди. Уни ўзи яшаган, ижод қилган муҳити шундай фикрга олиб келганди.

Навоийнинг тундан оқшомгача турли ижтимоий гуруҳларга мансуб кишиларни қабул қилиб, уларнинг шикоятларини тинглаши бу оддий қабул эмас, улғу шоирнинг ўз замонаси билан фаол муносабати, ижодий алоқаси эди. Шу жараёнда унинг мамлакатдаги ижтимоий табақаларга, уларнинг феълу атворига қарашли, баҳоси ҳам тобора ойдинлашиб борган. Навоий «Вақфия» асарида ўзининг шу давр фаолияти ҳақида гапирганда «илигимдан келганча зулм тигин ушотиб, мазлум жароҳатиға интиқом малҳамин йўқдим. Ва илигимдин келмагани ул ҳазрат (Султон Ҳусайн Бойқаро — А.Ҳ.) арзиға еткурдум», — дейди. Бу ўринда Навоийнинг ижтимоий зулмга бўлган муносабати ўзининг аниқ ифодасини топган. «Хамса»нинг беш дostonи ҳам аввало ана шу ғоя, ана шу тезиснинг бадий ифодасидир. Масалан, Навоий бошқаларни эзиш, талаш ҳисобига беҳисоб бойлик тўплаган одамлардан, гарчи у Қорун бўлса ҳам, Рустам бўлса ҳам, халқ норози эканини, улар ҳеч қачон келиша олмаганлигини очиқ таъкидлайди ва «Хайратул-аброр»да ёзади:

**Илгида қорунча бўлиб ганжу мол,  
Топмоқ эрур халқ ризосин маҳол.**

Навоий фикрича ҳақиқат мазлумлар томонда. Мазлумлар ва золимлар, бойлар ва камбағаллар орасидаги зиддиятлар тафтиши билан ҳар кун банд бўлган шоир «Хайратул-аброр» дostonини қоғозга туширар экан, унинг барча боб (мақолат)лари чуқур ижтимоий мазмун касб этишига эришган. Бу асардаги барча салбий типлар ҳаётда бор одамлар эди. Шу билан бирга Навоий юксак суръат билан ёзар, ўз фикрларини шеър билан ифодалашга жадал интилар экан, унга вақт етишмаётгандек, шеърларининг бадий сувияси эса у кўзлаган даражада эмасдек туюларди:

**Риштаи авқот чу қўтоҳ эди;  
Келмади ул навъки дилхоҳ эди.**

Бу Навоийнинг ўзига, ўз ижодига талабчанлиги аломати эди. Шоир ўзига: аҳвол шундай экан, ёзмай қўя қолсанг қандай бўлар экан? — деган саволни ҳам қўяди ва бунга ўзи жавоб беради:

**Шеърки ҳам тушти менинг жонима,  
Ул ўт бу тош дурур жонима.  
Не де олурмен тутубон баркини,  
Мумкин эмас худ тутурим таркини.**

Навоий шоирлик ўз қисмати эканини, шеър ёзиш жонига ўт бўлса ҳам, тош бўлса ҳам, бари бир, у билан бирга бўлишини, уни тарк этиш мумкин эмаслигини, ёзмаса халққа айтиши керак бўлган гаплари қолиб кетиши мумкинлигини, бунга эса у асло истамаслигини уқдирмоқда.

Навоий «Хайратул — аброр»ни ҳажрий 888 йили ёза бошлаб, шу йили тугаллади. Асарнинг битган йили ҳақида шоир:

**Нуқтаи тарихики, аҳсан эди,  
Секкизу секкиз юзу сексан эди, —**

дейди. Бу мелодий ҳисоб билан 1483 йилга тўғри келади. Уни Навоийнинг шахсий котиби Абдулжамил ҳижрий 889 йилнинг раббиал-охир ойида, мелодий ҳисоб билан 1484 йил апрель ойида оққа кўчириб бўлган. Шоир 1483 йилнинг ўзидаёқ «Фарҳод ва Ширин» дostonини ёзишга киришган. Иш шу қадар тез борганки, ҳижрий 889 йил, мелодий 1484 йилнинг бошларидаёқ дoston ёзиб бўлинган. Бу асарнинг ёзилиш тарихи ҳақида Навоий дoston охирида қуйидаги байтни битган:

**Чу тарихи йилин онглай дедим туз:  
Секкиз юз сексан эрди доғи тўққуз.**

Шоир «Лайли ва Мажнун» дostonининг ёзилиш тарихини ҳеч қерда қайд этмаган. Абдулжамил котиб дostonнинг кўчирилган йилини ҳижрий 889 йилнинг зул-қайда ойи, мелодий 1484 йилнинг ноябрь ойи деб белгилаган. «Садди Искандарий» дostonидан шу нарсга маълумки, тўртинчи дoston — «Сабъаи сайёр»ни ёзишга киришиш вақтида Навоий жуда чарчаган. Шунинг учун у маълум муддат ёзиш ишини тўхтатиб, бир оз дам олмоқчи

бўлган ва шундай қилган ҳам. Лекин бу дам олиш узоққа чўзилмай, беш-ўн кун давом этган, холос. Улуғ шоир «Хамса» ғоялари, образлари билан яшар, улар унга тинчлик бермас, уни ишга, янги ижодий парвозларга ундар, санъаткорга том маънодаги дам олиш бўлиши мумкин эмас эди. Бир оз ҳордиқ зарурлиги ҳақидаги бошқаларнинг маслаҳати ҳам шоирнинг қулоғига кирмасдан, у яна ишга киришади ва «Хамса»нинг тўртинчи дostonни қoғoзга тушира бошлайди. Чунки у бирон тасодиф юз бериб, бошлаган улуғ ишининг чала қsлиши («ярим йўлда қолмоқ»)ни асло истамас, бу мақсадга етишда ҳар кун, ҳар соатни ҳисоблар эди:

**Насихат мизожиға даргир йўқ.  
Кучум етмасу ўзга тадбир йўқ.  
Ярим йўлда қолмоқ эрур мушкул иш,  
Манга тушган иш кимсага тушмамиш.**

Навоий ўз дostonларини, хусусан «Сабъаи сайёр»ни ортиқча қийналмасдан ёзиб тугаллаганини билдиради:

**Етишмай кўп ул ишта панжамға ранж,  
Насиб ўлди беш ганждин тўрт ганж.**

Шу билан бирга беш мингча байтдан иборат бу дostonни шоир тўрт ойда ёзиб битказганини («тўрт ойдин зиёд эмас») билдиради ва тарихини куйидагича беггилайди:

**Гарчи тарихи эрди секкиз юз  
Сексан ўтмиш эди, яна тўққуз;  
Ойи оннинг «жумодиюс — сони»,  
«Панжшанба» ёзилди унвони.**

Бу — мелодий 1484 йилнинг июнь ойига тўғри келади. Абдулжамил котиб ҳам уни шу йили оққа кўчирган. Навоий режасига кўра, «Сабъаи сайёр» «Хамса»нинг тўртинчи, «Лайли ва Мажнун» эса учинчи дostonидир. Бинобарин, Навоий 1484 йилнинг март-апрель, май-июнь ойларида «Сабъаи сайёр» билан машғул бўлган бўлса, «Лайли ва Мажнун» дostonини «Фарҳод ва Ширин»дан кейин ёза бошлаган ва тамомлаган. Яъни уни шоир жуда қисқа бир муддатда — 1484 йилнинг январь-февраль ойларида ёзиб тугаллаган. Шу йилнинг июнь ойидан сўнг шоир «Хамса»сининг сўнги дostonи — «Садди Искандарий» ни ярата бошлаган ва 1485 йилнинг биринчи яримларида уни ҳам якунлаган. Демак, улуғ шоир 1484 йил бошида «Фарҳод ва Ширин»ни тугаллаб, шу йили «Лайли ва Мажнун» ва «Сабъаи сайёр» дostonларини ёзган ва йил ўрталарида «Садди Искандарий»ни бошлаган. Шоир хусусан 1484 йил давомида мислсиз даражада самарали ижод қилган. Шу йили у ўрта ҳисоб билан кунига камида 50—100 байтдан ёзган ва Шарқ шеърляти ижодий тажрибасида юксак маҳорат намунасини кўрсатган. Яъни Навоий бутун йил давомида буюк ижодий пафос билан яшаган ва ишлаган. Бинобарин, у «Хамса» дostonларини зўрма-зўракилик, кучаниш билан эмас, ҳақиқий шеърлий илҳом билан яратган. Поэтик шавқ-завқ бутун йил давомида унинг ҳамроҳи бўлган.

Тўғри, Навоий «Хамса» устида ишлаш оғир бўлганидан ҳам кўз юммайди. «Хамса»ни яратиш жараёнида у беҳисоб қийинчиликларга дуч келган. Бу ишнинг ўз мушкулликлари бўлиши ҳам табиий эди. Аммо ҳар қандай қийинчиликларга қарамай шоир тинмай олдинга, мақсадга талпинган, тирмашиб бўлса ҳам юксакларга интилган:

**Талаб йўлида толпина, тирмана,  
Не душвор манзилға етмак яна!**

Лекин бу ижодий ишнинг ўзига хос хусусиятидир. «Хамса» яратишдек мураккаб ва, Навоий ибораси билан айтганда, «душвор иш»нинг қийин бир томони шундаки, янги «Хамса» яратмоқчи бўлган одам ўз салафларининг «Хамса»ларини ҳарф-ҳарфигача билиши, шу билан бирга унинг ривожига ўзидан янгиликлар қўшиши керак эди. Навоий «Хамса» дostonларини яратишга қадар Низомий, Хусрав Дехлавий ва бошқаларнинг шу тип асарларини чуқур ўрганган бўлса ҳам, лекин у бу билан қониқмай, ўз «Хамса»сини ёзиш жараёнида ҳам уларнинг асарларини янгидан ўқиб, янгидан мутолаа қилиб турган. Шу билан бирга Навоий хоҳ тарихий мавзуда қалам тебратмасин, хоҳ фольклор мавзуда ёзмасин, ўз салафлари кўрмаган адабиётларни ҳам ўқишга, халқ орасидан ҳеч ким эшитмаган қисса ва афсоналарни ҳам тўплаб, уларни ўрганишга, шу асосда янги гап айтишга, янги қаҳрамонларни топишга, уларни ёзма адабиётга олиб киришга, ўз салаф-устозларининг камчилиги ва хатоларини такрорламасликка, шеърлят уммонидан улар термаган дур ва жавоҳирларни қўлга киритишга ҳаракат қилган. Масалан, у иккинчи дostonига оид форсий, туркий ёзма ва оғзаки манабаларни, тарих сабоқларини ўрганар экан, улар орасидан маҳорат билан «Фарҳоди маҳзун дostonи»ни ажратиб, танлаб ола билди. У ўзига мурожаат қилиб, аввало, тарих китобларини ўрганишга («Бурун жамъ эт неким бўлғай таворих»), асосий диққатни Фарҳод образига қаратишга («Борида иста бу фархунда тарих») чақирди. Шундай чуқур илмий таҳлил асосида у меҳнат кишиси, олижаноб Фарҳодни иккинчи дostonининг бош қаҳрамони қилиб олди.

«Сабъаи сайёр» ва «Садди Искандарий» дostonларини яратишда ҳам шоир шу хил ишларни амалга оширди. Навоий даврига келиб тарих кўп жиҳатдан бузилган, ўзгартиб юборилган, мавжуд адабиётларда эса беҳисоб ўзаро ихтилофлар бор эди. Навоий Баҳром ҳақида дoston ёзишга киришар экан:

**Сўзда тарих ихтилофи бор,  
Аҳли тарихнинг хилофи бор, —**

дейди ва тарихни ўзича ўрганишга, Баҳром образини янгича талқин этишга, шу асосда ўз концепциясини белгилашга бел боғлайди. Достон охирида шоҳ Баҳром Навоийнинг тушига киради ва унга хитоб қилиб, унинг хизматларини ҳалол баҳолайди:

**...Буки тарихимиз баён қилдинг,  
Элга аҳволимиз аён қилдинг...  
Ўзгалар ҳам йўнуб бу ишга қалам,  
Айладилар бу достонни рақам...  
Не эшитгани айлабон тасдиқ,  
Қилдилар назм, айламай таҳқиқ...  
Қисса кўпрак эканни билмадилар,  
Яна истарга сазй қилмадилар...  
Сен бу ишнинг пайиға чун бординг,  
Эски дафтар баса кўп ахтардинг...**

Навоий фақат шоир эмас, айни вақтда билимдон олим ҳам бўлган. Илмий тадқиқот билан шеърий ижод «Хамса»ни ёзиш вақтида чамбарчас бирлашиб кетган. Бу ҳол шоир асарларининг мазмунига мазмун қўшган, аҳамиятини оширган. «Садди Искандарий» достони мисолида бун янада равшанроқ кўриш мумкин.

«Шоҳнома», «Илоҳий комедия», «Ҳафт авранг», «Уруш ва тинчлик», «Фауст» каби буюк асарларнинг ёзилиши жараёнини ўрганар эканмиз, бу жаҳоншумул асарларнинг юзага чиқишида ҳал қилувчи нарса ёзувчининг меҳнати, унинг шахсий фидойилиги, ўзига нисбатан талабчанлиги, ижодий позицияси эканини қайд этишга ва тан олишга тўғри келади. Доҳиймиз В. И. Ленин айтганидек, бу ишда «шахсий ташаббусга, шахсий қобилиятга, фикр ва хаёлга, форма ва мазмунга» кўп нарса боғлиқ. Ҳақиқий санъаткорларга хос тарзда Навоий ҳам ижодни ижодкорнинг ўзига ҳам катта баҳра келтирувчи меҳнат деб тушунган ва уни жуда эрта бўйнига олиб, умр бўйи, айниқса, «Хамса»ни яратиш чоғида шу тушунчага амал қилган. Бу даврда Навоийнинг орзуси бошқа ҳамма ишлардан, шу жумладан, бош вазирлик лавозимидан ҳам қутулиб, фақат шу асарини ёзиш билан шуғулланиш эди. «Фарҳод ва Ширин»да Навоий ёзади:

**Фароғат кунжида бир гўша тутсам;  
Мени эл, мен дағи элни унутсам.  
Бори ашғолдин шоҳ тутса маъзур,  
Ки бўлсам сўз демак шўғлиҳа маъмур.**

Агар айтган шароити яратилса, ҳеч ким унга ҳалал еткизмаса, Навоий йигирма тўрт соат давомида кечаю-кундуз ишлашга тайёрлигини асарларининг ғоявий-бадий савиясини эса энг юқори нуқтага олиб чиқиши мумкинлигини айтган:

**Йигирма тўрт соат кеча-кундуз  
Йигирма тўрт дам урсам нафас туз,  
Ким андин вақтима етса ҳузуре.  
Бировдин топмаса кўнглим футуре, —  
Рақам қилғон паришон номалардин,  
Ёзилғон рабти йўқ ҳангомалардин —  
Ҳамоно тезтак айлаб қаламни,  
Равонроқ торта олғаймен рақамни.  
Ҳам ўлғай бу рақамдин санъати кўп,  
Ҳам ўлғай санъатида диққати кўп.**

Навоий бу масалада шоҳга ҳам мурожаат қилган, аммо натижа чиқмаган. Оқибатда шоир давлат, жамоат ишлари билан ижодий ишларини қўшиб олиб боришга мажбур бўлади. У кўпроқ кечалари ёзар («Ки айлаб тунлар уйқу ҳаром»), уйқу ҳисобига «ажабдин ажаб» асарларини шакллантирар, бири тугаши билан иккинчиси ўзи қоғозга дурру гавҳар бўлиб тўкила бошлар, бундан мамнун шоир ҳориб чарчаганини билмас эди.

«Хамса» достонларини яратишдаги яна бир муҳим момент Навоийнинг «Хамса» яратишдан жуда катта мақсадларни кўзда тутгани, ўзининг энг улуғ ғоялари («улуғ комлар»)ни шу эпик шаклдагина кенг ифодалаш имконига эғалигини чуқур тушуниб, ўзининг бутун меҳр-муҳаббати билан бу ишга қўл ургани, унда бу асарни яратишга иштиёқ асар охиригача заррача бўлса-да сўнмаганидир. «Ҳайратул — аброр»да жамият аҳволи ва тараққиёти, кишиларнинг хулқ-ахлоқи билан боғлиқ барча фикрларини шоир ўз номидан айтган, асар марказида ўзи турган бўлса, «Фарҳод ва Ширин»да ўзининг меҳнат кишиси, ҳақиқий пок инсон тушунчаси билан боғлиқ қарашларини Фарҳод ва Ширин образлари орқали гавдалантиради. «Лайли ва Мажнун»да Навоий адолатсизлик асосига қурилган ижтимоий тузум шароитидаги инсон фожиясини тасвирлайди. Уларга ўзини қалбон жуда яқин тутиб, ўзи бениҳоя таъсирланиб, баъзан эса ўзини шу қаҳрамонлари билан бир жон бир тан ҳис қилиб ёзади. Достон охирида шоир шу қиссани «Йиғлай-йиғлай тугатдим охир» дейдики, бунда жуда катта маъно бор. «Сабъаи сайёр»да шоҳ Баҳром образи орқали даврининг подшоҳи Султон Ҳусайини кўрса, бу асардаги ҳикояларда ўзбек халқ маънавий бойлигини, унинг орзу-умидларини куйлайди. «Садди Искандарий» достонида улуғ шоирнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, адолат, маърифат билан боғлиқ тушунчалари



ўзининг энг мукаммал тасвирини топиши керак эди. Навоий бутун ҳаёти давомида шундай қараш ва ғоялар билан яшаган эди. Унинг учун ушбу ғояларни шеърӣй-бадий гавдалантириш у қилиш лозим бўлган ишларнинг энг муҳими ва асосийси эди. Шу сабабли у ўз она тилида «Хамса» яратиш билан олий муддаосига етажагини ифодалаб, ўзига ўзи:

— Ки бу мулк аро қаҳрамон бўлғасен.  
Улус ичра соҳибқирон бўлғасен! —

деб ҳайқирар экан, у ҳақ эди. Шунинг учун «Хамса»ни муваффақиятли тугаллаш ҳақидаги истак уни доим олдинга етакларди ва шоирга чексиз илҳом бағишлар эди. Образли қилиб айтганда, у гоҳ ўз қаҳрамонлари қиёфасига кириб, гоҳ уларга жуда яқин туриб қалам тебратар, ҳар бир достонини, ҳар бир бобини битирганда ўзини мақсадига тобора яқинлашган ҳис этар эди.

«Хамса»нинг юзага келишида Навоий змондошлари, «Хамса» ёзган ёки бу жанрдаги бирон жавоб айтган қаламкашлар, шеърӣят ихлосмандлари ҳам катта ижобий роль ўйнаганлар. Бунда Абдурахмон Жомий қандай роль ўйнаганига юқорида тўхталиб ўтдик. Навоий ҳар достони бошида бу улуг даҳо мадҳига махсус бобларда мадҳ ўқиши бежиз эмас. Навоийдан сал бурун Ашраф, Ҳожа Қирмоний каби шоирлар ҳам «Хамса» ёзган ва Навоий уларнинг «Хамса»лари билан ҳам яқин таниш эди. Шунинг учун «Муҳокаматул — луғатайн»да Навоий «Лайли ва Мажнун»ни яратишда Ҳожунинг «Гавҳарнома» номли, «Сабъан сайёр»ни ёзишда Ашрафнинг «Ҳафт пайкар» номли дostonларидан ҳам таъбирланганини қайд этар экан, бунда маълум ҳақиқат йўқ эмас.

Шу билан бирга Навоий «Мажолисун — нафоис» тазкирасида ўз замондошларидан Алий Оҳӣй, Котибий, Фасиҳ Румӣй, Мавлоно Дарवेशли, Ҳожа Ҳасан, Мавлоно Абдулло, Амир Шайхим Суҳайлий, Ҳожа Имод каби ўнлаб ҳамсанависларнинг номларини зикр этади. Масалан, булардан Амир Шайхим Суҳайлий билан Навоий шу қадар яқин бўлганки, унга «Мажолисун — нафоис»даги учинчи мажлисдан Жомийдан кейин иккинчи ўринни берган. Бу ўринда Навоий Суҳайлийни мактаб келиб, сўзининг охирида: «Аввалдин охирғача фақир била илтифот ва иттиҳодни кўп мундун ортуқ таъриф қилинса, ўзумни таъриф қилгондек бўлурдин кўрқуб, ихтисор қилинди» — дейди. Суҳайлий ҳам анъанавӣй «Хамса»нинг «Лайли ва Мажнун» сюжетига жавоб ёзган эди. Навоий «Хамса»сини тугаллагач, подшоҳ Ҳусайн Бойқаро ҳам уни ғоят илиқ кутиб олган.

Ниҳоят, Навоий «Хамса»сининг вужудга келиши давомидаги энг катта табиӣй қийинчиликлардан бири — бу тил масаласидир. Навоийгача яратилган барча «Хамса»лар форсий тилда бўлиб, ўзбек тилида бу типдаги асарни яратиш жуда кўп илмӣй, сиёсий, адабий, лингвистик тушунчаларни шу тилда ифодалаш деган гап эди. Навоий бу ишга жуда қаттиқ киришди. У ўз асарини яратишда фақат адабий тил ёки бир шева имкониятлари билан чекланмади. У ўзбек тилининг барча шеваларига хос нозикликларини кашф этишга интилди. «Хамса» туфайли ўзбек адабий тили ўзининг янги ва мукаммал қиёфасига эга бўлди. Кўпгина мафҳумларни эса Навоий ўзи яратди. Шунинг учун «Хамса»ни яратиш билан боғлиқ қийинчилик ва тўсиқлар устида гап борар экан, тил билан боғлиқ аҳволга Навоий алоҳида тўхталади. Навоий фикрича, ҳар қандай кишининг бошқалар билан сўзлашадиган кундалик она тили одатдаги, кўп марта такрорланадиган ҳодиса бўлиб, унга одамлар кўпда эътибор билан қарамайдилар, қандай ўнг келса шундай гаплашадилар. Одамга гап-сўзидаги камчиликлар унча билинмайди. Гўё ҳар куни ишлатиладиган, талаффуз этиладиган сўзлар, гаплар кишининг фарзандидек, ўз аъзосидек. Лекин гаплашув тили билан адабий тил ўртасида катта фарқ бор. Сўзларнинг оғзаки талаффузида кўп дудуқлик, номукаммаллик («лакнатлар») бўлади. Адабий асарда шоир уларни тузатиши, сўз ва ибораларни тўғри қўллаши ва талаффуз этиши, адабий тилга қиришда ўзига талабчан бўлиши, бошқалар билан маслаҳатлашиб туриши, бу ҳақда тилни яхши биладиган одамларнинг гапларига қулоқ солиши, бир сўз билан айтганда, тилга ниҳоятда эҳтиёт бўлиши зарур. Навоий ўзининг бу фикрларини «Садди Искандарӣй» дostonининг охирида қуйидагича конкретлаштиради:

Тузалди бу назминг бaсе сарсари,  
Яна турки алфоз анга бир сари,  
Ки ҳар неча ким диққати бордур,  
Талаффуз аро лакнати бордур.  
Сўзунгники яхши кўрурсун ўзунг,  
Кўрунмас ёмон, чун эрур ўз сўзинг.  
Қошингда сенинг гарчи кўп вазни бор,  
Чу бор ўз сўзинг, — йўқ анга эътибор,  
Ки сўз зодан табуу фарзанд эрур,  
Чу фарзанд эрур, жонга пайванд эрур...

Беш юз йиллик тарих шундай гувоҳлик берадики, чиндан ҳам Алишер Навоий «Хамса»сининг яратилиши ўзбек халқи маданияти тарихидаги энг катта воқеалардан бири ҳисобланади. Бу асарнинг ёзилиши жараёнини ўрганиш ижодкорлар учун катта мактаб. Навоий «Хамса»си аввало, ўз даври ижтимоӣй сиёсий ва маданий ҳаётининг қолаверса Навоийдаги ноёб гениал шеърӣй истеъдоднинг маҳсули. Шу билан бирга бу адабий ёдгорлик жаҳон адабиётининг энг яхши, энг улуг намуналари каби ҳамма даврларнинг, ҳамма халқларнинг ҳамда барча авлодларнинг севимли ва ардоқли асари бўлиб қолди. Унинг кўп тилларга таржима қилингани ва қилинаётганлиги ҳам шундан далолат беради.

Абдуғафур Расулов

## ТАНҚИДЧИЛИКНИНГ ТЕРАН ТОМИРЛАРИ

**Х**ар бир соҳанинг ўзига хослиги унинг фанлар орасидаги ўрни, методи, ўрганиш объектига эгаллиги билан белгиланади. Ўзбек совет танқидчилигининг адабиётимиз билан бирга тараққий этиб бораётгани факт. Адабий танқид соҳасида ҳам қатор тадқиқотлар яратилди, мақолалар ёзилди. Лекин факт ҳали илм эмас: унинг мазмуни ва моҳияти муҳим. Адабий танқид адабиётшуносликнинг таркибий қисми, бадий адабиётнинг жанрларидан бири сифатида ўрганилиб келинган. Бошқача айтганда, танқиднинг моҳияти, вазифаси ва унинг психологик асосига эътибор берилмаган. Биз бу ўринда танқидни адабиётшуносликдан, бадий ижоддан «ажратиб» олишга, уни барча мураккабликлари билан ўрганишга ҳаракат қиламиз. Таъкидлаймизки, адабий танқидни алоҳида ўрганиш унинг адабиётшунослик, бадий адабиёт, фалсафа, эстетика, ижтимоий сингари фанлар билан узвий боғлиқлигини аниқроқ, ишонarliроқ кўрсатиб беради.

Совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ биринчи съезида совет адабиёти, жумладан, танқиднинг методик социалистик реализм эканлиги таъкидланган эди. Орадан йигирма йил ўтгач, совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ иккинчи съезида Б. С. Рюрик «Совет танқидчилигининг асосий проблемалари» ҳақида доклад қилди. У танқиднинг методи социалистик реализм эканлигини яна қайд этди. Ўзбек танқидчилигида ҳам шу ҳол давом этмоқда. Умуман совет адабиётшунослигида адабий-бадий танқидни мустақил соҳа деб қаровчилар билан уни бадий адабиёт сифатида англаётганлар ўртасида ҳам жиддий баҳслар бўлди. Тўғри, адабий танқиднинг методи социалистик реализм, деган гапда жиддий хато йўқ. Лекин фанда бор ҳақиқатни тўла-тўқис ёритиш имкони бор экан, уни мунаққид ўз соҳасига тадқиқ қилиши жоиз. Танқид табиатидаги ўзига хосликни ёритиш хусусида изланиш олиб бориш керак.

Маҳмудали Юнусов «Мунаққиднинг маънавий олами» мақоласида адабий-танқидий асар тилини текширар экан: «Ўзбек адабий танқидчилигида ҳам шу уч турнинг, яъни публицистик, эстетик ва фалсафий танқиднинг амалда мавжудлиги ягона метод — социалистик реализм бағрида турли хил услублар бир-биридан куч олиб ривожланаётганлигини тасдиқлайди», — деб ёзади. Олим танқидчи фаолиятидаги ўзига хос жиҳатларни тўғри белгилайди, аммо у метод масаласига юзаки ёндошади.

Дарҳақиқат, баъзи мисолларга мурожаат этайлик. Машҳур танқидчи К. Зелинский «Танқид ҳақида пародокс» мақоласида адабий танқид — «фан, фалсафа плюс санъаткор шахс» («Октябрь» журнали, 1961 йил, 2-сон) деган тезисни олға суради. Борис Бурсов эса «Танқид адабиёт сифатида» номли тадқиқотида ўз фикрини тасдиқлаш учун рус адабиёти ва танқидчилиги тарихидан, А. С. Пушкин, В. Г. Белинский, Н. А. Добролюбов асарларидан мисоллар келтиради. Тадқиқотда мантиқан асосланган далиллар етакчилик қилади. Совет танқидчилигида Б. Бурсов қарашларини давом эттирувчилар талайгина. Сайфулла Асадуллаев «Социалистик реализм совет танқидчилигининг ижодий методи сифатида» мақоласида адабий танқидни бадий ижод тури сифатида баҳолар экан, А. В. Луначарский, А. Толстой, Т. Павлов, Б. Бурсов мулоҳазаларига суянади. Лекин у ўз қарашлари мустаҳкам ва теран фикрлар асосида шаклланганлигига ишонмайди.

«Адабиётшуносликнинг, адабий танқиднинг сўз санъатига даҳлдор экани, фикримизча, Марк Поляковнинг В. Белинскийга бағишланган китобининг «Танқидий фикр шеърляти» деб номланишида ёки Д. Благой ҳақидаги В. Перцов мақоласининг «Фан шоири» деб аталишида ҳам равшан сезилиб туради, — деб ёзади М. Юнусов юқорида тилга олинган мақоласида. — Шоир Туроб Тўланинг қўйидаги сўзлари ҳам бу жиҳатдан диққатга сазовор: «Танқидчи» деган сўз луғавий маънодаги танқидчигина эмас, у дастлаб адабиётшунос олим: шеърлятни мағзи мағзига яхши биладиган, уни чуқур ҳис қиладиган, усиз яшай олмайдиган, ҳатто ўзи ҳам ана шу савияда шеър ёза оладиган фан шоири». Кўринадики, адабиётшунослик, танқидчилик ва бадий ижод тушунчалари чалкаштириб юборилган. К. Зелинский, Ю. Тинянов, Б. Бурсов сингари олимлар танқидчини, аввало, санъаткор деб билганлар. Ёзувчи билан танқидчи орасида катта фарқ бор, албатта. Ёзувчи образлар, ҳаётини деталлар орқали фикр юритади. Танқидчи эса қиёслар, силлогизмлар, фаразларга суяниб хулосалар чиқаради. Илмий изчиллик мунаққид фаолиятининг асосини белгилайди. Унинг қай даражада теранлиги, образлилиги мунаққиднинг билими, истеъдодига боғлиқ. Танқидий асар ижодкор шахсидан маҳрум бўлса, қиёфасиз, туссиз бир нарса пайдо бўлади. Бадий ижодда ҳам изчиллик,

мантикийлик муҳим роль ўйнайди. Аммо ижодкор истеъдоди уни ўзига бўйсундиради. Мунаққид эса адабий фактлар моҳиятини ёритмоғи, уларни изчил илмий йўналишга бўйсундирмоғи, муҳими, ўз шахсини мақола руҳига сингдирмоғи даркор. Ёзувчи билан мунаққид истеъдоди орасида фарқ бор. Танқидий асарнинг бадиийлиги ҳақида гап борар экан, мунаққиднинг жўшқинлиги, ҳиссиёти, шиддати сингари сифатлари назарда тутилади. Бу хусусиятлар адабиётшунослик билан танқидчилик муқоёса қилинганда ҳам эътиборга олинади. Мунаққид адабиётшунослардан фарқ қилиб, фақат илмий ҳақиқат учун ҳаракат қилмайди. У ҳам оммага, ҳам ижодкорга, ҳам адабий жараёнга хизмат қилади. Табиийки, танқидчи ўз қарашларини исботлашга, унга кўпроқ эътибор беришларига, фикрини инобатга олишларига ҳаракат қилади. Жўшқинлик, ҳиссиёт адабий мақоланинг жозибаси, ўқувчини мафтун этувчи куч ҳисобланади.

Адабий танқиднинг ўзига хослиги адабиётшунослик билан таққосланганда кўзга яққол ташланади. Ўзбек совет танқидчилиги фан сифатида эндигина ўрганиляпти. Адабиётшунослигимиз методологиясини, тарихини ўрганиш қай аҳволда? Бу соҳада баъзи ишлар амалга оширилган. Аммо унинг методологияси, назарий асослари мукамал ишланган дея олмаймиз. Мазкур фикр рус адабиётшунослиги методологиясига оид ишлар эсга олинганда яққол сезилади. «Рус адабиётшунослиги тарихи» (1980), «Ҳозирги адабиётшунослик методологияси». (Тарихийлик проблемалари) (1978), Алексей Бушминнинг «Адабиёт ҳақидаги фан» (1980), Василий Кулешовнинг «Рус танқидчилиги тарихи» асарининг қатор нашрлари рус совет танқидчилигидаги ўзига хосликни беҳато айтиш имконини беради. Ўзбек совет танқидчилигини адабиётшунослигимиз ҳақидаги қайси назарий-методологик тадқиқотга қиёслаш мумкин? Иззат Султон, Воҳид Зоҳидов, Ҳомил Ёқубов, Ғулум Каримов, Марат Нурмухамедов сингари олимларнинг адабиётшунослик масалаларига оид тадқиқотлари бор. Лекин ўзбек адабиётшунослигининг назарий-методологик масалаларини кенг ёритиб бериш навбатдаги вазифалардан бири бўлиб турибди. Айтиш мумкинки, бу масалалар бирёқлама ёритилмоқда. Биз кўпинча адабиётшунослик ва танқидчиликни бир тушунча сифатида қабул қиламиз. Аксарият тадқиқотларда улар бир масала, соҳа сифатида қаралади. Бу ҳол кўпинча адабиётшуносликни ҳам бадиий ижод турига қўшиб юбориш камчилигини келтириб чиқаради. Юқорида М. Юнусов мақоласида келтирилган Туроб Тўланинг фикрларида танқид, адабиётшунослик ва бадиий ижод қориштириб юборилган. Ваҳоланки, ҳар учала соҳанинг ўз хусусиятлари, фарқлари аниқ кўриниб туради.

Адабиётшунослик фани дейилиши биланоқ унинг уч таркибий қисми хаёлимизга келади. «Адабиёт тарихи», «Адабий танқид» ва «Адабиётшунослик методологияси» адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари бўлиб, уларнинг ютуқлари асосида «Адабиёт назарияси» фани бунёдга келади» (И. Султон. Адабиёт назарияси, «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1980 йил, 22-бет). Адабий танқид ҳам методологиянинг шаклланишига, ҳам адабиёт тарихининг бойишига ҳисса қўшади. У оммавий, фаол жанр сифатида адабиётшунослик фанига замонавийлик руҳини сингдиради, унинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлайди. Ҳаракатдаги эстетика сифатида адабий танқид назарияга яқин турса, бадиий асарни ўрганиш, таҳлил қилиш методига кўра адабиёт тарихига ёндошиб келади. Адабий танқид адабиётшуносликнинг таркибий қисми сифатида қаралганда, унинг бошқа бўлақлар билан алоқаси, бир-бирини тўлдирishi, ўзаро узвий боғлиқлиги таъкидланади. Адабиётшунослик фан сифатида марксча-ленинча методологияга асосланади. П. А. Николаевнинг «Адабий танқиднинг ўз-ўзини англаши», Г. Н. Поспеловнинг «Адабиётшунослик ва адабий танқид», А. Н. Иевитовнинг «Адабий танқидда тарихий ва назарий аспектларнинг ўзаро нисбати» мақолаларида адабиётшунослик ва адабий танқиднинг ўзаро яқинлиги ва уларнинг ўзига хосликлари ҳақида мулоҳаза юритилиб, метод масаласига жиддий эътибор берилади. Ҳар учала олим адабий танқид ўзига хос соҳа эканлигини таъкидлайдилар. Марксча-ленинча методология адабий танқид томирига ҳаёт, куч бахш этишини, тарихийлик принципи ҳар икки соҳа учун муштарак эканлигини эътироф этадилар. Уларнинг фикрича, адабий жараён, ёзувчи ижоди, бадиий асар ҳақида маълум салмоқли хулоса чиқариш учун илмий-назарий теранлик зарур. Баъзи адабиётшунослар адабий танқиднинг ўзига хослигини тан олганлари ҳолда, метод ва методология масалалари адабиётшуносликка тааллуқли эканлигини таъкидлашган. Маҳмуджон Нурматов «Танқид ва эстетика» (Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1976 й.) асарида адабий танқиднинг методини тўғри белгилайди: «Бадиий асарнинг эстетик мазмунини диалектик метод билангина чуқур ўзлаштириш мумкин. Зеро, диалектик метод адабий танқидчиликда ҳам таҳлил ва тадқиқнинг бош методидир. Диалектик метод бадиий асарнинг ижобий ва салбий, муҳим ва номуҳим, рационал ва эмоционал, объектив ва субъектив, умумий ва хусусий томонларини пайқаб олишга имкон беради. Диалектик метод бадиий асарнинг ботиний яхлитлигини, унинг бир бутун жонли эстетик «организм» эканлигини англаб олишга имкон беради» (127-128-бетлар). Қани энди диалектик метод, М. Нурматов таъкидлаганидай, бадиий асарнинг барча компонентларини, танқидчи шахсини ифодадай олса? Қанчадан-қанча олимлар адабий танқиднинг моҳиятини, методини аниқлаш учун изланмоқдалар. Диалектик метод танқидчи шахсини, маҳоратидаги ўзига хосликларни, қолаверса, адабий танқиднинг публицистик моҳиятини ёритиб бериши қийин. Танқидий асарларга илмий нуқтан назардан ёндашиш масаланинг бир томони, холос. Адабиётшунослик бу жиҳатдан танқиддан фарқ қилади. У илмий-назарий хулосалар чиқаради. Адабий танқид томонидан бир пайтлар ижобий баҳоланган асарлар адабиётшунослик диққатини жалб қилмаслиги мумкин. Замонавий адабиётшунослик фани таҳлилининг бирқанча шаклларида унумли фойдаланади. Тарихий-функционал ва тарихий-типологик методларни олиб қарайлик. Бу усул адабиётшуносликнинг бадиий асар ҳақидаги дастлабки хулосаларини қайта кўриб чиқиш заруриятини тўғдирмоқда. Ўзбек адабиётшунослиги билан танқидчилигининг бир йўла тараққий этаётганлиги ҳам шу ҳодисага боғлиқ. Замонавий таҳлил методларидан танқидчи ҳам, адабиётшунос ҳам бирдек фойдаланаяпти. Бироқ, шу нарса таъкидлаш керакки, бу адабий танқиднинг ўз вазифасини етарли бажармай қолишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, бу ҳол танқиднинг оммага таъсири ва гражданлик бурчини тарбиялашдаги роли масаласида сезилади. Адабий танқид одамларда гражданлик масъулиятини, нафосат туйғусини ошириши жоиз. Н. Добролюбовнинг таъкидлашича, баъзан ёзувчи санъат тараққиётига ҳисса қўшмаслиги, адабиётни, биров бўлса-да, олға силжитмаслиги, аммо асарларида замоннинг муҳим масалаларини ўртага қўйганлиги билан диққатни жалб этиши мумкин. Адабий танқид бадий асарларни даврнинг етук талаблари, замондошларнинг ижтимоий эҳтиёжлари, гражданлик руҳи нуқтаи назаридан баҳолайди. Бу ўринда асарнинг бадий баркамоллиги асос вазифасини ўтайди. Қўринадиким, бадий асарга муносабатда танқидчи билан адабиётшунос олимнинг таҳлил йўли фарқ қилади. Илмийликдан ташқари замонга хизмат қилиш, халқ руҳини акс эттириш танқидчи ишининг муҳим томони бўлиши керак.

Умумсовет адабиётшунослигида адабий танқиднинг методини илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш тенденцияси кўзга ташланади. Ю. Боров, Ю. Суровцев, В. Коновалов сингари олимлар адабий танқиднинг ўзига хослигини, унинг методи масалаларини ёритишга ҳаракат қилмоқда. Ю. Суровцевнинг «Танқидий ижоднинг илмий-публицистик табиати» тадқиқоти билан В. Н. Коноваловнинг «Адабий танқид методи» мақоласида фикрий ҳамжиҳатлик бор. Олимлар танқиднинг методини аниқлашда изланиши давом эттирмоқдалар. Бироқ бу масалани узил-кесил ҳал қилиб, унинг қисқа таърифини берганлари йўқ. Ю. Суровцев ҳам В. Коновалов ҳам танқиднинг илмий моҳияти ҳамда публицистик ўзига хослигини алоҳида таъкидлашади.

Юрий Боров «Талқин ва баҳолаш санъати» тадқиқотида «метод», «методология», «методика» сингари терминларнинг таърифини беради, вазифаларини кўрсатади. Унингча, метод маълум соҳани илмий ўзлаштириш, тадқиқ этиш жараёнида пайдо бўлган қонун-қоидалар, усуллар бирлиги. Методология — методнинг назарий асоси. Методологик характердаги тадқиқотлар қанча кўп яратилса, методнинг таъсирчанлиги, фаоллиги шунча ортиб боради. Илмий, бадий метод ҳамisha методологик характердаги тадқиқотларга зарурат сезади. Марксизм-ленинизм классикларининг асарлари социалистик реализмга асосланган адабиётнинг методологик асосини ташкил этади.

Методика — муайян фанни ўқитиш, ўзлаштиришдаги муайян қонун-қоидалардир. Шундай қилиб, метод, методология, методика терминлари аниқ тушунчаларни ифодалайди. Баъзан маълум бир соҳага ёндошиш, таҳлил қилишда қўлланилган принциплар ҳам шартли равишда метод термини билан аталади. Хусусан, адабий танқидчиликдаги гносеологик, қисий-тарихий, биографик, ижодий-генетик принциплар аксарият ҳолларда метод деб аталади.

Ю. Боров санъат асарини мукамал ўрганиш, таҳлил этишнинг тўрт босқичдан иборат методини тавсия қилади. Таъкидлаш керакки, ҳар бир босқич тафаккурда кечади, ўзаро узвий боғланади. Улар асосан қуйидагилар: 1) предмет маданий-тарихий жараёндаги янги ҳодиса сифатида кузатилади. Муҳими, у дунёқараш нуқтаи назаридан илк баҳосини олади; 2) асар яқиндан ўрганилади: турли методлар (принциплар) нуқтаи назаридан ёндошилади, таҳлил йўллари белгиланади; 3) бевосита алоқа босқичи: асар таҳлил қилинади, тузилиши, моҳияти ўрганилади; 4) умумлаштирувчи босқич: юқоридаги уч босқич натижалари яқунланади, синтезлаштириш жараёни рўй беради, дастлабки, хулосалар пайдо бўлади. Ю. Боров тавсия этган метод санъатшунослар, адабиётшунослар ва адабий танқидчилар учун ҳам аҳамиятли. Мунаққид асарни баҳолаш экан, бадийликни асос қилиб олгани ҳолда, кенг аудиторияга ҳамда ёзувчига мурожаат қилади. Демак, танқидчи бир вақтнинг ўзида ҳам мутахассис, ҳам тарбиячи, тарғиботчидир. Ю. Боров тавсия қилган метод шунчаки конкрет фан методикасига ўхшаб кетадиган қўлланмага ўхшайди. Аслида мазкур методда адабий танқиднинг ўзига хослиги, моҳияти чуқур асосланганлиги сезилади.

Адабий танқиднинг ижодий методи социалистик реализм деган қарашга кўникиб кетганмиз. Бу фақат ўзбек совет танқидчилигигагина тааллуқли эмас. М. Суровцев «Танқиднинг илмий-публицистик табиати ҳақида» мақоласида социалистик реализм методи, гарчи совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ I съездида расман эълон қилинган бўлса-да, танқиднинг методини акс эттира олмаслигини айтган эди. С. Асадуллаев «Социалистик реализм совет адабий танқидчилигининг ижодий методи сифатида» мақоласида Ю. Суровцевнинг юқоридаги фикрини инкор этишга интилади. Ю. Суровцев эса ўз мулоҳазаларини танқиднинг мустақил соҳа эканлигини кўрсатишга, унинг назариясини теран ишлаш лозимлигини исботлашга йўналтирган. Танқиднинг илмий публицистик моҳиятини ёритишга интилган. Бошқача айтганда, у адабий танқиднинг методини илмий-назарий хулосалар кўриниши сифатида ифодалашга уринади. Олим танқид қандай қилиб ва қайси хусусияти билан бадий ижод тури, жанри бўлиб қолганлигини А. В. Луначарскийнинг «Марксча танқиднинг вазифалари ҳақида тезислар» мақоласини эслатиш орқали айтиб ўтади. Тўғри, совет танқидчилигининг методи социалистик реализм деган тушунча мутахассислар онгига сингиб кетган. Одатлашиб қолинган тушунчадан воз кечиш қийин. Лекин танқид табиати, методи ҳақидаги ҳозирги илмий-назарий изланишлар моҳиятига эътибор берилса танқиднинг таъсир кучини орттириш, унинг қамров доирасини кенгайтириш, партиявий, синфий асосини янада кучайтириш тенденцияси олға бораётганлигини сезиш мумкин. Бошқача айтганда, танқиднинг назариясини янада теран ишлаб чиқиш КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқид ҳақида»ги қарорига муносиб жавоб излашдир.

Ю. Боров, Ю. Суровцев ва В. Коновалов сингари олимлар адабий-танқид методини белгилаш йўлидаги изланишларни давом эттирмоқдалар. Ю. Суровцев танқиднинг илмий-публицистик моҳияти масаласини тадқиқ этаётган бўлса, В. Коновалов танқид методи структурасидаги системалар ҳақида гапирди. Унингча, танқид методи бири иккинчисини тақозо этадиган умумназарий ва хулосавий системада ташкил топади. Умумназарий система деганда фалсафий, социологик, эстетик ва адабий умумлашмалар тушунилади. Умумназарий система тадқиқот моҳиятига сингдирилади. Хулоса системаси ҳам ўз қонуниятларига эга.

Мунаққид умумназарий моҳиятни аниқлагач, таҳлил принциплари ва усулларидан фойдаланади. Кўринадики, олимларнинг изланишларида ўзаро яқинлик бор. Эътибор берсангиз танқид методи структураси аниқ системаларда кўрсатилмоқда. Бу ишни танқид методи ўзининг аниқ назарий ифодасини топгунча изчил давом эттириш керак.

Адабий танқиднинг ўзига хослиги масаланинг моҳиятини белгиласа, мунаққид фойдаланадиган конкрет принцип ва методлар, таҳлил шакллари ҳам жиддий аҳамиятга эга. Аксарият тадқиқотларда бадий асарни баҳолашда ижтимоий таҳлил методининг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтилади. Бадий асарнинг воқелик билан қай даражада боғлиқлиги социологик ва гносеологик методларда кўзга ташланади. Ижтимоий воқелик бадий асарда акс этади. Ёзувчи характер яратар экан, одамларнинг ўзаро муносабатларини кўрсатади. Бадий асарда ижтимоийликдан ташқарида турадиган воқеалар камдан-кам учрайди. Айрим ёзувчилар жонли, тирик одамни тасвирлашни асосий масала деб билдилар-да, ижтимоий муносабатлардан четга сурилиб қолган, ўз ташвишлари қобиғига ўралишиб қолган кишиларни тасвирлашга зўр берадилар. В. И. Ленин 1919 йил 31 июлда М. Горькийга йўллаган мактубида ҳаётни кўйдан, ишчи ва деҳқонлар янги ҳаётни барпо этаётган жойлардан кузатиш лозимлигини уқдирган эди. Ҳозирги пайтда ҳам ҳаёт қайнаётган, янгиликлар бунёд этилаётган, давримизнинг жасоратли кишилари фаолият кўрсатаётган объектлар кўп. Ҳақиқий санъаткор энг чекка қишлоқда ёхуд беш-ўн хонадон яшаётган кичкинагина бекатда ҳақиқий инсонлар меҳнат қилаётганлигини ўз асарида тасвирлаши мумкин. Ҳамма гап санъаткорнинг истеъдодига, дунёқарашига боғлиқ. Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун», Валентин Распутиннинг «Матёра билан видолашув», Асқад Мухторнинг «Жар ёқасида чақмоқ» асарларида гавжум шаҳар-қишлоқлардан чеккада яшаган кишилар характерлари яратилган. Аммо Едигей, Дарья кампир, Салим чорва характерларида ижтимоий муносабатлар тўлиқ акс эттирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Тўғри, асардаги ижтимоий гоё яққол кўриниб туриши шарт эмас. В. Распутиннинг «Матёра билан видолашув», «Сўнгги муҳлат» қиссаларига эътибор беринг: тажрибасизроқ китобхон Дарья кампирнинг ота-боболар удумлари ҳақидаги эътиқодига ҳайрон қолиши мумкин.

Сўнгги йиллар совет адабиётида ёш ёзувчиларнинг ўрни, эътибори кучайиб бормоқда. Бу табиий ҳол. Лекин аксарият ёшлар ёзиш малакасини мукаммал эгаллаётилару асарларида ижтимоий масалаларни кўтариш, тўлақонли характерлар яратишда оқсамоқдалар. Бу ўринда Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом», Хайриддин Султоновнинг «Ёзнинг ёлғиз ёдгори» қиссаларини, Эркин Аъзамовнинг «Анойининг жайдари олмаси» ҳикоясини эслаш мумкин. Улар китобхонни жалб этиш жиҳатидан яхши асарлар билан бахслаша олади. Афсуски, уларни ўқиб бўлгач, қалбингизга ачиниш, ўкинч туйғуси чўкканини англайсиз. Қаҳрамонлар қийин аҳволга тушиб қолган («Инсон тақдири»), мураккаб тақдирлар тасвирланган («Тинч Дон») асарлар жуда кўп. Лекин улар билан танишгач, ҳаётнинг жушқин нафаси борлигини чулғайди, қалбингизда аллақандай куч пайдо бўлганлигини ҳис қиласиз. «Оқ кема», «Алвидо, Гулсари», «Асрга татигулик кун» асарларида инсоний фожиалар тўлиб-тошиб ётибди. Аммо китобхонни ҳаётбахш руҳ, маънавий қониқиш ҳисси чулғайди. Асарнинг ижтимоий қуввати ўқувчининг маънавий оламини бойитишда, ҳаётга муҳаббатини оширишда сезилади. Сўнгги йилларда эстетик танқид, ҳиссий-образли услуб кенг тараққий эта бошлади. Мунаққидлар маҳорат масалаларини ёритишга, ижодий меҳнат поэзиясини очишга кўпроқ урғу берадилар.

Бир пайтлар социологик таҳлил танқидчиликда етакчилик қилар, асарнинг ижтимоий томонига мунаққид диққатини тортар эди. Энди бўлса, эстетик таҳлил, маҳорат масалаларига кўпроқ эътибор бериш тенденцияси кучайиб кетди. Бадий асарни яхлит, системали таҳлил қилиш — ундаги ижтимоий мазмун ва бадий маҳоратни бир йўла ёритиб бериш танқидчиликнинг бурчидир.

Сўнгги йилларда баъзи мутахассислар ижтимоийликни асарга ёндошишда бир метод деб билса, баъзилар бу тезисни инкор этувчи фикрларни олға сурмоқдалар. Адабиётшунос П. А. Николаев «Адабиётшунослик ва танқидчиликда социологик метод мавжудми?» («Литературная учеба» журналы, 1982 йил, 1-сон, 98—106-бетлар), деган мақоласида адабиётшунослик ва танқидчиликдаги барча методлар асардаги ижтимоий моҳиятни очишга йўналтирилмоғи лозим дейди. Унингча, ижтимоийлик бадий асарда гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай кетадиган хусусий масала эмас. У асарнинг бутун борлигини, моҳиятини ташкил этади. Бадий асарда ижтимоийликдан четда турадиган ҳодисалар кам. П. А. Николаев санъат асарида «ижтимоийлик эквивалентини» биринчи ўринга чиқариб, «асардаги эстетик фазилатларни баҳолаш»ни иккинчи ўринга қўйган Г. В. Плехановнинг қарашларини оқлашга уринади. Хуллас, ижтимоийликни танқидчилик методларидан бири сифатида қараш унинг имкониятини торайтиради, моҳиятини бирёқлама акс эттирган бўлади.

Ҳар қандай назариянинг илдири, замини воқеликка бориб тақалади. Ҳозирги пайтда аксарият тадқиқотларда масалага комплекс ёндошиш хусусияти сезила бошлади. Буни Бегали Қосимовнинг «Излай-излай топганим...» (Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1984 й.) тадқиқоти мисолида кўришимиз мумкин. Икки революция (1905—1917) орасида фаолият кўрсатган юзга яқин шоирлар ижодининг моҳиятини, уларнинг адабий жараёндаги ўрнини белгилаш мақсадида олим К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларини, революция арафасидаги Урта Осё тарихи, этнографияси, эстетикаси ва санъатига оид ишларни, шу даврдаги рус, татар, озарбайжон ва турк адабиётини, яна қанчадан-қанча илмий-назарий манбаларни ўрганган. Б. Қосимов 1905—1917 йиллар ўзбек адабиёти ҳақида барча мавжуд фикрларга ўз муносабатини билдиради.

Бу метод ўзбек совет адабиёт тарихи масалаларини ёритишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек совет адабиётининг ижодий методи, атоқли ёзувчилар ижоди ҳақида сўнгги ўн-ўн беш йил ичида бир қанча ишлар амалга оширилди. Ҳамза, Айни, Абдулла Қодирий, Ойбек, Боту сингари санъаткорлар ҳақида яратилган тадқиқотлар шулар жумласидандир. Ўзбек совет адабиётида социалистик реализмнинг шаклланиши ва ривожланиши масаласига бағишланган

матбуотдаги баҳсда, Тошкентда 1975 йили Совет Шарқи адабиётларида социалистик реализмнинг манбалари шаклланиши ва ривожланиши масалаларини муҳокама этган Умумиттифоқ конференциясида Абдулла Қодирийнинг ижодий методи масаласи кенг муҳокама этилди. Абдулла Қодирий туғилган куннинг саксон ва тўқсон йиллигига бағишланган мақолаларда ёзувчи ижоди ҳақида қизиқарли мулоҳазалар баён қилинди. Иззат Султон, Ҳомил Ёқубов, Матёқуб Қўшжонов, Ҳафиз Абдусаматов, Бердиали Имомов, Умарали Норматов, Аҳмад Алиев каби адабиётшунос ва танқидчиларнинг мақолалари кенг жамоатчилик диққатини тортди. Лекин Абдулла Қодирий романларининг поэтикаси ҳануз ўрганилгани йўқ.

Адабиётшунос Аҳмад Алиев «Адабий мерос ва замонавийлик» асарида 20-йиллардаги адабий жараёни ёритишга бел боғлаган. Тадқиқотчи жуда кўп илмий ва адабий фактларни ўрлаган. У ўрганаётган объектни яхши билади. Лекин тадқиқотчи методологияни мукаммал эгаллаган бўлиши, адабиётшуносликдаги илмий-назарий хулосаларни ўзлаштирганлиги, турли методлардан, анализ йўлларида самарали фойдалана билмоғи жоиз. Аҳмад Алиевнинг мазкур китоби ҳақида Ҳафиз Абдусаматов шундай ёзади: «Очиғини айтишимиз керакки, олимимиз адабиёт фанининг йутқларидан, ҳал қилиб берган илмий назарий масалаларидан, маданий меросни ҳаққоний ёритиб берган тадқиқотлардан кўнгилдагидек фойдалана олмаган». Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи правлениесининг V Пленумида ҳам «Адабий мерос ва замонавийлик» китобидаги илмий-назарий, методологик оқсаш ҳақида гапирилди. Ҳозиргача 20-йиллар адабий жараёни ҳақида қўллаб тадқиқот ва мақолалар яратилди. Лекин 20-йиллар ўзбек адабиётини илғор совет адабиётшунослигининг сўнги йутқлари асосида ҳар томонлама ёритиб бериш зарурияти сезилмоқда.

Тарихий-типологик ўрганиш методи танқидчиликдаги коллектив меҳнатни талаб этади. «Литературная газета», «Литературное обозрение», «Вопросы литературы» журналларидаги баҳсларда ҳар бир танқидчи проблемага ўз нуқтаи назаридан ёндошаётир. Афсуски, Бутуниттифоқ миқёсидаги адабий-танқидий фикр алмашуварга ўзбек танқидчилари онда-сондагина аралашадилар. Ваҳоланки, ўзбек танқидчилари Бутуниттифоқ танқидчилиги миқёсида акс-садо берадиган масалаларни қўйиш ҳақида ўйлашлари керак. Тожи Қораевнинг «Шоир қалби доим навқирон» (1983), «Образли ва мантиқий тафаккур жилоси» (1983), «Уйғун маҳорати» (1984) тадқиқотлари билан танишсангиз, совет адабиётшунослигидаги жўшқин, сертўлқин ҳаётдан узилиб, сокин ва зерикарли бир муҳитга туши қолганлигини ҳис қиласиз. Тадқиқотчи Уйғун ижодини яхши билади, шоирнинг шеърлари ҳақида самимий фикрларни айтади, уларнинг яратилишига онд қизиқарли маълумотлар келтиради. Лекин Уйғун поэзияси мураккаб йўлни босиб ўтган совет шеъриятининг бир қисми. Совет поэзияси ҳамиша қизгин илмий-назарий баҳсларга, йирик тадқиқотларга материал бўлган. Деярли ҳар бир адабий газета ёки журналда совет поэзияси, унинг намояндалари ижоди ҳақида мақола, тақриз, ижодий портретлар ўқиш мумкин. Қизиғи шундаки, Т. Қораев поэзия ҳақидаги бирорта баҳс, жиддий тадқиқот ҳақида тўхталмайди. Уйғун поэзиясини М. Исаковский, С. Шчипачев, М. Светлов сингари шоирлар ижодига қислаб ўрганиш зарур.

Профессор Очил Тоғаев «Севги ва садоқат» мақоласида («Гулистон» журналы, 1983, 8-сон) Абдулла Ориповнинг «Аёл» шеърини таҳлил қилар экан, ўз фикрларини мантиқан исботлашга интилади ва Л. Толстойнинг «Ҳазрат Сергей» қиссасидаги асосий қаҳрамон образини мисол тариқасида келтиради. Фидойилик ижтимоий маъмулга эга бўлиши зарурлигини таъкидлайди. Даъволар қанчалик асосли бўлмасин, унинг «Аёлнинг уруш келтирган жудалик, алам-изтиробларнинг асири бўлиб, дунёдан тоқ ўтиши урушнинг ҳаётга келтирган зарарини янада чуқурлаштириш, келажак авлодларнинг нуфузига зарар етказиш эмасми?! Бошқача айтганда, узлатга чекиниб ёлғиз ҳаёт кечирши авлодлараро асрий алоқа — ворислик кўпригига раҳна солмоқ демакдир», — деган хулосаси кишини ажаблантиради. Эстетик ва маънавий бойлик ҳеч қачон соф амалиёт, моддийлик тарозисида ўлчанмайди, Очил Тоғаев зарар етказиш деб атаган ҳолат ниҳоятда улкан маънавий фойда келтиради. Ахир, вафо, садоқат, инсоф, диёнат асрлар давомида гўзалликнинг юсак кўриниши тарзда бекорга қуйланмаган-ку?! Гўзаллик мулкидан фойда ахтариш — адабиётнинг вазифасини ўта жўнлаштириб юбориш эмасми?

Кўп йиллардан буён Норбой Худойберганов билан Иброҳим Ғафуров шеъриятни тушуниш, талқин қилиш масаласида баҳшлашади. Норбой Худойберганов «Шарқ юлдузи» (1984, 10-сон) журналда босилган «Ҳақиқат ёғдулари» мақоласида, бошқа масалалар қатори, Иброҳим Ғафуровнинг «Шеърингизни тушунтириб берсангиз...» мақоласига муносабат билдиради. Тўғрироғи, Муҳаммад Солиҳнинг «Уйқусизли» шеърига И. Ғафуровнинг муносабати Н. Худойбергановга ёқмайди. Танқидчи шеърдаги «ханжардай жаранглаб ётиш» иборасини бундай талқин этади: «Хўш, шоир бу билан нима демоқчи? У айтмоқчики, азизим лирик қаҳрамон, танангда кучинг, бошингда ақлинг, вужудингда ҳаяжон бор экан, нима учун ўзингни ишга, курашга сафарбар этмасдан жим ётибсан, қийналиб, тўлғаниб ётибсан, сен ханжардай ўткир, кучли бўлсанг, ўзингнинг нималарга қодир эканлигингни кўрсатмайсанми, ахир, бу чин инсонга хос хусусият эмас-ку!» Норбой Худойбергановнинг бу талқинида бадий гўзалликка оддий, маънавият дунёсини баҳолашга нотўғри ўлчов билан ёндошиш камчилиги бор.

Шунингдек кўпдан буён профессор Бердиали Имомовнинг бир қанча танқидчилар билан бадий конфликт масаласидаги баҳси тугамайди. «Конфликтнинг типологик кўринишлари — қадимдан тақдорланиб, сайқаллашиб келаётган бош хусусиятларни мужассам қилувчи турлари бошқа-ю, унинг ҳар қайси асардаги конкрет, муайян кўриниши, унга асос бўлган турмуш зиддиятларини ифодалашда қўлланган усулга кўра шаклланиши, яъни автор манерасига, унинг ўзига хос услуб қирраларига кўра ранг-баранг товланишлари бошқа, — деб ёзади Б. Имомов. — Масаланинг шу томонларини фарқламаслик натижасида айрим танқидчиларимиз конфликт турларини беҳисоб дейишади. Аммо улар шу беҳисоб турлардан биронтасини кўрсатиш уёқда турсин, борларини йўққа чиқармоқчи бўладилар»

(Б. Имомов. Ҳомил Ғулов (адабий портрет), Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1978, 72-бет). Унинг «Ҳаёт ва драматик конфликт» тадқиқотида шундай дейилади: «... драматургиямизда, асосан, бадий конфликтнинг икки катта турини кузатамиз: турмушдаги реалистик зиддиятларни характерларда муттасил кураш формаси ва шу курашларни воситали — характерлар онгидаги, психологиясидаги коллизиялар, яъни ички кураш тарзида ифодалаш шакллари мавжуд». Тўғри, адабиётшуноликда кам ўзгарадиган қоидалар бор. «Аристотелнинг «Поэтика»сидан бери адабиёт асарларини уч катта гуруҳга бўлиш илмда қоида бўлиб қолди» — деб ёзган эди Иззат Султон. Лекин у В. Белинский «бу назарияга жуда муҳим қўшимча ва тузатишлар киритганини» ҳам таъкидлайди. Б. Имомов эса классик эстетика драматик асар сюжети негизини ташкил этувчи бадий конфликтнинг ягона турини — характерлараро кураш йўлини ифодалаганлигини асослашга уринади. Демак, адабиётдаги назариялар муттасил ривожланиб боради. Шу маънода драматик конфликт ҳақидаги қоида ҳам бойиб бориши табиий.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ҳаётийлик ва бадий конфликт мавзусидаги баҳс Н. Худойбергеновнинг «Ғалабами ё мағлубият?» мақоласи билан бошланди. Б. Имомов «Мазмун ва шакл бирлиги» мақоласида конфликтнинг икки тури ҳақидаги мунозарани қайтадан ўртага ташлади. Хўш, китобхонга бундай самарасиз, узлуксиз баҳслар нима беради?

Шундай қилиб, адабий танқид моҳияти ва унинг адабиётшуноликдан фарқини англашда гносеологик, онтологик, тарихий-функционал ва тарихий-типологик ўрганиш методларининг аҳамияти муҳим. Тарихий-маданий, тарихий-қиёсий, ижодий — генетик, биографик методлар танқид ва адабиётшунолик моҳиятини, ўзига хослигини янада ишонарли ёритиб бериши мумкин. Системали, яхлит структурал, синчиклаб таҳлил қилиш (микроанализ), семиотик таҳлил йўллари адабий танқиднинг ўзига хослигини, айна вақтда адабиётшунолик билан яқинлигини кўрсатади. Семиотик таҳлил адабий танқиднинг бошқа фанлар — тилшунолик, мантик, психология, математика билан яқин, ҳамкорлигидан дарак беради. Семиотика — белгилар ва уларнинг қўлланиши ҳақидаги фан. Айна вақтда у бошқа фанларни чуқурроқ англашдаги «восита» — ўрганиш методларидан бири.

Баъзан семиотикани сунистьемол қилиш ҳоллари учрамоқда. «Музыка семиотикаси», «Шаҳар меъморчилиги семиотикаси» сингари мантиқсиз йўналишлар пайдо бўлмоқда. Семиотиканинг адабий танқидчиликдаги қўлланишини маъқулловчилар қатори, уни инкор қилувчилар ҳам топилади. Уларнинг даъвосича, бадий асар ҳис-туйғулардан, сермаъно образлару иборалардан ташкил топади. Семиотика бадий асар оламини қамраб ололмайди. Тўғри, бадий асар моҳиятини белгиларда ифодалаш мушкул: ундаги олам тўла акс этмайди. Лекин илмий-техника ахбороти ниҳоятда кучайган ҳозирги пайтда семиотик таҳлил жуда кўп асарлар ҳақида тез маълумот олиш имконини беради.

Адабий танқиднинг ўзига хослиги баҳолаш мезонида кўзга аниқ ташланади. Тилда инсоннинг онгли фаолияти натижасида сайқал топган тушунчалар, мантиқан англаб етиладиган маънолар бор. Масалан, «баҳолаш» тушунчаси бирон ҳодиса, предметнинг қимматига бориб боғланади. Предмет, ҳодисани кўриш мумкин, аммо унинг қиммати мантиқан англашилади. Маънавий дунёси бойликларини кўриш, қимматини белгилаш, имкони борича, ҳаққоний баҳолаш анча мушкул иш. Қисқаси, адабий танқид ҳис қилиш орқали қиммати англашиладиган бойликларни баҳолайди. Танқидчи фаолияти олдида заргарнинг юмуши осон: зарра ҳолида бўлса-да, заргарнинг иш объекти кўринади.

Биз адабий танқиднинг теран томирлари — методи, ўрганиш ва таҳлил принциплари, баҳолаш муаммоси устида тўхтадик. Илдиз қанчалик сертармоқ, бақувват бўлса, даракт кўкка шунчалик бўй чўзади, ям-яшиллиги, шох-бutoқлари билан кўзни қувонтиради.

Марғуба Мирқосимова

## ЭПИК ТАСВИР ВА ҲАЁТНИ БАДИЙ ИДРОК ЭТИШ

Ҳаётда меҳр-оқибат, фидойилик, мардлик, матонат, ҳалоллик каби туйғулар кескин курашлар эвазига қарор топади. Етук ижтимоий тараққиётнинг ўз-ўзидан, қаттиқ маънавий-иқтисодий тўқнашувларсиз юзага чиқиши мумкин эмас. Бу ҳодиса бадий адабиётда хилма-хил шакллар, ранг-баранг тасвирий воситалар, усулларда ўз ифодасини топади.

Адабиётимизда сўнги йилларда яратилган асарларда ҳам масаланинг шу томонига жиддий эътибор берилаётир. Хусусан, Пиримқул Қодировнинг «Олмос камар» романи ҳаётий воқеалар, ҳодисалар, кескин тўқнашувларга бойлиги билан китобхон диққатини тортади.

Асарнинг етакчи қаҳрамонларидан бири Аброр Аъзамов моҳир меъмор. У чизган лойиҳалар асосида Тошкентда гўзал иншоотлар, фавворалар, хиёбонлар бунёд этилган.

Аброр куч-қудрати, билими ва имкониятларини замонавий меъморчилик санъатини равнақ топтиришга, Тошкентни юксак маданий марказ сифатида обод эттиришга сарфлайди. Диққат қилинг, қаҳрамон ўзидаги мавжуд имкониятларини эзгулик яратишга қаратаётир. Лекин у ҳаётда эзгулик, юксак эътиқод ва яхши ният билан бирга жиддий қаршиликларга дуч келади. «Олмос камар»ни ўқир эканмиз, Аброрнинг ўз-ўзи ва ўзгалар билан мунтазам талашиб-тортишиб, тўқнашиб яшаганини, меҳнат қилганини англаймиз. Айни чоғда, романдаги бадий конфликтнинг эпик кўлами жанр талабларига мос тушган. Асарнинг етакчи қаҳрамони Аброр фақат Вазира, ота-онаси билангина эмас, балки ҳамкасблари, масъул раҳбарлар билан ҳам жиддий масалалар хусусида тўқнашади. Бундай тўқнашувлар жуда кўп одамлар тақдири, фикр-ўйларини қамраб олади, асар мазмунини янада бойитади. Романда Аброр ва Вазиранинг дунёқарashi, хатти-ҳаракати Тошкентни обод қилиш, кўкаламзорлаштириш мақсадида чизилган икки лойиҳага боғлиқ ҳолда очилади.

Биринчи лойиҳани Аброр яратади, иккинчисини Шерзод ишлаб чиқиб, ўзига Вазирани шерик қилишга муваффақ бўлади.

Диққат қилинг: бир-бирига зид лойиҳалар, қарама-қарши характерлар, туйғулар ва манфаатлар курашини келтириб чиқаради. Ўз мақсадини Аброр қуйидагича изоҳлайди: «Бўзсув катта бир тарихий обида, унинг қайта тикланадиган жойлари кўп. Тошкентнинг икки минг йиллик тарихини кўрсатадиган чорбоғлар, шийпонлар, бошқа этнографик нарсаларнинг ҳаммасини Бўзсув бўйларига қуриб, такрори йўқ бир ансамбле яратиш мумкин».

Шерзод эса бундай ансамбль яратилишига қарши. У тез ва арзон қуриладиган объектни ҳимоя қилади. Ҳмони шундаки, у табиатнинг ўзига хос жозибаси, роҳатбахш хусусиятларини сақлаб қолиш тўғрисида бош қотирмайди. Бироқ ёзувчи бу характерни фақат «қора бўёқларга» чаплаб ташлаган эмас. Шерзод қанчалик истеъдодсиз архитектор бўлмасин, инсон сифатида баъзи яхши фазилатларга ҳам эга. Қалбда қандайдир эзгу ниятлар, ҳиссиётлар мавжуд: «Японияда Тошкентнинг макети совет павильонининг катта бир залини эгаллапти. Халойиқ кети узилмай кириб турибди. «Тошкент» меҳмон-хонаси, Навоий театри, Ленин майдони, Йигирма қаватли бино — ҳаммаси худди кафтда тургандек аниқ кўринади. Ҳаммаси жуда усталик билан ичидан, тагидан, ёнидан ёритилган. Ўзбекистонни эслатадиган чиройли бир музика эшитилади. Ватанингизни узоқ жойда шунақа эъзозлаганини кўрсангиз кўнглингиз кўтарилиб, галати бўлиб кетар экансиз, Вазира, этларим жимирлаб, кўзларимга ёш келди-да, ишонасизми?»

Ҳа, Шерзоднинг «Этлари жимирлаб, кўзларига ёш келгани» тасаввур қилиш мумкин. Биз унинг характерида ҳаётийлик ва табиийлик мавжудлигини ҳис этамиз.

Маълумки, табиат муҳофазаси инсоннинг маънавий гўзаллиги, бахт-саодати учун кураш билан қўшилиб «олмос камар»ни ташкил этиши керак, деган фикр асарнинг мазмунини ташкил этади. Буни ёзувчи ромanning етакчи образларига сингдириб юборолган.

Аброр билан Вазира севишиб турмуш қуришган. Лекин бу улар ўртасида жиддий тўқнашувлар бўлмайди, деган маънони билдирмайди. Ҳолбуки, айрим асарларда ижобий қаҳрамон сифатида талкин этилган эр-хотинлар ҳамма вақт бир-бирлари билан апоқ-чапоқ бўлиб, тинч-тотув яшайдилар. Мабодо уларнинг ўзаро муносабатлари сал мураккаблашса, муаллиф уни осонгина бартараф этади. Аммо оилавий ҳаётнинг ўзига хос нозик жиҳатлари ҳам борки, буни эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Ёзувчи Аброр ва Вазира ўртасидаги қарама-қарши муносабатларни ёритишда айнан шу масалани четлаб ўтмаган, натижада қаҳрамонларнинг маиший ҳаёти романда ишонарли акс этган. Аброр ҳам, Вазира ҳам ўзига хос характерга, нуктаи назарга эга бўлган образлардир. Улар ўртасида муайян муштарақлик, шу билан бирга баъзи зиддиятлар мавжуд. Ҳар иккиси оилада бахтли турмуш кечириб, ишда, ижтимоий фаолиятда эл-юртнинг ободонлиги, турмуш фаровонлиги, Тошкентнинг меҳнаткаш халқ учун ўзига хос «олмос камар» бўлиб хизмат қилишини орзу қилишади. Лекин қаҳрамонлардан ҳар бири ўз савияси, дунёқарашига кўра бахтни ҳам, ижтимоий фаолиятдаги эзгулик ва ҳалолликни ҳам ўзича тушунади. Улар ана шу тушунчалари ва эътиқодларига кўра яшайдилар, тер тўкадилар, курашадилар.

Адиб Вазира характерида муайян чекланганлик мавжудлигини яширмайди. У Аброрнинг ота-онасини ёқтирмайди, урф-одатлар, удумлардан бутунлай юз ўгиради, ўзини ҳаддан ташқари маданиятли, оқила ҳисоблаб, ўзгаларга, ҳатто Аброрга ҳам бироз менсимайроқ қарайди. Ваъзан раҳбар ходимларни ўзига ром этишда аёллик назокати, латофатини ишга солади. Вазиранинг мана шу хусусиятлари эрига малол келади. Турмуш ўртоғининг бундай хатти-ҳаракатлари унинг маънавий эҳтиёжларига зид тарзда юзага чиқа бошлайди. Хусусан, Вазиранинг Тошкент ариқларини бетонлаштириб, табиат муҳофазасига қарши қаратилган лойиҳа муаллифи Шерзодни ёқлаши Аброрнинг жон-жонидан ўтиб кетади: «Сиз ҳам ўша одамга ўхшаб нуқул темир-бетонга сигинасиз, тирик табиатни писанд қилмайсиз. Сизга ясама гўзалликлар бўлса бас... Одамдаги бу камчилик — маънавий карликка ўхшайди, шуни билиб қўйинг!»

Ёзувчи эр-хотиннинг бир-бири билан ошқора олишувини рўй-рост кўрсатиб, табиат гўзаллигини сақлаш учун кураш инсоннинг маънавий поклиги, бахти учун курашга боғланиб кетишини тўғри таъкидлайди. Шуниси диққатга сазоворки, романдаги қаҳрамонларнинг ўзаро тўқнашувлари жуда ҳаётий, табиий равишда юз беради.

Пиримкул Қодиров романи қайта ишлаш жараёнида асар конфликтини кучайтирган, қаҳрамонларнинг характеридаги кўпгина хусусиятларни янада теран очишга интилган. Аброр, Вазира, Шерзод образларининг ҳаётий, табиий чиқishi учун жон куйдирган. Натижада, «Олмос камар» «Дружба народов» журналада чоп этилди, СССР ёзувчилар союзининг мукофотига созовор бўлди.



Ёзувчи ўз қаҳрамонларини янада жонли гавдалантириш учун ҳаётӣ материални тадқиқ этиш йўлидан боради. Хусусан, Аброрнинг ижтимоӣ фаолияти, интим дунёсидаги қарам-қаршиликлар ва зиддиятлар ҳаёт ҳақиқатига мувофиқ тасвирланади. Баъзи ҳоллардагина китобхонда қаҳрамон ўрнига ёзувчи сузлаётгандай, баёнчиликка мурожаат этаётгандай тасаввур уйғотади: «Эр-хотин уйда ишга оид келишмовчиликлардан оғиз очмасалар ҳам, лекин бу келишмовчиликлар икковларининг орасида кўзга кўринмас бир деворга ўхшаб турар ва ҳовлида ўринсиз қурилган уйдан бешбаттар халакит берарди. Ҳатто кечалари эр-хотин қўш қаравотда ёнма-ён ётганларида ҳам сукутдан қурилган бу девор уларнинг қалбларини бир-бирларидан тўсиб тургандай бўларди».

Кўринадики, ёзувчи қаҳрамонлар хатти-ҳаракатлари, ўзаро муносабатларидаги зиддиятларни фақат таъкидлаётти, ҳолос. Қаҳрамонлар ўз характерларининг мантиқига кўра ҳаракат қиладилар-у, гоҳида ёзувчи фикрларини шунчаки баён этувчи воситага айландилар. Натижада романбоп характерлар ҳаққоний эпик тип даражасига кўтарилмай қолади. Аммо романбоп воқеалар, романбоп характерлар деганда нимани тушуниш керак?

Танқидчи Умарали Норматов романга хос «тафаккур»ни таъминлайдиган омиллар асарда романбоп ҳодиса, воқеа, жиддий проблема, улкан драма ва мукамал концепцияга эга бўлган қаҳрамонларнинг мавжудлигидир, — деган фикрни далиллашга ҳаракат қилган бўлса, ёзувчи Одил Ёқубов танқидчига шундай эътироз билдиради: «Романга хос «тафаккур» деган гап асарда романбоп ҳодиса, воқеа, улкан драматизмнинг мавжудлиги да эмас, балки ёзувчининг ҳаёт воқеаларини улкан санъаткор-романист сифатида идрок этишидадир» (У. Норматов, Талант тарбияси. Тошкент, 1980 йил, 106—133 бетлар). Норбой Худойберганов эса романбоп ҳодисалар билан кенг миқёсдаги чуқур драматизмнинг мавжудлигини ҳам, шу романбоп ҳодисаларни ҳақиқий санъаткор сифатида тадқиқ этиш ва идрок қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга, деб таъкидлайди. Романга хос «тафаккур» тушунчасини «эпик тафаккур» деб атайди. Уни яратувчи омиллар билан бирга ҳаракатга келтирувчи кучлар, воситалар мавжуд эканига эътиборимизни қаратади.

Эпик тафаккурни яратувчи омиллар деганда, ёзувчининг ҳаёт ҳодисаларини улкан санъаткор-романист сифатида идрок этиш қобилиятини, шу қобилият натижасида яратилган, эпик характер, ҳаётӣ образларни, шунингдек, романбоп ҳодисаларнинг кенг кўламли таҳлилини ҳам назарда тутамиз. Айни пайтда, эпик тафаккурни ҳаракатга келтирувчи кучлар, воситалар сифатида роман жанрининг шаклий ва услубий имкониятларини, уларнинг ўзаро мураккаб диалектик бирлигини кўзда тутиш лозим. Чунки, худди ана шу диалектик birlik вужудга келганда эпик тафаккурнинг бадий ифодаси таъминланади.

Ҳақиқий истеъдод яратган етук асарларга эътибор берилса, эпик тафаккурни яратувчи омиллар билан асар ғоясини чуқур ёритувчи воситалар узвий birlikни ташкил этганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бундай birlik ҳосил бўлган «нуқта» вазифасини романиннг етакчи қаҳрамони ўтайди. Эпик тафаккур эса асардаги барча қаҳрамонлар қиёфасида, қалбида, маънавий ва ижтимоӣ фаолиятида ўз аксини топиб, муаллиф нуқтаи назарини юзага чиқаради.

Бинобарин, шунчаки бадий мақсадлар эмас, балки ҳаёт ҳақиқатини мавжуд зиддиятлари билан намоён қиладиган кучли эҳтирослар, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, кечинмаларига синдириб юборилиши керак. Афсуски, баъзи ёзувчилар воқеалар қанчалик кенг майдонда ва барча тафсилотлари билан ифодаланса, романбоп бўлаверди, деган нуқтаи назарга мувофиқ иш кўрадилар.

Одил Ёқубов «Кўҳна дунё» романида масаланинг шу жиҳатига жиддий эътибор бериб, қаҳрамонлар характерининг эпик кўламини таъминлашни диққат-марказида тутди. Агар асар воқеалари ривожига диққат қилинса, сюжет «ўқи» ҳам, ундаги конфликт ҳам мустабид султон Маҳмуд Ғазнавий билан сохта «ҳакими даврон» Ибн Шаҳвоинийга бориб тақалади. Ёзувчи асарнинг ғоявий мазмунини тўлароқ ёритиш мақсадида воқеаларни мураккаб сюжет асосига қургани аниқ.


Роман воқеаларининг бир учи жаҳолат гирдобидаги Ғазнавийлар ҳаётига бориб тақалса, бошқа бир учи юз.бераётган адолатсизликлар моҳиятини англашга, сабабларини идрок этишга интилган улғу алломалар — Абу Али Ибн Сино ва Беруний фаолиятига уланади. Шунингдек, асарда зулм ва истибод исканжасидаги ҳаётда кадр-қиммати топталган инсонлар тақдири ўтмишнинг даҳшатли воқеаларига боғланади. Роман сюжетининг асосини икки улғу алломанинг ҳаёти, кечинмалари, ўй-хаёллари ташкил этади. Лекин биринчи планга Маҳмуд Ғазнавий ва сохта Ибн Сино чиқарилиб, уларнинг кирдикорлари, қабиҳликларини очишга қаратилган воқеалар ёритилади. Бу воқеалар аввало подшолар, уламоларни фож этишга қаратилган, натижада ҳар иккала салбий типлар тасвири Ибн Сино, Беруний сингари улғу даҳоларнинг матонатини, адолат ва ҳақиқат учун курашини кўрсатишга сафарбар этилган. Шу сабабли воқеалар шиддати ошган сайин, асар қаҳрамонларининг ҳақиқий қиёфаси, маслағи, хатти-ҳаракатларининг моҳияти ҳам шунча ёрқин намоён бўла бошлайди. Роман воқеаларининг ритмик зарби ҳам кучаяди. Сокин оҳанглари билан мунгли, фарёдди туйғулар алмашилиб боради. Вужудимиз инсоний дардга тўлиб-тошган мусиқа таъсирида гоҳи қалқиса, гоҳида жунбушга келади. Шундай вазиятларда муаллифнинг содда, раvon нутқи тасвирга аниқлик, ёрқинлик киритади. Шу тарика мураккаб ҳолатлар ва маҳорат билан чизилган манзараларнинг бадий тасвири бир-бири билан уйғунлашиб боради: «Ибн Сино тунги шудрингда ҳўл бўлган чодир этагини кўтариб, ташқарига чиқди. Бепоён дашт артилган тилладай тиниқ йирик юлдузларга тўла, гўё осмон билан дашт қўшилиб кетгану, оппоқ

йирик юлдузлар баҳорги гиёҳлар орасига тарикдай сочилиб кетган, гўё уларни ҳовучлаб териб олса, ҳовучлаб сочиб юборса бўлади...»

Романда бу каби манзаралар, кечинмаларнинг таъсирчан, аини пайтда чуқур мазмунни ифодалашга қаратилган бадий тасвири анчагина. «Кўҳна дунё»даги тасвир бир қарашда жуда оддий ва жуда жўн бўлиб туюлади. Аслида эса ёзувчи бадий тасвирга аксарият ўринларда кўпқиррали, сермазмун оҳанглари сингдирган. Атоқли адабиётшунос М. Бахтин таъбири билан айтганда, асарда «полифония»га хос хусусиятларни кўриш мумкин. Романдаги эпик тасвирий тафаккурда шундай сержило, ранг-баранг маънолар, кучли оҳанглар, ҳис-ҳаяжонлар мавжудки, бунинг моҳиятини танқидчилар етарли даражада ёритолмаётдилар. Хусусан, Аҳиёр Ҳақимов, «Кўҳна дунё»даги образларнинг эпик кўлами ва мазмунини янада тўлароқ очиш учун Абу Али Ибн Синони шоир сифатида етарли гавдалантириш лозим эди, деган истак билдиради: «... романда Абу Али Ибн Сино шоир сифатида етарлича гавдаланмай қолган. ...фикримизча, буюк алломанинг назмдаги ижодига кўпроқ эътибор берилганда асар янада муваффақиятлироқ чиққан бўларди. Бундан ташқари Ибн Синонинг ҳақиқат ва адолат ҳақидаги ҳамда дунё лаззатларининг ўткинчилиги хусусидаги шеърларидан фойдаланганда роман гоёси янада теран мазмун касб этган бўларди» («Шарқ юлдузи». 1984 йил, 4-сон). Дарҳақиқат, ёзувчи Ибн Синонинг поэтик ижодига оид воқеаларни тасвирлаши мумкин эди. Бироқ романда кўзда тутилган асосий мақсад қаҳрамонларнинг барча хусусиятларини қамраб олиш эмас, балки фақат эпик тафаккур мазмунини ташкил этувчи жиҳатларни бадий тадқиқ этишдир. Адиб учун Ибн Сино ва Беруний ҳаётий фаолиятига оид ҳодисаларни, биринчи галда уларнинг улуг инсон, буюк аллома сифатида гавдалантиришга хизмат қиладиган жиҳатлар муҳимроқ эдики, буни Одил Ёқубов яхши уддалаган.

Ҳа, санъат асарида ҳаёт воқеаларини шундай танлаш керакки, натижада кенг миқёсли эпик характер кашф этилсин. Зеро, бундай характер кашф этиш ижодкорнинг истеъдодига боғлиқ, албатта.

Ҳақиқий истеъдод асар ёзишга киришар экан, кенг миқёсли эпик тафаккур талабларини яхши билган ҳолда иш кўради. Реал воқеалик моҳиятини бадий таҳлил этиш орқали қаҳрамонлар хатти-ҳаракатлари, кечинмаларини кўламли эпик манзараларда гавдалантиришга бутун куч-ғайратини, имкониятларини ишга солади. Афсуски, кўпчилик ёзувчилар мана шундай омилларни эътибордан четда қолдирадилар. Узундан-узок воқеаларни батафсил тавсифлаш, баён этиш орқали эпик тафаккурни вужудга келтириш мумкин, деб ўйлайдилар. Зеро, бу йўл билан асарда эпик тасвирий тафаккурни таъминлаш ҳам, адабиётимизда воқеа бўладиган ажойиб романларни яратиш ҳам, замондошларимизнинг маънавий ҳаётига таъсир кўрсатиш ҳам мумкин эмас.



Тошкент телеминораси.

Ҳамиджон Ҳамидов

## ФИРДАВСИЙ ВА НАВОИЙ

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий Фирдавсий ижодига ҳам алоҳида меҳр-муҳаббат билан қараган. Уни Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Хисрав Деҳлавий ва Ҳоқоний каби замонасининг пешқадам шоирлари билан бир қаторга кўяди. У ўзининг «Ғаройибус сиғар» асарида шундай дейди:

**Бу майдонда Фирдавсий ул гурд эрур,  
Ки гар келса Рустам жавобин берур.  
Рақам қилди фархунда «Шоҳнома»е,  
Ки синди жавобда ҳар хомае  
Мусаллам дурур зоҳиран бу иши,  
Ки маъразға келмайдур ҳар киши...**

Биз Навоийнинг «Ҳазойинул-маоний», «Ҳамса» ва бошқа асарларини кўздан кечирар эканмиз, «Шоҳнома» қаҳрамонларининг номини учратамиз. Навоий шайх-зоҳидларни танқид қилишда ҳам, май ва маҳбуба образларини яратишда ҳам «Шоҳнома»да тилга олинган жами Жамшидга муурожаат этиб, ўзига хос ранг-баранг образлар яратади. Чунончи, шоирнинг «Сен гумон қилгондин ўзга жому май мавжуд эрур» деб бошланадиган ғазалидан қуйидаги сатрларни эсланг:

**Эй, хуш ул майким, анга зарф ўлса бир сингон сафол,  
Жом улдур гетинамо Жамшид, ани ичган гадо...**

Алишер Навоий «Соқийнома»да инсон умрининг ўткинчилигини қайд этиб, мол-дунёга ҳирс қўйишнинг зарарли оқибатларини алоҳида таъкидлайди. Ўз фикрини тарихий фактлар асосида тасдиқлаб, ҳою-ҳавас, айш-ишратга муккасидан кетиб, давлатга маҳлиё бўлувчиларга танбеҳ беради. «Шоҳнома»даги шоҳлар ўтмишини эслатади:

**Ҳам Каюмарс ила Ҳушанг қани,  
Иккига тож ила авранг қани.  
Қани Жамшиду Фаридун охир,  
Бирини қўйдиму гардун охир.  
На Каёни бору на Сосони,  
Не Скандар доғи не Ашконий.  
Қолмади Рустам ила Сом доғи,  
Язди Журд ўттию Баҳром доғи.**

Навоий «Шоҳнома»даги шоҳлар тарихини эслатиш билан XV асрдаги тож-тахт талашиш, ўзаро қонли урушларни қоралайди, эл-юрт осойишталигини ўйламай, айш-ишрат билан шуғулланувчи темурий зодагонларга, хусусан, Ҳусайн Бойқарога ўғит бермоқчи бўлади. «Ҳайратул-аброр» дostonининг ростлик ва тўғрилиқ, адолат ва қаноат ҳақидаги мақолатларида олтину зар йиғиш, очкўзлик, бахиллик ва таъмагирлик қораланади. Бу дунё Фаридун, Жамшид, Заҳҳок, Баҳман, Қорун, Зол, Рустам, Доро, Искандар каби шавкатли шоҳ ва баҳодирларга ҳам ғаддорлик қилганлигини уқтириб, уларнинг тақдиридан хулоса чиқаришга ундайди. Ун олтинчи мақолатдаги мана бу байтлар фикримизнинг далилидир.

**Бир киши ул сафдаки, юз минг дурур.  
Рустам эса, бору йўғи тенг дурур.  
Айласа ул дам ики Рустам иши,  
Бир киши ҳам охир эрур бир киши.  
Ожиз эса Гев ила Рустам санга,  
Эрлик эрур анда мусаллам сенга.**

Алишер Навоий ижодий фаолиятини давлатни мустаҳкамлаш, эл-юрт осойишталигини таъминлашга сарфлади. Бу ишда фитначи, мутакаббир, таъмагир амалдорларга имкони

борича қарши курашди. Мана шу кайфият унинг бадий асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Юқоридаги мақолатда шоир «Худнамо муханнасвашларнинг» кибру ҳавога, зулм ва зўрликка берилганлигини қаттиқ қоралайди. Уз хизмат ва обрў-эътиборини пеш қилиб, ўзбошимчалик қилувчи бундай амалдорларни халқ бошига қабоҳат ҳамда разолат келтирган Заҳдоққа, мўйлабини унинг елкасидан ўсиб чиққан илонларга ўхшатади. Бу ўринда танқид қилинувчи шахсларнинг сийрати ва суратини янада мукамалроқ, образли фош этишда шоир учун Фирдавсий қаҳрамонлари қўл келган:

**Эй сурубон айни жалолат аро,  
Рахшени майдони шужоат аро.  
Барқдин ул Рахшни кам билмайин,  
Кўзига Рустамни доғи илмайин.  
Зулмда Заҳдоқлиге билгуруб,  
Икки йилон эғнида халқа уруб.**

Халқ оғзаки ижоди ҳамда ёзма адабиёт анъаналаридан ижодий баҳраманд бўлган Алишер Навоий баъзи асарларида айрим қаҳрамонларини «Шоҳнома» персонажларига ўхшатиб тасвирлайди. Фирдавсий тасвирича, Зол, Рустам, Сухроб каби машҳур баҳодирлар ўн ёшида барча илм ва ҳунарларни ўрганиб оладилар, куч-қувватда тенгсиз паҳлавон бўлиб етишадилар. Навоий яратган қаҳрамон Фарҳод ўн ёшида жаҳондаги барча илм ва ҳунарларни ўрганиб олади. Юнон сафари йўлида худди Рустам халқни Мозандарон девлари қўлидан қутқаришда етти тўсиқни енгиб ўтганидек, уч тўсиққа (манзилга) учраб, уларни мардонавор енгиб ўтади. Шоир сарлавҳадаёқ «Фарҳоднинг девбод хирмонлик девзоди устига секриб, Аҳраман бошаси азлига секретиб ул ваҳшатзой, балки савдоафзой бешага кириб Аҳраман манзилига суриб етгани ва Рустам Мозандарон бешасида дев ултурғондек ул беша Аҳраманни қатл этгани...» деб, «Шоҳнома»даги Мозандарон воқеасини эслатади:

**Кўюб қасрига юз, андоқки Рустам,  
Эшикда боғлабон Рахшени маҳкам.**

Шоир Фарҳоднинг аждарни бир ҳамлада ҳалок этиб, тилсимни очиш воқеаси тасвирини худди ёш Рустамнинг оқ девни енгиши эпизодига ўхшатади.

Фирдавсий «Шоҳнома»да қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати, сайру гашт, жангу талашлар тасвирини кўпинча табиат кўринишлари, айниқса тонг отиши ва қоронғилик тушиши — кўёшнинг чиқиши ва ботиши билан боғлаб тасвирлайди. Маълумки, бундай усул персонаж ҳолатини юксак кўтаринкиликда ёки аксинча тасвир этишда қўл келади. Мана шу деталга ўхшаш тасвирнинг чиройли ва фақат ўзига хос намунасини Алишер Навоийда учратамиз. Шоир «Фарҳод ва Ширин»нинг XVI бобида Фарҳоднинг эрта тонгда ўзи учун қурилган тўрт қаср томошасига боришини Жамшид салобати ва шавкатига монанд тарзда кўёш чиқиши тасвири билан боғлайди:

**Кўёш наъли чекиб тоғ узра авранг,  
Фалакни субҳ қилди мармарий ранг.  
Чу гардун ҳулласига минди ҳуршед,  
Тамошо азмига отланди Жамшед.**

Бундай тасвир шоир лирикасида ҳам учрайди.

**Саҳар ховар шоҳи чарх узраким хайлу ҳашам чекти,  
Шуои хат билан кўҳсор уза олтун алам чекти.**

Демак, Алишер Навоий «Шоҳнома»да тасвирланган воқеалардан тортиб кичик деталь ва тасвирий воситаларни ҳам диққат билан ўрганган. Фирдавсий даҳосини қадрлаб, унинг анъаналарини ижодий давом эттирган.

Алишер Навоий «Садди Искандарий»нинг XI—XIV бобларида Эрон шоҳлари тарихини тўрт сулолага: Пешдодийлар, Қаёнийлар, Сосонийлар, Ашконийларга бўлиб, ҳар бир сулола шоҳларининг салтанатини, улар даврида ўтган машҳур кишилар, лашкарбоши, баҳодирларни бирма-бир таърифлайди. Жамшиднинг «кўп» ғариб амр этгани, Заҳдоқнинг «Эл қонини тўкмакта бебок»лик қилганини қаттиқ қоралайди. Фирдавсий «Шоҳнома»да Турон шоҳи Афросиёбни марказий ҳокимиятни парчалашга интилувчи, эл қонини бекорга тўкадиган, худбин, раҳм-шафқатсиз шоҳ сифатида танқид қилади. «Садди Искандарий»да ҳам Алишер Навоий Афросиёбни золим, эл-юртни хароб этувчи шоҳ сифатида характерлайди:

**Яна шоҳлик қилди Афросиёб,  
Вале қилди Эронни зулми хароб.  
Замонида гар эрди обод кам,  
Ани қўймади чарх обод ҳам.**

Шу бобнинг ўзида Навоий Фирдавсий ва унинг асарига бир неча маротаба ишора қилади, дoston хотимасида эса шоирни эслаб ўтади. Тўртинчи табақа шоҳлар баёнидаги қуйидаги байт мазкур фикрни тасдиқлайди:


**Навосози деҳқони озарпараст,  
Бу навъ этти сўз риштаси бор баст.**

Навойи «Тарихи мулуки Ажам» асарини ёзишда «Тарихи Табарий», «Тарихи Банокотий», «Жомеъ-ут-таворих», «Низом-ут-таворих», «Тарихи Жалилий» каби асарлар билан бирга Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан ҳам фойдаланган. Шоир бу асариди ҳам Эрон шоҳларини табақага бўлиб, уларнинг салтанати ва ишларини кенг тасвирлайди. Ҳушанг, Жамшид, Таҳмурас, Фаридун, Нуширвон, Манучеҳр, Баҳром Гўр ва бошқаларни мамлакатни обод қилган, янги шаҳар ва қишлоқлар бунёд этган, ариқ қазиб сув чиқазган, ҳунармандчилик, деҳқончилик ва илм-фанни ривожлантирган адолатли шоҳ, деб кўрсатади. Шоир бу билан ўзаро урушлар, тож-тахт талашни авж олдириб, халқ ва мамлакатга зарар келтираётган теурий зодагонларга ўғит беради. Уларни тарих мактабидан сабоқ олишга чақиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам» асарининг Пешдодиёлар ҳамда Каёнийлар табақалари сулоласига мансуб бўлмиш шоҳларнинг салтанати, улар замонида ўтган машҳур шахслар, афсонавий қаҳрамонлар баёни ва таърифида «Шоҳнома»га суянганга ўхшайди. Зотан, Навоийнинг ўзи ҳам бир неча ўринда бу воқеаларни Фирдавсий қаламга олганлигини таъкидлаган. Маълумки, «Шоҳнома»да Рустам Қайковусни ўз халқи билан икки марта (Яман ва Мозандаронда) ҳалокатдан қутқаради. Сувга чўкмас, ўтда куймас қаҳрамон, мутакаббир Исфандиёрни Золнинг тадбири ва Симуруғнинг кўмаги билан ўлдиришга муяссар бўлади. Навоий мана шу эпизодларни келтирар экан, «Бири мозандарон қайдидурким, Рустамким, Фирдавсий «Шоҳнома»да дебтурким, хафтхон йўли билан бориб, яна қутқарди. Яна бири улким Яманда Зулазор Ҳимариким, Яман подшоҳи эрди, ани ғафлати жиҳатидан ани жамий аркони давлатини тутуб банд қилди. Анда ҳам Рустам бориб ани ва элни қутқарди», — дейди. Гуштасб шоҳлиги баёнида эса, қуйидагиларни ўқиймиз: «Аржасп бинни Афросиёбким, турк подшоҳи эрди, андоқки зикр ўтти, вилоятни холи топиб, Балхни олиб, Луҳраспни ўлтуруб, қизлариниким, Гуштаспнинг сингиллари эрди, асир қилиб, Балхни бузуб, мулкига қайтди. Гуштасп эшитиб интиқом учун Рустамни рақам қилиб, Рустам сўзин инқиёд қилмади ва Зобилистондин келмади ва ўзи ўғли Исфандиёрни-ким, Дурри Сафед кўрғониди маҳбус қилиб эрди, чиқариб, мулк ваъдаси билан сипоҳ бошлатиб Аржаспни ўлтуруб Туронни Байтаккача олиб, сингилларин асирликдин чиқариб, азим ғанойим била келди, дағи салтанат истидоъси қилди. Гуштасп ё Рустам анинг ҳукмин ижобат қилмағон жиҳатидин ё мулк ва салтанатдин кеча олмасдин, Исфандиёрни Рустам урушига юбордиким... Рустам улғайиб эрди ва анга ҳариф эрмас эрди, Зол тадбири билан, ё дебтурларки, Симуруғ мадади била, бори ҳар тақдир била ҳийла қилиб, Исфандиёрни ҳалок қилди. Чун «Шоҳнома»даким Фирдавсий дебтур, бағоят машҳурдир, шарҳ ҳожат эрмас» (Алишер Навоий. Асарлар, 15 томлик, 14-том. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1967, 193-197-бетлар). Бижонни Афросиёб зиндонидан Рустам савдогар либосида бориб қутқариб келишини эслатган Навоий бу иш «Шоҳнома» мазмуни билан Қайхусрав замонида воқеъдур, дейди.

Демак, Алишер Навоий мазкур асарини яратар экан, унгача Ажам шоҳлари тарихи зикр этилган асарлар орасида энг мўътабар «Шоҳнома» деб билган, унга қайта-қайта мурожаат этиб, Фирдавсийнинг шўхрати ва хизматини алоҳида таъкидлаган. «Шоҳнома» мумтоз эпик асар сифатида даҳо санъаткор диққатини ўзига жалб этган.

Хуллас, Навоий Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»сини қадрлаган, ундан ижодий баҳраманд бўлган, асар образларидан ўз прогрессив қарашларини тарғиб этишда фойдаланган.



Расми Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ чизган

Омон Мухторов

## МЎЪЖИЗА

Қисса<sup>1</sup>

### Малика

(Яна бир суҳбат)

- Сизни нега чақирганимни биласизми, Малика Бўронова? — деди терговчи.
- Йўқ.
- Сиздан баъзи нарсаларни сўрамоқчиман. Қодир отани билармидингиз?
- Қайси Қодир отани?
- Қайнатангиз...
- Ҳа. Нима эди?
- У киши тўғрисида кейинги пайтлар ҳеч нарса эшитмадингизми?
- Мен эримдан ажралиб кетганман. Улар билан неча пуллик ишим бор!
- Қодир ота энди ҳаётда йўқ. Қайнатангизга биров суиқасд қилган, — деди терговчи.
- Э, қачон? Мен эшитмагандим. Бечора... Охири чолнинг бошига етибди-да!
- Кимни айтяпсиз? — қизиқсинди терговчи.
- Исмат...
- Нега бундай деяпсиз?
- Бошқа нима дейишим керак! У ифлоснинг кирдикорлари...
- Тўхтанг. Сиз Қодир отага фожиали тарзда ўлгани учун ачинапсизми?
- Албатта....
- Яна?
- Хотини ўлган, ёши ўтганида ўғлига эргашиб, бир хотиннинг уйдан иккинчисига судралган одамга ачинмай бўладими!
- Хўп. Исматнинг қанақа кирдикорлари бор экан?
- У ифлос...
- Шошманг. Ҳақорат қилмасдан гапиринг. Икковларинг бир ёстиққа бош қўйиб, озми-кўпми бирга ҳаёт кечиргансизлар, — деди терговчи.
- Ҳаёт кечирганмиз. Лекин у мени икки бола билан ташлаб кетса, мен уни ҳақорат қилмасдан, бошимга кўтарайми?
- Икки бола билан? — ажабланди терговчи.
- Ҳа...
- Мен бунисини билмагандим. Чакки бўлган экан, — деди терговчи. — Лекин ҳозирча Исматнинг юзига лой чапламайлик. Турмушда ҳар нарса рўй бериши мумкин. Бундан ташқари, умуман, мени ҳақорат эмас, сизнинг фикрингиз қизиқтиради.
- У сизга ўзини яхши қилиб кўрсатган. Сезиб турибман. Сиз уни оқлаяпсиз!
- У менга ўзини яхши қилиб кўрсатгани йўқ. Қисқаси, сиз Исматнинг қанақа кирдикорларини айтмоқчисиз?
- Гулдай оилани бузди...
- Билишимча, оила қуришда ҳам, унинг бузилишида ҳам Исматдан кўра сиз кўпроқ хатога йўл қўйгансиз.
- Нега мен?
- Сиз Исматни ҳеч қачон севганмассиз. Тўғрими?

<sup>1</sup> Охири. Боши ўтган сонда.

- Мен унинг нимасини севишим керак?
- У содда, ҳар қалай инсофли одам. Биров уни севиши мумкин. Лекин ҳозир гап бунда эмас. Саволга қисқа, аниқ жавоб берсангиз,— деди терговчи.
- Тўғри, мен уни севмаганман...
- Сиз уни севмагансиз. Аммо бу етмагандек, унга биринчи кундан охиригача, ҳатто никоҳ кунда ҳам, севмайсан, деб таъна қилавергансиз. Ўзингиз ўйланг, бунақада, ахир, оила бўладими?
- Ёлғон гапирмасин. Мен унга ёлғон гапирганини айтганман.
- Ноумид шайтон. У ҳаётга умид билан қараган. Сиз эса, унинг юрагини топтагансиз. Унга ишонмаганингиз майли, мен бошқа бировни севганман, ростини айтаман, деб никоҳ кунда йигитнинг қалбига ханжар санчгансиз... Ёки мен нотўғри гапиряпманми?
- У ёлғон гапирганидан кейин, мен шунга мажбур бўлганман. Айб менда эмас!
- Хўп, буни қўя қолайлик. Мен сиздан бошқа нарсани сўрамоқчиман. Сиз Исматни севмаган, унинг севганига ишонмай юрган экансиз, нега у билан оила қурдингиз? Сизни бунга биров мажбур қилдимми?
- Бунақа иш қизбола эмас, йигит кишига боғлиқ. У бўлса, номард, падарига лаънат...
- Бу қизболага ҳам боғлиқ. Қизбола ҳам муте эмас. Буни ўзингиз мендан яхшироқ биласиз. Кейин, унинг падарига тил теккизманг, тушундингизми? Айниқса, энди. Сизнинг бунга ҳаққингиз йўқ! Мен, умуман, ҳар бир сўзга сапчиб, бировни камситиш, ҳақорат қилаверишни аёл кишига, муносиб деб ўйламайман.
- Менга бари бир...
- Менга бари бир эмас. Тўғриси, мен бир пайтлардаги ўз маҳрамини ерга уришдан бўлак нарсани хаёлига келтирмаган сиздай аёлни умримда биринчи марта кўряпман. Сизни кузатиб ўтириб, Исматни қоралаш эмас, унга сиз билан ҳаёт кечиргани учун раҳмат айтгим келяпти.
- Мен ўзимнинг қанақа аёл эканимни биламан. Бу ерга сиздан баҳо олгани келганим йўқ. Исматга раҳмат десангиз денг, менга нима! Сиз уни оқлашингиз керак, тушуниб турибман.
- Хўп, Исматни нимага асосланиб қоралаш керак?
- Унинг кирдикорлари... айтдим-ку! У бизни ҳеч қандай сабабсиз ташлаб кетди. Икки бола билан қолдим...
- Бола азиз. Лекин энди болани ўртага қўшманг. Мен уни сабабсиз кетган ҳам деёлмайман. Бир-бирини севмагандан кейин кетади-да. Бунинг устига, у бошқа бировни севган.
- Кимни? Нодираними?
- Нодирани...
- Тўғри айтдингиз! У мендан олдин Бахти деган қизни севган... Дарвоқе, мен билан яшаётиб ҳам ўша Бахтини ўгринча кўриб турган. Кейин Нодирани...
- Бахти деганингиз қишлоқда эмасми? — сўради терговчи.
- Қишлоқда. Лекин Исмат акасини кўриш учун қишлоқдан шаҳарга тушиб туриш қийин эканми?
- Демак, сиз Исматни пок эмас деб биласиз, шундайми?
- У қанақасига пок бўларди!..
- Майли. Керак бўлса, бу ҳақда кейинчалик яна гаплашамиз. Ҳозир эса, Қодир ота тўғрисида... Сизнингча, у қандай одам эди?
- Ҳаммага ўхшаган одам-да.
- Йўқ, мени қайнотангизнинг ўзига хос хислатлари қизиқтиряпти. Сизнинг мулоҳазаларингиз?
- У киши уйда негадир зерикарди. Кўпинча кўчада юрарди. Уй олдини чопиб, алланималар экканди. Бировнинг ишига аралашмасди. Шуниси яхши эди. У киши ўғлига ўхшаб ёлғон ҳам гапирмасди. Лекин Исматга ўхшаган томонлари ҳам бор эди...
- Масалан? — қизиқсинди терговчи.
- Бир оз телба. Биров юр деган томонга судралиб кетаверади. Фурур деган нарса йўқ. Ҳайрон қоласан. Қўшнилари тўйи, маъракасида жонини жабборга бериб хизмат қилади. Бирон пайт ёшини ўйлаб, ақлини ишлатмайди.
- Нега бундай деяпсиз?
- Ақлини ишлатган киши қариганда қишлоқдаги уй-жойини ташлаб, шаҳарда тентираб юрмасди.
- Ҳай, майли. Қодир отанинг қандай инсон эканига фаҳмингиз етмаган, дейлик. Ҳеч бўлмаганда, у кишининг ёшига ҳурмат билан қарамайсизми? Қайнотангизни вақтида яхши кўрмагандирсиз, лекин энди ҳурмат билан хотирлаш ҳам қўлингиздан келмайдими? Сиз ҳеч қачон, мен дунёда нима иш қилганман, ўзим кимман, деб ўйлаганмисиз?



— Мен бирон иш қилишим шарт эмас. Мен одамман...

— Одамликни ўзингизча тушунар экансиз. Биламан, баъзан китоб ўқийсиз. Наҳотки, сизни китоблар шунақа тарбиялаган бўлса? — деди терговчи бадтар асабийланиб.

— Мен ўзимни ўзим тарбиялаганман. Лекин ажабланманг, китоб одамни фикрлашга ўргатади, холос.

— Хўп, энди бундай саволга жавоб берсангиз,— деди терговчи.— Сиз ҳеч кимни қадрламайсиз. Шунга қарамай, мен биламан, бир йигитни ёқтиргансиз. У ким?

— Мен балки бир эмас, ўнта йигитни ёқтиргандирман, сизнинг нима ишингиз бор? Мени бу ҳақда ҳисоб бериб ўтиришга мажбур қилолмайсиз...

## Бегона одам

(Исмат Бўроновнинг сўроқ анкетасидан)

— Мен сизнинг ҳозирги турмушингиз нисбатан ёмон эмаслигини ҳис этдим, ўртоқ Бўронов, — деди терговчи Исматга. — Аммо сизга оғир ботадиган айрим нарсаларни ҳам суриштириш зарурати туғилди.

— Сўрайверинг. Зиёни йўқ. Иш энди тезроқ ниҳоясига етгани, нима қилганда ҳам бир ёқлик бўлгани маъқул...

— Мен сиздан биринчи галда Нодиранинг олдинги эри тўғрисида сўрамоқчиман. Сиз уни танирмидингиз? У қандай одам эди?

— Уни танирдим. Ёши Нодирадан икки барабар катта одам. Илм оламида юриб, умрида ҳеч ким ўқимайдиган иккита китоб ёзишдан бўлак иш қилмаган олимлардан бири. Афт-ангори совуқ, манглайи йилтираб, чекка сочлари ҳурпайган, елкаси туртиб чиққан паст бўйли бир одам. Худди пуф десанг, ҳавога учиб кетадиганга ўхшайди. Нодира вақтида унинг кўлида ўқиган. Машғулотда, мажлисларда чиройли гапиришига алданган. Шу...

— Етарли. Энди Бахти деган қиз... Сиз уни ёшликда ёқтирганман, деган эдингиз. Лекин кейин ҳам икковларингиз кўришиб турган экансизлар.

— Мен Бахти билан ҳозир ҳам баъзан кўришаман. У менинг ёшликдан дўстим. Ниҳоятда покиза аёл. Киши оғир пайтда унга суяниши мумкин. У яхши гапирганида, кўксинг кўтарилади. Аччиқ ҳақиқатни айтганида, чидайсан...

— Демак, Бахти фақат дўстингиз, холос. Шундайми? — қизиқсинди терговчи.

— Дўстим, холос. У ҳақда ёмон ўйга боришнинг ўзи қабиҳлик бўлади.

— Тушунарли. Хўп... сиз ўтган сўхбатимизда Малика яхши кўрган йигит тўғрисида арзирли бирон гап айтмагандингиз?

— Мен у ҳақда ҳозир ҳам бирон нарса деёлмайман. Унинг исми ҳам, ўзи ҳам менга номаълум. Биров тўғрисида гапириш учун эса, уни таниш, ҳеч бўлмаганда, оз-моз кузатиш керак.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### ИЛДИЗЛАР

## Қабристондаги одам

(Бошқа бир жиний ишни ўрганаётиб тўлдирилган варақадан)

Қодир ота Бўронов иши билан шуғулланаётган терговчи назарида, иш кундан-кунга чигаллашиб кетаётгандек эди.

Қалбингга қулоқ тутиб, изланавериш мумкин. Аммо икир-чикирлар кўзланган мақсадга хизмат қилмай, чувалиб қолаверса-чи? Ҳарҳолда, ҳамон натижа йўқ.

Бу етмагандек, бир ҳамкасби хасталаниб, ўшанинг қўлидаги ишни ҳам унга топширишди.

У истаб-истамай янги ишга тегишли қоғозлар билан танишиб, жиноятчини ҳузурига чақиртирди.

— Мен олдинги терговчига ҳаммасини айтганман, — деди жиноятчи.

— Менга ҳам айтишингизга тўғри келади, — деди терговчи. — Чунки мен ҳали бу ишнинг нималигини билмайман.

- Икки ойдан буён судрашяпти. Үзи арзимаган жанжал...
- Бўлиши мумкин, — деди терговчи. — Шунга қарамай, мен ҳаммасини қайтиб бир бошдан сўраб-суриштиришим керак... Хўп, қисқаси, сиз менга аввало ўз ҳақингизда икки оғиз гапириб беринг.
- Нимани гапираман?
- Оддий нарсаларни, масалан, сизнинг исмингиз Раҳимжон, фамилиянгиз Маҳмудов, шундайми?
- Шундай.
- Қабристонда кўпдан буён хизмат қиласизми?
- Бир йилдан ошди.
- У ерда ўзи кимлар бор? Қанча одам? — қизиқсинди терговчи.
- Иккита гўрков, назоратчи, мулла, мен... беш киши.
- Сиз нима иш билан шуғулланасиз? Умуман, аҳволингиз ҳақида гапиринг.
- Қоровулман. Турмушим жойида. Зиёратчилар мунтазам қадам ранжида қилишади. Ош пишириб келишади. Иссиқ нон, мева-чева, оз-моз пул ҳам бериб кетишади.
- Билишимча, сиздан бошқа ҳамманинг — мулланинг ҳам, назоратчи-ю гўрковларнинг ҳам шаҳарда уйи бор. Фақат сизгина шу ердан чиқмай яшагансиз. Нима, сизнинг уй-жойингиз йўқми?
- Йўқ. Уйим бўлса шундоқ юрармидим? Ҳеч кимим йўқ, етим ўсганман.
- Хўп, айтинг-чи, мулла билан нега уришиб қолдинглар?
- Пул устида... У мендан деярли ҳар куни чўзиб туришни талаб қиладиган бўлди. Сўнгги ойларда негадир шунга одатланди.
- Сиз шунинг учун муллани дўппослаб, кўзини чиқардингизми? — сўради терговчи.
- Тўғриси, бир оз ичгандим. Бўлмаса, иш бу даражага бормасди.
- Сиз хизмат қилган жойда ичилмайди, шекилли. Ёки бу янги расмга кирганми?
- Йўқ, айб саналади. Мен ҳам ичмаётгандим. Лекин ўша куни юрагим сиқилганди...
- Бари бир, бировни дўппослаб тўғри иш қилмагансиз. Мулла бир кўргандаёқ менда негадир ёмон таассурот қолдирди. У анча қабиҳ одам бўлса керак. Лекин, мулланинг ўзи афтидан калтакбоп эканига қарамай, сизни ҳам оқлаб бўлмайди. Нима деганда ҳам, сиз ўзингизни тутолмагансиз.
- Мен ўзимни оқламайман.
- Демак, айбингизни бўйнингизга оласиз, шундайми?
- Бўйнимга оламан. Бошқа илож қанча.

## Рақиблар

(Исмаи Бўроновнинг сўроқ анкетасидан)

- Сизга тегишли айрим саволлар бор, — деди терговчи Исмаи чақириб. — Маликанинг қўлида сизнинг икки фарзандингиз қолган экан. Нега олдинги сўхбатимизда буни сир сақладингиз?
- Гапиролмадим... Болаларни ўйласам, юрагим орқага тортади. Инсон ўз пушти камаридан дунёга келган фарзандга ҳеч қачон бемеҳр бўлолмас экан. Аммо турмуш мени улар тўғрисида иложи борича ўйламасликка мажбур қилиб қўйди.
- Нима учун ўйламас экансиз? Сиз ота, ахир, — деди терговчи.
- Тўғри. Лекин ўйласам, уларни кўргим, ёнларига боргим келади. Ўзингиз тушунасиз, мен бундай қилолмайман.
- Нега? Нодира бунга монеълик кўрсатадими?
- Йўқ, Нодира индамайди. У шўрлик, аксинча, мени баъзан бориб туришга ундайди. Маликага юзлашиш қийин. Кўнглим безиллаб қолган.
- Демак, Маликадан айрилгач, фарзандларингиз билан деярли кўришмай қўйганмисиз? — қизиқсинди терговчи.
- Йўқ, кўришиб турамиз. Лекин кам. Одам таскин топадиган даражада эмас.
- Сиз менга, Малика ёқтирган йигитни яхши билмайман, лекин бир учратганман, деган эдингиз. Хўп, энди бу учрашувнинг қачон, қандай содир бўлганини эсласангиз.
- Уйга болалардан хабар олгани бир борганимда, уни кўргандим. Ушанда зинадан иккинчи қаватга кўтарилиб, эшикни секин тақиллатдим. Ҳеч ким жавоб бермади. Эшик қия очик эди. Остонада бегона одамдек сарғайиб тургим келмасдан ичкарига кирдим. Аммо икки-уч қадам олдинга босиб-босмасимдан,

бехос тўхтаб, турган еримда қотиб қолдим. Рўпарадаги диванда сочлари қора, жингалак, кўзлари шиша парчасидек сўниқ бир йигит қўлларини боши остига қўйиб, бойваччалардек эркин, бемалол ястаниб ётибди. Малика диваннинг четида ўтирибди. Йигитнинг устига энгашиб, уни худди мушукдек ялапти. Мен индамай орқамга бурилиб, шарт чиқиб кетдим.

— Улар сизни пайқашмадими? — сўради терговчи.

— Пайқашди, албатта. Лекин шу аснода ҳаммасидан ўтиб тушадиган бир иш бўлди. Малика мени кўрди-ю истар-истамас ўрнидан кўзғалди. Бу ерда тўёки мендан уяладиган, борингки, хижолат чекадиган ҳеч нарса йўқдек, тўзиган сочларини шунчаки тартибга келтириб, юз-кўзимга бақрайди. Ҳалиги йигит эса шифтга қараб ётаверди. Мен унинг пинагини бузмаганига ҳайрон қолдим. Юрагимда уларнинг иккисига нисбатан ҳам алланечук нафрат ҳис этдим... Уйдан чиқиб кетгач, ўзимча, эшикдан узоқлашим биланоқ, Маликанинг яна диван четига ўтириб, хушторини ялашга тушиши, бунинг устига, менинг бемаврид келганим учун ундан узр сўрашини тесаввур қилдим. Лаҳза ичида Маликанинг ўзимга бўлган бутун муносабатини эсладим. Кўнглим бузилиб, кўзларим беихтиёр ёшга тўлди.

— Шундан сўнг уйга қадам босмадингизми?

— Йўқ, фақат бирон йилча бормадим. Кейин болаларни соғиндим. Уларда гуноҳ йўқ-ку! Биз катталарни деб ҳалиям болалар дунёда озмунча жабр чекишмайди.

— Сиз бояги йигитни қайтиб кўча-кўйда ҳам учратганингиз йўқми? — сўради терговчи.

— Йўқ. Мен уни бошқа учратмадим.

## Дард устига чипқон

(Иккинчи жиноий иш ёки Раҳимжон Маҳмудовнинг сўроқ анкетасидан)

— Мен мулла билан яна гаплашдим. У, икки минг сўм тўлов берсин, кечираман, бўлмаса нима қилишни ўзларинг биласанлар, деяпти. Сиз унинг бу талабини бажара оласизми? — сўради Раҳимжондан терговчи.

— Йўқ. Унча пулим йўқ.

— Мен ҳам шундай деб ўйладим. Биласизми, умуман, бу иш ниҳоятда оддий. Мен мулланинг аввалдан кунда сиздан пул талаб қилгани, сизни тинч яшашга қўймаганига ишонаман. Лекин гап шундаки, буни тасдиқлайдиган бирон далил топилмаяпти. Мен қабристондаги бошқа одамлар билан ҳам суҳбатлашдим. Улар бўлса, кўрмайсизми, аксинча, сиз эмас, муллани ҳақ деб айтишяпти.

— Ўзингиз тушунсангиз керак, улар муллага муте одамлар, уни фош этгилари келмайди. Бунинг устига, мен ҳам тўғри иш қилмадим, албатта.

— Сиз айбингизни бўйнингизга оляпсиз, — деди терговчи. — Мулла ҳам фаришта эмаслигига қарамай, айб, ососан, сизда экани сабабли, мен рўй берган воқеа тўғрисида хулоса ёзиб, ишни бемалол судга топшираверсам бўлади. Лекин бунга ҳозир нималардир халал беряпти.

— Сиз менга ачинапсиз. Ҳожати йўқ. Бундай судралиб юргандан ишнинг тезроқ бир ёқлик бўлгани яхши. Сизга раҳмат. Лекин мулла бари бир мени кечирмайди. Бундан ташқари, менимча, ҳар ким бу дунёда ўз айбига яраша жазо олиши керак. Мен ҳам...

— Бу ерда гап ҳақиқат устида боряпти, Маҳмудов, — деди терговчи. — Мен ишни дарҳол бир ёқлик қилолмайман. Чунки ҳали бор ҳақиқатни аниқлаганим йўқ... Ҳўп, масалан, мен сизга бошда чиндан бир оз ачингандим, ҳозир эса — фикрим ўзгарди, унчалик ачинмаяпман, дейлик. Нега? Мен сизни аввалига, ўзингиз истамаган ҳолда, шунчаки фалокат юз бериб, безорилик қилгансиз, деб ўйлагандим. Аммо кутилмаганда бу таассуротим тўзиб кетди, сизга баҳо беришда адашганимни ҳис этдим. Чунки безорилик туфайли олдин ҳам бир қамалиб чиққанингиз менга ошкор бўлиб қолди. Демак, мен энди сизни бахтсизликка йўлиққан одам деб эмас, балки малъум даражада жиноят йўлига кирган киши деб билишга мажбурман. Мана, кўрдингизми, бизнинг ишимизда шошма-шошарлик кетмайди. Бу бир қарашда оддий туюлган ишни ҳам чуқурроқ ўрганиб, кейин хулоса чиқариш кераклигидан далолат беряпти.

— Мен ўзимни оқлаб, сиздан ҳеч қачон ҳимоя кутганим йўқ. Безори дейсизми, жиноятчими, менга бари бир. Айбим бўйнимда. Менинг тақдирим шу. Мен сизга фақат ишнинг бекорга судралганини айтдим, холос. Мени тушу-

нарсиз, деб ўйладим. Бунақа ноаниқ ҳолатда юриш кишига қамоқдан ҳам кўра минг чандон оғир, билсангиз.

— Бўлиши мумкин. Лекин мен ҳозир бошқа бир нарсага тушунмаяпман... Хўш, масалан, сиз, олдин бир қамалиб чиққан киши, нега энди яна қамоққа бундай шай бўлиб турибсиз?

— Қўлингиздан келса, оқланг. Мен қамоққа шай бўлиб турганим йўқ...

## Аҳмоқ

(Икки жиний ишнинг бирлашиши ёки Малика Бўронованинг сўроқ анкетасидан)

— Бўронова, мени ҳозир сиз вақтида ёқтирган йигит қизиқтиряпти. Олдинги суҳбатимизда у ҳақда гапирмадингиз, — деди терговчи.

— Сиз кимни айтяпсиз?..

— Сиз никоҳ пайтида Исматга у ҳақда гапиргансиз. Исматдан ажралгач, уйингизда у билан кўришгансиз.

— Мен ҳеч ким билан кўришганим йўқ. Исматга бировни гапирган бўлсам, гапиргандирман. У буни дастурхон қилиши уят. Ифлос...

— Хўп, майли. Сиз мабодо Раҳимжон Маҳмудов деган йигитни танимай-сизми?

— Раҳимжон? Йўқ! Нима, ҳаммани танишим шарт эканми?

— Мен сизга қойил қолмадим, Малика Бўронова. Худди мана шу Раҳимжон Маҳмудов сиз вақтида ёқтирган йигит бўлади. Сиз, наҳотки, йиллар давомида ўзингиз севишган йигитни шунчалик тез унутиб юборган бўлсангиз?

— Сиз буни қаяқдан олдингиз?

— Мен Раҳимжон олдин бир қамалгани, Раҳимжонни севганингизга қарамай, ўшанда сиз у билан судлашганингизни ҳам биламан.

— Сизга буларнинг ҳаммасини Исмат айтдимми?

— Йўқ. Исмат бу гапларни, ҳаттоки, эшитмаган. Мени Раҳимжон анчадан буён қизиқтираётганди. Лекин мен ҳам у ҳақда деярли ҳеч нарса билмасдим. Буни қарангки, яқинда кўққисдан Раҳимжон ўз оёғи билан менинг ёнимга келиб қолди. Биз танишиб, суҳбатлашдик...

— Аҳмоқ...

— Адашмасам, Исмат қолиб, сиз бу гал Раҳимжонни сўкяпсиз... Хўш, нега? — сўради терговчи.

— Унда зиғирча виждон бўлмаганидан кейин... У сизнинг ёнингизга келиб, аллақачонлар кўмилиб-чириган эски гапларни кўзгаб нима қиларди?

— Сиз мени тушунмадингиз. Раҳимжон эски гапларни кўзгагани йўқ. Улар ўзидан ўзи қўзғалди... Раҳимжон бир айб билан қўлга тушган экан. Мен бу йигитнинг ҳаётини мукамалроқ ўрганишга уриниб, унинг олдинги қамалиш тарихига қизиқа бошладим. Ана шунда, биласизми, қутилмаган фалати иш бўлди. Мен ҳужжатлар ичида бехосдан сизнинг исми шарифингизга дуч келиб қолдим... Сизни бугун худди шу боисдан яна суҳбатга чақиртирдим.

— Мен қайнатамдан бўлак нарсани суриштирмасиз, деб ўйлагандим. У менинг хаёлимда йўқ эди... Мен Раҳимжон билан судлашганман. Тўғри. Лекин айб менда эмас. Айб унинг ўзида...

— Шошманг. Менимча, энди масала аниқ, — деди терговчи. — Сиз ортиқча ҳаяжонга берилмай, бир бошдан саволларимга жавоб берганингиз маъқул. Хўш, демак, сиз Раҳимжон Маҳмудов деган йигитни танийсиз, шундайми?

— Танийман.

— Сизнинг у билан, умуман, муносабатингиз қанақа эди?

— Гапиришга арзимаydi. Уқишга кирган йилларим биз бор-йўғи фақат уч-тўрт кўришганмиз, холос...

— Шунга қарамай, дарров севишиб қолдингларми?

— Нима десам экан? У менга ёқарди. Лекин унинг авзойи ёмон эди. Мен ундан кўрқардим.

— Хўш кейин-чи? — сўради терговчи.

— Кейин у менга зуғум қила бошлади. Мен кўрққанимдан уни судга бердим...

— Кейин?

— Судда мени оқлаб, уни қамашди.

— Сиз судланиш сабабини аниқ айтмаяпсиз.

— Айтдим-ку ҳозир, мени таъқиб қилди, кўрқдим, деб...

— Демак, қисқаси, сиз уни ёқтиргансиз. Аммо чинакам севмагансиз, шунақаи?

— Севган бўлишим ҳам мумкин. Лекин биз ҳеч қачон жиддий муносабатга киришмаганмиз. Бўлмаса, мен унга эмас, Исматга тегармидим?

— Хўп, ундан кейин нима бўлди? — сўради терговчи.

— Қачон?

— Исматдан ажралгач, Раҳимжон билан қайтиб кўришмадингизми, деяпман.

— Кўришдик. Лекин фақат бир марта. У қамоқдан чиққач, уйга келди.

— Сиз бунга монельлик кўрсатмадингизми?

— Мен уни кўксидан итариб ташласам бўларди, албатта. Лекин мен ундан яна кўрқдим...

— Сиз негадир нуқул кўрқшдан гапиряпсиз. Холбуки, Раҳимжонни боя бўралаб сўкканингизга қараганда, ундан кўрқадиган одамга ўхшамайсиз.

— Мен сизнинг олдингизда кўрқмай гапиряпман. Унинг олдида оғзимни ҳам очолмасдим. Мен унга аввалдан юрагимни олдириб қўйганман...

— Сиз менга бари бир тўғриси айтмаяпсиз, — деди терговчи. — Мен сизнинг фикрингизни эшитиб, Раҳимжон ҳақида муайян таассуротга эга бўлмоқчи эдим. Афсуски, гапимиз унмади. Хўп, майли. Керак бўлса, бу хусусда кейинчалик яна гаплашармиз. Хўп, энди қайнатангиз ҳақида гаплашайлик. Сиз Исматдан ажралгач, отани бирон ерда учратдингизми ёки қайтиб кўришганингиз йўқми?

— Кўришганимиз йўқ. Мен уларни кўриб ҳам нима қилардим!

— Буниси тўғри. Лекин у киши ўзи сизни сўроқламадимми? Масалан, неваралар туфайли.

— У киши уйга келгани йўқ. Болаларни боғчага, мактабга кириб, бир-икки кўрган, шекилли... Сиз нега буни суриштиряпсиз?

— Шунчаки бир ўй... Раҳимжон қодир отани кўрмаганми, демоқчи эдим.

— Йўқ. У қайнотамни танимасди.

— Исматни-чи? — сўради терговчи.

Исматни ҳам кўрган бўлса, бир ёки икки кўрган. Яхши билмаса керак. Менимча, қайнотам билан Раҳимжоннинг бир-бирига ҳеч қандай алоқаси йўқ...

## Ишқ дейсизми

(Яна Раҳимжон Маҳмудовнинг сўроқ анкетасидан)

— Мен сизнинг ҳамкасбларингиз билан қайтиб суҳбатлашдим. Уларнинг айтишича, кейинги кунларда, сиз мулла билан уришган пайтда, қурбон, рамазон дегандек ҳайитлар ўтиб, қабристонга одам жуда кам қатнаган. Демак, сизларнинг пул устида гапларингиз қочишининг ўзи мумкин бўлмаган. Сиз кўчадан ичиб келиб, бекорга тўполон қилгансиз. Тартибга чақирса, муллани дўппослашга тушгансиз. Рўй берган воқеа шу.

— Улар шунақа дейишяптими?

— Шунақа, — тасдиқлади терговчи.

— Мен сизга бир сўз айтсам, хафа бўлмайсизми?

— Айтинг.

— Сиз бунақа бир менга, бир уларга ишонадиган бўлсангиз, яхшиси, мени кунда чақиртирмай қўя қолинг. Узингиз ишни ўрганиб, мени қайси қирғоққа — истаган томонга чиқарсангиз, чиқараверинг. Натижа мен учун бари бир эканини айтдим. Бошқа гапириб ўтирмайман...

— Бўпти. Бу можарони ҳозирча қўя туриб, сизнинг ҳаётингиз тўғрисида икки оғиз гаплашайлик... Мен сизнинг олдинги қамалиш тарихингиз билан танишдим. Сиз бир пайтлар Малика деган қизни яхши кўрган экансиз, — деди терговчи.

— Маликани орага суқиб нима қиласиз? Хўп, мен уни яхши кўрганман. Ҳозир ҳам севаман... бўлдимми? Бировнинг юрагини бекорга топташ...

— Мен сизнинг юрагингизни топтамайман, — деди терговчи. — Мен фақат бир нарсага тушунмаяпман. Сиз Маликани сева туриб, нега бир пайтлар унга зўравонлик қилгансиз?

— Мен ҳеч кимга зўравонлик қилганим йўқ!

— Сиз унга танишган кунингиздан зуғум қилгансиз. Малика буни судда айтган. У ҳозир ҳам шунга ўхшаш фикрни айтяпти.

— Сиз у билан гаплашдингизми?

— Гаплашдим.

— Қачон?

— Кеча, — деди терговчи.

— Қизиқ. Бўлмаса, қамоқдан чиққанимдан кейин, нега у мен билан яна кўришган экан?

— У сиздан қўрққан...

— Қўрққан?! Маликага шундоқ аждарни рўпара қилсангиз ҳам қўрқмайди. Мен унга умримда тирноғимниям теккизмаганман. Мен ўшанда тўхматга қолганман, холос.

— Қанақа тўхмат? — сўради терговчи.

— У кутилмаганда ўзини иккинчи қаватдан ташлашини ким билибди, дейсиз?

— Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман. Иложи бўлса, ҳаммасини бир бошдан айтсангиз.

— Айтаман... Мумкинми, сувдан бир қултум ичсам?

— Марҳамат, — деди терговчи.

— Раҳмат... Болалигимда дадам уйдан кетган. Ойим ҳар икки гапнинг бирида, отанг ўлган, дерди. Мен уни қачондир кўрган-кўрмаганимни билмас, афт-ангорини эсламасдим. Ақлимни таниганимда, уйда ойим, опам — уч киши турардик. Турмушимиз оғир эди. Ойим бир ерда котибалик қилар, идорада ҳам, уйда ҳам, туну кун машинка чиқиллатарди. Бутун топган-тутгани шунчаки рўзғор тебратишга кетар, кўпинча даромадлироқ касб танламаганидан инжиб юрар эди. Биз учун янги бир кийим харид қилиш, ойда-йилда сайру томошага чиқиш муаммо, буни қўяверинг, баъзан уйда ҳаттоки оддий нон-тузга зориққан пайтларимиз бўларди... Йўқ, дадам ўлмаган экан, у мактабда ўқиб юрганимда, аллақайси байрам олдидан кутилмаганда мени кўргани келди. Танаффус пайти эди. Биров дабдурустан ёнимга келиб, мен сенинг дадангман, деди. Дадамни бундай учратиш хаёлимга сизмаганига қарамай, мен унинг рост гапираётганини ҳис этдим. Аммо бу хабарни негадир жуда лоқайд қабул қилдим. Қотиб қолганим ҳам, ортиқча ҳаяжонланганим ҳам йўқ. Дадам эса яна, мен сени соғинаман, лекин ойингни кўргим келмайди, шунинг учун уйга бормайман, деди. Ўзича мени елкамдан кучиб, бағрига босган бўлди. Кейин апил-тапил гижимланган иккита бир сўмликини чўнтагимга тиқиб, алланечук ўнғайсизланган ҳолатда мактаб ҳовлисидан тез чиқиб кетди... Дадам шундан сўнг мактабни битирганимча менга ора-сира шундай кўриниш бериб турди. Умуман, мен дадамни ҳаётим давомида бор-йўғи беш-олти учратганман, холос... Опам мактабни битиргач, ойимнинг қистови билан институтга кирди. Ойим менинг ҳам ўқишимни истарди. Аммо мен тезроқ уй-рўзғорга ярашни ўйлаб, ойим билан кўп маслаҳатлашиб ҳам ўтирмай, қурувчиларга шогирд тутиндим. Тез орада оёққа туриб, ишларим ўнгара бошлади. Ана шунда бир куни кўққисдан Малика билан танишиб қолдик...

— Кечирасиз. Дадангизни кейин учратганингиз йўқми? — сўради терговчи.

— Йўқ.

— Нера?

— Мен дадамнинг қаерда ишлашини ҳам, қаерда туришини ҳам билмаганман.

— У кишининг ўзи сизни суриштирмадимми?

— У суриштириб, топмаган бўлиши ҳам мумкин. Мен буни айтишим қийин... Биз Малика билан жуда оддий танишганмиз. Бир куни ишдан қайтаётиб, бекатда автобусни узоқ кутишимга тўғри келди. Талабага ўхшаган қандайдир қиз ҳам автобус кутаётганди, иккимиз гаплашиб қолдик. Мен унга пиёда кетаверишни таклиф қилдим. У сал иккиланган кўйда розилик берди. Йўлда унинг қаерда ўқишига қизиқсиндим. Ўз навбатида, у ҳам менинг кимлигим, касби коримни суриштирди. Шу йўсин танишиб, учрашиб туришга қарор қилдик... Икки йилча дўстона учрашиб юрдик. Лекин мен бу орада, Малика жигарбандлари ғамхўрлигидан маҳрум, ёлғиз яшаганини яхши билганимга қарамай, бундан фойдаланиш, унинг уйига бостириб киришни хаёлимга келтирганим йўқ. Биз деярли ҳар куни кўчада кўришардик. Мен уни уйигача кузатиб, изимга қайтардим. Бир оқшом Маликанинг ўзи мени уйга таклиф қилди...

— Кечирасиз. Бу Малика ҳозир ҳам турган уйми? — сўради терговчи.

— Ҳа, ўша. Уйни унга акаси олиб берган.

— У турмуш қурганида ҳам шу ерда яшаганми?

— Шу ерда.

— Демак, қисқаси, сиз унинг ўша пайтда ёлғиз туришини тўғри қабул қилгансиз, шундайми?

— Мен буни тўғри қабул қилганман. Бўй етиб, уйдагилардан ажраб чиққан қизлар ҳозир оз эмас. Унга фақат кўнглим ачиган... Ўша куни биз бир хонали уйга кирдик. Уйда диван, стол, иккита кўрси, телевизордан бўлак нарса кўзга ташланмасди. Мен туш кўраётгандек гаранг ҳолатда, андак қисиниб, курсилардан бирига ўрнашдим. Малика очиққанини айтиб, гўшт қовуришга тутинди. Мен унинг изидан ошхонага чиқдим. Бехосдан ошхонадаги шкафда идиш-товоқ, чойнак-пиёла, ҳар хил қутичалардаги дориворлардан ташқари, уч-тўртта ичимлик шишаси ҳам борлигига кўзим тушди. Хаёлим сал қочгандек бўлди. Ёлғиз турган қизболага ичимликнинг нима кераги бор? У баъзан, дейлик, ўзи ичиб турадиган бўлса, бу

яхшилиқдан нишона эмас. Бировлар бу ерга келиб ичадиган бўлишса, буниси ундан ҳам бадтар... Малика менинг хаёлим қочганини сезмади. У ҳаш-паш дегунча дастурхон тузаб, ҳалиги шишалардан бирини дастурхонга қўйди. Биз тамадди қилишиб, оз-оздан ичишдик. Ичимлик менга осойишталик бахш этмади. Аксинча, энди хаёлим қочгандан қочаверди. Маликанинг ҳамиша ўзини эркин тутиши, ҳозир ҳам эркин тутаётганини ўйлаб, негадир уни синагим келди. Мен Маликани кучиб, эркалай бошладим. Бир маҳал тун ярмидан оққанини пайқадим. Узимча кетишимни ҳам, ўтираверишимни ҳам билмасдим. Малика эса бу ҳақда индамасди. Ўзингиз тушунасиз, бундай пайтда шайтон васвасасидан қутулиш қийин. Маликанинг ниҳоятда бепарволиги менга гўёки далда бергандек бўлди. Мен кўнглимда бу оқшом унинг уйида қолаверишга қарор қилдим. Мен уни яна эркалашга тушдим. Маликанинг ажабтовур одати бор. Ўзи сенга кучоқ очади, аммо яқинлашгач, кўксингдан итаради. У кўча-қўйда юрган пайтларимиз ҳам кўпинча шу тахлитда иш тутарди. Ўша кун яна шундай бўлди. Мен ундан ғолиб келишни ўйладим. Аммо у кутилмаганда дераза олдига бориб, мени тинч қўймасангиз, ўзимни кўчага ташлайман, деди. Буни у шу қадар осойишта, алланечук илжайиб айтганидан, чиндан шундай қилишига ишонини мумкин эмасди. Аммо мен унга, пўписа қилмай қўя қол, деб кулимсираганимни биламан, ўзини бирдан кўчага отди-қўйди.

- Судда ишни чуқурроқ ўрганишмадими? — қизиқсинди терговчи.
- Ўрганишди. Лекин мен ўшанда қатта бир хатога йўл қўйдим. Мабодо, Маликани севмайман, унга ўйланиш ниятим йўқ, десам, у тескари феъли тутиб, эҳтимолки, мен уни яхши кўраман, тегмоқчиман, дер, мени ҳар қандай балоқазодан қўтқарарди. Мен эсам, бизни юзлаштиришганида, уни севганим, унга аслида ўйланмоқчи бўлиб юрганимни айтдим. Малика, башараси курсин, уни кўргим йўқ, деб туриб олди. Натижада, мен худди унинг уйига бостириб кириб, унга зулм қилган кишига айланиб қолдим.
- Ойингиз билан опангиз бу воқеага қандай муносабатда бўлишди?
- Улар мендан юз ўгиришди.
- Улар сизни жиноятчи деб билишдими? — сўради терговчи.
- Йўқ. Ойим билан опам одам танламаганиму улар билан бамаслаҳат оёқ босмаганим учун мени кечиришмади.

— Судга бари бир келишгандир?  
 — Келишди. Лекин худди бегонадай ўтиришди.  
 — Қамоқдан чиққанингиздан кейин уларнинг ёнига бормадингизми?  
 — Йўқ.  
 — Нега?  
 — Ойим суд пайтида, бундай ўғлим йўқ, деб эълон қилган эди.  
 — Мен билмадим, лекин она, нима қилганда ҳам, она!  
 — Йўқ, ишонинг, улар мендан аллақачон кўлни ювиб, қўлтиққа уришган. Мени кечиришмайди. Қамоқда юрган пайтим, уларга бир эмас, ўнлаб хат ёздим. Лекин ақалли биронтасига, майли мени сўкиб-қарғаб бўлса ҳамки, жавоб ёзишмади.

- Хўп, сизнинг аввалдан бундай оғзингиз куйган экан, Малика билан нега қайтиб учрашдингиз? — сўради терговчи.
- Қамоқдан кейинми?
- Қамоқдан кейин.
- Мен уни ўзимча таҳқирлаб, ундан ҳаммаси учун интиқом олмоқчи эдим.
- Демак, яхши кўрганингиз учун унинг ёнига бормагансиз?
- Ким билсин, балки яхши кўрганим учун боргандирман. Айтиш қийин... Умуман, тўрт-беш кун қаердадир туришим ҳам керак эди. Беихтиёр Маликанинг уйига бориб қолдим.
- Гапингизга қараганда, сиз қамоқдан кейин Малика билан фақат бир марта кўришганингиз йўқ. Унинг уйида маълум муддат яшагансиз. Шундайми?
- Бошқа иложим йўқ эди.
- Хўп, кейин қаерда ҳаёт кечирдингиз?
- Дуч келган жойда... Кўп шаҳар, қишлоқларда бўлдим. Ҳар ер-ҳар ерда бир йил, ярим йилдан тентираб юрдим. Охири ҳозирги жойга келдим.
- Қабристонда юрган пайтингиз Малика билан кўришганингиз йўқми?
- Йўқ. Мен бир оз яшаб, унинг уйдан кетгач, қайтиб боришга оёғим тортмади.
- Сиз борган ўша уйда Малика турмуш қуриб, эри билан бирга яшаган, Маликанинг қайнотаси ҳам уларниқида турган... Сиз буларни танимасдингиз?
- Йўқ. Мен уларни танимасдим. Мен келганимда, умуман, Маликанинг аҳволи қандайлигини билмасдим. Узимча, у мени бари бир кутгандир, деб ўйлагандим. Қолганини у менга айтди...
- Сиз унга хат ёзмагандингиз?
- Йўқ, мен унга ёзишим қийин эди...

# Үн гулдан бир гул

(Малика Бўронованинг сўроқ анкетасидан)

Терговчи Малика Бўроновани ҳузурига чақиртириб, унга рўй-рост:

— Сиз билан бир нарсани келишиб олайлик, ўртоқ Бўронова. Бу гал ёлғон гапирмасангиз. Раҳимжон тўғрисида айтган кўп гапларингиз тасдиқланмади, — деди.

— Нимаси тасдиқланмади?

— У билан муносабатингиз бошқача бўлган экан.

— Наҳотки, сиз Раҳимжонга ишониб, менга ишонмасангиз.

— Сизга-ку, ишонгим келади. Шунинг учун ҳозироқ Раҳимжонни чақириб, икковингларни юзлаштирмоқчиман.

— Йўқ, илтимос, чақирманг. Мен ўзим...

— Сиз ундан кўрқяпсизми? — сўради терговчи.

— Йўқ, кўрқмайман. Лекин у билан юзма-юз гаплашиш...

— Демак, ўзингиз энди тўғрисида айтаверасиз, шундайми?

— Айтаман.

— Бўлмаса, менга айтинг-чи, сиз Раҳимжон билан дўстлашиб, нега вақтида уни уйга таклиф қилгансиз? — қизиқсинди терговчи.

— Мен шунчаки гаплашиб ўтиришни ўйлагандим. Унинг ўзини тутолмаслигини билмагандим.

— Биров билан уйда ярим тунгача ўтириш, ҳарҳолда, ўзингиз тушунишингиз керак эди... Қизбола нарса кўчада гаплашиб юришингиз етарли эмасмиди?

— Мен бир оз эркин ўсганман. Бундай оқибатни хаёлимга келтирмаган эдим. Ўзим бунинг жабрини тортдим. Ойлаб касалхонада ётдим.

— Хўп, Раҳимжон қамоқдан чиққанидан кейин-чи? Нега уни яна уйга киритдингиз?

— Мен эрга текканим учун унинг олдида ўзимни айбдор ҳис этдим.

— Ахир, олдинги муносабатлар буни тақозо қилмасди-ку, шундай эмасми?

— Аламдан шундай қилган бўлсам керак. Бунга Исмат айбдор.

— Тушунмадим, — деди терговчи.

— Исмат бошқа хотинниқига кетмаса, мен ҳам балки Раҳимжон билан қайтиб кўришмасдим. Уни уйга ҳам киритмасдим.

— Менимча, Исматнинг бунга алоқаси йўқ. Сиз ҳамма гапга Исматни тикиштириб, ўзингизни оқлашга уриняпсиз.

— Менга ҳам бир оз раҳмингиз келсин. Мен аввалдан қандайдир қарғишга қолган одамга ўхшайман. Яхшилиқни истаб, нимаики иш қилмайин, охири ёмонлик бўлиб чиқади. Нега бундай? Билмайман... Мен Раҳимжонни севгандим. У ҳам мени ёқтирарди. Лекин, биласизми, ўшанда унинг менга нисбатан муносабати қандайдир аниқ эмас эди. У икки йил бирга юриб, масалан, бирон марта, ақалли кўнгил учун, бундан кейин турмушимиз нима бўлиши, орзу-умидлари ҳақида оғиз очгани йўқ. Афтидан, мен билан қўлтиқлашиб юрса, бас, бошқа ҳеч нарсани ўйламас эди. Ундан йигитга хос оддий журъат-жасоратни кутавериб, тинкам қуриди. Ниҳоят, уни уйга чақирдим. Жўрттага ичимлик харид қилдим. Лекин у ҳаракатимни нотўғри тушунди. У менга ишонмаслигини ҳис этдим. Бу менга оғир ботди. Ушанда гўёки хароб бир деворга суяниб, девор билан бирга йиқилган одамдек бўлдим... Мен Раҳимжонни бари бир кутардим. Бошимиздан кечган бутун фожиага қарамай, турмуш изга тушиши ҳам мумкин эди. Лекин бу орада Исмат йўлимдан чиқиб, сени севаман, деб ҳоли-жонимга қўймади. Кейин у менга эр бўлиб, эрлик қилолмади, эзмаланишдан нарига ўтмади. У билан ҳаттоки чинакам дўстлашолмадим ҳам... Сиз менинг қанчалик бахтсиз эканимни билсангиз эди! Аввал етим қолдим. Кейин акам, укамдан етарлича меҳр кўрмадим. Улар уст-бошимни, оч-тўқлигимни ўйлашди, холос. Бирон пайт кўнглимдан нималар кечаётганига қизиқишгани йўқ. Ҳозир ҳам қизиқишмайди. Менга умрим бино бўлиб, биронта ҳимоячи топилмади. Дунёда билганим ёлғизлик. Мана, энди ўн гулимдан бир гулим очилмасдан сўла бошладим. Сиз менга ҳам осон деб ўйламанг, ҳар қалай...

— Сизга осон деб ўйламайман. Ҳаёт машаққатли йўл. Инсон ёлғизликка ҳам, бахтсизликка ҳам чидайди. Лекин инсонга ҳам кўп нарса боғлиқ. Сиз одамларга енгил-елли муносабатда бўлмаслигингиз керак эди...

— Нима қилибман уларга?

— Масалан, сиз Раҳимжонни севганингизга қарамай, қанчалик ўзингизни оқламанг, бари бир, унинг қамалишига сабабчи бўлгансиз. Эрга тегиб, у билан хайрлашган ҳолда, уни яна бемалол уйга киритгансиз. Бу хатти-ҳаракатлар барчаси бир-бирига зид! Кўним бўлмаган ерда ўйин бўлади! — деди терговчи.



— Билмадим. Эҳтимол... Лекин сиз ҳам мени тушунишга ҳаракат қилсангиз. У қамоқдан келганда, унга ачиндим. Балки мен уни бахтсиз қилгандирман, деб ўйладим. Бунинг устига, у қаердадир яшаши керак эди. Мен сиздирмасам, унга бошқа бировнинг кўзи учиб турмаганини ҳис этдим. Қолаверса, бир-биримизни ҳарқалай севганмиз... Исмаат кетгач, ўзимга-ўзим хўжайин бўлиб қолдим, кўнглим буюрганича иш тутдим. Мени бунинг учун қоралашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ...

— Сизга ортиқча ҳеч нарса демайман. Лекин бир куни болаларингиз сизни қоралаши мумкин. Уларнинг олдида, отаси уйдан кетгач, бировнинг уйга келиб, маълум муддат сиз билан бирга яшагани хунук иш бўлган. Сиз ўша пайтда болаларнинг эртанги кунини ўйласангиз, балки бундай қилмасмидингиз? Бу воқеалардан кейин болаларингиз қандай одам бўлиб етишишаркин?

— Буни мен эмас, Исмаат ўйлаши керак эди. У ота...

— Яна Исмаат... Тўғри, Исмаат ўйлаши керак, — деди терговчи. — Лекин сиз унинг болалар билан оддий бир мулоқотига ҳам кўпинча имкон бермагансиз. Бундан ташқари, улар олдидаги масъулиятдан сизни ҳам ҳеч ким соқит қилолмайди. Мен эртанги кунда бу болалардан Раҳимжон сингари кишилар чиқишдан кўрқаман. Буни тасаввур қилиш даҳшатли...

— Менинг болаларим унақа бўлишмайди.

— Сиз бунга ишонасизми?

— Ишонаман.

— Нима ҳам дердим, айтганингиз келсин! Лекин ўшанда, менинг бундай фарзандим йўқ, деб улардан юз ўгирмасангиз бўлгани. Инсон иморатга ўхшайди. Унинг ҳаёти биринчи ғишларни терган пайдан бошланади... Хўп қисқаси, максаддан сир оз узоқлашдик, изимизга қайта қолайлик. Сиз бундай саволга жавоб берсангиз. Раҳимжон сиз билан яна кўришгач, тахминан қанча вақт сизникида ҳаёт кечирди?

— Икки ойдан кўпроқ.

— Кейин кетдимиз?

— Кетди.

— Нега? — сўради терговчи.

— Ўзи... Бир куни кўққисдан келганидек, кўққисдан уйни тарк этди.

— Сиз унинг кетишига монелик билдирмадингизми?

— Йўқ. Ҳаддим сиғмади.

— Бир нарсга тушунмаяпман. Бир-бирларингни севгач, жиддий яшашни ўйласанглар бўлмасмиди?

— Биласизми, менинг бошда шундай фикрим йўқ эмасди. Лекин Раҳимжон кундан-кунга ўз-ўзидан асабийлаша бошлади. Болалар билан тил топишолмади. Менга эса ҳаммадан бурун болаларимга ота керак эди. Бунинг устига, у ҳадеганда уйни ўйлаб, бирон ишнинг бошини тутмади. Мен унинг ўзимга нисбатан муносабати, худди бир пайтлар бўлганидек, ҳамон аниқ эмаслигини ҳис этиб, нима қилишимни ҳам билмай қолдим. Лекин индамадим. Ўзи бир куни уйдаги лашлушларини йиғиштириб, сен билан ортиқ туролмайман, кетдим, деди.

— Икки ойдан кўпроқ вақт ичида сизлар, нима қилганда ҳам, узаро анча-мунча нарсаларни гаплашган бўлсангизлар керак, тўғрими? — сўради терговчи.

— Тўғри. Лекин, умуман, биз унча очилиб гаплашмасдик.

— Нега?

— Қайси мавзуда сўз юритмайлик, гап менинг ёки унинг ҳаётига бориб тақаларди. Менинг турмушимни эслаш унга, унинг ҳаёти тўғрисида ўйлаш менга оғир эди.

— Шу орада Исмаат, Қодир ота тўғрисида ҳеч гаплашганларингиз йўқми?

— Ким билсин, гаплашсак гаплашгандирмиз.

— Эсланг.

— Тахминан Исмаат билан чиқишолмай ажрашганим... Қайнотам янги келиннинг уйига кетгани...

— Раҳимжон бу гапларни, одатда, қандай қабул қиларди?

— Лоқайд эди. Баъзан тиржайиб кўярди, холос... Адашмасам, фақат бир гап шунчаки, улар ҳам янги шаҳарда туришадими ёки эски шаҳардами, деб сўраганиди.

## Уч киши

(Раҳимжон Маҳмудовнинг сўроқ анкетасидан)

— Мен, тўғриси, гапни нимадан бошлашимни билмай турибман, — деди терговчи. — Шу кунларда ўзимча кўп нарсани ўйладим. Айрим саволлар туғилди. Аммо уларга сизнинг очиқ-ойдин жавоб қайтаришингизга кўзим етмаяпти.

— Сўранг. Фақат, илтимос, сиз ҳам олдинги терговчига ўхшаб ишни ойлаб

судрамасангиз. Силлам қуриди. Маҳкамангиз атрофида айланганим айланган. На кўча, на иш жойим, на бу ерда биров бошини кўтариб, юзимга қарайди. Мен жиноятчиман, одамларга бахтсизлик келтиряпман, деб овозим борича бақиргим келади. Ўзим севган қизни, оғир кунимда суяб, паноҳига олган кимсани, майли у қанчалик қабиҳ бўлмасин, бари бир, мажруҳ этганимни ҳеч ким оқлаёлмайди. Аҳволимни, шу сўзларимни инобатга олсангиз.

— Хўп, инобатга оламан, — деди терговчи. — Масалан, сиз қамоқдан чиққанингиздан кейин, Малика билан яшаб қолаверсангиз бўлмасмиди?

— Йўқ, ундай қилолмасдим.

— Нима учун? Малика сизни кутмасдан, дарров эрга теккани учунми?

— Гап унинг эрга текканида эмас. Қамоқда юрганимдаёқ у шундай қилиши билгандим.

— Демак, Маликанинг бошқа бировдан болалари бўлгани сабабли...

— Болаларда гуноҳ йўқ. Мен уларни орага кўшмайман.

— Унда нима халал берди? Ахир, сизнинг Маликадан яқин кишингиз ҳам, аниқ турадиган жойингиз ҳам бўлмаган. Шундай экан, нега у билан яшаб қолавермадингиз.

— Биласизми, қамоқдан чиққанимда, ўзимча, Малика меники, деб ўйлагандим. У билан кўришганимда ҳам аввалига шундай бўлиб туюлди. Лекин бирга тургач, кундан кунга энди бу Малика меники эмаслигини сеза бошладим. Охири бўлмади.

— Мен тушунмаяпман. Сиз, масалан, унинг феъл-атворида жиддий бир ўзгариш пайқаб...

— Йўқ. Маликанинг феъл-атвори, асосан, бир пайтлардагидек эди. У ҳамон уйда бирон иш қилишдан кўра кўпроқ ёнбошлаб ётиб, китоб ўқишни ёқтирарди. Узини эркин тутуши билан аёлдан кўра йигитларни эслатарди. Одамларга андак кинояли, камситиб қарайди. Унинг ҳаттоки олдинги кучоқ очиб, кейин силтаб ташлаш одати ҳам йўқолмаган. Қисқаси, гап феъл-атвор устида эмас. Мен Маликанинг ўзини айтяпман... Малика олдинлар эзми-кўпми, ҳарҳолда иффати кетмаган, юз-кўзи очилмаган қизбола эди. Энди эса у бошқа бировнинг оғушини кўрган, ҳаётига бошқа бировларнинг номи ёзилган аёлга айланганди. Мен кундан-кунга энди уйда бегона бир руҳ кезгани-ю Маликага ҳам кимларнингдир ҳиди ўрнашганини англадим. Узимни худди бировнинг устидаги кийим билан кўчага чиққан одамдек ҳис эта бошладим. Ниҳоят, ёшликни қўмсагандан, ўтган кунни қидириб, адашганимга қаноат ҳосил қилдим.

— Сиз фақат шунинг учунгина уйдан кетдингизми? — сўради терговчи.

— Менимча, бунинг ўзи арзимаган гап бўлмаса керак. Очиғини айтсам, бундан ташқари, Малика билан кўришгач, юрагимдаги бутун алам босиладигандек туюлганди. Лекин унинг ёнига келгач, юрагим бадтар кўпириб-тошиб, ўзимни қўйишга жой тополмай қолдим.

— Сиз олдинги суҳбатимизда бир саволга чала жавоб берган эдингиз. Айтинг-чи, Малика билан қамоқдан кейин, умуман, кўришмай кўя қолсангиз бўлмасмиди? Бунга сизни кўпроқ қайси ҳиссиёт мажбур қилди? Муҳаббатми, ўчми?

— Билмадим. Айтишим қийин. Иккиси бирга бўлиши ҳам мумкин...

— Сиз Маликани нафрат билан севгансиз. Тушунарли. Лекин, айтингчи, булардан қайси бири кучлироқ эди — мени шу қизиқтиряпти.

— Тушунтириб беролмайман. Маликани бир умрга севганман. Интиқом олишни ўйлаганим билан, ўзингиз тушунсангиз керак, унинг нимасидан ҳам интиқом олардим? Мен ўз ёғимда ўзим қоврилиб қолавердим. Маликанинг уйига қандай келган бўлсам, шундай чиқиб кетишдан бўлак ҳеч нарсга қурбим етмади.

— Хўп, кейин-чи? Маликанинг ўрнига бошқа бировдан ўч олдингизми?

— Кимдан? Э, гап буёқда, денг. Сиз Маликани қовлаштириб, бу ишдан ҳам менга айб тўнкамоқчи экансиз-да. Сизнинг касбингиздаги одамга ишониб бўлмаскан ўзи...

— Мен сизга айб тўнкамоқчи эмасман. Фақат сизнинг қамалиб чиққач, қаерларда, қандай юрганингиз, нималар қилганингизни кўз олдимга келтиролма-япман. Сиздаги интиқом ҳисси қаёққа кетди? Балки, юрагингизда алам бўлганидан бировни дўппослагандирсиз?

— Бу ишга муллани аралаштиришнинг ҳожати йўқ. У ўз йўлига. Мен уни аламдан эмас, аҳмоқлигимдан, бахиллигим тутганидан дўппослаганман. Ичмаганимда, эҳтимол, ундай қилмасдим. Мулланинг олдида айбдорман — гапнинг индоллоси шу. Сиз қайта-қайта таъкидлаётган интиқом эса мана бу ерда... кўкрагимда турипти. Уни ўзим билан бирга гўрга олиб кетсам керак. Сиз аҳволимни тасаввур ҳам қилолмайсиз.

— Бўпти. Бу гапни шу ерда тўхтатамиз. Ҳозирча бундай саволга жавоб бера қолинг... Сиз қамоқдан чиққач, масалан, бошқа бирон ерда ишладингизми ёки биринчи келган жойингиз қабристонми? — сўради терговчи.

— Келган жойим шу ер.

— Астойдил ишлашни ўйлаб, озодликка чиқишингиз билан бирон арзийдиган ишнинг бошини тутсангиз ёки, дейлик, қурувчилик касбингизга қайтсангиз бўлмасмиди?

— Шунақа ниятим бор эди. Лекин мен бормаган эшик қолмади. Қамалган одамнинг қисмати маълум. Қайси идорага бош суқма, биров сенга ақалли эшикни бундай кенгроқ очгиси келмайди. Айбинг бўйнингда тавқи лаънат, тентираб юраверасан. Мен бошқа бирон ишдан қочганимдан эмас, ўлганимнинг кунидан бу ерни танлаганман.

— Хўп, Тошкентда Чиғатой, Минор, Камолон дегандек бир неча қабристонлар мавжуд. Сиз нега янги шаҳардаги бу қабристонда ишлашга қарор қилдингиз? — қизиқсинди терговчи.

— Бунинг бошқаларидан ҳеч бир фарқи йўқ. Мен кўчада кетаётиб, йўл устида шу ёққа кўзим тушди. Тўғри кириб боравердим.

— Сиз, демак, Маликанинг эри, қайнотаси қабристон муюлишидаги янги уйлardan бирида туришганидан хабарингиз бўлмаган, шунақами?

— Сиз нега ҳадеб икки галдан буён мендан уларни суриштиряпсиз?! Мен тушунмаяпман. Уларга ўзи бирон нима бўлган эканми?

— Демак, сиз буни ҳам билмайсиз? — сўради терговчи.

— Сизнинг бу саволингиз ҳаммасидан ўтиб тушди. Мен уларни танимаганимдан кейин, уларга нима бўлганини қаёқдан биламан?

## Мулланинг тушунчаси

(Ёки иккинчи жиний иш бўйича суҳбат)

Терговчи қабристондаги мулла Шамсуддин билан янги ишни қўлга олган кунлари бир марта суҳбатлашган, у Раҳимжонга айтганидек, мулла чиндан ҳам унда ёмон таассурот қолдирган эди.

Терговчининг столи устида анча кундан буён бир варақ қоғоз ётар, бу қоғозга мулла Шамсуддиннинг Раҳимжондан тўлов сифатида икки минг сўм пул талаб қилиши тўғрисидаги даъвоси ёзиб қўйилган эди. Терговчи бу қоғозга ҳар гал кўзи тушганида асабийланар, ижирғанар эди.

Шунга қарамай, муллани чақиртириб, осойишта суҳбатлашишга уринди.

Терговчи муллага қоғозни кўрсатиб, биринчи навбатда, унинг Раҳимжонга муносабати ва бу даъвонинг жиддий-ножиддийлигини суриштирди.

Мулла Шамсуддин терговчининг саволига шошмасдан, узок, дона-дона жавоб қайтарди...

— Мен, бўтам, сизнинг айрим каттаконлардек тўрдан туриб эмас, мана шунақа рапарамга ўтиб-ўтириб гаплашишингизни кўпдан буён кутаётгандим. Бир йиллари — сиз буни билмасангиз керак, ёш бўлгансиз, — нотиқларни муллаларга таққослаб, газитга уришганди. Мулла сандалда ўтириб, ташвиқот ўтказди, нотиқлар бўлса, минбарга ёпишиб олишган, бунинг устига, кўпинча одамдек жиддий гапирмай, аравани қуруқ олиб қочишади, дейишганди ўшанда. Ҳозир ҳам идораларда сизлар гоҳо фуқарога осмондан туриб муомала қиласизлар. Менимча, одил ҳукумат сизларга, шундай қилгн, деб ўргатмаган бўлса керак... Раҳимжонни сўрадингиз. Раҳимжон менга, отасидек одамга қўл кўтарди. Буни на мен билган шариат, на сиз тушунган тариқат тўғри дея олади. Лекин, бўтам, у эртаси куни мабодо оёғимга йиқилиб, мендан узр сўраса, мен уни шу фўрсат маъзур тутиб кетаверардим. Ҳукуматга хат битиб ҳам юрмасдим. Раҳимжон буни лозим кўрмади. Мен ҳозир ҳам уни маъзур тутмоққа мойилман... Алҳамдулulloҳ, кўзим шифо топди, дўхтирларни, одампарвар ҳукуматимизни дуо қилишдан бўлак муддаом йўқ. Сизнинг иродангиз унга озодлик бериш бўлса, марҳамат, мен бунга мухталиф эмасман. Фақат Раҳимжон қабристондан йироқлашсин. Минбаъд менга кўринмасин. Дунё кенг... Энди пул масаласи. Мен Раҳимжоннинг шароитини биламан. Мен у гапни азбаройи ғазаб тулпорига минганимдан айтдим. Ўчириб ташланг. Менда пулга ҳеч қандай лозимият йўқ.

— Раҳмат, тақсир. Сиз бир эмас, кўп саволларга бир йўла жавоб қайтардингиз, — деди терговчи. — Менга қилган ўгитингиз ҳам ўринли бўлди. Аммо сиз пул борасида қисқа гапирдингиз, мен яхши англаёлмадим. Мен сизни, Раҳимжондан ҳаминша пул талаб қилгансиз, деб эшитгандим. Бу ёлғонми? Агар бу рост бўлса, нега ундай қилганингизни тушунтирсангиз.

— Бу айни ҳақиқат, бўтам. Мен Раҳимжондан тез-тез бир қисмдан пул талаб қилганман. Локин бу пул менинг қиссамда эмас, жамоадан келган иона сақлана-

дирган сандиқда турипти. Раҳимжонда сари-сомон йўқ. Мен бир оз пул жамғариб, Раҳимжон гузардаги бирон бева-бечора билан хонаи жой қилсин, одамдек турсин, деган муддаода эдим. Насиб этмади.

— Демак, пул тўғрисида бошқа гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, — деди терговчи. — Бундан ташқари, сизнинг ҳозирги ранги рўйингиз, Раҳимжон тўғрисида айтган барча фикр-мулоҳазаларингизга қараганда, умуман, сиз бу йигитни кечиришингиз мумкин. Раҳимжон зулм ўтказганига қарамай, уни қаматишни қаттиқ талаб ҳам қилмайсиз. Шундайми?

— Тўғри, бўтам...

— Сиз аввалдан ҳам Раҳимжонга ҳеч қандай ёмонлик қилмагансиз. Уни бахтсиз йигит деб ўйлагансиз. Унга фақат эзгулик истагансиз. Шундайми?

— Худо шоҳид, шундай.

— Унда, сизга бундай савол, тақсир. Сиз, масалан, Раҳимжоннинг олдин бир қамалганини билганингиз йўқмиди?

— Билганман. Биз ҳам бир идора. Муҳримиз бор. Хужжат текширамаиз.

— Раҳимжондек одамларга кўпчилик ишонмайди. Сиз ҳеч қачон бу ҳақда ўйламаганмидингиз?

— Кўп ўйлаганман. Локин, бўтам, ҳар бир ишда шарт-шароит мавжуд. Оинаи жаҳонни кўриб турасизми?

— Қанақа оинаи жаҳон?

— Уйдагиси. Дилбузар...

— Телевизорни айтяспизми? Ҳа, албатта, — деди терговчи.

— Мен ҳам кўриб тураман. Ҳар хил мамлакатлар бор. Мисол учун, Ҳиндистон... Ганг деган дарёни биласиз. Бир одамни кўрсатишди. Дарёни ўз бўйи билан ўлчамоқчи экан. Қарасангиз, қирғоқда чўзилиб ётиб, чизиқ тортади, ўрнидан туриб олдинга юради, кейин яна чўзилиб, чизиқ тортади. Мен, бу одам нега бундай қиляпти, десам, у ўз-ўзига озор етказиб, азият чекиш орқасинда бўйнидаги гуноҳлардан фориг бўлмоқчи экан.

— Сиз нега буни эсладингиз? — сўради терговчи.

— Масжид ёхуд қабристон ҳам бамисоли дарё, гуноҳдан баъзан фориг бўладирган бир жой. Масжид, қабристонга осийлар бошқа жойдан кўпроқ қадам ранжида қилишади. Албатта, булар орасида битта-яримта виждонини сотган, риё билан келганлар ҳам топилади. Локин уларни деб, гуноҳлари учун қийналган бутун осийларни кўксидан итармоқ тўғри эмас.

— Хўп, қисқаси, сиз Раҳимжоннинг олдин бир қамалиб чиққанини билгансиз. Буни билган ҳолда унга ишониб, шафқат қилгансиз. Фақат бу эмас, эзгулик истаб, уни ҳаттоки ўғлингиз ўрнида кўргансиз. Унинг уй-жойли бўлиб, тинч турмуш кечиришига ёрдам беришни ўйлагансиз. Шундайми?

— Худди шундай.

— Раҳимжон сизнинг ишончингиз, шафқат қилганингизни қадрламаган, дейлик. Аммо у, масалан, сизнинг ниятингиздан ҳам воқиф эмасмиди? — қизиқсинди терговчи.

— Йўқ, нега? Мен унга айтганман.

— Бўлмаса, у сиз билан нима сабабдан низолашди?

— Қайдам. Уша куни унга нима бўлгани менга ноъмалум. Мен бир сонияда уни танимай қолдим.

— Ҳарҳолда, Раҳимжон ўзидан-ўзи сизга қўл кўтармагандир? Балки сиз уни ҳақорат қилгандирсиз?

— Мен уни ҳақорат қилганим йўқ, бўтам. Насиҳатга тоби йўқлигидан феъли тутдимикан? Ичган экан. Мен унга масжид, қабристонда ичиш марҳумларга ҳам, тирикларга ҳам ҳурматдан эмас, деб айтдим. У бўлса, гўёки қутургандек, менга ташланди. Ҳақиқат шу, бўтам.

— Раҳимжон бутун эзгуликлар эвазига сизга нисбатан қабиҳлик қилган. Бу гапни мен айтаётганим йўқ. Қабристондагилар айтишяпти. Бунга Раҳимжоннинг ўзи ҳам иқрор бўляпти. У ҳақда энди сиз нима деб ўйлаясиз?

— Раҳимжон дарҳақиқат қабиҳлик қилди. У бундан сўнг ҳам қабиҳлик қилиши мумкин.

— Нимага асосланиб ундай деяспиз? — сўради терговчи.

— Раҳимжонни бир дарди ҳаринадан қутқармоқ мушкул. Баҳарнав, менинг қудратим етмади. Мен унинг гуноҳларидан фориг бўлишни истаб, азобланиш баробаринда, янгидан гуноҳ қилмоққа мойил эканини англаб турибман.

— Сиз унинг гуноҳ қилишга мойиллигини қаердан биласиз?

— У бисёр нотинч. Ичингда қуртинг борми, болам, деб ўйлайсан. Утганинг ўроғини, кетганинг кетмонини тортиб оладирган турқи бор. Ва яна ичишга ружу қилган. Ҳафтада бир ичмаса, бу Раҳимжон эмас. Бундай кимса гуноҳ билан изтироб орасинда кун кечирмоғи лозим. Мен унга ачинаман.

— Бундан чиқди, сиз ўртада рўй берган низодан кейин ҳам Раҳимжонни бахтсиз йигит, деб ўйлайсизми?

— Шундай, бўтам.

— Сиздан яна бир нарсани сўрамоқчи эдим. Яқинда қабристонни айланишга тўғри келди. Қодир Бўронов деган одамнинг қабрини зиёрат қилдим. Ушанда уларнинг уйи шу яқин ўртада эканлиги менинг диққатимни жалб этди. Сиз Қодир отани танирмидингиз?

— Мен ўз қавмимизни бир оз биламан. Биз турган ерда улар кўп эмас.

— Демак, сиз Қодир ота билан кўришгансиз, — қизиқсинди терговчи.

— Сизга нима десам экан, сиз айтган одам марҳум бўлганида, ўғли мени хизмат учун уйга бошлаб борди. Деворда марҳумнинг сурати турган экан. Суратни кўриб, бу одамнинг кимлиги ёдимга тушди. У баъзан наҳорда, баъзан шомда қабристонни айлангучи эди. Қуръон тиловат қилмасди. Шундоқ қабрларни оралаб, чиқиш кетиш одати бор эди.

— Сизга унинг қуръон ўқимагани ёқмасмиди?

— Йўқ, гап тиловатда эмас. Балки унинг кўнглида ўз эътиқоди бўлгандир. Хушқомат, хушрўй одам эди. Мен ҳеч бир имони йўқ одамдан ҳазар қиламан. Ундан ҳазар қилмаганман.

— У билан гаплашганмисиз?

— Йўқ. У аксар хаёлга машғул эканлигидан гаплашмоқни ўзимга лозим кўрмаганман.

— Раҳимжон-чи, у Қодир отани танирмиди? — сўради терговчи.

— Билмадим. Раҳимжоннинг диққат қилганини хотирламайман. Қабристонга кўп одам келади. Дарвоқе, мен сизга одамни бўшқа одамни айтишим мумкин. Бир йигит баъзан сиз айтган мўйсафиднинг орқасидан қабристонда пайдо бўлгучи эди. Уша ҳаммадан зиёд диққат қилгучи эди.

— Бу, сизнингча, Қодир отанинг бирон танишимиди?

— Айтишим қийин. Мен мўйсафиднинг қисматини эшитдим. Сизнинг ташвишингизга ҳам тушуниб турибман. Шу боисдан, бу борада ўзимга аён бўлган фақат бир гапдан сизни воқиф этмоқчиман. Биз зикр эта турган йигит шу кунлар менинг кўз ўнгимдан кетмай, таажжуб гирдобиде айланмоқдаман. Зероки, у ҳар қачон қабристонда пайдо бўлганида, осойишта юрган мўйсафид ранги ўчиб, тоби қочгандек ҳолатга тушарди.

— Сизнинг гапингиздан, улар ҳарҳолда бир-бирларини таниб, бир-бирларини ёқтирмаган кишилар бўлишган! Хўп, сизнингча, бу йигитдан Қодир ота қандайдир кўрқармиди?

— Йўқ, у, афтидан, хижиллик, озурдалиқ ҳис этгандек эди. Мен унинг мудом хаёлга ғарқ юришидан бир ҳайратга тушган бўлсам, бундай аҳволидан икки паришонлик туйганман. Шундоқ пайтларда, ўзимча, олижаноб бу одам нимадан бунчалар азобланмоқда, деб кўп ўйлаганман. Локин, бўтам, мен бунга жавоб тополмаганман.

— Демак, Қодир ота бу йигитни учратганида, унга тегишли бирон гапми, воқеаними эслаб, фақат кайфияти бузилиб қолмай, алланечук изтироб чеккан. Йигит эса, ўз навбатида, буни билиб, Қодир отага баъзан жўрттага кўриниш бериб турган, шундайми? — деди терговчи.

— Менимча, шундай.

— Улар ҳеч қачон бир-бирларига сўз қотганини пайқамаганмисиз?

— Йўқ, мен буни пайқамаганман.

— Сиз, масалан, у йигитнинг кимлигини тахминан айтолмайсизми?

— Йўқ, бўтам. Мен унинг исмидан ҳам, касби коридан ҳам хабарим бўлмаган.

— Сиз менга бир қанча муҳим нарсаларни айтдингиз. Раҳмат, тақсир, — деди терговчи. — Сиздан илтимос, шу йигит тўғрисида яна эслашга ҳаракат қилинг. Мабодо бирон гап ёдингизга тушса, менга хабар етказинг, маъқулми?

— Маъқул, бўтам.

## Жумбоқ

(Исмаи Бўроновнинг сўроқ анкетасидан)

— Сиз билан охириги суҳбатимизда, асосан, Малика ёқтирган йигит тўғрисида гаплашгандик. Эсингиздами? — деди терговчи Исмаи.

— Эсимда.

— Сиз менга, у йигитни Маликанинг уйида фақат бир марта кўрганман, дегансиз. Тўғрими?

— Тўғри.

— Менинг аниқлашимга қараганда, сиз уни бир эмас, кўп марта кўрган бўлишингиз керак... Бўпти, гапни сал узоқроқдан бошлайлик. Сиз Маликанинг бундан анча йил муқаддам биров билан судлашганини билармидингиз?

— Малика судлашган эканми? Ким билан? Қачон?

— Бундан хабарингиз йўқмиди?

— Сиздан биринчи эшитяпман. Тавба! Менинг анойилигим... Илтимос, менга тушунтириб берсангиз.

— Малика ўша сиз кўрган, Раҳимжон Маҳмудов деган йигит билан судлашган. Улар бир-бирларини ёқтиришганига қарамай, Малика уни қаматган.

— Тавба! Демак, Малика унинг ҳам шўрини қуритган экан-да.

— Раҳимжон қамоқдан чиққандан кейин, улар бояги уйда маълум муддат бирга ҳаёт кечирибди. Ниҳоят, Раҳимжон уйдан кетган. У сизнинг янги уйингиз яқинида жойлашган, бугунги кунда дадангиз ётган қабристонга келиб, қоровулчилик қила бошлаган. Қисқаси, сиз Раҳимжонни ҳеч бўлмаганда дафн маросими пайтида ёки дадангиз қабрини зиёрат қилишга борганингизда учратгансиз...

— Демак, мен уни танимаганман. Ишонинг. Касбим ўзи шунақа. Касалхонага одамлар келиб-кетишаверади, бир кўрган кишингни ҳеч қачон эслаб қололмайсан.

— Шундай бўлиши ҳам мумкин. Аммо мен буни шунчаки форомушхотирлик деёлмайман. Бу сизнинг ўз тақдирингизга ҳам, дадангизнинг тақдирига ҳам ўта лоқайд қараганингиздан далолат беради.

— Чиндан лоқайдлик қилган бўлсам керак. Билмадим. Бунинг устига, унинг бошқа ерга, қабристонга келиб туриши хаёлимга сиғмаган. Уни таниганимда, албатта келиб сизга айтардим... Бу йигитнинг менга, мен туфайли дадамга нисбатан қандайдир адовати бўлган, деб ўйлаяпсизми?

— Унинг адовати бўлгани аниқ...

— Нега? Малика учунми?

— Малика учун...

— Сиз бир неча ойдан буён дадамни ҳам қўйиб, менинг хаётим билан жиддий қизиқаётганингизни билгандим. Ўзимча ажабланиб юргандим.

— Бу ишда дадангиз борасида қанчалик маълумотга эга бўлсам, сиз ҳақингизда ҳам шунчалик маълумот тўплашимга тўғри келди. Бундан сўнг ҳам иш, афтидан, шу йўсинда борадиганга ўхшайпти. Лекин мен дадангизни бирон сония унутганим йўқ. Ҳамон гап биринчи навбатда дадангиз устида боряпти. У кишининг тақдири бизга муҳим бўлмаса, сизнинг ҳаётингизга қизиқиб ҳам ўтирмасдим, — деди терговчи.

— Ҳалиги йигитнинг, Раҳимжоннинг Маликага адовати борлигига бари бир ақлим бовар қилмаяпти. Наҳотки, Маликага уйланиб, ажралганим бунга боис бўлса? Йўқ, мен унга нима ёмонлик қилибман? Хўп, менга нисбатан қасди бўлса, касалхонага бормайдими? Кун бўйи ёлғиз ўтираман. Дадамда гуноҳ нима?

— Раҳимжон, ким билсин, балки, умуман, ўз ҳаёти учун адоватга берилгандир. Бунга Малика фақат сабаб бўлгандир.

— Демак, ҳар қалай, дадамга у тажовуз қилганми? Бечора дадам... Нега очикроқ гапирмаяпсиз?

— Мен, у тажовуз қилганми, йўқми, бу ҳақда ҳозирча сизга ҳеч нарса деёлмайман. Аммо ўртада адоват бўлганига ишончим комил. Биласизми, жиноятчи ҳам одатда, ўзича бировни айблаб, кейин жиноятга қўл уради. Бу гап қанчалик ғайритабиий туюлмасин, амалда шундай. Раҳимжонда бунга асос бор. Лекин шунинг баробарида ҳали Раҳимжон қотиллик қилгани аниқ эмас. Аввало, қўлимда унинг айбдор эканини тасдиқлайдиган биронта далил йўқ. Бундан ташқари, олдимизда кўп нарсалар жумбоқ бўлиб турипти. Масалан, чиндан у нега сиздан эмас, дадангиздан интиқом олиши керак? Малика туфайли сизга, сиз туфайли дадангизга нисбатан адовати бўлганига қарамай, унинг бу оғир жиноятга қўл уриши, балки, боя айтганингиздек, унчалик ақл бовар қиладиган хатти-ҳаракат эмасдир? Қисқаси, бундай бўлган тақдирда, Раҳимжоннинг дадангизга нисбатан қандай қасди бор эди, бунга адоватдан бўлак сабаблар қўшилдимикин? Мен Раҳимжондан аллақачон шубҳаланганим учун ҳам уни дарҳол ҳибсга олишим мумкин эди. Лекин бу саволларга жавоб топмай туриб, ундай қилолмайман. Бунинг устига, масалан, бошқа бир йигит дадангизни Раҳимжондан кўпроқ таъқиб қилган. Бу албатта Раҳимжонни оқлашга боис бўлолмайди, аммо уни қоралашга ҳам халал беряпти... Биласизми, умуман, мен турли кишилардан анча-мунча гапларни сўраб-суриштириб, ойлар бадалида тинимсиз ўйлаган, изланган бўлсам-да, тўғриси, ҳамон ўзимни қизиқтирган дастлабки саволга ишончли, аниқ жавоб топганим йўқ. Қодир отада кимнинг қасди бўлган? Кўриб турибсиз, биз айланиб-айланиб, яна эски муаммога тўқнаш келдик. Бу ерда ҳамма бало шундан иборатки, биз дадангиз ҳаётини ҳозир ҳам яхши тасаввур қилолмаяпмиз. Мен сизни янгидан сўроққа тутиб, дадангиз, у кишини таъқиб қилган йигит тўғрисида суриштирмайман. Безовталанманг. Мен бугун сизни бунинг учун чақиртирганим

ҳам йўқ. Чунки сиз фақат дадангиз эмас, ўз ҳаётингизни ҳам кўнгилдагидек билмайсиз.

— Дадамни ким таъқиб қилган экан? Кечирасиз, мен бундан ростдан ҳам хабарим йўқ. Сезиб турибман, сиз менга айтмайсиз! Майли... Буниси майли. Мени ақалли бугун нега чақирганингизни ҳам айтмайсизми?

— Сиз ўзингизни кўпинча олижаноб одамдек тутишга ҳаракат қиласиз, — деди терговчи. — Керак бўлса, оқланишга мойилсиз. Буни қўйиб турайлик. Умуман, сиз ўзингизни олижаноб одам деб ўйлайсиз. Очиғи, мен ҳам сизни, маълум қусурлари борлигига қарамай, суяги тоза, яхши одам, деб ўйлаб келдим. Лекин энди сиз ҳақда ундай деёлмайман. Чунки дадангизнинг ўлими, нима қилганда ҳам, сизнинг ҳаётингиздан четда, сизга дахлсиз ҳолда рўй бермагани ошкор бўла бошлади. Сиз ҳам мусичаи бегуноҳ эмассиз. Мен бугун сизга, асосан, шу гапни айтмоқчи эдим.

## Ҳар тўқисда бир айб

(Жамил Сатторов билан суҳбат)

— Сиз билан кўришмаганимизга ҳам кўп бўлди, ўртоқ Сатторов. Мен сизни нега йўқламаганимни ўзингиз билсангиз керак, — деди терговчи Жамилга.

— Сиз мендан энди шубҳаланмайсиз, шекилли. Ўзимча шунақа деб ўйлагандим.

— Тўғри ўйлагансиз.

— Мен сиздан умуман... миннатдорман. Айбимга яраша бир оз ётиб чиққаним ёмон бўлмади. Беш-ўн кун ичида янгидан ҳаётнинг мағзини чақдим. Дунёда ҳеч қачон мудраб, лоқайд-бепарво яшаш мумкин эмас экан! Энг муҳими, ўзимнинг айбим нимада эканлигига тушундим.

— Хўп, сизнинг айбингиз нимада экан? — қизиқсинди терговчи.

— Аввало, Исматни унчалик ёқтирмаганим учундир, Қодир ота билан унинг оиласидан яширинча муносабатда бўлганман. Ҳолбуки, чолни имкон етганча кўпроқ қадрлашим, ўз ҳимоямга олишим керак эди. Ушанда, балки қарияни фалокатдан ҳам асраб қолармидим?! Мудҳиш воқеа рўй берган тунда, йўлакдан оёқ шарпаси эшитилгандаёқ, мен ялпайиб ўтирмасдан, ўрнимдан сапчиб туриб, эшикка қарашим мумкин эди. Сиз нима деб ўйламанг, маҳаллада турган уйимиз менга ҳозирги янги уйдан кўпроқ ёқарди. Маҳаллага, одатда, бегона бир одам тунда икки марта ўрмаласа, бас, бутун маҳалла дарҳол оёққа қалқарди. Бизнинг янги уйларимизда бўлса, ўзингизники бегонадан ажратиш қийин. Қоронғи тушиб-тушмасдан, ҳамма ўзига тегишли каталакка биқиниб олади. Бировнинг бировга иши йўқ, сенинг уйингни сув олиб кетмайдими, ҳаммаси, нари борганда, деразадан қараб тураверади. Кечқурун бундоқ чойхонага чиқиб отамлашмаганидан кейин, яқиндан танишиб, бир-бирингни суяшга ўрганолмайсан, албатта. Мен янги уйга қарши эмасман. Лекин гапнинг омадини айтяпман. Менинг ҳам қони-жонимга кўпчиликка хос шундай лоқайдлик ўрнашмаганида эди, қарияга ёрдамим теккан бўларди, демоқчиман... Уйимдаги коллекция мен учун ниҳоятда қадрли. Лекин мудҳиш воқеа рўй берганида, мен коллекция эмас, ўртадаги мана шу муносабатни ўйлаб, дудамни яширганман. Исмат, бошқалар ҳам, сиз ҳам менга шубҳа билан қарашингиз мумкинлигидан қўрқиб, шубҳага ўрин қолдирмасликка ҳаракат қилганим сайин, худди ўргимчакка ўхшаб ўзим тўқиган тўрга ўзим ўралаша-верганман. Мен вақтида сизга бунини тушунтириб беролмагандим.

— Майли. Эҳтимол, шундайдир. Ҳозир бу муҳим эмас, — деди терговчи. — Сиз, анчадан буён кўришмаганимизга қарамай, рўй берган воқеани қайта-қайта эслаб, бу тўғрида мулоҳаза юритгансиз. Шу боисдан, сизни бугун яна йўқладим. Бундан ташқари, яқинда Исмат Бўронов билан одатдагидек гаплашдим. У отаси ҳақида деярли ҳеч нарса билмайди. Умуман, аввалдан ҳам арзирли бирон гап айтгани йўқ. Сизнинг сўнги йилларда Қодир отани ўғлидан кўра кўпроқ кузатганингиз ёдимга тушди, бизга анча маълумотларни берганингиз ҳаёлимдан кечди. Қисқаси, сиздан отанинг охириги кунлардаги туриш-турмушини яна бир қатла сўраб-суриштириб, ўзимнинг айрим фикрларимни сиз билан ўртоқлашишга қарор қилдим. Биласизми, мен кейинги пайтда Қодир отанинг уйдаги турмушдан мамнун бўлмагани устида кўп ўйладим. Буни биринчи сиз гапиргандингиз. Бу тасдиқдан ўтгани учун ҳам энди бунга юз фоиз ишониб мумкин. Хўп, у нега мамнун эмасди? Сизга ҳам, менга ҳам қариянинг уйда ўзига нисбатан кўрсатилган ҳурматсизликдан, камситишдан, эр-хотин ўртасидаги можаролардан толиқиб, эзilib йургани маълум. Лекин, масалан, у фақат шу сабабдан бундай аҳволда юрганмикин? Бунинг бошқа боиси йўқмикин?

— Менимча, фақат шу...

— Менинг фикримча, ундай эмас. Қодир ота баъзан уй яқинидаги қабристонни айланишга одатланган экан. Мен бу гапни эшитиб, бир оз хаёлим қочди. Сиз унинг бу ишини пайқамангиз?

— Пайқагандим. Мен уни қабристон эшигида икки-уч кўрганман.

— Сиз нима деб ўйлайсиз, у нега қабристонга бот-бот кириб турган? Уйда қисинганидан бундай қилганми? — сўради терговчи.

— Эҳтимол, қисинганидан шундай қилгандир. Қодир отанинг кўп дўстлари, аёли бошқа жойда бўлса ҳамки, тупроқда ётишипти. Ота, балки уларни баъзан эслагандир.

— Йўқ, мен унинг бу одатини эшитгач, юрагим бирдан орқага тортди. Чунки менга у ўшанда бостириб келаётган қандайдир хавф-хатарни ҳис этгандек бўлиб туюлди. Аммо отани биров гоҳ шомда, гоҳ наҳорда таъқиб қилганини эшитдим. Шундан сўнг тахминим тўғрилигига ҳеч қандай гумоним қолмади.

— Бунисини пайқамангиз. Ота менга ўғли, келинидан ҳеч қачон шикоят қилмаганидек, бу тўғрида ҳам оғиз очмаган. Уйдаги турмуши қандайлигини ўз кўзим билан кўрганман, бошқа бир дард билан оғригани-ю душмани борлиги эса етти ухлаб тушимга кирмаган.

— Балки, сиз ҳақдирсиз, — деди терговчи. — Иш ҳали бошқача кўчиши ҳам мумкин. Ҳарҳолда, ҳозирга қадар бизга кимнингдир шахсан отага нисбатан душман эканлиги маълум эмас! Лекин уни бир йигит таъқиб қилгани аниқ! Менимча, Қодир ота фақат уйдаги аҳволи учун қайғуриб, тунларда баъзан мишжа қоқмай, кундузлари қабристонда уйчан айланмаган! Қария уйдаги турмушдан кўнглида, умуман, норизо бўлган. Чунки унга боғли йигит кўнглисиз бир воқеани эслатиб, охири кунларда бутун хаёлини банд этган. У қандайдир хавф-хатарни ҳис этиб, ўғлининг лоқайд-бепарволиги, ўзининг эса фалокатнинг олдини олишга ожиз эканлигидан қаттиқ нотинчланган.

— Демак, нима қилганда ҳам, сизни ҳозир отани таъқиб қилган йигит қизиқтиряпти.

— Худди шундай, — деди терговчи. — Ким ўзи у? Қодир отани нега таъқиб қилган? Ота қандай кўнглисиз воқеани эслаган? Фақат унинг бошидами ёки қария кутган хавф-хатар булути бутун хонадоннинг устида муаллақ турганмиди?

— Сизга ҳеч қандай ёрдамим тегмаса керак. Мен отани уйда, ўзим бўлган дўконда, ҳаттоки қабристон эшигида ҳам кўрганман. Аммо у йигитни учратмаганман.

— Сиз уни учратган бўлишингиз ҳам мумкин. Унинг отага эргашиб юрганига кўзингиз тушмаган, албатта. Лекин ота билан дўконда ҳам кўришгансизку. Дўконга, одатда, ҳар хил одамлар кириб чиқишади, — деди терговчи.

— Сиз қарияни, ким биландир сал бошқачароқ муносабатда бўлмаганми, демоқчисиз? Йўқ, унақаси бўлмаган. Қодир ота ўзини тутат билган одам эди. У кўча-кўйда бировлар билан ёзиллашиб, гап талашиб юрмасди. Масалан, мен қассобчилик қилган дўконни олайлик. Сичқоннинг инидек тор дўконга кириб-чиқадиганларнинг деярли ҳаммаси менга отнинг қашқасидек таниш. Булар орасида жангарилар ҳам, эзма кишилар ҳам, кибрилар ҳам, ялтоқилар ҳам йўқ эмас. Баъзан улар ўзаро арзимаган нарсалар устида бўғилишиб, жанжал ҳам кўтаришади. Бир куни Қодир ота дўконга кирганида, қорачадан келган ваданги бир йигит ўзича куйманиб, одамларни тартибга солиш, навбатни назорат қилиш пайига тушди. У олдинда турган бир қарияга бекордан бекорга тиркала бошлади. Ҳалиги қария чўнтагидан ҳужжат чиқарди, хизмат кўрсатган, урушда қатнашган отахонлардан экан, лекин йигит бари бир орқага чекинмади. Сенлар қанақа хизмат кўрсатганларингни биламиз, деб энди қарияни рўй-рост ҳақорат қилди. Эҳтимол, битта-яримта урушдан қочган, кейин ўзига ҳужжат тўғрилаб олганлар ҳам топилар. Лекин кимнингдир имонсизлиги учун, халққа умрини берган, қон тўккан барча кексаларни аёвсиз тергашга, уларни тап тортмай ҳақорат қилишга ҳеч кимнинг, айниқса, бизга ўхшаган ёшларнинг ҳаққи йўқ. Куюшқондан чиққан йигитга уруш қатнашчилари навбатга турмаслиги тўғрисидаги кўрсатмани эслатдим. Кейин, қариянинг хизмати-ку, майли, ҳеч бўлмаса унинг ёшини ҳурмат қилмайсанми, деб кескин танбеҳ бердим. Титраб-қалтираётган чолни ҳам тинчитдим. Умуман, бу одатдаги воқеа эди. Лекин мен ўшанда Қодир отани кузатганман. Жанжал қўзғалганда, унинг асаби таранглашиб, бир оз ранги ўчгандек бўлди. Йигитнинг ҳақоратини ўзига олдим, кечган жанг-жадаллар асоратидан шу ҳолатга тушдим, айтолмайман. Аммо Қодир ота мен кутганимдек можарога аралашмади. Ғала-ғовур ичида кўпчилик қатори бир оғиз гап ҳам қўшмади. Пачакилашиб ўтиришни ўзига эп кўрмадим, ҳар қалай, ҳалиги йигитга босиқ-вазминлик билан, лекин алланечук ижирғаниб бир қараб қўйди, холос. Кейин менга юзланди. Ўғлим, мен сал туриб келарман, деб дўкондан чиқиб кетди.

— Сизга бу воқеа ниҳоятда жўн туюляпти, шундайми? — сўради терговчи.

— Ҳа, албатта.



— Менга қолса, у сиз ўйлаганчалик жўн эмас. Мана шу воқеанинг ўзи ҳам отанинг ким биландир бошқача муносабатига киради. Мен ҳикоянгиздаги айрим нуқталар устида тўхталмоқчиман. Сиз дўконга кириб-чиққанларни, асосан, билган экансиз. Ҳўш, ҳалиги йигитни ҳам танийсизми?

— Танийман. У ҳозир ҳам баъзан дўконга кириб туради.

— Бу йигит доим кексаларга шунақа тирғаладимиз?

— Йўқ. Билмадим, уни ўша куни нима жин урди.

— Сиз дўконга кириб чиқадиганларни, масалан, эзма ёки кибрли, дегандек баҳоладингиз. Бу йигит тўғрисида фикрингиз қанақа?

— Менимча, ёмон йигит эмас. Афтидан, ақлли, умуман, хушсухбат йигит. Уша куни ўзича «ҳақиқатпарвар»лиги тутиб, беихтиёр меъёрни унутиб қўйдимикан? Бошқа бирон ерда асаби бузилган бўлиши ҳам мумкин. Баъзан уйда кўнглинг хуфтон бўлса, кўчада бировнинг дилини сиёҳ қилишдан ўзингни тўхтатолмай қоласан. Лекин унинг бир феъли менга ўтиришмайди. У, мен одам эмас, чўнтагим одам, дейдиганлар қабилидан. У бизнинг соҳада ишлайди. Кўрган бўлсангиз, қабристон орқасида жимит бир бозорча бор, ўша ердаги дўконда газ-сув, арзонгаров ичимликлар сотади. Пулга ўч. Пул одамнинг бурнини шиширади. Ушандаги унинг кексаларга ҳурматсизлиги ҳам шунинг оқибати бўлса керак.

— У ўша куни бошқа қарияга тирғалиб, аслида Қодир отани чимдиб олмоқчи бўлмаганмикан? Қодир ота буни англагандан можарога аралашмаган, деб тахмин қилолмайсизми?

— Йўқ, дўконда олдинга суриган кексаларни Бекмирзадан бўлак доим ҳам орқага тортадиганлар топилади. Мен буни кўп кузатганман.

— Унинг номи Бекмирзами? — сўради терговчи.

— Бекмирза... Йўқ, менимча, Қодир ота билан улар дўконда бир-икки кўришиб қолишганини айтмаганда, бир-бирларини унчалик танишмасди ҳам... Тўхтанг-чи... Қодир ота эмас, у Исмат билан таниш, шекилли. Бир гал кўчада иккиси анча гаплашиб туришганини кўрганман...

## Этик кийган аёллар

(Бир мактуб ва унга жавоб мактуби)

«Ҳурматли Бахти Йўлдошева!

Ўтган йили Бухорога, сизнинг қишлоғингизга борганимда, менга сиз билан кўришиб-сухбатлашиш насиб этмади. Тўғриси, у пайтда сизни излаш хаёлимга ҳам келгани йўқ. Чунки сиз ҳақда ҳали ҳеч нарса билмасдим.

Тошкентга қайтгач, кундан кунга сизнинг исмингиз ўз-ўзидан қулоғимга чалина бошлади. Кейин, бир куни бехосдан «Саодат» журнали муқовасида сизнинг суратингизни учратдим. Журналда сизга бағишланган мақола ҳам босилган экан, ўқидим. Ниҳоят, сиз билан албатта кўришиб-сухбатлашишга қарор қилдим. Аммо бу менга яна насиб этмади. Қурултой баҳонасида Тошкентга келганингизни эшитиб, сизни пойтахт меҳмонхоналаридан қидира бошладим. Аммо дарагингизни топган пайтимда, мўддатидан бир кун бурун қишлоққа жўнаб кетганингизни хабар қилишди. Фурсат топиб, бу гал фақат сизни кўриш учунгина яна қишлоққа бордим. Аммо сиз билан хабарлашмасдан йўлга чиқиб, тўғри иш қилмапман, сиз қишлоқда эмас, Москвадаги бир анжуманда экансиз. Қишлоқда менга сизнинг сўнги йилларда обрў қозонган пахтакорлардан бўлиб, айримлардек фақат исмингиз эмас, ўзингиз кеча-кундуз тер тўкаётганингиз сабабли, ҳаттоки, марказдан келган мухбирлар билан кўришишга ҳам, одатда, ортиқча вақтингиз йўқлигини айтишди. Мен буни тушунман. Шунга қарамай, қишлоқдан қуруқ қайтиб, мана, орадан тагин маълум муддат ўтгач, ўзимча, нима қилганда ҳам, сиз билан ақалли бир қур сўзлашмаслигим мумкин эмаслигини теран ҳис эта бошладим. Бу энди заруратга, эҳтиёжга айланиб қолди. Қисқаси, сиз билан кўришиб-сухбатлашим, ҳеч бўлмаганда, сиздан икки оғиз дастхат олишим шарт. Мактубнинг бу даромад қисмини ўқиб, сиз менинг дийдор кўришув ёхуд ёзишмадан мақсадим нима эканлигига, умуман, нега сизнинг ҳаловатингизни бузаётганимга тушунмаётгандирсиз? Бу ким экан ўзи, деб ажабланаётгандирсиз?

Мен сиз учун нотанишман ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолавераман. Аммо мени бир ҳиссиёт сиз билан қизиқсинишга мажбур этди. Мен учун сизнинг ҳамқишлоғингиз Қодир ота Бўроновнинг хотираси муқаддас. У сиз учун ҳам шундай, деб ўйлайман...

Менга Қодир ота тўғрисида билганларингизни хабар қилолмайсизми? Сиз

ҳозир қизғин курашдан иборат ҳаёт бағридасиз, шу боисдан, сизнинг ота ҳақидаги ҳар қандай тахминингиз ҳам бошқаларнинг фикридан олдинда туради.

Мендан одобсизлик қилаётганим учун ранжимайсиз, лекин, Исмат Бўронов сизнинг дўстингизми, вақтида дўстингиз бўлганми, қабилада бир гап эшитгандим. Менга Исмат тўғрисида ҳам муфассал, очиқ сўзлаб, у ҳақда ҳатто Қодир отага нисбатан ҳам кўпроқ тўхталишингизни истардим.

Демак, кўришишнинг ҳеч иложи йўқ, деб билган тақдирда, мендан агар икки энлик дастхатингизни дариф тутмасангиз, сиздан беҳад миннатдор бўлардим. Сизга чексиз ҳурмат билан... Имзо».

«Ҳурматли ўртоқ терговчи!

Мен ёшлиқдан қишлоқдами, шаҳардами, ҳамма ерда баркамол кишиларни кўришни орзу қиламан. «Одам фаришта эмас» деган гапни кўп эшитганман. Бу гапнинг мазмунига ақлим етади. Бироқ мен бунга кўшилмайман. Бу менга турмушда учраган нуқсонларни пардалаш ва ҳаттоки, оқлаш йўлини тутган одамлар фалсафаси бўлиб туюлади. Одамларда эзгу хислатлар оз эмас, аммо уларга бефарқ қарай олмайман. Баъзан кимнидир ардоқлаб, унинг нуқсонларидан кўз ҳам юмишга ҳаракат қиламан. Аммо кунлардан бир куни хунук бир воқеа рўй бериб, ундан дабдуруст кўнглим совийди... Китоблар ёки кинофильмларда айрим қаҳрамонларга дуч келиб, уларга меҳримиз тушади. Бундай қаҳрамонларни «идеал кишилар» дейишади. Мен атрофимга аланглаб, мана шу «идеал одамлар»ни кўришни-ю улардан андоза олишни истайман. Қодир ота тасаввуримда ана шундай кишилардан эди. Болалик чоғимда отамдан ажралганман. Қодир отанинг урушдан қайтган кунларини яхши эслайман. Биз унинг дарагини эшитиб, гўёки ўз отамиз қайтиб келгандек кўча чангитганча, уларникига юрак ҳовучлаб югурганмиз. Ота ҳам буни ҳис этиб, бизнинг ҳар биримизни, айниқса отаси қайтмаганларни бир бошдан меҳр билан қаттиқ бағрига босиб, ўпиб-эркалаган.

Қодир ота раислик пайтида ҳам урушга одам юборган оилалар ҳолидан вақтибевақт хабар олиб турди. Буни ҳеч қачон унутиб бўлмайди!

Қодир отанинг ўлими тўғрисида қишлоқдагилар бултур бехосдан шивирлашиб қолишганида, юрагимдаги туғён кўксимга сиғмай, ўкириб юборгандим. Халқни деб яшаган инсонни бировнинг ифлос қўллари чавақлаб кетиши номардликдан, адолатсизликдан бўлак нарса эмас! Отага кимнинг душманлик қилганини айтолмайман. Дунёда совуққонлик билан эзгуликка қўл кўтарадиган қабиҳ одамлар озми? Улардан қайси бирини кўрсатасан!

Мен баландпарвоз гапни ёқтирмайман. Лекин Исмат Қодир отани қишлоқдан олиб кетдими, бас, ҳар қандай бало-қазодан уни асраб қолишга бурчли эди.

Исмат билан биз бир кўчада ўсганмиз, бир мактабда ўқиганмиз. Болаликдаги биринчи сирдош дўстим ҳам, далага, пахтага чиққанимда, ёнма-ён эгатда юрадиган ўртоғим ҳам Исмат эди. У бошқалардан билимдонлиги билан ажралиб турарди. Исматни қизиктирмаган фан йўқ эди, ҳисобни, кимёни сув қилиб ичган эди. Санъатни севарди. Мактабдаги деворий газеталарни безаб, расм солишни ўрнига қўярди. Фақат бу эмас, биз ҳали қишлоқдан нарини кўрмаган, театр деган нарсани тасаввур ҳам қилмаган бир пайтда, у ҳар ҳафтада бир Бухорога тушиб, томоша кўриб қайтарди. Аммо Исмат тарих ва адабиётга бошқаларга нисбатан ҳам, айниқса, меҳр қўйганди. У мактабда ҳам, далада, уйда ҳам нуқул тарих ва адабиётга тегишли китобларни варақлаб, турли қаҳрамонлар тўғрисидаги ҳикояларни қидирар, бизга ўқиганларини эрта-ю кеч мароқланиб, гапириб юрарди. Унинг ўшанда ҳаёти мана шу ҳикоялардан тўқилиб, бизнинг кўз ўнгимизда катта мазмун касб этган эди.

Исмат, афтидан, Қодир отанинг изини босадиган эди. Биз уни буюк ишлар учун яратилган, қаҳрамон, деб ўйлар, унга меҳр, алланечук ҳайқиш билан зимдан тикилар эдик. Мен Исмат билан дўст эканлигимдан фахрланар эдим!

Ҳаш-паш дегунча мактабни битирдик. Исмат менга кўққисдан, Тошкентга борамиз, деб қолди. Унга ёлғиз онамни ташлаб кетолмаслигимни айтиб, иккимиз бирон ерда сиртдан ўқишимизни таклиф қилдим. У мен билан ҳисоблашиб ўтирмай, ўзи Тошкентга жўнади. Исмат катта ишлар қилади, унинг оёғини кишанлашга ҳаққим йўқ, деб ўзимни овутидим. Ортиқча ранжимасдан уни кутишга жазм этдим.

Исмат менга хат-пат ёзгани йўқ. Таътил пайтлари қишлоққа келганида, баъзан кўришиб турдик, холос. Гап хат ёки бизнинг кам кўришганимизда эмас, албатта. Мана, мен шаҳарликман, деб башанг юриши, ўз-ўзидан мамнунлигига қараганда, Исмат мендан кундан-кунга узоқлашиб, мени аллақачон унута бошлагандек эди. Аммо у ўқишни битирганида, қишлоққа келиб, кўққисдан менга яна Тошкентдан оғиз очди.

Аслида, мен уни кутавериб, толиққандим. Бунинг устига, қизбола маълум бир

ёшгача ойисининг бағрида ўтира олади. Шу боисдан, мен энди онажонимдан узр сўраб, Исматнинг орқасидан Тошкент эмас, дунёнинг бир чеккасига ҳам кетаверишимга ҳеч нарса монелик қилмасди. Ҳамма бало шундаки, бу энди, мен болаликда билган Исмат эмасди!

Иккиландим. Кейин, кўнглимда эътироз туғилди...

Исматнинг ножибдид муносабатидан тасаввуримга раҳна тушган эди. Мен энди ўзимни унга бир пайтлардагидек меҳр қўйишга мажбур қилолмасдим. Шу сонияда ўзимни ўзим, сенинг бу таассуротинг чалкаш, қизлик ғурури сени ҳаволантиряпти, адашяпсан, деб тергашга ҳам тайёр эдим. Аммо қаршимда бир пайтлардаги юз-кўзлари порлаб, ҳуснига ҳусн қўшилган ўсмир эмас, биргина мени эргаштиришга ҳам ишончи йўқлигидан кўрқиб, буришиб-тиришганча, ялингансимон қиёфадаги бир кимса турарди. Шу аснода, у ҳеч қачон мени ҳам, ўнлаб, юзлаб, минглаб кишиларни ҳам эргаштиролмади, деган ҳаёлга бордим. Бехосдан, у қаҳрамон эмас-ку, деган фикр миямда чақмоқдек чақнади.

Ўйлаганларим ичимда қолди. «Қишлоққа сизга ўхшаган врачлар керак. Умуман, менга айтадиган гапингиз бўлса, ўзингиз қолинг!» дедим.

Исмат мулоҳаза юритиш ўрнига асабийланиб, менга шаҳарнинг қишлоқдан минг чандон афзаллигини тушунтиришга урина бошлади. Келишолмадик.

Орадан кўп ўтмай, унинг уйланганини эшитдим.

Мен ҳам турмуш қурдим. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик ходимларининг турли мажлис-анжуманлари баҳонасида Тошкентга кўп бордим. Исмат билан бир неча марта учрашдим. Наздимда, болаликдаги Исмат йўқолиб, унинг ўрнида бора-бора негадир бошқа Исмат қад-қомат тиклагандек бўлди. Мен мана шу — кейинги одам тўғрисида муайян бир фикрга келишим керак эди. Бундан икки йилча бурун биз охириги марта учрашдик. Шаҳарга борганимда, томоша кўришга мўлжалланган вақтдан фойдаланиб, Исматни сўроқладим. У поликлиникада ишлайди. Иш-хонасига йўқлаб бордим. Скамейкалардан бирига ўтириб, сал ўзимни йиғиб, нафас ростлашга ҳам улгурмасимдан, Дилкаш деган ҳамшира қиз бор экан, пилдираб ёнимга келди. У бошда менга ниҳоятда очикдай кўринди. Аммо кейин, шунчаки танишганимиздан кифояланмай, менинг кимлигимни ҳадеб суриштира-вериб, энсамни қотирди. Мен кўп ўтмай гап нимада эканлигини тушундим. Исмат ўзи ишлайдиган хонасидан чиққанида, Дилкаш иккимиз турганимизни кўриб, андак нохушлангандек бўлди. У, бунинг устига, бизга гўёки бўйнидан арқон боғлаб судрагандек, истаб-истамаган ҳолатда яқинлашди. Дилкаш Исматга тик қадалиб, қандайдир эшилди, суйкалди. Исмат хижолат чеккани сайин Дилкаш унинг пинжига бадтар суқиларди. Мен Исмат тўғрисида муайян фикрга келгандим. Исмат энди ёши қирққа борган бачкана бир одам эди!

Исмат тумтайиб, бир-икки тўнғиллагач, Дилкаш бизни ниҳоят холи қолдирди. Кейин Исмат менга, сиз шошманг, илтимос, ақалли бир оз сўзлашайлик, сиз билан гаплашадиган гапим кўп, деди. Биз болаликдан дўстмиз, ҳаётимиз қандай давом этмасин, бир умрга дўст бўлиб қолаверамиз, деди.

Йўқ, менинг бу ерда ортиқ ўтиришга на вақтим, на хоҳишим бор эди. Дилкашнинг издан мен ҳам, мийғимда кулганча, Исмат билан хайрлашдим. Яна саволлар туғилиб, кўришиш зарур бўлса, қишлоққа келаверинг, бош устига! Сиз Қодир отанинг тақдири билан қизиқаётган экансиз, мен ҳеч қачон вақтимни аямайман.

Самимият билан:  
**Бахти Йўлдошева.**

## Калаванинг учи

(Мулла Шамсуддин билан кутилмаган мулоқот)

- Хуш кўрдик, тақсир. Салом алайкум, — деди терговчи муллани кўчада, эшик олдида учратиб.
- Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ... Намози бамдодни ўқиб келавердим, бўтам. Маъзур тутасиз.
- Гапингиздан, мени анча кутибсиз-да, — деди терговчи.
- Зиёни йўқ, бўтам. Идора қулфлоглиқми?
- Ҳа, лекин менда калит бор, тақсир. Ҳозир очамиз... Қани, марҳамат... Хўп, мақсадга кўчайлик, тақсир. Бирон гап эсладингизми?

- Мен уни дўконда ҳам бир кўрган эканман...
- Қанақа дўконда?
- Бозордаги дўконда. Майфуруш... Кеча-кундуз ўйлаган билан бошқа арзийдирган ҳеч гап хаёлимга келмади. Шу боисдан, сизга аввалдан у тўғрида бекор сўзлаб, гуноҳ қилмадимми, деб қаноат ўрнига, билъакс, ўн беш кундан буён ўз-ўзимдан норизо бўлмоқдаман.
- Демак, сиз менга, яхши билмас эканман, гапиришим зарур эмасди, демоқчисиз, шундайми? — мулланинг сўзига аниқлик киритди терговчи.
- Шундай, бўтам. У йигит қабристонда мўйсафидга кўз тикмоқдан бўлак менга бирон айб зоҳир этмаган. Мен буни таъкидлашим лозим. Зероки, ундан шикоят айлаб, унинг қисматига зомин бўлмоқдан, охиратда жавоб бермоқдан қўрқаман.
- Хўп, майли, лекин сиз саҳардан менинг ҳузуримга фақат буни айтиш учунгина келмаган бўлсангиз керак? Еки шунинг учунгина келдингизми, тақсир?! — Йўқ, мен авваламбор Раҳимжон борасида... Менинг сўзим сўз. Раҳимжонга, унинг зулмидан кўз юмиб, шафқат истайман. Ҳеч қандай талабим, ҳеч қандай давоим йўқ.
- Сиз буни менга ўтган гал айтгансиз. Мен кейин қоғозга белгилаб ҳам қўйганман, — деди терговчи.
- Гап бошқа, бўтам... Бир замонлар бизнинг падари бузрукворимиз сипоҳи бўлган. Бошга дубулға қўндириб, қилич тақиб юрган. Биринчи жаҳон муҳорабасинда Туркистондан жўнаб кетган, биз учун беному нишон қолган. Алқисса, на мен, на биродарларимга қиблагоҳдан бирон бир мерос теккан. Локин, йиллар кечиб, биз машаққат билан улғайганимиздан кейин, кунлардан бир куни, менга падари бузруквордан баногоҳ ҳам мерос, ҳам ёдгорлик насиб этди: мен уйдаги арзимас ашёларни кўздан кечира туриб, қўлимга қиблагоҳга тааллуқли бир дудамга тушди. Бу воқеанинг айна ҳақиқат эканига, истасангиз, менинг биродарларим — улар ҳаёт, бири этикдўз, бири сартарош, — бажонидил шаҳодат беришади. Мен у яроқнинг баҳосини билмадим, балки кўп қиммат ҳам, кўп арзон ҳам эмасдир, баҳарнав, менга ҳам мерос, ҳам ёдгорлик тариқасинда, ҳар қандоқ хазинадан устун кўриниб, азиз ва муқаррам бўлмишдир. Алқисса, мен бу яроқни ёнимда сақлаб юрмоққа одат қилган эдим. Лекин бултур моҳи қурбонда бир куни таҳорат пайти ғофил бўлиб, кимдир дудамани ғилофдан суғуриб, қандоқ ўғирлаб кетганини англамай қолдим...
- Сиз, дудамани Раҳимжон олган, деб ўйлайсизми? — сўради терговчи.
- Худди шундай.
- Нимага асосланиб бундай деяпсиз?
- Қабристонда бошқалар билан йиллар бадалида нон-туз бўлганмиз. Улар бу йўсин ҳунар кўрсатмоққа ҳеч вақт саъй билдиришмаган. Мен воқеа рўй берган соатда Раҳимжоннинг қўлини тутганим ёхуд унинг қўлида дудамани кўрганам йўқ. Локин, бу ишда баҳарнав ундан гумондорман.
- Раҳимжоннинг ўзига ундан шунақа гумонингиз борлигини айтганмисиз?
- Айтганман. Локин бўйнига қўёлмаганман... Мабодо сиз бўйнига қўйсангиз, ўлгунимча дуои жонингизни қилардим. Бу тонгла шу ниятда ҳузурингизга келдим.
- Демак, Раҳимжондан дудамани олиб, сизга қайтариб беришимни сўраяпсиз, шундайми?
- Шундай, бўтам.
- Сиз бирон ерда ўша дудамани кўрсангиз, танийсизми?
- Шубҳасиз... Бир мен эмас, икки биродарим ҳам, қабристондаги дўстлар ҳам таниб, бунга шаҳодат беришлари муқаррар.
- Унда, тўхтанг-чи... ҳозир... масалан, мана бу ўша дудамга эмасми? — тортмадан Жамил келтирган дудамани олиб, муллага кўрсатди терговчи.
- Менга беринг-чи, бўтам... ўша! Мен, бу ҳамон Раҳимжоннинг қўлида, бирон қабр орасига яширган, деб ўйлагандим. Унинг бундоқ одати йўқ эмас. Ундан олиб қўйганингизни билмагандим. Сизга Раҳимжоннинг ўзи топширдими?
- Ҳозирча сизга буни айтмайман. Фақат бир гапни айтишим мумкин, — деди терговчи. — Сизнинг дин нуқтаи назаридан дунёга, одатда, сароб дегандек қараб, одамларнинг кундалик турмушдаги қилмиш-қидирмишларидан аксар кўз юмишингиз, жиддий муносабатда бўлиш ўрнига, ўзингизча ҳаммани мўмин деб юришингиз, оқлашингиз ҳаётда баъзан кутилмаган кўнгилсиз ишларга олиб келади.
- Билмадим, бўтам. Маъзур тутасиз. Худо шоҳид. Ҳаммамиз ҳам осий бандалармиз... Баҳарнав, бу яроқни энди менга қайтармоқнинг имкони йўқми, бўтам?
- Йўқ, бу менга ҳозирча керак, тақсир.

# ИНТИҚОМ

(Терговчи монологи ёки айбнома)

— Утган йили сентябрь ойи эди, Қодир отага тажовуз қилинганида. Яна сентябрь оёқлапти. Бу орада, мана, ниҳоят, тергов ҳам якунига етди. Менимча, терговнинг қайси йўсинда борганини сиз бошқалардан яхши биласиз, Исмат Бўронов. Шунга қарамай, сизга буни эслатишга эринмайман... Мен бошда дадангиз ҳаётини кунт билан ўрганишга уриндим. Ушанда, тўғриси, Қодир отага суиқасд қилингани инқилоб ёки уруш давридан қолган қандайдир катта, эски бир синфий адоват нишонаси эмасмикин, бу ишнинг шунақанги илдиэлари йўқмикин, деб ўйлагандим. Аммо кейинчалик бунга нуқта қўйиб, сизнинг ҳаётингиз билан қизиқсинишимга тўғри келди. Чунки менга рўй берган фалокат дадангиздан кўра кўпроқ сизга тегишлидек, бутун воқеалар ҳам дадангиз эмас, сизнинг тегрангизда бир илға тизилаётгандек бўлиб туюлди. Мен инқилоб ёки уруш даврига ҳеч қандай алоқаси йўқ бахтсиз бир ҳодиса, бир-икки тахмин қилинганидек, хаёлга сиғмайдиган тасодиф рўй берганини ҳис эта бошладим. Шу йўлдан бориб адашмаган эканман. Тергов натижаси буни тасдиқлади. Сиз, Исмат Бўронов, ҳамма гапни айтдим, деб, то ҳозиргача бари бир айрим муҳим тафсилотларни яширган экансиз. Сиз ўқишни битиргандан буён хизмат қилиб, мустаҳкам ўрнашган поликлиникага кейинги йиллар Дилкаш деган ҳамшира қиз ишга келган. Сиз Маликадан ажралиб, яқин орада Нодира билан турмуш қурганингизга қарамай, Дилкашни дарҳол кўз остига олиб қўйгансиз. У билан аввалига ака-сингил тутиниб, сўнг бора-бора ака-сингиллик шартини бемалол буза бошлагансиз. Сизга поликлиникада маҳаллий ташкилот раиси эканлигингиз қўл келганидан, Дилкашга ортиқча гамхўрлик кўрсатиб, аста-секин унинг ҳар қандай қаршилигини енгганча, марҳаматига сазовор бўлгансиз. Аммо у ҳадеганда гаҳ десангиз қўлингизга қўнавермаган. Чунки у бир йигит билан ҳам астойдил учрашиб турган. Ниҳоят, Дилкаш ўша йигитга турмушга чиққан. Сиз унинг тўйида раислик қилиб, оила бахти, муҳаббат ҳақида нутқ сўзлагансиз. Шеър ҳам ўқигансиз... Икки марта уйлангансиз, билишингиз керак, ҳар қандай оилада, ҳатто севишганлар оила қурганида ҳам маълум қарама-қаршилиқларга дуч келинади. Худди шу пайтда муносабатлар шаклланиб, кейин ёки тикланиш, ёки емирилишга қараб кетилади. Дилкашнинг хонадонида ҳам табиий зиддият туғилган. Дилкаш эрини севмагани, унга ўрганолмаётганини ҳис этган. Сизнинг эрига нисбатан анчайин ақлли, тажрибали эканлигингиз унинг ҳаёлидан кетмаган. У эс-ҳушини йиғиб, турмушдаги масъулият ҳақида ўйлаши керак эди, албатта. Аммо сиз бунга имкон бермагансиз, у билан поликлиника қолиб, энди кўча-кўйда ҳам судралганча суюлишни давом эттиргансиз. Дилкаш гоҳ эрига, гоҳ сизга илакишиб, ҳаёти кундан-кунга тўшак танламайдиган хотинларга хос шармандалиқдан иборат бўлиб қолган. Узингиз биласиз, ойна этак билан ёпишнинг имкони йўқ. Элнинг оғзига элак ҳам тутиб бўлмайди. Кўчада кўз, деворда қулоқ бор. Қисқаси, сизнинг Дилкаш билан муносабатингиз одамларга ошкор бўла бошлаган. Дилкашнинг эри ҳам бундан хабар топган... Одатда, хотини суюқоёқ эрлар турли йўсинда иш туттишади. Масалан, улардан бири ўз ҳамжинсининг оёғини уриб синдиради, бошқаси дарвозани ланг очиб, кўчага қандай чиқиб кетишни уқтиради. Дилкашнинг эри ўзича йўл тутган. Бекмирза деган бу йигит тўппа-тўғри сизнинг уйингизга борган. Сиз билан хотинингиз ишда, дадангиз уйда ёлғиз бўлган. Бекмирза Қодир отага куйиб-пишиб, сизга нима арзи борлигини ярим-ёрти тушунтирган. Шу орада сиз ишдан қайтгансиз. У сизни кўчага имлаб, яхшиси, оёғингни торт, оғайни, бўлмаса сени гавдам биланоқ босиб, пачоқлаб қўяман, деган мазмунда гап қилган. Сиз мағрур, олижаноб одам қиёфасида, аксинча, бу йигитнинг ўзини янчиб ташлашга урингансиз. Унга бошда, тошингни термайсанми, укажон, бундай судралишингни кўриб, сенинг ўрнингда мен номусга ўляпман, дегансиз. Кейин номардлик, бунинг устига Дилкашга хиёнат қилганча, йигит бўлсанг, хотинингни тиймайсанми, деб иблисона иш тутгансиз... Бекмирза Дилкашни ўзича севган. Шу боисдан, уни инсофга чақириб, ялиниб-ёлворган, ҳатто йиғлаб-сиқтаган. Фойдаси бўлмаган. Шўрлик йигит сизни ҳам, хотинини ҳам айблаёлмаганидан ўз қонига ўзи ташна бўлиб юрган шу кунлардан бирида бехосдан кўчада узокдан сиз билан Дилкашга кўзи тушган. Сиз эркин одимлаганча, гоҳ Дилкашнинг қўлини тутиб, гоҳ елкасини сийпалаб бораётганингизни кўриб, у ўзининг сиз билан гаплашганда алданганини, айб сизда эканлигини кўнглида беихтиёр ҳис этган. Шу лаҳза Бекмирзанинг ҳаёлидан, мен у билан сўзлашишга ожизлик қиламан, ёқалашсам, бадтар ўзим маломатга қоламан, холос, мен ундан фақат қатилмаганда кескин интиқом олишим мумкин, деган фикр ўтган... Бекмирза кейинги йилларда Раҳимжон билан озми-кўпми нон-қатиқ

О. МУХТОРОВ ◆ МУЎЖИЗА ◆ ҚИССА

бўлган. Қамоқдан чиқиб, Малика билан кўришган Раҳимжон кўнглида олдингидан ортиқ аламзадалик туйган. Сиз болалардан хабар олгани бориб, уйда унга тўқнаш келган ва уйдан чиқиб кетган пайтда, у ўрнидан сакраб туриб, дераза олдида борган. Раҳимжон деразадан сизнинг виқор билан кетаётганингизни кузатиб, Малика бир пайтлар ўзини шу деразадан кўчага ташлаганини эслаган; вақтида шунақа мағрурлик қилган Маликани, сиз уйланиб, уч-тўрт йил ичида бемалол топтаб-янчиб ўтганингизни, мана ҳозир ҳам ўзингиз эмас, унга аччиқ қилгандек одим отаётганингизни ўйлаб, юрагида сизга нисбатан чексиз адоват уйғонган. Раҳимжон шундан кейин гап орасида Маликадан сизнинг турган жойингизни аниқлаб, худди ўша атрофдан бошлана излаган. У қабристонда юриб, кўнглидаги дардини унутмаганига қарамай, сиздан ҳали қандай ўч олишни ҳам билмаган. Бу йигит аввалдан ичишга иштиёқи борлигидан, вақт-бевақт қабристон орқасидаги бозорчага қатнаб, топган-тутганини Бекмирзанинг қўлига топширган. У кайфи ошиб, кўзига ёш олганча, Бекмирзага бир неча марта ўз тақдирдан шикоят қилган. Охири керак бўлса баъзан пулсиз ҳам унга қўйиб берадиган ошнасига беихтиёр юрагини адоват тоши эзаётганидан ҳам оғиз очган. Қўйиб-ёниб юрган Бекмирза Раҳимжон кимга нисбатан адоват сақлашига қизиқсинганида, сизни айтган. Бекмирза Раҳимжоннинг ўзига қисматдош эканлигидан суюниб кетган. У ҳам ошнасига кўнглини очган. Улар энди ҳар кўришгандан бир-бирларига ҳасрат қилиб туришган. Ниҳоят, бир куни Раҳимжон мулла Шамсуддиннинг чакмони устида ётган дудамани енгига яшириб, Бекмирзага келтириб берган. У, мулла ичмагин, деб қўлимдаги бутун пулимни олиб қўйяпти, мана, дудама сеники, менга эса беш-олти кун пулсиз қўйиб турасан, мазмунида ғудранган. Раҳимжоннинг шу пайтда ичишга ҳеч вақоси йўқлиги рост бўлган. Аммо у шунинг учунгина дудамани Бекмирзага келтириб бермагани аниқ. Бекмирза ҳам Раҳимжоннинг дилидагини тушунган. У қўлига дудамани олганида, сиз унинг кўз ўнгида гавдалангансиз... Бекмирза кўпинча Қодир отани, бозордан қабристон орқали уйига қайтаётиб, йўл устида учратган. У дадангизнинг сизга вақтида тарбияси, энди сўзи кор қилмаганидан, дардини ёриб, дадангиз қаршисида шармисор эканлигидан, хуноби ошган. Сиз туфайли дадангизга алам ва нафрат аралаш бир ҳолатда текилишдан ўзини тўхтатиб туролмаган. Аммо Бекмирзада Қодир отага нисбатан ҳеч қандай адоват ҳам, интиқом ҳисси ҳам бўлмаган... Бекмирзанинг кўча-қўйда дуч келиб, ҳадеб ўқрайиб қараши Қодир отанинг бир оз ғашига теккан. Шу билан бирга, ота ҳар гал бу йигитнинг сиздан шикоятини эслаб, унинг олдида ўз аҳволидан — сизни чиндан вақтида қайиролмагани-ю ҳамон қайира олмаётганидан хижолат чеккан. Хаёлидан, боламнинг феъл-атвори охири яхшиликка олиб бормайди, деган гап кетмаган. Сентябрьнинг охирги кунларидан бирида Дилкаш ишдан уйга анча кеч, бунинг устига, қандайдир илжайиб-ишшайиб қайтган. Бекмирза сўроққа тутганида, у эрига олпа-очиқ беписанд қарашга одатланганиданми, ўйнаб юрипмиз, нима дейсиз, қабилда гапирган. Бекмирза индамаган. Раҳимжон берган дудамани қўйнига солиб, кўчага чиқиб кетган. Алламаҳалгача кўчаларда судралиб юриб, ниҳоят, сизнинг уйингизга йўл олган. Йўлакка кириб, эшикка яқинлашганда, кимдир радиодан концерт тинглаётгани диққатини жалб этган. У радио сизнинг эмас, қўшнингиз Жамилнинг уйда янграётганини билмаганидек, эшикни бошқа биров очиши мумкинлигини ҳам хаёлига келтирмаган. Бекмирза, фақат сиз радио ёнида роҳатланиб ўтирибсиз, эшикни ҳам ўзингиз очасиз, деб ўйлаган. Эшикни секин тақиллатган. Эшик очилиб, дадангизга ташланганидан кейингина, сиз билан муносабатни эплолмагани сингари, сизга жазо беришнинг ҳам уддасидан чиқолмаганини ҳис этган. Узининг қотиллигидан бир саросималанса, дадангизга, бегуноҳ кекса одамга ҳамла қилганидан икки даҳшатга тушиб, қўлидаги дудамани ҳам оstonага ташлаганча, жонҳолатда кўчага югурган. Муюлишга етиб, водопровод кранини очганча, маст одамдек сув остида ўтириб, хўнғир-хўнғир йиғлаган. Кейин уйига қайтиб, балки ҳаммаси ўз-ўзидан тинчиб кетар, деган хаёлда нафас ютиб юраверган... Уша оқшом эса қўшнингиз Жамил дадангиз учун бир одам бажариши мумкин бўлган барча ишларни ўз буйиغا олишга ҳаракат қилган. У, сизнинг бадгумонлигингизни билганидан, дудамани уйига яшириб қўйишдан бўлак чора тополмаган. Бутун воқеа мана шундан иборат... Сиз болалиқдан қишлоқни эмас, шаҳарни ёқтирганингизга ҳеч қандай эътироз йўқ, минглаб бундай қишлоқ топилади. Лекин ота-онангиз ҳам, тенгдошларингиз ҳам ўз вақтида, болалиқдаёқ сизнинг қони-жонингиз, вужудингизда қизиқ бир ўзгариш рўй берганини пайқашмаган. Сиз кейинчалик эмас, ўшанда иккига парчаланиб, икки бўлақдан иборат бўлиб қолгансиз. Бир томондан отангизнинг шон-шухрати сизни руҳлантириб, сиз ажойиб инсон, катта қаҳрамон бўлишни орзу қилгансиз. Аммо иккинчи томондан, шу билан бирга, ота-онангиз, ҳамқишлоқларингиз, айниқса, сиз билан бир кўчани чангитиб, бир хонада дарс тинлаган ёри дўстларингиздан айрим йўл тутиб, кундан-кунга узоқлашиб боравергансиз. Нега бундай бўлган? Илк қарашда ўз орзу-умидлари билан ҳамманинг кўнглини ёриштирган бола

одамларга яқинлашиш ўрнига нима сабабдан бундай аҳволга тушган? Гап шундаки, сиз қишлоқдан Бухорога биринчи қатнай бошлаган пайтингизда, қишлоқдаги кўпгина болалар, қизларнинг бундан бенасиб эканлигини билгансиз. Дадангиз урушда бўлган пайтда ҳам, кейин ҳам, унинг номи, мавқеи туфайли турмуш шароитингиз бошқа болалардан фарқ қилган. Сиздаги имконият уларда топилмаган. Сиз ҳар гал Бухорога бориб-қайтганингизда буни ҳам ҳис этгансиз. Аммо, мен бошқалар билан ҳисоблашим шарт эмас, деган фикрга келгансиз. Бора-бора бу фикрни ўзингиз учун ҳаёт қонунига айлантиргансиз. Биринчи галда барча тенгқурларингиз билан ҳисоблашмаганингиз сингари, кўп ўтмай, Бахти билан ҳисоблашмай, Тошкентга келгансиз. Тошкентда ўқиб юрганингизда оилангиз билан, ўқишни битиргач, яна Бахти, ота-онангиз, бутун ҳамқишлоқларингиз билан ҳисоблашмагансиз. Кейин оингиз, сўнг дадангиз билан ҳам ҳисоблашимни хаёлингизга келтирмаган ҳолда, уларни Тошкентга етаклагансиз. Ниҳоят, Маликанинг сизни севмагани-ю дунёда Раҳимжон деган бир одам бор-йўқлигини ўйлаб ҳам ўтирмагансиз. Болаларингиз қандай кун кечиришаётгани билан ишингиз йўқ. Уйда Нодира билан ҳисоблашмайсиз. Дилкашнинг тақдири сизни ҳеч қачон қизиқтирмаган. Дилкаш билан муносабатингиздан Бекмирзанинг ҳоли нима кечишини ҳам ўйламагансиз. Сиз қишлоқда юришга сабрингиз чидамай шаҳарга келгач, зеркиб, Бахтидан Маликага, Маликадан Нодирага, Нодирадан Дилкашга интилгансиз. Ниҳоят, кундан кунга болаликдаги орзу-умидлар йўқолиб, улардан айрилган сайин, тубга чуқиб кетаётганингизни ҳис этгансиз. Ойингизнинг саломатлиги, дадангизнинг ҳаёти муҳим бўлганидан эмас, қўрқиб, хасга чирмашгандек, олдин оингиз, кейин дадангизни қўймай шаҳарга олиб келгансиз. Бахтини ҳар қачон учратганингизда ҳам, шу важдан суянгансиз... Сизнинг қисматингизда нега бундай фожеа рўй берди? Гап шундаки, сиз аввалдан, ўша болалик кунларида, худбинликдан ташқари, ўз орзу-умидларингизга хиёнат қилгансиз. Сиз ўшанда орага дарз тушиб, одамлардан аста-секин узоқлашаётганингизни пайқагансиз. Аммо бунинг ҳеч қандай зиёни йўқ, мен ўз манфаатимни ҳам кўзлайвераман, бир куни ажойиб инсон, катта қаҳрамон ҳам бўлавераман, иккисини ҳам бемалол эплашга нима етсин, деб ўйлагансиз. Сиз Мирза деган врач дўстингиз сингари одамлардан инжигансиз, лекин у кичик, сиз эса каттароқ манфаатпарастга айлангансиз. Сиз бу қарама-қарши икки кутбни бирлаштиришга чоғланиб, ўзингиз икки бўлакка ажралганча, иккига парчаланиб кетгансиз. Энг муҳими, сиз болаликдаёқ кутилмаган бир мўъжиза рўй бериб, одам қаҳрамонга айланиб кетса керак, деган хаёлга боргансиз. Аммо мўъжизани кутиб, қанотсиз осмонга талпиниш ўрнига уни ердан, атрофингиздаги оддий одамлар орасидан изламагансиз. Одамлар учун мўъжиза уларнинг ҳаётида, эзгу интилишларида эканини билмагансиз. Ён-верингизда ҳар куни буюк яратишлар, чинакам мўъжиза рўй бераётганини пайқамагансиз. Ёки кўриб, кўрмагандек юравергансиз... Мен бир гапни кўп ўйладим. Дадангиз сизнинг феълингизни билмасмидилар? Нега Тошкентга судралиб келиб, бу ерда яшаб қолавердилар? Нима сабабдан, фалокат рўй берган тунда, гарчи шуурсиз ҳолатда бўлса ҳамки, сизни муқаррар ўлимдан асраганча, худди жангли сингари ерга қуладилар? Мен бу саволларга жавоб топдим. Қодир ота, ўғлим бир куни бари бир менинг изимни босади, деб ўйлаган. Сизнинг бугун бўлмаса эртага қанотланиб, катта ишлар қилишингизга умидланган...

...Йиғламанг, Исмат Бўронов, ҳожати йўқ. Энди кўзёши билан нимага ҳам эришардингиз?!



## Сержило олам қани?

«Олам гўзал». Ғафур Ғулом номида-  
ги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тош-  
кент — 1984.

«Олам гўзал» тўплами Сойим Исҳоқовнинг «Янга», Дилбар Саидованинг «Дераза ортида-  
ги оппоқ дунё», «Ёр-ёр айтилган кеча», Қўлдош Мирзонинг «Сеҳрли садо» ва Чори  
Ёқубовнинг «Эски раис» қиссаларидан таркиб  
топган. Мазкур асарлар тематик жиҳатдан  
ранг-барангдир. Уларда XVIII—XIX асрларда  
яшаб ижод этган Гулҳанининг ҳаёти, Улуғ  
Ватан уруши йилларидаги қишлоқ шароити,  
ҳозирги турмуш манзараларигача қаламга  
олинган. Бу қиссалар нима сабабдан бир  
тўпламга жамланган? Уларда мураккаб ва  
сержило олам ҳамда бунёдкор инсоннинг  
қандай хусусиятлари очилган? Китоб бизни  
янги фикр ва туйғулар билан бойитадими?  
Тўпламни қўлга олар экансиз, шундай сав-  
волларнинг туғилиши табиий.

Яқинда барча совет халқи Буюк Ғалабанинг  
40 йиллигини тантанали нишонлади. Шу  
жиҳатдан ижодкорларнинг уруш мавзуга  
мувожаат этишлари бежиз эмас, албатта.  
Машъум уруш йилларида халқимиз кечирган  
оғир ҳаётни тасвирловчи асарлар ҳам тўп-  
ламдан жой олган. Шулардан бири Сойим  
Исҳоқовнинг «Янга» қиссасидир.

Асардан кўзда тутилган мақсад — олижа-  
ноб, покиза қалбли кишиларнинг ноҳақликка  
қарши курашини улғайтиришдир. Бироқ муаллиф  
асарнинг барча компонентларини ана шу  
мақсадни очишга йўналтира олган, дейиш  
қийин. Хусусан, қисса конфликтни характер-  
лараро кураш, яъни Назир чўлоқ билан ёш  
келинчак Ҳожар ва болалар ўртасидаги зидди-  
ятга асосланган. Назир чўлоқнинг дастидан  
улар азият чекади. Муаллиф бу ўринда ҳам  
қаҳрамонлар хатти-ҳаракатини психологик  
асослаш, ички драматизмни очиб йўлидан  
бормайди. Кўпроқ саргузашт тасвирига, во-  
қеанависликка берилади. Масалан, болалар ўч  
олиш мақсадида Назир чўлоқнигина товуқ  
ўғирлашга туришилади. Ҳожар билан бирга-  
ликда чўлоқни ажина бўлиб қўрқитишади. Бу  
каби воқеалар саргузашт қисса учун қизи-  
қарли материал бўлиши мумкин, бироқ аёл  
садоқатини улғайтиришга йўналтирилган асарда  
бундай эпизод ортқича.

«Янга» қиссасида ҳам болалар дунёси, ҳам  
Ҳожар образи олдинги планга чиқарилганлиги  
туфайли асарнинг композицион яхлитлиги  
бузилган. Чунончи, болаларнинг ўзаро муно-  
сабатлари, саргузаштлари тасвирига мос юмо-

ристик ва драматик оҳанглар ёзувчининг  
ғоявий мақсадига хизмат қилмайди.

«Ким билади, уруш ҳосили — қаҳатчилик ва  
отамнинг айрилиги бўлмаганида раҳматли  
тирик қолармиди», «Беш-ўн кунлик команди-  
ровкадан қайтиб, мудҳиш хабар эшитдим:  
Ҳожар янгам ҳам оламдан ўтибди», «Ҳожар  
янгамдаги илгариги тортинчоқлик, уятчан-  
ликдан асар ҳам қолмади...», «Назир чўлоқни  
кўк йўрғанинг устидан юлиб олиб ерга урди». Қиссада ана шундай ноурин ишлатилган  
сўзлар, кўплаб ғализликлар учрайди. «Уруш-  
нинг касофати» дейиш мумкин, лекин «ҳосил»  
сўзини урушга нисбатан қўллаб бўлармикан?  
Кексайган аёлнинг вафот этганлиги ҳақидаги  
гапни, «қайғули хабар» дейилганда тўғрироқ  
бўларди. Нозик келинчакнинг хўппа семиз  
Назир чўлоқни йўрғанинг устидан қандай  
қилиб юлиб олганини эса тасаввур қилиш  
қийин.

Бадий асар тили чиройли иборалар билан  
эмас, балки фикрнинг изчиллиги, жумлалар-  
нинг раван ўқилиши билан китобхонга завқ  
бағишлаши керак.

Чори Ёқубовнинг «Эски раис» қиссаси ҳам  
уруш мавзуга бағишланган. Асар билан  
танишгандан сўнг китобхонда ғалати бир  
таассурот пайдо бўлади: асарда машаққатли  
уруш йиллари яхши тасвирланади, колхоз  
қийинчиликларини ўз гарданига олган фидойи  
киши ҳаёти ёритилади. Унинг турли хатти-  
ҳаракатлари таъкидланади. Бироқ бундай  
инсон умри сизни ҳаяжонлантирмайди —  
қалбингизда на муҳаббат, на нафрат уйғотади.

Асар коллизияси «Янга» қиссасиникидан  
унчалик фарқ қилмайди. «Янга»да бош қаҳра-  
монга қарама-қарши қўйилган салбий персо-  
наж Назир чўлоқ, «Эски раис»да эса бундай  
вазифани Худойқул букри образи бажаради.  
Аввалгиси нечоғлик ярамас одам бўлса,  
иккинчиси ундан қолишмайди. Лекин бу  
салбий образларнинг иккаласи ҳам ўзлари-  
нинг асосий вазифаси — бош қаҳрамон ха-  
рактерини очишга хизмат қилмайди. Чунончи,  
Худойқул колхоз раиси Али Еров қаршисида  
ожиш, аянчли бир кимса. Ундан калтак еб,  
қочиб кун кўриб юради. Охири ўғирлик қилиб,  
қамалиб кетади. Муаллиф Худойқул букри  
билан бўлган тўқнашувлар воситасида Али  
Еровнинг адолатпарварлигини, қаттиққўллиги-  
ни кўрсатмоқчи бўлган, бироқ бу ҳодиса  
конфликт даражасига ўсиб етмаган.

Асарда барча воқеаларни мантиқан боғлай  
оладиган йирик коллизиянинг йўқлиги туфай-  
ли қисса Али Еров ҳаётига оид турли  
эпизодларнинг йиғиндисига ўхшаб қолган.  
Ваҳоланки, асардаги ҳар бир воқеа қаҳрамон



қалбини очишга, маълум бир ғояни ифода қилишга бўйсундирилмоғи лозим.

Колхоз тузилгандан бери уни бошқариб келган, уруш йилларида ҳам планини бажариб юрган раиснинг уч-тўрт ифвогарнинг тўхмати билан қамалиб кетиши ўқувчини ишонтирмайди. Худойқул букри билан Ҳолов Али Ёровдан зарар кўрганликлари туфайли бу ишга қўл уришган бўлса, райижроком раиси Қодиров нима сабабдан уларга аралашиб юрганлиги қоронғилигича қолиб кетади.

Автор қаҳрамоннинг ички оламини ёритишга етарли аҳамият бермайди. Чунончи, асар кульминациясида Али Ёровнинг ҳолати қуйидагича баён қилинади: «...У раисликдан олиниб партия билетини топшириб келди.

Бирдан қариб, чўкиб қолди. Сочлари оқариб кетди. Нима иш қилиб қўйганини ўйлаб ўйига етмасди». Эки қуйидаги парчага аҳамият беринг: «...Аммо ўзи эзилиб, ғамгин юрарди. Тунлари уйқуси қочиб кетар, аммо нима қиларини билмас, бир томонда план, буёқда эса халқ. Одамлар урушда. Кексалар ёлчители шлай олмайди. Плани эса бажариш керак. Мана бугун Худойқул букрини урди. Ҳавас қилиб ё эрмак учун эмас. Колхоз мулкига хиёнат қилгани учун. Урди ўзи эзилиб кетди. Худойқул бир бечора...»

Ахир, «эзилиб кетди», «қариб, чўкиб қолди» дейиш билан инсон руҳиятига, психологиясига чуқур кириб бориш мумкин эмас-ку. Автор услубидаги баёнчилик, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатининг психологик асосланмаслиги асарнинг эмоционал таъсирини сусайтириб юборган.

Тўпلامда Дилбар Саидованинг қиссалари ҳам ғоявий, ҳам бадийи савияси жиҳатидан бошқа асарлардан бир оз ажралиб туради. Уларда танҳо умр кечираётган аёл тақдирининг психологик лавҳалари тасвирланган.

Биринчи қиссанинг қаҳрамони — ёши эликларга яқинлашиб қолган медицина ҳамшираси Нури хола. У маълум маънода уруш қурбони: илк муҳаббатни машъум уруш туфайли барбод бўлган. Аввалига севган одамнинг ўлганига ишонмай юрган Нури кейинчалик тақдирга тан беради. Аммо шахсий бахт ундан йироқлашиб кетган эди. У турмуш қўрмасдан, фарзанд кўрмасдан умр кечиради. Энг яқин одами — Сожида исмли дугонаси. Сожиданинг тақдирини тамомла ўзгача: шўх, ўйинқароқ бу қиз ўқувчилик давридаёқ фарзандлик бўлиб қолади. Қариндош-уруғлари ундан юз ўғирган бир пайтда фақат Нури жонига оро киради. Кечикиб учратган севгилиси урушда ҳалок бўлади. Кейинчалик у яна турмуш қуради. Хуллас, уч бор турмуш қуриб, тўрт ўғил ўстиради. Бу икки аёлни қариган чоғларида бир-бирига боғлаган нарса — ёлғизликдир. Сожида ўзича бахтли: меҳнаткаш, яхши фарзандлар ўстирганидан кунгли тоғдек кўтарилган. Нурининг қалбида ҳамон бир умид: ўз бахтини учратиш.

Асарда Нури холанинг бетоб ётганда ёлғизлик изтиробларини чуқурроқ чекиши, ўтмишни эслаши психологик жиҳатдан яхши асосланган.

Ёлғиз қалбнинг зиддиятли ўй-кечинмалари асар конфликтини ташкил этади. Нури хола одамлар ўзини поқдомонлиги учун ҳурмат қилишларидан мағрурланса-да, ажойиб фарзандларга она бўла олган Сожидага ҳаваси келади. Гуё автор бу икки аёлни, икки тақдирни солиштираётгандек. Аммо бирортасини на оқлайди, на қоралайди. Аксинча,

уларни тушунишга ҳаракат қилади, китобхонани турмушининг мураккаб муаммолари устида бош қотиришга ундайди.

Асарда аёл тақдирининг мураккаб қирралари ишонarli тасвирланади. Сожида бир қоровул чолни меҳмонга қақариб келганини айтганда, Нури хола шундай аҳволга тушади: «Нури холанинг вужудига титроқ югурди, оёқларида мадор йўқдек эди. Уйга кирди. Шкаф эшигини очиб ўйлиниб қолди. Яна бирон бир тузук кўйлаги йўқлигини эслади, борлари ҳаммаси одми. Кейин яхши тикилмаган. Унинг хаёлига кутилмаган фикр келди: қочади. Соч оқариб, юз буришганда, кийим ярашиқсиз бўлиб қолганда, бунақа майнавозликнинг нима кераги бор?» Ушбу бадийи деталлар табиий ва ишонarli. Аммо муваффақиятсиз чиққан «биринчи учрашувдан» сўнг Нури холанинг янги танишувга отланиши унчалик табиий эмас. Чунки камтарин, камсуқум, қарий бошлаган бир аёлга биринчи зарбанинг ўзиёқ етарли эди. Дарҳақиқат, бахт уни ўзи излаб топади.

Д. Саидованинг «Ёр-ёр айтилган кеча» қиссаси «Ёшлик» журнаליда «Еру осмон ўртасида» номи билан чоп этилган эди. Бу қиссанинг қаҳрамони ҳам ёлғиз аёл. Лекин у Нури холадан анча ёш: ўттизларда. Унинг характери бувисига, ўртоғига ва бир пайтлар кўнгил қўйган йигитга муносабатларида очила боради. Узига хос фикрлаш тарзи, мушоҳадакорлик Ҳафизанинг тилини жонлантиради, табиий қилади. Бу шоиртабиат, руҳияти кузатишга мойил қизнинг қуйидагича мулоҳаза юритишига шубҳа қилмайсиз: «Ё тавба, яқингинамизда — ўн-йигирма қадам нарида эллик йиллик соф муҳаббат тўйи нишонланапти, атиги ўн-йигирма қадам нарида қўшиқчи абадий севги ҳақида берилиб куйлаяпти, атиги ўн-йигирма қадам нарида аёл ва эркеклар севги шаънига битилган куй оғушида маст рақсга тушишяпти...

...Лекин айна пайтда бизнинг столимизда муҳаббат ойнасига аёвсиз суръатда тош отилапти, унинг шаънига номуносиб бўҳтонлар ёғляпти. Муҳаббат топталаяпти.

Д. Саидова асарларининг тили рафон, ўқишли. Лекин қаҳрамонлар нуқти етарли даражада индивидуаллаштирилмаган. Чунончи, «Ёр-ёр айтилган кеча» қиссасининг айрим ўринларида Ҳафизанинг бувиси — кекса қишлоқ аёли тилидан ҳикоя қилинаётган воқеалар баъзан китобхонга авторнинг ўз тилидан баён қилинаётгандек туюлади. Эътибор беринг: «Боягина дунёга сиғмайдиган катта ғам қаршисида ёлғиз эдим, бу ғам ёлғизгина менга тегишли, деб ўйлагандим. Йўқ, биз икки киши эканмиз — иккаламиз ҳам бир дард азобида тўлганардик».

Назаримизда, муаллиф ўзини тематик жиҳатдан бирмунча чеклаб қўяётганга ўхшайди. Чунончи, ушбу қиссалардагина эмас, балки бир қатор ҳикояларида ҳам автор ёлғиз аёл ҳаётини ёритишга ҳаракат қилади. Бизнингча, Д. Саидованинг ҳаёлияти ҳаётнинг ўзга коллизияларини ҳам қаламга олишга, бунёдкор, яратувчи аёлларнинг ёрқин тақдирларини кўрсатишга имкон беради.

Қўлдош Мирзо «Сехрли садо» қиссасида машҳур ўзбек масалнависи Гулханий ҳаётини тасвирлайди.

Муҳаммад Шариф Гулханийнинг ҳаётда кўп машаққат чекканлиги, мусофирчиликда чой ташиш, дорбозлик, навкарлик, ҳаммомга ўт ёқиш каби турли ишлар билан шуғулланганли-

ти ишонарли тасвирланади. Умархон, Абдулкарим Фазлий каби тарихий шахслар образларининг асарга киритилгани тасвирнинг ҳаётий чиқишига кўмаклашган. Аммо Гулханийнинг ижодкор сифатида шаклланиши, «Зарбулма-сал»дек асар яратилганча ўсиб етиши ишонарли ёритилмайди. Тўғри, автор шоир кўнглида ижод орзусининг уйғониши, хусусан, мажозий асар ёзиш иштиёғига тушишини уқтириб ўтади. Бироқ, бу уқтиришлар кўпроқ иллюстратив характерга эга. «Қишлоқ бой-ўғлино пишаклар ватанига айланмиш. Боя масжидда ҳам бомдод намозида навкарлардан бошқа ҳеч ким кўринмади — ҳаелидан ўтди унинг. — Бойўғлининг ватани не — вайрона, хушлагани не — вайрона. Бойқушнинг ҳаққи маҳрига ҳам вайрона тушган. Қалин учун ҳам вайрона сўрағуси албат. Магарким бой-ўғлининг маҳлиқо қизи бўлса, уни сўратсалар, қалинига у минг чолдевор тиласа... Бале, аларнинг қудачилиги баҳонаси ила масаллар айтсам...» — ўйлар калавасининг учини топиб олиш билан кўнгли андек ёришгандек бўлди...»

Гулханий ҳаётининг турли қирралари: фақирона ҳаёт кечирши, камбағаллар ҳолига қайғуриши, уйланиш можароси, навкарлик қилиб юрганида чеккан азоблари унинг шахс сифатида шаклланишини кўрсатишга хизмат қилган. Аммо шоирнинг ижодий эволюцияси, маҳоратининг ўсишига омил бўлган ижтимоий-психологик илдизлар ёритилмай қолган.

Асарда асосий ғояни очишга хизмат қилмайдиган, баён характерига эга бўлган эпизодлар анчагина. Чунончи, Муҳаммад Шарифнинг паҳса девордан йиқилиб оёғи лат ейиши, қирғизларниқанда тунаб қолиши, Наманган бозоридagi ўғирлик воқеалари ортиқчадек туюлади. Айтиш керакки, бу ҳол асар композициясининг бирмунча сусайишига олиб келган.

Назаримизда шоир ўйларини кенгроқ изоҳлаш, уни халқ ғамини еювчи, унинг орзумидларини, нафратини, дарду-ҳасратини қалбан ҳис этувчи ижодкор сифатида кўрса-

тишга кўпроқ аҳамият бериш керак эди. Бунинг учун асар конфликтини янада кескинлаштириш, иқтидорли, мард халқ фарзанди билан сарой маддоҳлари орасидаги зиддиятни кучли тўқнашувларда, чуқур рухий изтиробларда тасвирлашга алоҳида аҳамият бериш лозим эди.

Мавзуи ҳам, бадий савияси ҳам турлича бўлган бу асарларнинг бир тўпламга жамланганлиги китоб аннотациясида қуйидагича изоҳланади: «Қаламқашларнинг мақсади муштарақ — инсонни ардоқлаш, унинг қалбига озор етказмаслик». Лекин бадий асарларга бу ўлчов билан ёндашадиган бўлсак, совет адабиётининг барча намуналарида айнан шундай хусусият у ёки бу тарзда ифодаланганини кўрамыз. Чунки инсонпарварлик, адабиётимизнинг бош ижодий методи — социалистик реализм методининг ажралмас хусусиятидир. Демак, аннотацияда қиссалар ҳақида конкрет фикр юритилмасдан, умумий мулоҳазалар айтилганлиги бежиз эмас. Чунки, ушбу асарларни бир тўпламга уюштирувчи ягона мақсад, муштарақ ғоя йўқ. Шу сабабли китобхон ушбу қиссалар бир тўпламга тасодифан уюштирилган деган хулосага келади. Чунончи, «Олам гўзал» сарлавҳаси ўтмишнинг аянчли манзараларини, Гулханийнинг машаққатли ҳаётини тасвирловчи «Сехрли садо» қиссасига мутлақо алоқаси йўқ. Кўриб ўтганимиздек, қиссалар қатор камчиликлардан ҳоли эмас. Психологизмнинг етишмаслиги, ҳаётий конфликтларнинг чуқур ва теран ёритилмаганлиги бу асарлар учун муштарақ нуқсонлардир.

Ёзувчилик ниҳоятда шарафли ҳамда масъулиятли иш. Ижодкор қўлига қалам олар экан, ўзининг бор иқтидорини, билимини, қалб кўрини асарига сарфламаса, ўз бурчини бажаролмайди. Юқорида номлари тилга олинган ижодкорлар адабиётга яқинда кириб келишган. Назаримизда улар келажақда ғоявий-бадий жиҳатдан етук асарлар яратишга қобилдирлар.

Зебо БОБОЕВА

## УЧҚУР ХАЁЛ

[Фантаст ёзувчи Ҳожиакбар Шайховга адабий мактуб]

Ҳожиакбар!

«Еш гвардия» нашриётида чоп этилган «Олмос жилоси» номли китобингизни ўқиб, изланишларингиз самарали кечаётганидан, ижодингизда фантастиканинг илмий-ижтимоий йўналиши кучайиб бораётганидан қувондим ва ўз таассуротларим билан ўртоқлашмоқчи бўлдим...

Китобингиздаги асосий ниёт — фан-техника шароитида коммунистик жамият кишисининг ижодий қобилияти ва маънавий оламини тадқиқ этиш, деб тушундим. Ушбу ғояни Олмос Азизов характери орқали умумлаштиргансиз. Унинг сиймосида илм романтикаси, қаҳрамонлик, жасорат, ватанпарварлик, дўстлик, садоқат, эътиқод, бурч, масъулият, муҳаббат сингари ғоявий-ахлоқий сифатлар мужассамлашган. Китобдан ўрин олган қиссаларингиздан бири «Аланга»нинг воқеалари олис Верга сайёрасида кечади. Асар конфликтини инсон ва коинотдаги кўзи кўр тилсимлар орасида бўлган курашлар фонида ривожланади. Қиссада иккита сюжет чизиги бор: биринчиси, одамлар характерини мутаносиблаштириш фонидаги воқеа-ҳодисалар, иккинчиси «қора илон»ларнинг кўзидан нур тарқатиши — илмий гипотезага доир тасвирлар. Бу сюжет чизиклари ўзаро бирикиб, бош муддаони яхлит ифодалайди.

Қиссаларингизда самовот одамлари турмуши орқали Ердаги инсонлар ҳаётига доир муаммоларни жонлантирасиз. «Инсоният қанчалик зўр муваффақиятларга эришмасин, унинг сафлари бир тоифали бўлиши мумкин эмас. Унинг ўз авангарди бор. Бироқ, афсуски, иродаси суст, синовларга бардош беролмайдиганлари ҳам йўқ эмас... У ердаги мутахассислар кўпдан бери бир-бирларини ёмон тушунишади, коллективда аҳиллик, ҳамжиҳатлик йўқ. Ҳар бир одам ўз билгича иш тутади. Дунёқарашлари ҳам, сеvimли машғулотлари

ҳам турлича...) Коинот кишилари ҳақидаги бу сўзлар Ердаги одамлар ҳаёти тарзининг жузбый кўринишларига алоқадор-ку!

«Қора туйнук сари»да Олмос ва Адам соатлаб қора тошлар, «қора туйнук» сири ҳақида суҳбатлашади. Хизматга тайинланган Робот-Беганас «Чой ичасизларми?» деб ора-сира суҳбатни бўлади. Азизов келтир деса, аччиқ чой ётиш олдидан зарарли, дейди. Роботга юлдузлар, планеталар, кометалар, метеоритларни санаш топширилганда ҳам бошлиқларни мантиқсиз фикрлашда айблайдди. Бу суҳбатда ҳам кучли рамзий маъно бор: ҳаётда шундай раҳбарлар борки, улар ўз қўл остидагиларга робот — темир одам мисоли муомала қиладилар. Буларни таъкидлашдан мақсад шуки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми материалларида халқ ҳўжалигига, меҳнат коллективига раҳбарлик қилишда ленинча нормаларнинг бузилиши, айрим раҳбарларнинг шахсий манфаат қули бўлиб қолгани, ошна-оғайнигарчиликка, кўзбўямачиликка йўл қўйгани каби салбий ҳолатлар қаттиқ танқид қилинди. Шу маънода меҳнат коллективда соф ахлоқий муҳит яратиш, давлат мулкни кўз қорачиғидай асраш, ташаббускорлик фазилати ҳар бир адабий қаҳрамоннинг асосий характер хислати бўлиши керак. Сиз яратган, илм-фан йўлидаги фидойи Олмос Азизов образи ҳамда ўз манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган, илм-фанни оёқ ости қилган худбин ва кўрқоқ Адам образининг маърифий-тарбиявий аҳамияти ҳам шунда. Хуллас, асардаги воқеа ва характерлар маъзига сингдирилган рамзийлик ўз бадий ифодасини топган.

«Ренэ жумбоғи», «Рея тошлари», «Қора туйнук сари», «Олмос жилоси» қиссаларингиз китобхонни қутилмаган воқеалар ичига олиб кира олиш, сюжет яратиш маҳоратингиз ошаётганидан далолат беради. Қаҳрамонларингиз кишилари тўлқинлантирадиган кашфиётлар яратади.

Шу ўринда «Ренэ жумбоғи» қиссангизнинг маърифий-тарбиявий аҳамиятини алоҳида таъкидламоқчиман. Сиз фантастик асарларингизда аёллар образини яратишга ҳам интиляпсиз, уларни эркаклар билан баравар илмий кашфиётларни ҳал этишга қатнаштиряпсиз. Бу ерда «Аланга»даги Юлия, «Ренэ жумбоғи»даги Анна, «Олмос жилоси»даги Инесса образларини назарда тутамиз. Фазогириллар оиласида тарбияланган Анна жасур киз. Синов машқида кемага «робот»лар ҳужум қилишади. Бундан довдираб қолган Шавкат ва Укендан фикри тийранроқ Анна гипнозчи «робот» — маҳлуқларни электр энергиядан маҳрум қилиб, ақлзаковатини намоийш этади.

Қиссаларингизда ёшларнинг интим муносабатлари таҳлилига кўп ўрин ажратилмаган. Масалан, Олмос ва Клара, Шавкат ва Анна («Ренэ жумбоғи»), Адам ва Зарина («Қора туйнук сари»), Азизов ва Инесса («Олмос жилоси»)нинг интим муносабатлари бир-икки деталь ва чизгиларда ўйлаш ва эслатишлар орқали кўрсатилади. Тўғри, фан кашфиётлари билан банд бўлган ёшларнинг интим муносабатларини муфассал баён этиш қиссаларнинг бош муддаосига унчалик даҳлдор эмас-ку, дейишингиз мумкин. Лекин Ер одамининг бошқа сайёралардаги муҳитга физиологик мослашуви ҳақида гап кетганда (Кларанинг Церерага учушига врачларнинг руҳсат бермаслиги), шу муносабат билан Олмос ва Клара муҳаббати тилга олинар экан, бу айни пайтда муфассалликни талаб этмайдими?

Шавкат ва Анна муносабатларини батафсил тасвирлаш учун имконият «Ренэ жумбоғи»да шундайлигича сезилиб туради. Чунки улар ёнма-ён туриб фан сирларини очадилар. Интим муносабатларнинг кенг тафсилоти қаҳрамонларингизнинг руҳий-психологик ҳолатларини янада яхшироқ таҳлил қилиш имконини бермасмиди?

Шуни ҳам айтиш кераки, инженер сифатида мураккаб математик ҳисоб-китобларни пухта ўзлаштиргангиз, жисмларнинг физик ва химик хоссаларини фан нуқтаи назаридан яхши билишингиз қиссаларингизда, айниқса қўл келган.

Аниқ илмий маълумотлар асосига қурилган мулоҳазаларга қиссаларингизда кенг ўрин берилган. Улар китобхонни фикрлашга ундайди.

Лекин рақамлар, маълумотлар, ҳисоб-китоблар асарнинг бадий қимматига пугур етказмаслиги, аксинча қаҳрамонлар характерининг бирор қиррасини, воқеа-ҳодисанинг мантиқий қувватини изоҳлашга хизмат қилиши керак. «Ренэ жумбоғи», «Қора туйнук сари» қиссаларида эса юки енгил маълумотлар, ҳисоб-китоблар учрайди.

«Рея тошлари»да ўзга сайёрадаги «қора куртлар» — қора тошларга қурбон бўлаёзган, лекин тошларнинг «ақллилиги» туйфайли омон қолган «Позитрон» экипажи командири Пит Старк билан «Олмос» кемаси аъзоларининг учрашуви эпизоди китобхон учун қизиқарли. Бу учрашувни негадир одатий воқеалар каби тасвирлайсиз. Ахир бу ерда публицистик руҳ, жўшқинлик, эмоционаллик пайдо қилиш имкониятингиз бор эди-ку?! Лекин қаламингиз тизгини кўпинча тортилиб туради. Насрда ҳам шеъриятдаги каби бетакрор лирик манзаралар, жўшқин кайфиятлар ва ҳолатлар, оний ҳисларнинг барқ уришини сизга эслатишнинг ҳожати йўқ. Сиз, кундалик воқеалар билан эмас, балки «ғайриодатий» — фантастик воқеалар, гипотезалар, фаразлар билан иш кўрадиган ҳиувчисиз. Шу жиҳатдан қараганда, сизга тасвирда оҳангдорлик асосий мезон бўлиши керак. Чунки учқур ҳаёлингиз меҳвариде жонланадиган фантастик замон ва макон, унинг ўзига хос одамлари ва руҳий ҳолатларини, кашфиётларини тадқиқ этиш айни пайтда баркамол бадийликнинг ҳам тақозо этади. «Олмос жилоси»да Олмос Азизовнинг океанда жон талвасасида сузиб юришини қанчалар жозоба билан тасвирлайсиз! Инсон ва ҳаёт, самовот ва кашфиёт ҳақида поэтик эҳтирос билан сўзлайсиз. Қанийди, бу хуусият ҳамма қиссаларингиз саҳифаларида жилоланиб турса?!

Рея тошларини тадқиқ этиш «Қора туйнук сари»да давом эттирилади. Воқеалар муҳокама-мулоҳаза, кўп ўринларда суҳбат-диалог воситасида ривожланади. Унда одамлар ва роботлар ўртасидаги инсоний муносабатлар муаммосига кенгроқ тўхталасиз. Бу аслида адабиётнинг бош масаласи! Қиссангизда шу жиҳатнинг чуқурлашгани билан сизини қўтлаш керак! У нималарда кўринади? Аввало, Олмос Азизов характери кенг кўламда тасвирланади. У ҳақиқий кашфиётчи ва жасур одам. Мақсад йўлидан адашмайдиган, эътикод кўчасида тўғри юрадиган инсон. Адам иккиланувчи, беқарор, қалбининг тўрида худбинлик, кўрқоклик

яширинган. Робот-Беганас инсонни кадрлайдиган, дўстлик, меҳнатсеварлик туйғуларини эъзолайдиган кишилар тимсоли. Мазкур образ орқали қисса руҳига майин юмор сингдирилган. Эътибор беринг-а, қаҳрамонларингиздан бири нима дейди: «Мен илмий-фантастик асарларни жуда севиб ўқийман. Айниқса, улар юмор билан суғорилган бўлса, менга яна ҳам ёқади». Қаҳрамонингиз тилидан айтилган бу сўзларга ёзилмаж асарларингизда янада кенгрок эътибор берсангиз. Зотан, мазкур қиссаларингизда юмор воситасидан жуда кам фойдалангансиз. Қаҳрамонларингизнинг қиёфалари уларнинг юморга мойиллигини билдириб туради.

«Олмос жилоси»да одамларнинг кашфиётлар яратиш фонида характерида шаклланган инсоний сифатларни ишонарли кўрсатасиз.

Санъаткор ёзувчилар ҳамisha сўз заргари бўлиб, фикрни теран ва равон ифодалаганлар. Сўзга ҳасилик — ҳассослик аломати! Ҳожиакбар, тасвир услубингиз равон, лекин сўзга «сахий»сиз. Автор ва персонажлар нутқида такрор ва қайтариқларга йўл қўясиз. Мисол келтирай: «Шундан кейин Азизовнинг умри фазо йўлларида ўта бошлади. У ўз кемасида Церерадан атом электр станцияси қурилиши учун ҳали Миррихдан турли электр агрегатлари келтирар, ҳали Урандан турбина ва реактор қисмларини ташир, хуллас, одам қадами етган ҳамма сайёраларга станция эҳтиёжини қондириш мақсадида бориб-келиб турарди» (72-бет). Автор нутқи орқали берилган худди шу фикр 73-саҳифада айнан такрорланади: «Кларанинг ўлимидан кейин Азизов ҳаётини бутунлай фазога, узоқ сайёраларни ўзлаштиришга бағишлади. Церерада гигант атом электр станцияси қурилиши битгунича ўша атрофдаги сайёраларга тўхтовсиз бориб-келиб турди.»

Бундай қусурлар бошқа ҳолатлардаги автор нутқида ҳам, персонажлар нутқида ҳам кўп учрайди. Мана бир мисол: — «Қора қуртлар» — онгли мавжудотлар бўлиши мумкин эмас, — гапида давом этди Олмос Азизович. — Онгли мавжудотлар ҳеч қачон ўзга цивилизация кемасига очикдан-очик хуруж қилмаган бўлишарди. Ахир улар «Позитрон»ни ҳеч қандай истиҳоласиз ғажиб ташлашди-ку. Улар онгли мавжудотларга хос бўлган эҳтиёткорлик ҳиссини ҳам тўла суистеъмол қилишди...

— Дарвоқе, командир, сиз ғалати бир нарсага эътибор қилмаганга ўхшайсиз. «Қора қуртлар» «Позитрон»ни очикдан-очик ғажиб ташлашди. «Лочинга бўлса, ҳатто яқинлашишмаяпти ҳам. Ахир унда металл қисмлар жуда кўп-ку!..» (Таъкидлар бизники — F. F.). Бу диалогда бир хил сўзларнинг кўп такрорланиши, бир гапнинг иккинчи қайтарилиши самара бермаган.

Китобингизда ифода услубида ҳам қусурлар учрайди.

Бадийликнинг «қон томирлари» — пейзаж, портрет, диалог каби воситалардан унумли фойдаланишда оқсайсиз. Баъзи чўзиқ диалогларда бадийлик ўрнини баёнчилик эгаллайди. Кўпчилик қисқа диалоголарнинг эса «юки енгил». Халқ жонли тилининг ноёб қанотли сўзлари — мақоллар, маталлар, ўхшатишлар, мажозий иборалар, сўроқ ва хитоблар қиссаларингизда тахчилрок. Қаҳрамонларни такрор-такрор «олий даражали фазогир», «таниқли фазогир» деб сифатлайсиз. Булар эса ўз-ўзидан бадий услубдаги тиниқ тасвир юзига соя ташлаб, баёнчиликка йўл очади. Кўп ўринларда воқеа-ҳодисаларнинг, персонажлар хатти-ҳаракати ва ҳолатларининг ҳолис тасвири ўрнини ахборотлар эгаллайди. Бу айниқса, «Лочин» кемасининг Реяга қўниши, Пит Старк саргузаштлари, Олмос билан Адамнинг Рядан Ерга қайтиши хусусидаги тортишувлари тасвирида сезилади. Умуман, баёнчилик бадий услубингизда кўзга ташланадиган асосий нуқсон эканини таъкидламоқчиман! Зеро, асарларингиз тилида бўёқдорлик ва услубий ранг-баранглик йўлида машаққатли меҳнат ҳамроҳингиз бўлсин, дейман!

Яна бир гап — асарингиз воқеалари фан-техниканинг олий макони — космик оламда кечгани сабаб — электромобил, терроплан, магнит бўрони, космик бўрон, стабилизация системаси, телейўлдош, планетоход, вездеход, иллюминатор, тиббий диагностиказатор, герметик хона, магнитометр каби кўплаб техник терминларни китоб лугатига киритасиз. Асарнинг ўсмирларга мўлжалланганини ҳисобга олсак, бу атамаларга сўнгги саҳифада изоҳлар бериш заруриди, деб уйлайман!

Бир суҳбатда — фантастикада воқеаларнинг заминда ёки самовотда кечиши бадий восита, адабий тимсол, холос, Адиб унинг қайси бирини танлаши кўп даражада унинг билим савияси ва бадий маҳоратиغا боғлиқ, деган эдингиз. Ёзувчининг билим савияси ва бадий маҳорати масаласи нафақат фантастикага, балки бадий тафаккур маҳсулларининг ҳаммасига тегишли. Шу нуқтаи назардан қараганда, қиссаларингизда схематизм элементлари ҳам йўқ эмас. Қаранг, «Ренэ жумбоғи»да Аннанинг синов машқидан ўтишига, Ренэ бошқарган «Фотон» кемасининг нотаниш ҳаво қатламида ҳалок бўлишига, «Рея тошлари»даги Беганаснинг сигналиши, Пит Старк бошқарган «Позитрон» кемасининг ҳалокатга учраши бир-бирига ўхшайди. Бу икки қиссадаги Укен ва Беганаснинг бешбармоқ тайёрлашдаги пазандалиги ҳақида эпизодлар анча енгил. Ёки Аннанинг ота-онасининг ҳалок бўлиш воқеалари Адам тақдирида ҳам такрорланади. Адамнинг Зарина ҳақидаги ҳиссиётли ҳикояси Олмос Азизовнинг Кларани эслашига жуда-жуда ўхшаб кетади.

Машҳур фантаст ёзувчи Рей Бредбери шундай деган эди: «Фантастлар келажак ҳаётини шунчаки тасвирламайдилар, балки инсониятни огоҳлантирадилар.» Шу маънода тинчлик масаласи жаҳон кундалик ҳаётининг рўзномасига қўйилган ҳозирги пайда бадий фантастика маҳсуллари жуда зарурлиги сезилмоқда.

Шу йўлда сизга муваффақият тилайман.

Ғулом ҒАФУРОВ,  
филология фанлари кандидати.

## «Қанотли шеърлар»

**Анвар Ҳожи. Уғлимга мактуб. Шеърлар. Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент, 1985.**

Кейинги йилларда Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти шоир Анвар Ҳожининг «Таниш боғлар» (1970), «Сизга атайман» (1974), «Камалаклар диёри», (1978), «Кўкрагимда куёш кўраман» (1982), «Еш гвардия» нашриёти «Меҳрим» (1972), «Сенсан баҳорим» (1976), «Кўсақдаги хазина» (1979), «Умр дақиқалари» (1982), «Сўқмоқлар» (1983), «Уғлимга мактуб» (1985) шеърӣ тўпламларини нашр этди. Бироқ бу тўпламлар шоирнинг китобхон олдидаги масъулиятини оқлайди, дейиш қийин. Негак, уларнинг ҳаммаси иложи борича бир-биридан «қарз» олиб туради. Шоир 36 саҳифадан ташкил топган «Сенсан баҳорим» тўпламини нашр этганда тўртта шеърни «Таниш боғлар», бештасини «Сизга атайман», йигирма саккизтасини «Меҳрим» китобидан олган. «Уғлимга мактубда ҳам шоир аввалги тўпламларидан бир қанча шеърни олишга улгурган. Атиги сунгги йилларда нашр этилган икки тўплами — «Кўсақдаги хазина»дан йигирма еттита, «Сўқмоқлар»дан йигирма тўртта шеър киритган. Балки бу «қанотли» шеърлар ғоявий-бадий жиҳатдан баркамол, ўткир ижтимоий-сиёсий масалалар кўтарилганлиги билан китобхонга ёқиб тушар, деб ўйларсиз? \*

«Сенсан баҳорим» китобида «Умр» сарлавҳали шеър бор. Бизга у «Меҳрим» тўплами орқали таниш эди. Китобхонларга қайта тақдим этилган мазкур шеърга диққат қилайлик:

Вақт йўрғалайди мисли саман от,  
Дақиқалар унинг кичик тойчоғи.  
Бир пастда тонг отар, оқшом ҳам  
шу пайт  
Эшикда тургандек туолар гоҳи.

Умримиз ўтса ҳам елдек югуриб,  
Кунлардан дилларга зарра армон йўқ.  
Уқ ҳам тез учади, кўринмай туриб,  
Аммо у мўлжалга тегади аниқ.

А. Ҳожи бу шеърда умримиз тез ўтаётган бўлса-да, беҳуда кетмаётир, мўлжаллаган ниятимизга эришаётирмиз, демоқчи. Шоирнинг нияти дуруст, аммо уни бадийлаштириш-чи? Шеърнинг дастлабки икки мисрасида ҳаракатдаги вақт йўрға отга, дақиқалар тойчага қиёс этилади. Шоир вақт ва дақиқани она-болага ўхшатиб, мазкур тушунчаларни нотўғри идрок қилмоқда. Аслида, дақиқа ҳам вақт эмасми? «Кичик тойчоғи» иборасини шоир «Сенсан баҳорим» тўпламида «кичик ушоғи» деб ўзгартиради. У бу билан яхши поэтик ташбеҳ топдим деб ўйлаган бўлса, ажаб эмас. Бироқ дақиқалар саман отнинг кичик ушоғи деб айтилиши кулгули эмасми? Бизнингча, шоир биринчи мисрада вақтни нонга эмас, саман отга қиёслаганини унутиб қўйганга ўхшайди.

Шеърнинг иккинчи бандида гап инсон умри ҳақида боради. Шоир бу кичик шеърда вақт қадрини улугламоқчи ёки умр самарасини? Умуман, вақт ва умр тушунчаси мантиқан бир мазмунга эгами? Шоир масаланинг бу томони-

ни ўйлаб ҳам кўрмаган. Шеърдаги мантиқий хулоса бир ёқлама. Муаллиф умрни тез учар, кўзга кўринмайди, лекин мўлжалга аниқ тегадиган ўққа қиёслайди. Отилган ўқнинг нишонга аниқ тегиши ўқ узган кишининг маҳоратига боғлиқ. Елдай югуриб, ўқдай тез учиб ўтган умрларнинг ҳаммасини бирдек самарали, қувончли деб бўлмайди. Бу жиҳатдан шоир тезкор умрга хайрихоҳ бўлиб хато қилади. Умуман, «Умр» мўлжалга аниқ теккан шеър эмас.

Шоирнинг кўпгина «қанотли» тўртликларидан ҳам ғоявий ният аниқ эмас. Бир тўртликда инсон кексайганда йигитлигини эслаши, шу пайт ёшлигига қайтса, шубҳасиз қарилгини орзу қилиши таъкидланади. Мўйсафиднинг ўз йигитлигини кўмсашининг асоси нимада-ю, ёшлигига қайтгач, яна бирдан кексалигини орзу қилишининг сабаби нимада? Афсуски, бу маълум эмас.

Анвар Ҳожининг «Сизга атайман» тўпламидан «Камалаклар диёри»га олинган «Емғирли кун» шеърда ҳам ҳаёт лавҳалари реал тасвирланмаган. Шеър бир-бирига мантиқан боғланмаган икки ҳолат асосига қурилган. Дастлабкисиди, сурункасига уч кун ёққан ёмғирли кундаги табиат манзараси ва халқ ҳаёти, кейингисиди лирик қаҳрамоннинг дарча ёнида бекиниб ўтирган қизга муносабати берилди. Шоир кузнинг ёмғирли кунини жуда ваҳимали ифодалайди. Емғирдан боғлар кимсасиз қолади, одамлар ўзларини иссиқ хоналарга урадилар, осмонга термилишиб, куёшни кўмсашиб: «оразинг кўрсатгил», дея нола чекадилар. Емғир қаршисида ожиз, хонасидан чиқмай ўтирганлар орасида лирик қаҳрамоннинг самимиятини қозонган гўзал ҳам бор. Шоир унга шундай мурожаат қилади:

Сен ҳам хонангдасан,  
Дарча ёнида,  
Хаёл дарёсида сузарсан бу дам.  
Ҳуснини тарк этган боғларга боқиб,  
Сўлим навбаҳорни кўмсарсан сен ҳам...

Умуман, шеърда қаҳрамоннинг фасл гўзаллигидан эстетик завқ олиши сезилмайди. Аксинча, шоир баҳорга рамзий урғулар бериб, ҳаётни хазонрезлик бағрида кўради. Шоирнинг «Она Ер» номили шеъри «Кўсақдаги хазина», «Сўқмоқлар» китоблариди «Ватаним» деб ўзгартирилган. Хўш, бу шеър уч тўпламда қандай шакл ёки янги мазмун билан бойитиб берилди? Афсуски, мазкур асар иккинчи тўпламга кўчганда айрим қофиялар («чопар» — «чопди», «ўпар» — «ўпди», «ўрайди» — «ўради», «сўрайди» — «сўради»)гина алмаштирилган, холос. Учинчисига ўтганда эса бир бандга қисқартирилди. Мазмун ва ғояда ҳам ўзгарши бўлдимми? Шеърнинг биринчи банди дастлабки икки тўпламда шундай эди:

Мен дарахтман, теран илдизим,  
Она ерда мағрурдир қаддим.  
Кичик данак эдим мен ўзим,  
Тупроқ меҳри аро улғайдим.

Янги тўпламда бундай ўзгартирилади:

Мен дарахтман,  
Теран илдизим.  
Она ерда хуш ўтар дамим.  
Данак эдим — улғайдим ўзим,  
Тупроқ маним мангу ҳамдамим.

Биринчи вариантда объектив ҳақиқат заминда ижтимоий фикрни айтишга уриниш бор эди. Она ерда қаддини мағрур кўтариб турган, илдизлари бақувват бир дарахт тупроқ меҳри билан улғайганини фахрланиш туйғуси билан «гапирганди». Оддий бир данакни камолотга етказган заминга таъзим қилиш туйғуси бор эди. Бундай поэтик манзара маълум даражада мажозийлик касб этиб, инсон — Ватан ва халқ меҳри билан улғайди, деган ҳақиқат олға сурилган эди. Афсуски, шеърнинг сўнгги вариантда бу ғоя мутлақо тескари жанр-жанрлайди: илдизи теран, қадди мағрур дарахт меҳр бериб улғайтирган она ер хизматини тан олмай қўйди. Аввало «кичик»лигини унутиб, «данак эдим» деб жар солди, сўнгра тупроқ меҳри ва хизматини Инкор этиб «улғайдим ўзим», дея кеккайди. Балки, шоир бу ўринда Ватан, халқ, коллектив кучини тан олмайдиган, барча ютуқларни ўз шахсига боғлайдиган кишиларни қоралаётгандир? Асло, бундай эмас. Шоирнинг бу «кашфиёти» қош қўяман деб кўз чиқариш ёхуд масъулиятсизлиги натижасидир. Зотан, сўнги мисраларда дарахт она ернинг меҳрига қонганига иқроор бўлади: «Замин менга қучоғин очиб, Илик меҳрин менга йўллайди». Шеърнинг сўнги икки банди ҳам юқоридаги каби таҳрир этилган мисралар билан қайта нашр этилади.

Бадий жиҳатдан бўш шеърларни «пардозлаб», тўпламдан тўпламга кўчиришнинг намунаси сифатида «Ҳандалак» шеърини ҳам келтириш мумкин. Шеърнинг дастлабки вариантыда шундай парча бор эди:

Пастаккина бўйи бор,  
Кўк чопондан тўни бор.  
Баҳор ёзни боғлайди,  
Далага деб чорлайди.  
Тарвуз, қовун экчиси(?),  
Қуёшнинг бир дилчаси.

Янги тўпламда сўнги икки мисра бандга айлантирилади:

Узи бўлса ҳам митти,  
Ичи тўла шарбати.  
Тарвуз, қовун элчиси,  
Қуёшнинг бир парчаси.

Халқимизда шундай топишмоқ бор: «Пастаккина бўйи бор, етти қават тўни бор». Бу топишмоқ айтилганда болалар ҳеч ўйланмасдан: «Пиёз» деб жавоб беришади. Шоир «пиёзга «кўк чопон» кийдириб, ҳандалак ясабди. Бироқ бу мисраларни ўқиган китобхон ҳандалакни бошқа поллиз экинларидан ажрата оладими? Пастак бўйли, кўк қобиғли фақат ҳандалакми? «Чопондан тўни бор» дейиш эса мантиқан нотўғридир. Ахир, чопон дегани, айна пайтда тўн дегани эмасми? Ҳандалакнинг далага чорлашини қандай тушунмоқ керак! Меҳнат қилишгами ёки ҳандалакхўрликка! Шунингдек, «қуёшнинг бир дилчаси», «парчаси» каби мисраларда ҳам маъноли бирор фикр йўқ.

А. Ҳожининг «Ўғлимга мактуб» тўпламидаги «қанотли» шеърлар орасидан юқоридаги каби ғоявий-бадий жиҳатдан саёз, ўқувчига тушунилиши қийин, айна пайтда таажжуб уйғотадиган шеърларни кўплаб келтириш мумкин. Унинг «Юзга кирган бобом бор» шеърдаги куйидаги бандда ҳам фикр аниқлиги йўқ.

Бобом билан ҳар куни  
Шаҳар кезиб кўрсайдим.  
Бобом гоҳо дейдилар:  
— Қани тенгдош бўлсайдим!

Бу мисраларда шоирнинг маҳорати етишмаганлиги сабабли неваранинг ҳам, бобонинг ҳам эзгу-нияти тушунарли даражада ифодаланмаган.

Китобдан китобга шеър кўчириб тўплам ясаш, ғоявий-бадий жиҳатдан бўш асарларни ўқувчига қайта тақдим этиш А. Ҳожи ижоди учунгина хос эмас. Бундай қайта нашрларнинг адабиётимиз учун фойдаси йўқ. Ғоявий-бадий жиҳатдан саёз асарлар ўқувчининг эстетик идеалларини бойитолмаслиги аниқ. Зотан, социалистик реализм адабиётида ижод эркинлиги халққа, коммунизм ишига хизмат қилиш эканлигини ҳеч бир ижодкор унутмаслиги керак. Ижодда эркинлик масаласи ҳар қандай истеъдодсиз одамни шеър ёзишга мажбур этмайди. Гап — истеъдодсиз киши ёзувчилар сафига қўшилиб, улар учун яратилган имтиёزلардан фойдаланиб, адабий жамоатчилик фикрини ғоявий саёз, бадий жиҳатдан бўш асарлар билан чалғитганидир.

**Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ,**  
филология фанлари кандидати.

Неъмат Аминов

## Эл севган адиб

[Тақлид]

Машҳур ёзувчи Жавод Карим туғилган кунга 60 йил, ижодий фаолиятига 45 йил тўлди. Шу муносабат билан махсус мухбиримиз ёзувчини яқиндан танийдиган, унинг ижодидан баҳраманд бўлган турли касб эгалари ҳузурида бўлиб, улар билан суҳбатлашди. Қуйида шу суҳбатлар келтирилади.

## I. Ношир билан суҳбат

— Тажрибали ношир сифатида ёзувчи Жавод Каримнинг ижодига қандай қарайсиз?

— Жуда ўринли савол. Нашриётда йигирма йилдан буён ишлаб келяпман. Шу давр мобайнида салкам уч минг босма табақ қўлёзмани китоб ҳолига келтирганман. Шу китоблар орасида Жавод Каримнинг тўққизта асари бор. Булардан бештаси роман, тўрттаси қисса. Тўғриси айтсам, Жавод ака мард авторларимиздан. У муҳаррирга жуда ҳурмат билан қарайди. Унинг асарларини қанақасига таҳрир қилсангиз ҳам иши йўқ. Аксинча, хурсанд бўлади. Саҳифаларни «қора қон»га бўясангиз ҳам бепарво жилмайиб тураверади. Ҳажмга путур етмаса бўлгани. Яъни: сиз куйса куйсин-у, кадоб куймасин. Ёки аксинча: айрим шарттаки ёшлардан ўзи асрасин. Бунақаларнинг бирор калимасини ўзгартириб кўрингчи. Албатта Союздаги катта бир йиғинда сўзга чиқиб, обрўйингизни бир пул қилади. Ўтган йили Салим Ислон деганнинг китобини таҳрир қилган эдим. Келиб, қилди жанжал. Жумлаларини майиб қилган эмишман. Тавба! Ахир жумла дегани минигга қўйилмаган ҳўтиқмидики, майиб бўлса? Вой, нодон-э, ёшин улўф ҳам демайди-я. Китобини бошқа муҳаррирга олиб берди. Бу ҳам етмагандек мен таржима қилган китоблардан кир қидира бошлади. Бир жойда «половая тряпка»ни «жинсий латта» деб таржима қилган эканман, шўни икки юз кишилиқ йиғинга кўтариб чиқса бўладими? Ҳамма лаънат деди. Шу жиҳатдан қараганда, Жавод ака ўта андишали одам.

Жавод Каримнинг сизга маъқул энг яхши асарларини санаб берсангиз.

— Жуда оғир савол бердингиз. Муҳаррир сифатида у кишининг ҳамма асарларига меҳнатим сингган. Шундай экан, бу асарларнинг униси яхши, буниси бўшроқ дейишга ҳаққим йўқ. Ҳар қайси асарнинг ўқувчиси бўлади. Лекин шўни баралла айта оламанки, ёзувчи сифатида Жавод ака Михаил Шолохов, Алексей Толстой ёки ўзимиздаги Шокир Суробчалиқ машҳур бўлмаса-да, одам сифатида жуда мард, андишали йигит. Зарур бўлиб қолса, қўлидан келган ёрдамни аямайди.

Сўзимнинг охирида у кишини шонли юбилейлари билан табриклайман ва у кишига битмас-туганмас илҳом тилаб қоламан.

## II. Шогирд билан суҳбат

— Марҳамат, ўзингизни таништирсангиз.

— Фамилиям — Ермаев, исми — Ерқул, отчеством, паспортимда — Ержонович. Менинг ўқиб, улғайиб, одам бўлишимда Жавод акамларнинг хизматлари катта. Мен у кишининг ҳамқишлоқлари, оддий китобхонлари, камтарин шогирдларидан бири бўлганимдан ниҳоятда бахтиёрман. Жавод акам ҳаммамизнинг фахримиз. Отам билан бирга ўқиганлар. Шу киши туфайли ўқишни битирдим.

Ҳозир Жавод акамларнинг қанотлари остида ишлаб юрибман. Бадиий ижодни ҳам бошлаб юбордим. Яқинда «Қалдирғоч ғоч-ғоч» деган ҳикоямни ўқиб, «оқ йўл» ёзиб бердилар. «Ёшлик» журналидаги болалар уч ойдан бери босиб ётишибди. Бугун Жавод акамлардан илтимос қилиб, уларга қўнғироқ қилдираман. Қани босмай кўришин...

— Жавод акангиз катта ёзувчи. Шундайми?

— Албатта!

— У кишининг қайси китобларини ўқигансиз?

— Устознинг кўп китобларини ўқиганман. Яқинда нашриётдан янги чиққан китобларидан икки юзта авторский олиб келдим. Биринчи дастхатни ўзимга ёзиб бердилар.

— Қанақа китоб экан у?

— Ҳимм... «Қуёш... қуёшга салом».

— «Қуёшга таъзим»дир.

— Ҳа-ҳа, «Қуёшга таъзим». Шу китобларини икки марта ўқиб чиқдим. Жуда таъсирчан.

— Баракалла! Китобнинг бош қаҳрамони эсингиздами?

— Ҳимм... бош қаҳрамони бор... бош қаҳрамон... бош ҳарфи... шундай тилимнинг учиди турибди, нимаиди-я? Узларидан сўраб чиқайми? Ҳозир... ноқулай бўлмасмикин? Тортмамда турувди-я, кечагина уйга олиб кетувдим. Жуда зарур бўлса, эртага аниқлаб, обориб беришим мумкин. Устоз жуда аломат одам, сўрасам, бемалол жавоб бериб юбораверадилар...

### III. Бастакор билан суҳбат

— Халқимиз орасида қатор симфоник асарларингиз, эстрада ва хор капелласи учун ёзилган қўшиқларингиз билан машҳурсиз. Айтингчи, ёзувчи Жавод Каримни танийсизми?

— Бўлмасамчи. Катта йиғин ва юбилейларда тез-тез учрашиб тураимиз. Бўйлари пастроқ, овозлари жарангдор, тўла киши. Жуда шўх, аскиячи одам. Бир куни фойеда анекдот айтиб, одамларни кулдириб турган эканлар. Эшитиб қолдим. «Янги жойга ишга ўтган эдим, — дедилар у киши кулиб, — бўйи мендан баландроқ, хушомадгўй бир ходим бор экан. Эртасига келсам, унинг бўйи мендан пасайиб қолибди. Синчиклаб қарадим. Мендан баланд кўринмаслиги учун атайин пошнасини олдириб ташлабди, шоввоз. Бу ҳам етмагандек, менинг олдимда мана бундай эгилиброқ турарди...» Кула-кула ўлибман...

— Жавод Каримнинг қайси асарларини ўқигансиз?

— Кечирасиз, мен гуноҳкорман. Китоблари қўлимга тушмаган... Ҳеч нарсаларини ўқимаган бўлсам-да, радио ва телевизордан номларини эшитиб тураман. Нега куласиз? Ахир у киши ҳам мен ёзган симфонияларнинг номини билмайдилар-ку. Яқинда Жавод акамдан либеретто ёзиб беришларини илтимос қилдим. Рози бўлдилар. Баҳордан ҳамкорликни бошлаймиз. Умуман Жавод Карим катта талант, хушнақчақ инсон. Фурсаддан фойдаланиб у кишини шонли 60 йилликлари билан муборакбод этаман!..

### IV. Рассом билан суҳбат

— Машҳур рассом сифатида ёзувчи Жавод Каримнинг ижодига қандай қарайсиз?

— Машҳур рассом сифатида ёзувчи Жавод Каримовичнинг ижодига жуда яхши қарайман. Мен у кишининг портретларини ёзиш жараёнимда кўп нарса ўргандим. Жавод акамни натурадан ишладим. Айниқса унинг қарашлари, кенг пешонаси, учи сал япасқироқ бурни менга ёқди. Қиёфа... нима десам экан, жуда виразительный. Гўё бир қарашдаёқ сизнинг мана бу ерингиздаги, ҳа, юрагингиздаги сирларни, бор гапларни билиб оладигандай. Мана бу эскизга бир қаранг. Елкаларни кўринг: қандай кенг ва салобатли! Бу портретни мен иккию иккига ишлаганман. Асар кўпгина «ас» рассомларга маъқул бўлган. Усл нухаси адабиёт музейида турибди. Бу кишини (ҳа портретни) жуда арзонга, уч юз сўмга сотиб юборганман. Ушанда пулдан сал қисиниброқ турган эдим-да.

— Жавод Каримнинг ёзувчи ёки инсон сифатида қайси хислатлари сизга кўпроқ ёқади?

— Жавод Каримович аввало инсон сифатида менга жуда манзур бўлди. Уч ойча уйларига қатнаб портретларини ишлаганман. Яширишнинг ҳожати йўқ. Ишдан кейин ҳар куни бирга ичган пайтларимиз кўп бўлган. Камтарин, меҳмондўст, қўли очик, сахий инсон. Жавод Каримович катта ёзувчи бўлишига қарамасдан халқимизнинг миллий таомлари — палов, кабоб ва қайнатма шўрвани қиёмига етказиб



тайёрлар экан. Бу таомларга ўзларича «жавод палов», «кабоби жаводий» деб ном қўйганлар. Дидимиз ҳам мос келади. Ичкиликдан менга ўхшаб «Белый аист»ни ёқтираркан. Хуллас, Жавод Каримович ёзувчи сифатида ўта улфат, меҳмондўст инсон. Ижод аҳлининг ҳаммасига кўлидан келганча ёрдам бериб келади. Бизга ҳам устахона олишга яхши ёрдам берган.

— Охирги савол. Жавод Каримнинг қайси китобларини ўқигансиз?

— Жавод Каримовичнинг менда атиги битта китоби бор. Портретни тугатган куним Москвада чиққан бир китобларига автограф ёзиб берган эдилар. Афсуски, ҳалига қадар шу китобни охиригача ўқий олганим йўқ. Икки-уч марта ўн-ўн беш бетдан ўқидим. Кейин бошқа ишлар билан бўлиб вақт топа олмаяпман. Буни ҳозирча ёзмай турунг. Яхши одам, хафа бўлишлари мумкин...

## V. Танқидчи билан суҳбат

Ёзувчи Жавод Каримни танисангиз керак.

— Аввало саволни бу тартибда қўйиш унчалик ўринли эмас. Чунки бугунги ўзбек китобхони орасида Жавод Каримни танимайдиганлар жуда озчиликни ташкил этади. Жавод Карим ҳозиржавоб, сермаҳсул адибларимиздан. Ҳоҳ замонавий, ҳоҳ тарихий мавзуда бўлмасин, барча жанрларда фаол қалам тебратиб келмоқда. Унинг қатор асарлари каминанинг китоб жавонидан ўрин олган.

— Ёзувчининг қайси асарлари сизга кўпроқ маъқул?

— Ажратиб кўрсатишим қийин. Ҳар қалай, маъқуллари ҳам йўқ эмас. Ўтган йил журналда чиққан бир мақоламда санаб ўтганман. Қисқаси, Жавод Карим жуда меҳнаткаш, сермаҳсул, камтарин ижодкор. Сюжет қуришда айрим жузъий камчиликларга йўл қўйишини ҳисобга олмаганда ёзган асарлари анча ўқимишли, деса ҳам бўлади.

— Бизнингча сиз ўта ҳақгўй, принципиал танқидчисиз.

— Менми?

— Ҳа, сиз. Энди тўғриси, виждонан айтсангиз, Жавод Карим қандай ёзувчи?

— Оббо сиз-эй, жуда қаттиқ ушладингиз-ку. Орага виждон тушдими, демак, тўғриси айтишга мажбурмиз. Фақат, жон ука, бу гап орамизда қолсин. Ўзи эшитса яхши эмас. Бечора Жавод ака ёзувчи сифатида ўртача, ҳа ўртамеёна бўлса-да, одам сифатида жуда яхши киши. Ешларга меҳрибон. Мана, бир мисол, бундан беш йилча олдин қайнотамиз қазо қилганда уч кун бел боғлаб ёнимда турган. Бўлмаса камина ўшанда биров танимайдиган оддий аспирант эдим. Ишонмасангиз унинг қандай ёзувчи эканлигини бошқалардан ҳам сўраб кўринг.

— Сўраб кўрдим.

— Хўп, уларнинг фикри қандай?

— Ҳаммалари бир овоздан «Жавод Карим яхши одам» дейишади...

— Ана, айтдим-ку, мен ёлгон гапирмайман, деб, хайр!.. Энди, бир илтимос, интервью тайёр бўлгач, олиб келсангиз, бир кўз ташлаб бераман. Ҳар қалай, эҳтиёт бўлган яхшироқ. Хўп, хайр...

### ГУЛҚАЙЧИ:

Юқоридаги фикрларга қараганда, Жавод Карим ўртача ёзувчи бўлса-да, яхши одам экан. Лекин адабиётимизда ўртача ёзувчи ва айна пайта «ёмон одам» бўлиб юрганлар ҳам йўқ эмас. Бу даргоҳда «ёмон одам» бўлгандан кўра ўртача ёзувчи бўлиб юрган афзалроқ. Фақат Жавод Карим адабиётда Ерқул Ермаевга ўхшаган ўртачаларни кўпайтирмасдан, яхши одамларни кўпайтирса бўлгани.

## Қалб жароҳати

Ахлоқшунос олим Петр Степанович Журавелин ишдан асабийлашиб, юзлари қизариб-бўзариб қайтди-ю, бепарвогина стол тузётган хотини Серафима Игнатъевнага ҳасрат қила кетди:

— Азизим, ҳозиргина менинг қалбимга қаттиқ жароҳат етказишди! Ҳозиргача ўзимга келолмаётиман. Нима қилсам бўларкин...

— Ҳақдоридан биттасини ютасанда, — деди хотиржамлик билан хотини. — Ҳозир опкеламан.

— Йўк, йўк! Анави заҳар-заққумингдан қолгандир балки? Ушандан бир қултумгина ичақолай.

Серафима Игнатъевна «ихтиёринг» дегандай елка қисдию истамайгина буфетга қараб юрди. Журавелин ҳамон жунжиқар, хонанинг у бошидан бу бошига қатнаб, ҳадеб бир гапни такрорларди:

— О аблаҳлар-эй, о маразлар-эй!

Кейин у жойига ўтирдию жаҳл билан карам салатига вилка тикди. Ҳеч вақо илинавермагач, вилкани тарақлатиб столга урди-да, бошини чангаллади:

— О аблаҳлар! Қандоқ қилсак булардан қутуламиз-а? О, ярамаслар...

— Нима бўлди, ўзи, Петр, гапирсангчи одамни қон қилмасдан?

— Ҳозир! Серафима, менга анавингдан яна ярим қултум қуй. Ҳеч ўзимни босолмаётиман-а.

— Бўлди, қўймайман! Менинг асабларимни ҳам қақшатиб юбординг. Тезроқ ва лўнда қилиб гапир, нима бўлди ўзи?

— Э, уф-ф, ҳозир ўзимизнинг бурчакдаги магазинга кирдим-да, — хўрсиниб гап бошлади Журавелин. — Тушликка биронта тузланган балиқ олмоқчийдим. Нимагадир кейинги пайтда шўртангроқ нарсалар егим келяпти. Балиқ бўлимида навбатда турсам, кўз олдимда шундоқ бир аблаҳлик юз бердики!.. Магазинчи қиз ҳамманинг олдида муштипаргина бир кампирни шунақанги ҳақорат қилдики!.. (Журавелин ўша ҳодисотни кўз олдига келтириб, қалтираб кетди.) Мен албатта кампирнинг ёнини олдим. Ана шунда, десанг, оқ қалпоқ кийган бу жодугар қиз, кампир қолиб мени бўрала-тиб сўка кетди-ку... Мен дарҳол шикоят дафтарини талаб қилгандим, бироқ дафтар ўрнига... Ҳа майли, мен унга кўрсатиб қўяман ҳали «қилтириқ сўтак» деб ҳақорат қилишни!

— Сабр қил! — дея эрининг гапини бўлди Серафима Игнатъевна. — Қайси магазинчи, билан айтишинг? Келишган, қизил юзлиги биланми?

— Ҳа, ўша лавлаги башара билан! Бари бир мен унинг исми-шарифини аниқлашга муваффақ бўлдим, қаергадир ёзиб ҳам қўювдим... Ҳа, мана — Татьяна Наумова.

— Э! — деб хитоб қилди Серафима Игнатъевна. — Бу менинг Танямку, ахир!

— Қанақа Таня? Нега у сеники бўларкан?

— Бу деганимки, мен уни биламан, уям мени жуда яхши танийди. Ҳамма вақт биринчи бўлиб салом беради. «Салом, Серафима Игнатъевна!» — деб менга ҳар хил илтифотлар кўрсатади, янги балигидан олиб қўяди... Ана шунақа... Албатта, менам қуруқ қўймайман, гоҳо бир сўм пул қистираман, гоҳо кўнглини оладиган гап топаман. Келиб-келиб у билан уришганингни қара-я! Бошқа магазинчи қуриб кетганимиди!?

— Ахир бошқаси эмас, айна ўшаниси кампирга бақирди-да! Бундан чиқди, у пора ҳам оларди! Жуда яхши! Буниям қўшиб қўямиз бир чеккасига...

— Тўхта, нима қилмоқчи ўзи?

— Газетага ёзаман! — дея қатъий қарорини баён қилди Журавелин. — Иккинчи нусхасини эса халқ контролига жўнатаман. Сенинг Таняннга ўхшаганларга совет савдо системасидан ўрин йўқ! Бечора кампирга қандай бақирганини эсласам, бошимдан муздай сув қуйилгандай бўлади. Зиқналиқ қилмасдан яна озроқ қуйсанг-чи!

— Бўлди, бошқа бермайман! Айт-чи, унинг кампирга нима учун бақирганини билиш ҳам керакдир эҳтимол? Агар кампир сенинг онангга ўхшаган бўлса...

— Волидамга тил теккизмаслигингни илтимо с қиламан! — деб қичқирди Журавелин ва столни қулочкашлаб урди.

Серафима Игнатъевна сунъий истехзо билан кулиб, яна эрига гап уқтира бошлади:

— Нима наф топасан шу хатдан-а? Ҳеч нима! Таня-ку, бир бало қилиб қутулиб кетади-я, лекин кейин менга қайрилиб ҳам қарамайди-да...

— Мен сенинг эринг эканлигим унинг тушига ҳам кирмаган-ку, ахир!

— Хотинларнинг қулоғи тўртта бўлади, билсанг, азизим! Сен хатингга имзо чекасанми? Албатта. Текшир-текшир бошланадими? Буниси табиий! Мен эса, Таняга эрим театрда ишлашини айтмаган бўлишим мумкинми, ахир?! Унга ҳатто бирда тикилинч спектаклларга Володянг орқали руҳсатнома ҳам олиб бергандим...

— Жин урсин сени! Минг марта айтаманки, мендан берухсат Володяга иш бунормагин! — деб ўшқирди Журавелин. Серафима Игнатъевна лабларини буриб, тескари қаради. Кейин секингина ёлборган бўлди:

— Петруша, сендан ўтиниби сўрайман, ёзмагни шуни. Бечора қизчани бекор хафа қиляпсан!

— Бу қизча эмас, калта юбка кийган босқинчининг ўзи! Албатта ёзаман! Ижтимоий виждоним менга шу ишни қилишни буюради.

— О, одамлар, манави жамоат арбобини кўриб қўйинглар! — деди хотин йиғламсириб. — Ўз жуфтингни хафа қилишга ҳам ижтимоий виждонинг йўл қўяркан-да, а?

Журавелин ўрнидан турди, қатъий қилиб:

— Мактуб бугуноқ тегишли жойларга жўнатилади! — деди-да, хонасига кириб, эшикни қарсиллатиб ёпди. Ёзув столига келиб ўтирди, қоғоз-қалам олиб, газетага хат ёзишга тутинди.

Ёзганини ўқиб чиққан эди — ёқмади. Қоғозни қиймалаб ташлаб, янгидан ёза бошлади. Ўқиб чиққан эди — буниси ҳам маъқул келмади. Қорин очликдан қулдираб, каллага нуқул бўлмағур фикрлар келарди.

«Серафима ҳақдир балки? — дея халга ботди Журавелин. — Кошки хат билан иш битса экан. Жин урсин бу Таняни! Э, у маразларнинг биринчиси ҳам, охиргиси ҳам эмас-ку. Хотин билан ярашиш керак. Айниқса, қорин очлигида. Бир камим энди ошхонама-ошхона юриш қолувди».

У ўрнидан туриб эшикни очди-да, хотинини чақирди:

— Серафима!

Жимжитлик.

Журавелиннинг овози ройиш тортиб, шамолда тебранган қамишдай ширали чиқди:

— Серафимчик!

Кўзлари нигорон тортиб, бор тароватини қадди-қоматига ёпишиб турган кўйлакка жамлаган Серафима Игнатъевна ошхонага чиқди.

— Кел, энди ярашайлик, Серафимам! — мулойим сўз бошлади Журавелин. Қизиқ, шу пайт қорнининг қулдираши ҳам алланечук майин ва нозиклашганлигини сезди. У хотинининг таранг юзларидан ўпди. — Майли, хатни ёзмаганим бўлсин. Лекин бари бир сен бу оиймтиллангга уқтириб қўй, кексаларни ҳақорат қилиш яхши эмас.

Серафима эрига ўпич қайтардию:

— Сен хатни албатта ёзасан, Петруша! — деди қувониб. — Мана, мен салгина қоралаб қўювдим, қолганини таҳрир қилиб имзо чексан бўлгани.

Журавелин қоғозни қўлига олди.

— «Таня Наумова, — дея ўқий бошлади, — магазинимизнинг ҳаммага ўрнатилган сотувчиси... харидорлар билан ўта хушмуомала, камтарин бир инсон...» Бу нимаси, Серафима?

— Петрушенька, тушунсанг-чи, азизим... Кампир албатта унинг устидан шикоят қилса кераг-ов. Бечора Таняни бу ҳақда огоҳлантириш, қолаверса, мушкулни енгиллаштириш керакми? Керак! Тушунгандирсан энди?

Серафима Игнатъевнаниннг кўзлари шу қадар ўтинч ила жовдираб турар, лаблари шундай жозибадор эдики... Журавелин хатни олди-да, унга жимжимадор қилиб имзо қўйиб юборди.

Кейин еган овқат чунонам мазали туюлдики...

Русчадан Бахтиёр КАРИМОВ таржимаси.

---

## ҚАДРЛИ ЖУРНАЛХОН

*ЎЗИНГИЗГА МАЪЛУМКИ, 1986 ЙИЛ — ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАРГА БОЙ ЙИЛ ЯҚИНЛАШИБ КЕЛМОҚДА. 1986 ЙИЛДА КПСС XXVII СЪЕЗДИ, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XXI СЪЕЗДИ БЎЛАДИ. ЯНГИ ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК РЕЖАЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНАДИ.*

*МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЖАМИКИ МЕХНАТКАШЛАРИ ҚАТОРИ РЕСПУБЛИКАМИЗ АДИБЛАРИ ҲАМ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИЮНЬ (1983), АПРЕЛЬ (1985 ЙИЛ) ПЛЕНУМЛАРИ ҚАРОРЛАРИДАН, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XVI ПЛЕНУМИ КЎРСАТМАЛАРИДАН РУҲЛАНИБ, ЯНГИДАН-ЯНГИ АСАРЛАР ЯРАТИШАПТИ, ХАЛҚ ҲАЕТИГА ЯНАДА ЧУҚУРРОҚ КИРИБ БОРАЯПТИ.*

*ЖУРНАЛИМИЗ ЯҚИН СОҢЛАРДАН БОШЛАБ, «КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА», «ЖАҲОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ».*

**«ОШКОРА СУҲБАТ» (АНКЕТА), «БАҲС», «ОДАМИ ЭРСАНГ...», «ЕЧИМИНИ КУТАЕТГАН МУАММОЛАР», «БИР ҚУЛТУМ ФОЖИАСИ», «ЖУРНАЛХОН МАВЗУ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ...» КАБИ ЯНГИ РУБРИКАЛАР ОСТИДА СИЗЛАРНИ УЙЛАНТИРГАН ҚАТОР МАСАЛАЛАРНИ ЕРИТИШНИ РЕЖАЛАШТИРГАН. АММО ҲАР ҚАНДАЙ АСАРГА ЭНГ ХОЛИС БАҲОНИ КИТОБХОН БЕРАДИ. ШУ БОЙСДАН СИЗ — ҲУРМАТЛИ ЖУРНАЛХОНЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛЯПМИЗ. УШБУ САВОЛЛАРИМИЗГА ЖАВОБ ИУЛЛАСАНГИЗ:**

**1. 1985 ИИЛНИНГ ШУ ПАЙТИГАЧА ЖУРНАЛИМИЗДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АСАРЛАРНИНГ ҚАЙСИ БИРИ СИЗГА АЙНИҚСА МАЪҚУЛ БУЛДИ?**

**2. ИИЛ БОШИДАН БЕРИ ЖУРНАЛДА ЧИҚҚАН АСАРЛАРНИНГ ҚАЙ БИРИ СИЗГА МАЪҚУЛ ТУШМАДИ?**

**3. ЖУРНАЛИМИЗНИНГ КЕЛГУСИ СОНЛАРИДА, ҚОЛАВЕРСА, 1986 ИИЛДА ҚАЙСИ ЕЗУВЧИ, ШОИР, ДРАМАТУРГ ВА МУНАҚҚИДЛАРНИНГ АСАРЛАРИНИ УҚИШНИ ХОҲЛАЙСИЗ?**

**4. ЖАҲОН, РУС КЛАССИК ВА ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР АДАБИЕТИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ҚАЙСИ АСАРЛАРИ ЖУРНАЛИМИЗДА ЧИҚИШINI ИСТАЙСИЗ?**

**5. ШАХСАН УЗИНГИЗНИ ҚАЙСИ МУАММОЛАР ТАШВИШГА СОЛЯПТИ? ҚАНДАЙ ПРОБЛЕМАЛАР ҲАҚИДА ДОЛЗАРЪ, УТКИР АСАРЛАР, МАҚОЛАЛАР, БАҲСЛИ СУҲБАТЛАР УҚИШНИ ХОҲЛАЙСИЗ? (ЭНГ ЖУЪЯЛИ ТАКЛИФЛАР ЖУРНАЛДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ).**

**6. ИСМИ-ШАРИФИНГИЗ, ЕШИНГИЗ, КАСБИНГИЗ.**

**МАДОМИКИ, ЖУРНАЛ СИЗЛАРНИКИ ЭКАН, УЗ ТАКЛИФЛАРИНГИЗНИ ЕЗИБ ЮБОРАСИЗ, ДЕБ УМИД ҚИЛАМИЗ.**

**ДУСТОНА ҲУРМАТ БИЛАН  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИ РЕДКОЛЛЕГИЯСИ.**

На узбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)  
№ 9

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1985

Рассом **Х. Лутфуллаев.** Техник редактор **М. Аҳмедов.** Корректор **М. Еқубова.**

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 4.07.85 й. Босишга рухсат этилди 13.08.85 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Р-09379. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 155934. Заказ 1231.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П. Ленин проспекти 41.

С «Шарқ юлдузи», 1985.

Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.